



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Петре Сэлкудяну

ГУМРОХ



Петре Сэлкудяну
ГУМРОХ

РОМАН



УДК: 821
ББК 84(4 Рум)
С 99

Русчадан
Тўлқин АЛИМОВ
таржимаси

Сэлкудяну, Петре.


С 99 Гумроҳ / П. Сэлкудяну; русчадан Т. Алимов тарж. —
Т.: O‘zbekiston, 2011. — 392 б.
ISBN 978-9943-01-653-8

Фашизм, терроризм, диний экстремизм ва шу каби жирканчли оқимларнинг кўриниши турлича бўлгани билан илдизи бир бўлган заққум дарахтининг турли шохларидир. Уларнинг мақсади, мафкурасининг моҳияти бир хил: инсониятга жароҳат етказиш. Уларнинг жирканчли башараларини, мудҳиш қилмишларини фош этувчи асарларни қанчалик кўп чоп этиб, ўқувчи қўлига етказсак, инсониятнинг оғриқли жароҳатларига шунчалик кўп малҳам қўйган бўламиз.

Таниқли румин ёзувчиси Петре Сэлкудянунинг «Гумроҳ» романида фашистлар мафкураси билан заҳарланган ёш йигит Василенинг аянчли қисмати қаламга олинади. У, ҳатто фашистлар мафкурасига хиёнат қилганликда айблаб, ўз отасини сотишгача боради. Василе хатосини тушуниб етганда вақт кеч бўлган эди. Ёш йигит руҳан эзилиб, отаси отилган чуқурга йиқилади-ю, ҳаётдан кўз юмади. Унинг ўлими инсониятга ҳар хил зарарли оқимлардан нари юринг, деган ҳайқирикдай жаранглайди.

Роман жуда қизиқарли воқеалар асосига қурилган.

УДК: 821
ББК 84 (4Рум)



24430

ISBN 978-9943-01-653-8

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2011

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Паровоз оғир юк ортилган вагонларни аранг судраб бормоқда. Охирги вагоннинг майдончасида турган кондуктор Иримие-нинг саломига жавобан ўчган чироғини силкитиб қўйди. Состав узоқлашиб, кўздан йўқолгач, Иримие кир, сариқ байроқчасини чўнтагига тикди-да, ёғ босган шапкасини бостириброқ кийиб, шлагбаумдан стрелка томон йўл олди. Сўнг темир йўлнинг шундоқ ёнгинасида жойлашган кулбасига қараб қўйди, бироқ хотини кўринмади. Кафтига туфлаб, оғир ричағни осонгина кўтарди-ю, стрелкани тўғрилаб қўйди.

Иримие темир изларни диққат билан кўздан кечириб, уларнинг зич турганига ишонч ҳосил қилгач, семафор тарафга қаради. Шу топда у яқинда ўтадиган поездни кўз олдига келтирди, унинг стрелкага етиб келгач, бир йўлдан иккинчи йўлга илдам ўтиб кетишини тасаввур қилиб кўнгли жойига тушди. Иримие будкасига етай деб қолганида деразанинг шарақлаб очилгани ва хотинининг шангиллаганини эшитиб тўхтади:

— Ҳой, Иримие, анави безоринг мени яна сўкди...

Дераза тарақлаб ёпилди. Иримие кўкрак чўнтагидан илга боғланган ҳуштагини олиб, бир марта қисқа ва икки марта қулоқни қоматга келтириб чўзиб-чўзиб чалди. Кейин ҳуштакни яна чўнтагига солиб супургини олди-да, излар орасида йиғилиб қолган ифлос қорни супура бошлади.

Бироқ у тезда жаҳлидан тушди. Иримие ҳуштак чалганча стрелкаларни тозаларкан, вақти-вақти билан супургини бир четга қўяр ва латта билан уни ярқираб кетгунга қадар артарди. Кейин симнинг учига ўраб мойга ботирилган латтани оларди-да, ҳалиги ялтиратган жойларини ихлос билан мойларди.

Иримие изга ўтирди. Бу ердан учта йўл ўтган эди: бири сўл томонга, иккинчиси эса тўппа-тўғрига кетган бўлиб, унинг излари гўё бора-бора бир-бирига қўшилиб кетгандай кўринарди. Ниҳоят, учинчи йўл иккинчи йўлни турли хавф-хатардан

сақлаш учун солингандай унга ёнма-ён тушган эди. Иримие биринчи йўл тўғри шаҳарга боришини, излари орасида ўт-ўлан ўсиб ётган учинчиси эса қўшни шаҳарчада тугашини биларди. Вагон ғилдираклари ялтиратиб юборган, мой, керосин, кўмир кукуни тўкилавериб қорамтир тусга кирган шағал кўтарма устидаги иккинчи йўл, ҳатто Иримиенинг хаёли ҳам етмайдиган узоқ жойларга олиб борарди. Мана шу ўрта йўлга айрича эътибор билан қараларди. Иримие иккинчи йўлга қараб туриб хаёлга берилиб кетди, у гўё йўлдан кетаётибди-ю, йўл туташган бекатлардан қандай ўтишини, бирга келган йўловчилар билан поезддан қандай қилиб ташқарига чиқишини, қўшни вагондагилар билан қандай суҳбатлашишини кўз олдига келтирди.

Иримие Негоицэ ёнгинасида таниш оёқ товушларини эшитиб, ўзига келди. У ўрнидан турди, қаршисида катта ўғли Василе бақрайиб турарди.

Василенинг қўлтиғида папка, бир неча жойидан яхшилаб тикилиб, мойланган бир жуфт бокс қўлқопи бор эди. Иримие ўғлига бошдан-оёқ шубҳаланиб қараб чиқди. Кейин унинг назари бурни остидаги сабза урган мўйловларида тўхтади-ю, ўзича, йиллар ҳам ўтиб кетибди, Василе ҳам энди бола эмас, бўй чўзиб қолибди, деб қўйди.

— Онангни нега ҳақорат қилдинг? — сўради Негоицэ.

Василе бўлса отасининг сўроғига жавоб бериш ўрнига лабларини тишлаб, ботинкасининг учи билан ерга ёпишиб турган қиррали тошни ковлай бошлади.

— Силе, эшитяпсанми? Сен тўнкага гапиряпман.

Василе чўчиб кетди. Отасининг бундай беозоргина сўкиши унинг ҳазилакам жаҳли чиқмаганини кўрсатиб турарди. Василе бемалол туриб олиш учун оёқларини бир оз керди-да, кейин ҳеч қандай қўрқувсиз отасига жимгина тикилиб нима бўлишини кутиб тураверди.

— Нима, эшитмаяпсанми? Нега уни сўқдинг? — у шундай деди-ю, тарсаки тортиб юборди.

Василе ҳатто тебранмади ҳам. Фақатгина қўлтиғига қисиб турган папкаси билан қўлқопи қорга тушиб кетди. Василе гўё ҳеч нарса бўлмагандай уларни олгани энгашди. Қўлқопни оларкан, унинг биттаси ифлос бўлганини кўрса ҳам артишга ҳаракат қилмади. Бироқ отам билан жанжалимиз тамом бўлгандан кейин артиш эсимдан чиқиб қолмасин дегандек, ҳар замон-ҳар замон унга нигоҳини ташлаб қўярди.

— Василе, ўзингни бундай тутишга сира ҳаққинг йўқ. Гарчи, у ўз туққан онанг бўлмаса ҳам сени катта қилди, ювиб-таради, кийинтирди, едирди. Сен ўз нонингни ўзинг топиб ейдиган бўлганингдан кейингина билганингни қиласан, — Негоицэ шундай деди-ю, хўрсиниб қўйди: унинг ўглини урганига ачинаётгани яққол билиниб турарди.

Василе шундан кейингина отасининг олдида турганидан бери биринчи марта ерга қаради. Иримие орқасига ўгирилгач, секин-аста одимлаб қўлқопчани артишга тутинди. Негоице унинг орқасидан қаради. Ўглининг кенг яғринли, бақувват елкасини кўриб, бугун кечгача энди таъбим хира бўлади дегандай, беихтиёр калласини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Хўш, Иримие, тартиб ўрнатяпсанми? — унинг орқасидан овоз келди. Иримие ўгирилиб, қўшниси Байяшни кўрди. Унинг соқол-мўйлови тарашланган, тишининг оқини кўрсатиб илжайиб турарди.

— Ишларинг қалай, Виссарион?

— Пачава.

— Иш-пиш топдингми?

— Э, қаёқда...

— Ие, ахир, ботинканг, шимларинг янгиланиб қолибди-ку.

— Шунақа...

Байяш беш-олти қадам юриб бориб, худди бир нима эсига тушгандай шартта тўхтади-ю, такаббурлик билан елкасини учириб сўради:

— Матей тунги сменадами?

— Ҳа, тунги сменада.

Виссарион Байяш Негоицэнинг жавобига парво ҳам қилмай қўлларини шимининг чўнтагига солди-ю, пешанасига тушган толим-толим сочларини орқасига қарата боши билан силкитасилкита лайлак юриш қилиб қовоқхона тарафга кетди.

Негоицэ асбоб-ускуналарини йиғиштириб будкасига обориб қўйди. Кейин Байяш кетган ёққа бир қараб қўйди ва чироқларни ўчириб қўйиш учун семафор томон йўналди.

«Бир вақтлар қанақа одам эди-я», — ўзича ўйлади Негоицэ бош чайқаб.

Негоицэ соатига қаради. Етти ярим. Агар уруш бўлмаганда, ҳозир бу пайтда навбатчи келарди. Энди-чи, сурункасига ўн икки соатдан ишлашга тўғри келяпти.

Иримие уйининг олдида келганда лой шувоқ хужрасига назар ташлади. Бир жойда шувоғи кўчиб тушибди. Қўлим бўшаса

«кошона»ни шуваб қўярман, деб қўйди. Бир куни кечқурун Матей қовоқхонада ўтириб, нима ҳам бўлди-ю, атиги ўнтача уй жойлашган уларнинг кичкинагина кўчасига «Кўркам кўча» деб ном берган, Иримиенинг лой шувоқ уйини эса «кошона» деб атаган эди.

Негоицэнинг уйи бор-йўғи икки хонали бўлиб, ҳовлисида эса товукхона, оқланган ҳожатхона-ю, ўтин тахлаб қўядиган бостирмадан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Негоицэ семафор тарафга кетди. У семафорнинг тутқич занжирлари осилиб турган темир устунлар олдига келиб тўхтади. Занжирларни бирин-кетин тортиб шишаси қорайиб кетган, ёниқ чироқларни пастга туширди-да, ўчирди. Кейин яна уларни шошилмасдан юқорига кўтариб қўйди.

2

Отаси тарсаки тортиб юборганига Василенинг сираям жаҳли чиқмади. Агар у Карл Шерг ёки бошқа болаларга ўхшаш нимжон бўлганда эди, отасининг қаттиққўллиги нафсониятига теккан бўларди. Лекин шу билан еган тарсакисидан хурсанд бўлди, дейиш ҳам мумкин эмас эди, шунчаки, бундан унча хафа ҳам бўлмади, жаҳли ҳам чиқмади. У отасига қараганда бақувват, кенг яғринли, агар урадиган бўлса, отасидан кучлироқ одамни ҳам бир мушт билан қулатиши мумкин. Отасининг калтагига индамаганининг боиси боланинг отага ҳурмати эмас, балки Негоицэнинг бундай муомаласи ҳеч қандай натижа бермаслигини билдириб қўйиш хоҳишининг азбаройи зўрлигидан эди. Бироқ бегона одамдан эмас, ўз отасидан кучли эканлигини ўйлаб, пинҳона шодланаётганидан ҳар қалай виждони азоб чекарди.

Василе отасини севарди. Лекин бу севги қачонлардир туйган фарзандлик севгисининг соясига айланиб қолган эди. Бир неча йил муқаддам биронта одам Негоицэга ҳатто дилида шак келтирмоқчилигини сезиб қолгудек бўлса, отасининг шаъни учун ҳар нарсага шай эди. Зеро, отасини ўла-ўлгунча ҳимоя қилишга онт ичган эди. Мана бугун эса, ўзи шаккоклик қиляпти. Негоицэнинг тарсакиси тушмаган иккинчи юзи ҳам биринчи юзи каби қизариб кетди. Шунда Василе бир кўнгли орқасига қайтиб, отасидан кечирим сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин аксига олгандай унинг оёқлари ўзини ҳам ҳайратда қолдириб қадамини тезлатаверди. У буни мактабдан кечикаётганига йўйиб, ўзини оқлади. Чунки, бугун айниқса, кечикиш сираям мумкин эмас. Биринчи

дарс синф раҳбарининг дарси. Ундан ташқари, ўқитувчи Шульц кеча муҳим бир хабарни эълон қиламан, деб ўқувчиларни огоҳ-лантирган эди.

Василе кўчанинг нариги томонида ўгай укаси Ионуцни кўриб қолди-ю, ихтиёрсиз кўзининг олдида ўгай онаси Элизанинг, кейин азиз онажони Хильданинг — туққан онасининг қиёфаси жонланди. Шундан кейин Василе отасининг олдида қайтмаганига, бориб кечирим сўрамаганига афсусланмади, Негоицэ назарида узоқ-узоқларда қолиб кетгандек эди. У фақат Хильда қиёфаси орқали ғира-шира кўзга ташланар, шунда ҳам ҳозиргисига ўхшамас, мутлақо бошқача эди.

Василе ойисининг отаси ҳақида илиқ гаплар айтганини, ажойиб гўзал жойлар бору, афсуски, камбағаллигимиз касофати билан ўша ерларга саёҳат қилолмаймиз, деган сўзларини хотирига келтирди. Ойиси ҳар куни кечқурун ухлаш олдидан унинг бошига чўнқайиб ўтириб оларди-да, яхши ўқи, камбағалда билимдан бўлак ҳеч қанақа бойлик йўқ, деб қулоғига қуйгани қуйган эди. Шундан кейин куз кунларининг бирида тўсатдан уйлари-нинг қора кийинган одамлар билан лиқ тўлганини кўрди. Василе шу нарсани ҳам унутолмайди: орадан бир ой ўтар-ўтмас отаси уни чақириб, онаси ўлими олдидан ёлғиз ўғли ўзгалар қўлида етимлик жабрини тортмаслиги учун синглиси Элизага уйланишини васият қилиб кетганини айтди. Шундан кейин уларнинг оиласида бир ёшли ўғли билан Элиза пайдо бўлди. Элиза уларнинг ҳаётига мана шундай кириб келди. Лекин энди бу ҳаёт илгариги ҳаётига, Василенинг онаси тирик бўлган пайтидаги ҳаётга сираям ўхшамасди. Василе онасининг васияти, охириги орзуси сифатида Элизани яхши кўришга, унга меҳр қўйишга анча-мунча ҳаракат қилди. Лекин ўрганолмади, кейин бора-бора уни она ўрнида кўролмаганига ҳатто афсусланмади ҳам. Чунки ўз ойисининг қачонлардир гапирган, унинг мурғак қалбига жоб бўлиб қолган гапларини Элизанинг оғзидан эшитганда, бу гаплар унга нима учундир ҳақоратдек бўлиб туюлар эди. Василе отаси Элизани севишини билганидан кейин ўзини бу хонадонда ёлғиз сеза бошлади. Йиллар ўтиб Василе улғайгач, кундан-кун отасининг ойиси мақтаган, шаънига илиқ сўзлар айтган одамга мутлақо ўхшамаслигини сеза бошлади. Лекин шундай бўлса ҳам отасини ёмон кўрмади. У отасини Хильданинг ҳурмати учун севарди, ундан ташқари, отаси Элизага қараганда мулойим, раҳмдил эди. Янги оилада яккаю ягона жафокаш, бутун азоб-уқубатларнинг бирдан-бир қалқони Элиза эмас, балки

отаси эди. Мана шуларнинг бари учун у отасини ҳурмат қилар, яхши кўрар эди. Василени отасининг кўрлиги — Элизанинг ўз севгисига арзийдиган аёл эмаслигини сезмаслиги қаттиқ азоблар, руҳан қийнар эди. У ўзининг ноаниқ бўлган шубҳалари ростга айланганига ишонч ҳосил қилганидан кейин, фақат Элизадангина эмас, ҳатто отасидан ҳам нафратлана бошлади. Бирон хийла-найранг ўйлаб топиб ўтай онасининг ёки Виссарионнинг дабдаласини чиқарса ажойиб иш бўларди-ю, лекин Василе ўз номусини ўзи қўриқлай олмаган одам ёрдамга ҳам нолайиқ, деб ўйлар ва шу билан ўзига тасалли берарди.

Негоицэ ўғлини чулғаб олган хаёллар ҳақида нимани ҳам тушунарди? Василе тўрт йиллик бошланғич мактабни тугатгандан кейин гимназияга кирмоқчи бўлди. У отасидан пул сўраган эди, Негоицэ пулим йўқ, деди. Сўнгра Василе нима бўлса бўлар, деб кириш имтиҳонларини топшираверди. Омад юришиб у имтиҳонларни шундай топширдик, ҳатто стипендия олиш ҳуқуқини берадиган имтиҳондан ҳам яхши ўтди. Василе отасига сабоқ бермоқчи бўлгандай биринчи марта уйга пул кўтариб келганда отасининг кўзлари ғалати боққанини кўриб қолди. Лекин отаси нима сабабдан бундай қаради — бунинг боисини у мутлақо тушунмай қолаверди. Кейин немислар гимназияни ёпиб, уни ҳарбий мактабга айлантириб қўйишди. Энди Василе аро йўлда қолди, унинг олдида мушкул масала кўндаланг бўлиб турарди. Бирон йўлни танлаш керак: ё савдо мактабига ўқишга ёки фабрикага ишга кириши керак, жуда бўлмаса немис гимназиясига ариза бериши керак. Василе ўзининг келажак ҳаёти ҳақида Фрид билан Рудольфга таҳассуб қилишни маъқул кўриб, уларнинг изидан кетди. Негоицэ ўғлининг немис гимназиясига ўқишга кирганини эшитиб, унинг кўзига диққат билан тикилиб турди, кейин нимагадир хўрсиниб қўйди-да, қовоғини солганча қовоқхонага йўл олди.

Василе уйда ўзини ёлғиз ҳис қиларди, гимназияда эса ундан баттар сиқиларди. Унинг калласига бир неча марта ўқишни ташлаш фикри ҳам келди, лекин шу заҳоти онасининг қиёфаси хотирасида ёрқин жонланарди-да, табассум билан унга далда берарди.

Немис гимназиясига ўқишга кирганидан кейин Василе тез орада бирга ўқийдиган савдогар ва фабрика эгаларининг болалари билан фақат улардан ўзининг ҳар томонлама устунлигини кўрсатгандан кейингина яқинлаша олишини, дўстлашишини тушунди. У ўқитувчи ва синфдошларига (гарчи бошқа муҳитдан —

ярми немис бўлса ҳам) улардан кўра қобилиятлироқ эканлигини кўрсатиб қўйиш учун тунлари икки-уч соат ухлаб бўлса ҳам немис адабиётини мукамал ўрганишга киришди. Шу йўл билан ўртоқларининг хурматига ҳам сазовор бўлди, лекин улар билан дўстлашолмади. Кунлардан бир куни Рудольф унинг олдига бир варақ қоғоз қўйди. Қоғоз бетига катта-катта ҳарфлар билан «Тавсиянома» деб ёзиб қўйилган бўлиб, унинг остида шу сўзлар бор эди: «Силе, мен сенга ишонаман». У шунга ўхшаш қоғозни Фриддан ҳам олди. Бу уларнинг Василега шу пайтгача аллақандай шубҳа билан қараганини билдирарди. Мана, эндигина, орадан икки йил ўтгандан кейин ўша шубҳа йўқолгандай, муз жойидан кўчгандай бўлди.

Василе тўхтаб қолди. Аллақандай таниш манқа товуш қулоғига кирди. Бу — кунда эрталаб учратадиган кўр тиланчи эди. Василе ҳар куни унга майда чақа бериб кетишга одатланиб қолган эди. Бу сафар ҳам одатдагидек, қўлини чўнтагига суқди. Кўр унинг яқинлашаётган қадам товушларини эшитди-ю, кафтини чўзди. Лекин Василе ўзини худди томоғига бир нарса тиқилгандай сезиб, тангаларни терлаган кафтига босганча индамай ўтиб кетди. У умуман гадойни таҳқирламоқчи, унинг устидан кулмоқчи эмасди. Фақат ўзидаги раҳм-шафқат ҳиссини босиб кўрмоқчи эди, холос.

Василе бир неча қадам босиб, пешанасидан чиқиб кетган совуқ терларини артди-ю, орқасига қайтди. У гадойнинг қўлига аввал бермоқчи бўлганига қараганда икки баравар кўп танга солди, лекин буни ихтиёрсиз, мутлақо ўйламасдан қилаётганини сезиб турарди. У шу пайтда, хоҳласа пулни қандай берган бўлса худди шундай, ҳаммасини тортиб ола олишини ёки бу пулларнинг ўрнига нимадир бошқа нарса ташлаб кетишга қодирлигини тушунди, кўзи етди бунга. Унинг жўш урадиган, ўз айтганини қилдирадиган, ҳар ҳолда маълум бир ҳиссиётга эга бўлган сезгиси бутун борлигини доимий ўраб олган юмшоқликка, раҳмдилликка қарама-қарши бўлган аллақандай қаттиқлик, бадбинлик билан алмашган эди.

Василе йўлида давом этди. У шу дақиқадан эътиборан чўнтагида бир тийини бўлмаса ҳам пули йўқлигига афсусланмай ёки пули бўлганда ҳам виждон азобида қолмасдан гадойга ҳеч вақо садақа қилмай унинг олдидан индамай ўтиб кета олишига ўзида ишонч ҳосил қилди.

У қадамини тезлатди. Ўқитувчи Шульц «умумий маданият» дарсларида уларга маънавий барқарорлик таъсирини ўтказишга

ҳаракат қиларди. Ҳозир қилинган тажрибадан маълум бўлдики, муаллим мутлақо ҳақ экан. Василе ҳамма вақт Шульцнинг ҳарбий кийимда юришига, унинг ҳозир ўтказган тажрибасига ўхшаган тажрибаларни жон куйдириб ташвиқот қилиши, уқтириши, улар замирида нима маъно ётишига тушунолмай ҳайрон бўлиб юрарди. Лекин Шульцдай одам ўз сафсаталарини сотиш учун шунча вақтни сарфлаган экан, булар замирида албатта қандайдир мақсадни кўзлаган бўлиши керак. Аввалига Василега унинг дарслари қизиқарсиз, ҳар қандай маънодан ҳоли туюла бошлади. Лекин бир оз вақт ўтгач, ўқувчилар ундан бир эмас, кўп марта бараварига дарснинг давомини дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўтишини талаб қила бошлашди. Шульц охириги дарсида яшашга муқобил халқлар ҳақида гапириб берган эди. Мана энди Василе ҳеч кимнинг кўнглини оғритмай қилган тажрибаси билан кечагина Шульц томонидан таърифланган ҳамма назарияларнинг ҳеч қандай илмий асосга эга эмаслигини исботлаб бера олса ҳам, энди унинг ҳақ эканлигини тан олиши керак эди. «Кўпгина улуғ ва кучли халқлар мавжуд, лекин буларнинг ичиде қайси бирининг яшаш қобилияти зўр, асли келиб чиқиши соф, яъни тоза насл бўлса, ўшаниси энг улуғдир». Агар Василе Шульцга эътироз билдириш имконияти туғилганда, у дарров унинг мана бу назарияси пуч эканлигини айтарди. У бунга табиий, тўғридан-тўғри ўзини — тоза насл немис бўлмаган ўзини мисол тариқасида кўрсатмоқчи ҳам бўлди, лекин худди мана шу нарса уни Шульцга қарши чиқишдан тўхтатиб қолди. Энди у ўшанда қарши чиқмай тўғри иш қилганига ишонч ҳосил қилди. Шульц Василе ўзидаги ҳамма одамларга хос бўлган маълум хислатларини ўлдириши, унинг ўзигагина алоқаси бўлган хусусиятларини ўзлаштириб, шу руҳда тарбияланиши учун биронта халқнинг қудратини, иродасини мақтар, уни ўз фикрларига далил қилиб кўрсатарди. У бир вақт келиб ҳаммани шу йўл билан тафаккур софлигига, равшан дунёқарашга эриштира олармикин? Бу чўққига кўтарила олмаганларнинг ҳоли нима кечаркин? Шульц шу мавзуга мос яхшигина бир дарс ўтказишга ваъда берди.

Василе марказга етиб келгач, минорадаги соатга қараб дарсдан роппа-роса ярим соат кечикканини билди. Энди дарсга киришдан ҳеч қандай маъни йўқ. Ҳамманинг совуқ назарига рўпара бўлади. Интизом бу қон-қонга сингиб кетган қонунлардан бири эканлиги ҳақида дарсларда тез-тез гапириб туриларди. Василе ўқувчи ўзини оқлаш учун келтирадиган минг бир ёлғон баҳоналардан

бирини айтиб алдашни хаёлига ҳам келтирмади. У тўғриси айтиб, нима учун кечикканини гапириб бериши керак. Бўлмаса синфбоши махсус оператив интизом гуруҳи ёрдамида ҳақиқатни англаб етади. Ундан кейин нима бўлади? Нима бўларди, ҳожатхона тозалашдек жирканч ишга мубтало бўлади, холос.

Василе шаҳар марказида дайдиб юрди. Радиокарнай остига келиб немисча марш тинглади. Марш тугагандан кейин, мусиқа уни ҳаяжонга солмаган бўлса ҳам, бироқ руҳида тетиклик пайдо бўлганини сизди.

Минорадаги соат занг урди. Ўн беш дақиқаси кам саккизда Василе мактаб дарвозаси томон йўналди.

Танаффусга қўнғироқ чалинди. Василе ҳовлида Рудольфни кўрди. Василе тўғри синфга кириб кетаётган эди, Рудольф унинг йўлини тўсди.

— Хайль!

— Хайль!

Рудольф новчагина, малла соч йигит. У сочини «подбокс» фасонида олдиргани сабабли гарданида аллақандай иккита гурра кўриниб турарди. Унинг отаси доришунос эди. Василе Рудольф уйига илтифот қилган кунни хаёлига келтирди. Шунда у бу қабилдаги одамларнинг юрагига йўл топиш, улар қалбига ўрнашиб олиш учун анча вақтлар кераклигини биринчи марта тушунган эди, Рудольфнинг отаси Негоицэни румин, бунинг устига темирйўлчи эканлигини билгандан кейин лабларини буриб қўйди. Агар Рудольф ҳар хил йўллар билан Василенинг ўқишдаги ил-форлигини мақтаб, уни кўкларга кўтармаганда бемалол айтиш мумкин эдики, хайрлашаётиб, унга қўлини узатиш доришуноснинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўларди.

— Дарсга кечикдим, Рудольф. Дарснинг ўртасида синфга киргим келмади.

— Эҳтимол, бунинг бирон сабаби бўлгандир...

— Ҳа, сенга барини айтиб беришим мумкин.

— Ҳожати йўқ, Силе.

Рудольф томонидан билдирилган бундай ишончни Василе эркататгандай қабул қилди. Василе ўртоғининг диққат-эътиборидан руҳланиб, эрталабки кечирган руҳий кечинмаларини бир-бир айтиб бермоқчи бўлди-ю, яна ўйланиб қолди. Кўнглида тушунтирмоқчи бўлаётган нарсани, эҳтимол, ўртоғи у ҳис қилган, ўйлаган даражада тушунмас, шунинг учун индамай қўя қолди.

— Тушдан кейин биз бир топшириқни бажаришимиз керак. Қатнашадиганлар сен, Зиглер, Фрид, Ганс ҳамда Карл. Буни сенга маълум қилиш Фрид билан менга топширилган. Сени гимназиямизга киришингда ўзимиз жон куйдиргандик. Билмадим, бу ким учун шарафли, сен учунми, биз учунми. Умуман олганда, муҳими бу эмас. Муҳими шуки, биз сенга ишондик, шунинг учун менинг юзимни ерга қаратмаслигингни истардим.

Василе унинг баландпарвоз, айрича оҳангли гаплари замирида масхара, истехзо бор-йўқлигини билиш учун Рудольфга тикилди. Йўқ, Рудольф масхара қилишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ эди.

— Қандай топшириқ?

— Буни ҳали ўзим ҳам билмайман. Ҳаммаси дарсдан кейин маълум бўлади.

Василе қўлтиғидаги бокс қўлқопи билан папкасини қаттиқроқ қисиб қўйди.

— Тушликка уйга бормасам отам нима деркин?

— Сен бунга ўзинг ҳам ўрганишинг, уйингдагиларни ҳам ўргатишинг керак. Силе, биз, умуман, ҳали кўп нарсаларга одатлашимиз зарур.

— Нима демоқчилигингни тушунмаяпман, Рудольф...

— Тушуниш осон. Бизнинг ҳаётимиз бевосита фюрернинг буйруқлари билан боғланган. Бундан ташқари, мен билганим бўйича хулоса қиладиган бўлсак, сени ҳеч ким бизнинг ҳаётимизни билмаганликда айблаш олмайди. Сен бу ҳаётга кўп жиҳатдан ўз ўртоқларингдан илгарироқ келиб қўшилиб, бир оз эҳтиётсизлик қилиб қўйдинг. Сен жила курса амалда бизлар билан тенг эканлигингни исботламоқчи бўласан. Агар бундан тонсанг, сени қабиҳликда, номардликда айблаш мумкин.

— Рудольф, сен бу гапларни ўртоқларинг номидан гапирясанми ёки ўз номингданми? Сен ўз норозилигингни уларнинг ҳам норозилиги тарзида кўрсатмоқчимисан?

— Силе, мен сенга биринчи бўлиб ишончимни изҳор қилгандим. Шунинг ўзи сенинг учун етарли бўлса керак. Нима, тренировкага бормоқчимидинг?

— Ҳа...

— Топшириқ бажарилгандан кейин борасан.

Кўнғироқ чалиниб, Рудольф синф томон одимлади. Василе ҳам алақандай ноаниқ ҳиссиёт, туйғулар оғушида унинг орқасидан эргашди. Василе бериладиган топшириқ ҳақида қанча ўйласа, Рудольфнинг ҳалиги гаплари ҳақида ҳам шунчалик ўйлаёт-

ган эди. Чунки, синфда довюрак болалар қаторига кўшилмай-
диган Рудольфки топшириқни бажарувчилар гуруҳига кўшилиб-
дими, демак, топшириғи ҳам унчалик оғир бўлмаса керак-да,
деган фикрга борган эди. Василе бўлиб ўтган суҳбатни боши-
дан-охиригача эслашга ҳаракат қилди. Ҳамма нарса унинг зара-
рига ҳал бўлаётган эди. Синфдошлари унга ҳасад қилишарди.
Эҳтимол, у сиртдан аллақандай қироатчига ўхшаб кўринару, бу
нарса уларга ёқмас? Лекин у энг яхши ўқувчи саналмиш Зиглер-
га нима ёмонлик қилди? Йўқ, бу ерда қандайдир бошқа нарса
бор. Василе отасини хаёлига келтирди. Шу топда отаси кўзига
жуда ҳам азиз ва меҳрибон бир сиймо бўлиб кўриниб кетди.
Иримие яхшилаб башарасига туширганда ёки уриб оёғини син-
диргандами, у мактабга келолмаган ва бунга баҳона топилган
бўларди. Василе папкаси билан бокс кўлқопини кўлтиғига маҳ-
камроқ сиқди-ю, тўртинчи қаватга кўтарила бошлади. У зина-
поялардан илон изи қилиб юриб чиқа бошлади. Тоққа шундай
усулда чиқиш керак, баландга кўтарилишинг осонлашади, деб
ўргатарди ойиси. Синфга киришдан олдин йўлакдаги деразадан
мактаб ҳовлисига назар ташлади. У пастда момиқ чойшабдай
ерни қоплаб ётган қорни кўрди. Бу қор унга ҳозир одатдан таш-
қари оппоқ ва тозадай кўриниб кетди.

3

Стрелкачининг будкасида уч марта кўнғироқ чалинди. Кат-
та бекатдан юк ташувчи поезд йўлга чиқибди. Неғоицэ будкага
отилиб кирди. У шлагбаумни тушириб камзулини кийди, ке-
йин чўнтагидан сариқ байроқча чиқариб стрелкаларга қаради.
У поезднинг яқинлашиши ва уни бир йўлдан иккинчи йўлга
ўтиб олишини фикран кўздан кечирди-ю, ҳаммаси кўнгилда-
гидайлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин чапга, юк поезди
келадиган тарафга ўтирилди, паровознинг узиб-узиб чалган
гудоги эшитилгач, Неғоицэ йўл четида аскарчасига тик туриб
олди. Поезд яқинлашган сари паровознинг қулоқни қоматга
келтирадиган қичқириғи ҳам босиб кетолмайдиган аллақан-
дай овозлар эшитила бошлади. Поезд ерни гулдиратиб тезлик
билан келарди. Бир йўлдан иккинчи йўлга ўтиладиган жойдаги
барак силкиниб, устидаги черепицалари ўйнай бошлади. Немис
солдатлари билан лик тўла багаж вагонларига юк вагонлари
уланганди. Бу вагонларнинг кичкина деразалари тиканли сим
билан тўсилган бўлиб, улардан:

— Сув, сув... — деган одамзод овозига ўхшамаган аллақандай фарёдлар, ҳайқириқлар ташқарига отилиб чиқарди.

Негоицэ бўзариб кетди. Ер титрар, назарида оёқларига минглаб нина санчилиб қолганга ўхшарди. У ўзи билмаган ҳолда олдида лип-лип ўтиб кетаётган вагонларнинг бир маромдаги тақатқига бўйсунгандай дам ўнгга, дам чапга бошини бурар, кўзини ола-кула қилиб, вагон ичида ваҳимали овоз билан бақираётганларни кўриб қолишга ҳаракат қиларди. Унинг тиканли сим орқасидан чўзилиб чиққан қўлга кўзи тушди. Қўлда каноп бўлиб, унинг бир учида консерва банкиси осилиб турарди.

— Сув! Сув беринг, сув!

Вагон майдончасида турган солдат милтиғининг қўндоғи билан узатилган қўлга бир туширди. Консерва банкиси аввал шамол гирдобига олгандай осмонга бир кўтарилди-ю, кейин қор уюми олдига бориб тушди. Қўл эса калтак зарбидан ботиб кетган тиканли сим узра титраб силкинарди.

Негоицэ остидаги ерни ҳам ғириллаб юриб кетаётгандек сеза бошлади. Бир вагондаги ингроқлар, дод-войлар ўтиб бир зум тўхтарди-да, яна қаттиқроқ бўлиб кейингиси келарди. Ниҳоят, лапантлаганча охирги вагон ҳам кўзга чалинди. Тормоз майдончасидан чиқиб турган пулемётнинг оғзи физиллаб ўтиб кетди. Энди у номаълум нарсани отиб кетаётганга ўхшарди.

Поезд худди ер қаъридан чиқаётгандай сассиқ ҳид ва инграган овозларни қолдириб уфқда кўздан йўқолди. Иримие кимдир ёқасидан тортиб силкитаётганини сезгандагина ўзига келди. Кўз олдида солдат қиёфаси пайдо бўлди. Унинг оғзидан пиёз ҳиди анқирди.

— Шлагбаумни кўтар, анқов! Нима, шу туришда тонг оттиришимизни хоҳлайсанми?

Негоицэ солдатнинг қўлидан юлқиниб чиқди, яхшилаб сўкмоқчи бўлди-ю, ўзини тутди. У аввал ёқасини тузатди, шундан кейингина шлагбаум томонга қараб кетди, шошмасдан ручкани айлантитаркан, ҳар айлантирганда тишли ғилдиракни ушлаб турувчи тилчанинг читирлашига қулоқ соларди. Ўн олти марта айлантирди. Негоицэ поезд йўлини кесиб ўтиб кетаётган усти ёпиқ юк машиналарига қаради. Брезентлар остидан қозон-товоқларнинг бир-бирига урилиб шақирлаши, ўйин-кулги ва аккордеон овозлари қулоғига чалинди. Кейин ялтироқ изларга, улар орасига сепилган, тошкўмир ва керосин ҳиди анқиб турган шагалларга боқди. Негоицэ атиги бундан бир неча дақиқа муқаддам мана шу излардан одамларни узоқ-узоқларга олиб кетишганини, ўзининг эса, уларни яхшироқ кўролмаганини эслади,

эслади-ю, бирдан ўз-ўзидан уялиб кетди. У бунақа поездни биринчи кўриши. Бундай поездлар илгарилари ҳам ўтарди-ю, лекин кечалари, у навбатчилик қилмаган пайтларида ўтарди.

Негоицэ ифлос қор устида ярқираб ётган консерва банкини кўриб, бориб кўлига олди. Банка унга шундай туюлди, ҳар ҳолда иссиқ эди. Банкани кафтида салмоқлаб кўраркан, хаёлга берилди: мана шу банка шу ҳолга тушгунча қаерларда дайдиганикин, қанчадан-қанча кўлдан ўтганикин, ундан ташқари, шу банкани эзгилаб ташлаш учун қанчадан-қанча кўллар курул яратишга меҳнат сарфлаганикин. Кейин у ўзича, инсон кўли гарчи бир хил, бир-бирига ўхшаган бўлса ҳам, бироқ бир-биридан мутлақо фарқ қилар экан, деган хулосага келди.

Чорраҳанинг нариги тарафида Виссарион Байяш унга кулиб қараб турарди.

Негоицэ пешанасидан терини артди, шимини кўтариб кўйиб, тўзғиб кетган сочларини шапкасининг остига бостириб олди.

— Ҳо Иримие, бирон нима топдингми?

— Ҳеч нима топганим йўқ.

— Гўё мен кўрмагандек-а..

— Нимани кўра қопсан?

— Ҳаммасини кўриб турибман.

— Ундай бўлса, йўлингдан қолма, — Иримие кўрслик билан жавоб бериб, банкани отиб юборди.

— Иримие, гўё биз сен билан таниш эмасдек, нега мендан ўзингни олиб қочаверасан?

— Нега олиб қочарканман? Бўлганим шу, — Негоицэ хотиржамлик билан жавоб берди-да, уйқуга тўймаган кўзларини кафтлари билан уқалаб, будкасига кириб кетди. У табуреткага ўтириб янги ўтган поездни журналга қайд қилиб кўймоқчи бўлган эди, унга поезднинг рақамини ҳам, жўнатилган бекатини ҳам маълум қилишмагани ёдига тушди. Негоицэ нима деб жавоб беришларини аввалдан билса ҳам, телефон ручкасини айлантира бошлади. Нариги тарафдан овоз келгандан кейин сўради:

— Ўтиб кетган поездни қайси рақам билан қайд қилиб кўяй?

— Ҳеч қайси.

— Бу қанақаси?

— Нима, кўрмисан, қандай поезд ўтганини кўрмадингми?

Негоицэ шу сўзларни эшитди-ю, нариги тарафдаги гўшак ричаги шарақлаб кўйилди. Шундан сўнг у машина ёғи солинган бидон билан стрелкаларни мойлайдиган латтани кўлига олиб яна ташқарига чиқди.

Февраль тонги эди. Темир йўл изларини, тепалик томон кетган йўлни қоплаган қор ҳали тамом эриб битмаган, лекин шундай бўлса ҳам ҳаводан баҳор нафаси сезилиб турарди. Қори эриб ери кўриниб қолган жойлардан аллақандай чучмал ва нефть ҳиди таралиб буғ кўтарилмоқда.

Муюлишда ўтин орқалаган одам кўринди. Унинг чаккасида шапкасининг остидан бир тутам оқ сочи чиқиб турарди. У Негоицэни кўриб бошини қимирлатди-ю, тўхтамасдан сўради:

- Нима янгилик бор?
- Ҳеч нима.
- Шунда... шунақа-да...
- Ўтинни омбордан олдингми?
- Ҳа, омбордан. Чириган, бунинг устига ҳўл, зил-замбил.
- Ҳечқиси йўқ, баҳор ҳам келиб қолди.

Негоицэ қўйин чўнтагига қўл суқиб хуштагини олди-да, темир йўл устида ўйнаётган кичик ўғли Ионуцга қараб бир неча бор чалди.

- Омадингни берсин, Негоицэ.
 - Матей амаки, сенга ҳам омад тилайман.
- Шундан кейин ҳар иккаласи ўз йўлига кетди.

4

Ҳали «Кўркам кўча»да ҳаракат унча бошланмаган бўлса ҳам, унда яшовчилар аллақачон уйғонишган эди. Юк поезди ўтиб кетиши билан бир неча деразада яна қайтадан парда кўтарилди. Бир неча вақт чор атроф сукунат қаърига чўккандай бўлди, фақатгина хужралар устидаги мўрилардан атрофга ҳар хил ҳид таратиб чиқиб турган тутунларгина чеккадаги мана бу тор кўчада ҳаёт одатдаги тартиб бўйича бир меъёрда оқаётганини кўрсатиб турарди.

Кўча эшиги гийқиллаб очилди-ю, темир йўл линияси бўйлаб бораётган Негоицэ ўгирилиб қўлтиқтаёққа суянганча зўрға қадам ташлаб кетаётган Денеш бувани кўрди.

- Салом, Иримие.
- Хайрли кун, Денеш амаки. Саҳарлаб йўл бўлсин?

Денеш йўлни кесиб ўтди-ю, кўлмақлар, балчиқлардан зўрға-зўрға қадам ташлаб, сал баландлик бир ерга чиқди.

— Қаерга дейсанми? Картошка хазанак қилмоқчиман. Эҳтимол, кузда қазилганда қолиб кетганлари бордир. Бир чақа ҳам пул йўқ.

Иримие унинг назарига бардош беролмай кўзини ерга қадади. У Денешни беш қўлдек биларди. Бундан беш ой муқаддам уни миллати венгер бўлганлиги учун деподан ҳайдаб юборишди. Бироқ Денеш жуда яхши машинистлардан бири эди, депода машинистлар етишмаганлиги сабабли унинг ўрни билиниб турар, ўзлари қийналишиб қолишарди. Шунинг учун баъзан уни тунги рейсларга чақиритиб ҳам қолишарди. Бод касали кўзиб, боролмай қолган пайтларда олиб кетиш учун локомотивларни уйининг олдиғача судраб келишарди. Денеш паровозга зўр-базўр чиқиб олар, эртасига эрталаб эса уни яна уйининг рўпарасига ташлаб кетишарди.

Денеш оқсоқланганча йўлида давом этди. Негоицэ орқасига қайтди.

— Хайрли эрта, Иримие амаки. — Раста бўлиб дўриллаб қолган овоз эшитилди.

— Салом, Павел, ишга кетяпсанми?

— Иккинчи сменага бораман.

— Мактабни ташлаганингда афсусланмаяпсанми?

Павел йўлни кесиб ўтиб Негоицэ билан қўл бериб кўришди-ю, елкасини қисди.

— Нима қилишимни билмай қолдим. Немислар билан бирга ўқишимга отам розилик бермади. Агар розилик берган тақдирда ҳам мен уларнинг маза-бемаза гапларини ўрганиб олгунимча ё мактаб йўқ бўлиб кетарди, ё гўштарим итларга ем бўларди. Иримие амаки, бунақа мактабнинг менга нима кераги бор, тўғримасми? Ахир, жаноби Митраннинг қай ҳолга тушганини билмайсизми? Тағин уни ўқитувчи дейишади... Силенинг аҳволлари қалай? Кўрмайман, мен уйга келганимда у мактабда бўлади. Унга осон. Яхши ўқийди: ундан кейин немисчани ҳам билади.

Негоицэ қовоғини солди.

— Каптарларинг қалай?

— Каптарлар — ўз оти билан каптар-да, парвоз қилиб юрибди...

5

Кечқурун Василе ва унинг топшириқни бажаришда иштирок этган ўртоқлари бундан бир неча соатгина илгари Рудольф нима қилиш кераклигини тушунтирган синфда очикқан ва ҳориган бир алфозда ўтиришарди.

Улар топшириқ иштирокчиларидан ҳар бирининг ўзини қандай тутганлигини муҳокама қилишарди. Рудольф фақат Василе-дангина бир огиз ҳам гап эшитолмади.

— Сизларга рухсат... Йўқ, Силе, сен қол, — деди Рудольф Василе билан бир партага ўтираркан, болалар бирин-кетин синфдан чиқиб кетишди. Зиглер бўлса, эшикни ёпишдан олдин Рудольфга қаради. Унинг башараси бужмайган, узун тиззасига-ча тушган қўллари қалтирарди.

— Менга нима бўлади энди, Рудольф, — сўради Зиглер.

— Менга қолса сен билан ҳатто гаплашишни ҳам истамайман. Кўрамиз, ўқитувчи Шульц нима деркин.

Зиглер кетди. Рудольф эндигина унда-мунда сариқ туклар чиқа бошлаган иягини қашлаб қўйди.

— Силе, нега сен миқ этмадинг? Ёки бундай ишларга рози-масмисан?

— Ҳа, мен бунга ўхшаш усуллар қўллашга рози эмасман.

— Яхши. Лекин сен ҳаммамиздан яхши ҳаракат қилдинг-ку. Мен ҳалиги чўчқа Зиглер ҳақида гапирмайман. У мен учун ҳақиқий немислик шаънини йўқотди.

— Бунга ўхшаш усулларни қўллашга мен рози бўлолмайман!

— Яъни, куч ишлатишга, — аниқлаштирди Рудольф.

— Ҳа, куч ишлатишга.

— Сен Россияни диний ақидаларни ташвиқот қилиш билан энга оламиз, деб ўйлайсанми? Мен сенга ишонгандим...

— Ишончинг учун раҳмат, Рудольф.

— Лекин ўз-ўзингга ишонч ҳосил қила олишинг учун сенга таъсир ўтказолмаяпман. Силе, сенда фақат шунигина кўролма-япман, холос.

— Агар сен ишонч деган сўзинг замирида шуни ифодаламоқчи бўлаётган бўлсанг, ўша ишончингдан бемалол воз кечишинг мумкин.

Рудольф мушти билан партани тақиллата бошлади.

— Силе, нима деяётганингни ўйлаб кўр! Бизнинг умумий мақсадимиздан четда турадиган дўстлик қанақасига дўстлик бўлсин, фюрернинг сенга билдирадиган ишончидан воз кечиш, бу ҳамма нарсадан воз кечиш деган сўз бўлади. Эҳтимол, бу ҳатто ўз-ўзингдан ҳам воз кечишинг демакдир.

Рудольфнинг кўзлари қўрқинчли бир суратда йилтираб кетди. Василе бу гаплардан кейин шартта туриб жўнаб қолса ҳам бўларди, лекин ўртоғининг гаплари замирида бошқа гап борлигини тушуниб, жойида ўтираверди. Рудольф уни қўрқитяпти,

бу аниқ. У фақатгина ўз номидан нима демоқчи-ю, бошқалар номидан нима демоқчи бўлаётгани номаълум эди, холос. Лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Рудольф фюрер салтанатининг мақтовини келтиряпти, уни мақтаб кўкларга кўтаришга тиришяпти. У суҳбатда бу нарса фақат ўзининггина фикри эмаслигига шама ҳам қилиб қўйди. Василе мана шундай вазиятларда баҳслашиш қийин эканини яхши фаҳмлаб, фақат жим туришга қарор қилди. Тўғрисиям, унга жим туришдан бўлак йўл ҳам йўқ эди. Топшириқни бажаришга кетаётганда, у фақат томошабин каби сиртдан кузатиб туришлигига амин бўлган эди, аслида эса, топшириқни бажарувчиларнинг биринчиси ўзи бўлиб қолди. Ҳаммасига Зиглер айбдор. Баҳайбат, ҳирсдай кучли бу танбал ўзида одамгарчиликдан тарикча бўлмаса ҳамки, одамгарчиликка ундаб, бир чеккада тураверди. Агар Зиглер қўлини қовуштириб бир чеккада турмаганда, Рудольф ёқлаган, назарий мулоҳазалар билан асослаб илгари сурган, аслида Василе учун қоронғи, тамоман шубҳали бўлган бу ишга, эҳтимол, у аралашмаган бўларди. Рудольф умум томонидан бутунлай маъқулланган, тан олинган ғоялар учун ҳаракат қиляпмиз, деб уларни ишонтирган эди. Василе ўзини Зиглер қандай тутган бўлса, шундай тутолмади. Лекин унинг ўз майлига, эркига қарама-қарши ўлароқ, топшириқни бажаришда иштирок этиши унга келажак ҳақидаги ўз нуқтаи назарини таҳлил қилиш ва уни аниқлаб олиш ҳуқуқини берди.

— Силе, мен сенинг мулоҳаза юритиш қобилиятига эга бўлганингдан хурсандман. Сен ҳеч қачон Зиглерга ўхшаш кўрқоқлик қилолмайсан.

Василе умуман улар таянган, иш кўрадиган ҳар қандай усулларни тан олмаслигини яна бир марта гапириш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди. Рудольф гапириб қолгандан кейин оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

— Ҳаммасининг падарига лаънат! Мен унчалик аччиқланмаслигим ҳам керак. Сени тушунишим шарт, бунга мажбурман. Сен фақатгина ярим немиссан, демак, шундай экан, мендан талаб қилиш мумкин бўлган нарсанинг ярмини сендан талаб қилиш даркор. Сен олий герман гуманизмини одамлар асрлар давомида одатланиб келган майда гуманизм билан қориштириб юбормаслигинг керак. Сен, албатта, бу ҳақда эшитгансан, қайтадан такрорлаб ўтиришимга ҳожат йўқ. Ўзингдаги майда ҳистуйғуларни ўлдир. Шуни билиб қўйгинки, бизнинг идора усулимизга фақатгина ўзининг мавжудлиги ҳамда умумий бирли-

гимизда кўшила олмаслиги биланоқ қаршилиқ қиладиган, тузумимизнинг йўлига тўғаноқ бўладиган бир одамни маҳв этиш, йўқотиш, уни ўлдирмай тирик қолдирганга ва бу билан ўзимизни ўзимиз бадном қилганга қараганда юз чандон фойдали ҳамда олийжаноброқдир. Ўзингни ўзинг идора қилишни, одамлар устидан ҳукмронлик қилишни ўрган, Василе. Ана шундагина сен вужудингда қандай куч-қудрат мавжуд эканлигини сезиб оласан.

— Мен қаттиққўллик қилолмайман, Рудольф. Агар менинг онам тирик бўлганда, ҳалиги қилган ишимга ўхшаган ишларни бажариш ҳақидаги фикрларим билан ҳеч қачон келишолмаган бўларди.

— Агар сенинг оинг тирик бўлса-ю, у ҳақиқий немис аёли бўладиган бўлса, сени албатта тушунган бўларди. Бизнинг идора усулимиз ўзида қаттиққўлликни ҳам мужассамлантирган, уни оқлайди. Хўш, агар коммунистлар бутун деворларни тўлдириб шаънимизга ҳар хил бўлмағур гапларни ёзиб ташлаб, бизга қарши чиқса, саботаж қилса, улар одамгарчилик қилган бўлишадими? Тагин бундай ишлар бизга дўст бўлган бир мамлакатда содир бўлиб турса-чи?

— Рудольф, демак, сен ўзингни бу мамлакатнинг фуқароси ҳисобламас экансан-да?

— Силе, мен янги тартибнинг фуқаросиман, шунинг ўзи менга кифоя! Сен ҳам ўзингга худди мана шу нуқтаи назардан ёндашишинг керак.

Василе Рудольфга қаради. Унинг лаблари бир-бирига ёпишиб шундай юпқа тортиб кетган эдики, уларнинг бирлашган жойида худди устаранинг тигидай ингичка чизиқ тушиб қолган эди. Василе Рудольф ҳозиргидай ўз фикрини аниқ-равшан ифода-далаб бериш қобилиятига эга экан, нима учун дарс вақтида, ҳатто у ўша дарсни жуда яхши тайёрласа ҳам, сўзлари оғзидан тушиб кетаётгандек гапини тополмай пойма-пой гўлдирашига тушунолмади. Унинг ҳамма ўйлаганлари чаппасига айланиб кетди. У мақтанчоқ Рудольф ўзини ҳадеб бунақа тутавермаслиги учун гап билан бошлаб оғзини очирмай кўйиш керак, деб ўйлади. Ҳатто Василенинг калласига Рудольфга унинг кимлигини ўзига билдириб кўйиш учун яхшилаб савалаш фикри ҳам келди, лекин у бундай қилишга ботина олмади. Ўзида аллақандай хижолатпазлик ва яна қандайдир бошқа туйғулар аралашган кўнгилғашлик ҳиссини туя бошлади. Василе буни нима учундир «қўрқоқлик» деб аташга юраги бормади. Йўқ, қўрқоқлик ҳақида

сўз бўлиши мумкин эмас. Рудольфми, агар у бўладиган бўлса, оғзига қараб битта туширилса, шунинг ўзи кифоя, оёгининг остида ўрмалаб юради. Лекин шуниси қизиққи, Василе илгарилари қандай бўлишидан қатъи назар, бундай вазиятларда ҳечам қараб турмасди. Энди бўлса, бу аллақандай ғайритабиий бир нарсасдек туюлиб кетди. Рудольф мактабда ўзини ўқувчилар олдида қандай тутиши билан, унинг Василе билан бетма-бет турганидаги ҳозирги ҳолати ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Унинг мана шу янги фазилатининг ўзигина Василени лол қолдириб қўйган, унда ўзига нисбатан ҳаваслантирувчи ҳис-туйғу уйғотган эди. Ҳа, Рудольф Василе билан бўлган ҳозирги суҳбатда, шубҳасиз, ундан устун келди. У гуманизм ҳақида шундай ширинсуханлик билан тамоман бошқача фикр юритар эдики, бу гаплар Василенинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Василе авваллари коммунистлар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Рудольф улар ҳақида жуда аниқ ва ишонарли қилиб гапириб берди.

— Тоблан, Силе. Сенинг тобланишинг анча қийин бўлади. Лекин, бора-бора шундай пайтлар ҳам келадики, ўшанда сен мен ҳақимда ҳозир шундай фикрларга борганлигингга ўзинг афсусланасан.

Василе чўчиб тушди.

— Сен ҳақингда нима фикр юритаётганимни қаердан билдинг?

— Сен мендан яхши ўқийсан. Орамиздаги бу фарқни, ҳойна-ҳой табиий ва бошқа нарсаларда ҳам шундай деб билсанг керак. Лекин бундай устунликнинг икки пулга қиммати йўқ, у ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас. Сен фақат бир нарса хусусида унутяпсан: мен миллий онгга эгаман, бу онг қон-қонимга сингиб кетган. Сенда эса бу нарса ҳали йўқ.

Василе кулиб юборди.

— Менга қара, Рудольф, сен ландовурнинг калтак соғиниб қолганингни кўрсам башаранга тортворгим келади.

Рудольфнинг жаҳли чиқиб кетди. Суҳбат оҳангининг расмий муомаладан тўсатдан мактабда танаффус пайтида гаплашиладиган бетакаллуфликка ўтиб кетиши унга ёқмади.

— Мени уролмайсан, Силе. Шу пайтгача бу ишни қилмаган экансан, энди эса бундай қилиш яна ҳам қийинроқ бўлади. Сен ўзингнинг румин ишчисининг ўғли эканлигингни унутмаслигинг керак. Бахтингга онанг немис аёли бўлмаганда, бизнинг ичимизда юришга сенга йўл бўлсин эди. Сен бунга арзимасдинг.

Бизларсиз эса, сен умрингда бирон нарсага эриша олишинг жуда кийин. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Сен ҳозир бошингдан кечираётган кечинмалар ҳар бир одам учун табиийдир, чунки сен олган тарбиянгнинг заҳрини тортишинг керак. Ахир, сенинг тарбиянги эндигина ҳақиқий немис тарбиясига ўтяпти-ку. Юрагингда эса бизга ҳасад қиласан, ҳасад қиласану, яна бизга яқинлашишга, ўзинг истагингдан ҳам ортиқроқ яқинлашишга интиласан. Шунингга тутгинки, ҳозир бутун Европа оёғимиз остида топталмоқда. Шундай экан, сен ҳамма нарсага бефарқ бўлишинг мумкин эмас. Хўжайинмисан, хизматқормисан — ўзингни билишинг керак.

Василени титроқ боса бошлади:

— Биринчидан, бизнинг давлатимиз енгилмаган, босиб олинмаган давлат ҳисобланади. Бу иттифоққа биз тенг ҳуқуқ билан кирганмиз.

Рудольф тантана қила бошлади.

— Мана энди ўзингга келдинг. Кўнглингдаги мана шу фикрларингни сиртга тептирмоқчи эдим-да. Ўзинг истамаган ҳолда бошингни тутиб бердинг. Айтдим-ку, немисга ўхшаб фикр қилолмайсан, деб. Сен менга ўхшаб фикр юритолганингдагина ҳар хил масалалар сен учун ўз моҳиятини йўқотади. Тўғри, бунга қачон эришишингни айтолмайман. Ўз-ўзимдан гоҳо сени «Дейчеюгенд»га таваккал билан таклиф қилиб адашмаганмикинман, деб сўраб қўяман. Йўқ, охир-оқибатда қилган ишимдан афсусланишим мумкин эмас, сени орқага тортаётган эскилик қолдиқлари фақат мана шу нарсалар билан боғланган, холос. Сен ўзингни, яшаётган ўз муҳитингни енгиб, ёриб чиқиб кетган тақдирингдагина немис деб ҳисобланишинг қандай шарафли эканлигини ва бу номга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермаслигини тушуниб оласан. Бир неча ойдан кейин мактабни битирувчиларнинг Германияга бориб олий маълумот олиш учун юбориладиган рўйхати тузилади. Василе, агар сенинг онгинг бугунги қилган ишинг даражасига кўтариладиган бўлса, боришга сенга имконият бўлади.

Эшик шарақлаб очилиб кетди-ю, остонада жиккаккина муаллим Шульцнинг гавдаси пайдо бўлди. У ҳарбий кийимда, кийими белини худди белбоғ билан сиқиб боғлаб қўйилгандай таранг эди. Шульц қўлларини орқасига қўйиб, хушбўй ҳид таратганча хода ютгандай тикка турарди.

Рудольф билан Василе сапчиб туришди.

— Йигитлар, сизларни табриклайман. Айниқса, сени Негоицэ. Сенга билдирилган хурматдан хурсандмисан?

- Хурсандман, жаноби муаллим.
- Ҳақиқий немис бўлишга интиласанми?
- Ҳа, жаноби муаллим.
- Хайль!
- Хайль, Гитлер! — Василе билан Рудольф ҳарбийчасига жавоб беришди.

«Умумий тарих» муаллими Шульц қандай шиддат билан кирган бўлса, худди шундай чиқиб кетди. Фақат бир неча дақиқа ўтгандан кейингина Василе ўзига келди-ю, Шульцга берган бир қолипдаги жавобларининг маънисини тушунди. Лекин Рудольф бунинг учун уни узиб-узиб олди.

— Сен эътирозингни нега унинг ўзига айтмадинг? Ҳа-ҳа-ҳа! Нега сен, жаноби олийлари, сизга тўғриси айтсам, бугун муваффақият билан амалга оширилган усуллар менга ёқмади, деб ўзига маълум қилмадинг? Эҳ, Силе, агар сендан асил немис йигити чиқмаса, башарамга туф дегин!

Василе кўзини ерга қадади. У девордай оқариб кетганди.

6

Фрид Рудольфни йўлакнинг бурилиш жойида, ҳожатхона ёнида кутиб турарди. Рудольф уни кўриши билан Фрид имлаб кўлини бир силкиди-ю, зинапоядан юқори қаватга чопиб чиқиб кетди. Рудольф унинг орқасидан юраркан, йўл-йўлакай мундирини тузатиб борди. Фридга Шульцнинг кабинети ёнида етиб олди. Улар кабинетга кириши билан муаллимлари олдида «смирно» командаси берилгандай қотиб қолишди.

— Ўтиринглар.

Улар ёзув столи олдидаги ўриндиқларга ўтиришиб, сўзсиз кутиб туришди.

— Жуда хайрли иш қилдингизлар, йигитлар, — ён дафтари-га алланималарни ёзаркан, гап бошлади Шульц. Кейин ўрнидан туриб, стол атрофини бир неча марта айланди-ю, уларнинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Эҳтимол сизлар, нега Негицэни бунча тарозига соляпсиз, деб сўрарсизлар. Рудольф, тўғриси айт, сен бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Рудольф муаллимини, бундай хаёл шу вақтгача етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган, деб ишонтирмақчи бўлиб, юзи билан ажаблангансимон бир белги қилиб қўйди. Лекин Шульцнинг гап оҳангидан, унга тўғриси айтса, бу саволни ҳақиқатан ҳам ўзига-

ўзи бир неча марта берганини тан олса, фойдали бўлишнинг сезди.

— Бу тўғрида ўйлагандим, жаноби оберштурмфюрер.

— Хўш, қандай хулосага келгандинг?

— Олдимда уни бизнинг гимназияга ўқишга киришга кўндириш муаммоси турган бир пайтдан бошлаб, мен бу дурагайнинг бизга нима кераги бор экан, деб ўз-ўзимдан кўп марта сўраганман. У билан бирга бўлишга тўғри келган пайтимда ўзимни таҳқирлангандек сезардим. Лекин буйруқ бажарилади, жаноби оберштурмфюрер, муҳокама қилинмайди. Шу нарса керак экан, демак, бу билан шуғулланиш зарур. Мен шундай тушунаман.

Шульц Рудольфнинг ўринли жавобидан мамнун бўлиб жилмайиб қўйди. У Шульцнинг кўнглидагини топиб гапирган эди.

Муаллим шу вақтгача суҳбатга бирон марта ҳам қўшилмаган Фридга қаради. Қассобнинг ўғли қовоғини солиб турганини кўриб хурсанд бўлди. Суҳбат давомида ўқувчилардан бирини, гарчи у ёмон ўқиса ҳам, бошқалардан баланд қўйиб гаплашиш Шульцнинг тарбиялаш усулига кирарди. Ҳозир ҳам у маълум бир мақсадни кўзлаб шундай қилди. Фрид энди жаҳдан тушгандан кейин бошлиқларнинг эътиборини қозониш ва бу борада Рудольфдан ўтиб кетиш учун жон-жаҳди билан киришишига Шульцнинг ишончи комил эди. Шульц йигитлар орасига жуда озгина, билинар-билинмас бўлса ҳам уларнинг дўстона муносабатларини, алоқаларини ёндирадиган лампамой — ҳасад сепиб қўяр ва уни алангалантирарди. У бу нарсани йигитларнинг ақлини фақат бир фикрга жалб қилиш, бўйсундириш мақсадида қиларди. Шульцда тарбиянинг мана бундай усуллари жуда ҳам кўп бўлиб, у буларни онгли равишда мунтазам қўллаб турарди. У Германия урушаётган ҳозирги пайтда одамлар ичидаги шубҳа дўстликка нисбатан кўпроқ фойда келтиради, фақатгина шу йўл билангина одамларнинг пастки қатламлари қаторида «янги тартиб» учун курашаётганларнинг ҳам кўнглидагини билиб олиш мумкин, деб ҳисобларди. Одамларнинг фикрига кириб кетиш, кўнглини топиш Шульцнинг тасавурида фавқулодда зарур нарса саналарди.

— Орамизда ярим немис бўлган одамнинг бўлиши мутлақо чидаб бўлмайдиган бир ҳол, албатта, — Рудольфга мурожаат қилди Шульц Фридни камситишда давом этиб, — Рудольф, сен бизнинг ҳозирги тарбиявий усулларимизда қарама-қаршилик, маълум бир миқдорда ёлғон-яшиқ, ҳийла-найранг бор-ку, деб эътироз билдиришинг мумкин. Санъат даражасига кўтарилган найрангбозлик аслида ўзининг дастлабки тушунчасини йўқо-

тади, бошқа маъно касб этади. Найрангбозлик, сафсатабозликнинг мана бу янги тушунчаси бизнинг тилимизда жанговар қурол маъносини англатади. Биз фақат ёлғиз мана шу маънодагина сафсатабозмиз. Эҳтимол, бу нарса сизни ажаблантирар, лекин шуни тан олишимиз керакки, мен бу борадаги найрангбозликни яна ҳам такомиллаштиришга мажбурман.

— Бундоқ бўлиши мумкин эмас, — деб юборди ўзининг энг нозик туйғулари таҳқирланган Рудольф.

— Бўлиши ҳам гапми, Рудольф, аслида бўлган-тургани худди шундай. Бу зарурат. Биз жуда ҳам устомон, зийрак бўлишимиз даркор. Бу қурол ҳозирги замоннинг энг жанговар қуроли кучига тенг қудратли қуролдир.

— Нима қилишим лозим бўлса, шуни бажаришга тайёрман, жаноби оберштурмфюрер! — ҳайқирди Рудольф Шульцнинг рўпарасида тик туриб.

— Ўтир.

Шульц география муаллими билан баҳсга киришганда, юқоридаги фикрларини ҳамма ўқитувчилар олдида қойилмақом қилиб аниқ баён этолмаганига бир оз қовоғини солиб, хона бўйлаб юра бошлади. Бунга эҳтимол ўшанда зирқираб оғриган тиши ҳам сабаб бўлгандир.

— Биз учун энг катта хавф туғдирадиган душман — большевиклар. Шарқда-ку, биз уларни қўлимиздаги қурол билан йўқотамиз, йўқотганда ҳам шафқатсизларча йўқотамиз. Бу ерда-чи, улар оёқдан чалади: аҳолини бизларга қарши оёққа турғизади, бизга қарши ташвиқот ишларини олиб боради. Лекин биз уларни ер билан яксон қиламиз, бу ишда ўзларининг ватандошлари ёрдам беришади. Мана шунинг учун ҳам Негоицэнинг бизга кўп нафи тегиши аниқ.

— Бу жудаям осон иш эмас, жаноби оберштурмфюрер.

— Лекин биз учун имкониятсиз нарсанинг ўзи йўқ.

— У ўзи диндор бола, ҳаётга ҳаддан ташқари тақводорона ёндашади, — тушунтиришга ҳаракат қилди Рудольф.

— Уни бизнинг турмушимизга, ҳаётимизга жалб қилинлар. Шунда у ўз муҳитидан ажраб чиқишга мажбур бўлади. Биз ўз ғояларимиздан бўлак ҳеч қандай ғояни тан олмаймиз, нима иш қилсак ҳам барини, ҳар қандай усуллардан қатъи назар, эзгулик учун қиламиз ва у муваффақият билан амалга оширилади.

Шульц столга чўкди, кейин яна ирғиб турди. Хилватий суҳбати тугаган эди.

Фрид папкасидан ҳеч қанақа адреси бўлмаган кўк конверт чиқарди. Шундагина конвертининг ичидаги нарса Рудольфнинг ёдига туниди ва уни Фриднинг кўлидан олиб муаллимга тутди.

— Қанча?

— Саксон фоизи.

— Гуруҳлар фондига тушади, — деди Шульц конвертни ёзув столининг тортмасига ташларкан.

Хонадан аввал Фрид, кейин Рудольф чиқди. Улар зиналардан гаплашмасдан, бир-бирига қарамай тушишди. Рудольф бахтли эди, чунки муаллим илтифот қилиб гаплашди. Шу билан бирга ўртоғи суҳбат давомида ноқулай аҳволга тушгани ҳам унинг кўнглини кўтарган, мамнун қилган эди. Рудольф анчадан бери Фридга гуруҳда у асосий роль ўйнамаслигини шипшитиб кўймоқчи бўлиб юрарди. Ҳозир шундай қулай вазият вужудга келдики, кўнглидаги шундоққина кўксига чиқа қолди, буни у бошқа одамдан эмас, худди Шульцнинг ўзидан тасдиқлатиб олди.

— Хайль! — деди Рудольф бошқа тарафга бурилмоқчи бўлиб, лекин Фрид кўлини чўзмади.

— Фрид, сенга нима бўлди? Билиб турибман, ичингда мени росаям сўкаётган бўлсанг керак, лекин ҳаммасини ўзинг кўрдинг-ку...

— Рудольф, менга яна икки минг бер, — деди Фрид Рудольфнинг кўзига тикилиб қараркан.

— Мен ҳаммага барабар тақсимлаганман.

— Ёлғон, Силега бор-йўғи икки минг бердинг, менга тўрт минг. Муаллимга йигирма беш минг, ўзинг эса саккиз минг олиб қолдинг.

Рудольфнинг лаблари қалтираб кетди. У Фридга, мунча шолғомдек қизариб кетмасанг, деб жуда-жуда айтгиси келди-ю, тилини тийди.

— Бермайман. Портфелни мен тортиб олдим-ку.

— Бизларсиз ҳеч нарса қилолмаган бўлардинг.

— Сен менга ҳасад қиляпсан, шунинг учун ҳам пул бер деяпсан. Шульц сен билан гаплашмагани учун ичиқоралик қилиб, ўзингни шу кўйга соляпсан!

— Пул бер деяпман.

Рудольф орқа чўнтагидан ҳар бири бир минг лейдан бўлган бир неча ўрам қоғоз пул чиқарди-да, иккитасини ажратиб олиб Фридга узатди.

— Василе ўзининг кам олганлиги ҳақида хабар топмайди, деб умид қиламан. У биз билан барабарлашишга ҳақиқатан ҳам нолайиқ. Чунки у ярим немис.

Фрид пулни чўнтагига солди.

— Хайль!

— Хайль!

— Эртага эрталаб кўришамиз. Клубга кел. Силе ҳам ўша ерда бўлади. Қани айт-чи, кўнглинг жойига тушдими энди?

— Ҳа, тушди.

— Шошма, — Рудольф Фридга яқин келиб қўлини узатди, Фрид унинг қўлини маҳкам сиқди. — Кечир мени, Фрид.

— Хайль! — Фрид хўмрайиб тўнғиллади.

Лютеран ибодатхонасининг минорасидаги соат олтини кўрсатиб турарди. Шаҳарга қоронғилик чўкди. Бурчакдаги ресторандан «Лили Марлен» куйини ижро этаётган оркестрнинг овози элас-элас келиб турибди.

7

Василе папкаси билан бокс қўлқопини қўлтиғига қистириб, клубга йўл олди. Ўша кунги воқеадан кейин унинг кўнгли беҳузур, дили аллақандай хира эди. У ўзи туриш-турмуши қандай эканлигини кўрсатмоқчи бўлса, шу онда бошқача, ҳеч кимга ёқмайдиган бирон иш қилиб қўярди. Ёки аксинча, ўз аслига ўхшамай, бошқача эканлигини кўрсатиш учун жон борича ҳаракат қилса, ўринларди. У топшириқни бажариш вақтида ҳам, Шульц билан бўлган суҳбатда ҳам фикрлаш қобилятидан маҳрум, тизгинини бировнинг қўлига бериб қўйиб, қаёққа етакласа ўша ёққа кетаверади одам қиёфасига кириб қолди. У нима учун, нима сабабдан Блауни уриши шартлигини ўйлашга ҳам вақт тополмаган эди. Буни у ўзгача ирода билан руҳи тушиб Шульцнинг саволларига қуллуқ қилган ҳолда жавоб берган пайтида ҳам хаёлига келтирмаганди. Виждон азоби кейин пайдо бўлди-ю, уни эса бошлади. Василе ўша кунни ким билан ўтказган бўлса, ўшалар кўзи олдида бошқача таассурот қолдирган эди. Энди-чи, ўз шубҳалари билан ёлғиз қолганда эса тамоман бошқача бўлиб кўри-няпти, бунга унинг ўзи ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қилиб турибди. Албатта оғайнилари уни ботир, ҳар қандай ишга лаёқатли деб ҳисоблашган. Эҳтимол, Шульц ҳам унда «янги тартиб»нинг ғояларини охирги томчи қони қолгунча ҳимоя қила оладиган одам қиёфасини кўргандир. Аслини олганда у бундай эмас, бошқача эди. Унга ётсираб, шубҳа билан қарайдиган даврлар ўтиб кетганига анча бўлди. Лекин эндигина уларнинг ишончини қозонган бир пайтда ўзини боши қотиб қолган, чарчоқ ҳис қила бошлади.

Худди бир вақтлар уларнинг ишончини қозонишга зўр бериб тиришганликларининг азобини тортаётганга ўхшарди. Вақт ўтиб бориши билан у «умумий маданият» дарсида ўз фикрларини баён қилган ҳолда саволларга ўзи учун масаланинг моҳиятини чуқурлаштирмай дадиллик билан жавоблар бера бошлади, лекин зўрғатдан қаторига қўшилган ўртоқлари билан бир марта амалий тадбир машғулотида иштирок этишидаёқ бутун тоат-ибодати бекор кетиб, уларга қайнаса қони қўшилмаслигини билиб қоларди. Рудольфнинг гапларини деярли бир соат эшитиб турибди-ю, бирон марта ҳам унга қарши бор ҳақиқатни очиб берадиган эътироз билдира олмабди, эҳтимол, ҳақиқат ўз томонида эмасдир. Ахир, Рудольфнинг ўзи уни фақат румин ишчисининг ўғли, ижтимоий келиб чиқишининг ҳам ярми булганганлигини писанда қилиб, буни ҳеч қачон унутмаслиги кераклигини айтди-ку. Василе кўнглидаги нарсаларни кимларгадир ёрилиб, шундоқ ўртоқлашгиси келардики, лекин кимга ҳам ёрилади? Отаси ўзидан шу қадар узоқ ва бегона бўлган бу саволлари хусусида нимани ҳам тушунарди? Агар онаси ҳаёт бўлгандами, унда Негоицэ мутлақо бошқа одам бўлган бўларди.

Василе клубга кириб борди. Қаторасига бир неча хонадан ўтгандан кейин ўртасига ринг қўйилган спорт залига чиқди. Бу вақтда эндигина боксчилар учрашуви тугаб, икки боксчи елкасига сочиқ осган ҳолда арқондан ўтиб ечиниш хонасига тушиб кетаётган эди.

Устози Василени кўриши билан дўстона қўл силкиб, рингга таклиф қила бошлади. Василе тараддулланиб қолди. У бир чеккада томоша қилиб туришни хоҳлаётган эди. Лекин устози қўймади, туриб олди. Василе ечиниш хонаси томон йўналди. Шимини қозиққа илиб қўйиб эндигина чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, ерда ҳар бири минг лейдан бўлган икки ўрам қоғоз пулга кўзи тушиб қолди. У бу ерда ўзидан аввал ким бўлган бўлса, ўша одам тушириб қолдирганига ишониб, пулни қўлига олди. Шу пайт қўллари тўсатдан банкнотларни асабий равишда ғижимлай бошлади. Василе бир лаҳзада бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни — Блаунинг йиртилган, ғижимланган пальтоси ўзининг оёғи остида ўралашиб ётганини ҳам, унинг чўнтагидан тушиб кетган ҳамённи ҳам, Рудольф баравардан бўлиб берадиган пулларни ҳам хаёлига келтирди-ю, тишлари ғижирлаб, бир-бирига ёпишиб кетди. У секин-аста ечиниш хонасининг скамейкасига чўкди. Оғзи қуриб қолди, тили эса ёпишқоқ, лекин аччиқ бир латтага ўхшаб танглайига ёпишарди.

— Ҳо, Силе, сени капитан кутяпти.

Василенинг қулоғига ҳеч нарса кирмади. Фақат парда тортилиб, рўпарасида устози пайдо бўлгандагина ўзига келди. Василе ўзини шошаётгандек қилиб кўрсатишга уринди. Пулларни шимининг чўнтагига суқди-да, хонадан чиқди. Устози унга қўлини дока билан боғлашга қарашиб юборди.

— Нима бўлди, касалмисан?— сўради устоз.

— Йўқ.

— Бугун қандай экансан, Негоицэ, кўрамиз! — қичқирди залнинг нариги тарафидан капитан. Унинг бадани сутга чайилгандек оппоқ бўлиб, ияги эса худди ботинканинг тумшуғига ўхшаш учли эди.

Клубда Негоицэнинг ҳамма танишлари уни Силе деб аташарди. Василе фамилиясини айтиб чақириваётганини эшитиб, отаси хаёлига келди-ю, бирдан аллақандай ғалати ҳиссиётлар бутун вужудини қамраб олди. Йўқ, бу ўз қилмишларига пушаймонликдан эмасди. Аксинча, ўз отаси бўлмиш бир кимса олдида ҳаётида биринчи бор қалби ифлослик, номуссизлик ботқоғига булганган одам қиёфасида кўринганидан хижолатга тушганининг белгиси эди.

Василе биринчи зарбадан сўнг ўзига келди, бунинг учун ташаккур билдиргандай капитанга қараб илжайиб қўйди. Капитан эса унинг илжайишини масхара ўрнига қабул қилди. Иккинчи зарбадан кейин фикрини йиғиб ўзини тутиб олмоқчи бўлган эди, бўлмади. Майдон четидагилар қичқириқлар билан уни қўллаб-қувватлар, лекин у мухлисларининг далда бериш учун қилган ҳамма хатти-ҳаракатларига эшитмаётгандек бефарқ қарар, гарангсиб қолган эди. Навбатдаги мушт зарбидан тиззалари букила бошлади, ҳатто у йиқилаётганини ҳам билолмай қолди. Бироқ ҳакамнинг ўнгача санашига имкон бермай ўрнидан туриб кетди. Василе худди қопни тикка қилиб қўйиб ҳар тарафдан ураётгандек ёғилаётган зарбалардан бошқа ҳеч нима кўрмади. У ўзини четга олиб қочган эди, бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Ўзи ҳам мушт ташлаган эди, қўли ҳавода муаллақ қолди. Майдон атрофида кулги кўтарилди. Бу пайтда у бурчакка сиқиб олинган эди. Капитан унинг қорнига қараб мушт туширди. Василе оғриқ зарбидан бужмайиб, тиришиб қолди, кейин ўзини орқага отди, арқон яна олдинга силтаб ташлади. Бирин-кетин берилаётган зарбаларни қайтариб туриш учун қўлларида мадор қолмаган эди. Бир кўзи ўт чиқаётгандай қиздира бошлади. Ёрилган қошидан қовоғи узра қон оқиб тушиб кўзини юмиб қўйди. Отаси қарши-

сида аллақандай кўркувга тушиб, кўлини шундай боғлаб қўйгани учун ҳозир Василени телбанамо бир қаҳр-ғазаб чулғаб олган эди. Қулаётган тананинг хирилдоқ бир товуши қулоғига чалинди. Йиқилаётган одам бир лаҳза унга ўзи эмас, худди капитандек туюлиб кетди. Номусдан, ўз ожизлигидан Василенинг йиғлагиси келарди. Ҳушидан кетишидан сал илгари бир дақиқа Негоицэнинг қиёфаси кўз олдида жонланди. Отасини ёрдамга чақирмоқчи бўлган овози оғзига тўлган қондан ташқарига отилиб чиқмай бўғзига тиқилиб қолди-ю, кўз олдини қоронғилик босди, ўзини йўқотди.

Василе ёғоч каравотда ҳушига келди. Каравот бошидан устознинг бўғиқ овози-ю, доктор Клауснинг чийиллаши келарди.

— Зарари йўқ, ўзига келади...

— Сув, сув беринг, — ингради Василе.

— Ўзингни аҳмоқона, жудаям аҳмоқона тутдинг, — деди врач. Устози сувга чиқиб кетди.

8

Вақт ярим кечадан ошди ҳамки, Василе қайтиб келмади. Шериги соат саккизда навбатчиликни қабул қилиб олгандан кейин Негоицэ уйга келди-да, ечинмасданоқ ўзини каравотга ташлаб, пинакка кетди. У оёғи остида кимдир гимирлаётганини сезиб уйғонди. Ёстиқдан бошини кўтариб қараса, Ионуц ботинкасининг ипини ечмоқчи бўлиб ўралашаётибди.

— Кўявер, ўғлим, зарари йўқ...

Ионуц барибир тинчимади. Шундан кейин туриб, ботинкасининг боғичини ўзи ечди, ўғли эса оёғидан суғуриб олди.

— Дада, чарчадингми?

— Ҳа, чарчадим, ўғлим.

Ионуц иккинчи ботинкасини ҳам суғуриб олди.

— Ионуц, соат неча бўлди?

— Ойим ётаётганида ўн бўлди, деган эди.

— Силе келмадимми?

— Йўқ ҳали.

— Сен нега ухламаётибсан? Кеч бўлиб кетди-ку.

Бола елкасини қисди-ю, жавоб бермади. У Василега бирон нима бўлмаганмикин, деб хавотир олиб ҳали ётмаган эди. Гарчи, отасининг кўзларидан у ҳам Василе ҳақида ўйлаётганини сезиб турса-да, бироқ унга ҳақиқатан ҳам бирон нарса бўлди дейишга юраги дов бермаётган эди.

Иримие ҳам Ионуцдан Василенинг кечиккани хусусида нима фикрда эканини сўрагиси келди, лекин боланинг бундай нарсаларни билиши шарт эмаслигини тушуниб, индамади. У эрта-лабки воқеаларни, Василенинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборганини эслади. Эслади-ю, катта ўғли билан яхшилаб гаплашмаганига, унинг кўнглида нима бор — юрагига қўл солиб кўрмаганига афсусланди. Қаранг, Василе ўсиб, катта бўлиб кетибди-ю, буни у сезмабди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Иримие доим иш билан банд бўлиб, болани эътибордан четда қолдирди. Унинг кундан-кун нега бундай қайсар ҳамда ғамгин бўлиб кетаётгани сабабини аниқлаб билишга вақт тополмади.

— Дада, кўрқиб кетяпман, — шивирлади Ионуц отасининг индамай ётганини аллақандай хатардан нишона деб билиб. У Негоицэнинг тўшагига яқинроқ сурилди-да, ўз қалтироғини бошиш учун уни кучоқлаб олди.

— Нимадан кўрқяпсан, Ионуц?

— Василе кечасига қолиб кетган кунлари доим шунақа кўрқаман.

— У энди катта бўлиб қолди ўғлим, сенга ўхшаган кичкина бола эмас, кечроқ келса ҳам бўлаверади, — минғирлади Негоицэ ростдан ҳам шундай эканлигига ўзи ҳам унчалик ишонқирамай.

Иккаласи бирмунча вақт жимиб қолишди. Хонада фақат Иримие билан Ионуцнинг баравар нафас олиши-ю, нариги хонада ётган Элизанинг енгил хурраги эшитиларди, холос.

Кўча эшик ғийқиллади. Уни бегона одам очганлиги аниқ эди, чунки бегона бўлмаганда зулфинидан кўтариб очарди. Шундан кейин ҳовлида қоп думалатаётгандай аллақандай шитир-шитир овоз келди. Кейин эшик тақиллади.

— Ким у? — қичқирди Негоицэ.

— Полиция.

Иримие қотиб қолди. Ионуц йиғлашга тушди.

— Бемаҳалда сизга нима керак? — эшикни очмасдан туриб сўради Иримие.

— Негоицэ Василе шу ерда турадимиз? — эшик орқасидан овоз келди.

Дарров Негоицэнинг хаёлига Василе бир иш қилиб қўйибди-ю, полиция уни бемаҳалда ахтараётган экан-да, деган фикр келди.

Иримие тезлик билан даҳлизга чиқди-да, кўш зулфинни кўтариб эшикни очди. Унинг рўпарасида сержант пайдо бўлди. Сер-

жант ҳадеб ниқобланган чўнтак фонарининг кўм-кўк нурида боксчилик гувоҳномасига қараб ниманидир ўқишга ҳаракат қиларди. Гувоҳноманинг ичида эса Василенинг сурати ёпиштирилган эди.

— Шу ерда туради. Нима бўлди?

— Отасимисан?

— Ҳа.

Сержант қўлидаги гувоҳномани чўзиб пастга имо қилди. Иримис мундоқ қараса ерда эрталаб қандай кетган бўлса, худди ўша ҳолда — қўлтиғига бокс кўлқопи билан папкасини қисганча қор устида Василе чўзилиб ётибди.

— Бу уми?

Иримие зинадан тез-тез тушиб югуриб борди-ю, фонарчанинг кўк нурида ўғлини зўрға таниди. Унинг ранги докадек оппоқ, бурни пачақланган, қоши ёрилган, у ердан чиққан қон уйиб қоп-қора бўлиб қотиб қолган эди.

— Уни қаердан топдинглар?

— Цирк ёнидаги майдондан.

Сержант унга Василенинг боксчилик гувоҳномасини узатиб, одат бўйича қўлини чаккасига қўйиб честь берди, кейин фонарчасини ўчириб ҳовлидан чиқди. Иримие нима ҳодиса рўй берганини яхшилаб билиб олиш учун унинг кетидан эшикка отилди, лекин сержант бу вақтда қоронғилик қаърига сингиб, арвоҳ сингари бирпасда кўздан ғойиб бўлган эди.

— Йиғлама, Ионуц, кўй, яхшиси кириб ойингни уйғот.

Ионуц уйга югуриб кириб кетди. Иримие бўлса, қўлини ўғлининг қўлтиғига суқиб зўр-базўр кўтариб уйга олиб кирди. Фақат электр ёруғидагина Негоицэ ўғлининг дабдала бўлиб кетган бетига яхшилаб қаради. У совуқ сувга сочиқ ҳўллаб келди, кейин ўғлининг бошида чўққайиб ўтириб, унинг юзларини арта бошлади. Совуқ сочиқнинг тегиши Василени ўзига келтирди. У шишиб кетган қовоқларини кўтарди. Иримиенинг кўзи яна ўша эрталабки, Василе мактабга кетаётгандаги ўжар, адоватли кўзларга тушди.

Кўшни хонадан тунги кўйлақда Элиза чиқди. У кўрққанидан қўли билан оғзини беркитди-ю, нима гап дегандай Иримиега тикилди, кейин аччиқ спирт ҳиди димоғига урилиши билан Василе қаерлардасини ичиб, уйга ўлардай калтак еб келганини тушунди. Чехрасидаги кўркув захархандалик, нафрат аломатлари билан алмашди.

— Чўчқага ўхшаган! У киши она дейишни эп кўрмасину, мен унга балогардон бўлиб юраверай,— у кўзлари билан нималарнидир қидирар экан, вайсади.

Элиза бир парча пахта топиб, уни кўзадаги сиркага намлади, кейин Василенинг қон оқиб моматалоқ бўлиб ётган башарасини арта бошлади.

— Нимага ҳиқиллаб турибсан? Бор, жойингга ёт! Ҳамманг бир гўрсан.

Ионуц орқага тисланди-ю, бошқа хонага чиқиб кетмади.

— Мана кўрасан, бугунми-эртагами хонавайрон қилади, уйга ўт кўяди бу. Бунақа дайдилардан буни кутиш мумкин...

— Элиза...

— Нима Элиза? Она дейишга ор қилади, кўнгилларида мен унга хизматкор бўлсам, э... сен стрелкаларингдан бошқа нимани ҳам билардинг, ҳа, шундай. Уйда миқ этмайсан, оғзингга толқон солиб оласан. — Лекин қанча артгани билан Василенинг юзларидан оқаётган қон тўхтамаганидан кейин йиғига тушди: — Қайси гуноҳларимга шунча хўрлик? Сен бетавфиқ йўлимда қандай пайдо бўлиб қолдинг?

— Элиза, йиғлайверма... Ҳаммаси ўтиб кетади...

— Умримда бирон кун рўшнолик, хурсандчилик кўрмадим-а...

Эр-хотин Василенинг эгнидан кўйлагини ечиб олишиб, Негоицэнинг кўйлагини кийгизишди-да, тўшакка ётқизишди. Элиза ўт ёқиб, қумфонда чой қайнатди. Кейин чой дамлаб, чойнакни каравотнинг олдидаги табуреткага қўйди-да, Ионуцни етаклаб бошқа хонага кириб кетди. Ўша ердан унинг болалар бир нималарни гўлдираб йиғлаганига ўхшаш йиғиси бир маромда узоқ вақтгача эшитилиб турди. Кейин бу ҳам аста-секин тинди.

Чорраҳага яқинлашаётган поезднинг узун қичқириви-ю, кейин излар туташган жойда вагон филдиракларининг тарақа-туруқи эшитилди.

Негоицэ табуреткадаги чойни олиб қўйиб ўрнига ўтирди-да, ўғлига эгилди. Василе кўзини очди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, шишиб кетган қонталаш лабларининг орасидан аллақандай тушунарсиз, мужмал сўзлар чиқди. Кейин у кўлини зўр-базўр чўнтагига тикди-да, ковлаштириб минг лейлик қоғозни тортиб чиқарди. Отасига унсиз, ҳатто бир оз истеҳзо билан уни узатди.

— Сен циркда пулга бокс тушганмидинг? — шивирлади Негоицэ. У деворларга, бутун теварак-атрофга ёпиштириб ташланган афишаларни эслади. Афишада кимда-ким «пулемёт» боксчи билан уч раунд бокс тушишга дош берса, унга минг лей берилиши маълум қилинган эди. — Силе, нега бундай қилдинг? — сўради Негоицэ.

— Чунки... ойим текинхўр демаслиги учун, — деди зўрға мин-гирлаб Василе.

— Ахир ҳамма гапни ўзингга олаверишинг ҳам керакмас-да, болам.

Василе ўрнидан кўтарилиб рўмолчага куюқ қон туфлади-да, орқасига суяниб туриб, деди:

— Менга ҳали биров нимани қилиш кераг-у, нимани қил-маслик кераклигини ўргатгани йўқ.

Негоицэ ўғлининг лабига чой тутди.

— Ичолмайман...

— Ич! Томоғингдаги қонларни ювиб ташлашинг керак. Агар сенга шу даражада пул зарур бўлиб қолган бўлса, буни топиш-нинг бошқа йўллари ҳам бор, — Негоицэ ўғлини тинчланти-ришга ҳаракат қилди.

— Ҳар ким кўлидан нима келса ўша билан пул топади. Се-нинг нима ишинг бор? Бор, мени тинч қўй, сенга кўзим учиб тургани йўқ.

Негоицэнинг лаблари титраб кетди. У ота билан қандай гап-лашиш кераклигини кўрсатиб қўйиш учун ўғлининг башарасига тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди, лекин бу билан ҳеч нарса чиқара олмаслигига кўзи етиб, ўйланиб қолди.

— Ўғлим, сенга нима бўляпти ўзи? Нимангга етказиб берол-маяпман? Ҳали уйда кунинг ўтмай қолдимми? Ҳали мен сени муштлашишга юбордимми? Агар сенинг ўрнингга мен бўлган-нимда, ота билан бундай гаплашмаган, унга бундай муомала қилмаган бўлардим.

— Эҳтимол, отанг сенга ўхшаган бўлмагандир.

— Мен қанақа эканман?

— Ҳеч қанақа.

— Мана, ўғлим, қандай ҳолга тушиб қолдим... Ахир, мен сени деб шу кўйга тушдим-ку, жилла курса юзимга бунчалик оёқ тирамасанг бўларди. Куни бўйи аллақерларда санқиб юриб, уйга маст ҳамда ўласи қилиб калтакланган ҳолда келасан-у, яна ҳар хил бемаза гаплар билан отангни беҳурмат қилишга, дили-ни офритишга юзинг чидайди... яхшимас.

Негоицэ ўрнидан туриб оқарган сочларини қўли билан тўғри-лади, кейин столга ўтирди.

— Нега мени урмайсан? Ахир, отамсан-ку!

— Сени мен эмас, Худонинг ўзи жазойингни берсин.

Василе чалқанча ётиб олди.

— Агар ойим тирик бўлганда қанақа одам бўлганимни кўрар-динг.

Негоицэ муштларини сиқиб ўрнидан туриб кетди.

— Онанг тўғрисида гапирма, билдингми? Бунга лойиқ эмасан!

— Нега энди лойиқ бўлмас эканман?

— Чунки, мен ҳам, онанг ҳам сени ҳеч қачон безори қилиб тарбиялашни ўйламаганмиз.

— Безори қилиб?

— Ҳа... Агар бир оз бўлса ҳам ота-онасини ҳурмат қиладиган одам ҳеч қачон шу аҳволда уларнинг кўзига кўринмаган бўларди... — Негоицэ қайта жойига ўтирди, кейин бўғиқ овозда яна сўзида давом этди: — Мен сенга нима қилишим лозим бўлса, барини қилдим. Ишлаб-ишлаб, оқибатда кўрган куним шу! Сизларнинг куллари кўлдим. Мана, бутун ҳаракатларимнинг эвазига топганим.

Бирмунча вақт иккаласи жимиб қолишди.

— Силе, эҳтимол ўзим айбдордирман. Ахир, сен билан дурустроқ гаплашиш ҳеч қачон калламга келгани йўқ. Мен сени ҳали ёш бола қаторида кўриб юрардим. Энди, билишимча, болалик ёшидан ўтиб қолибсан. Бугун эрталаб сенга қараб туриб мендан ҳам кучли бўлиб қолганлигингни билдим. Сен мени бемалол ура олишинг мумкин.

Василе деворга ағдарилиб олди.

— Дада, сенга ҳеч қачон қўлимни кўтармайман, — у шундай деди-ю, қони қочган ёноқлари узра икки томчи ёш думалади.

Иримие ҳеч нарса сезмагандай ўрнидан туриб тўшакка яқин келди, полда сочилиб ётган пулларни олди-да, ўғлининг қўлига тутди.

— Бу пуллар сеники, сен ишлаб топгансан.

Василе пулларни ўз қатига тўғрилаб иккита тарафидан қаради: бир четига қон теккан. Сўнг кўзини аввал Негоицэга, кейин бошқа хонага олиб кирадиган эшикка тикди-да, зўр-базўр куч йиғиб сўради:

— Уни севасанми?

Иримие индамади.

— У эса бошқани севади, — деди Василе бадхоҳлик ва одамнинг номусига тегадиган бир йўсинда.

— Сен ўғлим, шуни билиб қўйгин, балоғатга етганликка етгансан, бироқ ҳали бизларни муҳокама қиладиган даражада катта бўлган эмассан.

Василе ноўрин гапириб қўйганини тушуниб, гапирган гапига пушаймон еди. Кейин ўрнидан турди, кўзлари жонсарак аланглаб деди:

— Дада, кел, шу ердан кетайлик, ўтинаман, кетайлик. Қаер бўлса ҳам майли, фақат иккаламиз яшай оладиган жой бўлса бўлди. Ахир мен ҳам катта бўлиб қолдим-ку, ишга ярайман.

— Силс, сен тушунмаяпсан...

— Кўй энди! Сен бу пулни ишлаб топди, деб ўйлаяпсанми? Аҳмоқ одам бунга ишонади.

— Силе!

Василе девор тарафга ағдарилиб олиб йиғига тушди. Иримие-нинг уни овутиш, кўнглини кўтариш учун қилган ҳамма ҳаракатлари зое кетди. Василе бўлса отасини дам қўли, дам оёғи билан итариб сўкар, ҳақоратларди. Кейин бирдан оёқларини узатиб жимиб қолди, охириги икки томчи ёшни чиқариб қовоқлари, киприклари ҳам бир-бирига оғир ёпишди, кейин унинг бир маромда нафас олиши эшитила бошлади — Василе ухлаб қолган эди.

Иримие букчайганича тўшакнинг бир чеккасига ўтирди. Ҳамма чарчоқлари аллақачон чиқиб кетган, ўғли билан қилган суҳбатни уни саросимага солган, довдиратиб қўйган эди. У Василенинг гапларида, гарчи бўрттириб гапираётган бўлса ҳам, жон борлигини сезса-да, қай даражада ўзи ҳақ, қай даражада ўғли ҳақ эканлигини ўйлаб ўйига етолмас эди. Чунки унинг бутун ҳаёти тутуриқсиз ўтганди. Бунинг айбдори ким?

Негоицэ буларнинг бари ҳақида Матей билан гаплашишга қарор қилди.

Олдинги хонанинг эшиги секин-аста очилди. Оёғига шиппак кийган Ионуц тилини чиқариб хонага кириб келди. Иримие шу даражада хаёлга берилиб кетган эдики, ўглининг келганини фақат тиззасига ўтириб тиканли юзидан ўпгандагина билди.

— Дада, нега ётмаяпсан?

— Уйкум келмаяпти, Ионуц...

— Дада, нега сен ойим билан бирга ухламайсан? Гогони биласанми, отаси бор-ку, машинист, ҳув муюлишнинг нарёғида туришади. У айтдики, отаси ойиси билан ухларкан.

— Ойиси бир ўзи ётишга қўрқадигандир-да...

— Менинг ойим қўрқмайдами?

— Қўрқмаса керак.

— Дада, нега сен уйда йўқлигингда Виссарион амаки бизни-кига келади-ю, сен борингда келмайди?

— Бор, жойингга ёт.

Ионуц унинг тиззасига яхшилаб ўрнашиб олди-да, елкасига бошини қўйганча уйкуга кетди.

Негоицэ шу ҳолда — Василенинг шишган юзларига қараб, кичик ўғлини бағрида иситиб ўтирганча тонг оттирди.

Тонг отиши билан Иримие Ионуцни эҳтиётлик билан бағридан ажратиб Василенинг ёнига ётқизди-да, ювингани чиқиб кетди. У қўл ювгичнинг устига ўрнатиб қўйилган кўзгуда ўзига қараб, соқоллари ўсиб кетган чаккаларини қўли билан бир неча бор қашлаб қўйди. Соқоли мошкичири бўлиб қолганига ҳечам қайғурмади, бунга ачинмади ҳам. У шу топда фақат ўз умрида бўлиб ўтган, хаёлига бирининг кетидан иккинчиси қуйилиб келаётган асосий воқеаларнигина ўйларди. Бир неча дақиқа ичида ҳаётида нима яхши ва нима ёмон иш қилган бўлса, ҳаммасини хотирига туширди. У умрида қандай ҳодисалар бўлган бўлса, ҳаммасини ипидан-игнасигача эслаши мумкин эди-ю, фақат бир нарсани эслолмасди. Бу ҳам бўлса, ўша пайтларда унинг ўзи қандай аҳволда эди. Иримие Ионуцнинг ўзи билан Виссарионни солиштириб, Виссарионнинг доим юзини қиртишлаб юришини, бунинг эса соқол олиши эсидан чиқиб қолаверишини айтганини эслаб, кулиб қўйди.

Иримие соқол олишга тушди: устарани кафтига чархлаб, юзига совун суркади. «Болалар ҳамма нарсани фаҳмлашади-я, — ўйлади. — Иззат-нафсини сақлашга келганда-чи, ўзлари билмаган ҳолда ўтакетган бешафқат бўлишади, зумрашалар».

У тўшакка қараган эди, Василенинг ағдарилиб, Ионуцни кучоқлаб олганини кўрди. Василе Ионуцни жинидан баттар ёмон кўрар, ҳеч вақт ўзи билан бирга ётишга рухсат бермас эди. Мана, энди бўлса унинг пайли қўллари боланинг нозик бўйнидан оталарча ғамхўрлик билан кучоқлаб ётибди. Негоицэ ҳалиги пул ҳақида нимани ўйлашни ҳам билмай қолди. Василе буни рингда бокс тушиб топдими ёки бирор жойдан ўмардими? Ёшлигида ўзининг ҳам бошидан кўп кўргиликлар ўтган. Ёшларнинг бола бўлиб бола бўлмаган, катта бўлиб катта бўлмаган бир пайти бўлади. Ана шу пайт ота-онани кўп ташвишга солади. Негоицэ Василенинг кўпол гапларига унчалик чуқур маъно бермади. Фақат у ўғлининг бу сўзларни айтишга мажбур қилган нарсани билгиси келарди. Унда бундай сурбетлик, беҳаёлик қаердан пайдо бўлди? Ё у ўз ўғлини яхши билмасмикин? Лекин асли гап бошқа ёқда эди. Василе пулни қандай йўл билан топган бўлмасин, бу билан ниманидир исботламоқчи эди ва у жанжал кўтариб бўлса ҳам ниятига етди.

Иримие устарани қаттиқ тортиб юборган эди, юзини кесиб кетди. Кесилган эт худди пиёзнинг пўстидай ажралиб чиқди-ю,

ўрнидан юзи бўйлаб қон оқа бошлади. Иримие қонни тўхтатиш учун кесилган жойга аччиқтош қўйди. Аччиқтош шундай ачиштирдик, оғриқдан лабларини қаттиқ тишлаб олди.

«Албатта Матей билан гаплашиш керак», — ўйларди Иримие. Ўғли билан орасида бўлиб ўтган ҳодиса қандайдир кўнгилсизликдан дарак бериб турарди.

У сочиқ билан артиниб, кесилган жойини яна бир ҳўллаб, елкасига пальто ташлаганча кўчага чиқди.

Кўшни ҳовлида сукунат ҳукмрон. Фақат узоқ-узоқлардан хўрозларнинг қичқириши-ю, худди охириги кучини тўплаб туриб чинқирганга ўхшаш паровозларнинг овозлари қулоққа чалиниб турарди. Негоицэ: «Ортиқча ортворишган, мана энди тортолмаяпти», — деб ўйлаб пастқамликдаги сўқмоқ орқали Матейларни кига йўл олди. У Матейни ухлаётган жойидан турғизмоқчи бўлиб келган эди, лекин уни омборхонада гивирсиб юрганини кўриб, ҳайрон қолди.

— Яхшиям кўчадан келмабсан, — деди Матей.

— Кўчадан келганни ёқтирмаслигини биламан, лекин келмасдан иложим йўқ эди.

— Қайнатма шўрва бор, кейин печка қўрга кўмилган картошкага тўла.

— Матей амаки, овқатга тобим йўқ.

— Тобинг бўлиши керак. Овқатнинг таъмини унутсанг, ҳаётнинг ҳам таъмини унутасан.

— Матей уйга кириб кетди-ю, қўлида картошка тўла кастрюл билан иккита товоқ кўтариб чиқди. Кейин иккаласи узунқисқа бўлиб тузланган карамнинг нордон ҳиди гуп этиб димоққа урадиган ертўлага тушишди.

Иримие ғўла устига ўтириб, жинчироқнинг пилигини кўтарди. Кейин Матейнинг қўлидан косани олди.

— Гапир, Иримие.

— Нимани гапирай?

— Силе тўғрисида.

— Василе тўғрисида гаплашишга келганимни қаердан биласан?

— Биламан-да.

— Василе тўшакда ўликдан бери, тирикдан нари бўлиб ётибди. У ё циркда пул ишлаш учун бокс тушган, ё бўлмаса ўғирлик қилгану, уни ушлаб олишиб роса дўппослашган, нималигини билмайман.

Матей ўйланиб қолди.

— Ҳ-ҳа, ёмон бўлибди.

Негоицэ косани карам тузланган бочканинг устига қўйди-да, мой тегавериб кулранг тусга кириб кетган қўлларига қаради.

— Пулни қаердан олганлиги тўғрисида сенга бир нима деди-ми, Иримие?

— Мен аввалига циркда бокс тушган бўлса керак, деб ўйлаган эдим, кейин Василенинг ўзи бу пулни ишлаб топганим йўқ, деди.

— Сен ўзинг нима деб ўйлаяпсан?

— Ўзим нима деб ўйлардим? Очиқ кўр — нодон бир одам бўлсам.

Матей папирос тутатди. Гугурт ёруғида кўзининг атрофидаги ажинларнинг ариқчалари ёрқин кўриниб кетди.

— Биласанми, сен ўглингни қўлдан чиқариб юбординг. Эҳтимол, уни умрингда ҳечам ушламагандирсан. Сен уни ҳаддан ташқари яхши кўрганингдан ҳам қўлдан чиқардинг. Иримие, ўглингга ҳеч қачон ўзинг аралашмайдиган, ҳатто яқинингга йўлатмайдиган бир ҳаётни раво кўрдинг. Сенинг муҳаббатинг кўр муҳаббат. Қани, ўглинг тўғрисида нима ўйлаётган бўлсанг ҳаммасини гапириб бер-чи, мен ахир бегонаман, ўглингни қанақалигини билмайман-ку, ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин. Менинг билишимча, сен ўглингга худди ёмбига қарагандай қарайсан. Ўглингни улфатлари эса уни бузиб юборишди, одамгарчиликдан чиқаришди. Буни фақатгина сен кўрмаяпсан. Силе ўша пулларни ишлаб ҳам топмади, топиб ҳам олмади.

— Бўлмаса қаердан топди?

— Босқинчилик қилди.

— Матей...

— Кеча мен тушдан кейин саралаш бекатидан қайтаётсам, катта майдонда ўглинг ва яна бир неча болаларнинг доктор Блаунинг чўнтаklarини титкилаётгани устидан чиқиб қолдим. Мен Силенинг олдига борган эдим, менга, агар оғзингдан гулласанг ёмон бўлади, деб пўписа қилди. Василе яҳудийни талашнинг ҳеч қанақа уятли жойи йўқлигини гапириб, мени бунга ишонтирмоқчи бўлди. Ўз кўнглида ишонтирди ҳам. Улар аслида буни талашмади, балки фашистлар партиясига кириш учун имтиҳон топширишди. Назаримда, имтиҳондан муваффақиятли ўтишди. Ажойиб ҳаракатлар қилишди, тан бермай иложинг йўқ.

— Матей, ишонгим келмаяпти. Яхшиси, уни ўз қўлларим билан у дунёга жўната қолай.

— У сенга энг паст, ҳеч нарсага арзимайдиган одамга қарагандай назар билан қарайди. Ўзини эса бошқача ҳисоблайди, бошқа ўринга қўяди. Шунинг учун ҳам мана шундай ишларни қилишга юраги дов берди. Яхшиси, у эрта-индин бировларнинг бўйнини суғурмасидан аввал, ўз қўлларинг билан ўзининг бўйнини суғуриб ташлаганинг маъқул.

— Матей, тўйдан олдин ноғора чалиб юборяпсан шекилли.

— Эҳтимол шундайдир-у, лекин мен бу гапларни ҳалигиндай хабарларни бошқа олдимга кўтариб келмаслигининг олдини олиб айтаяпман.

— Матей, кўриб турибман, мендан ниманидир яширяпсан.

— Ҳеч нарса яшираётганим йўқ, Иримие. Мен сени жуда яхши биламан, нима, сендан бир нимани яшириб, қўрқармидим. Сен бўлсанг-чи, мендан доим ўзингни олиб қочиб юрасан.

Иримие Матейнинг ҳай-ҳайлашига қарамай қўзғалиб қолди. У қандай келган бўлса, ўша йўл билан уйига қайтиб кетди. Ишга чиқишига бир соат қолибди. Энди ётишдан маъни йўқ. Уни фақатгина ҳорғинликнинг ўзи эзаётган бўлса майлиди-я! Негоицэ даҳлиздан челақни олиб сув келтириш учун бурчакдаги сув солинган бочка томонга борди. Кейин иложи борича овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб, секинлик билан ўтин ёра бошлади. У Матейдан эшитган ҳамма гапларни яна бир карра эсига олди-да, яхшиси, ўғли билан гаплашишга қарор қилди. Ёрган ўтинларини бир неча марта қўлтиқлаб уйга олиб кирди. Кейин бир бурда нон билан бир бўлак ёғни қўшиб газетага ўради-да, байроқларини қўлига олиб кетишга ҳозирланди. Эшикнинг олдида борди-ю, ўгирилиб бир-бирига ўгайликдан ҳеч қандай ном-нишона йўқ бир ҳолатда кучоқлашиб ухлаб ётишган ўғилларига қаради. Кейин Василенинг қандай мудҳиш ишлар қила оладиган бўлиб етишганлигини ўйлаб, бутун вужудини чуқур ғам-алам қуршаб олди. Негоицэ овқатини стулга қўйиб, болалари ва Элиза турса ичар, деб олов ёқиб чой қайнатди. У пиёлани каравотнинг олдидаги табуреткага қўйди-да: «Чой совиб қолмасин учун печкага қўйдим. Бир-биринг билан уришмаларинг. Отанг», — деб қалам билан хат ёзди, болаларининг устини адёл билан ёпиб қўйиб, нонуштасини қўлига олди. Кейин болалар уйғониб кетмасин деб, эшикни ҳам фичиллатмай аста очди-да, ташқарига чиқди.

Булутлар остидан қуёш мўралаб турарди. Юпқа муз билан қопланган ёввойи олхўрининг шохлари қуёш нурларида ярқираб, секин-секин силкиниб қўяди. Пўсти юлиниб, унинг ўрни-

дан оқиб чиққан шилимшиқ елимлари эса қизғиш рангда қотиб қолган. Бир чумчуқ ёғдудан кўзи қамашиб кетгандай учиб келиб, қори эриб ери очилиб қолган жойга қўнди. У бошини кўтариб ерни бир чўқилади-ю, тумшуғида ниначининг кумуш рангда товланувчи эски, қуруқ қанотини тишлаб яна пириллаб учиб кетди.

Кўча эшиги ёпилди. Негоицэ йўлни кесиб ўтиб будкаси томон одимлаб кетди, ўрта йўлнинг семафори кўтарилган, ялтироқ издан ўқдек учиб поезд келарди. Усти очиқ вагонлар кўк брезент билан ёпилган. Ундан осмонга ҳамла қилишга ҳозирлангандек кўрсаткич бармоққа ўхшаб пушкаларнинг стволлари чиқиб турарди.

10

Ионуц кўлини чўнтагига тиқиб, бошини қуйи солганча темир йўл кўтармаси томон борарди. У семафор тарафга қараб, гаплашиб турган Василе билан отасига кўзи тушди-ю, инқиллаганча уларнинг олдига югуриб борган эди, Иримие унга эътибор қилмади.

— Дада, Гаврилуш Байяш айтдики...

— Жўна бу ердан! Қани, сенга айтяпман! — Негоицэ бақириб берди. Ионуц отасининг нима учун тўнини бундай тескари кийиб олганига ақли етмай, тумшуғини осилтириб орқасига қайрилди.

Иримие билан Василе семафор олдига келганда тўхташди. Негоицэ чироқларни тушириб, изнинг устига териб қўйди-да, кейин уларни бирма-бир тозалай бошлади. Василега ҳам бир эски латта узатди, бу билан сен ҳам ёрдамлаш деганга ишора қилди. Василе дудланиб кетган лампалардан бирини кўлига олиб артишга киришди.

— Нега мактабдан қайтиб келдинг? — ўғлига қарамасдан деди Негоицэ.

— Доктор уч кун уйдан чиқмаслигимни айтди.

— Справка бердимиз?

— Ҳа.

Василе иш топилганидан хурсанд бўлиб, отасига қарамай шишаларни иштиёқ билан артарди.

Унинг юзидаги шишлари қайтиб қолган, лекин кўкарган жойлари, кўзининг устидаги яранинг қонли қора кўтири ҳали кўриниб турарди.

— Василе, менга тўғриси айт, пул топаман деб муштлаш-дингми ёки бу пулларни ўғирладингми?

Василе бир зум қилаётган ишидан тўхтади, кейин бошини қуйи солиб, худди бирон ёққа қараб тургандай, яна ишини секин-аста давом эттира бошлади.

— Сендан сўраяпман, Силе.

— Сенга барибир эмасми?

— Ўғлим, агар мен, сен айтгандай, ҳеч нарсага яроқсиз одам бўлганимда хурсанд бўлармидинг?

— Кечқурун сени муҳокама қилиш даражасидаги катта одам эмаслигимни ўз оғзинг билан айтгандинг-ку, — деди Василе ҳорғинликдан ранги синикиб кетган отасига сурбетларча чақчайиб.

— Менинг эса муҳокама қилишга ҳаққим бор. Эҳтимол, сен унисиниям, бунисиниям қилмагандирсан.

Василе отасининг гапларидан воқеани билганми, йўқми эканлигини аниқлаб олиш учун афтига тикилиб қаради. Бунинг учун у ҳозир жонини беришга ҳам тайёр эди. Лекин қанча тикилмасин, бирон-бир маъно уқиб ололмади, кейин сўрашга қарор қилди:

— Матей амаки қаерга кетди?

— Билмайман. Тейюшга кетганга ўхшайди.

— Қачон?

— Кеча кечқурун бўлса керак.

— Сенга буни ўзи айтдимми?

— Йўқ, Ануца хола айтди, — ёлғон гапирди Негоицэ.

Иримие бу гапларнинг даромадидан ўғлининг мақсадини, нимага интилаётганини билиб олгандан кейин, унга таъна аралаш бир ёвқараш қилди. Демак, Матей нима деган бўлса, ҳаммаси тўғри, бунга шак-шубҳа йўқ. Василе, Матей сиримни фош қилдимикин, деб ҳадиксираяпти. Иримие умрида биринчи марта рўпарасида тасаввур қилиб юргани ўз ўғли эмас, балки ёт, бегона одам турганини ҳис қилди. Негоицэ бирмунча вақт ўз пуштикамаридан бўлган ўғлини койияптими ёки умрида биринчи марта кўриб турган етти ёт бегонани койияптими, билломай гаранг бўлиб қолди.

Василе ҳам отаси нимадандир қаттиқ изтиробга тушиб турганини сизди. У тарсаки тортиб юбормасмикин, деб отасининг ажин босган қавариқ қора қўлларига тикилди. Негоицэнинг бармоқлари ярми тозаланган чироқ шишасини чангаллаб олган эди. Кейин унинг мушти секин-аста ёзилди-ю, қўли шафалга тушди.

Дрезина моторининг гулдурлагани эшитилди. У Иримие билан Василе ўтирган йўлдан келарди. Василе ўзлари билан дрезина оралиғидаги масофани кўзи билан чамалаб ўрнидан турди-да, бошқа тарафга ўтди. Негоицэ бўлса, ўйга гарқ бўлганча изнинг устида ўтираверди. У дрезинанинг қулоқни қоматга келтирадиган даражадаги қичқириғини жудаям яқин келиб қолганда эшитди. Бу ҳам унинг қулоғига узоқдан келаётгандек туюлди. Василе бўлса:

— Дада! — деб жон-жаҳди билан қичқириб юборди-ю, лекин отасига ташланишга ботинмади. Тормознинг ғижирлаши эшитилди. Дрезина Негоицэнинг шундоқ ёнгинасига келиб тўхтади. Иримие бу пайт дрезинага қарамасдан бепарвогина ўрнидан турди.

— Ҳов, Негоицэ, нима бу, мастмисан? Эртага ўз оёғинг билан станцияга келиб жарима тўлашга ариза ёзасан, ёки бўлмаса ўлгинг келяптими? Ундай бўлса кучала еган жойингга бориб тириш. Нега линияда қор кўп? Ўзимизга тозалатгинг келяптими? — ревизор қор уюмини кўрсатиб, Негоицэга ёпишиб кетди. Кейин, худди шундай оҳангда механикка моторни юргизишни буюрди.

Дрезина жўнаб кетди. Негоицэ бўлса, гўё ҳеч нарса бўлмагандай яна изга ўтириб лампаларни тозалай бошлади.

— Дада, сенга нима бўлди? Сен...

— Силе, мен нима тўғрисида ўйлаганимни биласанми? Мен шу ўтиришимда дрезинанинг остида сен қолганинда нима қилишимни ўйлаб кўрдим. Мен шундай бўлган тақдирда йиғласам кўзимга ёш келармиди, деб ўз-ўзимдан сўраб кўрдим. Ҳар ҳолда бир парча этим — жигаримсан, эзилардим, юрагим ёрилиб кетарди. Лекин, сени одамгарчиликдан чиқариб ваҳший қилиб юборадиган бир йўлга кириб юрганингни кўргунча, мурдангни поезднинг тагидан тортиб олганим мен учун енгил бўларди. Эсингдан чиқарма, бу гапларни сенга бегона эмас, ўз отанг гапиряпти! — Иримие ўғлининг қўлидаги чироқни олиб, бошқа чироқлар қатори арқонга ўтказди-да, ҳаммасини елкасига ташлаганча будкаси томон кетди. Василе бўлса, эшитган гапларидан донг қотиб, турган жойида серрайиб қолди.

11

Семафордан юз қадамлар нари темир йўлнинг четида хафа бўлган, ўксинган ҳолда Ионуц турарди. Қўллари чўнтагида, ботинкасининг учлари билан қор тўдаларди.

Агар Иримие унга бошқа пайтда шундай муомала қилганда, бунга эътибор ҳам қилмаган бўларди. Бу ҳолат Гаврилуш ҳар хил

гапларни гапириб кўнглига гулгула солган — ўзи саросимада қолган бир пайтга тўғри келган эди. У, онаси Ионуцга нега бундай муомала қилади-ю, Василега бошқача муомала қилади, буни ўйлаб ўйига етолмасди. Ундан кейин Гаврилуш, ўз отанг йўқ сени, деганига сира тушунолмайдди. Ионуц ҳамма нарсага шубҳаланса ҳам, бунга — ўз отаси йўқлигига ҳечам шубҳаланмасди. У отаси нега бундай жаҳл билан гаплашганига, саволларига жавоб бермаганига тушунмасди.

Ионуц отасини из ёнидан будкаси томон келаётганини кўрди-ю, йўлида туриб қолиб яна танбеҳ эшитмаслик учун унга орқа ўгириб олди. Бу билан ундан хафа бўлганини билдирмоқчи ҳам эди. Лекин Негоицэ етиб келиб ўғлини қўлидан ушлаб кўзига қаради-да, дили оғриганини сизди. У ўғлининг жажжи ҳамда иссиқ кафтини қўллари орасига олиб маҳкам сиқди. Унинг қоп-қора қадоқ қўллари ўғлининг юраги ҳақиқатан ҳам алланимадандир гаш бўлиб, бесаранжом ураётганини дарров сизди. Кейин ёнида турган болакайга диққат билан тикилди.

— Ионуц, мендан қаттиқ хафа бўлдингми?

Бола «ҳа» дегандай бошини қимирлатди. Бундай унсиз белги билан у Негоицэга катта одамлар бунақа нарсаларни олдинроқ тушуниши, тушунгандан кейин эса қилган ишига пушаймон қилиб кечирим сўраши керак, деган гапга ишора қилди.

Негоицэ ўғлининг қўлини яна қаттиқроқ сиқди. Ионуц отасининг бу қўл сиқишида эркалаш маъноси борлигини уққандан кейин, бир оз талтайиб, унинг нима тўғрисида ўйлаётганлигини билиш учун юзига боқди.

Негоицэ Ионуцнинг пальтосининг кўкраги туртиб чиқиб турганини кўриб қолди-ю, қовоғини солиб сўради:

— Анув ерингда нима бор? — кўйлагининг тугмаси чиқиб кетган жойини кўрсатди.

— Олхўри.

— Ўғирладингми, а?

— Ўғирлаганим йўқ, олдим.

— Ионуц, бошқа ўғирлама, худди савалайман, — шундай деб, унинг ўзи қизариб кетди.

— Ўғирлаганим йўқ, буни менга Гога берди. У муюлишдаги баққолнинг боғидан ўғирлаётганида мен қоровуллик қилиб турган эдим.

— Ҳм...

— Ўғирлади деб ўйлаяпсанми? Ҳечам ўғирлаганим йўқ-да.

— Ўғирламагин ҳам, биров ўғирлайётганда қоровуллик ҳам қилиб турма. Ўзинг ўғирлайсанми, қоровуллик қилиб турасанми — барибир, иккаласи ҳам ўғирлик.

— Барибирми?

— Худди шундай.

— Олхўри ейсанми? Бир оз чириганроқ...

— Қани, кўрай-чи.

Ионуц кўйнидаги кўкрагида илиб қолган олхўридан бир нечтасини олиб, Негоицэга узатди. Иримие бужмайиб қолган олхўридан биттасини олиб тишига босди-да, шу заҳоти афти буришиб сўлакайи оққанча туфлаб ташлади. Олхўри чиригани устига ҳаддан ташқари нордон эдики, чидаб бўлмасди.

— Менга барибир, қандай бўлсаям еявераман!

Қайсидир муюлишдан қаттиқ қичқириқ овози эшитилди-ю, «Кўркам кўча»нинг ҳамма эшикларидан аёллар чиқиб баққолнинг дўкони томон чопиб кетишди.

— Тез бўлинглар, ёғ беряпти.

Ионуц Иримиега савол назари билан қаради. Негоицэ унинг зўрга турганини сездю, ёнидан юз лейлик қоғоз пул чиқариб берди. Ионуц кунгабоқар ёғига навбат олиш учун жон-жаҳди билан югуриб кетди.

Иримие чироқларни деворга осиб қўйди, пешанасидаги терини артиб, стрелка тарафга бир назар ташлаб қўйди-да, тахтадан солинган будкасига кетди. Лекин остонада ҳайратдан қотиб қолди: ёғ шимилиб қорайиб кетган столига тоза дастурхон ёзилган, дастурхондаги хурмачадан хушбўй ҳид таратиб ловия шўрваннинг буғи кўтарилиб турарди. Эшикнинг ёнидаги табуреткада эса шифтнинг аллақаеригадир тикилиб Элиза ўтирарди.

— Хотин, ўзи нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, сенга овқат олиб келдим.

— Қандай қилиб эсингга келиб қолди? Кейинги тўрт йил мобайнида бундай нарса бирон марта бўлсаям эсингга келганини билмайман.

— Шунақасан-да, ўзинг... раҳмат дейиш ўрнига.

— Хурсандман, Элиза, жудаям хурсандман.

Иримие ёғоч ғўлага ўтириб овқатдан бир неча марта шошиб-пишиб тотиб кўрди, кейин хотинига қаради.

— Сен ичмайсанми?

Элиза деворнинг бир жойига тикилганча эри томон сурилди. У ердаги иккита мих орасида кўп марталаб бирга овқат ейишган қошиқ осилиб турарди. Негоицэ ўрнидан туриб қошиқни олди,

у ёқ-бу ёғига қараб аввал қўли билан, кейин дастурхоннинг бир четига яхшилаб артди. Қошиқ тоза бўлгач, ўзининг қошигини хотинига бериб, артилган қошиқда ўзи овқат ичишга тутинди.

Негоицэ Элизага нима бўлганини, кўп йиллардан буён унутиб юборган, бир вақтлар ўзи учун энг асосий кундалик одат, деб билган юмушини тасодифан хотирлаб қолганига ҳайрон эди. У пайтларда Элиза худди ҳозиргидек уйда овқат пиширарди-да, болаларни ёлғиз қолдирганча ўзи Иримие билан бирга овқатланиш учун овқатни олиб унинг будкасига югурарди. Кейин-кейин бу одатини буткул унутиб юборди. Иссиқми-совуқми бирон егулик ташлаб кетишга одатланди. Бу овқат эрига ёқадими, ёқмайдами, бундан у хурсандми ё йўқми, бу хусусда ўйламай қўйди.

— Менга қара, Иримие, бизнинг турмушимиз қандай турмуш эканлигини тананга ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Негоицэ хурмачадаги охирлаб қолган шўрвани ҳўплаб, қошигини дастурхоннинг бояги ерига артди.

— Элиза, эҳтимол сенга менга ўхшамаган, бошқа эр лозимдир.

— Агар ўзингни сал-пал эркакка ўхшаб тутганинда, сенинг ўзинг ҳам етиб ортардинг. Ахир, сен уйда ҳечам бўлмайсан. Стрелкаларингдан бўлак ҳеч нимани ўйламайсан-ку! Худди стрелкага уйлангандек. Ахир одамзодга ширин сўз, меҳр-муҳаббат ҳам керак. Ахир одам баъзан биров билан уришиб хуморини ёзиб туриши ҳам керак бўлади! Сен билан бўлса-чи, Иримие, мен ҳатто уришолмайман ҳам. Менга худди бегона одамдек муомала қиласан. Мен ҳам одамман-ку! Лекин шуни билиб қўй, менда бир сир бор. Шунақа, сир бор.

Элиза идиш-товоқларни, қолган-қутган нонларни йиғиштириб дастурхонга ўради-да, ўзича нималарнидир минғирлаб хонадан чиқди. Бу минғирлашлардан Иримие фақат: «О Худойим, шунақаям овсар бўладими одам, қип-қизил аҳмоқ-а...» — деган сўзларнигина илғаб олди.

Бир неча дақиқа ўтмаган ҳам эди, Элизанинг чақирган овозини эшитди. Негоицэ будкадан чиқиб қараса, у бояги йўлда турарди.

— Ионуцни кўрмадингми?

— Кунгабоқар ёғига юбордим.

— Манави ўзини поезднинг тагига ташлашга ҳозирланганми, нега изда ўтирибди? — Элиза қўли билан отаси қаерга таш-

лаб келган бўлса, ҳали ҳам ўша ерда ўтирган Василе тарафга ишора қилди.

Негоицэ будканинг ёнидаги скамейкага ўтирди-да, кенг ялпоқ чўнтагидан латта чиқариб чироқларни артишга тутинди. Унинг эсига фақат Элизанинг охирги сўзлари ўрнашиб қолди-ю, ишлаётиб ихтиёрсиз равишда ўели тарафга қараб-қараб кўяётганини сезиб қолди.

У, эҳтимол, ўғлига ўша пайтда кўнглига нима келган бўлса ҳаммасини очиқ-ойдин тўкиб солиб, ҳаддан ташқари бағритошлик қилгандиру, бу гаплар Василега қаттиқ ботгандир. Лекин Иримиенинг кўнглига ғулғула солган нарса, гарчи у умри бўйи бу нарсанинг қачонлардир юзага чиқишини, қарор топишини мутлақо истамаса-да, ҳақиқат, бор нарса эди.

Негоицэ ўз уйи тарафга қараб ёрилган девордаги тахтадан кўчиб кетган шувоқларга кўзи тушди-ю, албатта пасхага уйни оқлаш керак, деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Йўлнинг нарёғидаги ҳовлидан қаттиқ овоз чиқиб, кўча эшик тарақлаб очилиб кетди. У ердан Денеш амакининг орқанга қайт, уйга кир, деган паст, лекин пўнғиллаб гапирганига қарамасдан, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб бир хотин отилиб чиқди.

— Қани, Тереза, юр, столни ликиллат, худди паровоздагидай бўлсин.

— Кирмайман! Чўчқа! Юлишкага ҳатто егулик бирон нарса йўқ бўлса-ю, сен ичиб юрсанг.

— Тереза, сени ранжитдимми, а? Столни ликиллата қол, шу билан тамом, ўрнимга кираману, гўдаклардек ухлаб қоламан.

— Нима, мен сенга паровозманми, хотинманми? А?

— Унисиям, бунисиям. Хўп дея қол, бир марта... жоним, меҳрибоним...

— Тереза, эрингга нима бўлди? — деди шовқин-суронни эшитиб кўчага чиққан Матейнинг хотини Ануца.

— Нима бўларди? Ичиб олса бас, ҳар хил ҳунар чиқараверади. Ким уни венгер қилиб туғдийкин-а? Лўлидан туғилса бўлмасмиди... Дөподан думини тугишди, энди бўлса келиб мени столни ликилллатиб тур, деб мажбур қиляпти. Бўлмаса, томоғидан овқат ўтмасмиш. Шунақасини ҳеч эшитганмисан. А? Бировлар сени венгер қилиб туғиб қўйган экан, депо бошлиғи билан тортишишингга бало борми? Оғзингга талқон солиб, Юлишка билан мен ҳақимда ўйлашинг керак эди. Андрейдан дарак борми, Ануца? — охирида сўради Тереза.

— Йўқ, хат келмаганигаям бир ой бўлди.

— Беладан ҳам келмаяпти.

— Жоним, фариштам, бўла қол энди...

Тереза кафтлари билан сонига уриб қўйди.

— Худо олсин сени! Ёлғондакам эркалаётганини қара, майли, столини силкитсам силкита қолай.

Тереза рўмолини танғиб боғлади-да, ҳовлисига кириб кетди.

Будкадаги қўнғироқча уч марта урилди. Негоицэ ўзини кулгидан зўрға тутиб диққат билан қулоқ тутди. Кейин яна икки марта урилди-ю, телефон жиринглади. Негоицэ тезюрар поезднинг рақамини ёзиб, байроқчасини қўлига олди-да, йўлга чиқди. Стрелкани кўтариб қўйиб шу ялтироқ издан келадиган поездни хаёл қилиб йўлга разм солди. Унинг назари Василега тушди. Василе анча узоқда эди, у икки шпалнинг орасини очиб қўймоқчи бўлгандай улар орасига сепилган шағалдан қўлига олиб битта-битта, лекин тез-тез четга ирғитарди. Негоицэ унинг машғулотига унчалик ҳам маъно бермади, ўз иши билан бўлиб кетди. Шлагбаумни туширди. Поезд келиши керак бўлган йўлнинг очиқ эканлигини кўрсатиб турган семафорга бир қаради-да, яна скамейкага чўкди. Лекин шу пайт, тўсатдан ярқ этган учқундай калласига шубҳа келди. Ирғиб ўрнидан туриб, уч марта хуштак чалди. Одатда, у бировни чақирмоқчи бўлганда шундай қиларди. Василе бир қаради-ю, ўрнидан жилмади. Негоицэ Василе тарафга бир неча қадам ташлаб, яна хуштагини қулоқни қоматга келтирадиган қилиб қаттиқ чалди. Юраги ҳаприқиб, безовталанаётганини сизди. Лекин унинг хуштакларига фақат хотинларгина эътибор қилиб, ҳовлиларидан мўралаша бошладилар.

— Кимга хуштак чаляпсан, Негоицэ? — деган овоз келди. Иримие сўровчига жавоб ҳам бермади, ким сўраётибди деб қайрилиб ҳам қарамади.

Будкада яна қўнғироқ чалинди. Ярим доира чўян косачага унинг болғачаси секин-секин уриларди, кейин телефон жиринглаб, қарама-қарши тарафдан — заводдан чиққан поездга йўл очиқ деган мазмунда семафор кўтарилди. Завод трубасининг орқасидан атрофга қоп-қора тутун тарқатиб паровоз кўринди. Поезднинг юки шу даражада кўп ва оғир эдики, гилдираклари баъзан чириллаб айланиб қоларди. Олдинги вагонлар зўр-базўр баландликдан ошиб олгандан кейин бутун состав тезлигини ошириб пастга шўнғиб кетди.

Иримие яна Василега қаради.

Қарама-қарши тарафдан аввал узун, кейин қисқа-қисқа гудоклар эшитилиб, ўрта йўлдаги ялтироқ излар гувиллай бошлади. Говур-гувур вагонларнинг бир маромдаги тарақ-туруғи билан алмашди. Баланда кўтарилган семафор паровоздан чиққан қуюқ тутун ичида қолиб кетди-ю, тепаликдан кураб йиғиб кўйилган қор поезднинг орқасидан унинг шамолига ҳар хил қоғозлар билан гирдоб ясаб осмонга кўтарила бошлади.

Негоицэ байроқчасини ташлаб йўлнинг ўртаси билан Василе томонга югуриб кетди. У Василенинг поезднинг тагига ташлаб ўзини нобуд қилишига кўзи етмасди. Лекин шундай бўлса ҳам, Негоицэ поезд яқин келиб қолганда Василе ундан қочаман деб бошқа йўлга ўтади-ю, тезюрар поезднинг остида қолиши аниқ, деб тасаввур қилди. Орқасидаги паровоз келиб қолган, олдиндаги юк поезди ҳали Василега юз метрча бор. Негоицэ ҳаллослаб жони борича югурар, оғзи катта очилиб кетган, ўғлига бор овози билан қичқиргандек бўлар, лекин ўзига-ўзи гапиргандай пичирларди:

— Қўй, Силе, қўй...

Оёғининг ости титраб кетди. Поезднинг гулдираганидан қулоғи битди. Кўрқув ва дармонсизликдан томоғига аччиқ бир нарса тиқилди, тили эса никотин таъмини сезди. Юк вагонлари тиркалган паровоз қулоқни битириб жуда қаттиқ қичқирган эди. Шунинг учун Василе қарама-қарши тарафдан келаётган поезднинг гудогини, айниқса, югуриб келаётган отасининг товушини эшитолмасди. Василе юк вагонларини тортган узун трубади алмисоқдан қолган кулгили паровознинг тўппа-тўғри ўзи томон келаётганини сезиб ўрнидан турди, кейин унинг кемаларникига ўхшаш трубасидан кўзини узмаганча қўлини чўнтагига тиқиб ўрта йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди.

Негоицэнинг мўлжали тўғри чиқа бошлади. У ўрта йўлни кесиб ўтишга шайланган ўелини тўхтатиб қолиш учун охириги кучини тўплаб олдинга ташланди. У яна қаттиқ ҳуштак чалди. Василе бу сафар ҳуштакни эшитди-ю, орқасига қараб, кўрқувдан кўзи ўйнаб кетган отасини кўрди. Тезюрар поезд Василега бир неча қадамгина қолган эди. У шартга ўзини орқага ташлади. Поездлар гувиллаб, икки тарафга кетди. Сал бўлмаганда бахтсиз ҳодиса рўй беришини тасаввур қилиб ота-бола қотиб қолишди. Кейин бир-бирига бир оғиз ҳам гап қотмай қучоқлашишди. Ана шундагина Василе отасининг кўнглидан нималар ўтганини, мабодо бахтсиз ҳодиса юз берганда қандай азоб-уқубатларни бошидан кечириши мумкинлигини фаҳмлади.

Иккала поезднинг филдираклари излар туташган жойда кулоқни битирадиган даражада тақир-туқур қила бошлади. Буферлар бир-бирига кириб-чиқиб турибди. Сиқиқ ҳавога тўлган тормоз колодкаларининг тагидан мой ҳиди таратиб кўкимтир куюқ тун бурқсирди. Василе икки поезднинг орасида отасининг кўкрагига бошини қўйиб ҳиқиллаб йиғлар, Иримие бўлса, шу бир неча дақиқада қариб қолгандай кўринарди. Бармоқлари билан ўглининг сочларини тароқлар экан, мана шу ипакдек сочлар бир неча дақиқа олдин қонга буланиши мумкин эди-я, деб хаёл сурарди. Шундан кейин у аллақачонлар йўқотган қимматбаҳо нарсасини яна қайтадан топгандай, умр бўйи орзу қилиб юрган бахтига ниҳоят худди шу дақиқаларда мушарраф бўлгандай бир вазоҳатда ўглини бағрига яна ҳам маҳкам босди.

Поездлар гулдирай-гулдирай ажралди. Қизил чироқларини силкитганча тақир-туқур қилиб охирги вагонлар ҳам ўтиб кетди. Состав узоқлашгандан кейин унинг тезлиги ҳам пасайгандек бўлди. Темирнинг кулоқни кар қиладиган даражадаги тақир-туқур овози вагон филдиракларининг одатда чаладиган бир маромдаги куйига айланди.

Иримие қорнини чангаллаб, икки букилганча кун бўйи еган ҳамма овқатларини изнинг устига қусиб ташлади. Кейин бутун вужудини зирқиратган қўрқув, даҳшат таъсир қилди шекилли, сафро қайд қила бошлади.

— Дада...

— Бор, сув ич...

— Дада...

— Бор дегандан кейин бор, — Иримие бир қадам қўйди-ю, ҳали ҳам салгина титраб турган илиқ изга терлаб кетган пешанасини қўйганча шағалнинг устига узала тушди.

Кўчада кетаётган одамлардан бир нечаси нима ҳодиса рўй берганини тушунмай Негоицэ томон отилди. Унинг қандай руҳий азобларни бошидан кечирганини тасаввур қилиш ҳеч бирининг ақлига келмас ва келолмас ҳам эди. Йўлда «ким ботир» ўйинини ўйнаб турган болалар ҳам оз эмасди. Улар поезд яқин келганда қочиб қолишарди. Агар кимки ҳаммадан кеч, поезд жуда яқин келганда қочиб қолса, уларча ўша «ботир» саналарди. Шунинг учун Василени четдан кузатиб турганларга унинг қилган иши ҳеч қандай одатдан ташқари бир ҳол бўлиб кўринмаган эди. Одамлар стрелкачига бир нима бўлибди-ю, деб ўйлаб Василега эътибор қилишмади.

— Сенга нима бўлди, Негоицэ? Нима гап?

— Ҳеч нима, қусдим, холос.

— Изни яла, Негоицэ, тузалиб қоласан, — маслаҳат берди Тереза.

— Қўйсанг-чи, бемаъни гапни!

— Ҳечам бемаънимас-да! Денеш кўпроқ ичиб юборган кунлари чиқиб изни ялайди-да, тузалиб қайтиб келади.

— Ҳо, Негоицэ, эшитяпсанми?

Иримие индамади. У ўрнидан туриб кўзи билан оғзини катак рўмолчасига артди-ю, йиғилганларга ҳатто назар ҳам ташламай, будкасига кетди.

— Аҳмоқ... немис аёли етти қават терисини шилиб ётибди-ю, у бўлса... — Негоицэ бу гапни эшитса ҳам жавоб бериш учун қайрилиб қарамади.

Унинг бутун аъзойи баданини шундоқ титроқ босган эдики, ҳали бунақа титроққа умрида дучор бўлмаганди. Кўз олдида кўк ва қизил учкунлар пайдо бўла бошлади. Бундан бир неча сония муқаддам унинг тор қилидай таранг тортилган асаблари тўсатдан бўшашиб, оёқлари ҳам ўз ихтиёрига бўйсунмай қўйди. У олдида учраган ҳар бир тошга қоқилиб, йиқилай-йиқилай деб зўрға борарди. Назарида тошларни биров қоқилсин деб, атайлаб йўлига ташлаб қўйганга ўхшарди.

Негоицэ шу алфозда муъолишдаги қаҳвахонага ўтди-да, бир шиша цуйка олиб будкасига қайтиб келди. Кейин эшикни ичидан берки-тиб бутун аъзойи баданини қалтиратаётган титроқни босиш учун якка ўзи ичимликни қуйиб ича бошлади. Иримиенинг титроғи секин-аста босила бошлади. Шундан кейин у бошини қўлларининг устига қўйиб, лабларини очмай, унсиз йиғлай бошлади. У йиғлаётгани учун ўзидан-ўзи хижолат тортар, лекин йиғламасдан ҳам туролмасди. Иримие умрида ўзини биринчи марта мана шундай ожиз ҳис қилиши. Биринчи марта ўз-ўзини бошқара олмади. У ўзини қўлга ололмас, тамоман ҳолдан тойган, мадорсиз эди.

Эшик секин очилиб, Ионуцнинг боши кўринди. Иримие сўлжайиб кулимсиради-ю, Ионуцни тиззасига олди.

— Менинг навбатим келгунча ёғ тамом бўлиб қолди, — деди Ионуц Иримиенинг чўнтагига пулни солиб қўяркан.

Иримие бўлса, ўглининг гапларига парво қилмай, бошини қимирлатиб қўйди.

— Ионуц, ич сен ҳам.

— Ичаман.

Ионуц шишани оғзига олиб бориб, бир қултум ичди-ю, яна жойига қўйди.

- Аччиқ!
- Ҳа, аччиқ...
- Аччиқ бўлса, нега ичяпсан?
- Бир оз ўзимни овутиш учун.
- Жуда ҳам жаҳлинг чиқиб кетяптими?
- Ҳа, жудаям.
- Жаҳлинг чиқмаслигини сўрасам-чи...
- Уриниб кўраман.
- Хоҳласанг, мен сенга аҳмоқ одамнинг гулни қандай ҳидлашини кўрсатиб бераман.
- Қандай ҳидларкан?

Ионуц худди гул ушлаётгандек қилиб учта бармоғини жуфтлади, кўзларини шундай олайтириб ғилай қилдики, ҳатто кўз қорачиғлари ҳам кўринмай кетди. Кейин тилини узун чиқарганча танасини иланг-биланг қилиб бурни билан қаттиқ нафас тортди:

- Жа хушбўй!
- Ионуц, агар кўзинг шундай бўлиб қолса нима қилардинг!
- Бундай бўлмайди. Бир оз оғриб яна тузалиб кетади.
- Василени кўрдингми?
- Ҳовлидаги пиллапояда ўтирибди.
- Нима қиляпти?
- Индамай ўтирибди. Хи-хи. Сочларини тортган эдим, мени урмадиям.
- Унга тегажағлик қилмагин, авваламбор, у сендан катта, кейин аканг бўлади.
- Агар у акам бўлса, нега унинг сочи қора-ю, меники сариқ.
- Бор-бор, ўғлим, ўйна.

Ионуц отасининг тиззасидан тушиб, чопқиллаганча кўчага чиқиб кетди.

12

Павел қўлини чўнтагига тикқанча қаёққа боришини билмай тўхтаб қолди. Юлишкани ишдан кутиб олишга бўлса, ҳали вақт эрта, уйга бўлса, боргиси келмади. У кўчани кесиб темир йўл кўтармаси томон бораётган Василени кўриб қолди-ю, хуштак чалди. Василе тўхтади. Гарчи хуштак чалган Павеллигини билса ҳам, у билан гаплашишга хуши йўқлигини билдирди.

- Силе!
- Нима дейсан?

— Тўхтаб тур!

Павел етиб бориб унга қўлини чўзди. Улар иккаласи мактабга бирга кетишган пайтларда доим шундай қиларди. Василе охири янгиликларни ўртоқлашишга ҳуши йўқ бир қиёфада, лоқайд унинг қўлини сиқди. Бундай ҳолат улар ўртасида ҳечам воқе бўлмаган эди.

— Василе, қандайдир хаёлчан кўринадими?

— Хаёлчанлигимни ўзимга билдириб қўйиш учун йўлимдан тўхтатганимдинг? Раҳмат. Буни ўзим ҳам биламан.

— Нега майдонга футбол ўйнагани келмаяпсан?

— Эҳтимол, менда бундан ҳам қизиқарлироқ бошқа машғулот бордир.

— Силе, сен ё ўзингни ҳаддан ташқари ақлли деб биласан, ё бизнинг ҳаммамизни аҳмоқ деб ҳисоблайсан. Топиб олган янги дўстларинг сени унчалик ҳурмат қилишмайди, бу кўрга ҳассадек маълум бўлиб турибди. Буни фақатгина сен тан олгинг келмаяпти, холос. Бир вақтлар биз иккаламиз дўст эдик.

— Павел, сенга нима керак?

— Ҳеч нима, фақат шуни айтмоқчиманки, янги кадрдонларинг доим сени кузатиб юришади. Яқинда мен, ҳалиги сариқ сочили тухумбош бор-ку, ўшани чорраҳадан қандай қилиб ўтиб кетаётганини кўриб қолдим.

— Нега уни ҳақорат қиляпсан?

— Нима, у дўстингмиди?

— Хўш, шундай ҳам дейлик.

— Афтингдан кўриниб турибди, у дўст ё дўст эмаслигига ўзинг ҳам ишонмайсан.

— Павел, сен ҳасад қиляпсан.

— Агар шундай бўлган тақдирда ҳам мен ақлини еб қўйган даражада ҳасадгўй эмасман, ҳар ҳолда фанларни унчалик яхши ўзлаштиролмасам ҳам, ўқишимни давом эттиролмаганим жуда ачинарли бўлди. Лекин Силе, бировларнинг энг ҳокисор одамга қандай қараса, менга ҳам шундай назар ташлаётганини сезиб қолсам, мутлақо чидаб туролмаган бўлардим.

Василенинг қовоғи солинди.

— Буни нега менга гапиряпсан?

— Шундай, ўртоқларча... ёки...

— Павел, биз энди иккаламиз ҳам ёш бола эмасмиз. Лекин сен назаримда, ҳалиям орқасини тугиб қўйган болага ўхшайсан. Сенга венгер қизи ёқадими?

— Ёқади. Нега сен уни бундай деб атаяпсан?

— Бошқа нима деб аташим керак?

— Унинг ўз исми бор.

— Лекин сенда миллий гурур йўқ.

— А-ҳа, демак, сенда миллий гурур бор экан-да?

Василе тараддуланиб қолди. Ўзи истамаган ҳолда қийин аҳволга тушиб, бундан қандай чиқиб кетишини билмай қолди. Бунинг устига Павел бировни юз-хотир қилиб ўтирадиганлардан эмас эди.

— Мен ўзимга сингдириш истагидаман.

— Нимани?

— Ўз муддаомга етишда менга кўмакчи бўладиган ўша миллий гурурни.

— Унда ҳаммаси ойнадай равшан.

— Менга ҳали равшан эмас, Павел.

Павел оёғи билан майда тошчани туртиб қўйди.

— Бундан бир йил муқаддам Юла сенга ҳам ёқарди. Эсингдами, иккаламиз уни талашиб ёқалашишгача боргандик.

Павел суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— Бир йил муқаддам иккаламиз ҳам бола эдик.

Пассажир поезде ўтиб кетди. Улар иккаласи ҳам поездни индамайгина эшик остонасида, вагонларнинг тепасида ўтириб кетаётган одамларга қараганча кузатиб туришди.

— Бу Юла деганинг хотинликка ярагандаям...

— Силе, бундай дейишингга йўл қўймайман.

— Гўё мен сендан йўл қўясанми ё қўймайсанми, деб сўраб ўтирадигандек гапирасан-а! Сен унинг атрофида худди бичилган такадай ирғишлайсан. Лекин унга тамом бошқа нарса керак.

— Силе...

— Орқангга қара, иштонинг ҳўл бўлиб қопти.

Павел алаמידан кўкариб кетди. У Василенинг масхараомуз боқиб турган кўзларига, истеҳзоли кулиб ярим очик турган лабларига бир қаради-ю, унинг башарасига бир туширмоқчи бўлди. Лекин шунча гаплашганидан бирон маъни чиқмагани сингари, уриб юборишидан ҳам маъни чиқмаслигини, фойда бўлмаслигини ўйлаб ниятидан қайтди. Улар бирга ўқиган кезларида ўртоқ, ҳақиқий дўст эдилар. Эндиликда, Павел Василенинг қиёфасида илгариги ёқимтой йигитдан асар ҳам қолмаганини, унинг тамом бошқа бир одамга айланиб кетганини фаҳмлади. Шунинг учун уришнинг ҳожати йўқ эди. Василенинг оғзидан фақатгина шунақа сўзлар чиқиши мумкинлиги Павелни ушлаб қолди.

— Павел, нега мени урмайсан?

— Одамни уриш унчалик қийин эмас.

— Яъни?

— Силе, биз сен билан дўст эдик. Мен сенинг ўрнингда ҳечам шундай сўзларни айтмаган, айтолмаган ҳам бўлардим.

— Иккаламизнинг орамиздаги фарқ ҳам худди шунда-да, мен шунақа гапларни сенга айта оламан.

— Ўзингни аллакимларга ўхшатиб кўрсатмоқчисан. Лекин аслида ҳозирги гапирганингга лойиқ одам эмассан. Шундай бўлганингда-ку, юзингни тескари қилиб юборган бўлардим-а.

Василе қовоғини солиб олди. Унинг юзидаги масхараомуз ҳолат йўқолди. У ўз юрагининг энг ичкарисига яшириниб олиб, кўнглига гулгула солаётган нарсани Павел сезганини билди. Бу нарса уни ипсиз боғлаб қўйди. У энди Павел билан бундай беҳаёларча, сурбетларча гаплашганига афсуслана бошлади. Ахир, унинг ўзи ҳаммага шундай муносабатда бўлавермаган-ку. У секин-секин ўз айбини тушуна бошлади, лекин бу унинг кўнглига тасалли бермади. Энди Василенинг бутун қалбидаги сирлари фош бўлиб қолган, у ўзини ҳимоя қилиш учун ишончли тўсиқ топа олмасди. Бундан фойдаланиб энди Павел унинг энг нозик жойларини нишонга олиши ва уни пийпалаб ташлаши мумкин эди. Бу нарса бир зумда Василенинг газабини кўзгатиб юборди.

— Аввал мен венгер қизинг билан бир кеча тунаб кўрай, кейин сенга унинг қанчага арзиш-арзимаслигини айтаман.

Василе Павел бир марта бўлса ҳам уриб юборишини хоҳлаётган эди. Шундан кейин у ҳам ҳимоя қилиш баҳонаси билан муш-тлашиб, юрагида йиғилиб ётган аламларидан чиқиб олмоқчи эди. Лекин Павел унга бечораҳол, хўрланган бир одамга қарагандай назар билан тикилди.

— Ишонмайсанми? — Василе тишларининг орасидан гапириб ўшқирди.

— Силе, сени бугун эрталаб темир йўлда кўргандим. Ботир эмас экансан.

Василенинг бармоқлари ўз-ўзидан муштланди-ю, кескин бурилди.

— Павел, йўлимда тўғаноқ бўлмагин. Орамизда илгариги бўлган дўстлигимиз ўзгаларга қараганда сенга бошқачароқ муносабатда бўлишимга ҳеч қачон йўл қўймайди. Сен мени таҳқирладинг. Билиб қўй, кечиролмайман буни. Бор, жўна! Мен ҳар доим ҳозиргидек раҳмдил бўлавермайман! — Василе Павелга ўгирилди. Унинг кўзлари қисилиб кетган эди. — Бор, кет, сенга бошқа гапим йўқ.

— Силе, фақат шуни қулоғингга қўрғошиндек қуйиб олишингни истардимки, бу ердан кетаман, лекин мендан қўрққанидан кетди, деб сира ҳам ўйламагин.

Павел бир неча қадам нарига борди-да, кўм-кўк осмон юзини тўсиб олган тутунлар орасида ўйноқлаб учиб юрган каптарларига қараб ҳуштак чалди.

13

Василе эрталабданоқ Элизани таажжубга қўйиб, ундан магазинга бориб у-бу харид қилиб келишга рухсат сўради. Элиза нима-нима олиши кераклигини айтиб шоша-пиша пул берди, қўлига сават тутқазди. Элиза бундай қилишга уни нима мажбур қилганини ўйлаб ўйига етолмасди. Ахир шу пайтгача бирон марта ҳам магазинга чиқиб келмаган эди-да.

Элиза Василени кўча эшигига етгунча кўзлари билан кузатиб турди, кейин уйда нима иш қилишини билмай қолди. Чунки у ҳар куни эрталаб кўп вақтини дўконма-дўкон юриб навбат кутиб ўтказарди. Бўш вақти борлигидан хурсанд бўлган Элиза кир ювмоқчи бўлди. Ионуцни сувга юбориб, ўзи кулдан ишқор тайёрлади.

Орадан бир соат ҳам ўтмаган эдики, Элиза очиқ турган кўча эшигининг тақиллаётганини эшитди-ю, эшик олдидаги зинага чиқди. Василенинг қайтиб келишига ҳали вақт бор. Ҳақиқатан ҳам эшик тақиллатаётган бошқа одам эди. Элиза эшикка қараб узун бўйли малларанг йигитни кўрди-ю, уни дарров таниди: у “Мьеркурь” бозоридаги қассобнинг ўғли Фрид эди.

— У-бу харид қилгани кетди. Хоҳласангиз кутиб туринг, — деди Элиза уйи йиғиштирилмай ётганидан уни ичкарига таклиф қилишга истиҳола қилиб.

Фрид йиртиқ-ямоқ кийим кийиб, олдига ранги ўнгиб кетган пешбанд тутиб олган аёлга кўз қири билан бир назар ташлаб, лабини қийшайтирди.

— Раҳмат, мен ташқарида кутиб тура қоламан, — деди истеҳзо билан. Бу билан Элиза ичкарига таклиф этмай ҳурматсизлик қилганини билиб қўйсин, демоқчи бўлди.

— Кўриб турганингиздек, мен кир ювяпман, — деди Элиза ҳўл қўлларини пешбандига артаркан, ўзини оқламоқчи бўлгандай.

— Кўриниб турибди.

Гурсиллаб оёқ товуши эшитилди.

— Хайль!

— Хайль!

Василе синфдошининг кўлини сиқиб уйга кираверишдаги зинадан чопиб чиқди.

— Ҳозир келаман, — ҳовлида қолган Фридга сўз қотди.

— Шунча нарсани қандай қилиб тез ола қолдинг? — сўради Элиза саватни титкилаб, буюрган нарсаларининг ҳаммаси борлигини кўргач. — Одам кам эканми?

— Одам-ку кўп-а, лекин мен немисча гаплашдим.

— Вой, Худойим-ей, шу вақтгача калламга келмаганини қара-я.

— Бошқа сафар магазинга борганингда вақтингни бекорга кетказишни истамасанг, тўғридан-тўғри немисча гаплашавер. Ахир сен нон дўкони Шнайдерга, баққоллик дўкони эса Вагнерга қарашли эканлигини яхши биласан-ку.

Василе қолган пулни столнинг устига қўйиб, ташқарига чиқди.

У Фридни уйига қидириб келишга нима мажбур қилганини билмасди. Бундай ҳол биринчи марта содир бўлиб турибди. Фридан унинг йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрагани кирганини эшитганидан кейин, Фрид ҳақидаги Павелнинг гаплари эсига тушди.

— Боплаб адабингни берди-да, ўзиям.

— Ҳар ҳолда бопламади, деёлмайман.

— Ҳайронман, гауптштурмфюрер, ахир, яхши спорт форма-сида эмас-ку.

Василе жавоб беришдан ўзини олиб қочди.

Қуёш қиздира бошлади, улар уй билан кўча эшик оралиғидаги скамейкада бемалол ўтиришиб олишди.

Фриднинг юзи деярли оппоқ бўлиб, сочи ҳам юзига ўхшаб кетарди. Унинг кичик, лекин ўйноқи кўзлари темир йўл кўтармаси тарафга нимагадир аланг-жалаңг қараб турарди. У ёқда эса темир йўлнинг ёнгинасидаги баландликка домла Митран ҳадеб ўз портфелида қор олиб келиб уярди.

Василе ёнлаб оғайнисига кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, ўзича ким Фридга «Ҳознинг тухуми» деб лақаб қўйган бўлса, гапни жуда ҳам топиб айтган экан-да, деб қўйди. Чунки, Фриднинг калласи ҳақиқатан ҳам атайлаб тухумдан нусха олиб ясалгандай эди.

Фрид қассобнинг ёлғиз, арзанда боласи эди. Кечқурунлари уйда ҳамма ухлашга ётганда у доим ўтирволиб шеър машқ қиларди. Мактабда бўлса жуда одамови эди, синфдошлари суҳбатлашиб

Ўтиришганда суҳбатга қўшилмас, миқ этмай тураверарди. У хоҳласа, ҳатто соатлаб жим ўтира олиши мумкин эди. Василенинг эсида, бир куни болалар қизлар хусусида вайсаб ўтиришиб, Фридни ҳам суҳбатга тортмоқчи бўлишди. Бироқ қассобнинг ўғли узоқ вақт миқ этмай ўтираверди. Болаларнинг ҳаммаси шунча вақт сукут сақлагандан кейин, албатта ундан бирор ақлли гап чиқиб қолса керак, деб ўйлашди. Лекин ҳамманинг орзиқиб кутганига қарши Фрид кўнглига Москвада гўшт дўкони очиш фикри келганини айтиб берди. Ундан мажбур қилиб сиқиб чиқарилган сўз фақат шунинг ўзгинаси эди. Василе бирмунча вақтдан буён Фриднинг аллақандай саросимада юрганини сезарди. Унинг отаси тежамкорлик мақсадида уй хизматкоридан воз кечди. Бунинг устига шаҳарнинг уч тарафидаги учта гўшт дўконидан биттасини ёпиб қўйди, энг ёмони, бу ўз уйида рақс кечалари уюштиришни ман қилиши бўлди. Бундан бир неча ҳафта муқаддам Василе юрак бетлаб Фридан Москвада гўшт дўкони очиш ҳақидаги орзуларининг қандай амалга ошаётгани ҳақида сўраб қолди. Фрид узоқ вақт жимликдан сўнг қовоғини солиб, руслар қўй гўштини жонидан ҳам ортиқ кўради, мен эса жинимдан баттар ёмон кўраман, деди. У гўшт дўконини Одессада очишини, ўкраинларнинг чўчқа гўштига ўчлиги унинг ўзига ҳам маъқул тушганини билдирди. Мактабда эса Фрид унчалик аълочи бўлмаса ҳам, лекин озгина билган нарсасини атрофлича, чуқур ва асосли билиб оларди.

— Фрид, сен сукут сақлашга жуда устасан-да?

— Мен сукут сақлаётганим йўқ, қараб турибман.

— Нимага?

Силе Фрид қараб турган томонга қаради. Шундагина унинг кўзи портфелида темир йўл кўтармасидаги қияликка қор олиб келиб ташлаётган домла Митранни кўрди.

— У киши румин гимназиясидаги менинг ўқитувчим эди. Телбароқ бўлиб қолган.

— Шундай деб ўйлайсанми?

— Бунга ишончим комил. Ҳар хил қоғозларни йиғиштириб соябонининг учига тиқиб юради. Айтишларича, севгидан жинни бўлиб қолганмиш.

Оғайнисининг берган изоҳларидан мамнун бўлган Фрид, унга мурожаат қилди.

— Ўзингни шу даражада дабдала қилиб ташлашига қандай қилиб йўл қўйиб бердинг?

Василе қизариб кетди. Савол уни довдиратиб қўйганди.

— Дабдала қилиб ташлашига ўзим йўл қўйиб берганимни қаердан билдинг? — сўради ўз навбатида Василе ҳам.

— Демак, тўғри экан-да. Клубда менга шундай дейишганда ишонгим келмаган эди. Мана энди ўз оғзингдан эшитиб, ишониб турибман.

— Фрид, сўзимга ишонишга сени мажбур қилмайман. Лекин, умуман олганда, сенинг нимани ўйлашинг менга барибир, рингдан ташқарида туриб оғиз кўпиртириш осон. Рингнинг ичига тушиб қолганда эса ўйлаш оғирроқ, бунга фурсат ҳам бўлмайди.

Фрид оппоқ тишлари билан қизғиш милкини кўрсатиб жилмайиб қўйди.

— Ўйлаб, муҳокама қилиб ўтиролмаганинг учун ҳам жангга киришинг-да, Силе, мени ажаблантирган нарса маглубиятинг эмас, сени аёвсиз уриб чалажон қилиб ташлагани, енгилиш ҳар кимнинг ҳам бошида бор, энг зўр боксчи ҳам енгилиши мумкин. Клубда ҳамма фақатгина шу тўғрида гапиряпти. Калламни бераман, сенга нимадир бўлган. Нима бўлганини биламан, менга Рудольф айтди.

— Фрид, сен қандай қилиб заршунос бўлиб қолдинг? Бу сўзнинг немис тилида қандай оҳанг кашф этишини билмайман, шунинг учун оддийгина қилиб айтиб қўя қолдим.

— Немис тилида бунга ўхшаган сўзлар йўқ.

— Лекин шунақа одамлар бор.

— Силе, мени ҳақорат қилмоқчимисан?

Василе мавзудан четлашиб кетганини сезиб қолди. Аслида Фрид унга ҳақ гапни айтган эди. Василе бўлса, тўғри жавоб бериш ўрнига унга қўполлик қила бошлади.

— Фрид, кечир мени.

— Кечираман, Силе. Мен сен билан биринчи марта танишганимда, сенга буни очиқ-ойдин айтмаган бўлсам ҳам, менга бирданига ёқиб қолган эдинг, қилган ҳақоратинг ҳақида гапириб ўтириш ҳам ортиқча, бунга арзимамайди. Мен энди шунга аниқ ишонч ҳосил қилдимки, сен ўзингни атайлаб муштларга тутиб берган экансан. Сен бурчингни тушунмай туриб қилиб қўйган қилмишингга ўзингни ўзинг жазоламоқчи бўлдинг. Мендан яширишнинг ҳожати йўқ. Сен баъзан энг ғайритабиий бўлган йўлларга ҳам кириб чиқмагунингча олий тушунчага эга бўла олмайсан.

Василе Фридга синчиклаб тикилди.

— Фрид, сенга нима кераклигини тушунмай турибман. Сен ҳаммамиз биргалашиб қилган ишнинг адолатлилигига қарши менда шубҳа уйғотмоқчимисан ёки мени синамоқчимисан? Мен

бунинг учун руҳан жазойимни тортидим. Кейинги кунларда уйда ёлғиз ўтириб шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, киши кўп нарсаларнинг баҳридан ўтмай туриб ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмас экан. Нимага эришишим кераклиги эса, менинг учун фарқсиз эмас. Лекин инсон бирон ишнинг бошини тутишдан аввал у ҳақиқий одам бўлиши керак. Мен гарчи ўзимни ўзим қаттиққўл деб билсам ҳам, буни кўтаролмайман. Руҳимга қаттиққўллик ўтиришмайди.

— Силе, ўрганиб кетасан. Бизнинг авлод зиммасида келажак авлоднинг тақдири ётибди. Биз, аввало, ўз-ўзимизни тарбиялаб ололмасдан, ўзгаларни, гарчи қаттиққўллик билан бўлса-да, ҳечам тарбиялай олмаймиз. Сенинг ким тарафида эканлигинг ўзингга ҳам фарқсиз эмаслигини мен жуда яхши биламан. Мен Шульцнинг маслаҳати билан куёшга ярим соат киприк қоқмасдан қараб турдим. Шундан кейин тамоман кўр бўлиб қолганга ўхшадим. Қаттиқ бош оғригимни айтмасам ҳам бўлади. Бир неча кундан кейин шу тажрибани яна такрорлаб кўрдим. Бу сафар анча яхши ўтди. Биз олий мақсадимиздан чалғитадиган ҳар қандай ҳис-туйғумизни енгиб, жиловлаб ола билишимиз керак. Ўз-ўзингни бошқара оладиган бўлишинг, атрофингдагилардан бир даража устун эканлигингни ҳис қилишинг — бу жуда ҳам ажойиб нарса-да, одамларга маълум бир баланд поғонадан туриб қарасанг, уларга барабар бўлиб қараганга нисбатан ўзингни мутлақо бошқача ҳис қиласан. Мен учун одам ўлдириш жуда ҳам оғирдир. Агар мен буни буюк гоё йўлида қиладиган бўлсам ҳам барибир ёмон, кўрқинчли тушлар кўришим, алаҳсирашим мумкин. Лекин, Силе, эҳтимол биз бунга ҳам ўрганишимиз керакдир. Биз олтмиш миллион эканлигимизни эсдан чиқарма. Европани қандай қилиб бўйсундирганимиз хусусида нима деб ўйлайсан? Европа — бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Биз ер юзиде энг кучли бўлишимиз шарт. Биз худди шундаймиз ҳам.

Василе Фридга бир қадар кўрқинч ҳамда шу билан бирга аллақандай ҳурмат, илтифот билан тикилди. Уни кўҳна қитъанинг харитасини ўзгартирганлар ўзи билан бир ўринга қўяётгани талтайтириб юборган эди. Шу билан бир вақтда унинг руҳида шундай бир кўрқув пайдо бўлдики, буни босишдан у ожиз эди. Ўйлаб қараса, ҳали у одамларни етарлича билмас экан, маълум бўлишича, ҳатто Фридни ҳам яхши билмас экан. Чунки унинг табиатан одамовилиги замирига бошқа нарсалар яширинган экан.

— Анави овсар ҳалиям қор ташиб ётибди.

- У жинни-ку.
- Ўз бемаъни қилиқларига маҳкам ёпишиб олган одамни жиним ёқтирмайди. Ҳайдаб юборсаммикин.
- Нега, Фрид?
- Шундоқ, ўзим.
- Бундан нима фойда? Бунинг устига отам кўриб қолиши мумкин.
- Ундан кўрқасанми?
- Гап кўрқишдамас...
- Одамийликдами?
- Нима деб атасанг атайвер...
- Силе, фақат гап-сўзгина сени тарбиялай олмайди.
- Фрид, улар ахир бизни тушунмайди-ку.
- Кўрқув уларни бизни тушунишларига мажбур қилади.
- Будкадан уришиб кетган косаларнинг жарангига ўхшаш сигнал овози эшитилди.
- Шу кунларда сен жуда бўлмаса мажлисларимизга қатнашсанг бўларди.
- Врач уйдан эшикка чиқмаслигимни буюрди.
- Врач сени биз билан учрашиб туришингдан эмас, машғулотлардан озод қилган-ку. Агар болалар сендан шубҳалана бошлашса, унда ишинг ёмон бўлади. Сени мен тавсия қилганман. Шунинг учун одамларнинг сен ҳақингдаги ҳар хил баланд-паст гапларининг масъулиятини ҳам мен бўйнимга оламан.
- Паровознинг қаттиқ қичқириви эшитилди. Будканинг олдида кўлида байроқчаси билан Иримие Негоицэ пайдо бўлди.
- “Кўркам кўча”нинг аҳолиси ҳужраларидан югуриб чиқишди.
- Силе, одамлар нимага тўпланишяпти? Нега шунча шовқин қилишяпти?
- Бу поездда кўчирилганларни олиб кетишяпти. Менимча, буларни кундузи эмас, кечаси олиб ўтсалар тўғри бўларди. Эҳтимол, улар жудаям кўпдир. Умуман олганда, бизнинг бировдан кўрқадиган, яширадиган жойимиз йўқ.
- Биласанми, мана бу одамлар, менимча, томоша қилгани чиққанлар.
- Булар ҳангоматалаб одамлар, қизиқсиниб қараб туришибди-да.
- Поезд кўринди. Кулфланган вагонларнинг ичидаги одамларнинг овозлари баралла эшитила бошлади. Секин-аста ҳаммаёқни одамзоднинг дод-фарёди босди. Овозлар қўшилиб инсон товушига ўхшамаган қандайдир гувиллашга ўхшарди. Поезд бури-

лишга етганда вагонларнинг тиканли сим билан тўсилган дарчаларидан кўплаб қўл ташқари узатилди. Кейин бу қўллардан каноп билан боғланган консерва банкалари осилиб тушди. Бу банкalar поезднинг ортидан шамолда ҳаво шари сингари елпиниб қум уюмларига уриларди. Агар банкalar маҳкамроқ ип билан боғланган бўлса, сакраб-сакраб кетар, чириганроқ ип билан боғланган бўлса, бир урилишда узилиб қолар эди.

— Анув нима қилипти?

Василе ўнгга қараб, қор уюми тарафга сумкасини қўлтиқлаганча шошиб кетаётган Митранга кўзи тушди. Митран сумкасини ўзи тўдалаган қор уюмига бўшатди-ю, хужраси томон чопқиллаб кетди. Шу дақиқада бир неча консерва банкаси серсув қорга ботирилиб олинди ва бир зумда яна иплар тортилиб вагоннинг ичида ғойиб бўлди.

— Силе, бу нарсалар сенинг кўз ўнгингда содир бўляпти! Мен бу ҳақда Шульцнинг қулоғига етишини сираям истамасдим.

Қаттиқ дод-вой эшитилди. Тормоз майдончасида турган соқчи чангал сим узра узатилган қўлларга тахта билан туширди.

— Фрид, қаёққа?

Бўлаётган воқеаларга ҳанг-манг бўлиб қолган Василе Фридни унутиб қўйган эди. Уни фақат Митранга ташланаётган пайтадагина пайқаб қолди.

Василе унинг орқасидан югурди. Булар ҳаммаси ғоят тез, бир зумда содир бўлдики, хужраларнинг олдида тўдаланишиб турганлар саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолишди. Фрид Митранни ёқасидан тутиб бир уришдаёқ ерга ағдарди. Василе етиб келганда бутун эгни қор аралаш лойга булганган қари ўқитувчи зўрға ўрнидан тураётган эди. Унинг чеҳрасидан ҳали ҳам ўша қадимги табассум аримаган эди. Лекин ҳозир бу табассум замирида чексиз ғам-алам, афсус зоҳир эди.

— Ҳой тирранча, нима қилипсан?

Фрид домлани тепмоқчи бўлиб энди оёғини ростлаган эди, уларнинг ўртасида муштини тугиб кўчани кесиб югуриб ўтган Павел пайдо бўлди.

— Нимага уряпсан буни, сариқ маймун, кучингни мана менга кўрсат...

Василе бир зум қотиб қолди. Кейин Павелни қўлидан маҳкам ушлаб бир чеккага торта кетди.

— Бор, Фрид, аралашма...

— Ахир булар большевиклар-ку...

Бирпасда домлани одамлар тўдаси ўраб олди.

— Денеш амаки, кетдик, бу ишларнинг бизга алоқаси йўқ, — Виссарион Байяш машинистни кўлидан тортди. Қараса, Денеш ҳали-бери кетмайдиган, буни кўриб Байяш орадан суғурилиб чиқди-ю, ҳовлисига кириб эшигини тамбалаб олди.

Иримие ҳам етиб келди. У будкасининг олдида ҳамма воқеани ўз кўзи билан кўриб турган эди. Кўлида байроқчаси билан ўғлига яқинлаб борди.

— Василе, уйга кет.

— Кетмайман.

— Кет деяпман, эшитдингми? Бўлмаса, мана шуларнинг олдида абжафингни чиқариб ташлайман.

Василе Фридни кўлтиғидан тутиб йўлга бошлади. У Иримие ҳақиқатан ҳам уради, деб кўрққан ва шунинг учун шошиб жўнаб қолган эди. У кетишга кетди-ю, лекин уйга эмас, балки бошқа тарафга қараб кетди.

— Бунақа қилиш керак эмас эди, Фрид, — деди Василе кўчанинг бошига чиққанларида.

— Нега энди бунақа қилиш керак эмас экан? Менинг шунга ишончим комил эдики, Василе, агар улар урганларида, сен мени ҳимоя қилишга кўрқардинг.

— Фрид...

Фрид бир оз ўзига келди. У бармоқлари билан сочини таради, пальтосини тўғрилаб, ботинкасини қоқди. Ёноғида гурра пайдо бўлибди.

— Кўрқдинг-а! Тўғрисини айтавер, мени ҳимоя қилишга кўрқдинг! Майли, зарари йўқ, кўрқувни фақат кўрқув енгиши мумкин. Шошмай тур, буни ҳам босиб оламиз.

14

Темир йўлнинг аллақаерида чироқ кўринди. Матейнинг назарида чироқ ҳаракат қилаётгандек туюлди. Лекин синчиклаб тикилса, чироқ бир жойда турибди-ю, унинг атрофида юрган кўланка чироқни қимирлатаётгандек кўрсатаётибди. Бу — Иримие Негоицэ эди. Матей Негоицэ тарафга йўналди.

Негоицэ орқасида оёқ товушларини эшитиб чўчиб тушди-ю, ниманидир оёқлари билан боса бошлади.

— Нима қияпсан, Негоицэ?

— Бу сенми, Матей амаки?

— Қорни қаерга ташляяпсан.

— Қаерга бўларди, манави ёнбағирга-да!

— Иримие, нима бу, ёш боламисан! Шўр денгизга бир неча томчи тоза сув тушгани билан унинг мазаси ўзгариб қоларми-ди? Ташла қорни. Будкада ҳеч ким борми?

— Йўқ.

Матей ўгирилиб Иrimiени орқамдан юр демаёқ чорраҳа тарафга юраверди.

Матей будкага киргандан кейин скамейкага ўтирди-ю, гарданини тахта деворга тираб суяниб олди. Негоицэ осма чироқдан жинчироқни тутатиб олиб уни столга қўйди, сўнг ярим ўчиб қолган темир печкага бир-иккита тараша ташлади.

— Матей амаки, сенга нима бўлди? Бир нарсадан ҳаяжонланган кўринасан.

— Ҳозир барини сендан сўраб билмоқчиман... Иримие... аввал чекишингдан бер, борми?

Негоицэ Матейга сигарет узатди, кейин тутатиб олиш учун чироқни тутди.

— Мендан нимани сўрамоқчийдинг?

Матей папиросни узун тортди ва Негоицэга узоқ вақт синчковлик билан тикилиб турди.

— Иримие, нега сен мени гоҳида Матей амаки дейсан, гоҳида «сиз»сираб гапирасан? Мен бўлсам, сени таниганимдан буён отингни атаб чақираман. Бу ҳақда бир вақтлар сўраганман ҳам, ўшанда жавоб бермагансан.

Негоицэ скамейкага ястаниб ўтириб олди.

— Матей амаки, сенга нима десам экан? Сен гимназияни тутатгансан, мен эса атиги тўртинчи синфни. Тўртинчини битирганлигим ҳақидаги гувоҳномани ҳам попдан тухумга сотиб олганман. Бундан ташқари, сен мендан ўн ёш каттасан.

Матей қалпоғини олиб столга қўйди-да, кафтига туфлаб, оппоқ сочларини аста силади.

— Бу важинг важга муҳтож, Иримие. Гапнинг пўсткалласи шуки, биз танишганимизга, мана, ўн йил бўлибди, сен ҳамон мен билан дардлашишдан, менга яқинлашишдан қочасан.

— Матей амаки, болалар бор, ҳар хил ғам-койиш, ташвиш кўп. Менинг юрагимда чўкиб ётган оғир тошни ҳеч ким билмайди. Бировнинг дарди билан бировнинг неча пуллик иши бўларди. Менинг ташвишимга шерик бўла олармидинг. Сен, уларнинг поездларини жарликка ағдариб юборишимни истайсанми? Бунинг уддасидан чиқолмайман. Мен бунинг учун яралмаганман. Ўша тасқараларни сендан кам ёмон кўрмайман. Кейин уларни

мен сендан ортиқ ёмон кўраман деб ҳам ўйлама. Бу поездлар кечасими, кундузими, қачон ўтсаям уларнинг менга дахли йўқ, тўхтамасдан ўтаверади. Мендан кўп нарсани талаб қилма. Менинг ўз ташвишларим, ғамларим ўзимга етарли. Ҳамманинг дарди ўзига маълум.

— Дардингни тўкиб солаверма, Иримие. Мен сендан шу вақтгача ҳеч қачон бирон нима сўраганим йўқ. Шунинг учун ҳам сен қачон қарасанг мендан ўзингни нари тутасан... Бунга «ўқимишли» бўлганим сабаб эмас. Ўн йил ёнма-ён яшабки «амаки» дейдиган одамдан нимани ҳам талаб қилиб бўларди? Таниганининг ўзига ҳам шукур қилса бўлади.

Иримие иягини қашиб, бошини қуйи солди.

— Бунга-ку жаҳлим чиқмайди-я, лекин сенга ўхшаганларнинг кўплигига мутлақо бефарқ қараб бўлмайди. Агар мана шу кўпчилик бўлмаганда миллионлаб фашистлар дунёга келмаган бўларди.

— Буларни мен яратибманми, менга деса қирилиб кетмайдими бари.

— Яратишга-ку, уларни сен яратганинг йўғ-а. Лекин дарахт яхши одамдан ҳам, энг аблаҳ одамдан ҳам соясини дариг тутмайди, одам арча эмас-ку, у кимни бағрига олиш, олмаслигини билиши керак-да, ахир.

— Демак, менинг сенга ўхшамаганлигим ёқмас экан-да. Айтишга осон... Сенинг бошингда қанақа мусибат бор, айт-чи?

— Иримие, сен ҳар гапда ҳадеб ўз дардинг, аламингни пеш қилаверма. Мен сенга ўзимнинг ғам-ташвишим ҳақида ҳам гапириб беришим мумкин эди-ю, лекин ўзинг гап кавлаганингдан кейин гапирмай қўяқолай. Мен сени ўзингни идора қилолмаслигингда, ғам-ташвишларингни ичингга ютиб, тишингни тишингга қўйиб, рўпарангдан ҳар қандай бало келса ҳам қўрқмай олға қараб ҳаракат қилолмаслигингда айбололмайман. Агар сен каталагингдан бир қарич нарини кўриш қобилиятига эга эмас экансан, жилла курса, бурнингни тагида нималар содир бўлаётганидан бохабар бўлишинг керак.

— Элизага шама қиляпсанми?

— Йўқ, Силега.

— Матей амаки, у ҳали бола-ку.

— Бўрининг болалари туғилганда тишламайди.

— Матей, менинг уйим бўрининг ини эмас.

— Ахир, сенинг уйинг унинг ҳам уйими ёки йўқми? Сенга ҳеч ким бировлар учун курашиш мажбуриятини юкламайди. Агар

ҳаётимнинг сўнгги йиллари алам билан ўтмасин, ўтган дамларга пушаймон бўлмайин десанг, бунинг учун ҳеч бўлмаганда ўз уйингда кураш олиб бор. Мана, сен поезд ҳақида гап очдинг... Поездни қўриқлаб юрганларни кўргани кўзинг йўқ. Лекин бу газандалар поезднинг тормоз майдончаси-ю, вагонларнинг устидагина эмас, чор атрофимизда ҳам изғиб юришибди. Буларнинг бири сенинг ўғлинг.

Шу пайт телефон жиринглаб, Иримие гўшакни кўтарди.

— Эшитаман... қанақа рақам?

Иримие қайд қилиш дафтарини очиб белги қўйди-да, яна гўшакни жойига илди.

Суҳбат бўлинди. Иримие билан Матей скамейкада бир-бирига қарамай ўтиришаверди.

— Иримие, очигини айтганим учун мендан хафа бўлма.

— Нега хафа бўлай, Матей амаки.

Матей ўрнидан туриб эринчоқлик билан қалпоғини кийди. Иримиега бошқа гапирмай, Ануца нонушта солиб берган чамадончасини қўлига олиб, ташқари чиқди. Кейин бир неча қадам юриб борди-да, яна қайтиб келди. Иримие ҳамон бошини қўллари орасига олганча жим ўтирарди.

— Иримие, мана бу конфетларни Ионуцга бер. Ярим кечада деподан сариқ чироғи бор паровоз келади. Машинист Денеш амакига ўтин ва бир оз картошка ташлаб кетади, унга ёрдам бер. Қўрқма, буни сен ҳадиксирайдиган одамлар юбормайди.

— Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин, Матей амаки!

— Иримие!

— Нима?

— Хайрли тун.

— Хайрли тун... Матей амаки, менга қандай оғир эканлигини билсанг эди. Эҳ, қандай оғир мен учун буларнинг ҳаммаси!

— Менга ҳам оғир, Иримие, баъзан жонимдан тўйиб кетганимни ёлғиз худонинг ўзи билади.

Матей кетишга отланарди-ю, лекин нимадир ушлаб турарди.

— Менга қара...

— Нима дейсан?

— Баъзи нарсалар харид қилган эдим. Ма, олақол. Булар немис консервалари. Кичкиналигига эътибор қилма. Ўзи аслида бир банкадан икки товоқ шўрва бўлади, биз учун эса тўрт товоқ ҳам чиқади, қорнинг ёрилгурлар... — Матей йўталди, — хўп, Иримие, соғ бўл.

— Хайрли тун, Матей.

Матей Негоицэ ўз отини айтиб гапиргани учун унинг елка-сига қоқиб қўйди-да, лайлак юриш қилиб бир зумда узоқлашиб кетди.

Иримие будкасидан ташқари чиқди. Тоза ҳавода ўзини бир оз тетик сизди. Кейин табуреткасини олиб чиқиб, деворга суянганча ўтириб олди. Ҳаво очиқ. Фируза ранг осмонда қизғиш бўлиб кўриниб турган юлдузлар жимирлайди. Улар худди узоқ-узоқларда адашиб қолганларнинг сигнал гулханига ўхшарди.

Иримие ўйланиб қолди. Матей у билан ҳеч қачон бундай очиқ гаплашмаган эди. Бундай гаплашишга уни нима мажбур қилди экан-а? Унинг тўғри, ҳалоллигига шубҳаланиш учун ҳеч қанақа асоси йўқ — бурундан яхши билади, ўн йиллик жонажон қўшниси. Афтидан, Матейни Силеннинг тақдири, Силе орқали эса унинг — Иримиенинг тақдири ташвишга солаётган бўлса керак.

Негоицэ Матейнинг ҳақ эканлигини ўйлаб ўйига етолмасди. У Матейдан нима эшитган бўлса, ҳаммасини тарозига солиб ўйлаб кўриши керак эди. Унинг гаплари томдан тараша тушгандек шундай бир гап бўлдики, у бунинг тўғри эканлигини тасаввурига сиғдиролмас, назарида хавф-хатар Матей ўйлаганча катта эмасдек туюларди. Лекин нима бўлса ҳам Матей бу ҳақда билган экан, демак, қандай бўлмасин бирор қарорга келиши керак.

Матей шу вақтгача ўз ишидан бўлак биронта иш билан шуғулланишини оғзидан чиқармаган эди. Мана энди ҳозир иккиси орасида бўлиб ўтган суҳбатдан шундай хулосага келиш мумкин-ки, у кўп йиллар мобайнида бошқа бирон юмуш билан ҳам машғул бўлган экан. Негоицэ буни билганини Матейдан яширишга ҳаракат қилди. Ҳатто у, баъзан, буни Матей ўзи сезиб қолмасмикин, деб ҳам ҳадиксираб кўярди.

Негоицэ бировлар гапириб ўзи эшитиб турган, айниқса, кимсасиз қолиб ўз хаёллари оғушига фарқ бўлган чоғларида ўзини жуда яхши, эркин ҳис қиларди. Уни Матей билан яқиндан дўстлашиши хавотирга соларди. Тўғриси айтганда, шу ва шунга ўхшаш баъзи бир мулоҳазалар уни Матей деб чақиришига монелик қиларди. Энди бўлса Матей барини рўй-рост тўкиб солди. Энди баҳслашишдан ҳеч қанақа маъни чиқмас, баҳслашган тақдирда ҳам ҳақиқатни ўзидан яхши билган одам билан тортишгандек бир гап бўларди, холос. Шундай экан, нима қилиш керак энди? Темир йўлда бўлган ҳодисадан кейин у ҳали ўғли

билан гаплашмаган, атайлаб шундай қилган эди. Негоицэ ўғлининг бўлаётган ҳодисаларни ипидан-игнасиғача барини тарози-га солиб ўйлаб кўришини, ниҳоят қандай йўлга кириб кетаётганини ўзи тушуниб етишини хоҳларди. Эрталаб у Фриднинг ёнига тушди. Эҳтимол, Матей Иримиедан кўра узоқни кўрар, эҳтимол, у ҳақ ҳамдир. Лекин унинг ҳақлиги шундай шафқатсиз ҳақлик, ҳақиқат эдики, уни юрагингга қандай жойлаштиришни ҳам, қандай қилиб ўз ўғлини бу ҳақиқат қаршисида тиз чўктиришини ҳам билмайсан киши.

15

Уйга кираверишдаги қуёш нурида қизиб турган цемент зина-пояда Иримие билан Василе ёнма-ён ўтирарди. Василенинг худди шу кўйи зинапояда атрофида бўлаётган ҳодисаларга беэътибор эрталабдан то қоронғи тушгунча энгагига қўлини тираб ўтирганига бир неча кун бўлди. Ўшанда у Элизанинг саволларига ҳам жавоб бермаган, унинг жаврашларига кулоқ солмаган эди.

Ионуц келиб бир неча марта ўйнашмоқчи бўлиб пашшахўрда бўлган эди, Василе гапирмасдан қўли билан итариб ташлади. Ионуц ноумид қайтиб кетди.

Темир йўл кўтармасидаги воқеадан кейин Иримие ўғли билан бир оғиз ҳам гаплашмади. Тўқнашиб қолишганда бир-бирига қарамасдан индамай ўтиб кетишарди. Ҳатто Иримие овқат маҳалида ҳам у билан гаплашмасди. Василе бир неча марта косадаги шўрвага қўл урмай сўлагини ютганча дастурхондан туриб кетди, Иримие бўлса, бундай пайтда куч билан ўзини босиб овқатини нари-бери еярди.

Негоицэ ҳовлида ўсиб ётган олча дарахтига назар ташлади. Унинг шохлари ҳали куртак чиқармаган, уйғонмаган, лекин шундай бўлса ҳам шохларнинг уч-учида кўкимтир, мум билан қоплангандек оппоқ момиқ туклар кўриниб қолган ва улар қуёш нурида ялтираб, товланиб турарди. Бу олчани Иримиенинг ўзи эккан. Мана энди унинг бўйи томдан ҳам баланд бўлиб кетибди. Дарахт танасининг бир неча еридан пўсти шилинган. Лекин у бунга қарамай йилдан-йилга ҳосилини ошириб, мевалари йирик-йирик ҳамда ширин бўлиб бормоқда эди.

Бир куни нима ҳам бўлиб Негоицэ олчанинг қандай қилиб қизаришини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди-ю, дарахтнинг тагида ярим кун унга тикилиб ўтирди. Кечга бориб мундоқ қараса, олчалар қизариб қолибди. Лекин қандай қилиб қизариб қолга-

нини барибир билолмай қолаверди. Худди шундай ҳол Василеда ҳам юз берди. Кўз олдида юриб, унинг қандай қилиб катта бўлиб қолганини Иримие сезмади.

Василе отасининг чуқур хўрсинишидан ўзига келди. У туриб кетмоқчи бўлган эди, отаси кўлини елкасига қўйиши билан яна ўтириб қолди. Улар иккаласи бирмунча вақт ҳар томонга қараб унсиз ўтиришди. Василени отасининг сукути ташвишга соларди. Иримие бўлса, шохлардаги аранг кўриниб турган тугунчага ўхшаш куртаклардан нималар пайдо бўлишини ўйлаб, ўз-ўзича ҳайрон бўларди. Иримие йўталиб юборди-ю, хаёлини йиғиштириб олди. Василе тунов куни поезд тагида қолиб кетишига сал қолганида у ўғлига қараганда кўпроқ қўрққанди, шунинг учун Иримиега назарида ўғли дадам кўрқоқ, ҳеч нарсага арзимайдиган бир кимса экан, деб ўйлаётгандай туюлиб кетаётган эди. Нима ҳам бўлиб бир куни Василе отасига бу тўғрида гапирди ҳам. Иримие ўғлининг бир сўзли, ҳар куни ўз фикрини ўзгартириб турадиганлар тоифасидан эмаслигини жуда яхши биларди. Бироқ темир йўл кўтармасида бир-бирини қучоқлаб туриб ўзаро туйган бир туйғу, ҳиссиёт Негоицэни яна Василе барибир меҳрибон, ҳалол болалигича қолибди, деган ишончга олиб келган эди.

— Силе, шу... ўқишингни ташласанг, нима бўларкин?

Иримие, Василе бу гапни эшитиши биланоқ дарров қаттиқ эътироз билдира бошлайди, деб ўйлаган эди. Лекин аксинча бўлиб чиқди. Василе ердан олган кичик бир шохчани қисқа-қисқа синдирганча жим тураверди.

— Бир неча ҳафтадан кейин ташлайман.

— Нега энди ҳозир эмас? У ерда нима қиласан? — деди Негоицэ шоша-пиша, ўғлим ўйлаб-ўйлаб, ахир ўз йўлини топиб олибди, деган фикрда.

— Бир неча ҳафтадан кейин гимназияни беркитишади. У ерга касалхона ўрнашади.

— Мен бўлсам энди у ерга боришдан мутлақо воз кечаркансан, деб ўйлабман. Эҳтимол, пул топиш учун бирон бошқа шаҳарга кетсангмикин? Хўш, Силе, бунга қандай қарайсан?

— Дада, нега энди?

— Менга сен шу кунларда танангга кўп нарсаларни ўйлагандек бўлиб туюлгандинг, болақай.

— Дада, нимани ўйлай? Эҳтимол, ўйлагандирман ҳам. Лекин, нима ҳақда ўйлашим сенга ёқишини билмай турибман.

Негоицэ калаванинг учини йўқотди, унга нима деб жавоб қайтаришини билмай довдираб қолди. Василенинг лоқайд ва

ишонч билан гапиргани уни саросимага солиб қўйган эди. Негоицэ ўзини кўпинча содир бўлиб турадиган бир вазиятга, яъни одам бир нарсани гапиргиси келади-ю, лекин томоғига копток-дек нарса тиқилиб гапиролмайдиган ёки бўлмаса, гарчи ҳозир йиқилишини билиб турса ҳам, жон аччиғида йиқилмаслик учун мувозанатини сақлаб қолишга бор кучи билан тиришадиган одам ҳолатига тушиб қолгандек ҳис қилди. Негоицэ ўғлим ёлғизланиб қолган ўша кунлари ўз қилмишларига пушаймон еди, деб ўзида ишонч ҳосил қилган эди. Шунинг учун у ўғлини юрагидаги қабихликлардан қутулиб олиш иштиёқида юрган бўлса керак, шундай бўладиган бўлса эски хотираларни эсига солмайин, деган ниятда бирмунча вақт уни ўз ҳолига қўймоқчи ҳам бўлди. Эҳтимол, Василе худди мана шу тўғрида ўйлагандир ҳам, лекин ўзида қилмишларига афсусланиш учун ҳеч қандай эҳтиёж сезмаган, тавбасига таянмагандир. Негоицэ оламда қўлидаги синдирилган шохчадан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмасдек кўзларини унга қадаб ўтирган ўғлининг башарасига шапалоқ тортиб юбормоқчи бўлди. Гарчи тарсакининг вақтида қисман фойдаси бўлса-да, лекин ҳар қачон ҳам унинг ёрдамида кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас. Шуни ўйлаган Иримие ўзини тутди.

— Менга қара, Силе, мен ҳозир ёнингда шундай аҳмоқона вазиятда ўтирибманки, сен билан қандай гаплашишни ҳам билмайман. Эҳтимол, сен ўша минг лей ҳақида отам ҳеч нарса билмайди, деб ўйларсан? Янглишасан, ўша куни нима иш қилганингни ипидан-игнасиғача биламан. Эҳтимол, бу воқеа сенинг калтабинлигинг оқибатида содир бўлгандир, эҳтимол бошқаларга эргашгандирсан. Нима дейсан, гапир! Тўғри, ёшлигимда мен ҳам сутдай оқ бўлмаганман, лекин инсонни хўрлаш, уни ҳақорат қилиш деган нарса кўнглимда йўқ эди.

Иримие Василенинг қўлидаги шохчани ташлашини хоҳлаб, унинг қўлига қаради. У қарашга қаради-ю, лекин ўз тасаввуридигидан тамоман бошқа бир нарсани кўрди. Василенинг қўллари энди пайлашган, йўғонлашган, сонсиз машқлар натижасида бўғинлари тугун-тугун бўлиб кетган эди. Бу қўллар бир вақтлари ўзи тез-тез силаб-сийпаб турадиган нозик қўлчаларга мутлақо ўхшамас эди.

— Ўғлим, мен сенга ота бўлиб нималар дея олишим мумкин? Кўп қийин кунларни кўрдим. Сенга ўхшаган саводли бўлиш пешанамга битмаган экан. Лекин ҳаётнинг оғир сўқмоқларига дучор бўлдим. Ҳаёт одамни ўқитиб қўяр экан. Ўқитганда ҳам, эҳтимол китобга қараганда кўпроқ ўқитса ўқитаркану, ундан

кам ўқитмас экан. Сенлар калтаклаган киши сенга нима ёмонлик қилган эди? Ўша бахти қаро муаллим сенга нима ёмонлик қилган эди? Уни ҳимоя қилиш ўрнига, ҳақорат қилишни ўзингга лозим топдинг! Силе, сен ахир бунақа эмас эдинг-ку, сенга нима бўлди, болам? Мен сенинг мурғаккина қалбингда шунча қаҳр-ғазаб бўлиши мумкин эканлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Ўғилгинам, шу мактабингни ташласанг яхши бўлмасмикин? Бир неча ой қишлоққа чиқиб, холангникида яшаб кўр. Эҳтимол, кўзингни қоплаб олган қоронғилик йўқолиб, барини тушуниб оларсан...

— Дада, гапнинг индаллосини айтиб қўя қол, мендан нима истайсан?

— Мен, одамлар сенга қўлини бигиз қилиб кўрсатмасликларини истайман.

— Эҳтимол, сартарош бўлишимни хоҳларсан. Бир вақтлар бошланғич мактабга борганимда кўнглинг шуни тусарди-ку. Сартарош маош олади, бундан ташқари, қўлига унча-мунча чойчақа ҳам тушиб туради...

— Силе, буни хоҳламайман. Бир вақтлар менга маъқул бўлган бўлса, мана, ўзинг кўриб турибсан, хоҳламаяпман.

Иримие жим бўлиб қолди. Шунча суҳбат давомида Василе биринчи марта отасига қаради. У отасини соқоли ўсган, чакка-сигача оқ тушиб, шимининг тиззасига ямоқ солинган бир ҳолатда кўриб, юрагидан уни юпатмоқчи бўлди. Ахир, у ўз падари-ку. Василе отасининг бўйнига турмушнинг чидаб бўлмас машаққатлари тушганини биларди, отаси кўз очиб фақат меҳнатни, машаққатли меҳнатдан бўлак ҳеч нимани кўрмаганини тушунарди. Василе ўзида фарзандлик туйғусини уйғотиш учун Иримие билан бирга ўтказган таъсирли ҳаёт лавҳаларини, оғир кунларини ёдига тушира бошлади. Бироқ энг майда икир-чикирларигача ёдига тушган кўрган-кечирганлари унинг кулгисини қистата бошлади. Натижада илгариги туйғуларини, ҳиссиётини қайта тирилтириш учун қилган ҳамма уринишлари фойдасиз бўлди, буни унинг ўзи ҳам тушуниб етди. Бу туйғулар энди ўтмиш бўлиб қолган эди. Мана, масалан ҳозир, отаси оғир касал бўлиб қоладиган бўлса, уни боқиш учун кечаю кундуз мардикорчилик қилиши, юк ташиши, қулоқ қоқмай неча чақиримлаб югуриб бориб доктор чақириб келиши мумкин, лекин у буларни отасига жони ачиганидан эмас, балки, отага ўғиллик бурчини адо этиш учунгина бажариши мумкин, холос. Василе ёнма-ён ўтирган кимсага қараб, ўзига-ўзи, бу одам мендан нима истайди ўзи, деб савол

берарди. Бу одам ўзининг муҳандис бўлишини хоҳлармикин? Ёки бўлмаса, Германияга ўқишга юборилгандан кейин у ердан пул, ҳафтада икки марта хат ва яна бошқа бало-баттарларни жўнатиб туришини хоҳлармикин?

Василе отам мендан фақат кечирим сўрашимни хоҳларкан, унинг кўнглига қараб узр сўрасаммикин, деган хаёлга ҳам борди. Лекин шундай қиладиган бўлса, отасини алдаган бўларди, чунки ўзини фариштадек гуноҳсиз деб биларди-да. Отаси эса мундоқ теварак-атрофига, хотинига кўз-қулоқ бўлиш ўрнига, бурунги тераклар кесилиб кетганидан, ҳозирги давр бошқа давр эканлигидан беҳабардек насиҳатбозлик қиларди. Ахир у даврлар аллақачон ўтиб кетди-ку.

Василе топшириқ бажарилгандан кейинги Рудольф билан синфда бўлган суҳбатни эслаб, сесканиб кетди. Ўшанда у бошқалар тушунмаган ёки тушунишни истамаган одамгарчиликни ёқлаб қаршилик кўрсатган эди. Мана энди ўзи бундан бир неча кун муқаддам тушунишни жудаям хоҳлагани ўшандай бир ҳолатни бошидан кечириб ўтирибди. Василе қовоғини солиб олди. Ташқари салқин бўлишига қарамай, ўзининг терлаб кетаётганини сезди. У қай вақтда мунофиқлик қилди? Рудольфнинг олдидами ё бўлмаса отасининг олдидами? Агар у ўшанда қилган қилмишига нафрат ўқиган, дўстларини табиий туйғулар сари чорлаган бўлса, хўш, нега энди ҳозир қалбида ўша табиий туйғуларни уйғотган омилларга суяна олмаяпти.

Йўқ, у ҳақ, тўғри йўлдан боряпти. У ўшандаям ҳақ эди, ҳозир ҳам ҳақ. Фарқи шуки, ҳозир у отасининг олдида Рудольфнинг аҳволига тушиб ўтирибди.

Василе кўнглини беҳузур қиладиган хаёл гирдобиди адашиб қолмаслиги учун шартта ўрнидан туриб жўнаб қолмоқчи бўлган эди, қараса, отаси тикилиб турибди. Шундан кейин отасини хафа қилмаслик учун жим ўтира қолди.

— Силе, менга тўғриси айт-чи, ўз одамларимиз ҳақида нима дея оласан?

— Кимларни айтяпсан? Сизлар ҳам қисман менинг одамларим ҳисобланасизлар...

— Силе, ўзингни гўлликка солма.

— Сен бўлсанг ўзингни ҳадеб доно қилиб кўрсатаверма, бу сенга ярашмайди. Агар мен ўзимизникиларни кўпроқ ва яхшироқ билганимда имконим борича, ақлим етганча улар ҳақида ўйлаган, уларнинг бутун борди-келдисини яхшилаб тушуниб олиш учун сен билан ўтириб гаплашган бўлардим. Уларни яхши

билмас эканман, нима ҳам дея олардим. Бу борада менинг заррача ҳам гуноҳим йўқ, дада, мендан жаҳлинг чиқавермасин, муштрларингни ҳам тугма. Биламан, шу йўл билан кўнглингдагини кўксингга чиқара оласан, чунки сенга қўл кўтара олмаслигимни биласан. Дада, бунга ҳеч нарса таъсир қилмайди, деб ўйлама. Баъзан менинг ҳам хўрлигим, йиғлагим келади, юрагим сиқилиб кетади, лекин бошқалар эса, менга таъсир қилган нарсаларни оддийгина, жуда осонлик билан ҳазм қилишади. Дада, гарчи онамнинг ўлиmidан сўнг мендан бир оз совиган бўлсанг ҳам, мен сени барибир яхши кўраман. Лекин фақат сендан илтимосим шуки, мен қила олмайдиган нарсаларни мендан талаб қилаверма. Сен менга ўқишни ташлашимни таклиф қилаяпсан... Хўп, яхши, ташладим ҳам дейлик, лекин унинг ўрнига менга нима ҳадя қила оласан.

— Эҳтимол, одамларни отмоқчидирсан? — тутақиб кетди Иримие.

— Отиш учун ўзимда ишонч ҳосил қилсам, отаман ҳам.

— Унда нега энди отмаяпсан?

— Ҳали бунга ўзимда ишонч ҳосил қилганимча йўқ.

— Софдил бир чолни калтаклаган аллақандай безорини ҳимоя қилишга виждонинг қийналадими? Нега сен одамларни ўлимга олиб кетаётган аблаҳларга қўл кўтаролмайсан ёки ўша бечораларга бир қултум сув узатишга шошилган ғариб чолни қўллаб-қувватлай олмайсан?

— Чунки буларнинг одамларни олиб кетиши ёвузлик эканлигига ишончим комил эмас, шунинг учун ҳам бундай қилмайман.

— Ҳа, гап бундай дегин ҳали... Менга қара, Силе, сенинг қалбинг ўлик, юрагинг тош экан.

— Қалб — бу мавҳум тушунчадир.

— Нима?

— Мавҳум тушунча.

— Агар сени икки тарсаки туширсам буни нима дейди?

— Буни тарсаки дейди. Бу борада кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Сен фақат шунгагина қодирсан.

— Силе, ўзингни ҳаддан ташқари билармон санаб юборибсан. Мана шу билармонлигинг бир куни бошингга етади. Ўшанда мени отам бундоқ огоҳлантирмабди, деб мендан ўксинмагин. Қирғин келсин уларнинг ҳаммасига! Кўлимдан келганда, ҳаммасини ўз кўлим билан бўғиб ўлдирардим.

— Дада, кимларни?

— Кимлигини ўзинг биласан...

Василе қовоғини солди.

— Дада, улар ҳақида бундай гапларни гапирмаслигингни мас-лаҳат берардим.

— Каллаларингга ҳар хил аҳмоқона хаёлларни тиқиштира-санлар. Ўзларингни одамгарчиликдан чиққан қандайдир бебурд кўрсатасанлар, жинни бўласанлар...

— Хўп, қани гапиравер, — туриб олди Василе.

— Бориб-бориб бир кун мен ҳам стрелкаларни сурмай қўяман. Эшитяпсанми? Унда нима бўлади?..

— Дада, унда стрелкаларни бошқа бир одам суради.

— Сурса сураверсин.

— Бунга фақат душманларгина суюниши мумкин.

— Бу ёғига қани энди кучим етса-ю... дармоним қуриди! Бу-тун борлигимни сенларга бағишладим, кўзимни қорачиғидек асрадим. Сенларни тўйдираман, оч-яланғоч қўймайман деб кеча-ни кеча, кундузни кундуз демай ишладим... эшитяпсанми?

Василе отаси гапираркан, юзини тириштирганча қимир эт-май ўтирди. Бу гаплар эшитилавериб ёд бўлиб кетган, аллақа-чондан буён маълум бир эски чўпчакдек қулоғига кирарди. Ёки отаси айтган гаплар ўша тонг гимназияга кетаётганида қулоғи-нинг тагига тушган тарсакидай таъсир қилар эди, ўшанда ҳам тарсаки еб худди шундай киприк қоқмай, жим турганди.

— Дада, эшитяпман, — деб Василе овоз чиқарди-ю, лаблари яна бир-бирига жипслашди. Нигоҳи эса муҳим бир нарсани кўриш мумкин бўлгандек тахта деворнинг аллақаерига қадалди. — Дада, ортиқ ҳар хил аҳмоқона гапларни гапирма.

— Умримда сен айтган аҳмоқликларни кўчасидан ўтган бўлсам ҳам майлийдди. Лекин бир нарса қила олиш менинг ҳам қўлим-дан келади.

— Дада, сен нима қила олардинг?

— Ҳозирча аниқ айтолмайман. Фақат бева-бечораларни орт-ган мана шу поездларни кўргани кўзим йўқ. Бундай ишларда сенинг дўстларингнинг баҳодирликларига қиёс йўқ! Улар одам-ларни ҳақорат қилишга жуда уста. Бунинг йўлини яхши били-шади. Назарингда, улар сенинг қора кўзларингни ҳар куни кўриб туриш учун ўзларига ҳамтовоқ қилиб олишган, деб ўйлайсан-ми? Уларга сенга ўхшаш лаганбардорлар керак... Германияга ўқишга юборамиз, деб ваъда беришдими, энди сен мана шу ваъданинг амалга ошиши учун уларнинг оёқларини ўпишдан ҳам тоймаслигингни билишади. Биласанми, Силе? Тўғриси, сен

виждонан яшашдан кўрқасан. Ана шунинг учун ҳам ўзингни уларга қул қилиб топшириб қўйдинг... Нега бир бурда нон топсанг ҳам пешана терингни оқизиб топиб ейиш учун Павел билан заводга ишга кирмадинг? А? Сабаби, жонинг ширин. Беш кишилашиб бир одамга ёпишасанлар-да, ечинтириб оласанлар, тагин буни ботирлик деб мақтанасанлар. Қани айт-чи, бу қанақа ботирлик бўлди?

— Мен бунга боришни хоҳламаган эдим...

— Барибир бординг-ку! Бир жойга боргинг келмайди-ю, лекин бораверасан. Одамларни ўлдиргинг келмайди-ю, лекин бора-бора ўлдираверасан. Юмшоқ супурги бўлиш ҳам ёмон эмас... Меҳнат қилишнинг ҳожати йўқ.

— Мен ўқишни хоҳлайман.

— Қайси ўқишни? Агар шу ўқиш деб унга ўзингдаги бор фазилатларни қурбон қиладиган бўлсанг, бунақа ўқишнинг боридан йўғи яхши.

— Демак, стрелкачи бўлишим керак экан-да?

— Агар виждонинг пок бўлса, ахлат ташувчи бўлсанг ҳам ёмон бўлмайди!

— Дада, жуда доно бўлиб кетибсан.

— Мен ҳали ҳайвон бўлиш учун нимамайди, «Дейч»... дейдими, отинг қурғурни — ҳали ўшанга кирганимча йўқ.

— Дада...

— Сенга қараб туриб ўз-ўзимдан виждонан қийналиб кетяпман. Сўзларим тўғри чиққанини ўз кўзларим билан кўргунча яшармиканман? Оҳ, унда шуни билиб қўйки, ўшанда сенга шафқат қилиб ўтирмайман...

— Дада, ўшанда сенга мен ҳам шафқат қилмайман. Тагин алаmidан шафқат қилмас экан, деб ўйлаб юрма.

— Нимадан бўлмаса.

— Ўз эътиқодим бўйича.

— Ундай бўлса, нега мени уларга бориб сотмаяпсан? А, нега? Қаллангга сиққанча ёлғон-яшиқни қалаштириб ташла. Ахир улар сенга ишонишади-ку.

— Ҳали шу эътиқодга тўла-тўкис ишонч ҳосил қилганим йўқ, дада.

— Тагин битта-яримтани шилгин, дарров келасан-қоласан.

— Дада...

Негоицэ ўғлининг гапини бошқа эшитгиси келмай шартта ўрnidан туриб, уйнинг орқасига ўтиб кетди. Қаттиқ кўнгли ранжиган Василе отасининг қаёққа қараб кетганига ҳатто қайри-

либ ҳам қарамади. Отасининг гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетган эди. Умуман, шунча гапларга лойиқ нима иш қилди у? Фақат кўпчилик бўлиб аллақандай бир яҳудийнинг пулини тортиб олиб, дарвозасига олти қиррали юлдузнинг суратини чизиб кетишди, холос. Шундан кейин ўртоқлари ундан мард солдат чиқиши мумкинлигини, кўрқоқ ва ландовур одамларнинг устидан ҳокими мутлақ бўладиган ажойиб бир юқори мансаб уни келажақда кутиб турганлигини айтиб табриклашди. Унга кўрқоқлик, разиллик нималигини миридан-сиригача тушунтиришди. Шундан кейин у ўз отаси ҳам мана шундай одамлар тоифасидан эканлигига ўзида тўла ишонч ҳосил қилди. Аслида, Матейдан Блаунинг дарвозаси олдида кўрганларини оғзидан чиқармасликни қатъий талаб қилиш керак эди-да. У бўлса, илтимос қилди. Тўғри, илтимос қилди, шу билан бирга таҳдид ҳам қилди. Чунки, уни ҳам кўрқитишга ўргатишаётган ҳамда юрагида қолган кўнгилчанликни батамом маҳв этиш учун унинг ўзини ҳам кўрқитиб туришган эди-да.

Василе коммунистлар тўғрисида, улар фақат масжидларни отхонага айлантирадиган, ҳеч қандай динни тан олмайдиган, ҳаёт даражаси паст, маданиятсиз бир тоифа, деб эшитган эди. Шунинг учун ўз отасининг уларни қўллаб-қувватлай олиши мумкинлиги унга ақлга сиғмайдиган ғайритабиий бир ҳол бўлиб кўринди. Лекин отаси уни алдамади, тўғриси айтди-қўйди. Василе аслида отам бир нимани яшира олиши мумкин, бунинг уддасидан чиқа олади, деб биларди. Лекин ҳозир алдай олмади. Дилидагини тилига чиқазди-қўйди. Иримие ўғлини жуда камдан-кам урарди. Урадиган бўлса, уни ёлғон гапиргани учунгина саваларди. Василе хоҳ ўз айби билан, хоҳ бировнинг айби билан бўлсин, бирон-бир гуноҳ қилиб қўядиган бўлса, Иримие уни олдига ўтқизволиб насиҳат қилар, йўл кўрсатар, яхши гап билан хатосини тушунтириб, айбини бўйнига қўяр эди. Бундай ҳодиса жуда кўп содир бўларди. Лекин у энг арзимас ёлғончиликни ҳам кечира олмас эди.

Мана шу топда Негоицэ ўғлидан хавотирга тушиб, юрагида бор нарсани тўкиб солди. Иримие шундай гапларни гапирдики, агар буларни отаси гапирмаганда ва бу таъналар унга эмас, бошқа одамга қаратиб айтилганда у хурсандлигидан терисига сиғмай кетарди. Ахир, бундан бир ҳафтагина муқаддам Василедан коммунистми, ишқилиб ким бўлмасин, немис ҳокимиятига тил теккизса, дарҳол бизга хабар қил, деб унга тайинлашган эди. Агар кимда-ким душманни тезроқ англаб ола билиш қобилия-

тига эга бўлса, ташкилотга ҳеч қандай синовсиз қабул қилинарди-да. Коммунистларни аниқлаб, маълум қилиш ёки янги ўрнатилган тартибга қарши бўлган бирон одамнинг гапларини етказиш, бу — янги тартибга содиқликнинг энг яхши намунаси, исботи саналарди. Немис идора усулига келиб-келиб отасининг қарши чиқиши, Василени бармоғини тишлаб қолишга мажбур қилди.

Василе даҳшатли кўрқув гирдобада зинадан сакраб туриб кетди. Кўчага отилиб чиқди-ю, отасини топиб, олдида бир оз ўзини босиб олиш мақсадида унинг будкаси томон югурди.

16

Иримие тавот мойи билан шлагбаумни кўтарилган занжирни мойлаётган эди, ўгли ёнига келиб туриб олди. Негоицэ уни кўриб мутлақо ажабланмади. Бир оздан кейин қўлига латга тутқазди-да, будканинг остонасига тўкилган сувни артиб олишини айтди.

Василе аввал эшикнинг орқасидан белкурак олиб, остонада эриётган муз парчасини майдалаб сувини арта бошлади. Эшик олдида бир неча ўт поялари ўсар эди. Василе уларнинг пастки қисмидан, ер билан тутшиб ётган совуқ жойдан чангаллаб ушлаб секин-аста илдизи билан суғуриб ташлади. У вақти-вақти билан вужудини изтиробга солаётган ҳисобсиз саволларга жавоб топиш учун отасига назар солар ва кўзларининг тўқнаш келишини хоҳларди. Лекин Иримиенинг юзи ҳам, қараши ҳам ҳар вақтдагидек хотиржам эди. Пешанасидаги ажинлари текисланган, лабининг бир бурчида табассум ўйнарди.

Ҳа, у куларди. У шунинг учун ҳам мамнун эдики, ўгли ёнида эди, ҳали нималар бўлиб ўтган бўлмасин, барибир ҳозир ёнмаён гаплашиб кетишди. Иримие яна шунинг учун ҳам кулардики, қўлида тугун, қўлтиғида оқ дастурхон билан уйдан Элизанинг чиқиб келаётганини кўрган эди.

Василе онасини пайқаб ишини ташлаб кетиб қолмоқчи бўлган эди, буни сезиб қолган Иримие калласини қимирлатди. Шундан кейин у жойида қолишга мажбур бўлди. Қолишга-ку қолди-ю, барибир ишлай олмади, қўлида латгани ушлаганча деворга суяниб жим тураверди.

— Элиза, овора бўлиб нима қилардинг?

— Оворагарчилиги борми? Манави бу ерда нима қияпти? — Элиза Василега ўқрайди.

— Нима қиларди? Ёнимда турибди. Бир ўзим зерикапман.

— Овқат сйсанми?

— Еганда қандоқ. Василе, сен-чи?

Василе жавоб бермади. Иримие билан Элиза будкага кириб кетишти.

«Аҳа, дадам хотинига кулган экан-да, кўрибоқ оғзининг та-нобинини йиғиштиролмайд қолди», — ўйлади ўзича Василе. У отасининг Элиза билан паст овозда мулойим гаплашаётганини эшит-гач, отам ҳақиқатан ҳам мени лақиллатяпти, деган қарорга келди. Гоҳ немис поездларининг жарликка қулаётганидан хурсанд кўри-нади, гоҳ эса бир коса атала деб немис аёлининг бадбашара афтини ўпишга тайёр туради, деб кўнглидан ўтказди.

Василе энди отаси ҳақида қатъий ва беаёв шундай хулосага келди: агар Иримие ўғлини ўз дўстлари билан уриштириб қўйиш фикрига тушган экан, у бир эмас, икки томонлама ярамас, но-мард одам. Унинг биринчи номардлиги шундаки, у бир умр ла-ганбардорлик қилиб келган, иккинчи номардлиги шундаки, ўз ёлғончиликларини доим лаганбардорлиги пардасига яшириб юр-ган.

Элиза Василени чақиргани ташқарига чиқиб, ундан ном-нишон тополмади. Кетидан Иримие ҳам чиқиб келди. Икки ки-шилашиб чор атрофга қанчалик қарашмасин, Василе ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

— Иримие, эҳтимол, уйга кетгандир.

— Йўқ, Элиза, уйга кетганига ишонгим келмайди.

— Кўявер, боши оққан томонга кетгандир. Қорни очса, ки-риб келади.

— Элиза, у билан бир оз юмшоқроқ муомалада бўлсанг бўлар-ди-да.

— У-чи, у қандай муомалада бўлиши керак? Нега у мени ойи деб атамайди? Ахир, мен уни ҳеч қачон Ионуцдан ажратиб қўй-ган пайтим бўлмаган-ку. Шундоқ бўлгач, нима учун унинг мени кўргани кўзи йўқ? У менинг ўз туққан фарзандим бўлмаса ҳам, Ионуц менга қанчалик азиз бўлса, у ҳам шундай азиз, Ионуцни ҳеч қачон ундан ортиқ кўрмайман-ку? Ким уни ўстирди, ювиб-таради? Мен эмасми, ахир? Касал бўлиб келган пайтларда боши-да парвона бўлиб қараган менми, сенми? Шундай бўлгач, нега мени она ўрнида кўрмайди? Чунки, мен у билан жиддий гапла-шаман, нима, менинг ҳам ҳаётим хамирдан қил суғургандек силлиқ ўтибдими? Сен ўз ишинг билан бўлиб кетгансан. Унга фақат менгина балоғардон бўлганман. Шундай бўлгач, онаси ўрнида онаси бўлолмайманми?

— Асабингни бузма, Элиза. Ахир тушун...

— Иримие, ҳеч ким менинг тарафимни ололмайди...

Элиза товоқ-қошиқни йиғиштириб олди-да, этагининг бир учига кўзини артганча ўзича вайсаб жўнаб кетди.

Иримие унинг ортидан қараб қолди. Кейин шунча йил турмуш қуриб хотини билан бирон марта ҳам юрагини очиб дурустроқ гаплашишга вақт тополмагани, ширин сўз айтиб унинг кўнглини кўтара олмагани учун ўзини ўзи койиб кетди. У кўп вақтини ишда ўтказар, уйда бўлган пайтларида эса ўзини унга нисбатан худди бегонадек ҳис қиларди. Тўғри-да, Иримие шунча йил бир ёстиққа бош қўйган хотинига нима бера олди, уни нима билан хурсанд қила олди? У илгари Элизани севарди, унинг севгиси унга уйлангунча давом этди, холос. Элиза остона ҳатлаб уйга кириши билан Иримие ўз севгисини қалбидан юлиб отди. Чунки, у аввало, ўғлидан тортинди, Элизанинг ўзидан уялди, қолаверса, ўлган хотинининг юзини қилди.

Иримие ўз қилмишига, ўтиб кетган кўп ғанимат фурсатларга афсусланиб бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Кейин чироқни қўлига олди-ю, семафор тарафга қараб кетди. Энди на машина мойининг ҳиди, на ёқилган тошкўмирнинг иси, на ярқираб турган излар — ҳеч бири қайғули ўйлар оғушида темир йўл бўйлаб кетаётган Иримиенинг диққатини ўзига тортмас эди. Илгарилари бўлса, бу нарсалар унинг ҳечам назаридан четда қолмасди.

У семафорлар олдига етиб келгач, тўхтаб туриб ярми ердан ўсиб чиққандек пастак-пастак томлардан иборат бўлган кирчир «Кўркам кўча»си бўйлаб узоқ-узоқларга тикилди, тикилди-ю, толь билан ёпилган мана шу томлар остида қанчадан-қанча бахтли одамлар яшаркин, деб ўзига-ўзи савол берди.

Иримие ланг очиқ бир деразанинг остида очилиб ётган пеларгония гулини кўриб ниманидир эслади-да, чироғини ерга қўйиб дераза томон одимлаб кетди.

Фақат гулни узиб қўйгандан кейингина Иримие уни нима учун узганини тушунди. У шартта ўз жойида тўхтаб қолди. Юзларига қон уриб бир зум ловиллаб, қизариб кетди. Ахир, гулни Элизага бериш учун узган эди-да. Негоицэ умри бўйи Элизага гул тутқазмаган, шунинг учун ҳам у ҳозир тараддулланиб саросимага тушиб қолганди. Шу топда ҳеч қандай поезд бўлмаса ҳам Негоицэ семафорга қараб қўйди: семафор ёпиқ. Будкадан ҳам телефоннинг жиринглагани эшитилмаяпти. У телефонни ҳам шу топда жирингламагани учун ёмон кўриб кетди. У қаёққа боришини, нима қилишини билмай гаранг бўлиб қолди. Олдинга

бир неча қадам юрди-ю, яна тўхтади, унинг ҳаяжондан терлаб кетган қўлларида гулнинг пояси сўлиб, бирпасда барглари шалпайиб қолди. Кейин Негоицэ худди ўғри мушукдек ўз уйи олди-га келди-ю, яна иккиланиб тўхтаб қолди. У дераза олди-га келиб, эрини кузатиб турган Элизани пайқамасди. Элизага бўлса эрининг бу ҳолати худди бўлажак аччиқ қисматдан дарак бераётгандек туюлган ва шунинг учун ранги бўздай оқарганча кўрқувдан қўллари билан оғзини беркитиб олган эди.

Негоицэ гулни деразага қўйди-ю, икки букилганча нари кетди. Элиза ўзини тутиб туролмади. Гулни олди-ю, жаҳл билан бурда-бурда қилиб ташлади. Хонада пеларгония гулининг хуш бўйи ўрнига мажақланган поясининг бадбин иси таралди. Элиза гулнинг баргларини юларкан, бирдан ўз қароридан қайтгандай бўлди. У тўсатдан ерда ётган гулнинг қизил баргчаларига саросималаниб қараркан, руҳан ҳолдан тойганиданми, ё қилган ишига афсусланганиданми, нима учундир ўзини каравотга отди-ю, ёстиққа бошини буркаб ҳўнграб юборди. Негоицэ шу онда уйнинг муюлишидан яшириниб мўралаб турмаса ҳам бўларди, чунки Элизанинг нима қилаётгани бу ердан кўринмасди, фақат у деразада гулнинг йўқ бўлиб қолганини сезди. Кейин деразанинг остига қаради, у ерда ҳам гул йўқ. Демак, Элиза гулни олибди. Шундан кейин Негоицэ Элизанинг гулни вазага қўйиб қандай қилиб тирилтириб олишини тасаввур қила бошлади. Унинг юзи ёришиб, лабларида яна табассум ўйнади.

17

Будкадан қочгандан кейин Василе немис клубига борсам чакки бўлмайди, деган фикрга келди. Чунки отаси билан бўлган суҳбатдан кейин нима биландир ўзини алаҳситишни хоҳлаб қолган эди-да. Кейинги пайтда у қаерга борса, нима иш билан шуғулланса отаси ҳаммаси билан қизиқаётганини сезиб қолди. Бир-икки синаб кўриб, отаси ҳар қадамда кузатаётганига ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин ҳар бир ҳаракати учун тушунтириш бериб юрмасликни афзал кўриб, ҳамма бўш вақтларини уйда ўтказишга аҳд қилди. Ўртоқлари бўлса унга «Дейчеюгенд»га кириш учун тайёргарлик кўришни тайинлашган эди. Василе улар билан мактабдан ташқари деярли ҳеч қаерда учрашмас, ҳар хил баҳоналар билан улардан ўзини олиб қочарди. Бир кун қараса ўз кўчасида Фрид дайдиб юрибди. Фрид Василени кўрди, кўрди-ю, гаплашишни ҳам лозим топмай, бошқа тарафга қараб кетаверди.

Эртасига учрашишганда Василе ундан гап сўрамасданок, Фриднинг ўзи гап бошлаб, ўзидан-ўзи шу кўчанинг охирида бир таниши борлигини, кеча ўша танишиникига меҳмонга борганлигини тушунтира кетди. Василеда шубҳа пайдо бўлиб, кўнглига гулгула тушди, кейин бу гулгула қўрқув билан алмашди: унинг қаерда ва қандай юргани билан нима ишлари бор, ахир?

Кун илиқ эди. Тротуарлардан куралиб бир ерга тўдалаб қўйилган қорлар қуёш қизигидан эриб кетяпти. Томлардаги тарновлардан шунчалик кўп сув оқиб тушяптики, худди ёмғир ёғаётганга ўхшайди. Зовур четида бир неча бола сувга қоғоздан ясалган қайиқ тушириб югуришиб юрибди. Василе уларнинг қийчувига мароқланиб қаради. Ҳатто улар орқада қолиб кетгандан кейин ҳам бир неча марта ўгирилиб қараб қўйди. Василенинг уларга ҳаваси келди. Буни қарангки, у шу вақтгача оламда шунча ўйинлар борлигини билмабди, билишга қизиқмабди ҳам. Бусиз ҳам унинг мурғаккина қалбини доим ҳар хил саволлар чулғаб олар эдики, булардан боши тарс ёрилай дерди. Василе қилишни мўлжаллаган иши билан шу ишни қилганидан кейинги натижа орасида катта тафовут чиқиб келаётганини сезиб таажжубга тушди. Гўё унинг ичида аллақандай кўзга кўринмас бир куч бор эдики, бу куч доим уни оқибатда пушаймон бўладиган хатти-ҳаракат қилишга етакларди. Масалан, у топшириқни бажаришга боргиси келмаётган эди, лекин барибир борди, унда иштирок этди, у ўқитувчи Шульцга қандай жавоб берган бўлса, аслида шундай жавоб бермоқчи эмас эди, отаси билан эса, ҳечам бунақа қўпол гаплашиш нияти йўқ эди, лекин у гапирган гаплар беихтиёр оғзидан чиқиб кетаверди. У ҳозир бировга кўринмай, нега кўринмагани ҳақида изоҳ ҳам бермай уйга кириб ётиб олса ҳам бўларди, бироқ ўзини ота-онасининг уйдан қувилган кимсадай ҳис қилиши унга жон киргизди. Василеда Рудольф билан Фриднинг хатти-ҳаракатларига нисбатан норози бўлиш учун аниқ сабаблар бор эди. Лекин уларнинг ўзига эътибор қилмай қўйганларини сезгач, яна ўзини бадарға қилинган одам ҳолатида тасаввур қила бошлади. Бадарға... Нима сабабдан бадарға қилинади? Юрагидаги хоҳишига қарама-қарши ишлар қилишга судрайверадиган, ўз истагига қарама-қарши ҳаракатларга бошлайдиган ҳалиги кўринмас куч Василе учун қанчалик сирли бўлса, мана шу «нима сабабдан»лар ҳам унинг учун сирли ва мавҳум эди. Унинг хоҳиши ўзи аслида қандай эди? Бу ҳам бир муаммо эди.

Василе ҳар хил бемаза ўй-хаёллардан қутулиш учун юзгача санашга тушди.

Кўчанинг нариги бетида Карл Шерг шоша-пиша келарди. Унинг кетида эса форма кийган икки йигит. Шундагина Василе эрталаб Шульцнинг тушки овқатдан кейин «Умумий маданият»дан машғулот бўлиши ва ҳеч кимнинг бундан кеч қолмаслигини тайинлаганини эслади. Василе аввал, демак, дарс эсдан чиққан экан, энди бормасам ҳам бўлаверади, деб ўйлади, кейин Ганснинг ҳам кўчанинг ўртасидан шошиб кетаётганини кўриб, клубга бориш фикридан қайтди. У йўлни тезда кесиб ўтди-да, мактабнинг яқинида тўхтади. Ҳовлида отряднинг бари қаре, яъни тўртбурчак шаклида саф тортган, уларнинг ўртасида эса Шульц билан Рудольф турарди. Рудольф саломлашиш маъносида бир қўлини олдинга чўзди-да, ўқитувчисига рапорт берди.

Василе қаторнинг қаерига сездирмасдан туриб олиш учун кўзи билан ўнғайроқ жой излади. Зиглерга кўзи тушди-ю, секин унинг ёнига бориб туриб олди. Кимдир пиқ этиб кулиб қўйди. Василе бу кулгининг замирида нима ётганини тушунмасди.

— Тез орада бунинг ҳам навбати келади. — Василенинг орқасидан шундай овоз эшитилди. Лекин Василе бу гаплар менинг тўғримда эмас, деган қарорга келиб индамай қўя қолди.

Ўқувчилар мактаб ҳовлисида тўрт қаторли саф тортиб ташқари чиқишди. Катта кўчага чиқишлари биланоқ ўқувчилардан биттаси аллақандай бир қўшиқни бошлаган эди, қолганлари бараварига унга жўр бўлишди. Шульц қаторни синчиклаб кузатиб чиқди. У Василега ёнма-ён келганда унга норози қиёфада бир кўз ташлади-ю, лаванда атрининг ҳидини бурқитганича тез-тез қадам ташлаб, сафнинг олдига ўтиб кетди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас қишлоқнинг охириги уйлари ҳам ортда қолиб кетди. Отряд энди бу ёғига тепаликлар аро илон изи бўлиб кетган сўқмоқ йўл билан кета бошлади. Йўл борган сари баландликка кўтарилиб жарликларга тақалар, юриш қийинлашарди. Лекин шундай бўлса ҳам, Шульц қўшиқни бир зум тўхтатишга буйруқ бермади. Ҳамма ҳарсиллар, эгилиб-букилганча энтикиб қўшиқ айтарди. Бир ўқувчининг ҳатто бурни қонаб кетди ҳамки, у қатордан чиқишга ботина олмади. Шу аҳволда қўшиқ айтмаслигига рухсат сўраган эди, ўқитувчи бақириб берди. Ўқувчи бечора бошини энгаштирганча бурнидан шариллаб қон оқизиб, овозини бўлиб-бўлиб минғирлаб бўлса ҳам ашула айтишда давом этди.

Василе Шульцни тушунмай қолди. Тўғрироғи, Шульцда икки одам қиёфасини кўрди. Биринчиси, мактабдаги Шульц — та-лабчан, лекин зарур бўлиб қолган пайтда ғамхўр ҳамда меҳри-бон Шульц, иккинчиси эса ҳозирги пайтдаги Шульц — яъни одамгарчиликдан йироқ, золим ва шафқатсиз Шульц. Мана бу икки қиёфадаги бир одам ўртасида чуқур бир жарлик бор эди. Василе пешанасидан оқаётган терни артиб қўшиқ айтганча мана бундай қарама-қаршиликларнинг асл негизини ўйлаб кўрмоқчи бўлган эди, миясига ҳеч нарса келмади.

Ниҳоят, отряд тепаликнинг энг чўққисига чиқиб борди. Улар чиқиб келган сўқмоқ йўл баландликдан худди буралиб-буралиб кетган қоғоз тасмаларга ўхшаб кўринарди. Сал наридан ҳали ўз бағрида қалин қор қатламини сақлаб турган зич ўрмон кетган эди.

— Зиглер, қаерга кетяпмиз, — Василе гапини ашуланинг усули-га мослаган ҳолда пичирлаб сўради. Бунга жавобан Зиглер елка қисиб қўя қолди. У ё ҳақиқатан ҳам қаерга боришларини бил-масди, ё бўлмаса билса ҳам айтгиси келмади. Василе шеригига синчиклаб тикилди. Унда бир гап бор. Йўқ, чарчагани учунгина шундай қилмади. Зиглер важоҳатидан кўрқаётганга ўхшарди, унинг кўзлари чор атрофга югурар, гўё атрофдан ўзига бир на-жот излаётгандек бўлар эди.

Қаторнинг олдидагилар ёнбағир бўйлаб югуриб кетишди-ю, қаторлар ораси анча узайиб қолди. Зиглер билан Василе ҳам пастликка чопиб кетишди. Шерикларига етиб олгунча Зиглер Василега қараб:

- Силе, сен мени тўғри тушунишингни хоҳлардим, — деди.
- Нима гап?
- Бугун мен сотқинлигим учун жазоланишим керак.

Улар отрядга етиб олишди-ю, яна ашулага қўшилишди. Ашу-ла айттириш Шульцнинг тарбиялаш усулларидан бири эди. У болалар қай ҳолда, чарчоқми, бардамми, ашула айта оладими-йўқми, бу билан ҳисоблашмас, ҳаммасини жўр бўлиб ашула айтишга мажбур қилар эди. Бундан унинг кузатган мақсади бит-та, у ҳам бўлса болалар бир-бири билан гаплашмасликлари, ҳар хил нарсаларга фикри бўлинмасликлари керак.

Василе Зиглерга, унинг саросима аралаш олазарак бўлаётган кўзларига яна бир марта диққат қилиб тикилди. У Зиглердан нима ҳодиса бўлганини батафсил сўраб олмоқчи бўлган эди, отряднинг бир-бирига жипслашиб келаётганини кўриб инда-май қўя қолди. Чунки, атрофдагилар уларнинг суҳбатлашгани

ва бу билан Шульцнинг буйруғини бузишганини сезиб қолиши мумкин эди. Бу ҳолда, албатта, Шульцга улардан биттаси дарров етказарди, бу эса чақимчилик эмас, аксинча, ўз бурчини бажариш ҳисобланарди.

Василе қилинган хиёнат учун жазо берилмоқчи эканлигини аниқ эшитди. Бу ҳақда болалар ҳам секин-секин шивирлашиб гаплаша бошлашди. Лекин у хиёнатни муфассал билиб олиш учун кимдан сўрамасин ҳамма ҳам оғзига талқон солиб оларди. Шульцнинг ўтказган синов машғулотини билганлар ҳеч кимга бир оғиз ҳам айтмаймиз, деб қасам ичишган эди. Чунки билганини яшира олиш, сир сақлаш — мардлик, жасурлик даражасидаги фазилат ҳисобланарди. «Ҳақиқий немис сукут сақлай билиши шарт» — мана уларнинг шиори. Йигитлар сукут сақлашди. Ҳатто жазо олган жиноятчи ҳам бошқаларга жазодан норозилигини билдиришга ҳаққи йўқ. Сотқинлиги учун берилган жазо жуда ҳам махфий бўлиши, унда ким иштирок этган бўлса, бу сир бир умр унинг ичида қолиб кетиши керак. Зиглер, албатта, бу нарсанинг нима эканини, унинг даҳшатини жуда яхши биларди, эҳтимол у бундай жазоланишларнинг кўпини томошабин бўлиб кузатиб тургандир, лекин Зиглер шундай бўлса ҳам бу ҳақда унга шама қилишга ботина олмади.

Зиглер сариқ, новча, афтини тамом сепкил босган йигит эди. Зиглернинг кўзига ёш қалқди-ю, у тезда қўли билан артиб олди. Буни кўрган Василеда нима учундир ўртоғига нисбатан нафратга ўхшаган бир ирганиш пайдо бўлди. Тўғри, «сотқинлиги учун жазолан» усули қандай, қай ҳолатда ўтади, буни Василе билмайди, лекин у қандай бўлишидан қатъи назар, йигит кишининг қийинчилик олдида обидийда қилиб ўтириши мардлик эмас-да, ахир.

— Силе, агар менга бирон кор-ҳол бўлса, ўтиниб сўрайман, бу ҳақда отамга маълум қилгин, — Зиглер шундай деб шивирлади-да, шерикларининг эътиборини тортиш учун янада қаттиқроқ қўшиқ айта бошлади.

Василе бу сўзларнинг замирига тушунди-ю, титраб кетди. Демак, Зиглернинг гапидан маълум бўлишича, унга нимадир бўлиши ҳам мумкин экан-да. Бунчалик эмасдир. Зиглер қўрқоқлик қилаётган бўлса керак. Ҳа, тўғри, у «доктор Блау» операцияси вақтида қандай қўрққан бўлса, ҳозир ҳам шундай қўрқяпти. Ана энди қилган ўша қўрқоқлиги учун таъзирини ейди. Василе гарчи Шульц ўзига итоат этишга мажбур бўлмаган бир одамга зуғумини ўтказишга ҳаққи йўқлигини тушунса ҳам, Зиглер қўрқоқ, деб ўзини ўзи узил-кесил ишонтирди.

Сўқмоқ йўл жудаям ингичкалашди. Отряд ўннга бурилди-да, ҳали одам изи тушмаган қорни босиб юриб кетди. Улар шу юришда қўшиқни тўхтатмай, кичкина ўрмончани кесиб ўтишиб, бир сайҳонликка чиқишди. Сайҳонликнинг ўртасида бўғин-бўғин шохлари чор атрофга тарвақайлаб кетган катта қари эман дарахти бор эди. Афтидан, болаларнинг кўпчилигига бу ер илгаридан таниш бўлса керак. Чунки бу ерга келишлари билан уларнинг анча-мунчаси Шульцнинг буйруғини кутмаёқ қўшиқни тўхтатиб қўйишди. Ҳамма яна қаре шаклида саф тортишди. Шульц энди болалар бир неча соат илгари кўрган Шульцга сираям ўхшамасди, унинг пастки лаби пириллар, кўзлари қисилган, юзлари эса кўкариб кетгандай бир тус олган. Шульц мана шундай қиёфада гўё фикрларини бир ерга тўпламоқчи бўлгандай, қўлларини орқасига қўйиб каренинг ичида айланиб юрарди.

Василе секин-аста ўнг ва сўлига назар ташлашга журъат этди. Ёнига қаради-ю, аллақандай ғайритабиий бир важоҳатда тошдай қотиб турган ўртоқларининг бетидан ҳеч нарса уқиб ололмади. У ўз-ўзига охири нима бўларкин, деб савол бериб, саволининг натижасини болаларча қизиқувчанлик билан кута бошлади. Василе, биринчидан, Зиглерни бир нима қилиб қўйишмаса деб кўрқса, иккинчидан, ҳали кўрмаган, билмаган аллақандай нарсани кўришга ошиқарди. Ҳозир мана бу ошиқиш ҳар қандай кўрқувдан ҳам устун чиқиб уни ушлаб турарди.

Тўсатдан Шульц қичқириб юборди:

— Зиглер, икки қадам олдинга! — Унинг ҳайқиригидан Василе чўчиб тушди.

Зиглер икки қадам ташлаб олдинга чиқди-ю, қўлини икки ёнига қилиб тураверди. У аста чайқаларди. Шульц оёғини кериб туриб олди-да, йигитларнинг юзига тикилди.

Юракни сиқувчи дақиқалар жуда секинлик билан ўтарди. Василе ўқитувчиси қандайдир даҳшатли бир нарсани амалга оширишга ҳозирланганини эндигина тушуниб етди. Унинг тушунгани ҳақиқатан ҳам шундай даҳшатли эдики, бу даҳшат олдида ҳатто Василенинг ўзи ҳам қалтираб кетай деди. У Зиглер ҳақида нотўғри хулосага келганини фаҳмлаб қолди. Тўғри-да, агар одам олдинда уни кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатли бир нарса кутаётганини била туриб у ашула айтиб тик борса, уни ҳеч вақт кўрқоқ деб бўладими?

Шульц яна каренинг ўртасида туриб олди.

— Сотқинга шафқат йўқ! Фюрер биздан ҳақиқий, мардона жангчиларни кутяпти. Ким унинг айтганини икки қилса, у ҳақиқий

немис эмас! Кимда-ким ўз туйғулари устидан ҳукмронлик қила олмаса, ҳиссиётини енголмаса, душманни ҳам енголмайди! Душман қаерда бўлмасин, уни мажақлаб ташлаш керак? Зиглер, қани жавоб бер-чи, фюрер биздан шуни талаб қиляптими?

— Ҳа, жаноби ўқитувчи.

— Ўқитувчининг ўз унвони бор. Биз ҳозир мактабда эмас-миз.

— Худди шундай, жаноби оберштурмфюрер.

— Болалар, унга қаранглар-чи. Топшириқни бажармагани учун уни ҳақиқий немис деб айтса бўладими?

Ҳеч ким индамади.

— Унинг қилмиши нафратимизни кўзғатди.

Зиглер бошини қуйи солган эди, Шульц бақириб берди:

— Кўтар бошингни!

Зиглер бошини кўтарди. У ғоз қотиб турса ҳам, саросимага тушганидан гавдаси чайқаларди.

— Зиглер, нега сен топшириқни бажаришдан бош тортдинг?

— Доктор Блау оймни операция қилиб ўлимдан сақлаб қолган эди.

— Зиглер, Блау — яҳудий-ку!

— Худди шундай, яҳудий, жаноби оберштурмфюрер.

— Зиглер, агар ҳозир хатойингни тузатиш учун юборсак, нима қилган бўлардинг?

— Нима қилсангиз қилинг, лекин Блауникига бормаيمان.

— Болалар, бошланг!

— Қатордан иккита жигарранг кўйлак кийган йигитча олдинга чиқди. Улардан бири ерга рюкзак ташлади-да, ундан арқон билан битта йиғма стул чиқарди. Кейин иккаласи ҳам эман дарахти томон чошиб кетишди. Дарахтга етиб боришгач, бири иккинчисининг елкасига чиқиб арқоннинг учини эманнинг бақувватроқ бир шохига боғлади, арқоннинг иккинчи учи эса сиртмоқ қилинган эди. Шундан кейин улардан бири сиртмоққа совун сурта бошлади, иккинчиси эса стулни ёзиб нақ сиртмоқнинг тагига қўйди. Василе бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У мана шу рюкзакни мактаб ҳовлисида неча марта талаб кўрган, лекин унинг ичида нима борлигини сўраш хаёлига келмаган эди. У пешанасидан чиқиб кетган совуқ терни артгиси келди-ю, артишга қўрқди. Шульц:

— Ханнер! — деб қичқирган эди, қатордан оддий камзул кийган бир йигитча чиқиб келди. У Зиглерни қўлидан ушлаб силтай-силтай эман дарахти томон судраб кетди.

— Чиқ стулга!

Зиглер буйруққа бүйсунди. У болалар қўлини орқасига боғлаб бўйнига сиртмоқ солгунча ўтган фурсатда Василега илтижо билан тикилиб турди. Ханнер Шульцнинг ишораси билан стулни тепиб юборди. Зиглер оғзини катта очиб, кўзларини лўқ қилганича арқонда осилиб қолди.

Василенинг тишлари такиллай бошлади. У Рудольфнинг панасига яширинмоқчи бўлган эди, Рудольф силтаб ташлади. У кўз олдида содир бўлаётган ҳодисани мутлақо кўргиси келмас эди. Шунинг учун кўзини юмиб олмоқчи эди, бунга ҳам журъат қила олмади. Юраги шундай тез урардики, худди қинидан отилиб чиқиб кетай дерди. Калласида эса ҳадеб: «Бу нима қилиқ?», «Бу нима қилиқ?», «Бу нима қилиқ?» — деган сўзлар бузук патефон пластинкасига ёзиб миясининг ўрнига солиб қўйгандек бир маромда қайтарилар эди.

Василе Зиглернинг танаси секин-аста чангак бўлаётганини кўрди.

Секундомерга қараб турган Шульц:

— Бўлди! — деб буйруқ берди. Шундан кейин арқонни пичоқ билан кесиб юборди.

Зиглернинг танаси қорга кулаб тушди. Ханнер дарров унинг бўйнидан сиртмоқни ечиб ташлаб, сунъий нафас олдириш машқини қила бошлади. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Зиглер ўзига келди-ю, жон аччиғида талвасаланиб қор чангаллай бошлади.

Йигитларнинг баъзилари кулиб қўйишди. Лекин бу кулгилар табиий бўлмай, зўраки эканлиги шундоққина сезилиб турарди. Шу пайт Василе ўзида беҳузурлик сеза бошлади. Орқага бир қадам ташлади-ю, дарахтга эгилганча тишларини шақирлатиб ҳадеб: «Қочишим керак эмас, асло... оғир бўлишим керак, ўзимни тутишим, кучли бўлишим керак», деяверди. У бу сўзларни фақат ўзини тутиш, дадил бўлиш учун қайтарарди. Лекин Василе қанча қайтармасин, оёқлари ўзига итоат этмай уни орқага қараб сандирақлатиб, икки букилтирганча олиб кетаверди. Василе худди сармаст одам қиёфасига кириб қолган, оёқлари қаёққа ташласа ўша ёққа энкайиб кетаверарди.

— Негоицэ! — Василе Рудольфнинг овозини эшитди. Бу овоз уни ҳушига келтирди. Энди у узоққа борган сари шунча тез югура бошлади. Василе орқасидан яна чақирганларини эшитди. Лекин у қочмаслигим керак, шундай қилмаслигим шарт. Зиглернинг йўриғи бошқа, у шунга лойиқ гуноҳ қилган-ку, деб ўзига-ўзи қанчалик далда бермасин, барибир тирақайлаб қочиб кета-

верди. Башарасига дарахт шохлари қарсиллаб урила бошлади, лекин у буларга эътибор бермасди. Василе ҳали ҳеч қачон захрини тотиб кўрмаган, орқасидан қувиб келаётгандай туюлаётган оғир жазонинг даҳшатидан ҳушини йўқотиб, дуч келган томонга қараб югуриб кетаверди.

18

Баҳор келди. Бир куни Иримие ишдан келиб эшикнинг орқасида турган белкурак билан чўкични олди-да, семафорнинг нарёғидаги далага чиқиб кетди. Одатда ишдан бўш вақтларида ҳамма темир йўл хизматчилари хандақ қазишга мажбур эдилар.

Негоицэ узоқдан Матейнинг қорасини кўриб, қадамини тезлатди. Одамлар орасида юрган узункулоқ гапларга қараганда, улар тепаликнинг устида алоқа йўллари ҳамда зенит тўплари учун чуқурликлар қазишаётган эди. Мана шу тепаликнинг устидан трубасти кулранг, кўкиш хол-хол қилиб бўялган самолётсозлик заводи, чангал симлар билан ўралган аэродром, самолёт турадиган уйлар ва чигирткага ўхшаб қанотини икки ёнига ёйиб олган самолётлар худди кафтдагидек кўриниб турарди. Негоицэ ўзини Матейни кўрмаганга солиб чўкични ерга санчди-да, кафтига бир туфлаб белкуракни қўлига олди.

Улар бирмунча вақт шу кўйи индамасдан ишлашди. Кейин олдиларидан хандақнинг қаердан ўтишини арқон билан белгилаб юрган резина заводининг икки ишчиси ва бир сержант ўтиб кетишди.

— Яқинда бу ерда немис офицерлари ҳам бор эди. Энди кетиб қолишди, — деди Матей ишдан бошини кўтармай.

— Бу ерга тўп олиб келишмоқчимиз, дейман.

— Олиб келганда қандоқ.

Матей белкуракни санчиб кўйди. Кейин энгашиб чўкич билан қазлай бошлаганда ер билан илдизи аралаш кўчиб чиққан дала чиннигулини қўлига олди. Унинг у ёқ-бу ёғига қаради-да, зовурнинг четидан қулайроқ жой танлаб, ўтқазиб кўйди.

— Экиб кўйдингми?

— Ҳар ҳолда қуриб қолгандан кўра...

— Кўкариб кетади деб ўйлайсанми?

— Натижасини янаги сафар келганимизда кўрамиз, — деди Матей.

Негоицэ тупроқ ирғитиб ташлар, кесакларни белкуракда майдалаб, чуқурликни жон-жаҳди билан текисларди.

— Иримие, худди ўз томорқангда ишлаётгандек жон куйди-расан-а.

— Томорқа ҳам гапми. Қани энди уларнинг ўзига мана шундай чуқур қазисам. Эсимда, қиш эди, кунларнинг бирида қишлоғимизда бир лўли ўлиб қолган, ковлай десанг ер тош билан уришади. Зўрға бир неча бўғин ковлаб ўликни кўмиб кетавердик. Баҳор келиб қорлар эриб кетгандан кейин қарасак, мурда ернинг юзида ётибди.

— Лўличасига ишлагансизлар-да, — деб юборди Матей.

— Совуқ ҳам худди музлатиб қўяман, дерди-да ўзиям.

— Лўличасига ишлагансизлар-да, — қайтарди Матей.

— Нега бундай дейсан. Кун жуда совуқ эди. Ер тошдай қотиб кетган. Мутлақо қазининг имконияти бўлмади.

Улар яна бирмунча вақт жим қолишди. Кўлида китобча кўтариб сержант келди.

— Матей, шу кунгача неча соат ишладинг?

— Олти соат.

— Демак, олти соат ишладим дегин? — сержант Негоицэга ўтирилди. — Сен-чи?

— Уч соат, жаноби сержант. Лекин мен ҳар ярим суткадан кейин темир йўлда ўн икки соат навбатчилик қиламан.

— Сигаретинг борми?

— Бор бўлганда қандоқ.

Сержант папирос тутатди, кейин офтобда қорайган серажин пешанасидан терларини артди.

— Маҳаллангизда дурустроқ қизлардан борми? Уйланмоқчиман.

— Билмайман, — деб жавоб берди Негоицэ.

— Ҳали бўйдоқмисан? — сўради Матей.

— Ҳа-да, уззукун у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа юборишгани-юборишган. Бирор жойда кўним йўқ, югур-югур. Ўзига тузук, кўнгилдагидек уй-жойли биронта қиз топилса яхши бўларди.

— Бу жуда оғир масала, — деди Матей.

— Ҳа, оғир масала, — қўшилди сержант, — оқсочлар, гул сотувчи, сут сотувчилар жонимга тегди. Булар бари—арзон моллар. Негоицэ, сигаретингдан яна борми?

— Худди шундай, жудаям бор-да.

— Шунақа, бориб резинкачилардан сўраб кўрай-чи, эҳтимол, улар биронтасини билар. Ахир менга ўзига тузук, кўнгилдагидек уй-жойли қиз керак-ку. Улар билишар.

Сержант Негоицэдан олган сигаретини қулоғига қистирган-ча улардан узоқлашди.

— Василе билан бошқа гаплашмадингми? — сўради Матей.

Негоицэ индамай ер қазийверди. У Матейни кўриши биланок, биринчи навбатда, ўғлига нималар деганини, Василенинг ўз айбини қандай бўйнига олганини гапириб беришни кўнглига тугиб қўйган эди, мутлақо ёдидан кўтарилиб кетибди. Гапирганда ҳам бамайлихотир, бетакаллуф гапирмоқчи эди. Энди бўлса вақт ўтгач, гапни нимадан бошлашни билмай қийнала бошлади.

— Негоицэ, сендан Василе хусусида сўраяпман.

Иримие траншеянинг четига ўтирди, бошидан шапкасини олди-да, унинг бош қисмидаги клеёнкадан қўйилган астарига ёпишган терларини рўмолчаси билан обдан артди. Кейин шапкани ёнига қўйиб, кейинги кунларда бошидан кечирган ҳамма воқеалар, умид боғлаган ва шубҳага тушган нарсалар — барибари ҳақида Матейга батафсил сўзлаб берди. Негоицэ гапини тугатган сари, унинг товуши ҳам пасайиб, овози ишончсиз чиқа бошлади. У гапираркан, гоҳо-гоҳо қовоғи солинган Матейнинг юзига қараб-қараб қўярди.

— Агар урушда енгилсак, хурсанд бўламан, деб нима қилардинг айтиб.

— Айтмай туrolмасдим-да.

— Иримие, бекор қилибсан.

— Матей, у менинг ўғлим-ку, ахир. Мен унга ишонишим керак. Ҳар нима бўлган тақдирда ҳам, гап менинг устимда боряпти-ку, нима қиларди.

— Яхши қилмабсан.

— У менинг болам, ахир. Мана, лицейнинг ёпилганига икки ҳафта бўлди, у ўшандан буён остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Фақат у-бу харид қилиб келади, холос. Бу нарсалар менга яхшиликдан далолат бўлиб туюляпти.

— Бизнинг давримизда, азизим, қондошликнинг унчалик ҳам аҳамияти йўқ. Гапимга ишонавер.

— Нималар деяпсан? У сотади, дейсанми... Йўқ, Матей. Мен уни ҳаммадан кўра яхшироқ биламан. Мана шу икки ҳафта мобайнида унинг мени тўғри тушунганлиги аниқ бўлди.

— Иримие, мен ҳеч қандай ёмон фикрга боргим келмайди. Байяшни биласанми? Икки марта иш ташлашда қатнашиб, миясида фақат бизнинг уйимизга ўхшаш пахса хужра эмас, балки ғиштли уй сотиб олиш фикри бўлган. Кўнгилдаги уйни ўттиз учинчи йилда сотиб олди. Сотиб олди-ю, ўзини бой берди. Агар

таъбир жоиз бўлса, дейиш мумкинки, у ўшандаёқ маънавий ўлган эди.

— Башараси курсин унинг.

— Байяшни-ку оппортунизм, муросачилик йўлдан урган бўлса, бошқа бировларни эса баъзан ҳаддан ташқари кўнгилчанлиги, ишонувчанлиги сафдан чиқаради. Эҳтимол, мен бир оз кўпол гапираётгандирман. Лекин мана шунақа кўполлигим менга ҳеч қачон панд берган эмас. Бировларга ишониб, унга ўзимни ташлаб юборишим эса кўп марта фириб берган.

Матей чўкични олиб яна ер юмшатишга тушди. У кўринишидан ҳеч нарса ўйламаётганга, хавотирга солган ҳамма фикрларини чўкичнинг салмоқлаб ҳар ерга тушганида сочиб юбораётганга ўхшарди. Унинг юзидан шовуллаб тер оқа бошлади. Икки марта чўкични оёғига уриб олай ҳам деди. У ишлай-ишлай охири ҳолдан тойди.

— Кўйсанг-чи, Матей, ундан бекорга хавотирга тушыяпсан.

— Иримие, нимадан хавотир оларканман? Хавотирга тушгим келмаяпти-ю, барибир кўнглим тинчимаяпти.

Қоронғи туша бошлади. Матей эккан гулнинг барглари сўлиб қолди. У худди қуриб қолганга ўхшарди.

19

«Кўркам кўча»нинг хўрозлари ярим кечаданоқ қичқира бошлади. Чор атрофга паровоздан чиққан тутун аралаш кулранг туман чўкди. Олча дарахтларининг барглари енгил титраб қўяр, вақт-вақти билан улардан шудринг томиб турарди.

Кўчадан тарақлаб арава ўтиб кетди. Саррин ел эсар, теварак-атрофдан эса кўкатларнинг, баҳор нафаси теккан ернинг ҳиди анқиб турарди. Темир йўл кўтармасининг нарёғида қўлида кимдир чироқни силкитиб секингина ҳуштак чалганча одимлаб кетяпти. Бу Негоицэ бўлиб, у стрелкаларни текшириш учун бораётган эди.

Негоицэ билан Байяшнинг ҳовлиларини бирлаштириб турувчи эшик секин ғийқиллади. Бу эшик уларнинг уйлари қурилган пайтдаёқ қўйилган бўлиб, ҳалигача уриб ташланмаган эди. Олчанинг остида кўланка пайдо бўлиб, у Негоицэнинг зинаси томон ўрмалаб кетди. Уйнинг эшиги овозсиз очилди. Байяш ботинкасини қўлига ушлаганча ичкарига ўзини урди, секин-аста емакхонага кириб, Василе ухлаб ётган каравотга бир назар ташлади. У Василенинг уйқуси қаттиқлигини, боши ёстиққа тек-

кандан кейин кўтариб кетса ҳам сезмаслигини биларди (бу гапни унга Элизанинг ўзи айтган). Байяш Василенинг хуррак отиб ётганини кўрганидан кейин, оёқ учуда ичкари хонага кириб кетди.

Элиза Виссарионни кўриши билан ўрнидан ирғиб туриб қўйлагини кийиб олди. Элиза Виссарионнинг келишини биларди. Чунки ўтган сафар яна шу вақтда келишини ваъдалашиб олишган эди. Шунинг учун Элиза мана бир неча соатдирки, кўзларига уйқу келмай, бедор ётарди.

Байяш тўсиқ деворнинг нарёғида кўтарилган энгил ғовур-ғувурга қулоқ тутиб, жинчиروқ ёруғида элас-элас кўринаётган Элизага савол назари билан қаради. Бир оздан кейин ғовур-ғувур тинди.

Виссарион энгилгина хўрсиниб каравотнинг четига ўтирди.

— Нега кийиниб олдинг? — у шундай деб Элизанинг кўйлак тугмаларини ечишга интилди.

Элиза қаршилиқ кўрсатиб, унинг қўлини олиб ташлади.

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима.

— Ҳалиги тўғрисида эринг билан гаплашдингми?

— Йўқ.

— Унда ўзим гаплашаман.

— Мен хоҳламасам-чи.

— Ахир айтаман деган эдинг-ку.

— Айтолмадим.

Виссарион Элизанинг сочларини силаб турди-ю, яна тугмага ёпишди. Элиза бу сафар уни итариб ташлади.

— Элиза, сенга нима бўлди? Биринчи марта кўряпсанми мени? Ё кўнглингга бир нима келдими?

— Ҳеч нарса келгани йўқ.

— Чакки қиласан... Меникига кўчиб ўтсанг ажойиб кунларни кўрамиз, уйим гиштли, кўчиб ўтишинг билан ҳовлининг ярмисини номингга ўтказдириб бераман.

— Виссарион, кет.

— Нима бўлди ўзи сенга?

Элиза индамади. Байяш чекмоқчи бўлган эди, ниманидир ўйлаб аҳдидан қайтди. У Элизага нима бўлганини тушунолмай гаранг эди. Байяш Элизанинг энтикаётганини сизди. Бу энтикиш унинг дилида Виссарион кучоқлашини қўмсаётгандек, шунга интилаётгандек кўринди. Аввалги сафар ҳам у худди мана шундай энтикиб нафас олган эди. Лекин у пайтда бағрида эрка-

ланиб энтиккан, энди-чи, ўзидан силтаб ташлаяпти. Эҳтимол, Виссарион беҳабар қолган бирон ҳодиса рўй бергандир. Лекин унинг Элизадан шундоқ осонгина кечиб қўя қолиши қийин эди. Виссарион бутун умидини унга боғлаган эди.

Байяш терлаб кетган бўйнини артиб ўрнидан турди. У Элизани синаш учун эшик томон одимлади. Элиза бўлса, қайтариш у ёқда турсин, унга қайрилиб ҳам қарамади. Байяш шахт билан бурилиб Элизани белидан маҳкам ушлади-ю, ўпа бошлади.

— Виссарион, кет ҳозир. Бўлмаса Иримисни чақираман.

— Чақириб бўпсан.

— Кет.

— Айёр! Сен ваъдалашган гапларимизни унутдингми, ё мугамбирлик қиляпсанми?

Аёл индамади. У ҳеч нимани унутмаган, орада нима гап ўтган бўлса, ҳаммаси жуда яхши эсида эди.

— Сен ўз Негоицэнгга ҳамма-ҳаммасини айтишинг керак. Биз турмуш қуришимиз лозим. Ўзинг ўйлаб кўр, у сенга қандай рўшнолик бера оларди? Сал бундоқ ақлингни йиғиштириб олсанг-чи. Уйим ғиштдан бўлса, тагин ярмини номингга ўтказдириб берсам. Бундан ортиқ яна нима керак? Шошма, бир нарса ни унутибман. Агар биз турмуш қурадиган бўлсак, ҳаётимиз ҳам бошқача кечади. Чунки, сен немиссан-ку, шойи кўйлақлар олиб бераман, бойвучча хотин бўлиб ўтирасан. Ёшлигимда ўзимдан ўтган, қатта хато қилганман. Лекин хатони тузатиш ҳам мумкин-ку. Ҳар ҳолда ҳали бизнинг биронта амалга минишга ишончимиз йўқолган эмас, қудратимиз келади. Кейин пошнаси баланд туфли олиб бераман, кечқурунлари ресторанларга борамизу маза қилиб ҳордиқ чиқарамиз.

— Бу нарсаларни мен ўйлаганим ҳам, хаёлимга келтирганим ҳам йўқ.

— Ўйлаш керак, ўйлайдиган вақт келди, немис аёлисан, немис аёли номига муносиб бўл. Бунинг ўзи бўлмайди.

Элиза деразанинг олдида борди. Байяш шоша-пиша фуфайкасини кийиб, эҳтиётлик билан эшикка яқинлашди.

— Энди қачон кўришамиз?

Элизадан жавоб ололмаслигига кўзи етган Байяш индамай хонадан чиқди. У ҳадеб зўрлайвериш, айниқса, ҳозир Элиза икки йўл ўртасида нима қилишини билмай боши қотиб турган пайтда уни гапга қистайвериш тўғри эмас, деган қарорга келган эди. Байяш шошилганидан Василе ётган каравот бўшаб қолганини ҳам фаҳмламади.

Шикаста, руҳи тушган Элиза жинчироққа тикилган кўйи тўшакка ўтириб қолди. Кейин, калласига бирон нарса келди шекилли, бориб секин-аста деразанинг қанотларини очди.

Тун бағрида Негоицэнинг чироғи тебраниб турибди. Бирмунча вақтдан кейин Иримие хуштак билан хиргойи қила бошлади. Бу — Элиза аҳён-аҳёнда эридан эшитиб қоладиган яккаю ягона кўшиқ эди. Кўшиқнинг куйи гамгин, ўзи эса анча равон. Негоицэ қачонлардир бир вақт кўшиқнинг куйини ўз хотирасида мана шундай оҳангда олиб қолган, энди қачон ашула айтгиси келиб қолса, шу кўшиқдан бошқа ҳамма кўшиқ ёдидан кўтарилиб кетгандек, фақат шунигина хуштакда чаларди.

Иримие билан Элизанинг турмуши бошиданоқ тузук бўлмади. Элиза Негоицэ нима сабабдан мархум хотинининг кийимларини кийишига рухсат бермаслигини ўйлаб ҳечам ўйига етолмасди. Ахир, у ўз опаси эди-ку. Бир куни Элиза бу кийимларнинг барини йиғиштирди-да, бозорга олиб бориб сотиб келди. Иримие бу қилган иши учун уни роса калтаклади. Шу сабаб бўлди-ю, уларнинг кўнгли бир-биридан совиб кетди, улар бир-бирига мутлақо бегона одамдек бўлиб қолишди. Эр-хотинни фақатгина бир бошпана бирлаштирар, улар номигагина бирга яшашарди. Шундан кейин Элиза Виссарион билан танишди. Унинг назарида Виссарион бор вужуди билан севадигандек, бошига бирон қора кун тушса, кўксини қалқон қилиб ҳимоя қиладигандек туюлди. Лекин Байяшнинг сўзлари оғизда, фақат гапгагина зўр берарди. Аслида эса жуда ҳам мижози бўш, кўрқоқ бир киши эди. Элиза буни билиб олгандан кейин Виссарионни севмаслигини, юрагида орзу қилган одами бу эмас эканлигини, унинг чанқоқ қалб кўрининг ташналигини босолмаслигини тушуниб етди. Мана энди, тунда уни нафақат уйдан, юрагидан ҳам қувиб чиқарди.

Элиза немислигидан фойдаланиб қолишни ҳеч қачон хаёлига келтирмаган, ҳатто Василенинг қайси бир куни баққоллик дўконида навбатда туришни хоҳламасанг немисча гапиргин, деган гапини эшитиб жуда ҳайрон ҳам қолган эди. Кейин Василе айтганча қилмоқчи ҳам бўлди. Бироқ дўконга борганидан кейин ўзига ўхшаган бечора хотинларнинг узундан-узоқ навбатда қийналиб, эзилиб туришганини кўрди-ю, қароридан айниди. У тўсатдан ўзгариб қолишни хоҳламади. Мана шу кўчада саккиз йилдан буён яшаб туриб, бирданига ўзини бошқача тутиб қолиши ўзига ғайритабиий туюлиб кетди. Виссарион Элизанинг эсига шундай нарсаларни солдики, у буларни етти ухлаб тушида

ҳам кўрмаган эди. Демак, буни шунинг учун севган экан-да. Элиза бошқалардан нимаси биландир ажралиб туришини ўзи билмас-ю, Виссарион уни фақат шу томони, яъни немис аёли бўлгани учунгина севган бўлса, демак, сира ҳам севмас экан. Элиза болалигиданоқ немисларнинг ичида яшашни ёқтирмас эди. У немисга турмушга чиқаман, деб ота-онасига берган ваъдасида ҳам турмади. Гўё келишгандек опаси ҳам худди шундай қилди. Элиза дастлаб оқсоч бўлиб хизмат қилди, кейин эса фабрикага ишга кирди. У бир йигит билан юрди-ю, ораларида фарзанд пайдо бўлиб қолди. Лекин номард йигит унга уйланишдан бош тортди... Шундан кейин Негоицэ билан топишди. Элиза Негоицэга ёлғиз боласини боқиш, ўстириш қийин бўлганлиги учунгина турмушга чиққан эди. Мана ҳозир Элиза оғир кунларда ўз бағрига олган киши хуштакда куйлаётган ғамгин кўшиқнинг оҳангига кулоқ тутиб турарди.

Иримие, дераза олдида турган Элизани кўрди-да, чироғини силкитди.

— Нега ухламаяпсан? Бундан бир соатлар муқаддам ҳовлимиздан кимдир чиқиб кетгандек бўлди.

— Ким ҳам чиқарди? Сенга шундай кўрингандир-да.

Негоицэ бир оз ўйлаб турди-да, кейин темир йўл кўтармаси орқали кўчани кесиб ўтиб, деразанинг тагига келди.

— Нега ухламаяпсан?

— Шундай, уйқум келмаяпти.

Иримие папирос чекди.

— Биласанми, Элиза, мен кўп нарсани ўйлаб кўрдим. Сен тўғрингдаям ўйладим. Сенинг юрагингга кириб чиқмоқчиман. Бироқ бунинг фойдаси бўлармикин? Элиза, мен барини биламан, шунинг учун сенга қайси йўлни танлашни ўзингга ташлайман. Хафа бўлади деб ўйлама, ҳечам хафа бўлмайман. Агар одам биров билан мажбуран яшар экан, буни ҳаёт деб бўлмайди. Будкамга нима учун борганингни энди тушундим! Сен мenden чикмоқчилигингни айтмоқчи бўлиб боргандинг. Лекин кўнглингдагини айтишга нимадир халақит қилди. Биласанми, мен ҳаммасини чамалаб кўрдим, шунинг учун йўлингга кўндаланг туриб бахтингни боғламоқчи эмасман. Уй бўлса ўз ихтиёрингда, сен болалар билан яшайверасан, мен эса кўрпа-тўшагимни кўтариб будкага кўчиб ўтаман. Менга ўша ер ҳам бўлаверади, куним ўтаверади. Лекин, аввало яхшилаб ўйлаб кўр, кейин ҳал қил. Шундай ҳал қилгинки, кейин пушаймон бўлиб юрма. Умуман, кўп тарафдан ўзим айбдорман...

Иримие жим бўлиб қолди. Бир оздан кейин темир йўл тарафга югуриб кетди. Унинг гаплари шундай табиий эшитилдики, агар овозидаги билинар-билинемас ҳаяжонни демаса, гўё у ўз турмуши ҳақида эмас, балки бировларнинг турмушлари ҳақида гапиргандай таассурот қолдирди. У яна ҳуштак чала бошлади, бу сафар унинг куйи янада ғамгинроқ, янада таъсирлироқ чиқарди.

Элиза ўзига-ўзи қатъий қилиб: «Иримие, ўйлаб кўраман, яхшилаб ўйлаб кўраман», деб қўйди. У эрининг орқасидан нимадир деб қичқирмоқчи бўлган эди, томоғига бир нима тикилиб, шахтидан қайтарди.

Элиза, агар Иримие мен қилганимдек бирон номусли иш қилиб қўядиган бўлса, виждонини сотса ўзимни қандай тутардим, нималар қилган бўлардим, дея ўзидан-ўзи сўрай бошлади. Йўқ, у бундай қилиб бақрайиб қараб ўтирмаган бўларди. У эрининг бутун кўч-кўронини кўчага улоқтириб ташлар, ўзини эса номини бадном қилиб, қўни-қўшнилар олдида итдай беобрў қилган бўларди. Бунга қараки, у ҳаммасини билибди, яна билиб туриб номусини ерга буккан хотинига индамайди. Оғир гапирмайди, бунинг ўрнига яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат беради. Йўқ, у Негоицэни ҳали билмас экан, билмаслик у ёқда турсин, билиш учун ҳаракат ҳам қилмас экан. Агар Негоицэ ўзининг бузуқликларини кўра-била туриб, уни шармандаларча уйдан ҳайдаб юбормабдими, демак, у ўзига бегона деб билмас экан. Элиза қоронғилик қаърида Иримиенинг чироқ ликиллатаётганини кузатиб турди. Бир оздан кейин Иримие будканинг орқасига ўтди-ю, чироқ ҳам кўздан йўқолди.

У ойнадан нари кетиб яна каравотга ўтирди. Элиза шу қўйи ўтириб тонг отганини сезмай қолди. Деразани ёпаман деб ойнага яқин борди-ю, кўчада турган Фридга кўзи тушди. Кейин Василени уйғотай деб емакхонага кириб каравотга қараса, Василе йўқ, унинг юраги шув этиб кетди.

20

«Сотқинлиги учун жазолаш» маросимидан кейин Василе «Дейчеюгенд»даги ўртоқларининг олдига бормай қўйди. Лицейнинг ёпилганига ҳам қарийб бир ойча бўлиб қолди. Шунинг учун мактаб атрофида кўринмаслигига баҳона топилди. У ўша куни менинг ўрмондан қочишимга ҳеч ким эътибор қилмаган бўлса керак, эътибор қилганларининг ҳам шунча вақтдан буён эсидан

чиқиб кетди, деб биларди. Василе ўша кундаги қочгани учун жуда хижолат бўлиб, куни билан шуни ўйлайвериш ич-этини еб юборди. У ўз иродасизлигини, ўзидаги ожизликни енга олиши мумкин ва бу шарт ҳам эди. Василе ўқитувчи Шульцнинг олдига бориб, мен Зиглерга ўхшаган қўрқоқ эмасман, деб кўнглидагини тушунтириб бермоқчи ҳам бўлган эди, бироқ нимадир уни тўхта-тиб қолди. У ўзи ҳақида болалар қандай фикрда эканликларини билмасди. Дам болаларнинг буни билмаганлиги, дам чумчуқ пир этса юраги шир этадиган қўрқоқ бир кимса сингари уйдан эшикка чиқмай ўтириб олгани — ҳамма-ҳаммаси унинг юрагини сиқиб, руҳан қийнади. Аввал кечқурунлари кўчани бир айланиб кела бошлади. Кейин отаси жигарранг кўйлак кийган аллақандай иккита нотаниш одам анови бурчақда эртадан-кечгача алланимани кутиб туришди, деганидан кейин, умуман уйдан эшикка чиқмай кўйди. Бир куни Фрид келиб қолди-ю, бугун Василени қандай қилиб бўлса ҳам кўриб кетиш истагини айтиб туриб олди. Элиза эшикни очиб, уни уйга таклиф қилди. Бахтни қарангки, худди шу куни Василе грипп билан оғриган, иситмаси чиқиб ётарди. Фрид кириб келганида у тўшақда бошини сирка билан компресс қилиб боғлаб олганди. Фрид Василенинг ҳақиқатан касал-соғлигини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилиш учун кўлтиғига термометр суқиб, иссиғини ўлчаб кўрди. Бу шубҳа қанчалик ҳақоратли бўлмасин, лекин Василега оғир ботмади, чунки унинг ўртоқлари гапга осонгина ишониб қўя қолишмас, уларни алдаш ҳам жуда қийин эди. Фриднинг ўрнида мен бўлганимда ҳам худди шундай қилган бўлардим, деб ўзига-ўзи тасалли берди у. Фрид кетаётиб, ўқитувчи Шульц Василега нима бўлди, қандай юрибди, деб ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юборди, — деди. Кейин у Зиглер ҳақида ҳам гапириб берди. Зиглер «сотқинлиги учун жазоланиш» воқеасини сир тутолмай ҳаммаёққа овоза қилиб юборибди. Шундан кейин бирмунча вақт шаҳарда ҳеч кимнинг кўзига кўринмай юрибди. Энди эса, самолётсозлик заводига ишчи бўлиб кирганмиш. Василе ўша кундан буён ҳар бир дақиқа назорат остида юрганини сезарди. Шунинг учун баъзан ҳафталаб уйдан кўчага чиқмади. Лекин ҳадеб уйда ётавериш жонига тегишини, айниқса, Виссарион уйга ўгринча кириб чиққанидан кейин бу уй кўзига ҳаром кўриниб қолган, шу сабабли бундай диққинафасликка узоқ вақт бардош бера олмаслигини жуда яхши биларди. У қалбида тагин отасининг кўнгилчанлиги, инсонлик шаънига номуносиб хатти-ҳаракатларига; атрофини ўраб олган бутун ифлосликларга, жирканч воқеаларга нисбатан чексиз ғазаб алангаларини

туйди. У яна ўз шерикларининг ҳаётлари, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари хусусида узил-кесил бир хулосага келмаган бўлса ҳам ўз уйидаги ҳаётни ўшаларнинг ҳаёти билан солиштира бошлади, солиштирди-ю, ўз одамлари, жигаргўшаларининг турмушлари, ҳаётда ўзини тутишлари ўзига мутлақо ёқмади. Шундан кейин у Зиглернинг қочоқлигини эшитиши биланоқ Шульцга йўлиқмагани, уни қораламагани учун пушаймон еди. Шульц албатта уни тўғри тушунган бўларди. Ахир, у Василега ҳар қачон ҳам эътибор қилар, ҳатто бошқаларга қараганда анча илтифотли, ғамхўр эди-ку.

— Силе, болагинам, нега мени ойи деб атамайсан? — у Элизанинг овозини эшитди.

Элиза саволини биринчи марта бермаётган бўлса ҳам, бу савол Василени ҳеч қачон ҳозиргидек ғашини келтирмаган, жаҳлини чиқармаган эди.

— Биринчидан, сен мени «болагинам» деб чақирмагин, иккинчидан, сени она деб атамасам ҳам ўзимни ҳаром-ҳариш нарсадан тозалаб юра оламан. — Василе Элизани қайириб ташладида, жирканиб ҳовлига чиқиб кетди.

Василе ҳовлининг у бошидан-бу бошига бир неча марта бориб келди. Бундай маъносиз бориб-келишлар унга таскин бериш ўрнига баттар асабини бузди. У ҳозир чуқурлигини бўйламай анҳорга шўнғигану, энди эса ақлсизларча қилиб қўйган ҳаракати натижасида қирғоққа чиқолмай, нафаси қайтаётган бир одам ҳолига тушиб қолган эди. Тасодифан орқа чўнтагига қўл тикиб, аллақандай қоғозни ушлаб олди. Бундоқ қараса, бу тамоман эсидан чиқиб кетган минг лей пул экан. Пулни кўрди-ю, худди ўша куни рингда бўлганидек, ўзида мутлақо уят-номус ҳиссини туймади. Аксинча, пулни топиб олганидан ўзида йўқ суюниб кетди. Кейин ҳовлидан чиқди-ю, отасининг кўзига ташланмасликка ҳаракат қилганча муюлишдаги қовоқхонага қараб йўл олди. Василе юз грамм коньяк ичганидан кейин ўз аслига қайтди. Коньяк таъсирини ўтказа бошлади. Василе кайф аралаш яна кўрқоқ бўлиб қолганлиги, жасурликдан йироқлашганлиги учун ўзини ўзи койий бошлади. У грипп бўлиб ётганда Фридининг кўргани келиб, «Бизни алдашинг яхши эмас», деганини эслади. Унинг бу гапи шундай оҳангда айтилган эдики, Василе ундан фақатгина бизни алдашга журъат қилишингга ишонмай-миз, деган маънони уққан эди. Бу Василени яна қувонтирди. У ташқаридан юзини ҳеч ким кўролмасин учун, стулни эшикка тескари қўйиб ўтириб олди. Кейин қуюқ сарғиш коньяк қуйилган графинга кўзини тикиб хаёл суриб кетди.

Василе бир маҳал кўчага қараб қовоқхонанинг ёнидан ўтиб кетаётган Байяшни кўрди, официантни чақириб ҳисоб-китобни қилди-да, қолган коньякни бир кўтаришда ичиб, ташқарига чиқди. Виссарион темир йўлни кесиб ўтди. Василе ҳозир Виссарионга етиб оламану, у хоҳлайдими-йўқми — барибир бир нимадан гап чиқариб суҳбатга тортаман, деб ўйлади. Шундай деб ўйлади-ю, ўз фикридан ўзи маза қилгандай, жилмайиб қўйди. Доим дазмолланган кўйлак, ялтираб турадиган туфли кийиб юрадиган мана бу одамнинг юрагига қўл солиб, унда нима сирлар борлигини билиб олиш керак. Аслида ўгай онасининг кимни ўйнаш тутиши Василега барибир эдику-я, лекин отасининг номуси букилаётгани унинг жаҳлини чиқарарди. Виссарион бориб девор тагида ётган ғўлага ўтирди-ю, Василе олдидан ўтиб кетаётганда тўсатдан оёғини чалмоқчи бўлди.

— Шошяпсанми?

— Йўқ, ҳечам шошмаяпман.

Виссарион Василега ёнидан жой бўшатиб нари сурилди.

— Василе, хафагарчиликдан бошинг чиқмай, соқол-мўйловинг ҳам ўсиб кетибди-ку, қирасанми?

— Йўқ.

— Бекор қиласан, қириш керак. Соқол-мўйловингни қирсанг қалин ва тиканак бўлиб ўсиб чиқади. Қизлардан бўса олганинда бу уларга жуда хуш ёқади-да. Сигаретанг борми?

Василе йўқ дегандай бошини қимирлатган эди, Байяш ўзининг арзон сигаретасини чиқарди.

— Василе, хотин билан ётганмисан?

— Нима ишинг бор?

— Ётмагансан, ётган бўлганинда соқол-мўйловинг аллақачон чиққан, сен эса қирган бўлардинг.

Байяш Василега тикилиб туриб, унинг кўзлари жаҳдан қисилиб кетаётганини сизди. Кейин, қани энди худди мана шундай ўжар, қайсар, лекин бақувват ўғлинг бўлса, деб орзу қилиб қўйди. Чунки ўжар одамлар ҳеч қачон бировларга қуллуқ қилмайди, ўзгаларнинг ўз устидан ҳукмронлик қилишларига йўл қўймайди. Шундай бўлгач, ҳаётда осонгина йўллари топиб кетишади.

— Ҳали ҳам кулранг кўйлаклиларнинг кетидан эргашиб юрибсанми?

Василе, агар Виссарион ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида савол ташлайверса, ўзи жавоб бераверса, кўнглидаги иш чиқмаслигига кўзи етди. Шунинг учун саволига савол билан жавоб қайтарди.

— Нега сени темир йўлдан думингни тугишди?

— Бу чалкаш масала.

— Чалкаш?

— Қачонлардир бир вақтлар, ўттиз учинчи йилда бўлса керак, иш ташлашда иштирок этган эдим. Умуман, тишинг ўтмай-диган нарсага бурнингни тикма, қисиб қолади.

— Менинг бурнимни-ку, қисмайди-я!

Байяш ялтираб турган ботинкасига ёпишган чанглари артиди, шимининг почасини қоқди.

— Тўрт ойдан буён ишламаётган бўлсанг керак, — гапга солди Василе.

— Ҳа, тўрт ой бўлди.

— Унда мана бунақа янги шиму, янги ботинкаларни қаердан оляпсан?

Байяшнинг кўзлари олайиб кетди. У лабларини қимтиб Василега нафратланиб қаради. Афтидан, сўкиб юбормоқчи бўлди-ю, яна нималарнидир истиҳола қилиб, ўзини тутиб олди.

Василе бўлса баттар аччиқланиб, Виссарионнинг жиғига тегаверди.

— Энди иш ташлашларга бошчилик қилмайсан, энди янги шим билан ботинка сотиб оладиган бўлиб қолдинг, ботинканга эса гард юқтирмайсан, кафтинг билан артиб юрасан, ҳа, ҳа, кафтинг билан. Менга қара, мана шу ботинкангнинг учгинасига битта тупурсам розимисан? Бу тупугим аъло нав мойнинг ўзгинаси-да.

— Йўқ.

— Афсус, сўлагимнинг куёшда қандай ялтираб қуришини кўрсанг, ўзинг ҳам қойил қолардинг.

— Василе, ўтакетган сурбет экансан. Ҳушёр бўл, шундай сурбетлигинг учун тагин жиғингни эзиб қўйишмасин.

Байяшнинг асаби бузилаётганини кўрган Василе кулиб қўйди. Кейин мағрурона кулишини яшириш учун тескари қараб ўт юла бошлади.

— Олтмиш килограммлик муштни соғинган башаранинг мушт тушганидан кейинги ҳолатини тасаввур қила оласанми? Қараб-санки, башаранг дабдала-да. Мўйловлар ҳам лабнинг устида эмас, сал нарироқда — ичкарида ўса бошлайди. Эҳтиёт бўл, зарбим зўр.

— Ўжарлигинг устига уришқоқ ҳам экансан.

— Рост, ўжарлигим бор, лекин уришқоқ эмасман, аммо керак бўлиб қолганда ҳаққимни кетказмайман.

— Чекмайсанми? — сўради Байяш.

— Йўқ.

— Агтанг. Сенга ўхшаш йигитларнинг лабида сигарета дик-кайиб турса, жуда ярашади-да.

Байяш ялтироқ ботинкасини бемалол кўриб ўтириш учун шимини юқори тортди-да, оёқларини кериб узатди.

— Биласанми, мен баъзан одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлолмаганимга афсусланиб қўяман. Илгарилари жуда яхши суҳбатлашиб ўтирган пайтларим ҳам бўлган, ўшанда мен ўзимни ёлғиз ҳис қилмасдим.

— Хотининг ўлганига анча бўлганми?

— Олти йил.

— Ёлғизлик оғир, — тўнғиллади Василе.

— Сен мени кўйгин-да, ўз ёр-биродарларинг ҳақида қайғуравер. Уларнинг олдига борма кўйганинг жуда ёмон бўлди-да. Вақтни қўлдан бой берма, вақтинг кетди — нақдинг кетди, деганлар. Немисларнинг шундай бир хислати бор: гуноҳ қилиб кўйган одамни ҳечам кечиришмайди. Тўғри, агар онанг немис бўлмаганда сени мутлақо ёнларига йўлатмаган бўлардилар. Лекин шуни билиб кўйгинки, улар билан боғланган экансан, энди бу ёғига алоқани узсанг сени ўз ҳолингга ташлаб қўйишмайди. Уларни ҳар ҳолда яхшилаб билиб олган бўлсанг керак. Немислар ўзлари ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқалишини, гап-сўз кўпайишини сираям ёқтиришмайди.

— Нега сени фронтга олишмади? — Василе савол билан унинг сўзини бўлди.

— Темир йўлда ишлаганимда маҳаллий сафарбарлар сафида ҳисобланардим.

— Энди-чи?

— Ҳали ҳам шундай.

— Агар сен ишдан ҳайдашганларидан кейин ҳам маҳаллий сафарбарлар сафида бўлсанг, унда сени ким сафарбар қилган бўлса, ҳозир ҳам ўшалар билан бирга экансан-да. Бу, демак, сен қаердадир ишлайсан, деган сўз.

— Қайсарликка қайсарсану, лекин аҳмоқ қайсарлардан эмасан.

Байяш лабини тишлаб қолди. Агар шу тобда Василе сир олишда озгина бўлса ҳам тажрибага эга бўлгандами, уни олиб бориб бурчакка тиқиб кўйган бўларди. Байяш қаерда ишлашини ўлиб-тирилиб яширар, бировларнинг билиб қолишини мутлақо хоҳламасди. Шунинг учун ўз дарди ичида, пешанасидан оққан тер-

ни артди-ю, девордан елкасини узди. Елкасидан чиққан терга кўйлаги ҳўл бўлиб кетган эди. Ҳа... немислар жуда саводини чиқариб кўйишибди уни. Уни қаранг, ўзи савол беради-ю, биров ўзига савол ташласа, оғзига талқон солгандай миқ этмай жим ўтираверади. Виссарион ёнида ўтирган йигитчадан нафратланаётганини сеза бошлади. Ҳозир Василе туриб кетганда-ку жуда жони кирарди-я, лекин у аксига олгандай без бўлиб ўтираверди. Виссарионнинг ўзи кет деб айтишга юраги бетламади.

Василе Виссарионнинг тер босган башарасидаги жиддийликнинг қатъиятсизлик билан алмашганини илғаб олди ва буни нима учундир ўзидан кўрқаётганига йўйди.

— Энди сенинг одамларга гапирадиган гапинг қолмади, — бадхоҳлик билан давом қилди Василе. — Кўрқоқлик қон-қонингга сингиб кетган. Бир вақтлар ҳар ҳолда номингни тилга олса бўларди, эндиликда эса ҳамманинг назаридан қолдинг, икки пулга қиммат одамсан.

— Ҳозир ҳам одамларга нимадир дея олишим мумкину...

— Фақат қулоқ соладиган киши йўқ. — Василе кўллари билан сочларини силади. У сочларини силаркан, унинг калта енги остидан забардаст мускуллари ўйноқлаб турарди. Кейин кескин бурилди-да: — Менинг отам коммунистми? — деб сўради.

— Ўша пайтларда коммунистларга хайрихоҳ эди. Буни аниқ биламан. Ҳозир эса тирик мурда, холос.

— Агар у коммунистларга хайрихоҳ бўлса, нега бориб сотмаяпсан?

Байяшнинг пастки жағи осилиб қолди.

— Мен бунақа ишлар билан шуғулланмайман.

— Немис ботинкаларини ким берди сенга?

— Сотиб олдим.

— Немис ботинкалари сотилмайди, берилади. Лекин ҳаммага ҳам беришавермайди.

— Василе, мени бекорга айбсентяпсан. Немислар билан менинг ҳеч қандай борди-келдим йўқ.

— Иш ташлашлар ҳақида гапирганингда, сени жуда синчиклаб кузатиб турдим. Сен бир вақтлар ҳақиқатан ҳам номингни тилга олса арзигули одам бўлгансан. Ўшанда сен, ҳозир бир вақтлар ёшлик қилганмиз, «гуноҳ» қилиб кўйганмиз, деб қоралаётганинг — ўша иш ташлашларда кўрсатган фаолиятингни, қилган ишларингни дoston қилиб гапириб беришдан уялмасдинг. Гапирганда ҳам шундай сўзамоллик, ширинсуханлик билан сўзлаб берардинги, тўғриси айтсам, гапларинг жудаям ишонч-

ли чиқарди. Мен, ҳатто ўша пайтларда қандай одам бўлганингни кўргим келиб кетарди. Чунки шундай гапирардинги, тингловчида худди буюк бир одамга ўхшаш таассурот қолдирардинг. Ҳозир эса мутлақо бошқача, бевурд бўлиб қолгансан. Баъзан олдинда турсам сендан мурданинг ҳиди келаётганга ўхшайди. Нима сабабдан шу аҳволга тушиб қолганингни билмайман. Ҳатто ҳозир қаерда ишлашингни ҳам айтишга ҳайиқасан. Бу сен бирон махфий ишда ишлайсан, деган гап-да, бўлмаса нима.

Виссарион ўз газабини босиш учун Василега қараб:

— Сен уришқоқ, ўжарсан, — деб қўйди яна.

— Сен қаерда ишлашингни айтишдан кўрқасан, билдингми!

Виссарион оғзига тушиб қолган тамакини туфлаб ташлади.

— Сен ҳали гўдаксан, Василе, ҳаёт қаддингни букиб кўяди. Ҳозирги ёшингда кучингни ҳеч қаерга сиғдиролмайсан, кўзингга баҳодирга ўхшаб кўриниб кетаверасан. Агар сен ҳам менинг ёшимга етган, ҳаётда менчалик кўргиликларни бошингдан кечирганингда, бошқача бўларди-я. Ўзингни катта одам қилиб кўрсатмоқчи бўласану, бурнингдан мишифинг оқиб турибди. Менга қолса, сенга фақат сукут сақлашни, ҳеч кимга индамасликни маслаҳат берардим. Ахир сен ўз оғайнилариңга онангу, Элизанинг шарофати билан илашиб қолдинг-ку. Ахир, шулар эмасми сенга немис тилини ўргатган. Сенинг кариллаб юришинг шуларнинг орқасидан, ўзинг бўлсанг ҳеч нимага арзимайсан.

— Агар ўзим ҳеч нарсага арзимасам, нега менадан кўрқасан? — сўради Василе.

— Нега кўрқарканман, ҳечам кўрқмайман-да, — жавоб берди Байяш.

— Кимни алдамоқчисан? Кўрқаётганингни кўзларингдан кўриб турибман. Илигинг қалтираяпти. Бундан ташқари, мана шу гапларни қулоғингга қуйиб ол: Элизанинг атрофида пашшаҳўрда бўлма. Мен сенинг у билан юришингни биламан. Бундан бир неча кун муқаддам тунда ўғриларча кириб келганингни ўз кўзим билан кўрдим. Мен бу гапни Элизанинг ёнини олиб гапираётганим йўқ, уни отам севади. Ахир сен уни севмайсан-ку, фақат вақтичоғлик қиласан, ўзингни овутасан, холос. Бир вақтлар бир оз одам бўлиб, кейин элнинг назаридан қолган, одамгарчиликдан чиққан бир кимса ҳеч қачон бировни севолмайди.

Байяш жони чиқиб кетганидан Василени сочларидан чангаллаб тортиб, ўрнидан тургазди.

— Пачоқлаб ташлардимү, ҳали она сути оғзидан кетмаган боласан-да.

— Болалигим учун эмас, аксинча, қўрқоқлигинг учун шундай қила олмайсан.

— Зўрман сендан.

— Зўрликка-ку зўрсан-а, лекин қўрқоқсан, — Василе шундай деб Байяшнинг қўлидан юлқиниб чиқди. Кейин худди Виссарионнинг ялтираб турган ботинкасининг қоқ устига тишлари орасидан «чирт» эткизиб тупурди-ю, қўлларини чўнтагига тикқанча кўчанинг юқори қисмига қараб одимлаб кетди.

21

Кечга томон Элиза қўлида бир нечта мих билан уйдан чиқди. Бир нимани қидиргандай тахта омборхонага кирди-да, унинг ҳамма бурчакларини титкилаб излаган нарсасини тополмади. Бутун ҳовлини айланиб олчанинг тагида турган каттагина бир тошни кўриб қолди-ю, дарров қўлига олди. Кейин Виссарион билан ўз ҳовлисини ажратиб турадиган тахта девордан қўйилган эшикчанинг олдига бориб уни итарди. Эшикча ғийқилламай секин очилди. Ҳалқалар янги мойланган эди. Шундан кейин Элиза эшикнинг устидан тахта тўғрилаб қўйди-да, уни тиззалари билан босиб туриб мих қоқа бошлади. Мих қоқаётганда тош бир неча марта сирғаниб бармоқларига урилиб кетди. Бироқ Элиза оғриққа ҳам эътибор бермай, шиддат билан тахтага бирин-кетин мих қоқаверди.

Тарақа-туруқ Виссарионнинг эътиборини тортди.

— Элиза, нима қилипсан? Ақлдан оздингми ўзи?

Элиза индамади. Виссарион тахталарни олиб ташламоқчи бўлиб, эшикни елкаси билан итарди. Лекин михлар суғурилмади.

— Ҳа, Элиза!

— Нима дейсан, Виссарион?

— Эсингни еб қўйдингми?

— Виссарион, эҳтимол шундай тургани яхшироқдир. Сенинг ўз уй-жойинг, менинг ҳам ўз уй-жойим бор.

— Қўйсанг-чи бунақа бемаза гапларни! Эшикни беркитма. Эшикни беркитиб қўйсанг, нима, девордан ошиб туша олмайманми?

— Халақит берма, Виссарион. Қўлимдаги тош билан каллангга бир тушираман, кейин биласан.

— Қани, тушириб кўр-чи... Ҳақиқатда эсингни еб қўйибсан, ким билади тагин, каллангга нима келганини. Майли, беркитсанг беркитавер, девордан бошқа жой очиб оламан.

Элиза парво қилмай бошқа миҳни қоқа бошлади.

Икки орадаги баҳс Негоицэнинг қулоғига чалинди, у нима бўлаётганига тушунолмади қулоқ солиб тураверди.

— Майли-ку, лекин ҳали афсусланасан ўзинг.

— Виссарион, эҳтимол афсусланарман ҳам, лекин мени ҳозирча ўз ҳолимга қўй.

— Ундай бўлса, нега ўз ихтиёрингга қарши иш қилипсан?

Негоицэ ҳовлига кириб, Элизанинг кўлидан қон чиқаётганини кўрди. Кейин деворнинг нарёғида турган Виссарионни кўрди-ю, уни икки ёқасидан тутамлаб ўзига тортди.

— Байяш, сенга бир нарса демоқчиман, эшитиб ол, агар Элиза шуни хоҳлаган бўлса, уни ўз ҳолига қўй. Ҳаммасини ўзи ҳал қилади.

— Иримие... — гўлдиради Виссарион.

— Шу пайтгача ораларингга тушганим йўқ. Муҳаббат... бу шундай нарсаки, уни ҳеч ким ўзига туфлаб ёпиштириб ололмайди. Агар Элиза шундай қарорга келган экан, йўлида тўғаноқ бўлма, йўқса, бошингни чопиб ташлайман.

Негоицэ Виссарионни қўйиб юборди. Виссарион жаҳли чиққанидан нима қиларини билмай сўкина-сўкина ёқасини тузатиб уйига қараб кетди.

— Элиза, кел, қўлингни боғлаб қўяй. Менга айтганингда-ку, ўзим беркитиб ташлаган бўлардим.

Негоицэ Элизанинг қўлини рўмолча билан яхшилаб боғлаб қўйди. Кейин гўё ҳеч нарса бўлмагандай йўлга чиқиб кетди.

Элиза яна бориб бошқа ҳечам очилмасин деб тош билан эшикнинг лўкидонини ураётган эди, Виссарион пайдо бўлди.

— Элиза, мен унингни дабдала қилиб ташлашим мумкин...

— Қилолмайсан.

— Енголмайди деб ўйлайсанми?

— Енгишинг мумкин, кучинг бор. Лекин бунга журъат қилолмайсан. Чунки, сен ниманиям ҳимоя қилардинг, унинг эса ҳимоя қиладиган кишиси бор.

— Гап бундоқ дегин! Қара, ақлли бўлиб қопсан-а.

Элиза унинг гапларига парво қилмай тошни ташлаб уйга кириб кетди. Идиш-товоқни қайта ювди. Ертўладан катта тоғорани олиб чиқиб ўзи ҳам ювиниб олди. Кейин сочларини тараб, бошига турмаклади-да, рўмолини илди. У Иримиенинг олдига бор-

моқчи бўлган эди, уялди, бормай каравотга ўтирди. Кейин бирдан ёдига Ионуц тушди-ю, деразага бориб кўчадан бўғиқ овоз билан ўғлини чақирди.

— Ионуц!

— Нима дейсиз, ойижон! — Сув оладиган колонка атрофида ўйнаб юрган боланинг овози келди.

— Ке, овқатингни е.

— Егим келмаяпти.

— Ке деганда, дарров ке!

— Ойижон, яна ўйнагим келяпти.

— Майли, ўйнай қол, лекин кўп юрма, — розилик билдирди Элиза.

Ионуц онасининг одатдагидек жекирмаганини кўриб ажабланди-ю, кейин яна ўйинга овора бўлиб кетди.

Элиза каравотга ўтирди. Каравотдан уйнинг тўридаги Негоицэ билан бирга тушган сураг яхши кўриниб турарди. Бориб сурагга ёпишган чанглари фартуғи билан артди. Кейин дам сурагига, дам кўзгуга қарай бошлади. Унчалик ўзгариш йўқ. Бироқ сурагга ўнг тўпиғидаги шишгина кўринмас. Негоицэ ҳам унчалик ўзгармаган, фақат сочлари оқарган эди, холос.

Кўчага қоронғи чўкди. Элиза шол рўмолини бошига ташлаб дарвозадан чиқди.

Осмон тўла юлдузлар жимирларди.

Элиза чор атрофга кўз югуртирди. Ҳув анави ерда, семафор олдида Негоицэнинг чироғи силкинарди.

Негоицэ дарвоза олдида турган Элизани пайқаб, ҳуштак чалишдан тўхтади-да, унинг олдида келди.

— Элиза, нима гап?

— Ҳеч нима. Ўзим шундай, сени қаердалигингни кўргани чикувдим.

— Жуда хурсандман. — Негоицэ фуфайкасини ечиб, Элизанинг елкасига ёпди.

— Ўзинг совуқ ейсан-ку.

— Зарари йўқ.

— Иримие, семафор тарафга келганинда, доим ўрта йўлдан юрасан... нега бу йўл ҳаммасидан ҳам ялтироқ, а?

— Поездлар кўп ўтади, одамлар ҳам.

Негоицэ изга ўтирди, Элиза ҳам унинг унсиз такаллуфини тушуниб ёнига чўкди. Негоицэ шу дақиқада хотинининг бутун ички қалб кўрини, қалб кўри бўлганда ҳам замирига чексиз меҳрибончилик яширинган, табиий, жонга туташ бир иссиқ

қалб кўрини юрагидан туйди. У гурбатли йиллар силсиласида бундай туйғудан йироқлашаётган, уни деярли унутаёзган эди.

— Сенинг олдингда кўп жиҳатдан мен айбдорман...

— Кўй Иримие, бундай дема.

Негоицэ чироқнинг пилигини кўтарди. Бир зумда ҳаммаёқни ёғ ҳиди тутиб кетди.

— Бундан икки йил муқаддам вагоннинг зинаси мени уриб юборгани, сал бўлмаса поезднинг тагида қолиб кетай деганим эсингдами?

— Эсимда.

— Ана ўшандан кейингина сенинг қаршингда катта айбдор эканлигимни ҳис қилган эдим. Лекин Элиза, ўзинг танла. Агар мен билан туролмайдиган бўлсанг, нима хоҳласанг, шуни қил, ихтиёр ўзингда.

— Мен танладим, Иримие, танладим.

Негоицэ Элизани фуфайкаси билан маҳкамроқ ўраб кўйди.

— Ўша поезд тагига тушмай омон қолган кунимдан бошлаб сен кўзимга янада яхшироқ, янада чиройлироқ кўрина бошладинг. Ана шундан кейин мен ҳаётга тамоман бошқача назар билан қарай бошладим. Ахир, мен сени севардим, жудаям севардим, лекин қанчалик севмай, севгимни сенга ошкор қилишга уялардим.

— Иримие, бу ҳақда гапирма...

— Хўп, бошқа гапирмайман.

— Бир одам билан умрингни ўтказяпсану, лекин уни бутунлай билмайсан. Сен мен билан ҳеч қачон мана шунақа гаплашмаган эдинг. Ҳеч ким менга бирон марта сен гўзалсан демади... Мен одам дунёда бир марта умр кўради, деб биламан. Бир марта умр кўради-ю, яна шу умрида сон-саноксиз бахтсиз кунларга дучор бўлади. Агар бунинг ўрнига шодлик кунлари кўп бўлса қандай соз бўларди. Ҳамма бахтсизликларимизга нима сабаб, ким айбдорикин, билмайман. Агар билганимдами...

Улар ўринларидан туришди. Элиза Иримиени қўлтиқлаб олди. Негоицэнинг тирсақлари Элизанинг қафт ҳароратини сизди. Кейин у кўлидаги чироқни илгагидан кўкрак чўнтагига илдида, секин-аста Элизанинг қўлларини силади. Улар унсиз боришарди. Фақат қўлларнинг бир-бирини сиқиб боришидагина йиллар бўйи улар юрагида қатланиб ётган дард-алам ҳамда қувонч онлари ўз ифодасини топиб турарди. Шу пайтгача улар иложи борича бир-биридан ўзини олиб қочишди. Иримие биринчи хотинининг ва Василенинг юзини қилиб ҳар хил мулоҳазаларга бор-

ган бўлса, Элизанинг ҳам ўзига яраша истиҳола қиладиган нарсалари бор эди. Улар ҳаётнинг кўп синовларига дучор бўлишди. Кўп тўсиқ, ғовларга учрашди. Лекин ҳозир шпал, излар устидан баъзан қоқилиб-суриниб бўлса ҳам ўтиб кетишаётган бўлса, ҳаётнинг ўша силтовлари, тўсиқ-ғовларидан ҳам худди шундай ўтиб кетишган эди.

22

Павел каптарларнинг симтўр каптархонадан бирин-кетин учиб чиқишини томоша қилиб, деворга суяниб турарди. У ҳали ҳам бундан бир неча кун илгари содир бўлган Зиглер воқеаси билан калласига ўрнашиб қолган ҳар хил ўйлардан халос бўлишга интиларди. Бу хаёлларни миясидан қанчалик қувмасин, ўша тонгда Зиглернинг кўкрагига суқилган ханжар сопини кўриб тушган ҳолати, кечирган кечирмалари хотирасига шунча ёрқин келарди. Хотиралар эсга тушган сайин боши ёрилиб кетаётганга ўхшарди. У Зиглер билан яқинда танишган бўлиб, уни ҳали жуда яхшиям билмасди. Павел Зиглер ўзига шу қадар душман орттирадиган даражада бирон ёмонлик қила олишини ўйлаб тасаввурига сиғдиролмади. Улар иккаласи бир цехда ишлашарди. Ўша куни иккинчи смена тугагач, Зиглер Павелга худди елимдай ёпишиб олди, кейин кузатиб қўйишни илтимос қила бошлади. Анча ергача бирга боришгандан кейин хайрлашишди. Зиглер уйимизга келиб қолдик, мана шу ерда, бу ёғига ўзим кетавераман, деганидан кейин Павел ҳам индамай қўя қолди. Улар муюлишда ажралишган эди. Эрталаб Павел Зиглернинг ўлдирилганлиги ҳақида хабарни эшитди. Уни ким ўлдирди? Нега ўлдирди? Нима учун ўлдирди? Бир томондан, мана шу саволларга жавоб тополмай қийналса, иккинчи томондан, нега уни уйигача кузатиб қўймадим-а, деб виждонан азобланарди. Лекин йўл бўйи Зиглернинг хаёлига нима келганини у қаердан билсин? Энди бу ёғи барибир. Бутун бошли бир инсон ўлиб кетди, у бўлса мана шу қотилликнинг деярли шоҳиди бўлди, холос. Энди фақат Павелнинг қалбида доғу, юрагида қаёққа йўналтиришни билмаган ғазаб, нафрат қолди. Ҳатто у дафн маросимида ҳам қатнаша олмади. Умуман, дафн маросимида ҳеч ким иштирок этмади. Чунки, жасадни фақат бир отаси иштирок этган тиббиёт кўригидан кейин тезгина, шунда ҳам кечаси кўмиб юборишибди. Павел дафн маросимининг эртасига Зиглерларникига борганида стулда зўр-базўр ўтирган Зиглернинг отасини эслади. Чол унга

ҳеч нарса дегиси келмади. Гўё Павел эшитадиган гаплар худди катта бир махфий сирдай, чолдан бир огиз ҳам гап ололмади. У қандай бўлмасин бирон нарсанинг шивирини эшитгиси, бўлган ҳодисани аниқлаштириб олиш имконини берадиган арзимас бўлса ҳам бирон фактни жуда-жуда билгиси келарди. Лекин унга ҳеч ким чурқ этиб огиз очмади.

Павел кўчага чиқди. Кўчада қаёққадир кетаётган Василенинг кўзига кўзи тушиши билан шартга тўхтаб қолиши ажаблантирди. Нега у ўзини олиб қочяпти? Павел Василенинг йўлида давом этишидан олдин лабларини тишлаб-тишлаб олганини ҳам сезиб қолди.

— Ҳо, Василе, нега ўзингни кўрмасликка солиб ўтиб кетмоқчи бўляпсан?

— Кўрмасликка солаётганим йўқ.

Павел Василенинг олдиғача бориб рўпарасида тўхтади.

— Силе, Зиглер деганни биларминдиг?

Василе тараддудланиб қолди.

— Йўқ, билмайман.

— Бир неча ой илгари немис гимназиясида ўқирди-ку.

— Ўқиган бўлса ўқигандир, нима бўпти?

— Уни ўлдириб кетишибди.

— Эшитдим.

— Демак, уни таниркансан-да?

— Павел, сенга ўзи нима керак? — тўсатдан Василе кўзларини чақчайтириб жаҳл билан бақириб юборди.

— Нега бўлмаса уни танимайман дединг.

— У бошқа синфда ўқирди. У билан бир марта ҳам гаплашмаганман.

— Зиглерни сизлардан биронтангиз ўлдирган бўлишингиз мумкин.

Василе Павелни кўкрагидан чангаллаб деворга қисди.

— Павел, мен ҳеч нима билмайман! Тушундингми? Мен ўзимга алоқаси бўлмаган, ўзим қизиқмаган ишларга аралашмайман. Зиглер билан бўлса, орамизда ҳеч қандай гап ўтмаган. Сенга эса дуч келган жойга бурнингни тикавермаслигингни маслаҳат бераман. Ундан баттар ҳолга тушиб қолишинг мумкин. Биз сен билан бир вақтлар оғайни, дўст эдик. Энди бўлса, ўша сенинг дўстлигинг мени қизиқтирмайди. Яхшиси, каптарларингдан қолма.

Василе Павелни қўйвориб кетишга чоғланди.

— Силе, илгарилари сенга ҳавас қилардим. Энди эса сендан кучим кўп бўлса кўпки, кам эмас. Сен — қўрқоқсан. Зиглерни ўлдирган ханжарнинг сопида немис крести бор экан. Зиглер эса, сенинг ўртоғинг бўлган.

Василенинг бир зумда попуги пасайиб қолди. Унинг мағрур, ўктам боқишларида қўрқув акс этиб, кўзлари атрофдаги бор нарсалардан нажот излаган каби аланглаб қолди. Тиззалари беихтиёр букилиб кета бошлади. Умуман, собиқ дўсти ёнида шундай ҳолатга тушиб қолгани учун ўз-ўзидан жирканиб кетди. Мабодо лицейдаги синфдошларидан биронтаси уни қўрқоқликда айблагудай бўлса бормиди, Василе шу заҳоти гап билан бошлаб ташлаган, агар гап билан қотириб жавоб беролмаса, муштларини ишга солиб юборган бўларди, албатта. Лекин у ҳам кучда, ҳам гапдонликда Павелдан зиёд бўлишлигига қарамай, унга жавоб бериб ўзини ҳимоя қилишга интилмади. Ҳатто Павел уни қўрқоқ деб атаганига жаҳли чиқиш ўрнига бир оз енгил тортгандай ҳам бўлди. Чунки бу сўз Павел тўнкаётган ўша ашаддий айбни бўйнидан олиб ташлаётганга ўхшарди. Бу эса Василени маълум даражада ўнғайсизликдан чиқарарди. Василе Зиглерни ким ўлдира олиши мумкинлигини биларди. Қотилнинг кимлигини била олмаслигининг эса, мутлақо аҳамияти йўқ. Энг муҳими, Зиглерни ўлдирувчилар орасида Василе бўлмаган эди. Павел томонидан аслида тўғри, лекин бошқа маънода қўлланилган сўз бир вақт келиб бутун даҳа ҳамда баъзи бировлар орасида Василенинг одам ўлдиришликда қатнашмаганлигига гувоҳ бўлиб хизмат қилса ҳам ажаб эмас. Зиглерни маҳв этиш «топшириғи» кимга юклатилганлиги тўғрисидаги гумон Василеда у ўлдирилганидан кейингина пайдо бўлди.

Василенинг лабларида аллақандай ўзгача, ғалати табассум ўйнади. Бу табассумидан у бир пайтда ҳам даҳшатга тушяпти, ҳам нимадандир шодланияпти, деган маънога бориш мумкин эди.

Павел Василенинг кўнглидан ўтаётган гапларни фаҳмлаб, башарасига нафратланиб тикилди. Павел энди, Зиглер кўп нарсалардан хабардор бўлиб, аллақандай қора ишларда ҳам иштирок этгану, унинг мактабдан кетиши ўз биродарлари томонидан қочоқлик деб топилган ва у шунга яраша жазосини олган, деган қарорга келди. Ёки бўлмаса, эҳтимол Зиглер ўзи ҳеч қачон аралашишни истамаган бирон иш ҳақида нимадир билгану, мактабдан кетиб ўзини эркин тутишни хаёл қилган. Мана шу эркинлик унинг бошига етган.

Павел ҳовлига кирди. У ғу-ғувлашаётган, бир-бирининг тумшуғини меҳр билан тозалаётган қаптарларга қараб туриб, негадир бутун вужудини ғазаб эгаллаб олди. Омборхонадан арра олдида, нарвондан чордоққа чиқди. Чордоқдан қаптархонага ўтиб, унинг тепасини очди ва қаптарларни ҳайдай бошлади. Қаптар-

лар парвоз қилди. Кейин пастга тушиб каптархонани кўтариб турган тўсинни арралай бошлади. Каптархона гурсиллаб ерга кулади. Қасир-қусурни эшитиб Денешнинг қизи Юля жон ҳолатда уйдан югуриб зинага чиқди.

— Павел, нима қилипсан? — деди у кўзларида ёш, ҳеч нимага тушунмай.

Павел жавоб бермади. У қизга менга халақит берма, яхшиси, йўлингдан қолма, демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ энсаси қотганидан гапиришнинг ўрнига каптархонани зинапоя олдида суяб турган устунни жаҳл билан тепди.

Каптарлар ҳавода катта доира ҳосил қилиб бир оз учди-ю, кейин пастлай бошлади. Улар одатдагидай ҳар сафар кўнадиган жойларининг тепасига тўдаланди. Лекин каптархона йўқ бўлгани учун бирин-кетин келиб қўшнининг томига кўнди.

Павел бир неча марта жон-жаҳди билан қулоқни қоматга келтириб ҳуштак чалди, чўчиб кетган каптарлар қанотларини бир-бирига қарсиллатиб қоқиб, яна ҳавога кўтарилди.

— Павел, нега уларни безовта қилипсан?

Павел бўлса, нима деб жавоб беришини ҳам билмасди. У юрагида йиғилиб ётган аламдан қутулиш учун нималарнидир бузишга, қандайдир қимматбаҳо нарсани топтаб парчалаб ташлашга ўзида эҳтиёж сеза бошлади. Лекин у бунга қанчалик ҳаракат қилмасин, қалбида алами баттарроқ орта бошлади.

— Павел, сен ақлдан озибсан! Нима қилиб қўйдинг, ахир?

— Кет бу ердан, эшитяпсанми? Жўна!

Қизнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У Павел шу важоҳатида етти ухлаб тушига кирмайдиган нарсаларни ҳам қилишга қодир эканлигини сизди. Шундан кейин, шартта ўгирилди-ю, кўз ёшларини оқизганча югуриб уйга кириб кетди. Павел сал очилиб турган дарвозанинг тирқишидан кўчани ксшиб темир йўл тарафга кетаётган Василени кўриб қолди. У энди изтиробдан тамоман қутулган, қад-қомати ҳам тик, мағрур борарди.

Каптарлар узоқ-узоқларда парвоз қиларди.

23

Василе темир йўл будкасига борарди. Унинг қовоғи солиқ, қўлларини муштлаб чўнтагига тиқиб олган. Ўзини Павелнинг олдида аллақандай бир қатъиятсиз, бўшанг ҳолда тутгани ўзига қор қилиб кетаётган эди. Агар у Зиглер ўлдирилгандан кейин азбаройи жони чиқиб кетганидан Элизани одатдагидай ўз номи

билан чақирмай, ҳеч қачон оғзидан чиқмаган сўз — оий деб чақирган бўлса, эндиликда мана шу субутсизлиги, бемаънилиги учун ўзини ўзи ҳар хил бўлмағур сўзлар билан сўкаётган эди. У ҳатто топшириқни бажаришда жилла қурса томошабин сифатида иштирок этмаганига пушаймон қилаётган эди. Василе мана бу топшириққа мени нега чақирмадикан, деб ўзига-ўзи савол бериб кўрди. Кейин «сотқинлиги учун жазолаш» пайтида ўрмондан қочиб қолганим уларнинг менга нисбатан бўлган ишончини тамоман йўқотибди; шундай экан, менга ҳам бир умр эсдан чиқмайдиган «совға» тайёрлашаётган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас, деган фикр калласига келиб, пастки лабини қон чиққундай тишлаб-тишлаб олди.

Василе кулиб турган отасини кўриб суюниб кетди, бу табасум Василега ҳар қандай мусибатнинг ҳам олдини оладигандай туюлди. У атрофига аланглаб қараб, ҳеч кимни кўрмаганидан кейин миясини чалғитиб ётган ҳар хил саволларни улоқтириб ташлашга киришди. Иримие ҳамон кулиб турарди. Бирдан отасининг илжайиб туриши Василега уни мазах қилаётгандек кўриниб кетди. Унинг бирдан акслиги тутди, кўнглидагининг аксига қараб юришга мойиллик уйғонди. Бундай ҳолат унинг руҳиятида биринчи бор содир бўлаётгани йўқ. Шундай пайт келиб қолганда ҳар сафар у ўзини осойишта тутаман, хотиржам бўламан, деб ҳаракат қиларди-ю, лекин ҳар сафар ҳам худди ҳозиргидай аллақандай бир ёввойи ўжарлик бутун вужудини қамраб олаверарди. Бу ўжарлик уни кўнглидагига, хоҳишига қарама-қарши бошқа қирғоққа томон етакларди. Ундан ташқари, нега энди у фақатгина отаси билан гаплашгандагина руҳий осойишталикка эришиши керак экан? Нега энди Павел билан бўлган баҳсни охирига етказмади? Василе жаҳл билан яна пастки лабини шундай қаттиқ тишладики, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бир дақиқа калласига ялт этиб бир фикр келиб, кўзига ўзи отасининг саволатидан фойдаланиб қолаётгандек бўлиб кўриниб кетди. У отасини қанча таҳқирламасин, ўз ўғлига нисбатан муносабатини ўзгартирмаслигига ишончи комил эди. Василе ўз иззат-нафсини қондириш учун отаси бўлмиш бир кимсага нотўғри муносабатда бўлаётганини, ўзининг ноҳақлигини ич-ичидан ҳис қилди. Нега энди кейинги пайтда у тушиб қолган муҳит ўзига сираям ёқмас экан, у билан алоқасини узолмайди? Нима учун Рудольф ва бошқа ўқувчилар қаршисида ўз матонатини, мустаҳкам иродали эканлигини намоиш қилиши керагу, Павелнинг олдида эса, гарчи бошқача муносабатда бўлиш осонроқ бўлса ҳам оғзи-

дан сўлакайини оқизиб бўйнини ҳам қилиб тураверади? Ёки бўлма-са, ўз ўртоқларига улардан ортиқлигини кўрсатиб қўйсамикин? Умуман, Василе ўртоқларидан ортиқми ёки улар қандай бўлса бу ҳам шундай, улар билан бир қатордамикин? У доим ўзига шу саволларни берар ва бу саволлар қаршисида лол қоларди.

Василе ўзининг собиқ дўсти Павел билан мунозарада мулзам бўлиб ажрашганда бунинг аламини отасидан олишга қасд қилиб қўйган эди. Лекин нима ҳожати бор буни? Йўқ, бўлмайди, бунинг устига отаси хушнуд ва мулойимлик билан кулиб турибди.

— Салом, Силе, — саломлашди Иримие ўғли билан.

— Хайрли кун, дада.

— Бир неча кун муқаддам Байяш билан қандай гаплашганингни эшитиб турдим. Тахта деворнинг олдида ботинкасини қўли билан артаётган эди. Э-ҳа... Унинг қандай тоифадаги одамлигини ақлимга ҳам сиғдиролмайман. Ҳозир қарани ҳам ўзгариб қолган. Нима билан тирикчилик қилишини ҳеч ким билмайди. Мана, тўрт ойдирки, ишсиз сандирақлаб юрибди.

— Шимлари, ботинкалари яп-янги, — гапни Василе илиб кетди.

— Сен ҳам фаҳмладингми?

Василе отасининг шунақа нарсаларни пайқашга қодир эканлигини билиб, унга ажабланиб қараб қўйди.

Иримие бир неча йиллар давомида ўтиравериш шимининг мойи билан ялтиратиш юборган скамейкага чўкли-да, ўғлини ҳам ёнига ўтиришга таклиф қилди.

— Дада, бундан бир ой муқаддам менга нима деганинг эсингдами?

— Эсимда, ўғлим, эсимда. Лекин айтган гапларимга ҳали ҳам ўкинмайман.

— Афтидан, немислар сенга ёқмайди.

— Ёқмайди.

— Нега сен ҳар гапингда биров эшитиб қолмасмикин, деб ён-верингга аланглайсан? Нима, қўрқасанми?

— Қўрқиш билан эҳтиёткорлик — бу иккаласи бир деган сўз эмас. Қўрқишга-ку қўрқмайман-а, лекин эҳтиёткорлик қилишга ҳаракат қиламан. Мана, буни қара! Будканинг чор атрофида темир плиткалар ётибди, уларнинг остидан семафорга сим тортилган, шлагбаумга эса трослар ўтказилган. Агар кимдир будка томонга келаётган бўлса, мен уни дарров сезиб оламан, чунки менга эшитилади.

Василе чўнтагидан бир қути сигарет чиқариб отасига узатди.

— Ма.

— Ўзимда ҳам бор, — Иримие ҳам сигарета чиқарди.

— Сенга шундай... ҳады қиляпман.

Иримие Василе уйига дабдала бўлиб келгандан буён унга ҳали пул бермаганини эслади. Демак, бундан чиқди Василе бу сигаретларни доктордан талагани — минг лейдан сотиб олган. Иримиенинг бирдан руҳи тушиб кетди. У сигарет яримлаб қолган қутини ўғлига тутди.

— Яхшиси, мана бундан чек. Пешана терига келган.

Василе отасининг нимага шама қилаётганини дарров тусунди. Кўлидаги папиросини чўнтагига тикди-ю, қовоғини солиб олди. Отаси унга қарамади ҳам. Эҳтимол, у ўғлини кечиргандиру, лекин ўша машъум ҳодисани мутлақо эсидан чиқармаган.

— Силе, мен ҳалигача «Узумзор» кўчасидан юролмайман. Уяламан. Нима ҳам бўлиб бир сафар ўша кўчадан юриб қолдим, деворга нима чаплаб ташлаганларингни кўрдим. Шундан бери ўша кўчанинг яқинига ҳам йўламайман. Одамлар мени маломатга қўйишлари мумкин. Мен буни ҳечам хоҳламайман, бунга сазовор ҳам эмасман.

— Дада, жудаям ошириб юборяпсан, — деб қўйди Василе лабини тишлаганча, суҳбат шу мавзуга кўчганидан ўзича хурсанд бўлиб.

— Эҳтимол, шундайдир. Лекин барибир мен ўз ўғлим ўзига нолойиқ иш қилган кўчадан юролмайман. Иккаламиз дурустроқ гаплашолмадик. Лекин тўғриси айтганда, гаплашган тақдирда ҳам нима тўғрисида гаплашишни билмасдим. Мен, ахир мактаб битирмаганман. Гарчи, Элиза сизлар билан немисча гаплашса ҳам фақат менгина немисчани ўрганолмадим, ўзимга қолса-ку, хоҳлайман-а, лекин удалай олмайман. Бошланғич мактабда ўқиб юрганамда ўқитувчилар зеҳнинг паст дейишганди. Эҳтимол, бу тўғридир.

— Ҳеч ким иккинчи синфни битирганлигинг хусусида сендан ҳужжат талаб қилмайди, — деди Василе.

Иримие Василенинг бу гапларини эшитмагандек сўзида давом этди:

— Мен сени мактабга бердим. Мендан маълумотлироқсан. Сенинг шундай саводли бўлганингни кўриб қувониб қўяман. Лекин сен қилган ишларни қилиш учун шунча ўқиш шартмиди, шуниси менга алам қилади. Сенинг сигаретингни олмайман. Уни чексам таъми оғзимда бир умр қолиб кетади.

Василенинг қаттиқ жаҳли чиққан, ўзини зўр-базўр тутиб турарди. Назарида арзимаган бир иш учун, аниқса, отасига сигарет совға қилиб турган бир пайтда, унинг аччиқ-тизиқ гапларидан хафа бўлди. Отасини нодон деб ўйлаб ундан гина қилди. Ўзини тутиб туролмай шартта отасининг гапини кесди.

— Дада, агар сен немисларга қарши қилинган ҳар бир ҳаракатдан ҳақиқатан ҳам шодланадиган бўлсанг, шунча гапларингни эшитиб туриб мен немис поездларининг кулини кўкка совуриладиган жойларнинг яқинидан ҳам ўтмаслигим керак. Немисларни кўргани кўзим йўқ дейсану, ўзинг немис аёли билан бир кўрпада ётасан. Ўша немис хотининг Виссарион билан дон олишиб юрганини жуда яхши биласан. Лекин буни билганинг ҳолда қалбан ландавурлигингданми ёки кўрқоқлигингданми, билмадим, ўзингни билмаганликка соласан. Дада, баъзан сендан нафратланиб кетаман.

Иримие қўлидаги ўчиб қолган сигаретини ташлаб, бошқасини ёндирди. У калласида ғужғон ўйнаётган фикрларини тартибга солиб олиш учун сигарет тортиб узун тутун чиқарди. Иримие Василени уриш учун шлагбаумни тушириб чиқарадиган оғир дастани қўлига олди-ю, ниманидир ўйлаб будкага улоқтирди.

— Нега урмадинг? Ахир, урмоқчи бўлгандинг-ку! Уришинг ҳам мумкин. Чунки сенга қўл кўтаролмаслигимни биласан-ку!

— Ҳа, урмоқчи бўлган эдим, лекин садқаи мушт кет. Мен сени анча ақлинг кириб қолгандир, деб ўйлагандим, оғзингдан чиққан гаплардан маълум бўлдики, ҳалиям ғўр экансан. Ўзингни билармон қахрамон қилиб кўрсатмоқчи бўласан, сени ўлим оғзидан юлиб қолган, ювиб-тараб катта қилган бир аёлни ҳақорат қиласан. «Немис аёли» дейсан, лекин мана шу немис аёли ўргатган тил билан ўртоқларинг олдида ғоздай кеккайиб юрибсан. Ўғлим, сен менга ҳамма ҳақиқатни айтдинг. Мана шу ҳақиқатни сен, менинг ўғлим айтганлигинг учун ҳам сўзларинг юрагимга наштадай ботди. Мен инсонман, уни севаман, нима ҳам дея олардинг. Мен кўп йиллар онанг билан сенинг юзингни қилиб севгимни юрагимда сир сақлаб келдим. Унинг шундай бўлиб қолганлигига мен айбдорман. Буни юзимга солиш сенинг ишинг эмас. Яхшилаб уқиб олгинки, сенинг ишинг эмас. Элиза йўлидан адашиб, яна тўғри йўлга тушиб олди, ўз айбини тан олди. Сен ҳалига довур қулоғинггача гуноҳга ботиб ётибсан. Сенда журъат, жасоратдан нишона ҳам йўқ. Зиглер мард йигит эди. Зиглернинг ўрнида сен бўлганингда, унинг ишини қилолмаган бўлардинг.

Иримиенинг қўллари қалтирар, лабидаги сигаретини ушлайман деб ҳечам ушлолмасди. Василе суҳбат давомида жим ўтирди. Отасининг гапларини жон қулоғи билан қизиқиб тинглади. Иримиенинг эҳтирос ҳамда самимият билан гапириши унга бир оз таъсир ҳам қилди. Чунки у ўзини отасидан бир неча поғона устун кўярди. Иримиё қаттиқ ҳаяжонланган эди. Буни қалтираётган қўллари билан, сигарет тушиб кетмасин деб, титраётган лабларини жон-жаҳди билан юмиб олганидан бемалол сезиб олса бўларди. Василе бўлса, аксинча, жуда хотиржам эди. Чунки, у баҳсда ким хотиржам бўлса, ўша ютиб чиқишини биларди-да.

— Дада, сен жуда даҳшатли нарсаларни тилга оляпсан. Бироқ шуниси ачинарлики, охири бунга ўзинг яна пушаймон қиласан. Ахир темир йўлда шундай бўлган эди-ку.

— Агар ўшанда, темир йўлда менинг фақат «даҳшатли нарсалар» ҳақидаги гапларимнигина тушунган бўлсанг, унда ҳеч балони тушунмаган экансан.

— Дада, анча пухта гапларни гапирдинг. Мен сендан шундай гап чиқишига шубҳа қилмаган эдим.

— Шуни тушундингми?

— Оғиздан чиққан ҳар бир сўз ўз ифода шаклига эга бўлиши лозим. Гарчи сен, билишимча, қаттиқ ҳаяжонланган бўлсанг ҳам фикрингни маълум бир шаклда баён қила олдинг.

— Силе, нега сен бу қадар ҳиссиз, тошдай жонсизсан. Гарчи, биз бир дастурхондан овқат еб, бир томнинг тагида ётсак ҳам мен сени ҳали билмас эканман.

Василе қўлини чўнтақларига тикди.

— Дада, билишга-ку, жуда яхши биласан, фақат ҳеч қачон мени тушунишга ҳаракат қилмагансан. Мен сени биламан. Бироқ билганим билан энди тушуна бошладим. Лекин сенинг фикрларинг, нуқтаи назаринг билан ҳечам келишолмайман.

— Кимнидир севганмисан?

— Бир неча аёл билан бирга бўлганман. Клубда.

— Шу билан уларни севганман демоқчимисан?

— Мен сенга хотин билан бирга бўлганман деяпман.

— Сенинг назарингда шу севгимми? Мен сендан севги ҳақида сўраяпман.

— Бу хотинлар жуда ҳам гўзал хотинлар эди, улар мен билан пулимга учиб бирга ётишмаган.

Негоицэ юрагида чуқур бир оғриқ сезди. Василенинг севги ҳақидаги тушунчасидан унинг қалбида шундай бир алам, дард тугён кўтардики, Негоицэ гўё дунёда энг яқин одамидан, ишон-

ган тоғидан бир умрга видолашаётганга ўхшарди. У Василени бор вужуди билан яхши кўрарди, эндиликда унинг юрагига қўл солиб билгач, баъзи нарсалар ўзи билан ўғли орасида ўтиб бўлмас жар пайдо бўлаётганини кўрсатиб турарди. У Василенинг шу даражага келиб қолганида ўзининг қанчалик айбдор ва айбдор эмаслигини ўйлаб ўйига етолмасди. Иримие ўғлининг ғамгин чехрасига, қўйиб қўйгандек ўз кўзларига ўхшаш қора кўзларига, чўзинчоқ бурни-ю, қаттиқ юмилган лабларига узоқ тикилди. Тикилди-ю, ҳали ҳам унинг қалбининг чуқур бир ерида сақланиб қолган софликни, одамгарчиликни қайта тирилтириш учун нималар қилсам, қандай чоралар кўрсам экан, деб ўз-ўзидан сўраб кўрди. Матей ҳамма бало Василенинг шу пайтгача қилган бемаъни ишларида эмас, балки шу ишларга судраган ўй-фикрларида, деганида жуда омади гапни айтган экан-а. Василе чиройли, хушқомат йигит. Отаси ўғлининг мана шундай бўлишини орзу қилган эди. Бироқ хушқомат бўлгани билан унинг қалби мажруҳ экан. Мана энди шу қалбни қандай бўлмасин асл ҳолига келтириш, даволаш зарур.

— Силе, сен ҳали бировни севмагансан, шунинг учун бировларнинг севгисига ҳакамлик қилишга ҳаққинг йўқ.

— Мен сенга севганман деб айтдим-ку.

— Сен бошингдан кечирган туйғу — бу севги эмас. Бундай ҳис итларда ҳам бўлади.

— Ёр ишқиди оҳ-воҳ чекиб юриш учун менинг вақтим бўлган эмас.

— Сен севишинг керак. Ана шундагина инсоний севгининг нима эканлигини, унинг куч-қудратини тушунасан.

— Агар кишининг танаси витаминга эҳтиёж сезмаса, уни қанча тановул қилган билан фойдаси йўқ, сингмайди.

— Тушунмадим.

— Ҳеч қачон тушунмайсан ҳам, дада. Сенинг поездлар ҳақидаги гапирган гапларингда гарчи заррача бўлса ҳам ҳақиқат бўладиган бўлса, сени огоҳлантириб шуни айтиб қўйишим керакки, янглиш йўлга кириб қолибсан. Сенинг ҳечам хурсанд бўладиган жойинг йўқ. Бировларга ўзларини муҳофаза қилишни топшир-ганлар ҳам худди сенга ўхшаган...

— Мен ҳеч кимни муҳофаза қилмайман.

— Муҳофаза қилган тақдирингда ҳам, мундоқ жасурроқ бўлишинг керак. Сен эса ундай эмассан. Ҳатто бемалол севинишга ҳам журъат қила олмайсан. Ўз оиласида ёлғончилик, қаллоблик ин қуришига йўл қўйган кимса ҳаётдан суюниш учун, аввало,

одамлар поездларни портлатишга журъат эта олганидек, руҳий тетикликка, мустаҳкам иродага эга бўлиши керак. Мен сенинг юракдан суюнишингга ишоналмайман. Агар сени бизда гоҳ-гоҳда бўлиб турадиган «сотқинлиги учун жазолаш»га рўпара қилишадиган бўлса, сен ё қочиб кетган, ё бўлмаса, кўз ёшингни оқизиб, шафқат сўраб ўтирган бўлардинг. Жазога мардона туриб бермасдинг.

— Сен ўзинг жасурмисан?

— Машқ билан ҳамма нарсага эришиш мумкин.

— Ҳа, Силе, сен нималаргадир эришишинг мумкин. Ахир, ақллисан-ку. Лекин ҳозир тушиб олган йўлингда ҳеч қаерга боролмайсан ҳам, ҳеч нимага эришолмайсан ҳам.

Иримие будкасига бир қараб михга илиб қўйилган чироқни олди-да, скамейкага ўтириб уни тозалай бошлади. Кейин силкитиб кўрди. Қараса, чироқнинг ёғи тугаб қолибди. Эшикнинг орқасида турган керосин идишни олиб чироққа керосин қўйди.

— Силе, умуман олганда сен довюрак эмассан. Бир кун келиб пешананг дўқ этиб деворга текканда жасурлигингни синаб кўрадиган бўлсанг, ана ўшанда сенга айтган гапларимни эслайсан. Ҳозирги гапларинг бари кўрқув орқасидагина оғзингдан чиқаётибди. Лекин булар сен учун анча қимматга тушса ҳам бориб-бориб ўтиб кетади. Қилганларингга пушаймонлар ейсан. Яхшиси, менинг айтганларимни қилгин.

— Бундан чиқди, кўриниб турган ажойиб, шукуҳли келажатимдан воз кечиб, сенинг ҳаётингга ўхшаш бир ҳаётга ўзимни уришим керак экан-да?

— Денеш менга Митран ҳақида гапириб берган эди. У жуда ҳам камбағал оилада туғилган экан. Фақат ўз тиришқоқлиги билангина шундай одам бўлибди. Ҳеч ишонмайманки, биронта одам чиқиб уни бекордан-бекорга ҳақорат қилишга журъат эта олсин. Ҳақиқий одамнинг виждон, ор-номусидан юқори турадиган ҳеч нимаси бўлмайди. Сен бўлсанг виждонли бўлишга кўрқяпсан, виждон билан юртда ном қозониш учун фақат меҳнат қилиш, тер тўкиш керак бўлади. Сенинг меҳнатга тобинг йўқ.

— Мен Митранга ўхшаган бўладиган бўлсам, яхшиси ахлат ташувчи бўламан. Сен умр бўйи менга ўзгаларни мисол қилиб кўрсатиб келасану, ҳар сафар келтирган мисолинг аллақандай бемаъни мисоллар бўлиб чиқаверади.

— Ақлим етган мисолларни келтираман-да.

— Дада, мен яна ўйлаб кўраман, лекин бераётган маслаҳатларингнинг охири бахайр бўлишига мутлақо ишончим комил эмас. Сен ўз ақлинг, билганинг бўйича муҳокама юритасан. Тўғриси, ҳаёт ҳақидаги тушунчанг ўз ақл-идрокинг доирасида чекланиб қолган. Лекин нима бўлса ҳам муҳокама доиранг тор, кўп нарсага ақлинг етавермайди. Мен олдинга интилиб нималаргадир эришмоқчи бўламан, сен эса бурнингдан наридаги нарса-ни кўрмайсан, мени уйимиз атрофига арқонлаб қўймоқчи бўласан. Дада, сен ҳозирги даврнинг асл маъносини тушунмайсан.

— Силе, ўзинг биласан. Мен, эҳтимол, ҳаётни сен тушунган қадар тушунмасман, лекин ҳар ҳолда нималаргадир ақлим етади. Менинг тушунишимча, уларнинг ишларига шу даражада илашиб қолгансанки, улар энди анойиларча ўз ҳолигга қўйиб қўйишмайди. Улардан алоқангни узишинг ҳам мумкину, лекин бу билан хотиржам қололмайсан. Улар сени ўз ҳолигга қўйишмайди. Лекин шуни айтиб қўйишим керакки, улар сени ҳеч қачон ўзлари билан баравар кўришмайди, ўз одами ҳисобланмайди. Сендан керакли нарсаларни олиб бўлганликларидан кейин дўнг олиб ҳайдашади.

— Мени кўрқитмоқчимисан?

— Йўқ, кўзингни очмоқчиман.

Василе будканинг ёнида ўсиб турган ўтни шарт эгиб юлиб олди.

— Дада, шу гаплардан кейин ҳам мени уйингда қолади, деб ўйлайсанми?

— Бу уй меники эмас. Уни қурганимда сенинг номигга ёздириб қўйган эдим: сенга мендан бирор мерос қолсин, деб ўйлагандим.

— Демак, шу кеча уйда ёта олар эканман-да?

— Ҳа, лекин хув анавилар ўз ҳолигга қўйишса, — Иримиё қўлидаги чироғини муюлишда турган жигарранг қўйлакли тўртта ўспирин томон чўзиб кўрсатди.

Василе оқариб кетди.

— Уларни кўрган экансан, нега бояроқ айтмадинг? Беркинардим-ку.

— Беркинишнинг нима ҳожати бор? Шунча вақт ҳар хил ёлғон-яшиқ билан валдираб, уларни оқлаб ўтириб, мени мазах қилган экансан-да.

Ўспиринлардан биттаси Василега, бу ёққа кел, дегандек қўлини силкиди.

Василе қатъиятсиз, иккиланган бир қиёфада улар томон судралиб, зўрға қадам ташлаб кетди.

Негоишэ беш ўспирин муюлишнинг орқасига ўтиб кетганини кўриб турди. Кейин моторнинг ғириллагани қулоғига кирди. Иримие Василе қай тарафга кетганини кўриб қолиш учун югуриб йўлнинг ўртасига чиқди. Лекин йўл бўм-бўш, ҳавода атрофга таралаётган чанггина кўзга чалинарди.

24

«Мана энди ўзимнинг тўртта ўртоғим билан машинада ўтирибману, отам билан бўлган суҳбатимни эслашга ҳам уяламан. Бу ўз фикрларимдан қайтиб унинг томонига ўтганимдан эмас, балки мен дадам билан қўполдан-қўпол гаплашганимдан. Оғайниларим бир ойдан ортиқ кўринмай қочиб юрганлигим сабабли «сотқинлиги учун жазолаш» қутқуси билан таҳдид қилган пайтдагина юрагимда мана шундай афсус-надоматни туйдим. Мен ҳали қасамёд қилмаган эдим, лекин бунга эътибор қилинмасди. Кимки ҳар хил асоссиз сабаблар билан (ўлим ёки қаттиқ касаллик асосли сабаб ҳисобланарди) ташкилотнинг интизомини бузса, қочоқ ҳисобланар ва у «сотқинлиги учун жазолаш»га тортиларди. Менга таҳдид қилишди, мен эса уларнинг фикрига қўшилмаслигимни изҳор қилиш ўрнига сукут сақлаб беихтиёр дадам ҳақида ўйлардим. Мен унга кўрслик қилдим. Одоб-ахлоқнинг энг оддий қонун-қоидаларига ҳам риоя қилмаган ҳолда кишини таҳқирловчи ёмон сўзларни оғзимга олиб ўз нуқтаи назаримни ҳимоя қилдим. Мен у билан яхши гаплашишим, беҳурмат қилмаслигим ҳам мумкин эди. Ахир, у ўз отам-ку! Билмайман, бундай хаёллар нега энди калламга келяпти. Эҳтимол, ўзимга ишончсизлигимдан шундай бўлаётгандир. Юрагимнинг ички бир жойида ўзимни тубсиз денгизда гирдобга тушиб қолиб, бир жойда тинмай айланаётгандек сеза бошладим. Ҳа, мен қачонлардир гирдобга тушиб қолганман, мана энди ундан чиқолмай овораман, руҳан тинчлигим йўқ. Мен нима учун ўртоқларим йўғида уларни ҳимоя қиламан, нуқтаи назаримни оқлайману, ёнимдалигида эса улардан қўрқаман, шуни жуда-жуда билгим келарди. Бу эҳтимол, улардан ўзга муҳитда ўсиб-унганимдан, бир хил тоифа ишчи халқи орасида мавжуд бўлган фикрлаш усулидан озикланганимдандир. Шунинг учун бу нарсалар мени орқага тортармикин? Лекин танамни юз жойидан қирқ, дадам ўз йўлида ҳақ эканлигига ишонмайман. Агар мен отам билан мулоқотимда минг марта хатога йўл қўйдим, кечирилмас гуноҳ қилдим десам ҳам, бу хатоларнинг бари фақатгина одоб-ахлоққа,

ҳурматга тегишлидир. Масаланинг асли моҳиятига, асосий қарама-қаршилигимизга келганимизда эса, ўз фикримда қолдим, фақат фикримни бошқача усулда ҳам баён қилишим мумкин эди. Ҳақиқатни минг хил услубда баён қилиш мумкин-ку.

Мен пешанамдан тер чиқиб кетганини сезиб турибман, лекин нима учундир терларимни артгим келмайди. Мен ўз ўртоқларим орасида ўтираман. Унг томонимда Рудольф билан Фрид, чап томонимда эса Карл Шерг билан Ганс. Мен Карл Шергга қарайман. Отасининг тикувчилик фабрикаси бор. Углининг жуссаси кичик, лекин миқтигина. Ўн олти ёшда. Унинг юқориги озиқ тиши шундай узунки, оғзидан чиқиб пастки лабининг икки тарафида чуқурча пайдо қилган, биз буни тишингнинг қини деб куламиз. У мени бирон марта ҳам ўз уйига таклиф қилмаган. Немис гарнизонининг бошлиғи уларникига деярли ҳар куни келади.

Ганс — чап ёнимдан иккинчи. Бу жуда камгап йигит. Ўзи унчалик фаросатли бўлмаса ҳам ўқишда ёмон эмас. Бўш вақтларида отасининг ёнига кириб дурадгорлик қилиши билан мақтанади. Унинг бизга ўхшаб аёллар билан юришга, ичишга вақти йўқ. У доим зоҳирда нимадандир хафа, руҳи чўккандек кўринадди. Ташкилот томонидан топширилган вазифалар ҳам унга оғир ботгандек туюлади, лекин Ганс уларни охир-пировардигача шундай усталик билар бажарадики, ҳайрон қоласан. У софдил, шу билан бирга жуда одамови, писмиқ йигит. Менинг у билан дўстлашгим келарди. Нима ҳам бўлиб бир куни ярим кун бирга ўйнаб юришга тўғри келиб қолди. Шу вақт ичида фақатгина бир-икки мартагина фикр алмашдик, у ҳам бўлса бир неча оғиз аҳамиятсиз сўзлар бўлди. Билишимча, у мендан ўзини олиб қочади, мени ёқтирмайди ва мен ҳақимда бошқаларнинг фикрига ўхшамаган, ўзининг алоҳида фикри бор. Буларга қарамасдан мен уни ҳурмат қиламан. Унинг софдиллиги, жиддийлиги мен илгари мутлақо назарга илмаган, қизиқмаган баъзи нарсаларни ўрганишимга, тушуниб олишимга ёрдам берди. Мен Гансга ҳавас қиламан. Чунки унинг оиласидагилар бир-бирини тушунишади, бир ёқадан бош чиқаришади. Ганснинг ўзи эса уйда худди мен орзу қилгандек бемалол, эркин яшайди. Шу топда унинг менга қарабини, жилла қурса бир оғиз сўз гапиришини нақадар истаяпман, лекин Ганс ўз фикрлари оғушида жим кетарди.

Гуруҳимизда менинг энг яқин дўстларим мана шулар. Улар шунинг учун ҳам яқинки, мени фюрерга қасамёд қилишимга тайёрлашади. Шофёрни бўлса, танимаيمان, уни ҳеч қачон кўр-

маганман ҳам. Ўртоқларимни ўйлаганимда ўзимни бир оз яхши ҳис қила бошлаган эдим. Мана энди тагин мушкул аҳволга тушиб қолдим. Қани энди ҳозир уларнинг менга бўлган муносабатини, мени таърифлаб бериш учун қанақа сўзларни кўнгилга тугиб қўйишганини билсам, жуда ажойиб бўларди-да. Оберштурмфюрер Шульцнинг биринчи им қоқишидаёқ улар жонини фидо қилишга ҳам тайёр демасам, эҳтимол, холис гапирмаган бўларман. Уларнинг олдида мен кап-катта йигит эдим. Мен хотинларнинг олдида ўзимни йўқотиб қўймайман, бокс билан шуғулланаман, шу билан бирга ичишда булар тўртталасининг ичганини бир ўзим киприк қоқмай отиб юбораман, улар мени мана шунинг учун ҳам ҳурмат қилишади, шу топда уларнинг мен ҳақимда нима ўйлашаётганини, қандай муносабатда бўлишлигини билгим келиб кетди. Мен уларнинг мени ҳурмат қилганлари билан яхши кўрмасликларини жуда яхши сезаман. Эҳтимол, Фриднинг менга бир ўз кўнгили мойиллиги бордир. Унинг қалби мутлақо ўзгача, уларникига ўхшамаган. Анча тажрибали. У ҳаётда жудаям катта одам бўлиб кетишни хоҳламайди, отаси қатори ўртамиёна бўлиб юрса бўлгани.

Машина кескин бурилди-ю, биз бир-бировимизга суяниб қолдик. Шофёр сўкиниб юборди. Энди каштанзор хиёбон бўйлаб борардик, деярли шаҳар ташқарисига чиқиб кетган эдик. Қаерга кетяпмиз, тўғрироғи, мени қаёққа олиб кетишяпти ўзи? Дастлаб уларнинг ҳар бири мен билан навбатма-навбат гаплашишди. Кейин эътибор ҳам бермай қўйишди. Ҳар бири, эҳтимол, менга ўхшаб ўз фикри билан банд бўлса керак. Фақат фарқ шундаки, улар мутлақо бошқа нарса тўғрисида фикр юритишмоқда. Яна дадамни эсладим. Йўқ, менинг дадам жуда ҳам анойи, аҳмоқлардан эмас. Уни бир оз жиғига тегиб қўйсанг бас, шундан кейингина ундан ажойиб фикрлар чиқади. Лекин барибир дадамнинг ўзи айтган ишга аралашганлиги мени қаттиқ даҳшатга солади. У жуда ҳам мантиқли, чуқур фикр юритади. Эҳтимол, кимдир унга бу соҳада ўргатса керак. Дадам ҳали, менимча, гарчи ноҳақ бўлса ҳам, баҳсда ўз далил-исботлари билан мендан устун чиқди. Элизани бўлса, шунинг учун ҳам ёмон кўраманки, у дадамга бевафолик қилди. Уни алдади, ҳали ҳам ўз ифлос йўлидан қайтгани йўқ. У немис аёли эмас, балки, ғар, бузуқдир. Уни она дейишни хоҳламаганим учун мени қанчалар ҳақорат қилди-я! Мендан буни талаб қилишга ҳечам ҳаққи йўқ. Уни калтаклашга ўзим ҳам ор қилдим. Шундай одамга қўл тегизиш ўзингни ўзинг пастга уриш билан баробар-да.

Машина яна бир бурилди. Тош йўлдан тор қишлоқ йўлига бурилдик. Кичик ўрмонча ёнидан кетяпмиз. Қаёққа кетяпмиз, тўғрироғи, мени қаёққа олиб кетишяпти?

Мен рухий қарама-қаршилигим орқасида дадамга кўп нарсаларни вайсаб юборганимни билиб турибман. Умуман олганда, кимдир бировни ўз хоҳлаган йўлидан, орзусидан мажбуран қайтариб ололмайди-ку. Ҳар ҳолда ҳаётда билиш, тушуниш эркинлиги мавжуд. Мен калламга қўйилиб келаётган фикрларимдан уялиб кетяпман, лекин булар ҳаммаси асаб таранглигидан, асабийлашганимдан, деб тагин ўзимни юпатаман. Мени «сотқинлиги учун жазолаш»га тортишларига ишонмайман, менга Зиглерга бўлгандек муносабатда бўлишларига ҳам ишончим комил эмас. Менинг асосли далилим бор. Қошим ёрилиб кетганди, шундай бўлса ҳам дам-бадам Зиглер эсимга тушиб кетяпти. У мени таъқиб қилади. Мен кўкариб кетган тил, шокосасидан ўйнаб чиққан оқиш кўзу, чангак бўлиб қолган ярим жонсиз танани унутолмайман. Мен ўшанда қандай қилиб ўрмондан қочганимни, Зиглернинг қандай ҳолда ўлдирилганини ҳам унутолмайман. Ҳамма нарса менга ҳам уятли, ҳам даҳшатли бўлиб кетяпти. Уятли бўлиб кетаётганлигининг сабаби шундаки, мен дадамга, агар сени «сотқинлиги учун жазолаш»га тортишса, чидолмасдинг, сўлоғинг ўйнаб кетарди, деб уни калака қилдим. Ўзимнинг-чи, бу жазони ҳатто кўришга ҳам дош беролмаганимни унутиб қўйдим. Даҳшатли бўлиб кетаётганлигининг сабаби шундаки, ўртоқларим аллақандай бир ғалати жимлик билан кетишяпти, худди машъум воқеани фараз қилиб, ундан роҳатланишаётганга ўхшайди. Ўшанда негаям қочдим-а? Қандай бўлмасин ўзимни қўлга олишим, иродамга ҳокимлик қилиб, ўз жойимда қолишим керак эди. Ёки бўлмаса вужудимни қамраб олган бутун кўрқувни енгиш учун биринчи урилганим — дарахтнинг танасига тишларимни ғарчча ботириб, орқага қайтишим лозим эди. Ана шундай қилганимда ҳозирги аҳволга тушмаган, нималарнидир кутиб ўтакам ёрилиб ўтирмаган бўлардим. Мен қочдим, қочганимда ҳам ҳозиримни ўйлаб, эртага нима бўлишини хаёлига келтирмайдиган бир ёш бола сингари қочдим. Қандай ҳолга тушаркинман? Мени нима қилишаркин? Дадам ўртоқларим билан ҳар қадамда кўтариб ташлаб, юрагимни зир титратаётган мана бу машинани кўрсатган пайтда қочиб қолсам бўларкан-да. Лекин қочиб қаёққа ҳам борардим. Қаерга яширина олардим. Мени Зиглернинг бақрайган кўзлари таъқиб қиляпти. Шоко-сасидан ирғиб чиққан оппоқ кўз, кўкракка санчилган ханжар.

Нега энди ханжар фақат кўкракка санчилган экан. Ҳа, агар тиф орқага санчилса, одам оғриқни унча сезмайди. Бутун вужудимни титроқ босиб кетди. Наҳотки мен ҳам Зиглернинг кунига тушсам? Шунга лойиқ нима гуноҳ қилдим? Йўқ, Зиглер кўрқоқ эмас эди. Агар ўша куни кечкурун синфда Шульцнинг саволига ўзим истамаган ҳолда унинг кўнглидаги гапларни гапирган эканман, арқонни кўрганимдан кейин фақат гапиришгина эмас, мендан нимани талаб қилса, ўшани қулоқ қоқмай бажаришга тутинган бўлардим. Қани мендаги дадиллик, қатъият. Нега энди мен ҳозир ўзимни дадам билан гаплашган вақтдагидек вазмин, мағрур тутолмаяпман. Виссариондан ўзимни устун ҳис қилган эдим. Қани ўша ҳиссиёт, туйғу? Рухимда қандайдир ўзгариш юз берди. Нималигига иқрор бўлолмайман, лекин бу мана шу йўл сингари аниқ-равшан эди. Мен шунча йил яшаб ҳаётда ўз ўрнимни топишга ҳеч қачон бу йилгидек жон-жаҳдим билан тиришмаган эдим. Тиришганим-ку майли-я, ундан ташқари, менга тақдир ато қилиб кўтарилишим шарт бўлган ҳаёт поғонасига чиқиш учун бунчалик кўрқмаган эдим. Бироқ, умуман ўзим нимани хоҳлайман? Менга нима керак ўзи? Яна кўз олдимда Зиглернинг кўзлари-ю, сийнасидаги ханжар пайдо бўлди. Уларни кўрмаслик учун ўт бўлиб ёнаётган қовоқларимни беркитаман. Лекин унинг совун кўпигига ўхшаш оппоқ кўзининг оқи қоронғиликда кўзимга янада аниқроқ ва яқинроқ кўринади. Улардан мени нима қилишмоқчи эканликларини сўраб билсам қани энди... Рудольф ёки Фриддан сўрашим мумкин. Аминманки, улар билишади. Лекин менга ҳеч нарса айтмаслигига ишончим комил. Нега мен машинанинг эшикларига аланг-жалаң қараяпман. Йўқ, буларнинг ўртасида ўтирган ҳолда ўзимни ташқарига отишим қийин. Ҳар ҳолда бир уриниб кўрсаммикан? Мен худди темир қафасда кўрққанидан ўзини йўқотиб қўйган ваҳший ҳайвонга ўхшайман. Шунинг учун қафасдан чиқиб кетишга қанча уринмай бутун ҳаракатларим зое кетади. Мен атиги бир соат илгари дадамнинг олдида жон куйдириб комил ишонч билан ҳимоя қилган манави болаларнинг кирдикорини оқлаш учун сўз ахтариб кўрдим. Ахтариб кўрдиму, уларга лойиқ ҳеч қанақа сўз калламга келмади. Калламга келганлари ҳам шу даражада ишончсиз, шубҳали эдики, ҳатто мана шундай йўл билан уларнинг қилмишларини оқлаб юрганим ўзимга кулгили кўриниб кетди. Яна қаршимда Зиглернинг кўзлари пайдо бўлди. Улар мендан жавоб кутаётганга ўхшайди. Жавоб ҳам майли-я, улар яқинда сенинг ҳам кўзларинг худди мана шундай ҳолга тушади, кўриб қўй, деб турганга ўхшарди.

Кўз қири билан Рудольфга қарайман. Тикка қарашга журъат қилолмайман. Чап қўлим ёнидаги ханжарининг сопига тегиб кетади, вужудимни совуқ титроқ босади... Демак, булар мени... мени ҳам ўша кўйга солишлари мумкин... Йўқ, мени ундай қилишмайди. Мен бундай жазога лойиқ бирон-бир жиноят қилганим йўқ. Мен бунинг охири нима билан тугагини ифода этадиган бирон маънони уқармикинман, жилла курса ўзимни тугиб олишимга ёрдам берадиган табассумга ўхшаш бирор нарса кўрармиканман, деган маънода зимдан ўртоқларимга боқаман. Мен илгари ҳеч қачон, ҳатто поезднинг остида қолиб кетишимга сал қолган пайтда ҳам ўз ўлимим ҳақида ўйламаган эдим. Ўша пайтдаги мен туйган кўрқув ҳозирги ўлим туйғусидан мутлақо бўлак, аллақандай умумий бир кайфият билан боғлиқ бўлган кўрқув эди. Мен ўлимни ўзимга татбиқ қилиб туриб, у ҳақда ўйлаб кўролмайман. Мен тез-тез калламга келиб турадиган фикрларнинг, ўй-хаёлларнинг миямнинг охириги ҳужайраси билан бирга музлаб қолишига, жасадим совимасдан туриб тўсатдан йўқ бўлиб кетишимга ишонмайман. Мен ўйлаяпман, чунки ўйлаган нарсамни ихтиёрсиз равишда англаяпман, мен ўйлай оларканман, ҳаёт эканман-да, деб қувониб кетяпман.

Қора қайин дарахтининг шоҳлари биз кетаётган машинанинг устига ёпилган брезентга тегиб тирналиб ўтяпти. Ҳар шох текканда чўчиб, сесканиб кетаман. Ҳаёт гулининг қанчалик азиз эканлигини юрагимнинг бутун ички торлари билан ҳис қилмоқдаман. Лекин бу ҳақда қанчалик ўйламай, ўз ғариблигим, сўққабошлигим шунча кўзимга кўриниб кетяпти. Мен кўп ўқишни севардим. Эсимда, Элиза доим соат ўн бирдаги поезддан кейин чироқни ўчирарди. Авваллари бунга қаттиқ қаршилик кўрсатдим. Кейин-кейин у қачон келиб чироқни ўчираркин, деб уни аллақандай қизиқиш билан кута бошладим. Хонага қоронғилик чўккандан кейин мен қандай қилиб бўлса ҳам ўзимни ўраб турган борлиқдан, муҳитдан ажратиб олиб, унга четдан туриб назар ташлашга ҳаракат қилардим. Элизанинг қилмиши ғайритабий қўполлик билан орага суқилиш эди. Буни мен ҳозир тушуниб турибман. Мен ўз билганларим билан ўзимни ниҳоятда биллимдон ва дадил ҳис қилардим. Бутун борлиқ, ҳатто ҳаётнинг ўзи ҳам ақл-идрокка бўйсунди, деб билардим. Мен бунга чуқур ишонч ҳосил қилган эдим. Мен мустаҳкам, бузилмас, лекин шундай бўлса ҳам ҳеч ким назар-эътиборга олмаган ўз шахсий фалсафий қонунларимни яратган эдим. Худди шундай, ҳозир мени қаерга элтиши номаълум бўлган мана шу йўлнинг ҳам менинг

фалсафамга алоқадорлик жойи йўқ, бу ҳам аллақандай олий кучнинг қўполлик билан аралашиси, орага суқилишидан нишондир. Мен, гарчи ҳеч кимга боғланмаган, ёлғиз эсам-да, ўша олий кучнинг қўлидаги ўйинчоқдирман. Йўқ, ҳаёт ҳеч кимга бўйсунмайди. Ҳаётнинг ҳамма номаълум йўллари ва бу йўлларнинг айрилиш-қўшилиш жойлари фақатгина инсон юрагидагина содир бўлади. Менинг бутун фалсафий қарашларимнинг оёғи осмондан бўлиб кетишига фақат бир ойгина вақт, ташкилотнинг мажлисларига бормай қўйган пайтимгина кифоя қилди. Ҳақиқатан ҳам, менинг ўз шахсий фалсафам борми? Мен яланғочман, яккаю ёлғизман, ўз ҳаётим учун титраб-қақшайман, унинг учун ҳар нарсадан кечишга тайёрман. Ҳозир менинг келажгим, кейинги ҳаётим мана шу йўлга боғлиқлигини сезиб турибман. Агар ўз ҳаётий ақидаларим деб билган бари нарсалардан шундай осонлик билан воз кеча оладиган бўлсам, буни қаранг, уларнинг асоси нақадар бўш бўлган экан-а, ёки эҳтимол, ҳаётда ҳеч қанақа нуқтаи назар мавжуд эмасдир? Гап билан сўз бирон-бир нуқтаи назарга асос бўлолмайди. Инсон булардан ўз жонини сақлаш йўлидагина қатъий қадам ташлаш учун фойдаланиши мумкин. Мен иродасизлигим учунгина бундай деяётганим йўқ. Мен ўзимни жудаям иродасиз деб ҳисоблай олмайман, лекин шу билан бирга энг олий мақсадларга ҳам менинг ишончим қолмади. Шунинг учун ҳам ишончим қолмадики, ҳаётда мутаассиблар тоифасидан бўлак яна бир тоифа одамлар бўлади. Улар қандай қилиб бўлса ҳам жонини қутқариб қолиш ўрнига аллақандай эътиқодлар деб, жонини қурбон қилишдан ҳам тоймайди. Ўзинг ўлиб кетганингдан кейин бундай эътиқоднинг неча пуллик қиммати бор, эътиқодга асаб, қон ва тана керак. Буларсиз ҳеч қандай эътиқод мавжуд эмас. Инсон ҳаётга бир марта келади, ўлиб қайтадан тирилмайди. Демак, мен биров орқали ўйлаш ва сезиш қобилиятидан маҳрум эканман, дунёнинг менга нима қизиғи бор, ўлганимдан кейин кимлардир мен каби ўйласа, унинг мен учун ҳожати йўқ. Фикр — бу шарпадир. Ҳаёт эса — бутун борлиқ, яъни мен, бировнинг ҳаёти эмас, ўз ҳаётим. Уни ҳамма вақт ҳимоя қилишим керак. Инсон якка туғилади, якка ўсади, якка ўлади. Мени ўраб олган муҳит мен борлигим учунгина мавжуд. Мен шу топда нима ўйлаётганимни ҳеч ким ҳеч қачон биллолмайди. Агар ҳозир биров менга қарайдиган бўлса, юзларимда табассум кўради. Руҳимда нималар содир бўлаётганини сезиб қолишмасин деб ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам алдашга ҳаракат қиляпман. Мен ҳаётда ўзим ва

яна бир нечта одам учунгина мавжудман. Яъни, мен бу мен, деб қанча одамда таассурот қолдирсам, мен бу эмас деб ҳам шунча одамда ёлғон таассурот қолдиришим керак.

Оёқларим қалтираб кетяпти. Оҳ, уларнинг қалтирамасликларини қандай истардим-а. Карл тиззаларимнинг дилдираб бирига урилаётганини сезаётган бўлса ҳам ажаб эмас. У менга қарайди. Мен йўл ёмон бўлгани учун шунақа бўляпти, дегандек бор гавдам билан тебраниб қўяман. Фрид ҳам менга қарайди-ю, кулиб қўяди. Мен уни доим менга кўнгли тўғри, ҳақиқий дўстим деб билардим, унинг ҳозирги мана шу битта табассумининг ўзи учун ҳар қанча истагини бажаришга тайёр эдим. Фрид билан орамизда аллақандай кўприк, яқинлик пайдо бўлди. Ҳозир мана шу кўзга кўринмас кўприк орқали аъзойи баданимнинг ҳар бир ҳужайрасига қон оқиб келаётганини, жон кираётганини сезиб турибман. Раҳмат, дўстим Фрид. Сен ҳозир менга қандай яхшилик қилганингни ўзинг ҳам билмайсан. Мен сенини табассуминг қалбаки эканлигига ҳеч қачон ишонмайман. Агар бу шундай бўлса, мени пичоқсиз сўйган бўласан.

Фрид ўгирилиб олди. У яна олдинга қараяпти. Нима, ҳалиги қарашида менга ростдан ҳам ҳамдардлик билдириб жилмаймаганмиди? Бутун ич-ташим зирқираб кетди. Шамоллатгич ойна орқали машинага яқинлашган сари катталашиб бораётган эман дарахтларининг юпқа ва ялтироқ баргларини кўриб қолаяпман. Улар хайрлашаётгандек, секин-аста машинанинг томига юмшоқ, майингина тегиб қўяётганини ҳам сезяпман. Эҳтимол, улар мен билан видолашаётгандир. Лабларимни яна қаттиқ жуфтлаб олдим. Тогоғимга бир нима тиқилгандек бўлди. Кўз олдим қоронгилашиб, қарашларим ҳам бежо бўлиб кетганини сезиб қолишмасин, деб олдинга қарамасликка интиламан. Умримда шу пайтгача ҳаётнинг бундай даҳшатли силтовига дучор бўлган эмасман. Чакка томирларим лўқиллаб, оғзим қуриб қолди. Тиш оғриқ бошланди. Юрагинг ваҳимага тушаётган пайтда танангнинг бирон жойида оғриқ турса жуда ҳам роҳат бўларкан. Бутун диққат-этиборинг ўша оғриётган жойингга қаратилади. Ташқи асаб томирларинг қалтирамайди ёки қалтираса ҳам сен уни сезмайсан! Шу аснода тишим бундан ҳам қаттиқроқ оғришини жуда-жуда хоҳлаб кетдим. Шу дақиқаларда дардимга малҳам бўладиган нарса — бу ҳам бўлса, танамда ҳамма нарсани унуттира оладиган даражада кўтариладиган қаттиқ жисмоний оғриқ эди. Фақат кучли оғриққина мени ҳар хил хаёлларга берилишимга йўл қўймай туриши мумкин. Шунинг учун ҳозир оғриқ кўнглимдаги айни

муддао бўлиб қолди. Оғриқ бор нарса, уни кўришинг мумкин, фикрни-чи, уни кўриб бўлмайдди. Менинг назаримда, отишга ҳукм қилинган одам ўқ баданига санчилиб, қаттиқ оғриқ пайдо қилмагунча ўқни сезмайди, мен оғритмай ўлдирадиган ўлимни тасаввур ҳам қилолмайман. Оғриқсиз ўлим — бу фикрлар ўлимига ўхшайди. Бир умр қийналиб келган кечинмаларнинг бир лаҳзада йўққа чиқишидир. Қани энди инсон ҳеч қандай ўй-фикрларсиз ўла олса, жуда омади иш бўларди-я! Бунинг учун фикрни бўғиб кўядиган бирон-бир қурол ишлаб чиқариш керак экан-да. Лекин одам ўлдиришни зориқиб кутаётганлар жон олиш билан қониқмайдилар, етмиш килограммлик танани гумдон қилиш уларнинг кўнглига таскин беролмайди. Улар ўлим воситасида, аввало, танада мавжуд бўлган ўй-фикрни билиб олишлари керак. Кейин ўша ўй-фикрни танадан ажратиб олиб, унга ёниши, кўзни қамаштирадиган даражада нур таратиши учун бир зум имконият туғдиришлари керак. Ана шундан кейин улар бу нурни кўполлик билан бир умрга ўчирадилар, топтайдилар. Бир куни мен секин-аста уйқуга кетиш, яъни вақтинчалик ўлиш жараёнини синаб кўрганман. Шунинг ўзигина қанчалик даҳшат бўлган эди. Агар уйқудаги ўлим шунчалик даҳшатли бўлса, ҳақиқий ўлимнинг ўзи қай даражада экан. Мен ўлимдан кўрқаман. Яшагим келади. Нега хаёллар, Зиглернинг кўзлари, Рудольфнинг ёнидаги ханжарнинг сопи мени, тилка-пора бўлган қалбимни яна чулғаб оляпти?

— Келдик, — деди Карл.

Тишим зирқирашини қўйди. Ҳеч қандай оғриқни сезмай қолдим. Машина тормоз бериб шартта тўхташи билан тиззам қаттиқ урилиб кетганида ҳам оғриқ сезмадим. Бутун устихоним худди пахтадек юмшаб кетганга ўхшарди, аъзойи баданим эса шундай бўшашиб кетган эдики, худди етти йил касал ётиб турганга ўхшардим. Машинадан тушарканман, ўзимни ташвишманд кўрсатишга уринардим, аслида ҳам ташвишманд эдим, чунки кўрқардим. Машинада ўтирганимда ишнинг ниҳояси узоқми, яқинми, ҳали олдинда эканлигини билардим. Мана энди оёқларим ерга теккач, бундан ҳечам хурсанд бўлаётганим йўқ.

— Машинада бир неча марта гап сўрадим, нима бўлди сенга? Ҳатто миқ этмадинг.

— Фрид, сен менга гапирдингми?

Фрид Карлга қараб кулиб қўйди.

— Мана кўрдингми, у ҳатто гапларимни эшитмабди ҳам.

— Яқиндан бери баъзи гапларга қулоқ солмасликни афзал кўриб юрибди, — гапга суқилди Ганс.

— Унинг мускуллари, асаблари бўшашиб кетган, — Карл гапга қўшилди.

— Зарари йўқ, бугун яна маҳкам бўлиб олади.

Мен уларнинг орқасидан судралиб боряпман. Машинадагидек улар ўнг, сўлимда эмас, олдимда. Шунинг ўзи менга қувват бағишляпти, юришимга далда беряпти.

Фрид ўгирилиб менга яна кулиб қўяпти. Бу сафар унинг табассумини, худди бедаво ярага қўйилган ҳаётбахш малҳам каби қабул қиламан. Фрид менга гапиради.

— Машинадалигимизда афтинг шундай бир тусга кириб кетдики, ҳатто ўзингга ўхшамай қолдинг. Василе, сенга нима бўлди?

— Тишим оғриётган эди, ҳозир ҳам қаттиқ оғрияпти.

Фрид нималарнидир гапира бошлади. Мен эса ўз хаёлларим билан бандман, унинг гаплари қулоғимга кирмайди, ҳеч нарса тушунмайман. Мен қаерга келганлигимизни билмоқ истагида ўнг, сўлимга аланглайман. Мутлақо нотаниш жойлар. Қора қайинлар ваҳимали суръатда шитирламоқда. Ёки менга шундай туюлаётганмикин? Биронта сўқмоқ кўринмайди. Ҳўл майса устидан боряпмиз. Олдимиздан жуда ҳам тор йўлка ўтган, унинг ҳам шағал тўкиб дўнг қилиб қўйилгани учун ўн метрдан нарисини кўринмайди. Гандираклаб кетяпман.

— Айиққа ўхшаб лапанглаб юрасан-а, — деди Фрид менга қараб.

— Тўхта! Ким у келаётган? — аллақаердан овоз эшитилди.

Ганс нимадир деб жавоб берди, менимча, паролни маълум қилган бўлса керак. Шохлар орасига яширинган будкадан кўлида автомат тутган солдат чиқиб, тўппа-тўғри биз тарафга юриб келаверди. Болаларнинг биттаси унга қоғоз узатди. Солдат менга синчиклаб қараб чиқиб, қоғозни қайтариб, честь берди. Демак, улар мени қаерга олиб кетишаётганини билишар экан. Аъзойи баданимни совуқ тер босиб кетди. Фридининг бу сафарги кулгисидан ҳам кўрқиб қолдим. Йўқ. Унга ишонмайман. У сотқин.

Сўқмоқни кесиб ўтамиз. Ўнг тарафда, юз метрлар чамаси нарида шағал уюми ёнидан кетган асфальт йўл кўриниб турибди.

— Биз келган йўл қисқа, — зоҳиримдаги ажабланишни кўриб тушунтирди Ганс.

Чап томонимизда ўтлар ўсган думалоқ тепа пайдо бўлди. Тепаликнинг энг чўққисиди сийрак буталар орасида бетон гумбаз билан учлари қайрилган сим чивиклар кўриниб турибди. Қаерга келиб қолганимизни энди билдим. Немис қўмондонлик штабига яқин жойда эканмиз. Мен болалардан бу тўғрида аллақачон эшитган эдим.

Яна қичқириб тўхтатишди. Тағин пароль билдирилди. Темир дарвоза гирчиллаб очилиб, биз ёп-ёруғ йўлакка кирдик. Карл томонидан кўрсатилган ҳужжатни эътибор билан текширишди. Навбатчи офицер темир-бетон деворга ёпиштирилган автомат-телефонга келди-да, рақам терди, нариги тарафдан гапига жавобан овоз эшитилгандан кейин, «смирно» командаси берилган-дек қотиб қолди. Бизни у ёғига бошқа офицер кузатиб борди. Қаршимизда юмшоқ гилам тўшалган кенг йўлак. Бу ерда тинчлик, сукунат ҳукмрон, фақат нафас олишимизгина эшитилади. Мен оғайниларимга қарайман. Уларнинг қовоғи солиқ ҳамда бир оз ташвишманд кўринишади. Йўлак бир неча тор йўлакка бўлинади. Биз шулардан бири бўйлаб бориб, бир неча йигитлар тўпланган залга кириб қолдик. Уларнинг бир нечаси граждан кийимида. Офицер алақайси эшикка кириб ғойиб бўлди, бир неча дақиқадан кейин яна қайтиб чиқиб, мен билан Фридни ичкари киришга таклиф қилди. Мен Фриднинг ҳамроҳлигида иккита эшикдан ўтдим, зирҳланган бир эшик олдига келиб тўхтаб қолдим. Биринчи бўлиб Фрид, кейин мен кирдим.

Қаршимизда — стол ортида штурмбанфюрер Гаупт ўтирибди. У паст бўйли, кенг яғринли, юз тузилиши-ю, пешанаси худди юракнинг шаклига ўхшаб кетади. У ўрнидан туриб бир оғиз ҳам гапирмай, қўлини орқасига қўйганча хонани бирмунча вақт айла-ниб юрди. Кейин тўсатдан менинг қаршимга келиб тўхтади.

— «Дейчеюгенд» сафига аъзо бўлиб кирганинг билан табрик-лайман. Бугун сен қасамёд қиласан, — у шундай деб яна хонани айланишда давом этди. Мен бутун кучимни тўплаб қанчалик тиришсам ҳам қуйилиб келган кўз ёшларимни тўхтатолмайман. Машинада ўтириб умрим бўйи тортмаган азобни бир зум яна туйдим. Лекин бу энди болалик эди. Бир дақиқа ўтмай қаршимдаги полковник менинг энг яқин одамим бўлиб қолади. У ўзининг ҳозирги беш-олти оғиз гапи билан қалбимда шундай ишонч, ҳаётга умид ҳиссини уйғотдики, мен ҳозир калламга келган ҳалиги аҳмоқона фикрларим учун бутун вужудим билан ундан кечирим сўрашга ва бундан кейин минбаъд бундай ҳаёлларга бормайман деб тавба қилишга тайёр эдим. Мен Фриднинг қўлини сиқаман, сиққанда ҳам жон борича, бутун юрагим билан сиқаман. Лекин у бўлса, менинг ундан миннатдорлигим учун хурсанд бўлиш ўрнига, нимагадир чўчияпти. Назаримда, онадан янги туғилганга ўхшайман. Лекин мени ўраб олган муҳитнинг ҳар бир заррасида ҳаёт мўъжизалари кўриниб турибди. Менинг туғилишим мана шу мўъжизалардан роҳатланиш, уларни ҳис

қилишга ҳуқуқ берадиган онгли туғилиш бўлди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг фалсафаси одил, адолатли фалсафадир, бу шуб-ҳасиз. Бунга далил шуки, мен уларни қандай ҳолда тасаввур қилганим билан уларнинг менга нисбатан ўзларини тутишлари, муносабатлари ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Мен энди кўнглимга келган, ўйлаб юрган нарсаларимга қандай қилиб ишонишим мумкин? Қандай жин уриб бутун фикри-зикри менга яхшилик қилишдан, дўстона хайрихоҳликдан иборат бўлган мана бу одамларга нисбатан қалбимда нафрат туйғуси алангаланиб юрибди? Уларнинг юзига қора суртиш, бадном этиш хаёли миямга қаердан келиб қолди, юрагимнинг қайси еридан чиқиб келди? Қалламга йилт этиб бир фикр келди, бунинг сабабини топгандай бўлдим: булар бари дадам билан қилган суҳбатимнинг касри эмасмикин? Ҳа, ҳамма иккиланишларимнинг манбаи ўшанда, агар мен ўзимни қўлга ола билмасам, ўша гирдоб қаърига шўнғиб кетишим мумкин.

Полковник яна рўпарамга келиб тўхтади. У менга тағин бир нима демоқчи бўлаётган бўлса керак, пешанаси тиришиб ажинлар пайдо бўлди.

— Менга сени бир ой мобайнида бир қарорга келолмай юрди, деб маълум қилишди. Фюрер биздан чексиз жасурлик, тамоми итоаткорликни талаб қилади. Агар биз жасур бўла олмасак, ўз ҳис-туйғуларимизни жиловлаб, унга ҳукмронлик қила олмасак, фюрернинг буюк иши, ғоялари учун курашда қаҳрамонлик, фидойилик намуналарини кўрсата олмаймиз.

Полковник гапидан тўхтаб, яна хона бўйлаб юра бошлади. Буни қаранг, унинг оғзидан чиқаётган гаплар нақадар тўғри, ўзи ҳам мана шу ҳақиқат бағрига қанчалик сингиб кетган-а!

— Дунёда герман идора усулини қурмоқчи бўлганимиз, ирқлар ичра олий ирқ саналмиш немис ирқи томонидан халқларни маданийлаштиришнинг энг юқори чўққиси сари даъват этганимиз сабабли, баъзи бировлар бизни варварлар деб фисқи фасод тарқатишмоқда. Ёввойиларгина тарихда маданийлашиш учун бўлган ҳар қандай интилишни варварлик, ваҳшийлик деб баҳолаб келишган. Мана шунинг учун ҳам ҳозирги ёввойилар бизни варвар дейишяпти. Унинг асл маъносини тушунадиган ҳақиқий немиснинг қалбида сира ҳам тараддудланиш, қатъиятсизлик аломатлари бўлиши мумкин эмас. Тушундингми?

— Тушундим, жаноби штурмбанфюрер.

— Кимки бизнинг дунёқарашимизни, ғоямизни тушунмайдиган бўлса, биз уни қайтадан тарбиялаб қўямиз.

— Худди шундай, жаноби штурмбанфюрер.

— Кимки бизнинг ғоямизга эътироз билдирса, қаршилик кўрсатса, биз уни йўқ қилиб ташлаймиз.

— Тўғри, жаноби штурмбанфюрер.

— Отанг руминми?

— Ҳа, жаноби штурмбанфюрер.

— Лекин сени немис аёли тарбия қилган. Агар кимда-ким иккиланадиган бўлса, фюрернинг амрини, ҳукмини муҳокама қилиш томон бир қадам қўйган, унга интилган бўлади. Агар кимда-ким фюрернинг ҳукмини муҳокама қилар экан — у соткин, бизнинг душманамиз.

— Жуда тўғри, жаноби штурмбанфюрер.

— Бизнинг асосий мақсадимиз дунёни забт этиб, уни маданийлаштиришдан иборат. Агар кимда-ким бу йўлда иккиланиб қоладиган бўлса, у ҳатто ўзини ўзи ҳам идора қилолмайди.

— Тўғри, жаноби штурмбанфюрер.

Полковник кабинет бўйлаб айланишда давом этмоқда. У айланаркан, мен унинг ҳаракатларидан бир дақиқа бўлса ҳам фюрернинг портретига орқа ўгирмасликка интилаётганини сезиб оляпман.

— Кимда-ким фюрернинг амрига бўйсунмаса ёки унга шубҳа билан қараса, у ҳақиқий немис эмасдир. Биз ўз иттифоқдошларимизни ҳам немисча қатъият ва олийҳимматлик руҳида тарбиялашимиз керак. Биз, ҳатто сенинг отангни ҳам қайта тарбиялашимиз лозим. Сен ўз таржимаи ҳолингда отам немисчани билмайди, деб ёзибсан.

— Худди шундай, жаноби штурмбанфюрер.

— Мен сенинг ростгўйлигингни инобатга оламан. Лекин билиб қўй, отангни немис тилига ихлос қўймагани — қусур, холос.

— Шундай, жаноби штурмбанфюрер.

— Хайль Гитлер!

— Хайль Гитлер!

Кабинетдан чиқиб эшикни ёпганим заҳоти мутлақо янги туйғулар гирдобида деворга суяниб қолдим. Мен бахтлиман. Гўё менда қанот пайдо бўлган, мен осмонга парвоз қилардим. Шубҳа-гумонлар энди беҳаловат қилмайди, мен энди ўзимга ишонман, ҳеч нарсани ўйламайман. Мен яна ўзимга ишонч ҳосил қилдим.

— Акамиз жуда катта кетворди-я, — дейди Фрид мени тирсаги билан туртиб.

— Ким?

— Оберст-да. Мана шу мудофаа истехкоми унинг буйруғи билан барпо этилган. Ўзи бўлса соясидан кўрқади.

Мен кўз олдимни туман қоплаб, яшил парда тўсаётганини ҳис қиламан. Унинг гапларига жавоб қайтармаслик юрагимга тўдаланиб қолган шубҳалардан ҳали ҳам холи бўлмаганимнинг белгиси бўлади. Йўқ, бунақаси кетмайди. Кечирган шунча азоб-уқубатларни, кечинмаларни яна қайтадан кўришни сираям истамайман. Бунга асло тоқатим йўқ. Руҳимда нима содир бўлаётганини билолмай қоламан. Жон борича Фридни бўға бошлайман. Уни шу даражада бўғаманки, лабининг чеккаларидан кўпик чиқа бошлайди. Ундан кейин қўйвораман. Чанғалимдан қутулган Фрид кўрқиб ўзини орқага ташлайди.

— Фрид, дўстим, ўлдирмоқчи бўлди, деб кўнглингга келтирма. Эҳтимол, ҳаракатларим бир оз кўполроқ чиққандир, лекин ўзимни бошқача тутолмасдим ҳам. Фрид, кечир мени, юрагимда нималар содир бўлаётганини ўзим ҳам билолмаяпман.

Фрид жавоб беришни хоҳламай бўйнини артганча залга кириб кетди. Унинг қарашларидан мен энди ўз дўстимни йўқотганимни, орамиздаги дўстлик риштаси тамоман узилганлигини сезиб турибман. Лекин мен ҳозир қайтадан қўлга киритган ҳаёт йўлида ҳамма нарсадан воз кечишим мумкин».

25

Қоронғи туша бошлади. Негоицэ хужрасининг олдидаги скамейкада ўтирганча шағал уюмининг устида ўйнаётган болаларни томоша қиларди. Василе машинада кетганида туш пайти эди, ҳалигача ундан дарак йўқ.

Иримие уйга бориб бирон нима тамадди қилай деб қўзғалмоқчи бўлган эди, домла Митраннинг челақ кўтариб келаётганини кўриб, яна ўтира қолди. Эҳтимол, домла ҳам уни кўрган-дир. Шунинг учун, яхшиси, аввал саломлашиб, кейин кечки овқатга борсам ҳам бўлаверади, деб ўйлади. Лекин таажжубки, Митраннинг ўзи тўхтаб Иримиега қўлини узатди. Шундан кейин Негоицэ Митрандан ҳол-аҳвол сўраб, бир оз гаплашмаса бўлмаслигини сизди. Митран қўлидаги челагини ўткинчиларга ҳалақит бермасин деган ўйда бир чеккага қўйиб, Негоицэнинг ёнига чўкди. Улар чурқ этмай узоқ ўтиришди. Негоицэ бир неча марта гап бошлаб кўрди-ю, бироқ Митран без бўлиб ўтиравергач, мулзам бўлди. Митраннинг лабларида одатдаги билинар-билинемас табассум зоҳир эди.

Ҳовлидан Павел чиқиб келди.

— Павел, бугун ишга бормайсанми?

— Йўқ, бармоғимни шикастлантириб олдим. Темир эзиб юборди. — Павел шундай деди-ю, дока билан ўралган ўрта кўлини кўрсатди.

— Жаноби муаллим, аҳволлар яхшими?

— Яхши ўғлим, жуда яхши.

— Бир вақтлар бориб каптарларингни кўраман дегандингиз.

Энди улар йўқ — кўйвордим.

— Нега?

Павел жавоб бермай, бориб кўча эшигини ёпди.

— Жаноби Негоицэ, биласизми, мана шу йигитча дарс пайтида партада каптар ушлаб ўтиргани учун мендан тарсаки еган эди. Мен доим унга интизомли ҳамда дарсларни яхши ўзлаштирадиган сизнинг Василеингизга ўхшаган бўлишини, ундан ўрناق олишини уқтираддим...

Митран гапини тугатмаёқ ўрнидан турди-ю, челагини кўтариб сув оладиган колонка томон кетди.

Павел домланинг кетганини кўриб, секин-аста яна Негоицэнинг олдига келди.

— Иримие амаки, мен Василени кўргандек бўлдим.

— Қаерда? — ажабланиб сўради Негоицэ.

— Тепанинг нарёғида. Аввалига унинг Василе эканига ишонмадим ҳам.

— У билан гаплашмадингми? Ахир, қадрдон дўст эдингларку.

— Биз у билан дўст бўлолмаймиз. Иримие амаки, агар кўрганым ҳақиқатан ҳам у бўлса, жигарранг кўйлак кийибди.

— Павел, бундай бўлиши мумкин эмас! — Негоицэ ҳайқириб юборди. — Бундай деб алжирама.

— Иримие амаки, мен адашмадим, у ўша эди.

— Йўқ, Павел, уни биров билан адаштиряпсан. Жигарранг кўйлакнинг унга нима кераги бор? Хўш, нимага?

— Йўқ, Иримие амаки, мен тўғрисини айтяпман. Ёнида ханжари ҳам бор.

Павел шундай деди-ю, кўлларини шимининг чўнтагига тикқанича нари кетди.

Негоицэни Павелнинг гаплари қаттиқ ўйлантриб қўйди. Ундоқ ҳам ўйлаб кўрди, бундоқ ҳам ўйлаб кўрди, лекин Василенинг жигарранг кўйлақлар сафига бориб қўшилишига бирон асос тополмагач, ҳар ҳолда Павел уни биров билан адаштирган

бўлса керак, деган қарорга келди. Чунки у Василе ҳеч қачон жигарранг кўйлак кийишни ўзига эп кўрмайди, деб ўйларди.

Митран кўлидаги челакнинг оғирлигидан ёнига эгилганча қайтиб келди. Энди у билан гаплашишни ўринсиз деб билган Негоицэ скамейкадан турди-да, ҳовлисига кириб кетди. Лекин шу заҳоти орқасидан Митраннинг овози келди:

— Жаноби Негоицэ, нима учун поездлар қизил чироқ ёнса тўхтаб туради-ю, кўк чироқ ёнса юриб кетади?

— Чунки, қизил чироқ «йўл йўқ», кўк чироқ «йўл очиқ», деган маънони беради.

Наҳотки Митран «Кўркама кўча»нинг ҳар бир гўдагига беш кўлдек маълум бўлган нарсани шу вақтгача билмаса, деб Негоицэ паришонҳол кулиб қўйди.

— Жаноби Негоицэ, сизнинг ажабланаётганингизни кўриб турибман. Бундан ажабланманг, мен ҳаётимнинг ўттиз йилини мактабга бердим. Ўттиз йил мактабдан бўлак ҳеч нимани кўрмадим. Ҳатто, олдинда қизил чироқ ёқилса поездлар тўхташини ҳам билолмадим. Энди эса, биламан. Олтмишга кирганимда буни билишга тўғри келди.

Негоицэ келиб қари домланинг қаршилиқ кўрсатишига қарамасдан унинг кўлидан челакни олди.

— Жаноби ўқитувчи, мен сизга ёрдамлашмоқчиман. Гапга нўноқлигим учун мендан жаҳлингиз чиқмасин. Ҳозирги даврда ўйламай айтиб қўйилган бир оғиз сўз кўп бахтсизликларга дучор қилиши ҳеч гапмас. Ахир, биз сиз билан жудаям яқиндан таниш эмас эдик-да. Бурунгиси майли-я, мен сизни ҳозир ҳам яхши билмайман. Лекин, жаноби ўқитувчи, шуни яхши билингки, одамлар ҳар хил нарсани вайсайверади...

Митран кулиб қўйди-ю, бир неча қадам босгандан кейин қайғуриб туриб шундай деди:

— Биласизми, мени ўзим ҳаммадан яхши кўрган, билган нарсамни бажонидил ўргатишга ҳаракат қиладиган собиқ ўқувчим мактабдан ҳайдади. Тагин нима баҳона топди денг, жаноби Негоицэ? Гўё мен коммунист эмишман. Сизнинг хабарингиз бор, бу асли нима дегани ўзи?

Негоицэ елка қисди.

— Бу тўғрида гаплашаётганларини эшитганим бор.

— Мен бу сўзни ўшанда биринчи бор эшитдим. Жаноби Негоицэ, кўз очиб мактабни кўрдим. Ҳеч нарсага қизиқмадим. Мен ўзим сиёсат билан ишим бўлмагани учун, болаларни ҳам сиёсатга қизиқмасликларини маслаҳат берардим, шу йўл билан

уларнинг катта бўлишганда софдил, виждонли одам бўлиб чиқишларини истардим. Тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган эканман. Э, аттанг!

— Демак, талабангиз аблаҳ чиқибди-да!

— Аблаҳ дейсизми? Йўқ, у ўз қобиғимга ўралиб кўришни, ўрганишни истамаганим — бетамиз муҳитнинг қуроли бўлди, холос. Ўттиз йил мактабда дарс бериб, жаноби Негоицэ, кўрдингизми, ҳалига довур поездларнинг олдинда қизил чироқ ёнганда тўхташини билмас эканман.

— Сиз ҳар ҳолда, нима бўлса ҳам, темирйўлчи эмассиз-да, буни қаердан билардингиз. Лекин жаноби ўқитувчи, ҳалиги айтган болангиз ҳақиқатан ҳам ўтакетган аблаҳ экан.

Митраннинг гўштсиз ёноқларидан бир зум табассум ариди-ю, чехраси қандайдир ғалати бир ҳолга кирди. Иримиенинг қўлидан челақни олиб эшикни очди. У Негоицэга ўгирилганда яна лабларида табассум ўйнади.

— Жаноби Негоицэ, аблаҳ — бу мен ўзимман. Чунки, мен ўзимни доим мана шу қизил, кўк сигналлар, ифлослик ва муҳтожликлар дунёсидан ташқарида ҳисоблардим. Мана шу дунё менга битта сабоқ бердики, мен бундай сабоқни ўттиз йил муаллимлик қилиб ҳам ҳеч кимга беролмайман. Йўқ, жаноби Негоицэ, у аблаҳ эмас, аслида ўзим аблаҳ бўлган эканман.

26

Негоицэнинг қулоғига кимнингдир эшикни тақиллатаётгани кирди. У тушимда бўлаётган бўлса керак, деб ўйлаб нариги ёнбошига ағдарилиб ётди. Кейин Василе эсига тушди. Мана, икки кундан буён қорасини кўрсатмайди. Эшик яна тақиллагандан сўнг Иримиенинг уйқуси қочди. Парданинг орасидан мўралаб зинапояда аллақандай шарпа кўрди-ю, Василе келган бўлса керак, деб ўйлади, шунинг учун аввал эшикни очмайман, ҳар сафаргидай айвонда ухлайверсин, деган қарорга келди, лекин бирпасда қароридан қайтди. Чунки, у ўғлини чидамсизлик билан кутар, кутганда ҳам ваҳима аралаш кутарди. Ҳатто, қандай қилиб кўзига уйқу келганига ҳам ўзи ҳайрон эди. Чунки, агар ҳозир у ўғлини уйга киритмаса, ким билади, бошига яна қандай кўргиликлар тушаркин. Эшик яна тақиллади. Иримие тўшакдан ирғиб туриб секин эшикни очди. Рўпарасида Матей турарди. У Матейни кўргач, Василега бирор кор-ҳол бўлибдими, деган хаёлда юраги орқасига тортиб кетди.

Матей ичкари киришни истамади. Негоицэга ўзинг ҳовлига чиқа қол, деди. Иримие чиқди-ю, иккаласи орқама-орқа ҳовлининг тўрида қорайиб кўриниб турган омборхона томон йўл олишди. Матей оғир нафас олар ва қайғуланган қиёфада бошини эгиб борарди. Омборхона тирқишидан хира нур тушиб турибди.

- Мана икки кун бўлди, Силе ҳали уйга келгани йўқ.
- Эҳтимол, у ҳали-вери келмаса ҳам керак.
- Қаердан биласан?
- Ўтган куни бир гуруҳ ўспиринлар қасамёд қилишди.
- Ўйлаяпсанки, Силе ҳам...
- Ўйламайман, бунга ишончим комил.

Негоицэ гўё калласига гурзи тушгандек энгашиб қолди. Бу гаплар худди тушида бўлаётгандек эди. Кейин Павелнинг сўзлари ёдига тушди. Худди нордон олма чайнагандек ёноқлари тиришиб бир зумда оғзи сўлакка тўлди-ю, четга тупуриб ташлади. У Павел билан Матей томонидан айтилган гапларнинг ҳаммасини бўлган ҳодиса эмас, балки бир тахмин, гумон деб ўйлагиси келарди. Агар бу гап ҳақиқатан ҳам тўғри бўлса, унда ўғлига юрагини бекорга ёрган экан. Балки ўз ҳаётининг, кўрган-кечирганларининг Василе учун тариқча ҳам қиммати йўқдир, шунинг учун ҳам у отасини босиб-янчиб ўз йўлидан кетгандир.

— Негоицэ, яхшилаб эслаб кўр-чи, Василега у-бу нарсани оғзингдан гуллаб қўймаганмидинг? Менинг номимни тилга олмаганмидинг?

— Йўқ, Матей. Қасам ичишим мумкин. Агар, мабодо бирон нарсани айтиб қўйган тақдиримда ҳам, у бизни сотмаслигига кўзим этади, сен нима тўғрида ўйлаётганингни билиб турибман...

— Илтимос қиламан, яхшилаб эсла-чи.

— Матей, сенинг номингни атаганим йўқ. Бундан ташқари, у умуман сотмайди.

Матей чўнтагидан сигарета чиқарди-да, кафтининг орасида гугурт чақиб ёндирди. Унинг қўли қалтирар, сигаретани кетмакет сўрарди.

— Иримие, бир вақт келиб, мен сенинг ўз лақмалигинг, ишонувчанлигинг учун таъзирингни ейишингни ҳечам хоҳламайман. Сенинг хаёлпарастлигинг бор-да.

— Хаёлпарастликка хаёлпарастман-а, лекин мен уни ўстирганимда ҳеч қачон бундай қилиб...

— Уни сен эмас, бошқалар ўстирди.

Негоицэ Матейга синчиклаб тикилди.

Матей сигаретини охирги марта қаттиқ тортди-ю, ерга ташлаб пошнаси билан эзиб юборди. Кейин бақбақасини артиб, соатига қаради-да, ўйланиб қолди.

Негоицэ Матейдан эшитган ҳамма гапларнинг тагига етишга, маъносини чақиб кўришга ҳаракат қилди. Лекин у қанча ўйламасин, ўйининг ортидан Василедан ҳамма балони, ҳатто энг аблаҳона разилликларни ҳам кутиш мумкин, деган маъно бўртиб чиқаверади. Бу нарса унинг юрагига игнадек санчила бошлади.

— Матей, агар мен уни жигарранг кўйлақда кўрсам ўлдирман!

Иримие бу сўзларни шундай қатъият билан айтдики, Матей эси жойидами ўзи, деб кўрқиб кетди.

— Иримие, бунинг ҳечам ҳожати йўқ. Фараз қилайликки, сен ўзингни қайраб уни ўлдириб қўйдинг ҳам дейлик. Бунга уларнинг кўзи билан қарайдиган бўлсак, сен улар учун аҳамиятсиз бир рақамнигина ўчириб ташлаган бўласан. Энди мана шу рақамни сен ўзингга нисбатан қўллайдиган бўлсак-чи, бу сен учун инсон маъносини ифодалайди. Шундан кейин бир умр ғам-аламда ўртаниб юрасан, умринг бўйи ўзингни бахтсиз ҳисоблайсан. Улар одамларни алдашяпти. Софдил, виждонли одамда нимаики яхши фазилат бўлса, ҳаммасини маҳв қилиб ўзини машинага айлантириб қўйишяпти. Шу билан ана шу машина вайронгарчиликни бошлайди. Сен, назарингда ер ҳайдаётган жойидан олиб келиб урушга ҳозиргина солинган немис солдати гуноҳсиз одамларни нима учун ўлдираётганини биледи, деб ўйлайсанми? У одамларни «ғоя» учун ўлдиряпти, «ғоя» — бу фюрер. Фюрер дегани эса, қандайдир телба зот! Уларнинг «ғоя»си бемаъни фикрлар йиғиндисидан бошқа нарса эмас. Агар Андрей шу ерда бўлгандами, у ҳеч қачон Василега ўхшаган бўлмасди.

— Агар у бу ерда Василега ўхшамаса, ўша ёқда шундай-ку. Худога шукр, менинг ўғлим ҳали одам ўлдиргани йўқ.

— Андрей ҳам одам ўлдирмайди.

— Русларга қандай қилиб намоз ўқишни ўргатаётгандир, эҳтимол?

— Иримие, Андрей одам ўлдирмайди!

— Албатта! Ахир у сенинг ўғлинг-ку. Нега уни ҳимоя қиласан?

— Кўлимдан келса ҳимоя қилардим, афсуски, ҳимоя қилолмайман.

— Сенга осон-да. Матей, сўзимга қулоқ сол: Василе уйга ҳеч қачон жигарранг кўйлак кийиб келмайди. Мен ўз ўғлимни жуда яхши биламан.

— Билганинг кифоя қилмайди.

Улар жимиб қолишди.

Иримиенинг сўзлари Матейга анча оғир ботди. Лекин у Негоицэнинг юрагида туғён ураётган нарсани тушуниб турарди, шунинг учун қандай қилиб бўлса ҳам ораларида тошдай тўсиқ бўлиб турган жимликни бузишга аҳд қилди.

— Иримие, қўй, хафа бўлма.

— Матей, энди мен нима қилишим керак?

Матей ундан шу саволни кутар ва бунга жавоб беришга тайёр турарди. У Негоицэнинг боғига олиб борадиган тор кўчанинг четидан келаркан, йўл бўйи шу саволга нима дейишини ўйлаб пишитиб келган эди.

— Уйингда ким борлигини яхшилаб ўйлаб кўргин. Василенинг борлиги сени ҳозирча ҳар хил кўнгилсиз «меҳмон»лардан сақлаб турибди. Агар ҳозирча улар сени ҳам ўз йўлларига киритишга ҳаракат қилмаётган экан, буни Василенинг борлигидан деб билавер.

— Жуда ҳам бераҳмсан-да, Матей!

— Иримие, мен сенинг кўзингни очмоқчиман. Сен ҳозирча фақат эҳтиёт чораларини кўриб қўйишинг керак. Ундан кейин билганингни қилаверасан. Сени огоҳлантириб қўйиш менинг бурчим.

Матей Негоицэга четдан қарагандай бўлиб тикилди. Унинг қараши Негоицэни хижолатга солди.

— Немис хотининг билан муносабатинг қалай? Назаримда, кейинги пайтларда чиқишиб қолдиларинг, дейман.

Негоицэ қовоғини солиб олди. Матейнинг Элизани ўз номи билан атамай, немис дегани унга ёқмаган эди.

— Нега ўз отини атаб гапирмаяпсан?

— Жаҳлинг чиқмасин, Негоицэ, оғзимдан чиқиб кетди. Уруш тугагандан кейин юрагимда йиғилиб қолган нафратлар қуюнини ҳайдаб чиқариш учун ҳам ўз-ўзим билан кўп курашишим керак бўлади, чоғи. Мен немислардан ҳам, ўз лаганбардорларимиздан ҳам баб-баравар жирканаман, уларни кўргани кўзим йўқ. Мен ҳозирча ёмон кўришга одатланиб қолганман, яхши кўриш учун эса ҳали вақт бор.

— Муҳаббат — бу инсонни юксакликка кўтаради.

— Ерга тикадиган пайтлари ҳам бўлади.

— Нима, сен хотинингни севмайсанми?

— Ануца, менинг чин дўстим... Сен эса ўз немисингдан эҳтиёт бўл.

— Матей, нафратланаман деб, бунчалик ҳамма нарсадан кўзингни чирт юмиб юборма. Ҳозирги гапираётган гапларинг юрагимга наштадек санчиляпти. Сен мени сигуранц¹ларнинг айфоқчилари билан бир ўринга қўйма, мен ҳам руминман. Ундан ташқари, сен менинг хотинимга немис бўлгани учун гестапочиларга қарагандек қарамагин. Буни бир вақтлар менга сенинг ўзинг айтгандинг.

— Биласанми Иримие, баъзида тариқча ҳам бардошим қолмагандек туюлиб кетади. Сен ҳозир айтган гап тўғри, уни менинг ўзим сенга ўн марталаб айтганман. Кўнгилдаги нарсани қўйиб, бошқа нарсаларни вайсаб юборган пайтларимда, тилимни гажиб ташлагим келади. Булар ҳаммаси бемаъни гаплар. Ўтиб кетади... Кўнглингга олма.

Матей яна соатига қаради, омборхонанинг тахталари тирқишидан тонг отиб келаётгани сезилиб турарди. Шундан кейин Матей чўнтагидан газетага ўроғлик икки тугунча чиқарди.

— Бир немисдан сотиб олишга тўғри келди. Уларнинг Германиядан қачон келишганини билиб олмоқчи бўлдим. Немислар Ла-Маншдаги мудофаа чизигини деярли кулини кўкка совуриб ташлашибди. Мен аёлларнинг ич кўйлаklarини сотиб олган киши ўша ёқдан келган экан. Буни қара, қанақа ажойиб ич кўйлаklar-а. Ҳарир, бутун баданни бемалол томоша қилиш мумкин. Ма, бирини менинг номимдан Элизага бер, бирини Ануцага бериб қўй... Элиза ҳақида нима деган бўлсам, кўнглингдан чиқариб юбор... Ахир, мен ҳам темир эмас, одамман-ку.

Негоицэда қандайдир шубҳалар пайдо бўла бошлади.

— Матей, Андрейга бирон гап бўлдимми?

— Йўқ, ҳеч нима бўлгани йўқ, нима бўлиши мумкин?

Матей шоша-пиша омборхонадан чиқиб кетди. Орқасидан чиққан Иримие Матейни кўрмади, гўё ер ёрилгану, Матей ерга кириб кетган. Уфқдаги булутлар ортидан қуёш мўралаб чиқмоқда эди.

27

Орадан бир неча соат ўтгач, Василе пайдо бўлди. У елкасига погон тақилган жигарранг кўйлак кийиб, кўкрагига қайиш осиб олган. Қоп-қора шими ёрилай-ёрилай деб турибди. Оёқларида юзини бир оз чанг босган, яп-янги ботинка ялтирарди.

¹ Собик монархистлар Руминиясидаги сиёсий полиция.

Василе ўз кўчасига яқинлашган пайтда оёқлари бўшашиб, ча-лиша бошлади. У бирмунча вақт тўхтаб турди, ҳатто орқасига қайрилди ҳам, қўшни кўчада бир оз санқиб ўзини босиб олган-дан кейин тишини тишига қўйганча «Кўркам кўча» томон бурилди. У муюлишдаги қаҳвахонага кириб, бир кўтаришда икки юз грамм коньяк отди. Коньякни ичгандан кейин ҳам тезда туриб кета қолмади, кайф қилсин деб столда яна бирмунча ўтирди. Келган пайтидагига нисбатан ўзини анча-мунча босиб олгандан кейингина ўрнидан турди. Уйига томон бир неча қадам қўймас-даноқ, кўнгли яна ичкилик тусаб қолди. Лекин орқага қайтиш-нинг иложи бўлмади: уни Павел кўриб қолган эди. Василе бўлса худди бир нарсадан қўрққандек унинг кўзига ташланишга боти-нолмасди. У Павелга етиб олгач тўхтади-ю, гап ташлаб кўрди.

— Салом, Павел.

Павел Василега узоқ қараб турди, кўз қири билан ханжарига кўз югуртирди. Кейин ундан нафратланиб, шартга орқасига бу-рилди-ю, бир оғиз ҳам гапирмай уйининг орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлди.

Василе тарадудланиб қолди. Аксига олгандай, келиб-келиб худди шу бугун «Кўркам кўча»нинг одамлари кўчала, изғишиб қолишганини қара! Домла Митран Василени кўрди-ю, бир нима деб минғирлаганча калласини қимирлатиб қўйди.

Василе елкасидан тер қўйганини сезиб турибди. У энди одам-лар билан кўзи тўқнаш келмаслиги учун тротуардан тушиб йўлнинг ўртасидан кетди. Одамларнинг узуқ-юлуқ гапларидан уларнинг маъносига тушунмаса ҳам, ўзи ҳақида гаплашишаёт-ганини сезиб турарди. Василе кўз қири билан тротуарга қараб қўйди. Бутун ўйлаганлари зое кетди. Биронта одам ҳатто табрик-лаш, бир-икки оғиз гаплашиш учун ҳам унинг олдига чиқмади. Василе ўзининг берган саломларига ҳам ҳеч кимнинг алик олма-ётганини кўриб жаҳли чиқиб кетди, ранги оқариб қўлини қаер-га қўйишини билмай қолди.

Келмай юрган кунлари учун уйдагилар нима дейишаркин? У отасига қайси юз билан кўриниш беради? Василе кўрқа бошла-ди. Чунки у ҳали ўзини катта бўлиб қолдим, ўзим ҳаётда муста-қилман деб билмас, оилавий шарт-шароит бўйича эса, ҳали ўзини ҳар бир қилмиши учун отаси олдида жавоб беришга бурч-ли, деб ҳисобларди. Мана шу нарса уни кўрқувга солди. Унинг ўзи бўлса-чи, отасига ҳеч нимани айтиб, тушунтириб беришни хоҳламасди. Мана, ҳозир у янгигина формада отасига рўпара бўлади. Василе устимдаги кийимларимнинг ўзиёқ бутун қилмиш-

ларимни оқлаб юборади, деб ўйларди. У ким бўлишдан қатъи назар, ўз ишларим хусусида бировга ҳисоб бериб ўтиришим шарт эмас, деб ҳисобларди. Василе шу ниятда терлаб кетган кафти билан кўча эшикнинг бандини ушлади, уни бир-икки силки-тиб очди-ю, ичкарига кирди.

Иримие бу пайт боғ билан ҳовлини бир-биридан ажратиб турадиган тахта деворни тузатаётган эди. Эшикнинг тарақлаб очилишини эшитиб дарров ўгирила қолмади. Қадам товушларининг гурсиллашиданоқ ўғли келганини билган эди. Демак, ўғли келган экан, унга ҳеч бало урмабди. Иримие суюниб қўйди, лекин шундай бўлса ҳам Матейнинг Василе ҳақидаги гаплари эсидан чиқмаган эди. Шунинг учун бу гаплар қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини Василенинг кийиб олган кийимига қараб биламан, деб ўйларди.

Иримие ўзининг хаёлга берилиш истагини енгиб, шахт билан ўгирилди. Василе отасининг бақрайиб турган кўзларини кўриб кўрқиб кетди. Ғўла устида ўтирган Иримие бир зумда букчайиб қолди. Унинг нигоҳи ўғлига қадалган эди-ю, ўзи эса ўғлини кўрмаётганга, ўғлининг орқасидаги узоқ-узоқ бўшлиқларга тикилаётганга ўхшарди. Василега орқасида кимдир турганга ўхшаб кўринди. Ўгирилиб қараб ҳеч кимни кўрмади. Негоицэ бўлса киприк ҳам қоқмай жим турарди.

— Дада, мен келдим, — минғирлади Василе.

Иримие бу сўзларни эшитгандан кейин самимий ажабланди. Унинг назарида рўпарасида кўриб тургани — бошдан-оёқ фашистлар кийимини кийиб олган йигитча ўзига эмас, кимгадир бировга мурожаат қилаётгандек туюлди.

Иримие тўсатдан турди. Гўё у қаршисида ўғли турганлигини энди сезиб қолгану, суюниб кетган, шунинг учун ҳар сафаргидан бошқачароқ кутиб олиш керак, деган фикрга боргандек эди. У ўғлининг олдига бориб яхшилаб кўришди, кейин сизлаб гапириб уйга таклиф қилди. Василе бўлса отасининг пичингларига тушунмай унинг орқасидан эргашди. Остонага борганда, иккаласи ҳам бараварига тўхтаб қолишди.

— Элиза, азизим, «анавилар» қадам ранжида қилишди, қазноқдаги энг яхши нарсаларингдан олиб чиқ. Қара-чи, эҳтимол бир оз цуйка ҳам қолгандир.

Элиза йигитга кўрқиб қаради, кейин ҳазиллашаётибдими ёки ростакам гапиряптими, деб тушунмай эрига ўгирилди.

— Элиза, нима қилиб турибсан? Менинг ахир яккаю ягона ўғлим бор, катта бўлганини кўриб ўлсам армоним йўқ деярдим.

Ниятимга етдим, мана қара, заҳарбосди олиб чиқ! Нега қараб турибсан? Ўтиринг, азиз ўғилчам. Худо берган нарсалардан тамадди қилинг.

Кўрқиб кетган Элиза бирпасда нон, ёғ ҳамда яқингинада тайёрлаган нордон қайлалик котлетни товачаси билан дастурхонга келтириб қўйди. У дастурхон тузатаркан, тагин ўз буйругини тўсатдан ўзгартириб қолмасайди, деб эрига қараб-қараб кўярди. Иримие бўлса ҳеч кимга қарамас, худди танимаётгандек фақат ўғлигагина тикиларди.

Элиза бир шиша цуйка олиб келди. Иримие ҳали ҳам кўзини ўғлидан узмасдан ичимликни стаканга қўйди.

Василе буларни кўриб нима деб ўйлашини ҳам билмай қолди. Отасининг хуш қабул қилиши уни лол қилиб қўйган эди. Кейин бу такаллуфларнинг барини ўзидан, бир оз нафталин ҳиди анқиб турган формасидан кўрқишаётганларининг аломати, деб ўйлади. Чунки унинг ўзи ҳам биринчи марта эсэсчиларни кўрганда худди мана шундай ҳолга тушган, яъни кўрқинч аралаш уларга қойил қолган ҳамда ҳавас қилган эди. Ўшанда худди мана шундай кийим-бош кийишни орзу қилганди, мана энди ўша орзуси ушалаётибди. Эсэсчиларнинг формасига бир қадам қолди, холос. Энди унинг кўрқишидан асар ҳам қолмади. Қалбини аста-секин гурур эгаллай бошлади. Василе кенг кўкрагини яна ҳам кериб, табас-сум аралаш отасига қаради. Отаси бўлса, унинг қаршисида бўйинини ҳам қилиб турар, қовоғи солинган, кўзлари эса баъзан қизиқ бир ҳолатда чақнаб кетса ҳам барибир қандайдир итоаткорона боқарди. Василенинг тўсатдан руҳи тушиб кетди. У бундан довдираб қолган эди. Лекин бу ҳолат бир зумгина — цуйка таъсир қилгунча давом этди. Кейин яна қадимги аслига тушиб олди. Ана шундан кейин эшилиб кетди. Энди ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмас, ўзидан бўлак ҳеч кимса ҳақида гапиришни истамасди.

— Силе, мактабга бормаётибсанми? — сўраб қолди Элиза.

— Ойи, мактаб энди кузгача очилмайди. Ҳозир фавқуллода ҳолат.

Элиза эсанкираб қолди. Мана, неча йил шу хонадонда яшайптики, Василедан она сўзини иккинчи марта эшитиши. Унинг тез-тез жаҳли чиқиб, Василени койиб ташлайверишининг боиси ҳам шунда эди. Элиза шу хонадонда сочим супурги, қўлим косов бўлиб хизмат қилганимга яраша жилла курса она деган сўзни эшитармикинман, дерди.

— Ойи, нега менга бунчалик тикилиб қолдинг? — деди Василе оғзидан тўсатдан чиқиб кетган бир сўзи уни шунчалик эсан-

киратиб қўйганлигини тушунмай. Элизанинг чехраси очилиб, югур-югурга тушиб қолди. Энди у эрига ҳам қарамас, ундан мас-лаҳат ҳам сўрамасди. Қазноқ билан стол орасида танда қўяркан, бизнинг оилага ҳам энди иттифоқлик, барака кирса ажаб эмас, деб ўйларди. Элиза столни тузаб бўлди ҳамки, қўллари тинчмас, дам у-буни артар, дам дастурхонни текисларди. Кейин бирдан қаторда Ионуцнинг йўқлиги эсига тушиб қолди.

— Азизлар, сизлар ўтира туринглар, мен дарров Ионуцни чақириб келаман. — Элиза ҳаммани жамулжам кўришни хоҳларди. Шунинг учун оила аъзоларининг дастурхон тепасида иноқ гаплашиб ўтиришини кўриб, роҳатланишга ошиқиб кетаётган эди. Эшикдан Ионуц, орқасидан ҳарсиллаб Элиза кириб келди. Ханжар болаларни дарров ўзига жалб қилиб оладиган буюм эмасми, Ионуц Василени кўриши билан ҳаммани қўйиб унинг белидаги ханжарига ёпишди.

Элиза печканинг олдида туриб олиб Иримиега қараганча унинг ҳолатига тушунмасди, ҳамма шўх-шодон ўтирган, ҳатто Василе ҳам мени ойи деб атаган бир пайтда нега энди у аллақандайдир қайғуга чўкиб ўтирибди, деб ҳайрон бўларди. Кейин тақводорона: «О, Худойим, юрагимни ўзинг тинчлантир, меҳр-муҳаббатни ўртадан кўтармагин», деб қўйди ўзига-ўзи ва одам ўзини яхши ҳис қилиши учун озгина дилхушлик бўлса кифоя экан-а, деб ўйлади.

— Ич, ўғлим, — Иримие шундай деб ўз стаканини оппоқ отиб юборди.

Василе қаттиқ чарчагани устига тунда вино, келаётиб яна коньяк ичган эди. Шу сабабли ҳозир кайфи ошиб қолди.

Шундан кейин у тўла-тўкис бахтга эришганлигини, омад кулиб боққанини намоёиш қилиш учун тамоман ўзини қўйворди. Тўлиб-тошиб мақтанишга, фурурланишга тушди. У ҳар қандай эҳтиётгарчиликни йиғиштириб қўйди. Ахир ўз оиласида ўтирибди-ку, тилига тамоман эрк берди. Ўша куни йўлда, немис гарнизонининг қўмондонлик штабига кетаётиб не-не хаёлларга борганлигини бирма-бир гапириб берди. У гапирганда ҳам шундай сухандонлик, устомонлик билан гапирдики, ўз шахсиятига тегадиган, ўзини пастга урадиган бирон оғиз ҳам сўз айтмади. Василе бундан ташқари полковникнинг қандай қабул қилгани-ю, Фриднинг мана шу садоқатли ҳамда жасур одам ҳақида айтган гапларигача оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

— Дада, биласанми, Фрид шундай деган заҳоти кўз олдимни туман босиб, ҳаммаёқ қоронғи бўлиб кетди. Шундан кейин унинг

кекирдагидан маҳкам бўғиб олдим. Томоғини шундай бўғдим-ки, лабининг чеккасидан кўпик чиқиб, оғзи очилиб қолмагунча қўйвормадим. Кейин... шу вақтда мен уни у дунёга...

— Жўната олишинг мумкин эди, — Иримие унинг сўзини охирига етказди.

— Ҳа, дада, — Василе тасдиқлади.

Элиза кўрққанидан ўзини четга оламан деб плиткадаги кастрюлни ағдариб юборди.

Василе яна бир стакан ичди. Лекин бу сафар ёлғиз ўзи ичди. У ичаркан қалқиб кетиб цуйка кўйлагига тўкилар, ўзи эса эътибор қилмасди. Ичиб бўлгандан кейин стаканни столга қўйиб, қўли билан лабини артди-да, бармоғини отасига нўқиб, ўдагайлай бошлади.

— Дада. Дада, жаноби стрелкачи, сен айёрсан... Сен мени ҳам ўз йўлингга солмоқчи бўлган эдинг. Шуни билиб қўйгинки, мен сен гапирган гапларнинг биронтасига ҳам ишонмайман. Сен менинг жаҳлимни чиқармоқчи бўлдинг, лекин муддаонга столмадинг. Дада, клубда қанақа қизлар борлигини биласанми? Пари деявер, пари. Биттаси бу тиззамга ўтириб олди, иккинчиси эса бу тиззамга. Мен бўлсам, иккаласини ҳам ўпдим.

Жони ҳалқумига келиб кетган Элиза ҳеч нимага тушунмай, отаси нега индамаяпти, нега энди Василени пештахам гаплар гапираётгани учун оғзига уриб тўхтатмаяпти, деб Иримиега қаради. Негоицэ бўлса унинг қарашига парво қилмади.

— Дада, мен бирон керакли одам бўлишинг учун сенга ёрдам бераман... Мен сенинг ўғлингман-ку. Шундай экан, менинг ҳам оз-моз қадр-қимматим бордир. Мен ҳақиқий одамман, сенга ўхшаш юраги пўк кўрқоқлардан эмасман. Дада, биласанми, мен сенинг бошингга ўлим тушса шу ўлим олдидаги ҳолатингни тасаввур қилиб кўрдим. Мен ўқ келиб сени ўлдиргунча кўрққанингдан ундан олдинроқ ўлиб қолсанг керак, деб ўйлайман. Шульц айтгандай, ўқ еб ўлиш, ўлимларнинг ичида энг осондир. Пақ этади-ю, жонингни у дунёга жўнатади-кўяди. Ҳа-ҳа-ҳа! Чиниқиш, тарбияланиш керак, тамом вассалом. Ғояга эътиқод ундан ҳам зарур. Дада, анави менга сотган сафсаталаринг ёдинг-да турибдими? Мен эса барини унутиб юбордим. Сенга ҳам уларнинг ҳаммасини эсингдан чиқариб юборишингни маслаҳат бераман. У сенинг ғоянг эмас! Биз у ғоянгни ер билан яксон қилиб ташлаймиз. — Василе шундай деди-ю, столда турган стаканни кафти орасига олиб қаттиқ сиқиб қўйди. Бу билан у сўзининг қатъийлигига ишора қилган эди. — Ойи, нега биз билан бирга

ўтирмаясан? Эсингдами, «яккаю ёлғиз худойимнинг ўзига ишонаман», деганларинг эсингдами? Худо — бу фюрер. Агар кимдаким унинг амрига бўйсунмас, унга сажда қилмас экан, ер юзида авлод-аждоди билан қуриб кетади! Мана шунақа!

Ионуц Василенинг тиззасида унинг ханжарини ўйнаб ўтирган эди. Фазаб билан гапираётганини эшитиб, секин-аста тушди-ю, ойисининг пинжига тиқилди.

Василе Элизани умрида биринчи бор кўраётгандек, унга қаради-да, гандираклаганча олдига келди. У Элизанинг ёнига, каравотга ўтирди, кейин бўйнидан кучоқлаб ёноқларидан ўпа бошлади.

— Ойи, мен сени чин юрагимдан ўпяпман. Аҳмоқона гапларни валдираб юбордим. Лекин ойи, сен мени кечир. Мен сени кўп дилингни огритардим, гапларингга кирмасдим... Аммо мен ҳам чўчқа эмасман-ку. Мана шу кўкрагимда қалбим бор. Эҳтимол, буюк қалбдир. Дадамга бўлса, ўзим ёрдам бераман... Иродали бўлиши учун... Бундан буён сени ташлаб кетмаслиги учун... Оҳ! Ойи, менга хушомад қиляпти деб кўнглингга келтирма. Сен бор экансан, мен мана шундоқ бўлдим. Йўқ, мен-а, ҳеч қачон. Мен, ўлдиришади, деб ўйлагандим. Аксинча, мени полковник ўзи қабул қилди. Ойи, аёл вужуди билан севишга интилса-ю, лекин севолмаса, юраги тошдай бўлиб тураверса, сен... сен бунинг нима эканлигини тушунасанми? Ойи, мен кўп хотинларни кўрдим, лекин буни қараки, ҳеч қайсисини севолмадим. Ойи, сен гоё нима эканлигини биласанми? Билмайсан... Бу...

Василе яна бир нималар деб минғирлади. Кейин боши бўйнига эгилди-ю, шилқ этиб тушди. Чунки, аввало, кайфи ошди, ундан кейин ўзи ҳам итдай чарчаган эди. У секин-аста каравотга чўзилиб бирпасда уйқуга кетди. Унинг чехрасида беташвишлик, хотиржамлик аломатлари акс этиб турарди.

Иримие бўлса, худди қотиб қолгандек, жойидан қимирламасди. Элиза қимирлашга ҳам, Василени уйғотишга ҳам кўрқиб, товушини чиқармай унсиз йиғига тушди. Ионуц-чи, у Василенинг металл гилоф ичидаги ханжаридан кўзини узмасди, ўз «хазина»сидаги нарсалардан қай бирини акасига кўз-кўз қилиб, унинг кўнглини овлаши ва ханжарига алмаша олиши мумкинлигини ўйлаб жонсарақ эди.

Иримие нега ўғлини уйга киритганига, нега у билан бошқача қилиб гаплашиб қўймай, ўзини бундай тутганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Агар у ўғлини майна қилиб кулмоқчи бўлиб шундай қилган бўлса, унда муддаосига эриша олмади. Эҳтимол, ўгли билан юрак-

дан гаплашишни хоҳлаб, Василе тушиб олган йўл яхшиликка, рўшноликка олиб чиқа олмаслигини бошлаб уқтириб қўймоқчи бўлганмикин? Шундай бўлиши ҳам мумкин... Агар шундай бўлса, у худди ғойибдан биров келиб калласидаги фикрини, ўй-хаёлларини музлатиб кетгандай миқ этмай ўтирди-ку! Иримие ўғлининг совуқ назаридан Василе мени яхши кўрганларидан эмас, аксинча, кўрққанларидан мана шундай тантана билан яхшилаб кутиб олди, деган маънони уқди. Лекин Иримие кўрқмас, унинг кўрқадиган жойи ҳам йўқ эди. Мана, қанчалик тиришмасин, жон куйдирмасин, оқибатда унинг истамагани бўлиб чиқди. Бунда унинг заррача айби йўқ, бу йўлдан қайтариш учун энди бераҳмларча бўлса ҳам ҳар қанча чора-тадбир қўллагансин барибир фойда бермайди, бари елга кетади. Энди бу ёғига ҳар бири ўз йўлидан бориб, пешанасидагини кўради. Бир кун бориб боши деворга тақ этиб текканда, ким қандай йўлга тушганини билиб олади. У Матейга, агар ўғлим жигарранг қўйлак кийиб келадиган бўлса, ўз кўлим билан ўлдираман, деган эди. Иримие шундай қила олармиди? Бу ожиз, нотавон бир одамнинг — дарғазаб отанинг ўғлини ўша алфозда кўришни истамай айтган дил сўзлари эди, холос.

Иримие Василега қараб қўйди. У бу қарашда ҳали болалиги аримаган маъсум чеҳрани кўрди, ўзига таниш, ҳатто кўнглига яқин нафасни туйди. Агар бошқа вақт бўлганда эркалаган, юзларини сийпалаб қўйган бўларди. Ҳозир эса бунга мутлақо қўли бормади. Ўғлига нисбатан бўлган охирги қатра оталик меҳрини худди шу бугун қалбидан ситиб чиқарди. Охирги тор узилди. У оталик меҳрини узил-кесил қабрга тикди... Эҳ, агар буни қалбида уйғотишнинг иложи бўлса нималардан кечмасди у.

28

Василе эрталаб уйғониб қараса, ўрнида ёлғиз ўзи ётибди. Иримие ишида, Элиза у-бу харид қилгани бозорга кетган, Ионуц бўлса одатдагидек қаерлардадир тентираб, кўча чангитиб юрарди.

Василе зинага чиқди. У ярим соатча бадантарбия билан шуғулланди, бокс машқ қилди. Белигача ечиниб совуқ сувга ювинди. Кейин янги формасини тозалади, ботинкасини обдан ялтиратиб артди-да, ертўлага тушиб энди ачий бошлаган kwasдан симириб кўчага чиқиб кетди.

Кўча эшигининг олдида деворга суянганча ўтирган Виссарийон Байяшни кўрди. Эгнида ҳалиям ўша-ўша дазмолланган шим,

оёғида ялтироқ ботинка, кўйлаги ҳам янги дазмолланган, дазмолловчи тажрибасиз бўлса керак, ёқасини буриштириб кўйибди.

Байяш Василени кўрибоқ, ҳовлисига кириб кетмоқчи бўлган эди, Василе ундан олдин отни қамчилаб қолди.

— Виссарион амаки, қаерга шошиляпсан?

— Соғлиқларинг қалай, Василе? Шундай ўзим, иш билан...

Василе тўппа-тўғри келиб Виссарион ўтирган гўлага чўккандан кейин у ҳам жилла курса бир-икки оғиз ҳол-аҳвол сўрашмай, жўнаб қолиши ноқулай эканлигини билиб ўтира қолди.

Виссарионнинг мулоимлик билан сўрашиши Василени ҳақиқатан ҳам устимдаги формам менга одамларнинг ҳурмат билан қарашларига мажбур қиляпти, деган қатъий қарорга олиб келди. Виссарион гўланинг чеккасига чўкиб миқ этмай ўтираверди. Чунки Василе билан учрашиб қолгани кўнглига ёқмаган, уни безовта қила бошлаган эди. Шунинг учун туриб кетишга уринди-ю, лекин бунга ботинмади. Василе бўлса, Виссарионнинг ўзини ноқулай сезаётганини билиб, ичида суюниб кўйди. У бир вақтлар Рудольфдан Байяш ҳақиқатан ҳам полицияда ишлайдими, деб қизиқиб сўраб жавоб ололмаган эди.

Командир Василенинг олдига унга биркитилган районда кимда-ким шубҳали, диққатга сазовор ишлар билан шуғулланаётган бўлса, кўз-қулоқ бўлиб туриш ва ҳар уч кунда келиб, ёзма равишда батафсил маълумот бериб кетиш масаласини кўйган эди. Дастлаб бу иш Василега ёқмади, чунки бу нимаси биландир унга ҳозир шубҳаланаётгани Виссарионнинг хатти-ҳаракатларини эслатган эди. Кейин бу вазифага бошқача назар билан қарай бошлади. Ҳатто бир оз ғурурланиб ҳам кўйди, чунки у одамлар ичида шароитга мослашиб, оддий кийим кийган ҳолда, улар нима гапираркин, оғзидан нима гап чиқаркин, деб қулогини динг қилиб юрадиган айғоқчи, чақмачақар эмас-ку. Василе гарчи доим айғоқчилар бўлишини зарур деб ҳисобласа ҳам, лекин мана бу «олифта авомлар» ҳамма вақт яхшилик қиламан деб қилдай ишни филдай ошириб кўрсатишларини билар ва шунинг учун ҳам улардан нафратланарди. Эғнидаги формаси унга ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам туриш имконини яратиб беради. У «янги тартиб»нинг таянчи, унга фақатгина «янги тартиб»нинг шаънини ҳимоя қилиш, ҳар хил маълумотларни етказиб туришгина эмас, балки шу тузум номидан иш кўриш ҳуқуқини ҳам бериб кўйишибди. Йўқ, бу икки вазифа бир-бирига чирма-

шиб кетгандек кўринса-да, лекин аслида улар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди.

Василе қандай қилиб бўлса ҳам Виссарионнинг қаерда ишлашини жуда-жуда билгиси келиб кетди. Буни биринчидан, иши, вазифаси тақозо қилган бўлса, иккинчидан, бунга ўзи ҳам қизиқсиниб қолган эди.

— Виссарион амаки, буни қара, ботинканг шундай тозаки, ҳатто гард ҳам юқмаган. Шимингнинг қирраси бўлса пичоқнинг дамига ўхшайди. Шимингга юбка қистириб олишни хоҳламайсанми?

Байяш нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди. У Василенинг бурни остидаги сабза урган қоп-қора мўйловига қараб туриб бошлаб жавоб бермоқчи бўлган эди-ю, лекин кўйлагининг рангини эслаб, чурқ этиб оғиз очишга ботина олмади.

— Василе, ҳамма нима кийган бўлса биз ҳам шуни кийиб юрибмиз. Сен эса жуда баланд дорга осилибсан! Бошлиқларнинг арзандаси бўлиш — бу жуда катта гап!

— Ҳасад қиляпсанми?

— Чин сўзим, ҳечам ҳасад қилаётганим йўқ. Азизим Василе, менда ҳид билиш қобилияти бор, сен ҳали гўрсан, кўп нарсани билмайсан, кўп нарсаларнинг фарқига ҳам бормайсан.

— Нега тўсатдан мен билан бунчалик мулойим гаплашадиган бўлиб қолдинг? Ахир бундан бир неча кун муқаддам тамоман бошқача гаплашган эдик-ку!

— Форманг бор, нима ҳам дея олардим. Форма — бу жуда ажойиб нарса. Фақат сенда сезиб олиш қобилияти йўқ. Василе, форма киймай бошқача ишлаш мумкин уларга.

— Демак, менинг форма кийганим сенга ёқмабди-да! Бу гапинг билан шундай демоқчимисан?

— Менга ўри ҳам, қири ҳам барибир. Лекин сен муштдек бўла туриб катта ишга бош қўшибсан.

Василе чўнтагидан немис сигаретасини чиқариб Байяшга тутган эди, Виссарион бошини қимирлатиб ташаккур билдирди. Кейин сигаретанинг қайси хили эканлигини билиб олмоқ учун секингина бўйнини чўзиб қаради.

— Виссарион амаки, қаерда ишляпсан? — деди Василе Байяш эсанкираб қолиб оғзидан чиқиб кетармикин, деган хаёлда. — Шимингнинг қати бузилмаган, ботинканг ҳам яп-янги. Бу кийимларни сотиб олишнинг ўзи бўлмайди-ку. Кимлардир бергандир, ахир?

— Қаттиқ сел қуйиб дарёлар тошган пайтда балиқлар сув оқизиб узоқ-узоқлардаги ботқоқликларга олиб бориб ташламаслиги учун соҳилда бирон ниманинг остига кириб беркиниб олади. Улар фалокатни олдиндан сезади. Менда ҳам сезиш, ҳис қилиш қобилияти мавжуд. Инсон қаерда имконияти бўлса, ўша ерда таълим олади. Мушуклар билан сичқонлар ер қимирлашини олдиндан билди. Баъзи бир қушлар эса бўрон бўлишидан хабар бериб чирқиллайди. Нима, инсон улардан аҳмоқроқмиди? Бўладиган нарсани аввалдан сеза олиш — бу жуда катта фазилат. Вақтики келиб бу нарсанинг фарқига бора оладиган бўлиб қолганинга зарурат тугилгудек бўлса дард кўрмайсан, доим қўлинг баланд бўлади.

— Виссарион амаки, қандай қилиб шу даражада ўзгариб кетганингни ўйлаб ўйимга етолмаяпман, туппа-тузук одам эдинг, энди бўлса ўзингни гўлликка соласан. Мен фақат оёғинг тагидаги замин ўпирилиб кетмаганига ҳайронман...

Виссарион чекди. У тез-тез тортаркан, папирос учида қандай қилиб кул пайдо бўлаётганини кузатарди.

— Назарингда Василе, сен гўё ўзгармаганга ўхшайсан-а? Беқийс ўзгаргансан! Бирор якшанбани черковга бормасдан ўтказолмайсан. Эсингдами, муюлишда тиланчилик қилиб ўтирган кўр кишини калака қилган бир шофёр билан роса муштлашганларинг. Ўзгармаган ҳали сенми? Эгнингдаги формани берган жойда фақат ибодатни ўргатишмаса керак.

Василе бўлган воқеаларни эслаб кулиб қўйди. Байяш сўзида давом этди:

— Мен сени муштдек пайтингдан биламан. Ўшандаёқ бало, бундан бир нарса чиқади, деб ўйлагандим. Жуда зийрак бола эдинг.

— У пайтда сен ҳам бошқа одам эдинг.

— Сен ҳам.

— Виссарион амаки, сен худога ишонасанми?

— Худо бу — аҳмоқларнинг таянчи, кўп ҳолларда эса доноларнинг заволи. Ақлли одамлар ўз каллаларига ишонишади. Каллалари ишдан чиқиб ҳеч нимага ярамай қолган пайтда улар бошқа бир таянч нуқтасини ахтаришади.

— Виссарион амаки, сен полицияда ишлайсанми?

— Сенинг нима ишинг бор?

— Ишим бор-да. Виссарион амаки, сен одамларни алдаб юраркансан, мен буни билиб олдим.

Виссарион қизариб кетди. У Василе гумонсираб гапираётимдими ёки шундай қатъий хулосага келдим, деб ўйлади ва буни

уқиб олиш учун Василега тикилиб қаради. Йўқ, булар бари ҳали тахмин. Василе буни қаёқдан биларди! Агар у буни аниқ билганда бундан бошқа яна баъзи гапларни ҳам гапирган бўларди, албатта.

Виссарион тиззамнинг кўзи халта бўлиб қолмасин, деган ўйда ўрнидан турди, шимини бир оз кўтариб қўйиб, кейин яна ўз ўрнига ўтирди.

— Одамлар ҳам ўзгариб туради, Василе. Гапимга кулоқ сол. Мен сени бир қаричлигингдан биламан. Гарчи, Иримие гаплашганда мени унчалик хуш кўрмаса ҳам, сен менга жуда ёқасан. Биз иккаламиз бирга ўйнардик. Ўшанда сен муштаккина бола эдинг. Мен сен билан бекорга ўйнамаганман. Бир вақт келиб хўжайинлик қиладиган болаларга бегона бўлиб қолмайин, деган ниятда шундай қилган эдим. Демак, одам бугунни эмас эртасини, келажак кунларини ҳам ўйлаб қўйса, ёмон бўлмас экан. Ҳаёт бу ўнқир-чўнқирликлардан, баланд-пастликлардан иборат бўлади. Агар ҳаётда бир нималик бўлиб олишни истасанг пастга ҳам тушиб кетма, баландга ҳам чиқиб кетма, ўртада юравер. Бу устомонликдир. Сен ҳаётда немисларга хос ор-номусга эга бўлишнинг ўзигагина кифоя қилади, деб ўйлайсанми? Ор-номус — одамга тегишли нарса ва одамнинг изнида.

— Демак, Виссарион амаки, ор-номусни ҳар ким ўзича тушунаркан-да?

— Ҳа, Василе, ҳамма гап мана шунда.

— Ундай бўлса билиб қўй: сен менинг нуқтаи назарим бўйича энг тубан, разил одамсан. Бундай гапларни иккинчи эшитмай. Агар мен сени илгаридан яхши билмаганимда, ҳозирнинг ўзида зарур чораларни кўрган бўлардим. Шунини айтиб қўяйки, сен ҳар қандай ҳокимиятга, ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди буни, агар бу ҳокимиятнинг ўрнига бошқа ҳокимият келиб қолгудай бўлса, ўша ҳокимиятга ҳам хавфли бир кимса бўлиб қолаверасан. Ўзингнинг сохта ташқи қиёфанг билан одамларни ҳозир қандай алдаб юрган бўлсанг, ўшанда ҳам худди шундай алдаб юраверасан. Сен нимани тама қилишингни мен жуда яхши биламан. Сен ҳокимият тепасига коммунистларми ёки бошқа бировларми келади деб ўйлайсан. Ана шунда бу ерларда немислар ҳукмронлик қилиб туришганда «мен бўлган-турганим мана шундайлиги учун коммунистлар билан бирга бўлолмадим», дейсан ва ўша ҳокимиятни ҳам алдайсан. Ҳозирча сен инингда миқ этмай ўтирасан, ботинканг билан шимингни кўз-кўз қиласан, аллақандай сирли, ҳеч ким билмайдиган ишлар билан шуғулланасан. Инингдан чиқ-

қанингда эса, кеккайиб ўзингни халойиққа довурак қилиб кўрсатсан. Сен ахлатсан, Виссарион амаки, ҳокимият тепасига ким келмасин, барибир бадбўй ис таратиб тураверасан.

Виссарион ўзини заррача ҳам таҳқирланган ҳис қилмади. Ҳатто унинг бир оз жилмайиб туришидан, Василе жуда қаттиқ ҳазил қиласан-да, майли, ҳазилингни кўтараман, ўтмайди, деган маънони уқиб олиш мумкин эди. Лекин Виссарион ўзини шу даражада тубан ҳисобламагани билан, аслида бу таъналарга бир қадар лойиқлигини юрагининг ич-ичидан ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам Василедан хафа бўлмади.

— Эҳ, анча-мунча айёрлигинг бор-да, Василе, калланг жойида. Лекин бир нарсада хато қиляпсан. Ҳаддан ташқари узоққа кўз ташлаяпсан. Мен ҳозирги ҳаётимдан жудаям мамнунман. Илгарига қараганда беш марта кўп даромад қиляпман. Ботинкам бор, шимим бор. Қаёққа қўл узатсам етади, ҳеч нимадан камчилигим йўқ. Сен жуда ҳам олдинга югургилаб кетяпсан. Бу ишда олдин кетиш ярамайди.

— Мен, илгарилари гарчи бирон мақсад билан яшаган ва хизмат қилган бўлсанг ҳам ўша ишларингдан нафратланаман. Ҳозир эса муглақо яроқсиз одам бўлиб қолгансан. Худди зулукнинг ўзгинаси.

— Ўлмасак кўрамиз ҳали, Василе. Ҳаётнинг ўзи биз ҳақимизда ҳукмини чиқаради бир кун келиб.

— Агар мана шу ҳаётга сенинг ҳам алоқанг бўладиган бўлса, менга ҳукм чиқаришлари учун ҳеч кимга розилик бермайман.

— Эҳтимол, ҳеч ким сенинг розилингни сўраб ўтирмас.

Виссарионнинг гапидаги дўстона оҳанг Василенинг бошини қотириб қўйди. У Байяшни фақат жаҳли чиқиб кетгандан кейингина юрагига таъсир қилиш мумкин, деб ўйлаган эди. Энди сўкиш, ҳақорат қилиш билан бунга эришиб бўлмаслигига кўзи етди. Чунки ҳақорат гапларни Байяш сиртига юқтирмаётган эди.

— Барибир сен ўзингнинг бутун хотираларинг, ботинкаларинг шимларинг билан бирга қўшилиб энг аблаҳ одамсан.

— Гап шундаки, мен ёмон одам бўлсам ҳам ҳеч ким мени қора иштон кийгансан деб жазога тортмайди.

Василе қовоғини солди.

— Ажойиб бир командиримиз бор. Энг хавфли душман деб Германиянинг ғалабасига ишонмайдиганларни ҳисоблайди. — Василе ёлғон гапира бошлади, — мен одамларни сўроқ қилаётганида олдида бўлгандим. Бир нусха кайфида гапириб қўйганларини бўйнига олишдан бош тортди. Сен ҳам ўшанга ўхшаган

нухаларнинг бирисан-да. Кейин унинг тирноқларини суғуриб олишди. Қўлтиғининг тагига қиздирилган тухум босишди... Ҳар ҳолда, мана шундай сўроқ пайтида яна бир марта иштирок этсам керак, деб ўйлайман.

Василе туриб ўзини кетмоқчи бўлаётган қилиб кўрсатди.

Виссарион шу заҳоти устига қайноқ сув тўкилгандай сакраб туриб, Василени қўлларидан ушлаб олди.

— Василе, мен ахир сени қўлимда кўтариб катта қилганман-ку. Нима истайсан мендан? Сенга ҳазиллашдим. Мен ҳамма буйруғингга тай...

— Қаерда ишлайсан? Шунини айтсанг, ўз ҳолингга қўяман.

— Айтолмайман, Василе

— Жуда яхши, унда мен ҳам жим турмайман.

— Василе, сенинг учун қанчалик қайғурганларимни отангдан сўрай қол...

— Қаерда ишлайсан?

— Айтолмайман, ахир... бу...

— Айтасанми, йўқми?

— Василе, сени ёмон кўриб қолишимга мажбур қилма!

— Ҳар қандай туйғуларингнинг падарига лаънат! Нима, сен хотинмисан?

— Ойинг билиб қолади-да.

— Шундан кўрқяпсанми? Хотиржам бўлавер. Ҳар ҳолда ора-ларингдаги ҳисоб-китоб тугаганлигига ишончим комил.

— Ҳа, Василе, ҳаммаси тугаган.

— Менинг асабим билан ҳазиллашма. Айтасанми ё йўқми?

— Нажас ташувчиман.

— Ким? Ким?

— «Олтин» ковлайман.

— Ҳожатхона ковлаб, нажас ташийсанми?

— Ҳа, Василе, — Виссарион кулгисини яшириш учун бошини қуйи солди.

Василе хахолаб қулиб юборди. Бундай қулиш унга қўндоқда теккан эди. У жони борича кулар, кулганда ҳам лаззатланиб чангак бўлиб қолган қорнини ушлаб олиб куларди.

— Бочкага солиб ташийсанми... Ҳаҳ-ҳа-ҳа! Бир вақтлари одам деса бўларди, энди-чи... ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа! Мана, ажойибот!..

— Василе, илтимос, ойингга айтиб қўйма. Ҳурматим юзасидан...

Василе баттарроқ хахолаганча узоқлашди. Виссарион бўлса, ҳамма сирлари ичидан фақатгина мана шуниси маълум бўлганидан ичида суюниб, ҳовлисига кириб кетди.

Василе уйга келгандагина лабини кулгидан йиғиштириб олди, бу янгилик кўз олдида шу қадар тўсатдан содир бўлган эдики, ўзини ҳамма вақт ҳам қўлга ола биладиган Василе, ҳозир зўр-базўр кулгисини босиб турарди. Василе ўзини тутиб олди. Кейин, Виссарионнинг бу иши оғзидан гуллаб қўймасликка ҳаракат қилаётгани — мутлақо бошқа бир ишининг ниқоби эканлигига бўлган шубҳасини яна оширди. Шундан кейин Виссарион сигуранцга хизмат қилади, деган ўз фикрига қаттиқроқ ишонч ҳосил қилди.

29

Шу кунларда Василе Адольф Гитлернинг сурати солинган плакатларни турли жойларга ёпиштириб чиқди. Суратнинг остига «Фюрерга эътиқод — бу ғалабадир», деган сўзлар ёзилган эди. У бу плакатлардан бирини темир йўл будкасига ёпиштирмақчи бўлган эди, отаси руҳсат бермади. Шундан кейин бирваракайига иккита плакатни ўз уйларининг деворига ёпиштириб қўйди.

«Кўркам кўча»нинг болалари янги рангдор плакатни кўриб, югуриб келишди.

— Мана бу қоғоздаги амаки, ёнган парларда куйиб ўлган амакига жудаям ўхшаркан, ойм айтиб берган.

— Қайси амакини айтяпсан?

— Ҳалиги-чи, ҳар доим резинка заводига мана шу ердан ўтиб кетадиган.

— Унинг шунақа сочлари бор эканми?

— У ахир шапка кийиб ўтарди-ку.

— Мўйловларини қара — худди ўзгинаси!

— Ҳа, тўғри, мўйлови жудаям ўхшайди.

— Бу суратларни менинг акам ёпиштирди, — деди Ионуц шу билан суҳбатга қўшила олишидан керилиб.

— Сенинг аканг худди немиснинг ўзи бўпти қўйибди, — деди бир бола.

— Нима қипти?

— Ҳеч нима.

— Ионуц, сен унинг ханжарини ўйнадингми? — деди ўн ёшлардаги сочи олинган бола.

— Ўйнадим.

— Агар сенинг ўрнингда бўлганимда уни ўғирлаб олиб чиқиб сотган бўлардим.

— Сен ханжарни сотишади деб ўйлайсанми? Мен, ханжарингни иккита ошиқ билан битта мис тугмачага алмашайлик, деб таклиф қилдим. У бўлса, мумкин эмас, ханжар форма кийган одамларгагина ярашади, деди.

— Ионуц, аҳмоқ экансан, нега энди сенга ханжар ярашмас экан?

Ионуц нима деб жавоб беришини билмади, елкасини қисиб қўя қолди.

— Хуллас, манави суратдаги амаки жудаям хунук экан.

Ионуц бу плакатларни Василе ёпиштиргани учун ундаги одамни ҳимоя қилишга ўзида мажбурият ҳис этди.

— Ўзинг жудаям чиройлисан-да.

— Мен сенга ўзим ҳақимда гапиряпманми? Буни шунинг учун ҳам айтдимки, ҳозир ҳеч ким бунақа мўйлов қўймайди.

— У-ки шундоқ мўйлов қўйибдими, демак, бошқалар ҳам қўяди-да. Катта одам, пули кўп, нима хоҳласа шуни қилаверади.

— Унинг нимаси катта, Ионуц! Кўрмаяпсанми, белидан пасти йўқ. У агар сен айтгандек, ҳақиқатан ҳам пули кўп одам бўлганда суратга бор бўйи билан тушмасмиди?

— Ҳозир уруш пайти, эҳтимол, унинг оёғи йўқдир, — деди Ионуц.

— Ҳақиқатан ҳам қорни йўқ экан, унда ичаклари қаерда?

— Қанақа ичаклар? Сенга қоғозга туширилган суратда ичаклари ҳам кўриниб турсинми?

— Ичак — бу энг асосий нарса. Бу ерда кўринмаяпти-ку.

— Гаврилуш, аҳмоқ экансан!

— Нега энди? Аканг ёпиштиргани учун ҳам айбни бўйнингга олгинг келмаяптими? Одам ичак-чавоқсиз яшолмайди.

— Икковинг ҳам аҳмоқ экансизлар, — гапга аралашди сочи олинган бола. — Ахир, бу сурат-ку, ичаги уйда, ўзи билан бирганда. Пул масаласига келганда, унинг пули йўқ бўлса керак. Агар мен унга ўхшаган бой бўлганимда бормиди, лабимга папирос қистирган ҳолда бутун бўй-бастим билан суратга тушган бўлардим.

— Менга қаранглар, агар биз унинг оёқларини ўзимиз чизиб қўйсақ бўлмасмикин? Ахир, бутун бошли бир одамнинг оёқсиз туриши яхши эмас-ку. Агар шундай қилсақ, эҳтимол, Василе бизга ханжарини ушлаб кўришга руҳсат этар.

— Жуда тўғри.

Ионуцнинг кўзи ўйнаб кетди, бу гап унга шу қадар ёқиб тушган эдики, шундай қилинса Василе ханжарини ўйнаш учун бериб туришига чиппа-чиндан ишонди-қўйди.

— Ионуц, сен нима дейсан?

Ионуц жавоб бериш ўрнига чўнтагини ағдарди. Унинг чўнтаги дуб ёнғоғи, тугмача, каноп, соқол оладиган лезвие каби ҳар хил нарсаларга лиқ тўла эди. Титкилаб улар ичидан бир қизил бўр топди. Бўр ўзи оппоқ эди-ю, Ионуц уни тухум бўяйдиган бўёққа солиб олган эди.

— Ҳо, Гогу, сен бунисини чиз, мен эса бунисини чизаман, — Ионуц бўрни иккига бўлиб, кичикроғини унга узатди.

Улар иккаласи сурат бор бўйи билан туриши учун қайси аъзоси етишмаса, ўша ерини чизишга жон-жаҳдлари билан киришиб кетишди.

— Гогу, нега унинг оёқларини трубага ўхшатиб қўйдинг? Тизза қилмайсанми?

Гогу бир оз ўзини орқага олди-да, плакатни давом эттириб деворга чизилган суратга қаради. Шу пайт бир нарса Гогунинг эсига келди:

— Ахир, у шим кийган-ку. Тизза бўлса, шимнинг ичида, шунинг учун кўринмайди.

— Жуда тўғри.

— Ионуцнинг чизганини қара! Мана буни сурат деса бўлади! — Гаврилуш иккинчи суратни бармоғини чўзиб кўрсатиб, кула бошлади.

Ионуц бўлса, Гогунинг чизганига қарама-қарши, агар одам бутун бўйи билан суратга тушган экан, унинг оёқлари ҳам қоғозда бўлиши керак, деб ўйлаган ва соддалик қилиб суратдаги одамнинг оёқларини деворга чизишни лозим топмай плакатнинг тагига кичкина-кичкина қилиб чизиб қўя қолган эди.

Болалар аввал хўпам кулишди, кейин эса хунуги чиқиб кетган суратга қараб туриб оз-оздан жиддий танқидга ўтишди.

— Одамларнинг боши оёғидан катта ҳам узун бўлганини қаерда кўргансан? Ўзингнинг бошинг билан оёғингни ўлчаб кўр-чи! Қара, оёқларинг бир неча марта катта.

Ионуц оғайниларининг далилларига сўз топиб беролмай, гарданини қашиб қолди.

Шу пайтда Иримие хаёлга ботиб темир йўл кўтармаси бўйлаб семафор тарафга ўтиб борарди. Ўз уйи олдидаги болаларнинг қий-чувини эшитиб, у ерда нима бўляпти ўзи, деб бир дақиқа тўхтади. Қора портрет билан уйнинг оқ деворидаги қизил чизиклар бир-бирига мос тушмаган ҳолда аллақандай ғалати манзара ҳосил қилган эди. Негоицэ болаларнинг мана бу эрмаги, ҳазил-хузули замирида қандай хунук ҳодисалар рўй беришини тушуниб ён-верига аланглаб қаради. Атрофида ҳеч ким йўқлиги-

га ишонч ҳосил қилгач, қўлидаги чироқни излар орасига қўйди-да, югурди. Болалар сурат чизганимиз учун биров бир нарса қилармиди, деб ўйлаб, қочишга ҳаракат қилмади. Фақат буларнинг ичларида каттаси бўлган сочи қирилган болагина ўзини четга олди. Унинг кўзлари қўрққансимон аланглар, агар Иримие уриб-сўкадиган бўлса, қочаман, индамаса яна болаларнинг олдига бораман дегандай бир четда нима бўлишини кутиб индамай тураверди.

Негоицэ кела солиб Ионуцни четга итариб юборди, кейин иккала плакатни юлиб олиб буклаб-буклаб болаларга гапирмай қоғоз билан Ионуцнинг юзларига шартиллайтиб ура кетди.

— Амаки, нега уряпсан уни? — бир бола жиззакилик қилди.

— Қани, жўнаб қолларинг! Бўлмаса ҳаммангнинг таъзирингни бериб қўяман.

— Нима, кўча сеникими?

Иримие болалар билан тортишиб ўтиришни эн кўрмай ҳовлига кирди. Плакатларни ахлат чуқурчасига ташлаб, устидан яна оёқлари билан босди-да, юзларидан оққан терни арди. Унинг кетидан орқама-орқа ҳовлига кирган Ионуц отасига нима бўлганини тушунолмас, тамоман гангиб қолган эди. Лекин шундай бўлса ҳам портретни тузатамиз деб қилган ишлари ноўрин эканлигини билди.

— Ионуц, нега бундай аҳмоқона ишларни қиляпсан?

— Дада, мен ўйловдимки...

— Бор ўйна, бошқа бунақа бемаъниликларни қилма. Бўлмаса одамлар...

Ионуц бола-ку. Унга ким нимани ўйлаши, қандай ўйлаши мумкинлигини тушунтириб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Иримие бошидан шапкасини олиб унинг ички тарафини артди-да, кўчага чиқмоқчи бўлиб, энди эшикнинг ғаладонига қўл узатган эди-ямки, эшик очилиб остонада Василе пайдо бўлди. У қизариб-бўртиб кетган эди. У отасига бир оғиз ҳам гапирмади, индамай ёнидан ўтиб, тўппа-тўғри ҳовлининг ичкарасидаги ҳожатхона томон кетди. У ердан истаган нарсасини тополмагач, қайтиб келиб ахлатхонага қаради. Ахлатхонадаги фикимланган плакатларни олиб тақводорона бир иззат-ҳурмат билан уни текислашга тушди. Лекин ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ўз аслига қайтара олмади.

— Дада, буларни сен юлиб олдингми? — деди Василе очиқ турган эшикка кўз қирини ташлаб. У ерда жигарранг кўйлакда яна бир одам кўриниб турарди.

Негоицэ индамади. Плакатни ким шу ҳолга солганини Василе билишига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳамма айбни болаларга тўнкаб ўзини оқлаган ҳолда яна бир марта тушунтириб ўтиришни мутлақо ортиқча деб билди ва ундан ташқари, буни ўзига нисбатан ҳақорат деб тушунди.

— Дада, дарвозанинг нарёғида Фрид кутиб турибди, ахир яхши эмас...

Негоицэ ўғлига парвойи фалак тикиларкан ҳар ҳолда ўзича плакатни гижимлаганига бирон баҳона кўрсатмоқчи ҳам бўлди. Бироқ Василе Фридни пеш қилгач, қовоғини солди.

— Ўзинг келишга кўрқиб уни бошлаб келдингми?

Негоицэ Фриднинг немисчалаб берган саломига алик олмай, кўчани кесиб ўтди-ю, из орасидан чироқни олиб шоша-пиша семафор тарафга кетди.

Василе отаси кўнглидагини топиб гапирганидан ўзини йўқотиб қўйган эди. У дабдаласи чиқиб кетган плакатларни чўнтагига тикди-да, кўчага чиқди.

Фрид бўлса маъюс ҳолда уни дарвозанинг нарёғида кутиб турарди. Василе боя уйга таклиф қилганида бошда Фрид унамаган эди. Қассобнинг ўғли ҳозир йўқ деб сўзида қаттиқ туриб олмагани учун суюнди. У ҳали полковникнинг олдидан чиққанлараридаги Василенинг томоғидан гиппа бўғганини унутмаган эди. Ўйламасдан қилинган бу тентакларча ҳаракатни Фрид бир даража бўлса ҳам кечириши мумкину, бироқ унутиши асло мумкин эмас эди. Мана энди Василедан жисмоний бўлмаса ҳам маънавий ўч олиш учун жуда қулай фурсат келди. Фрид бундай қулай дамни қўлдан беришни истамади.

— Силе, энди нима қилмоқчисан? — деди у Василе нима деб жавоб беришини чидамсизлик билан кутиб.

— Билмайман, Фрид.

Василе ҳақиқатан ҳам бундай мураккаб пайтда нима қилишини билмай турган эди. Кўчанинг бошида Элиза кўринди. У ҳам кўчанинг булар кетаётган томонидаги тротуаридан келарди. Қизиги шу бўлдики, Элиза буларни кўриб кўчани кесиб ўтди-ю, Негоицэнинг будкасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Василе ҳайрон қолди. Бу нарса Фриднинг ҳам назаридан қочиб қутулгани йўқ. Ҳаммадан ҳам аввал Фриднинг жаҳлини чиқаришга сабаб бўлган бу арзимас нарса, кейин-кейин унга таъсир қилиб кўз олдида ҳар хил маъно касб этаверди.

— Силе, ота-онам менга қарши чиқмайди, қилаётган ишларимни маъқуллайди, деб айтишингга ишнолмайман.

— Нимани назарда тутяпсан?

— Плакатлар ҳамда ойингнинг ҳозирги қилмишини, содда муғамбирликни кўй.

— Ойимни нега ўртага қўшасан?

Фрид сочини силади.

— Силе, биз сен фалонсан деб бировнинг ёқасидан тутолмаймиз, лекин шу билан бирга ўз-ўзимизни алдашга йўл қўёлмаймиз, бунга ҳаққимиз йўқ. Ойинг биз билан учрашишни, тўқнаш келишни истамади. Агар иккита немис йигити кетаётган бўлсаю, шулардан бирининг онаси бўлган немис аёли улар билан учрашишни лозим топмай тескари бурилиб кетса, бу аёл ҳақиқий немис аёли ҳисобланмайди. Лекин бунинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ. Бундан кўз юмиб кета оламан. Сен яхшиси шуни айт-чи, даданг нима қилди?

— У буни атайлаб қилгани йўқ. Болалар ўйнаб чизилган экан, у болаларнинг хатосини тўғриламоқчи бўлибди.

— Хато қилганнинг жазосини бермай туриб унинг хатосини тўғрилаш мумкин эмас. Муюлишдан биринчи бўлиб мен чиқдим. Шунинг учун ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Даданг болаларни уришиш у ёқда турсин, ҳатто танбеҳ ҳам бергани йўқ. Силе, бу фюрернинг портретлари бўлиб, унинг тагида ёзилган сўзлари бор эди... Ҳамма нарсани чалкаштириб, мураккаблаштириб юбориш бу нодонликнинг ўзгинаси. Лекин бу плакат оддий плакатлардан эмас, балки партия ташвиқоти, кимки плакатни йиртса, бу билан у фақатгина қоғозга ҳамла қилган бўлмайди, балки ўша қоғоз бетига чизилган суратга ва ёзилган сўзга тажовуз қилган бўлади. Бу энди, жуда жиддий масала. Мен сенга тавсиянома берганман, шунинг учун истамасдимки, бир кун келиб...

— Сени тушунаман, Фрид.

— Гапимни поёнига етказиб ўтирмайман.

— Дадам яхши одам. Фақат эътиқоди бўйича бир иш қилишда ҳаддан ташқари латта, таваккал қилишда эса ўтакетган кўрқоқ.

— Шундай бўлса ҳам далиллар...

— Биламан, далиллар бунинг аксини кўрсатиб турибди... Лекин сен бу ҳол қай вазиятда рўй берганини ҳисобга ол.

Фрид Василенинг қатъияти, дадиллиги қай даражада эканлигини билгиси келиб кетди. Гарчи Василе Фридан жисмонан икки баравар кучли бўлса-да, Фрид Василе жисмонан бақувват бўлгани билан дурагайлиги вазидан иродасининг мустаҳкамлиги борасида ўзидан кучли эмаслигига ишончи комил эди. Фрид-

ни ўз таъбири билан айтганда, инсоннинг мускуллари, суяк устини қоплаган гўшти ва унинг вазни эмас, балки ғоявий кучлилиги, ўша ғоянинг софлигини тинимсиз муҳофаза қилиб турадиган ички бир ёниқ аланга, ўт қизиқтирарди. Фрид ўз кўнглида, отасини қоралаб, унга жазо бериш керак, деб гапиришга Василени мажбур қилмоқчи, кейин эса, унинг далилларини пучга чиқариб дўстига ҳамдардлик билдирмоқчи, аниқроғи, гуноҳидан ўтмоқчи эди. У Василени обдан хўрлаб, охири Шульддек иш тутмоқчи эди.

— Ҳар ҳолда бу ишни яширмасанг керак.

— Йўқ, яширмайман.

— Отанг билан ўзинг гаплашма. Фойдаси йўқ. У қилган ишининг моҳиятини билмайди.

— Албатта.

— Унда буни унга ким тушунтиради?

Василе ўйланиб қолди.

Василе Фриднинг гап оҳангидан, у мени ё отам билан гиж-гижламоқчи, ё бўлмаса, шунчаки синаб кўрмоқчи, деган маънони тушунди. У Фриднинг феълини жуда яхши биларди. Агар бугун унга паст келса, эртагаёқ бирига ўнта қўшилган ҳолда бу гап “Дейчеюгенд”даги оғайнилариининг қулоғига етар, бир неча кун давомида боши таънадан чиқмас, гурунгларда номи ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан тилга олинарди. Отаси ҳақида ўйлаш унинг хаёлига ҳам келмади. Шунингдек, унинг тақдири, ҳаёт-мамоти ҳам ҳеч қандай мушкул муаммо бўлиб кўринмади. Отаси қандайдир иккинчи масала эди. Унинг олдида, биринчи навбатда, сирли найранглари, ҳийлаларини усталик билан бартараф қилиши, имкони бўлиб қолганда баҳсда ундан устун келиши, мағлуб этиши керак бўлган Фрид турарди. Шунинг учун Василе яна ҳам эҳтиёткорроқ бўлишга қарор қилди. Тўғри-да, атрофингдагиларга имкон кўтарган даражада ишониш керак, холос. Одам фақат биргина ўзигагина тамоман ишониши мумкин. Василе энди бир оз тажриба орттирган эди. Ҳозир мана шу тажрибаларидан фойдалана олмаса, булар иш бермаса, бугун кўрган-кечирганларининг қиммати ҳам қолмасди. Агар Василега олдиндан бирор ролни ўйнашга таклиф қилишса, у қаҳрамон билан шундай бирикиб кетсинки, унинг асл қиёфаси қандай эканлигини ҳеч ким ажратолмай қолсин. Буни у “тухум бош”га кўрсатиб қўяди.

— Мен комендант билан гаплашаман, — деди Василе.

Фрид ниятига етди. Бу у фойдаланиши мумкин бўлган, Василе тарадудланиб қолган, иккиланган онда шартта бетига сола

оладиган ишончноманинг ўзгинаси эди. Фрид хурсанд бўлди. Бундан ортиғи унга керак ҳам эмас. Энди ўзини чекинган, фикридан қайтган бир қиёфада кўрсатиш пайти келди.

— Сен нима дейсан, немис офицери гап нима ҳақда кетаётганини билгач, бу иш атайлаб қилинганми ёки тасодифанми, деб бош қотирармикин, йўқми? Василе, бу гап тагида оддий, айни чоқда чуқур мантиқ бор. Агар бирор мақсад бўлмаса плакат нега юлинади, юлиниб олинган экан, демак, қандайдир мақсад бўлади-да. Агар мия қўлга буюрмаса, қўл ҳеч қачон ўздан-ўзи ҳаракат қилмайди. Мен сенга булар бари ҳақида унга батафсил гапириб беришингни маслаҳат бермасдим.

— Биз инсонни тарбиялай олишимиз билангина кучлимиз.

— Тўғри, — деди Фрид, — лекин бундан бўлак кескин чоралар ҳам мавжуд.

— Нимани назарда тутяпсан?

Фрид кескин чораларнинг нима эканлигини жуда яхши биларди, лекин ҳозир уни тушунтириб ўтиришни лозим топмади. Василе шундай комил ишонч билан гапирдики, Фрид оғайнисининг қарори унда оддий бир таассурот қолдириш учунгина айтилган қуруқ гап, қизил сўзлар эмаслигини тушунди. Агар бу ҳақиқатан ҳам шундай бўладиган бўлса, унда Василе бу қилмиши оқибатида отасининг бошига тушадиган оғир кўргиликларни, азоб-уқубатларни билмайди ё хаёлига келтиролмайди, ёки бўлмаса ўз сўзининг устидан чиқишига ўзининг ҳам кўзи етмайди.

— Василе, сен дадангни яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман, Фрид.

— Ундай бўлса, нега сен уни ёмон аҳволга солиб қўймоқчисан.

— Яхши кўришим учун ҳам шундай қилмоқчиман-да.

— Муҳаббат севилганлардан эмас, балки, севганлардан фидойиликни талаб қилади.

— Мен уни яхши кўраман, Фрид. Гарчи ота ўглига ёрдам бериши шарт, ҳатто бунга бурчли бўлса-да, ўғилнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқи бор, унинг ҳам гарданида ўз отасига ёрдам бериш бурчи ётади. Ўзинг ўйлаб кўр, бўлган ишларни биз эмас, аллақандай бошқа бировлар кўриб қолганда, нима бўларди? Содир бўлган ҳодисани бошқа биров эмас, худди менинг ўзим маълум қилишим, назаримда, энг мақбул йўл бўлса керак, Фрид. Комендант мен билан қандай гаплашган бўлса, у билан ҳам худди шундай гаплашади. Ўз отанг билан майда-чуйда нарсалар эмас, энг асосий нарсалар хусусида баҳс кетганда у сени ёқтирмаган, сенга қарама-қарши чиққан пайтлар бўлганми?

— Йўқ, Силе.

— Мен ҳам отам шундай бўлишини хоҳлайман.

— Сенинг отанг немис эмас, шунинг учун у бундай бўлолмайди.

— Фрид, сен жаноби штурмбанфюрер шаънига ёмон гапларни айтдинг. Сен, ахир немиссан-ку.

Фрид кулиб қўйди.

— Сен ўзингни кўнглида бир нимани яшириб қолишга интилаётган одамга ўхшаб тутяпсан. Бир бутуннинг бўлақлардан тузилишини тушунмайсан. Гарчи ўша бир бутун гўзал бир фазилатга, қадр-қимматга эга бўлса ҳам ўша бутунни ташкил қилган бўлақлар ҳамма вақт ҳам бир-бирига ўхшайвермайди.

— Бу кимга тааллуқли?

— Бу штурмбанфюрернинг яхши ва ёмон хислатларига.

— Унда тарозининг қайси палласи оғир: яхши фазилатларими ёки камчиликларими?

— Албатта, яхши фазилатлари-да.

— Ундай бўлса, мени унинг камчиликлари қизиқтирмайди. Шунинг учун бировнинг фазилатларини таъкидлаш мақсадида камчиликларини бўрттириб кўрсатиш керак, дегувчиларнинг фикрига қўшилолмайман.

— Мен буларни бўрттириб кўрсатганим йўқ. Лекин сен мени нима қилган бўлсанг, ўз отангни ҳам худди шундай қилмоқчисан, фақат битта фарқи бор, холос. Яъни, менга қарши ёлғиз сен ҳаракат қилган бўлсанг, худди шундай ҳаракатни отангга қарши бошқа бировлар қилишади.

— Бундан бир неча дақиқа муқаддам менга бошқача маслаҳатлар бергандинг чоғи.

— Ҳу... ҳалиги воқеа эсимга тушиб кетди-да.

— Фрид, ўша қилган қилиғим учун сендан кечирим сўрайман. Ўшанда қалбимда нималар жўш уриб кетганини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан.

— Сигаретанг борми?— сўради Фрид.

— Бор.

Улар сигарет тутатиб олиш учун бир дақиқа тўхтаб, яна йўлларида давом этишди.

— Силе, сен шу йўл билан отангга ёрдам бера олишингга кўзинг етадими?

— Етади.

— Кўнглингга туккан қарорингни амалга оширишдан аввал сен отангни ҳақиқатан ҳам яхши кўришингга қаноат ҳосил қилишинг керак бўларди.

— Яхши кўриш ҳар хил бўлади.

— Гап отанг хусусида кетяпти-ку.

— Кишининг ота-онасига бўлган меҳр-муҳаббати — фавкулудда бир ҳол.

— Шу пайтгача бу меҳр-муҳаббатни унга қандай изҳор қилиб келдинг?

— Отамни жуда қадрлайман. Лекин менинг бу туйғум, унинг ҳозирги ҳолатига эмас, балки қандай ҳолда кўришни хоҳлаган пайтимдаги ҳолатига алоқадордир.

— Эҳтимол, унинг яхши жиҳатлари ҳам бордир.

— Албатта, бор.

— Ундай бўлса, нега сени нуқул унинг камчиликлари қизиқтиради.

Василе тўхтаб қолди. Фрид шу топда Василенинг ўзига штурмбанфюрерни ҳимоя қилиб айтган ҳалиги сўзларини қайтарган ва бу билан нишонга урган эди.

— Силе, нега тўхтаб қолдинг?

— Ўйлаяпман.

— Назаримда, юриб келаётганимизда ҳам ўйлаётган эдинг шекилли.

— Гапга ҳам тўн кийдириб юборасан-да, Фрид. Ҳар бир сўзни ушлаб олиб, ундан маъно ахтараверасан,— деб юборди Василе тузоққа тушиб қолганидан аччиқланиб.

— Мен немисман. Ҳамма сўзларнинг ўз маънолари бўлади. Мен шу маънонинг кетидан кузатиб юраман. Сен бўлсанг сўзларга енгилтаклик билан муносабатда бўласан. Сўзлар олдинда чопқиллаб, сени бошлаб юради, сенга бир қарорга келиш мажбуриятини юклайди. Сен бўлсанг сўзлар қайси қарорга келишингга ундаётганини тушуна бошлаганингдан кейин ундан воз кечишга кўрқасан. Силе, сен отангни ҳам аллақандай бир бошқача, ғалати севаркансан.

— Мен уни чин кўнглимдан яхши кўраман.

— Сўзинг чинми?

— Чин.

— Сенга ишонаман, Силе.

— Ишонмаганингда мени ҳақорат қилган бўлардинг.

Фрид соатига қаради.

— Бўлмаса, мен кетаман. Дадамга ёрдамлашишим керак. Унинг бир ўзи, ҳозир нақ гўшт туширадиган пайт. Жаноби штурмбанфюрер Карлларнинг уйида. Сен билан қандай суҳбатлашганини эртага айтиб берарсан. Хайль!

— Хайль! — Василе шундай деди-ю, шахт билан қадам ташлаб, илгари қараб кетди.

Василе ёлғиз ўзи қолгач, беихтиёр тирноғини тишлаб-тишлаб узиб ола бошлади. У суҳбатда Фридга ҳеч нарсада паст тушмасликни, ўзини қатъий характерли, матонатли қилиб кўрсатишни хоҳлаган ва шу нуқтаи назардан гаплашган эди. Мана шунинг касрига иш чувалиб кетди. Энди нима қилиш керак? Оғайниси уни масхара қилиб кулди. Уни шундай қарорга келишга мажбур қилдики, орқага қайтишнинг — ўз қароридан воз кечишнинг сираям иложи йўқ. Энди ё ўз обрўсини сақлаб қолади, ё отасини беобрў қилади. Бошқа йўл йўқ. Кўчанинг нариги тарафида лютеранлар черкови бор эди. Василе кимсасиз ибодатхонага кириб, стулга чўкди-ю, орқасига суялди. У ҳеч нимани ўйламасди. Ихтиёрсиз равишда ибодат қилиб ўрнидан турди-да, меҳроб томонга кетди. Унинг оёқлари қалтирарди. У ибодат қилиш тугагач, албатта кўчага чиқади. Кўчага эса бир қарорга келмай туриб чиқиб кета олмасди. Шу топда юрагида шунча машмашаларнинг сабабчиси бўлган отасига нисбатан ғазаб тугён уриб кетди: «Қандай шайтон йўлдан уриб плакатларни юлиб ташлади-я», кўнглидан ўтказди у.

Василе меҳроб қаршисида тиз букиб таъзим қилди-ю, кейин кўчага чиқиб кетди. У тепаликдаги Карлларнинг уйига келиб кўнғироқ тугмасини уч марта босди. Бу шартли белги эди. Бироқ орадан бир неча дақиқа ўтди ҳамки, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Юқори қаватдаги меҳмонхонадан оҳиста рақс мусиқаси эшитилиб турарди. Осмонни булут қоплади. Тепаликка туман чўкди.

Ниҳоят қора кўйлак, олдига пешбанд тутган, сочини турмаклаган оқсоч эшикда кўринди. У жаноби Карл ваннада чўмилаётибди, бир оз кутиб тулинг, деб яна кириб кетди. Василе нақшли чарм қопланган бир неча стул кўйилган кенг даҳлизда ёлғиз ўзи қолди. Полдаги гиламда ҳам стулдаги нақшнинг нусхаси бор эди. Бу Шергнинг кабинети олдидаги даҳлиз бўлиб, Шерг бу ерда фабрикага бормаган кунлари корхонада нима воқеалар бўлганини маълум қилишга келган бухгалтер ва муҳандисларни қабул қиларди.

Ярим доира қилиб кўк, сариқ ранглардан гул солинган халатда Карл чиқиб келди. Василенинг бу даргоҳга биринчи бор қадам босиши. Карл уни худди тез-тез келиб юрадиган одам сингари қабул қилди, унинг башарасида ҳеч қандай ажабланиш акс этмасди.

— Хайль, Карл!

— Хайль, Силе!

Карл Василенинг ёнига ўтирди. У қулоғига кириб қолган сувни бармоғи билан кавлаб чиқараркан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Рудольф билан бўлган охирги баҳси ҳақида гапира кетди.

— Рудольф ҳақида фикринг қалай, Силе?

— Ёмон эмас, Карл. Фақат у баъзан ўзининг асл қиёфасини яширишга, бошқача бўлиб кўзга ташланишга ҳаракат қилади.

— Мен ҳам у ҳақда яхши фикрдаман. Лекин менга бир оз аҳмоққа ўхшаб кўринади. Умуман олганда ўтакетган ҳийлакор. Силе, коньяк ичасанми? Дадамдан бутун бошли бир шишасини ўғирлаб олиб, каравотимнинг тагига яшириб қўйганман. Менга қара, сенга нима бўлди ўзи? Нега бир ҳолатдасан, қайғули кўринаданми?

— Карл, комендант сизларникидами?

— Ҳа, бизникида.

— Мен у билан гаплашмоқчи эдим.

— Шунинг учун келганмидинг? Нима, эртага комендатурага бора қолсанг бўлмайдами?

— Карл, у ерда мени қабул қилмайди, деб қўрқаман. Эҳтимол, қабул ҳам қилару, ҳар ҳолда эртага қабул қилмаса керак.

— Ундоқ бўлса, эртадан кейин келарсан. Хўш, коньяк хоҳлайсанми? Рудольф икки рюмка ичиб кетди. Озгина ича қол, юрагинг ёзилади. Дортмут хусусида нима дейсан?

— Дортмутинг ким?

— Оқсочимиз.

— Ёқимтой аёл.

— Биласанми, менга у ҳечам ёқмайди.

— Йўқ, Карл. Дортмут жудаям ёқимтой.

— У сенга ёқадими?

— Ҳамма яхши аёл менга ёқаверади.

— Мен бу ҳақда унга айтиб қўяман.

— Карл, илтимос қиламан, айтма унга.

— Нега қизариб кетдинг, нима, қўрқасанми?

— Йўқ, Карл. Мен аёллардан қўрқмайман, ҳозир комендант билан гаплашмоқчи бўлиб келган эдим.

— Унда нима ишинг бор? Нега чўнтагинг дўппайиб турибди. Силе, бундоқ жиддийроқ бўлгин. Уни қандай қилиб безовта қилиш мумкин? Бугун у Дортмутнинг юзларидан чимчилаб олди. Кўзлари шундай чақнаб кетдики, ҳайрон қоласан.

— Карл, комендант хусусида бунақа дейиш керакмас.

— Нега энди?

— Карл, менинг унда жиддий ишим бор.

— Шундай азиз меҳмонни арзимас нарсалар билан безовта қиладиган бўлсанг, ойим қаттиқ хафа бўлади.

— Мен гаплашадиган масала виждонга, бурчга тааллуқли.

— Сен жинни бўлиб қолибсан. Ҳа, ростдан ҳам ақлдан озибсан, дўстим.

— Бу масала...

— Майли, уриниб кўраман. Нима бўлса бўлар. Лекин коньякдан юз ўгирдингми, ақлинг йўқ экан, Дортмут бўлса мени ҳеч қачон ўзига тортолмайди. Агар мен унга қачон бўлмасин: «Ҳей, Дортмут, юбкангни кўтар!» дейдиган бўлсам, у дарҳол: «Ҳозир, жаноби Карл», деб жавоб беради. Силе, айт-чи, муҳаббат деган туйғу мана шундай осон кўтариладиган юбкалар замирига яшириниши мумкинми? Муҳаббат — бу китобларда ёзгандай юракларни титратадиган нозик бир туйғу-ку, ахир.

— Карл, сендан ўтинаман, бу нарса мен учун энг асосий масала.

— Нағмангни қўймадинг-қўймадинг-да, энди ўзингдан кўр. Агар мендаги коньякнинг қанақалигини тотиб кўрганингдами...

Карл халатининг белбоғини ечганча қўшни хонага кириб кетди. Бирмунча вақт ўтгач, форма кийиб чиқди. У Василега қараб қўли билан парво қилма дегандай ишора қилди-ю, юқори қаватга кўтарилди. Орадан бир неча дақиқа ўтди. Зинадан Карлнинг ўрнига бир оз қизаринқираган, лекин табассум билан Дортмут пайдо бўлди.

— Сизни чақиритишяпти.

Василе галстугини тўғрилади, шимига кўз қирини ташлаб қўйди. Оқсоч олдинда кетаётганидан фойдаланиб чўнтагидан рўмолчасини олди-ю, тез-тез ботинкасининг юзидаги чангларни артиб ташлади.

Зинапояга қалин гилам тўшалганига қарамай Василе енгил, беозор қадам ташлашга ҳаракат қиларди. Лекин шундай бўлса ҳам эмандан қилинган зинапоя қирсиллар, бундан Василенинг юзи норози бўлгандай бужмаярди, Василе емакхонага киришдан олдин эгнидаги формаси қандай турганини билиш учун яна бир марта у ёқ-бу ёғига қараб олди, ҳаммаси жойида. У кутилаётган учрашувга ўзини тайёр деб билган эди. Лекин ичкари кириб эшик ёпилиши биланоқ, ўз мувозанатини йўқотиб қўйди.

Думалоқ стол атрофида Карлнинг ойиси, отаси ҳамда семиз полковник ўтирарди. Полковник танасини мундири сиқиб ташлаганидан, бунинг устига иссиқ чой ичаверганидан терлаб, бўртиб кетган эди.

— Хайль, Гитлер! — саломлашди Василе.

— Хайль, Гитлер! — жавоб берди комендант.

Василенинг кўзлари ўзига синовчан назар билан қадалиб турган Карлнинг ойисига тушди. Василе кўнглидагини ҳамманинг олдида гаплашишдан ийманди. Умуман олганда, бу унинг шахсий иши. Бундан ташқари, Шерг хонимнинг ҳеч нарса сезмагандай тикилиб туриши...

— Келинг, марҳамат, — деди полковник.

— Жаноби штурмбанфюрер, — Василе Карлнинг ота-онасидан кўзларини узмай минғирлади.

— Марҳамат, марҳамат, айтаверинг, — такрорлади полковник.

— Бу масала...

— Ҳарбий?!

— Йўқ, виждон, бурч масаласи.

— Ҳа, гап агар виждон масаласида кетадиган бўлса, унда ҳаммамиз биргалашиб ҳал қилсак ҳам бўлаверар экан, — деди полковник тегишиб, қабариқ қўллари билан мезбонларни кўрсатиб.

Василе агар ҳозир яккама-якка гаплашамиз деб туриб оладиган бўлса, бу билан уй эгаларини ҳақорат қилиб қўйиши мумкин эканлигини тушунди. Шундан кейин бор гапни тўкиб солди.

— Жаноби штурмбанфюрер, бу масала менинг ўз отамга тааллуқли. У уйимиз деворига ёпиштириб қўйилган немис плакатларини девордан юлиб ташлабди.

Полковник қовоғини солди. Шерг хонимнинг назари янада синчковлик касб этди: у баттар тикилиб қарай бошлади. Карлнинг отаси стаканга чой қуйиб ликопчага қўйди. Чап қўли эса оғзига печенье солганча қотиб қолди.

— Қандай қилиб юлиб олди? — қовоғи солиқ бўлса ҳам хотиржамлик билан сўради полковник.

— Болалар иккита плакатни бўяб чаплаб ташлашибди, бунинг устига отам келиб қолибди-ю, плакатларни олиб ташлабди.

— Яхши, ундан кейин...

— Отам нима учун бундай қилганлигини тушунтириб бергани йўқ, ахир менинг олдимда бир ўртоғим ҳам бор эди-да. Жаноби штурмбанфюрер, мен отамни яхши кўраман. У яхши одам. Лекин биз унга ёрдам бермасак, бора-бора бизнинг душманамиз бўлиши мумкин. Ўзингиз айтгандингиз-ку, бизнинг ғоямизни тушунмаган одамларга тушуниб олишлари учун ёрдам беришимиз лозим, деб.

Карл Василенинг чўнтагида плакатнинг бир бўлаги дўмпайиб турганини сезиб қолди-да, келиб олмоқчи бўлган эди, Василе унга ёрдам берди. Бир зумда бўр билан чизилган бир бурда плакат полковникнинг қўлида пайдо бўлди.

— Сенинг виждон ҳақидаги гапинг мана шугинами?

— Худди шундай, жаноби штурмбанфюрер.

— Отангнинг оти нима?

— Иримие Негоицэ.

— У немис тилини билмайдими?

— Билмайди, жаноби штурмбанфюрер.

— Сен отангни гуноҳкор деб биласанми?

— Мен уни бўшанг деб биламан. Агар заиф табиатли одамга ёрдам қилмасак, у душманамиз бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Полковник ён дафтари чикариб чалакам-чатти бир нималарни ёзди. Кейин ёзганларига ишонч ҳосил қилмагандек кўзойнагини чикарди-да, уни тақмай бир қўли билан кўзига яқин тутиб, нима ёзганлигини кўздан кечирди. Кўзойнагини чарм филофига тикаркан, гапга киришди:

— Хўш, сиз нима дейсиз жаноби Шерг? Мана бунга ўхшаган йигитларимиз бор жойда немис армияси ишғол қилолмайдиган бирорта қўрғон қоладими?

Василе бу саволга берилган жавобни эшитмади. У Карлнинг ойисига қаради. Энди унинг тикилиши Василенинг рангини ўчириб юборди. Боя Василенинг хушбичим қоматига ҳайрон қолиб боқиб турган аёлнинг эндиги қарашидан ундан нафратланаётгани аниқ сезилиб турарди.

— Яхши, йигитча, мен сенинг истагингни бажо келтираман.

— Ташаккур билдираман сизга, жаноби штурмбанфюрер.

— Хайль!

— Хайль, Гитлер!

Василе хонадан чиқди. У эшикни ёпаётганда Шерг хонимнинг кўзларидан бўлак ҳеч нимани кўрмади. Йўқ, у энди илгарига ўхшаб қарамасди. Василе унинг нима учун бундай қилганига тушуна олмади. У фақат даҳлизга чиққандагина ўзига келди-ю, нима қилишини билмай шу ерда туриб қолди. Чунки Карл уни кузатиб чиққани йўқ. Василе стулга ўтириб, тамоман енгил тортди. Энди Фрид комендантга гапиришга журъат эта олдингми, йўқми, деб сўролмади. У бўлса-чи, фақат комендантга гапира олдигина эмас, балки ўз кўнглидагини дадиллик билан баён этди, бундан ташқари, унинг гаплари илтифот билан тингланди. Василе қоп-қора сочларини қўли билан силади.

Унинг қўллари энди гарданига етган ҳам эдики, бирдан юраги гурсиллаб ура бошлади. Василе нега юрагим одатдагидан бошқачароқ ура бошляпти, деб ҳайрон бўлди. Ахир, унинг ҳис-туйғуларини қўзғатиб юборадиган ўзгача бир ҳол бўлгани йўқ-ку. Гарчи ақли тиниқ ва ўзи бамайлихотир бўлса ҳам барибир юраги аллақандай безовта, носоғлом ураверди.

Зинапоя қирсиллай бошладию юқоридан Карл тушиб келди. Василе унга ташаккур билдириб чиқиб кетиш учун қўзғолди.

— Мен сени кетиб қолган бўлсанг керак деб ўйлагандим, — деди Карл.

— Мен бўлсам қўлингни сиқиб қўяй деб, кутиб турган эдим. Сендан жудаям миннатдорман.

— Сен ҳаммани лол қолдирдинг, Силе, мен шунга ўхшаш ишларга лаёқатли эмасман. Гапираётганингда сенга қараб турдим. Шу аснода жуда-жуда сенга ўхшагим келиб кетди. Мен энди сенинг нима учун хотинларнинг кўнглига мойдек ёқишингни, нима учун улар сендан пул сўрамасликлари сабабини билиб олдим.

— Мен берсам ҳам ўзлари олишмайди, — жавоб берди Василе.

— Мен эса уларга ўзим бермасам ҳам, гарчи улар пулга арзимасаям сўраб олишади.

— Хайль, Карл!

— Ростдан ҳам коньяк ичмайсанми?

— Йўқ, Карл, раҳмат. Менга нима учундир ойинг жуда ғалати қарагандек туюлди.

— У сени мақтади, лекин эшикка чиқиб кетишинг билан менга сени иккинчи марта уйга таклиф қилмаслигимни тайинлади.

Василе бошини кўтариб, Карлга ташвишлангандай назар ташлади.

— Карл, шу гапни менга айтмасанг ҳам бўларди.

— Э-э-эй, қўйсанг-чи! Бу гапларга эътибор қилма! Аҳмоқ бўлма. Ойим бугун нима гапирганини эртага унутиб юборадиган одам. Лекин ҳозир унинг гапларига хўп демасам, эртага бир тийин ҳам бермай қўйиши мумкин.

— Карл, ойим шундай деди, деб менга айтмаслигинг мумкин эди-ку.

— Нима, ақлингни еб қўйдингми? Ойим ҳамманинг олдида мени, ўғлимиз ҳам шунга ўхшаган бақувват, новча йигит бўлармикин, деб орзу қилди. Кейин емакхонадан мен билан бирга

чиқди-да, бошқача гапирди. У сенинг отанг руминлигини билмаган эди. Бу ойимга ёқмади.

— Карл, ҳалиги гапни сендан эшитганимга минг афсус қиялман, менга шундай ҳолатимда айтмаслигинг керак эди.

— Сен ҳақиқатан жинни бўлиб қопсан-ку, — деди Карл бурнини ковларкан. — Яхшиси, кел, оз-оздан коньяк ичайлик. Мен уни дадамнинг столидан ўғирлаб чиққанман. Қанақа коньяклигини биласанми? Коньяк спиртининг ўзгинаси. Бундан гоҳогоҳо Дортмут ҳам отиб туради. Лекин ичганини бўйнига олмайди, занғар. Оқсочимиз мана шунақа. Ёлғон гапиради, ўғирлик қилади, истаган пайтингда... тайёр.

— Мен жуда афсусдаман, Карл. Бу гапни менга ҳечам гапирмаслигинг керак эди.

— Нима, отанг тақачимиди, ҳадеб бир гапни гапираверасан?

Юқорида тўполон бўлиб кетди. Қўлида ғижимланган плакатни ушлаганча, нимадандир норози бўлиб полковник тушиб келди. У гўё Василе билан Карл хонада йўқдай уларни кўрмаганга олиб индамасдан ўтиб кетди. Зинапоянинг остида машина моторининг гуриллаши эшитилди. Карлнинг ойиси ҳам ҳаяжонланган ҳолда даҳлизга тушиб келди. У деразадан юриб кетаётган машинага қаради-ю, кейин у ҳам худди Василени сезмагандай ўғлига бидирлай кетди:

— Карл, мусиқа машқи ўтказадиган вақтинг бўлди. Эҳтимол, меҳмонинг ҳам уйига бориши керакдир. У дадасига немис тилини ўргатса ёмон бўлмасди.

Карл елкасини қисди, Василега қўлини чўзиб, онасига эргашди.

Василе ташқари чиқди. Биринчи муюлишга етганда орқасидан Дортмут етиб келди.

— Илтимос қиламан, бизникига келиб туринг. Жаноблар ёмон хабарлар эшитиб, хафа бўлиб кетишди. Фронтда нимадир кўнгилсиз ҳодисалар юз берганмиш. Энди улар куни бўйи менга бақирришади, аламларини мендан олишади. Агар сиз кела олмайдиган бўлсангиз, ўзим бўш вақт топа оламан. Сиз... жудаям мулоғим, чиройли йигитсиз... — Дортмут шундай деб қизариб кетди.

Василе бу хонадонга бошқа мутлақо қадам босмайман, демоқчи бўлган эди, лекин бунинг сабабини оқсочга тушунтириб ўтиришни ортиқча деб билди. У Дортмутга миннатдорчилик билдириб, йўлида давом этди.

Василе нима қилишини билмай бутун шаҳарни кезиб, куни бўйи боши оққан жойда дайдиб юрди. У бир неча марта ўзи билмаган ҳолда дам у, дам бу витринанинг олдига келиб туриб қоларди. Ёмғир томчилай бошлади. Василе бир дарвозанинг соябони тагига кириб олди. У чўнтагига қўлини тикди-ю, шу заҳоти дарров суғуриб олди. Чунки бу уставга хилоф эди. Ёмғир томчилари тротуарни қамчилай бошлади. Василе занглаган тарновдан тушаётган томчиларни санамоқчи бўлган эди, бу ҳам бўлмади. Уйга кетгиси келиб қолди. Қорни очиб, томоғи қақраб кетган эди. У Карлнинг коньягидан отмаганига энди афсус қила бошлади. Бир оз ичганда тетикроқ бўлармиди.

Василе ўзича комендант билан бўлган суҳбатдан кейинги туйғуларини, ҳолатини таҳлил қила бошлади. У комендантнинг олдидан чиққач доврираб қолди, ҳатто хурсанд бўлишини ҳам билмади. Нимага лаёқатли, нималарга қодирлигини исботлай олиши билан ўзини ўртоғидан устун сезиш ҳисси йўқолиб кетди. Бу нарса уни эсанкиратиб қўйди. Шундан кейин у ўз-ўзидан ишнинг шунақа тус олиб кетгани афсусланиб ўтиришга арзийдими, йўқми, деб сўрай бошлади. Йўқ, арзимади, деб хулоса чиқарди, кейин кўнглидаги бутун дилхираликни йиғиштириб қўйди. Ким билади, отаси яна қандай аҳмоқчиликларга қўл ураркин. Василе елкасида босиб ётган оғир юкдан қутулгандек бўлди. Ҳаво совуқ эди. Бирдан Василенинг кўзига шиша маржонга ўхшаш ёмғир томчилари тротуарда эмас, балки тротуарни тешиб ўтиб пастроқда майдаланиб кетаётгандай туюлиб кетди. Томнинг устларигача туман қошлади. Туман худди кўз олдига тутиб қўйган ҳўл пардага ўхшар, сал нарини кўриб бўлмасди.

Василе ёмғир забтига олаётганига қарамай дарвоза тагидан чиқиб кўчанинг юқори тарафига кетди. У шошмасди, кетаётиб Шульцнинг олдига кириб ўтсам чакки бўлмайди, уни тополмасам, кейин клубга бораман, деб қўйди. Шульцга учрашса, нимадир кўнгилли иш бўлишига ишонч ҳосил қилган эди. Василе комендатуранинг ёнидан ўтиб кетаётиб, ҳовлида тўдалашиб туришган ўнларча болаларга кўзи тушди. Улар ҳаммаси жим турганча ниманидир кутишарди. Баъзилар Василега қизиқсиниб қараб қўйишди. Эҳтимол, унга шундай туюлгандир. Василе Рудольфни кўриб қолиб, олдига борди.

— Хайль, Рудольф!

— Хайль, Силе! Сени ҳам чақиривдимми?

— Мен тасодифан келиб қолдим, ҳеч нимадан хабарим йўқ.
— Генерал келди. Фазабидан кўкариб кетган, ҳозиргина ойна-ни ёпишди. Полковникни хушёрликни йўқотиб қўйгани учун тупроққа қориб ташлади.

— Нима бўпти?

— Фронтда аллақандай нохушликлар бўлгани учун депода иш ташлашлар содир бўлибди. Ҳеч кимни тутишолмабди. Генерал шунинг учун тутоқиб кетган. Тўғри, жаҳли чиққанича ҳам бор-да.

— Буни кимлар уюштирибди, Рудольф?

— Фаҳминг етмадимми?

— Мен аниқ билмоқчиман.

— Темирйўлчиларнинг ичида кўпгина коммунистлар бор.

Рудольф шу пайт Василенинг отаси темирйўлчи эканлигини эслаб қолди. У бирдан отаси фақатгина румин эмас, бунинг устига темирйўлчи ҳам бўлган ўртоғи билан энди хушёр бўлиб муомала қилишни ўйлаб, кўнгли бузилди.

— Албатта, ҳамма темирйўлчилар ҳам...

— Кечирим сўрашнинг ҳожати йўқ, Рудольф.

— Мен бунга ҳаракат ҳам қилаётганим йўқ.

Василе кейинги пайтларда ишда ҳаракатчан бўлишга, ҳамманинг назарига тушишга интилаётган эди. Бу нарса Рудольфнинг ҳам эътиборини тортиб, унинг аччиғини чиқариб юрган эди. У Василенинг баъзи бир ҳаракатларидан кейин унинг ўзидан ўтиб кетиш, уни орқада қолдириш учун интилаётганига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун у, Василега ишониш мумкин эмас, деган қарорга келди. Рудольфга шунинг ўзиёқ кифоя қилгани учун буни яна тасдиқлашга ҳеч қандай далил-исбот қидириб ўтирмади.

— Сенинг даҳангда ҳеч нарса топишмадимми? — сўради Рудольф.

— Эътиборга лойиқ нима бўлса, ҳаммаси ҳақида маълумот берилиб бўлган, — қуруққина қилиб жавоб қилди Василе.

— Сенинг даҳанг ҳар хил ишларга макон бўладиган қулай жой.

— Бу билан нима демоқчисан?

— У ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси темирйўлчилар билан ишчилар.

— Ҳамма ҳам доришунос бўлавермайди, беш қўл баробар эмас, Рудольф. Темирйўлчилар орасида ҳам виждонлилари бор.

— Мен ҳам йўқ деёлмайман.

— Рудольф, сен шундай демоқчи эдинг.

— Бизнинг орамизда ҳеч қандай сир йўқ.

— Зиглер-чи, бу сир эмасми?

— Йўқ, бу мудҳиш ўтмиш, хотира, холос. У майли, нима бўлса бўлгандир, лекин мана бу иш ташлаш, саботаж бир ойда иккинчи марта содир бўлаётир. Генералнинг жазаваси тутган. — Рудольф суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— Рудольф, эътиборга сазовор нима содир бўлган бўлса, мен ҳаммасини маълум қилганман.

— Фрид менга сен ва отанг хусусида баъзи қизиқ ҳангома-ларни гапириб берди.

Василе қичийдиган жойини олдиндан қашиб қўйгани учун суюниб қўйди. Фрид, албатта, ҳаммаёққа доврүк солиб чиққан. Василе шундай бўлишини, Фрид оғзига талқон солиб юрмаслигини жуда яхши биларди.

— Мен ўз бурчимни бажардим, — тўғриси айтди Василе.

— Фидокорлик қилганинг билан табриклайман.

— Мен фақатгина ўз бурчимни бажардим, Рудольф. Шунинг учун ҳам сен менга ҳасад қилияпсан.

Рудольф Василе билан одатдаги гаплашадиган бир қолип-даги сўзлар билан фикр олишгандан кейин, қиёфасидан унинг нимадандир норозилигини сезиб олди. Улар илгари, биринчи танишганларида Рудольф мен Василени беш кўлдек биламан, кўнглида нима борлигини тушунаман, деб ўйлаган эди. Эндиликда Фриднинг гапидан кейин, уни ҳали яхши билмаганига қаноат ҳосил қилди. Дастлаб унга Василе қандайдир бир фидокорлиги, жонбозлиги тутиб кетиб бу ишга журъат этгандек кўринди. Унга рашки келди, қалбида ҳасад уйғонди, лекин шу билан бир вақтда кўрқувга ҳам тушиб қолди. У Василени қайсар, бир сўзли, чуқур мушоҳада билан фикр юритишга мойил бир йигит сифатида ҳам биларди. Мана шу мушоҳадакорлиги сабабли ҳам иккиланди, у ҳақиқий эътиқод сари қинғир-қийшиқ йўллар билан келди. Рудольф бўлса, бу эътиқодни бажону дил қабул қилди, қалбига жо қилиб олди. Рудольф ҳақиқий немис бўлиб, унинг бу жиҳатдан жудаям кўнгли тўқ эди. Лекин шундай бўлса ҳам Василенинг фақат она тарафдангина немис бўла туриб, комендант билан икки марта гаплашишга муяссар бўлгани Рудольфни изтиробга солиб қўйганди.

— Силе, қилган ишинг кўзингга, назаримда, одатдаги оддий ишлардан бири бўлиб кўриняпти. Лекин сен мени бу билан тамом ҳайратга солиб қўйдинг, қойилман. Ахир аслида сен жуда

кўнгилчансан-ку. Мактабда ўқиганимизда математикадан ўзингни кўрсата олмагандинг. Сенинг гуманизминг аниқ бир йўналишдан маҳрум. Оддий туйғуларини тўғри фикрлардан, аниқ тушунчалардан устун қўядиган одам бундай ишга журъат қилолмайди. Мен сени ўзингни кўрсатиш учун шундай қилгансан деб кескин айблай олмайман. Бу ғирт бемаънилик бўлур эди. Лекин ҳар ҳолда бундай қилишга сенга нима туртки берди?

Василе кулимсиради.

— Сен менинг ўрнимда бўлганингда бошқача ҳаракат қилган бўлармидинг, Рудольф?

— Мен ўша ҳолатда нима қилишимни ҳозир билмайману, лекин ҳар ҳолда мен немисман. Менинг ҳаракатларим қандай бўлса ҳам табиий бўлиб чиқарди. Лекин сенинг эса... тушунчангининг фақат ярми немисча. Шунинг учун биздан юқорига кўтарилишга ҳаққинг йўқ. Тушунча, онг нуқтаи назардан қараб баҳолайдиган бўлсак, қилган ишинг сени ўзинг кўтарилишинг лозим бўлган юксакликдан бир поғона юқори кўтаради, холос.

— Рудольф, ўтакетган мақтанчоқсан-да. Тўғри, мен мактабда математикадан ҳеч қачон ўзимни кўрсатолмаганман, қуруқликда, мақтанчоқликда сенинг олдинга тушадигани йўқ эди.

— Силе, сен мени ҳақорат қиляпсан.

— Ҳақорат қилгим келяпти-да. Мен сени шу топда бошқачароқ ҳақорат қилишим мумкин эди-ю, лекин бу сафар оғизда ҳақорат қилиш билан қаноатланиб қўя қоламан. Рудольф, шуни билиб қўйгинки, кимда-ким мени камситаркан, ҳеч қачон чидаб туролмайман.

Василе нимадир қилишга, қандай қилиб бўлса ҳам танасида йиғилиб қолган асабий куч-қувватни чиқариб юборишга ўзида чуқур бир эҳтиёж сизди. Гарнизон казармаларидан бирининг тепасига «Клуб» деб ёзиб қўйилган эди. Василенинг бунга кўзи тушди-ю, ўша тарафга қараб кетди. У Рудольфнинг гапирган гаплари ҳасаддан, шу билан бирга ўзининг тез таъсирланувчан, асабий бўлиб қолгани эса анча вақтлардан буён ишлатилмасдан мускулларига йиғилиб қолган куч-қувватнинг оқибатидан эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди.

Спорт залига ринг ўрнатилган эди. Василе бокс кўлқопларининг шартиллаб бир-бирига урилаётганини эшитиб тўхтаб қолди. Канатанинг ичида у бир неча марта бокс тушган капитан билан устози қўл силкиди. Василе одатдагидай эътироз билдириб ўтирмай ечинишга кетди. У аслида боксга одам танасини келишган, чиройли қилиб камолга етказувчи бир восита деб қарар, спортнинг мураккаб бир тури сифатида эса назарига илмасди.

Василе ечиниш хонасидан битта трусикда чиқиб келди-ю, рингга кўтарилди, тренер қўлларига дока ўраб қўйиш учун унинг олдига югуриб келди.

— Негоицэ, анчадан буён кўринмайсан, нима бўлди сенга?

— Ҳеч нима. Банд эдим, — бепарволик билан жавоб берди Василе.

— Капитан кўп машқ қилган. Сен бутун куч-қувватингни, маҳоратингни ишга солишинг керак бўлади. Бўлмаса пол билан ўпишинг ҳеч гап эмас.

Василе устознинг гапларини Рудольфнинг гапларига олиб бориб боғлади. Устознинг гапларида, назарида, ҳеч нарса билан асослантирилмаган ўша олийлик, устунликка ўхшаш тақаббуруна руҳ жаранглаб турарди. Бу нарса Василенинг нафсониятига тегди.

— Хайль, Силе! — капитан бурчақда туриб саломлашди.

— Хайль, жаноби гауптштурмфюрер.

— Муросасиз, жиддий уч раунд кураш ўтказишни хоҳлайсанми?

— Ихтиёр сизда, жаноби гауптштурмфюрер.

— Охирги ойда мен роса машққа зўр берганман.

— Мен эса чекишга.

— Аввалги учрашувимизда мен бор кучинг билан олишмаётганингни сезиб қолдим. Силе, бу билан мени қаттиқ хафа қилгансан.

— Бу сафар ўшандай хафа бўлиш имкониятига эга бўлмайсиз.

— Кўполлик қиялпсан, Силе.

— Кечирим сўрайман, жаноби гауптштурмфюрер.

— Муштларим сени кечиради, деб кафилик беролмайман.

— Унда яна яхши бўлади, жаноби гауптштурмфюрер.

Жанг бошланди. Гонг товушини эшитиб бошқа уйлардан ҳам тўда-тўда офицерлар чиқиб келишиб, ринг атрофини қуршаб олишди.

Василе биринчи дақиқаларданоқ рақиби илгаригига қараганда тезроқ ҳаракат қилаётганини сизди. Демак, у ҳақиқатан ҳам яхши машқ қилган экан-да.

Василе ўйлаган ўйини охирига етказмаган ҳам эдики, капитаннинг ёнаки зарбаси мўлжалига тегди. Василенинг қулоғи шанғиллаб, бир лаҳза тебраниб кетди, лекин ўз мувозанатини йўқотмади. Икки қадам орқага ташлаб қизариб кетган қулоғини артди-ю, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Еган мушти унинг фикрини бўлиб юборди. Ана шундан кейин у рақи-

бига маҳоратда, кучда ундан паст эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун ўзида кучли бир эҳтиёж сезди.

Василе чап қўли билан тўғридан мушт солган эди, мушти зое кетди. Қайтага ўзи икки марта ёнаки мушт еди. Унинг боши худди соат кафтгирига ўхшаб чайқала бошлади. У тиззалари қалтираётганини сезди. Шунча вақтдан буён машқ қилмаслик, узлуксиз папирос чекиш, ичкилик ичишлар, сўнгги кунлардаги уйқусиз тунлар мана энди ўз кучини кўрсатяпти. Василе диққатини бир нуқтага тўплади ва қўлқопининг устидан капитаннинг сап-сарик, янгигина қирилган учли ҳамда одатдан ташқари нозик энгагини кўриб қолди. Василени мана шу сап-сарик, ботинканинг тумшуғига ўхшаш учли, ўртасидан чизик тортилган нозик суяк ўзига тамоман жалб қилиб олган эди. У энгакдан бўлак ҳеч нимани кўрмас, мушт кетидан мушт еса ҳам унинг бутун диққати капитаннинг ўша чўзинчоқ энгагига қадалиб қолган, ундан кўзини узмас, лаблари эса аламзадалик билан тиржаярди. Ҳа, капитаннинг энгаги уни тамоман ўзига ром қилиб олган эди. Василе ўша ерга мушт туширса, капитаннинг энгаги чап тарафга қийшайиб кетишини, оғиз бўшлиғи йиртилиб, асаб томирлари кўриниб қолишини, ўзининг эса калласида аккордеоннинг қаттиқ ғовур-ғувурига ўхшаш ёқимсиз шовқинни ҳис қилиб, ерга қулаб тушишини хаёлан тасаввур қила бошлади. Мана шу энгакка, унинг қоқ ўзига албатта зарба бериш, зарба берганда ҳам бошлаб зарба бериш шарт. Василе мана шу фикрини кўнглига қаттиқ тугиб олди. Капитаннинг навбатдаги зарбаси Василени тиззалатиб қўйди. Лекин у ҳисобни охирига етказмасданоқ ўрнидан туриб кетди, капитан намоийшкорона илжайиб қўйди. Энди Василе лабининг бир бурчини бужмайтириб туриб зарба беришга хезланди. Капитан бундай мўлжалдаги зарбани фақатгина ўнг қўли билан бера олиши мумкин эди. Василе чап берган эди, капитан беихтиёр очилиб қолди. Василе шу заҳоти мўлжаллаган жойига жон-жаҳди билан мушт туширди. Бу зарба яшин тезлигида ҳамда шунақанги кучли бўлдики, атрофдагилар фақатгина капитаннинг жағи ўнг томонига беўхшов равишда қийшайиб қолганини аранг кўриб қолишди. Капитан худди бир қоп қум ағдарилгандай гурсиллаб полга қулаб тушди-ю, шу-шу турмай қўя қолди.

Василе тишлари билан қўлқопининг ипини қўлларида юлқиб-юлқиб ечиб ташлаб, канатанинг остидан ўтиб ечиниш хонаси томон йўналаркан, рингда сунъий нафас олдирилаётган капитанга ҳатто қиё ҳам боқмади.

Василе кўчага чиқди, энди у руҳан тетик, Рудольф айтган гапларини кўнглидан чиқариб юборган бир қиёфада эди. У рингга кўтарилаётиб курашда ғалаба қилишим ё энгилишим доришуноснинг ўғли айтган гапларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқлаши керак, деб ўйлаган эди. Мана энди қозонилган ғалаба оддий ғалабалардан эмас. У энгишга-ку капитанни энгди-я, лекин шу билан бирга Рудольфнинг ҳам устидан ғалаба қозонди, унинг бутун ҳасадларидан юқори кўтарилди.

32

Негоицэ, Элиза ва Ионуц учаласи ўтиришиб тушликни қилиб бўлишди. Василени бир соатга яқин кутишди, у ҳалеганда келавермагач, овқатлангани ўтиришди. Василени кутишни Элиза таклиф қилгани учун дастурхонга ҳам унинг ўзи биринчи бўлиб қўл чўзди.

Ионуц талинкасидаги охирги картошкасини шоша-пиша оғзига солди. Унинг жавдираб отасига қараб туришидан нимадир сўрагиси келиб кетаётганини билиб олиш мумкин эди. Ҳақиқатда ҳам у ўзи ўйлаб ўйига етолмаётган нарсани отасидан сўраб ҳал қилиб олмоқчийди. Шунинг учун картошкани тезроқ ютиб юбориши учун сув ичди.

— Дада, одамлар ҳайвонми?

Негоицэ Ионуцга узоқ қараб қолди. У бисмиллосига қулоғининг тагига шапати туширмоқчи бўлган эди, бироқ картошка тикилиб қолди-ю, ўзини тийди.

— Нега ҳайвон бўларкан? Одам — одам-да!

— Нега бўлмаса уларни мол ортадиган вагонга солишади? Сен, мени аҳмоқ, кўрмайди, деб ўйлайсанми?

— Кимни солишади?

— Одамларни-да, мен кўрдим, эрталаб сен ухлаб ётгандинг. Вагонлар қалашиб кетган, ҳаммасидан ҳам одамлар қичқиришар, бақиришар, вагон деразаларидан бўш консерва банкаларини узатишарди. Менинг ҳам шунақа ярқироқ банкам бўлсайди, деб ҳавасим келди...

— Қанақа паровоз эди? — сўради Негоицэ.

— Қанақа бўларди, юмалоқ тендери бор паровоз-да, уни тагин менга немисларники дегандинг.

— Ионуц, сен яхшиси, бунақа банкаларни орзу қилмай қўя қол.

— Дада, агар сен орзу қилма десанг, орзу қилмайман. Ўзиям унчалик чиройли эмас экан. Дада, яна нималар кўрганимни биласанми! Бу доим шақир-шуқур қилиб юрадиган энг охирги вагон. Қарасам, вагоннинг филдирагида ола-була бир нарса айланиб кетяпти. Қўғирчоқ экан. Қўғирчоқнинг боши резинкадан бўлса керак, шунинг учун ҳам филдиракка ёпишиб қолибди. Филдирак айланган сари қўғирчоқ ҳам айланади. Оёқлари яланғоч, қўллари эса худди жони борга ўхшаб силкиниб кетяпти. Аввалига буни кичкина бола бўлса керак, деб қаттиқ кўрқиб кетдим. Кейин қарасам, қўғирчоқ экан. Лекин барибир жудаям раҳмим келди, худди ёш болага ўхшайди. Дада, немислар ёмон одамларми?

— Уларнинг ичида ёмонлари ҳам бор, яхшилари ҳам.

— Тормоз майдончасида қўлида автомат ушлаб кетаётганлари ёмон одам экан, бўлмаса қўғирчоқни поездга бостириб, қараб ўтиришмасди.

— Эҳтимол, қўғирчоқ ўзини ёмон тутгандир.

— Қўғирчоқ қандай қилиб ўзини ёмон тутиши мумкин? Ахир у қўғирчоқ-ку, иннайкейин, у жудаям кичкина. Ойи, ёшлигингда сенинг ҳам қўғирчоқнинг бўлганмиди?

— Йўқ, бўлмаган.

— Нега, дадам қўғирчоқ олиб бермаганми?

— Менинг қўғирчоқ ўйнайдиган пайтларим ўтиб кетган.

— Аттанг. Қўғирчоқмисан қўғирчоқ экан-да, ўзиям жуда чиройли. Ойи, яна туширадиган бирон ниманг борми?

Негоицэнинг шапалоғидан Ионуцнинг қулоғи шанғиллаб кетди.

— «Туширадиган» деганинг нимаси.

— Ойим доим «туширадиган» дейди-ку!

— Ёлғон, мен бу сўзни анчадан буён айтмайман.

— Айтган пайтларингда нега дадам сени урмасди?

— Ионуц, катталар қилиши мумкин бўлган ишни қилмагин деб, сенга неча марта айтишим керак, — деди Элиза.

— Мен ҳеч нарса қилаётганим йўқ-ку, ўзинг доим қарғайсан, мен эса сени сўкмайман.

— Бу болалар бизнинг ёшлигимизга қараганда анча пишиқ, — деди Элиза.

— Ҳозир замон бошқа, — Иримие аниқлик киргизди.

— Бунинг суюнадиган жойи йўқ. Замонасига қараб ўсиб баттар бўляпти, замонаси қурсин. Бугун эрталаб унинг чўнтагидан папирос қолдигини топиб олдим.

— Саккиз ёшимда мен ҳам чекканман.

— Иримие, сен ҳаммасини кечираверасан.

Негоицэ жавоб бермай хотинига бир қараб қўйди. Унинг чит кўйлаги остидан юмалоқ кўкраги-ю, кўп йиллар мобайнида машаққатли меҳнат ҳамда оғир юк кўтараверганидан катта хотинларникидек туртиб чиққан икки бўксаси кўзига ташланди.

Элиза эрининг қарашини сезиб бесаранжом бўлиб қолди. Ўрнидан дик этиб туриб меҳмонхонага кирди-ю, Василега шим тиктириш учун олиб келган матодан бир парча олиб чиқди. Элиза бу матони бир неча марта Негоицэга кўрсатган, лекин унинг назарида эри ҳар сафар ҳам диққат билан қарамаётгандай туюлаверарди.

— Унинг остигина ип-газлама, қолган жойи тоза шерсть, — деди Элиза. — Иримие, у мени ойи деб атаганини эшитдингми?

— Эшитдим, Элиза.

— Лекин у бор-йўғи бир мартагина шундай деб атади мени. Яна ойи дермикин, фикринг қалай? Эҳтимол, у ҳақиқатан ҳам мени ойи деб чақираверар, а? Ахир мен уни қарғамаяпман, қайтага ҳар куни эрталаб унга ширин чой тайёрлаб қўяпман.

— У янглишиб ойи деб қўйди, Элиза. Мана, ўшандан буён янглишмаяпти.

— Негоицэ, мен ахир ювиб-тараганман, боққанман.

— Ҳа, сен унга ҳақиқий она бўлган эдинг...

— У бўлса, мени бир мартагина она деб атади, холос.

— Эҳтимол, у бошқа атамас ҳам. Агар у яна бир марта она деб атаса, шундан кейин билгинки, доимо ойи деяверади. Унда ҳамма нарса ўзгариб кетади.

33

Негоицэ ётишга ҳозирланди. Ионуц бундан бир соатлар муқаддам ухлаб қолган эди. Василе бўлса, ҳали келгани йўқ, Элиза ошхонада у-буни ювиш билан овора. Иримие тўшакка ўтирди. Шу тоб будка тарафдан уч марта шиддат билан чалинган ҳуштак овози келди, кейин шлагбаум гичирлади-ю, яна «Кўркам кўча»да сукунат ҳукмронлик қила бошлади. Аллақерда кучук акиллади, кейин яна кучли ҳуштак чалинди, Негоицэ «Дрегенелга нима бўлди», дея тўнғиллаб қўйди, стрелкачининг нима сабабдан бор кучи билан ҳуштак чалиши сабабини билмай. Ҳуштак бир оз тўхтаб яна чалинди. Негоицэ ўрнидан туриб ойнани очиб қараса, линия бўйлаб семафор томон Дрегенел физиллаб келяпти. У:

— Нима бўлди? — деб қичқирган эди, навбатчиси жавоб бермади.

Негоицэ ўннга қараб ўрта семафорда кўк чироқ ёниб турганини кўрди. Нима бўлганикин? Семафорлар орасида аллаким-санинг қизил чироқ кўтариб юргани кўзга чалинди. Негоицэ югуриб ошхонага кирди-ю, шоша-пиша михдан шимини олди.

— Иримие, сенга нима бўлди? — Элиза безовталанди.

— Билмайман. Семафорда кўк чироқ ёниқ, линияда эса биров қизил чироқ кўтариб юрибди.

У ҳали ботинкасининг ипини боғлашга улгурмаган ҳам эди, ташқаридан паровознинг узун қичқириви эшитилди. Поезднинг филдираклари излар туташган жойда тақир-туқир қила бошлади. Паровоз яна кетма-кет қичқирди-ю, кейин шартта тормоз берди.

Негоицэ кўчага чиқди. Кимдир паровознинг олдида ҳали ҳам кўлини силкирди. Филдираклар остидан учкун чиқиб, буферлар шарақлаб кетди. Юк вагонларидан ҳар хил овозлар, уйқудан уйғонган болаларнинг йиғи товушлари эшитиларди. Поезд ўз инерцияси билан яна бир неча метр юриб бориб, кейин таққа тўхтади. Ўқ овози чиқди. Буни кўрқиб кетган соқчи солдат отган бўлса керак, составнинг ўртасидаги пассажир вагондан ирғиб-ирғиб немис солдатлари тушишди-да, олдинга қараб югуриб кетишди. Ҳар хил қичқариқлар, команда товушлари эшитила бошлади. «Кўркама кўча»даги хужралардан чала-чулпа кийинган одамлар югуриб чиқишди.

— Нима гап? Ҳо, Денеш амаки, нима бўлди?

Паровознинг олдида бир кўлида қизил чироқ, бир кўлида челақда лим-лим сув билан ўзини ўраб олган солдатларга совуқ илжайиб Митран турарди. Гарчи домлага автоматларнинг оғзи тўғриланиб турган бўлса ҳам, у кўрқиш нималигини билмасди. Кейин челақни уйга олиб кетмоқчи бўлгандай дадил қадам ташлаб олдинга юрди. Унинг қаршисида солдат пайдо бўлган эди. Митран уни чироғи билан четга сурди-да, дадил қадам ташлаб биринчи вагон томонга қараб кетди. Солдат унинг дадиллигидан лол қолдими ёки нима ҳодиса бўлаётганини англаб етолмадими, ҳар ҳолда индамай йўл бўшатиб берди. Митран вагонга келиб тиканли симлар билан ўраб ташланган дарчага челақни чўзди, кейин шивирлади.

— Сув бу, азиз одамлар, сув, ичинглар...

Бир нечта чўмич ва консерва банкалари Митраннинг челақига жаранглаб урилиб сувга тушди.

Вагондаги одамлар кимдир уларга сув келтирганини билиб қолишгандан кейин дарчанинг олдига уймалашиб кетишди. Улар бир-бири билан уришар, бир-бирини итаришар, тиканли сим уларнинг қўлларини тирнаб яраларди. Поезднинг олд тарафидаги йўловчилар вагонидан тушган бир офицер югуриб кела бошлади. У Митраннинг олдига келиб тўхтаб уч марта ўқ узди. Ўқ тешиб ўтган челақдан узун бўлиб сув оқиб қумга тўкила бошлади. Митран челақни ташлаб юборди, ўзи эса яна бир лаҳза дарчага, ўнларча ҳайқираётган, қўрқиб даҳшатга тушаётган овозлар келаётган томонга қараб турди-да, кейин лабидаги табассум қандай турган бўлса, худди шундай қотди-ю, ерга қулаб тушди.

Офицер Митранга бир қараб қўйди-да, уни босиб ўтиб чолнинг довюраклиги лол қилиб қўйган солдат қаршисига келди. У солдатнинг қўлидан автоматини юлқиб олиб, ёнидаги шеригига берди. Кейин бошидаги каскасини сал нари суриб, қоқ пешанасига пистолетини қадаб туриб, отиб ташлади. Худди болта билан тараша ёргандек бўғиқ товуш чиқди. Солдат худди қанот пайдо қилгандек осмонга бир сакради-ю, кўтармага гурсиллаб қулади. Изга тушган каска учкун чиқариб совуққина чарсиллаб қўйди.

Буларнинг бари бир зумда бўлиб ўтди. Эшигига қулф осилган биринчи вагондаги одамлар ҳаммасини кўриб туришарди. Шундан кейин бирин-кетин вагонларда яна ҳайқирик кўтарилди. Қичқирик, хуштакбозликлардан бутун состав титрай бошлади. Ўқ овозлари чиқди. Ўқларнинг бир нечтаси ҳавога учган бўлса, бир нечтаси вагон тахталарини тешиб ўтиб одамлар танасига санчилди.

Шошилинич равишда берилган команда товушлари эшитилди. Бир неча немис солдати ўлган солдатнинг жасадини вагон майдончасига ташиб киришди. Қолганлари эса яна ўз жойларига қараб югуриб кетишди-ю, поезд ҳам ўрнидан қўзғалди. Эшиклари қулфланган товар вагонларидаги ҳайқирик яна янги куч билан шиддатлироқ тус ола бошлади. Шунча дод-вой, бақирришларни ёриб аллақердан вальс эшитиларди. Куй пассажир вагондаги патефондан келаётган эди. Бирдан мусиқа шартта бўлинди. Купеларга ажратилиб, яхши ёритилган вагон худди ўлик солиб кетаётган ваҳимали аравага ўхшаб ярқ этиб ўтиб кетди.

Қичқириклар поезд узоқлашган сари пасайиб борди. Қум уюми олдида эса одамлар юм-юм йиғлашарди. Кимдир қўнғироқ қилиб полиция чақирриш учун темир йўл будкасига отилиб кирди. Матейнинг хотини Ануца чироқ келтирди.

Митран ёнбошлаб ётарди. Ҳатто ўлим ҳам таъсир қилолмагандай унинг лабидан табассум аримаган эди. Ўқ тешиб ўтган челақдан қизил целлофан билан ўралган, лекин ўчиб қолган чироққа сув томчилаб турарди.

— Жаноби ўқитувчи, нима қилиб қўйдингиз? — деди йиғилганлардан бири, лекин савол жавобсиз қолди.

— Ким ўлибди? — деди кимдир бўғилган овозда.

Каучук заводидида соат ўн бирга гудок чалинди. Унинг кетидан бошқа заводларнинг гудоклари ҳам бирин-кетин эшитила бошлади.

— Уни ким ҳам кўмади энди? — хўрсинди Тереза.

Ҳамма домла Митранга мотамсаро бир қиёфада боқар, домла бўлса, оёқларини кўкрагига йиғиб чангак бўлиб ётарди. Шу ётишда у худди ёш болага ўхшарди. Завод тарафдан гўнғир-гўнғир овозлар эшитила бошлади. Булар иккинчи сменадан чиқиб келаётган ишчилар бўлиб, улар тўдаланиб турган одамларни кўриб линияни кесиб ўтишди.

— Нима ҳодиса юз берди?

Келаётган ишчиларнинг кети узилмасди. Йиғлаб турганлар ҳасратга тушиб кетишди. Чорраҳада полиция машинасининг қаттиқ сигнали қулоққа чалинди.

— Четга чиқ! Четга чиқ. Нега тўпландиларинг? Томоша йўқ бу ерда!

Йиғилганлар полицейларга истамайгина йўл беришди. Улар жасаднинг чўнтақларини титкилаб чиқиб, ҳужжатларини олишди.

— Мурданинг қариндош-уруғларидан борми? — сўради старшина.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Мен сизлардан, мурданинг қариндош-уруғларидан бирон одам борми ё йўқми, деб сўраяпман? — старшина яна тўдага мурожаат қилди атрофига алангларкан.

— Бор, мен.

— Отинг нима?

— Геза Денеш.

Денеш амаки оёқланг, ички кўйлақда ҳассага суяниб турарди.

— Бироқ сен венгерга ўхшайсан, бу эса румин-ку...

— У менинг қариндошим.

— Жин урсин сенларни, кимлигингни ҳам билиб бўлмайди.

Бирор юмуш билан шуғулланиш ёки ётиб жимгина ухлаш ўрнига бемаъни иш қиласанлар.

Аллаким Денешнинг ёнида туриб йиғлаб юборди. Бу Павел эди.

— Йиғлама, болам, йиғлама. Илоҳим улар ҳам...

— Ким сўкиняпти? Қани, ким? — қичқирди полицей.

Тереза эрини елкасидан тутиб одамлар орқасига тортиб кетди.

— Ҳалиги қариндошман деган одам эртага ўликхонага борсин. Мурдани ёриб кўриб нима сабабдан ўлганлигини аниқлашгандан кейин, эҳтимол, беришар. Эшитяпсанми, Денешмисан, ҳов, ким эдинг?..

Жасадни замбилга солиб машинага ортдилар. Шу билан полиция машинаси жўнаб кетди. Одамлар барибир бўлган воқеани муҳокама қилишганча тарқалишмай темир йўл кўтармасида тураверишди. Фақат яқинлашиб келаётган поезднинг ҳайқиригина уларни тарқатиб юборди.

Иримие билан Элиза деярли ҳаммадан кейин кетишди.

— Элиза, нимага йиғлаяпсан?

— Кўрқиб кетяпман.

Негоицэ хотинини уйга қўйиб, ўзи дарвозанинг олдига чиқди. Бутун «Кўркам кўча» уйғоқ эди. Ҳамма деразаларда чироқ ўчмаган, тротуарда одамлар тўда-тўда бўлиб гаплашиб туришарди.

Иримие бўлиб ўтган воқеалардан руҳи тушиб, букчайганча скамейкага чўкди. У узук-юлуқ гапларни, немислар шаънига айтилаётган ҳақоратларни, тўс-тўполон, шовқин-суронда уйғониб кетган болаларнинг йиғиларини худди тушида кўраётгандай бўлиб эшитиб турарди. Шу чоқ Митран билан орасида бўлиб ўтган ҳамма суҳбатларини эслашга ҳаракат қилди. У Митранни жуда кам биларди. Митран ҳам ҳамма қатори бир одам бўлиб, юрагида унинг ҳам ўзига яраша дарди, гами бор эди. Эҳтимол, Иримие Митраннинг қизил, кўк чироқ ҳақидаги саволларига жавоб бермаганда бу машъум ҳол рўй бермаган, ҳозир у тирик бўлармиди. Ўзига шундай ўлимни раво кўришига домлани нима мажбур қилдийкин? Одамлар ҳозир эшикларининг олдига чиқишиб, Митраннинг асли эси паст, бир қайнови ичида одам эди, деб ҳукм чиқаришаётганди. Мана энди, бўлар иш бўлиб ўтгандан кейингина Иримие Митраннинг одамлар айтаётганчалик эси паст эмаслигига чуқур ишонч ҳосил қилди. У ахир ўз ўлими билан нимагадир норозилик билдирди, қарши чиқди, бутун ҳаёт, кўз олдида содир бўлаётган ҳар хил ҳодисалар — ҳамма-ҳаммаси унинг юрагига таъсир қилди, вужудини жунбишга келтирди. Мана шунинг учун ҳам у лабларида қайғули табассум

қолдириб, ҳаёт билан видолашди. Бу одам бир умр якка-ёлғиз яшади, пироварди ўз ўлими билан ҳам одамларга ниманидир исботлаб кетди. Митран шундай жасорат кўрсатдики, бундай қилишга Негоицэ мутлақо ботинолмаган бўларди. Иримие ўз ҳаётини тарозига солиб кўрмоқчи бўлган эди, бир қарорга келолмади, нима дейишини билмади. У ҳали шу вақтгача бировнинг дардини ўз дардидан ортиқ кўрмаган, бировнинг гамига шерик бўлмаган эди. Мана энди Митраннинг кулфати ўз кулфати, унинг дарди ўз дарди бўлди қолди. Иримие эндигина аста-секин Матейнинг гаплари замиридаги маънони тушунаётганини сизди. Буни сизди-ю, кўрқиб кетди. Чунки темир йўл линиясида юз берган мана бу ҳодиса уни биқиниб олган ўз инидан чиқишга, ён-верига назар ташлашга мажбур қилган эди. Унинг фикрлари тўсатдан аллақандай номаълум, ҳали қадам қўйилмаган сўқмоқларга томон етаклаб кета бошлади. Бу уни чўчитиб юборди. Бирдан Иримие Василенинг ахлат яшигидан бурдаланган плакатни топиб олгандаги ғазабдан бужмайиб кетган башарасини эслади. Негоицэнинг кўзига Василе шу топда ўз жигари, ўғли сифатида эмас, балки қўлидан ҳар бало келадиган падаркуш сифатида кўриниб кетди.

— Иримие, уйга кир! — Элиза чақирди.

— Нима бўлди?

— Ёлғиз кўрқяпман.

Иримие айтишга номус кучлилиқ қилиб индамади, аслида ҳозир унинг ўзи ҳам кўрқиб кетаётган эди.

34

Иримие ишга кетишга ҳозирланаётганда Элиза туриб нонушта тайёрламоқчи бўлган эди, қўймади. Дамингни ол, ухла, турганидан кейин бир чимдим лимон кислотаси билан нон-чой олиб борарсан, деди. Негоицэ чинни пиёлага чой қуйиб, унга нон ивитиб ейишни хуш кўрарди.

Элиза эри кетгач, чамаси икки соатлар ухлаб, кейин уйғонди, уйғонди-ю, дарров нонушта тайёрлаш гамига тушди, қараса, лимон йўқ. Ё лимон бўлиши керак, ё лимон кислотаси. Элиза ҳар куни эрталаб Иримиега чой тайёрларди-ю, лекин лимонни ўйламасди. Қани энди, бир бўлак бўлса ҳам лимоннинг ўзи топила қолса. Чойнакка соларди-ю, индамай Иримиенинг олдига олиб бориб қўярди. Негоицэ, албатта, биринчи навбатда, чойнакнинг қопқоғини очиб қарайди. Қараши билан чойнакда-

ги лимонга кўзи тушиб ҳайрон бўлиб қолади. Иримиенинг мана шу ҳайрон бўлиб қолишининг ўзигина Элизага катта хурсандчилик, роҳат бахш этарди.

Элиза бир умр тонг саҳарда туриб қоронғи шомгача тинимсиз меҳнат қилиб келяпти. Дастлаб ота-онасиникида, кейин фабрикада. Мана, Иримие билан бир ёстикқа бош қўйганига ҳам саккиз йил бўлибди. Саккиз йилдан буён шу хонадоннинг оғирини енгил қилади. Лекин у шунча йил заҳмат чекиб яримта лимон учун бунчалик ташвиш тортаман, деб ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаган эди.

Элиза Иримие билан темир йўл бўйлаб кезган ўша оқшом қалбида қандайдир ўзгариш содир бўлганини сезган, шундан кейин ҳаётга, ўзини ўраб олган ҳамма нарсаларга, ҳатто ўзига ҳам бошқача назар билан қарай бошлаган эди. Кўп оғир кунларни кўрди, турмуш уни кўпол бўлишга мажбур қилди. Шунинг натижаси ўлароқ у қарғишга ўрганиб қолган, арзимас келишмовчилик, тартибсизлик деб жанжал кўтаришга, уриш бошлашга тайёр турарди, шу билан бирга уйдаги оғир юмушларни ғайрат билан осонгина бажариб ҳам ташлай оларди. Мана шундай аёл энди алақандай арзимас бир бўлак лимон деб ташвиш чекиб ўтирибди.

Элиза туриб тез-тез кийинди, ювиниш ўрнига печкага ўт қўйди. Сочларини тараб кўчага чиқди. У югуриб Ануцаникига борди, ундан Терезаникига ўтди, сартарошнинг бевасиникига кирди. Ҳеч кимникидан лимон тополмай руҳи тушиб уйга қайтиб келди. Лимон сотиб олиш қийин эди. Бор бўлган пайтларда унчалик қиммат эмасди-я. Аксига олгандай ҳозир уни бирон ердан на топиб, на сотиб олиб бўларди.

Элиза янги шимини чўткалаётган Виссарионни кўриб, деворга яқин борди.

— Виссарион! — Элиза қаттиқ кичқирди.

— Элиза, мени чақираётибсанми? — ўзига аёл киши мурожаат қилаётганига ишонмай сўради Виссарион.

— Ҳа, Сени! Сенда бир бўлак лимон топиладими? — Элизанинг Виссарионда ҳам топилмаса унда нима қиламан, деб кўрққанидан пешанасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Менда лимон дарахтчаси бор. Ўзинг биласан-ку. Унда биттагина лимон бор, шуни узарканмиз-да энди.

— Узиб менга бир бўлагини бер.

Байяш энгагини қашиди.

— Лимонсиз дарахт лимон дарахти ҳисобланмайди. Ким, масалан, лимони йўқ бўлса, унинг лимон дарахти эканлигига ишонади.

— Лимон қидириб тополмаяпман.
— Элиза, аҳволинг қалай?
— Мана кўриб турганингдай, бир бўлак лимон излаб юрибман.

— Нега сенга лимон керак бўлиб қолди?
— Шунақаям бўларкан-да, керак бўлиб қолди.
— Элиза, сен мени тамоман унутиб юбординг. Худди биз иккаламиз ҳеч қачон бирга бўлмагандай.

— Эҳтимол, бирга бўлмагандирмиз, Виссарион.
— Қани-қани, гапиравер...
— Бунга кўп вақтлар бўлди. Бари эсимдан ҳам чиқиб кетди. Юракка яқин, қалбга туташ бўлган ишлар ҳеч қачон ёддан кўтарилмайди, Виссарион.

— Мен сени чиндан севардим, Элиза, ҳозир ҳам севаман. Фақат шунга ақлим етмайдики, нима учун сен менга кўнгил қўядиган даражада сени сева билмадим, ўзимга оғдиролмадим. Агарда биз мен одамлар олдида ваъз қилган, ҳамма менинг гапларимни жон қулоғи билан тинглаган пайтларда учрашган бўлганимизда, балки сен ҳам мени севиб қолган бўлармидинг. Ўша вақтда кўпгина аёллар мени севишга, мени деса ўзларини томдан ташлашга тайёр туришган эди.

— Виссарион, кўряпсанми, гапларимиз қаёққа қараб кетиб қоляпти? Бўлган воқеалар ҳақида гаплашаётгандик чоғи. Бу ёғи тамоман бошқа нарсага ўтиб кетди. Демак, дейиш мумкинки, орамизда тилга олишга арзигулик ҳеч нима бўлмаган экан.

— Ўша пайтлар бўлганда сен мени севиб қолган бўлардинг. Агар сен менинг халойиқ олдида қандай нутқ сўзлаганимни кўрганингда, қандай гапирганимни...

— Лимон дарахтингда фақатгина битта лимон борми?
— Фақат битта.
— Агар лимон бермасанг, мен кетдим.
— Шошма.
— Кетишим керак, кун кеч бўлиб кетди.
— Таранг қилганим, бир оз гаплашиб турайлик деганим-ку. Бирпасда муҳайё қиламиз-да, жонидан! Лимон деган нарса нима бўпти ўзи? Ҳеч нима.

Виссарион ҳовлига кириб кетиб, тезда кўлида ҳали пишиб етилмаган битта лимон кўтариб келди.

— Раҳмат, Виссарион. Ҳожат чиқаришингга ишонган эдим.
— Жудаям унчалик эмас...

Элиза кетмоқчи бўлган эди, Виссарион девордан қўлини чўзиб унинг қўлини ушлаб олди.

— Василе сенга мен ҳақимда ҳеч нарса демадимми?

— Нима дейиши мумкин?

— Шундай.

— Сенга бахт тилайман, лимонингга раҳмат.

— Элиза, менга ҳеч ниманг керакмас. Лекин, агар уйда Негоицэ йўқ бўлиб, бирпас бўш вақт топиб қоладиган бўлсанг деворга келгин, гаплашамиз. Ўтган кунларимизни, бўлган воқеаларни эслаб гаплашиш менга хуш ёқади. Нима дейсан?

— Лимонинг учун раҳмат. Вақтим бўлганда ўзим келарман. Ўтганларни эслашни севаркансан, бу сенинг ишинг! Ҳар ким ўзида бори билан тирик.

Элиза уйга кириб кетди. Чой дамлаб лимонни кесди. Аввал лимоннинг уч тарафидаги хом жойини кесиб ташлади, кейин айлана қилиб катта бўлак қирқди. Лимон ҳали унчалик пишмаганлигидан суви ҳам кам эди. Лекин нима бўлса ҳам бу лимон кислотаси эмас, асл лимоннинг ўзи эди-да.

Элиза тез-тез оёғини ювиб, яхшилаб дазмолланган тоза чит кўйлагини кийди, елкасига рўмолини ташлаб чойнак ўралган тугунчани қўлига олди. Чиқиб кетаётиб ойнага қараб ҳам кўйди. Сочлари сийраклашиб қолибди, гарданидаги тугун ҳам ўзига яраша оғир эди. Элиза сочидаги шпилкасини кўриниб қолмасин деб ичкарироқ қадади-да, уйдан чиқди. У чанг босиб ётган тротуардан эмас, балки арава юрмайдиган чекка йўл билан кетди. Умуман, «Кўркам кўча»дан аравалар камдан-кам ўтади, шунинг учун ҳам бутун йўлни ажриқ, ўт-ўлан босиб кетган.

Элиза йўлда кетаркан, аллақандай ўзга дунёга элтувчи чексиз йўллар, ярқироқ излар ҳақидаги ўз сеvimли кўшиғини хиргойи қила бошлади. У қачон бўлмасин шу кўшиғини куйлаганида, нозик ҳиссиётлар, туйғулар қучоғига фарқ бўлаверарди. Ҳозир Элиза, назарида Негоицэга совға олиб кетяпти, у бунга нима деркин, лимонни кўриб унга қандай қараркин. Элиза эрининг юзидаги хурсандчиликни тезроқ кўришга ошиқяпти, шунинг учун унинг юзида бир зум ҳозир бўладиган дил қувончини тасаввур қилиб ўз-ўзича суюниб, роҳатланиб кетяпти, шу сабабли унинг хиргойиси ҳам янада шўх-шодон жаранглаяпти.

Элиза узоқданоқ Негоицэнинг стрелкаларни мойлаб юрганини кўрди.

Илгарилари Иримие Элиза яқинлашиб деярли бир қадамча қолганда ўгирилиб қарарди. Баъзан бошини ердан кўтармай,

хотинининг келиши сабабини айтишини кутиб, индамасдан тура-верарди. Энди-чи, у Элизани кўрган заҳоти ишини ташлади. Мой кўлини шимиға артди-да, чиқиб турган сочларини шапкасининг остига бостириб олди. Иримие Элизага ҳеч нима демаган бўлса ҳам унга қараб кулиб қўйди. Лекин Элиза Иримиенинг ўзини мана шундай тутиши замирига кўп маънолар яширинганини жуда яхши сезиб олди. Эҳтимол, у яна Элизага ёқимли, қалбни алла-ловчи ширин гапларидан гапирар. Элиза ҳадеб Иримиедан нима учун кўп йиллар бадалида гаплашмай юриб-юриб охири тўсатдан ўртадаги ғовни олиб ташлаб, у умрида бировдан эшитмаган бундай ёқимли дил сўзларини гапириб юборгани сирини сўрагиси келаверарди. Элиза умр бўйи биттаю битта китоб ўқиган, лекин битта бўлса ҳам унинг мазмунини эсида жуда яхши олиб қолган, фақат ўша китобдагина Иримиенинг гапига ўхшаган гаплар бор эди. Бироқ китоб барибир китоб-да, уларда қалб бўлармиди? Энг ажойиб гапларни у ўзининг Иримиесидан, табассум билан қарши олаётган, табассуми замирида эса ўша унутилмас оқшом ва ундан кейинги оқшомларнинг сирли маънолари яширинган мана шу Иримиедан эшитди.

Элиза тўпифидаги шиши кўринмасин учун оёғини ўтлардан баланд кўтариб босмасликка интиларди. У фақат Иримие қувончдан ёришиб кетган юзларинигина кўришини истарди.

— Келибсан-да, Элиза.

— Келдим. Очиққандирсан, ахир...

Темир йўл линиясининг бошқа тарафидан эркак товуши келди:

— Сени чақирисяпти, Иримие. Дрегенел-ку, шу топда унга нима зарур бўлиб қолибди ўзи?

— Билмайман. Ўзиям яқинда ухлашга кетган эди чоғи.

— Омборнинг олдида тўхтаб турган машина кимнинг машинаси?

— Немис машинаси. Бориб кўрай-чи, Дрегенелга нима бўлибди.

— Шошмай тур, поезд ўтиб кетсин, кейин борасан.

Поезд жуда катта тезлик билан келаётган эди. Негоицэ поезд узоқлигидаёқ вагон дарчаларига тиканли сим тортилганлигини сезган эди. Элиза ёнида туриб ўша бахтиқаро одамларни кўришидан ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди. Поезд биринчи уйларга яқин келгандаёқ одамларнинг бақириви эшитила бошлади. Элиза бошини беихтиёр рўмоли билан ўраб олиб, ҳар хил тилда жон-жаҳди билан қичқираётган, бақириб-чақираётган одам-

ларнинг овозини эшитди, афтидан, улар турли тилда бақир-шаётган бўлса ҳам, қисқа-қисқа сўзлари фақат битта маънони англабди.

— Элиза, уйга бор.

Элиза шундан бошқа ҳеч нарса эшитмас, шиддат билан яқинлашиб келаётган составдан кўзини узмасди. Қичқириқлар борган сари кучаяр, унга кўшилиб немисча маршлар эшитиларди, маршни вагон тепасида ётиб олган солдат бир қўлида пулемёт, бир қўлида оғизда чаладиган гармошка ушлаганча чалиб келаётган эди. Элизани бу вагонлар, ундаги одамлар кўрқитгани, даҳшатга солгани йўқ. У бунга ўхшаган поездни уйининг олдидан ўтаётганида деразасини очиб кўп марталаб кўрган. Лекин у бунақа поездга шу пайтгача ҳеч қачон бу қадар яқин турмаган эди. Тиканли сим орқасида милт этиб кўриниб қолган юзларни бу қадар яқиндан кўрмаган, ажратмаган эди. У кўзини ялтироқ излардан олиб, филдираклари излар уланган жойда ҳайбат билан тарақа-туруқ қилаётган вагонларга тикди. Негоицэ Элизага мана шу ялтироқ изларни оғиз кўпиртириб мақтагани мақтаган. Шунинг учун у, излар шу қадар яхши экан, унинг устидан юрадиган поездлар яхши поездлар бўлса керак, деган фикрда эди. Энди қараб ўз кўзларига ишонмай қолди. Йўқ, Негоицэ уни алдабди. Бу изларни севиш, уларга меҳр кўйиш мутлақо мумкин эмас экан. Булар агар ўз устида шундай поездларни кўтариб турар экан, демак, улар ҳеч қачон бахтга, яхшиликка томон элтмайди.

Ҳар бир лип этиб ўтган вагондан кейин Элиза изларга назар ташларди. Бунда бир дақиқа пўлат изларнинг узун бир бўлагини кўрар, йўл эса ўзининг ўткир ялтироқ шуъласини арвоҳдек елиб ўтиб кетаётган вагонларга сочарди.

Элиза кўрқиб ўзини орқага ташлади. Вагонлар кўзига одамлар билан эмас, фақат ҳайқириқ, қичқириқлар билан лиқ тўлага ўхшаб кўриниб кетди. Бу ҳайқириқларни фақат угина эшитаётгандай, фақат угина уни бир жонли мавжудот сифатида қабул қилаётган, идрок этаётган каби эди. Қолган ҳаммаси пўлат билан чўяннинг бир-бирига урилиб ғижирлаши, қолган ҳаммаси мудҳиш хаёлий нарса эди гўё. Элиза ўз-ўзидан қаттиқ хижолатга ботиб кетди: худди мана шу линия ёнидаги ўтлар устида ўша кунги оқшомда қалбида унутилмас бахтли туйғу уйғонган эдида. Кейин бирдан унинг бутун вужудини ҳаётга ташналик ҳисси чулғаб олди. Ҳар бир сўз, юрагининг ҳар бир тепиши унга ўша кунги бебаҳо оқшомни эслатиб туришини жуда-жуда истаб кетди. Шу хаёллардан кейин поездга яна қараган эди, бу сафар

поезд унга унчалик кўрқинчли бўлиб кўринмади. Поезд энди тамоман бошқа борлиқ, воқелик бўлиб қолган эди. Бу хилдаги поездлар одатдагидай рақамсиз, махсус белгиланмаган поездлардан бўлиб, унинг бор-йўғи билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Элиза юраги тез-тез ўтиб кетаётган вагон ва унинг гилдирактарининг пўлат излар уланган жойда бир маромдаги тарақатуруқига жўр бўлиб, бесаранжом ураётганини сезди. У яна кўрқиб кетди. У бениҳоят зўр руҳий таранглиқдан кейин ўзини худди юраги тўхтаб қолгандай, силласи қуриб ҳолдан тойгандай ҳис қила бошлади. Элиза охири вагоннинг орқасидан худди фикрихаёли унга боғланиб, узоқ-узоқларга чўзилиб кетаётгандай анча вақт қараб қолди. Бирдан унинг фикри шартта бўлинди. Элиза орқасида ҳарсиллаган бегона кишининг нафасини эшитди. Лекин бутун вужудини ноаниқ бир кўрқув эгаллаб олгани учун унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Бу ким, агар у ҳақиқатан ҳам одам бўлса, нега Иримие у билан гаплашмаяпти? Уни хавотирга, кўрқувга солган нарса мана шу эди. Элиза ҳар хил гумонларга бориб ўтирмади. Қарасам, яна омборнинг олдида турган машинани кўраман-да, деган ўйда шартта ўгирилди. Қараса машина йўқ. Бундан Элизанинг кўнглига яна гулгула тушди.

— Иримие, қаердасан? — қичқирди у будка тарафга қараб.

— Элиза, гапимни эшитинг, у...

Элиза ҳеч нарсани тушунмай ёнида кўлини чўзиб турган Негицэнинг навбатчиси Дрегенелга қаради. Дрегенел бир кўнгли Элизани кўлидан маҳкам ушлаб силкитиб ўзига келтирмоқчи ҳам бўлган эди, лекин бундай қилишни лозим кўрмади.

— Иримие олиб кетишадганда сизга қараб қичқирди, лекин сиз поезднинг товушида унинг овозини эшитмадингиз. Агар мени шу мақсадда чақирганларини билганимдами, шундай жойга беркиниб олардимки, улар ҳечам топишолмасди. Агтанг, агар ундан навбатни олганимда уни олиб кетишмаган бўларди, албатта.

— У қаерда, Дрегенел?

Дрегенел эсанкираб қолди. У бор гапни айтиб берганида елкасини босиб ётган оғир юкдан қутулдим, деб ўйлаган эди. Қарасаки, аёл ҳали ҳеч нарса тушунмабди. Дрегенел нима дейишини билмай, қаро терга тушиб кетди.

— Бир граждан кийимидаги румин, яна бир немис келиб, уни машинага солиб олиб кетишди. Иримие сизга қараб қичқирди, сиз эшитмадингиз, яна қичқирди... Мен сизнинг олдингизга югуриб келгунимча, машина кетиб қолди.

— Машина қаёққа кетди?

— Кетди-да, — деди Дрегенел кўз олдида бўлиб ўтган воқеалардан тамоман руҳи тушиб.

Элиза кўлида ушлаб турган тугунчакка бир қараганча содир бўлган ҳодисанинг даҳшатини мутлақо тушунмай туриб деди:

— Қандай қилиб олиб кетади уни, ахир ҳали нонушта қилмаган-ку? Чой, нони ҳали менда бўлса, мана.

— Эҳтимол, уни тезда қўйиб юборишар, ким билади, эҳтимол бугун... Билганимда бекиниб олган бўлардим.

— Хайр, Дрегенел, мен бораман. Ҳув анув ерда чўтка билан латта бор. Латта менинг кўйлагимдан, эҳтиёт бўл, йўқотма.

— Қаёққа борасиз?

— Чойни олиб бориб бераман. Ахир у ҳали нонушта қилгани йўқ-ку.

Дрегенел тамоман ўзини йўқотиб қўйганидан Элизага нима дейишини билмай елка қисиб қўя қолди. У олдинда ҳали вақти кўпу, излаган кимсасини топишига гўё кўнгли тўқдай шошмасдан одимлаб кетаётган аёлнинг орқасидан қараб узоқ туриб қолди.

Элиза машина кетган йўлдан борарди. У бу машинани бир вақтлар зенит батареяларини яшириш учун чуқур қазишаётган немис офицерлари уни кўргани келишганда бир марта кўрган эди. Ўшанда Элиза зобитлардан бирига сув тутган, зобит эса унинг немисча гапиришини кўриб ҳайрон бўлиб қолганди. Машина комендатураники, бошқа жойники бўлиши мумкин эмас эди. Элиза ҳозир буни жуда аниқ эслади. Машинани иккинчи марта казарманинг ёнида кўрган, ўшанда унинг ҳайдовчиси рудда ўтирганча ухларди.

Элиза шаҳарнинг иккинчи бир чеккасидаги немис казармасига етиб келгандагина унинг кўлидаги чойи эсига тушди. Чойнакни ушлаб кўрса, ҳали илиқ. У дарвозанинг олдига келди-да, соқчига эрим шу ердайди, ҳали оч-наҳор, деб тушунтирди. Соқчи унинг гапларини мулоимлик билан эшитиб, навбатчи офицерни чақирди. Зобитлар соқчидан Элизанинг гапларини эшитди-ю, индамай бурилиб кетаверди. Соқчи бўлса аёлга эътибор қилмай кўк будканинг олдига келиб оёқларини жуфтлаганча қаққайиб тураверди. Элиза бир неча марта соқчи билан гаплашишга жазм қилган эди, соқчи кўлидан келадиган ҳамма ишни қилганини айтиб, дарвозадан нарироқ туришини, бўлмаса комендант келиб қолиши мумкинлигини, агар комендант келиб қолиб, уни бу ерда турганини кўрса, иши пачава бўлишини уқтирди. Элиза

унинг гапига кириб девор бўйлаб нарироққа борди. Йигирма қадамлар юриб боргандан кейин тўхтаб, бир тош устига ўтирди. Қўлидаги тугунни эса қуёш иситиб турсин деб, офтобга рўпара қилиб этагига қўйди-да, ўзи яна интизор бўлиб кутишга тутинди. Орадан бир неча соат ўтди. Қуёш тескари тарафга ўтиб, тугунга деворнинг сояси тушди. Элиза бўлса уни эсидан чиқариб қўйгандек парво қилмасди. Лютеранлар черковининг соати вақт ўтиб кетаётганини билдириб турарди. Дарахтларнинг барглари қорая бошлади. Уйларнинг сояси йўқолди. Қоронғи тушди. Элиза бир марта ҳам ўрнидан қўзғалгани йўқ. Вақти-вақти билан у бир нима қилмоқчи бўлгандай чойнакни ушлаб-ушлаб қўярди, холос. Унинг фикри чувалиб, бир нуқтага йиғиб ололмас, бунинг устига чарчаганини ҳам сезмасди. Ҳатто тошнинг устида неча соат ўтирганини ҳам билмасди. Унинг дили тамоман вайрон бўлиб кетган эди. Ўнг томонида қадам товушлари эшитилди. У ўгирилиб қарашдан олдин ағдарилиб кетмасин деб чойнакни қўлига олди, кейин оёғини йиғиб юбкаси билан тиззасини беркитди-ю, ўгирилди. Элиза бояги соқчини кўрди, у, афтидан, шаҳарга кетаётган бўлса керак. Солдат Элизани кўриши билан кулиб қўйди. У ўзича аёлнинг менга «кўнгли суст кетди», деб ўйлади. Шунинг учун тикилиб туриб жудаям шунчалик эмаслигини, фикри нотўғрилигини тушунди. Кейин дарвоза тарафга қараб уларни ҳеч ким кўрмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, келиб Элизанинг ёнига, ўт устига ўтирди.

— Агар ҳақиқатан ҳам бировни кутаётган бўлсанг, бекорга ўтирибсан.

Элиза солдатга бепарволик билан қаради, ҳатто у худо ярлақаб нима мақсадда ўзининг олдига чўкканини ҳам сўраб-суриштириб ўтирмади.

— Эримни кутяпман, у эрталабдан бери туз тотгани йўқ!

— Гапимга қулоқ сол, эринг бу ерда йўқ, — деди солдат.

— Бу ердан бошқа қаерда бўлиши мумкин? Мен уни олиб келган машинани биламан, у шу ерда.

— Уни қаердан биласан?

— Яшил рангли машина эди, — жавоб берди Элиза.

Солдат Элизанинг солдадиллигидан кафтларини тиззасига уриб, хахолаб кулиб юборди.

— Бизда ахир ҳамма машиналар яшил-ку, — деди у кулги аралаш.

Элиза ирғиб тушди. У ростдан ҳам шунақа бўлиши мумкин, деб ўйлади, кейин бирдан, агар ҳамма машина яшил рангли

бўлган тақдирда ҳам барибир Иримиени қайси бирида олиб кетган бўлмасин уни шу ерга, немис гарнизонига олиб келади-ку, деган фикр хаёлидан ўтди.

— Мен кўчамизда кўрган машина яшил рангда эди.

Элиза бундан бошқа ҳеч нима демади. Солдат қараса, аёлинг гаплари анча асосли, мантиқли, кейин унга тикилиб қарай бошлади, ўз фикрига яна бир марта ишонч ҳосил қилгандан кейин, ундан қизиқсиниб сўрай бошлади.

— Шундай қилиб, ростдан ҳам ўзингнинг эрингми?

— Кимники бўларди бўлмаса? Албатта ўзимнинг эрим-да.

Солдат Элизанинг яланг оёғига, ўнгиган кўйлагига, қизил чит рўмоли-ю, пачақ тунука чойнакка бирма-бир қараб чиқди.

— Сен ростдан немисмисан?

— Немисман.

— Бу ерда, умуман, немислар жуда яхши яшашади, сен бўлсанг...

Элиза солдатнинг танбеҳига нима деб жавоб беришини билмай елкасини қисиб деди:

— Мен немисман. Ота-онам арпашалик деҳқон.

— Мен ҳам деҳқонман. Бизда ҳозир буғдойлар етилиб қолди. Буғдойларимиз ҳам жуда ҳосилдор-да,— деди солдат ўйланқираб.

— Агар йил яхши келганда бизда ҳам ҳосил жуда мўл бўлади, — жавоб берди Элиза.

Солдат кетишга қўзғалди. У энди керак нарсани билиб олган, у билан бир кечага бирга бўлишдек ниятига ета олмаслигига кўзи етган эди. Унинг кўзи тугунга тушиб қолди. Кўрса яхшигина тугун. Кейин шунча вақтининг бекор кетганига яраша дурустроқ бир нима чиқиб қолармикин, деган фикрга борди.

— Мазали бирон ниманг борми?

— Чой... Иримиега чой олиб келган эдим. У саҳардан буён туз тотгани йўқ.

Солдат тугунни ечди, аёл алдамаётганмикин деб чойнакнинг қопқоғини ҳам очиб кўрди.

— О! Мана бу жойида! — у чойнакдаги бир бўлак лимонни кўриб қичқириб юборди. Солдат чойнакка қўлини тиқиб лимонни олди, кейин уни оғзига солиб тугунни Элизага қайтариб берди.

— Яхши, яхши, — дерди у жағини қимирлатиб, кейин ўрнидан туриб бир неча қадам юргандан кейин ўгирилди: — Эрингни гестаподан ахтар! Бу ерда йўқ. Навбатчи офицер менга шундай деган эди.

Элизанинг қулоғига ҳеч нима кирмасди. Унинг кўзлари тупроққа туфлаб ташланган лимон пўчоғида эди. Бир зумда унинг бутун вужудини қайғу-алам қамраб олди. Лимон чойнақда эканлигида нимадан кўрқаман, кўрқадиган ҳеч нима йўқ-ку, деб ўзига-ўзи таскин берган, кўнглига ёмон нарсаларни келтирмаган эди. Унинг Негоицэни қўйиб юборишларига, кўп ушлаб турмасликларига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳам ҳозир уни чидам билан кутарди. Элиза Негоицэнинг чойни ичганда унинг нима дейишини эшитгиси, қараб туриб ўз боқиши билан ғамхўрлиги учун миннатдорчилик туйғусини қандай қилиб ифодалашини кўргиси келиб кетаётган эди. Энди-чи, чайнаб ташланган лимон пўстлоғининг йўлакда чангга қоришиб ётганини кўргандагина Иримиега ҳақиқатан ҳам нимадир бўлгани, бўлганда ҳам жуда жиддий бир ҳодиса юз бергани Элизанинг калласига етиб бора бошлади. Чунки бирон кор-ҳол бўлмаганда лимонни бировлар эмас, Иримиенинг ўзи еган бўлар эди-да. Элиза шартга ўрнидан туриб тугунини кўтарганича чайнаб ташланган лимон пўстлоғи топталиб ётган жойга борди. Элиза пўстлоққа нимаси биландир дунёда энг қимматбаҳо ва азиз бир нарсасига қарагандек тикилди. У пўстлоқни ердан олмоқчи ҳам бўлган эди, олишдан ўзини тортди, уялди, аксинча, мана шу ташландиқ бир нарса билан Негоицэ ўртасида ҳеч қандай алоқа, боғланиш бўлмасин, деган ирим билан пўстлоқни босиб-янчиб ташламоқчи ҳам бўлган эди, бундай қилолмади. Тўсатдан калласига Негоицэни энди ҳечам кўролмасам-а, деган фикр келиб урилди. У Иримиега нима бўлиши мумкин, нега энди уни кўролмаслигим керак экан, деб ўзига-ўзи савол беролмади, бунга юраги бетламади. У ҳеч қандай тахмин, фаразларга бормади. Бироқ шундай бўлса ҳам лимон пўстлоғи энди ҳамма нарса тамом бўлганидан, бутун орзу-умиди пучга чиққанидан дарак бериб турарди. Элиза Иримиени олиб кетишаётганларида унинг чақиргани-ю, ўзининг эшитмагани ҳақида Дрегенел айтиб берган гапларни эслади. Элизанинг ўша пайтдаги кўрқишлари ҳозирги кўрқишларининг олдида урвоқ ҳам бўлмай қолди.

Шундан кейин Элизанинг кўнглига бошқа гап кела бошлади: унга Негоицэ кўнглидаги гапларни гапириб қолишимдан чўчиб, атайин қарамади, деб ўйлаётгандек туюлди.

Элиза казарманинг дарвозаси томон бораётган эди, соқчи у яқин келмасданоқ йўлнинг нариги томонига ўт дегандек қўлини силкиди. Аввалига йўлнинг нариги чеккасига ўтишни хоҳламади, қарасаки, барибир ўтишга тўғри келаркан, чунки узоқдан бир взвод солдат у турган йўлдан казарма томон келяпти. Элиза у ёққа ўтгач,

яна лимон пўстлоғи эсига тушди, қараса, лимон пўстлоғининг ўрнида ҳар тушганда тошлардан учкунлар сачратиб, тутунсимон чанг чиқариб гурсиллаб тушаётган этикларни кўрди.

Бўғиқ йиғи овози эшитилди. Соқчи ўгирилди-ю, йўл четида, йўлакнинг нақ ўртасида ўгириб олганча тиззаларининг орасига бир тугунча қўйиб нимадандир хўнграб йиғлаётган аёлни кўрди.

35

Василе кўллари ни бошига ёстиқ қилиб қўйганча емакхонадаги каравотда кўзларини шифтга тикиб ётарди.

Отаси ҳақида Элизага айтган гапларни худди шундай бўлиши муқаррар бир воқеадай қабул қилди. У аслида шундай бўлишини биларди.

Василе вақти-вақти билан кўз қирини Элизага ташлаб қўяр, унинг қаттиқ қайғураётганини кўриб, бунинг сабабига ақли етмай, таажжубланарди. Унинг назарида ўзининг ёки отасининг бахтсизликка учраши, бошига қаро кун тушиши ҳеч қачон Элизани ғамга ботириши, ташвишга қўйиши мумкин эмас эди. Чунки Иримие унинг ҳаётида ҳеч қандай роль ўйнамаган, юрагидан эса мутлақо ўрин олмаган. У ўзида бунга қатъий ишонч ҳосил қилган. Элиза бўлса, эрини нима учун, қай гуноҳларига олиб кетишганини биллолмай боши гаранг эди. Василе дадасини нега қамаганларининг сабабини унга айтишни эп кўрмади. Лекин шундай бўлса ҳам Элизанинг юзларида отасига жон куйдириб ачинаётгани, ташвишланаётгани акс этиб турардики, шу туфайли Василе унга самимий бир туйғу билан яқинлаша бошлади. У илгари Элизага нисбатан бундай ҳиссиётни ўз юрагида ҳечам туймаган эди.

Василе Элизага яна бир марта қаради. Қаради-ю, дастлаб унинг нима қилаётганини биллолмай қолди. У бир кўлида талинка, бир кўлида сочиқ, кастрюлькадаги ювиндига қараб туриб қотиб қолган эди. Кейин Элиза оқариб кетди, лаблари буришиб, кўзлари ёшга тўлди.

— Нима қиляпсан? — деди Василе ўрнидан қимирламай.

— Нима қиляпсан дейсанми? Идиш-товоқларни ювяпман, — жавоб берди Элиза.

Ўртага сукунат тушди.

— Силе, сен нима дейсан, бугун қайтиб келармикин? Ахир уни олиб кетганларига икки кун бўлди-ку.

Василе жавоб бермади.

— Силе, жудаям кўрқяпман.

— Ҳечам кўрқадиган жойи йўқ.

— Мана, икки кун ўтди ҳамки, келмади. Ўтган куни эрталаб ҳатто чойини ҳам ичмаган эди.

Элиза талинкаларни артиб, сири кўчиб кетган буфетга тахлаб қўйди.

— Василе, бу кўйлакни ташла. Сенга ярашмаяпти. Худди полицейларга ўхшаб кетасан...

Василенинг қош-қовоғи осилиб кетди. Гарчи у Элизанинг очиққўнгилик билан гапирганини билса ҳам бир куни кўчада кетаётганида худди шунга ўхшаган гапларни бошқалардан ҳам эшитгани эсига тушди. Элиза Василени тўсатдан хафа қилиб қўйганини билиб ўз хатосини тузатишга, кечирим сўрашга ҳаракат қила бошлади.

— Оғзимдан чиқиб кетди. Бориб Ионуцни олиб келмайсанми? Етар энди шунча ўйнагани.

Василе бир оғиз ҳам гапирмай каравотдан турди-ю, кўчага чиқиб кетди. У Ионуцни бир неча марта чақирди, лекин у ҳеч овоз бермади.

— Ҳо, Гаврилуш, Ионуцнинг қаерга кетганини билмайсанми? — сўради Василе.

— Унинг иши беш, — тушунтиришга шошилди Гаврилуш. — Кун бўйи қовоғини солиб тумтайиб юрди. Ҳамма ошиқлари-ю, тугмачаларини сотворди. Ҳатто иштонидагисини ҳам қирқиб олиб сотди. Нариги дунёга саёҳат қилиб келаман дейди... «Менга қара Гаврилуш, — деди у. — Уйдагиларга чақиб қўйма тагин, агар айтиб қўядиган бўлсанг, тишларингни уриб синдираман».

— Қай тарафга кетганини кўрдингми? — сўрашда давом этди Василе.

— Мен уни йўлнинг нарёғида, семафор тарафга кетаётганини кўриб қолгандим. Мен, кел, бекинмачоқ ўйнаймиз деб чақирсам, унамади.

Василе дўнгликка чиқди-ю, қўлларини чўнтагига тикиб хуштак билан марш хиргойи қилганча семафор томонга одимлаб кетди. Узоқдан бутун майдонни кесиб ўтган, қуёшнинг ботиб кетгандан кейинги атрофга тараладиган қизил шуъласида қизариб кўриниб турган тупроқ уюмига кўзи тушди. Василе ўша ерга яқин бориб чуқур зовурларни, худди гўрга ўхшаш чуқурликларни кўрди. Қазиб ташланган бу чуқурликлар одамнинг юрагига қандайдир ваҳима соларди. Василе мана шу ердаги чуқурликлардан биттасининг лабидан қўлида шиша чангаллаганча маст бўлиб ухлаб ётган Ионуцни топди.

Василе муюлишда бурилиши билан қўлига оқ латта боғланган, унга қарама-қарши келаётган бир нотаниш киши унинг нарироқ кетишини кутиб тўхтаб қолганга ўхшади. Ҳатто ўша киши кўзига худди Матейга ўхшаб кўринди, лекин Матейнинг мендан бунчалик қочиши учун асос йўқ, деган қарорга келдида, индамай қўя қолди. Агар Василе сал шошилмаса-ку, бу кимсанинг Матейми ёки бошқа бировми эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилиши мумкин эди. Лекин у яна орқага қайтиб, унинг кимлигини аниқлаш вақтни ўтказиб ўтиришга арзимади деб ўйлаб, шаҳарга кетди.

У илгари вақтларда отаси нимадир бўлиб уйга бир оз кечикиб келса, юрагини қандай ҳовучлаб ўтирганларини хотирлади. Ёшлигида шундай бир нарса юрагига ўқдай ўрнашиб қолган эди: бир кунмас бир кун кимдир даданг поезднинг тагида қолиб кетди, деган даҳшатли гап топиб келади-ю, кўнглида ўзи ёлғиз қолиб кетаётгандек бўлиб кетаверарди. Бу ваҳима ўн уч ёшигача уни тарк этмади. Шунинг учун у мана шундай даҳшатли дақиқаларни кўз олдидан кеткизолмай Иримиенинг олдида соатлаб ўтириб қоларди. Отасининг қўлидан маҳкам ушлаб олганча бирор хунук иш қилиб қўйиб жаҳлини чиқармасликка, асабини бузмасликка интиларди. Бир куни нима ҳам бўлиб Иримие кўп овқат еб бўкиб қолди-ю, ёмон мазаси қочди. Элиза Василега бориб доктор чақириб кел, деди. Шунда Василе худди жинни бўлиб қолгандай шаҳар марказигача учиб борди, қайтишда доктор таклиф қилса ҳам машинага ўтирмади, у ўз отасига бўлган фарзандлик меҳрини, севгисини фақатгина уйга қараб сулайиб ҳолдан тойгунча югуриши билан исботламоқчи, кўрсатмоқчи бўлган эди.

Василе ҳозир ўзидан-ўзи қадамини тезлатганини, ҳатто чопиб кетаётганини сезиб қолди, лекин бунинг сабабини тушуниб етмади.

У ёшлигида муҳаббат одамдан ўзини ички, маънавий жиҳатдан кўрсатишни талаб қилмайди (шунинг учун хоҳлаган одамни севавериш мумкин), севгини фақат жисмоний бахтсизликка, йўқчиликка мубтало бўлиб, оғир кунларни бошдан кечириб исботлаш керак, деб ҳисобларди. Лекин ўша пайтларда у ҳали бола, гўр эди. Энди эса Василе бола эмас, болаликдан ўтган, кўп нарсани тушунади, фаҳмига боради. Мана, қадамини тезлатишга, ҳатто югуришга мажбур қилаётган нарсанинг ўзи ҳам юрагининг аллақаери безовта эканлигидан дарак бериб турарди.

Шаҳар марказига олиб тушадиган кўчанинг бошида у ўзига таниш яшил машинани кўрди. Василе, машина тасодифан кўчага кириб қолган бўлса керак, деб ўйлади. Лекин машина ёнгинасига келганда тўхтади-ю, унинг ичидан шоша-пиша Фрид чиқиб келди.

— Сенга келаётган эдим. Ўзингни кўриб қолганим жуда яхши бўлди-да.

Улар ёнма-ён одимлаб кетишди. Фрид, нега мени қидиришяпти деб аввал Василенинг ўзи сўрасин, деган хаёлга борди. Василе бўлса, Фрид мен учун келган экан, демак, нега қидиришаётганини аввал унинг ўзи айтсин, деб индамади. Шу кўйи иккаласи миқ этмай кўчани кесиб ўтишди.

— Нима учун қидирганим сени қизиқтирмаяптими? — сўради Фрид.

— Бизга дарс берган одамлар ўқитиш билан бирга синчков, ҳар бир нарсага қизиқувчан бўлмасликка ҳам ўргатишган эди. Хоҳласанг гапирмаслигинг ҳам мумкин, сендан сўраб ўтирмайман.

— Сен ҳақсан, — қўшилди Фрид.

Василе, энди жуда ҳам эҳтиёткор бўлиш керак, деб қўйди ичида. У қилган иши ўртоқларида фақатгина рашк уйғотибгина қўймасдан, ўзидан шубҳалантириб қўйганига ҳам ишончи комил эди. Фридга келганда, Василе мутлақо ишонмас эди. Қассобнинг ўғли Шульц билан Рудольфга оқизмай-томизмай етказиш учун эҳтиётсизлик билан айтиб қўйиладиган ҳар қандай гапга доим қулоғини динг қилиб турарди: «Йўқ, Василени осонгина лақиллатолмайсан, қўлга туширолмайсан. Кейинги уч кун ичида биронта ҳам суҳбат бўлгани йўқки, унинг орасида отангни шундай қилишга сени нима мажбур қилди, деган савол билан унга мурожаат қилишмаган бўлсин. Василе фақатгина «бурч» деган сўз билан бунга ўхшаш ҳар қандай қўшимча тушунтириш берадиган саволлардан қутулиб қолаверарди. У бу жавоби ҳеч кимни қаноатлантирмаётганини ҳам яхши биларди, лекин ҳеч ким у далил қилиб кўрсатаётган нарсасига ўз шубҳасини билдиришга юрак бетлолмасди. Василе бу сафар ҳам Фридни гап тагидан гап чиқадиган, икки хил маъноли суҳбатга тортишини биларди. Агарда икки маъно чиқадиган гапга тортмаган тақдирда ҳам ҳар ҳолда қандайдир бир мақсад, сир яширинган гапга солишига ишончи комил эди.

Улар иккаласи четроққа ўтиб ёшгина, тўладан келган Сасе¹ қизини қўлтиқлаб кетаётган немис офицерига честь беришди.

¹ Сасе — «Сакс» сўзининг бузилган шакли. Трансильванияда яшовчи немислар.

— Мана шу Сасе шеваси худди яхудий тилига ўхшаб жоним-ни ҳалқумимга келтиради.

— Лекин булар орасида осмон билан ерча фарқ бор.

— Бунинг фарқини англаб етолмасингданоқ бутун вужудинг-ни нафрат қоплаб олади.

— Фрид, сен олифтагарчилик қиялсан, — деди Василе бу ибора ўзига тегишли эмаслигига қатъий ишониб. Шунинг учун у бу гапни фақат мақтаниш учун ишлатди.

— Нима, Рудольфнинг шундай деганини эшитганмидинг?

— Мен сенинг гапларингни эшитяпман. Лекин бу сўзлар унинг сўзи эканлигини биламан. У бу сўзларни басавлаг ва чиройли кўринишни хоҳлаб қолган пайтидагина ишлатади.

— Лекин ҳар ҳолда сен менинг нима учун келганимга қизиқ-маяпсанми? Оберштурмфюрер ҳатто ўз машинасини берди-я, — дея минғирлади Фрид бировларнинг гапи билан сири ошкор бўлиб қолганидан хижолатга тушиб.

— Йўқ, қизиқмайман.

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Келганимнинг сенга дахли бор.

— Агар сен бошқани эмас, фақат мени қидириб келган бўлсанг, унда бунинг менга дахлдор эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Фрид чўнтагидан бир пачка сигарет олди. У ўзи сўрасин деган ўйда атайлаб Василега тутмади. Василе бўлса, сўрамади.

— Мен энди қассоблик орзуйим ҳақида бошқа ўйламайман. Агар ҳеч юмуш тополмай бекор бўлиб қоладиган бўлсам, да-дамнинг магазинини эгаллайман. Бегона ўлкаларда санқини кўнглим хоҳламай қолди.

Василе Фриднинг Москвада, ундан кейин Одессада гўшт мага-зини очаман, деб оғзининг суви қочиб мақтанганларини эслади. Энди бўлса, у ўз режаларидан воз кечиб, дадасининг оддийги-на бир иши билан қаноатланиб қўя қолмоқчи.

Василе, Фридга нимадир нохуш бир нарса маълум бўлиб қолибди ёки у ўзининг тўймас нафсини тарозига солиб кўра-кўра бунинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини сезиб, ўз шахтидан қайтибди, деган хаёлга борди.

— Сен не-не машаққатлар билан қўлга киритилган ва зўрға ушлаб турилган ерлардан воз кечаётганга ўхшайсан, — деб юборди таваккалига Василе.

Довдираб қолган Фрид ўзини йўқотиб қўйди. Кейин Василе бу сўзларни тасодифан айтиб юборди, унинг замирида бирон маъно яширинмаган, деб ўйлаб яна баравар қадам ташлаб кетаверди.

— Демак, менинг нега қидирганим сени қизиқтирмас экан-да?

— Йўқ, Фрид, хоҳласанг айт, хоҳламасанг айтма. Мен ҳамма нарсага қизиқаверадиган одамлардан эмасман.

— Силе, сенинг аслида кимлигингу, ким бўлишга интилаётганинг орасида катта тафовут бор.

— Албатта. Одам боласи доим ўз имкониятидан ортиқроқ баландга кўтарилишга, иш кўрсатишга интилади.

— Сенинг отанг ҳақидаги қилмишингни ўз имкониятидан ортиқроқ баландга кўтарилиш йўлидаги қилинган бир зина деб ҳисоблайсанми?

— Мен ўз бурчимни бажардим, фақатгина бурчимни, — жавоб берди Василе.

— Лекин сен уни... — минғирлади Фрид.

— Фрид, сен дадамни яхши кўришимга ишонмайсанми?

— Мен ишонишим мумкин эди-ю, лекин...

— Мени машинада комендатурага олиб келганларингни эслайсанми? Мен ўшанда ўз бошимдан руҳий танглик ўтказган эдим. Менга бир нима бўлса керак, деб ўйлагандим. Ўшанда йўлда ҳеч нима гапирмаганларинг учун миннатдорман. Комендант билан суҳбатлашганимдан кейин менда яна янгидан қанот пайдо бўлди, руҳий хотиржамликка, ишонч-эътиборга эга бўлдим. Мен энди ўзимни тамоман қўлга олганман, ҳадиксирайдиган жойим қолмаган. Фрид, сен буни ҳечам тушунолмайсан. Сенинг кўнглингдаги ҳамма нарса фақатгина гўшт дўкони, фойдахўрлик билан боғлиқ. Ҳамма нарса ўшанга бориб тақалади ва ҳамма нарса ўшандан пайдо бўлади. Лекин Фрид, ғоя, эътиқод буларнинг ҳаммасидан ҳам устун туради. Сизларникига бормаган мана шу бир ҳафта ичида мен шундай суҳбатлар гувоҳи бўлдимки, бу нарса менинг учун ҳаммадан мўътабар. Фалсафа фақат ғояни тасдиқлаган, уни қўллаб-қўлтиқлаган тақдирдагина яхши, агар у ғояни қўллаб-қўлтиқламаса, аксинча, уни яшириш учун хизмат қилдиган бўлса, у шу ондаёқ ўз моҳиятини йўқотади. Сен оғир сув руҳнинг атомларини қандай парчалаб юборишини кўрганми-сан? Фюрернинг ғоясидан келиб чиқиб туриб айтиш мумкинки, катта жасурлигу чексиз итоаткорлик қобилиятига эга бўлсанг, сенга дунёда ҳеч қандай оғир сув, ҳар хил тубанликлар таъсир қилолмайди, мен қалбимга шубҳа уруғини сочадиган ҳар қандай суҳбатга тоқат қилиб туролмайман. Мен дадамни севаман. Агар мен уни севаганимда бундай қилмаган бўлардим. Фюрер бизни шундай бўлишга ўргатади.

— Силе, сен ўзингни оқламоқчи бўляпсан, лекин мен нега бундай қилаётганингни билолмай қолдим. Ҳозирги гапларинг бари худди сохтага ўхшайди. Сен айтган ҳақиқатнинг таги шундай чуқурки, бамисоли худди тубсиз жаҳаннам; қанча ўйласанг шунча унинг қаърига кириб кетаверасан. У сенинг кимлигингу, ким бўлмоқчи бўлганлигингни тарозига солиб ўлчайди. Мен қаерга отланганингни, тўғриси, қаерга келаётганингни билмаган эдим, энди билдим. Қара, Силе, келиб қолган жойимизни кўр.

Василе атрофига қараб таниш бинони кўрди. Бу гестапо эди. Фрид Василенинг хижолатга тушганини сизди.

— Мени бу ерга атайлаб олиб келдингми?

— Бу ерга сени мен эмас, сен, сенинг хаёлинг олиб келди.

Мен сени комендатурага олиб бормоқчи бўлган эдим.

— Нега?

— Бугун кечқурун сенга мукофот топширишади.

— Нима учун?!

— Юксакликка интилаётганинг учун.

Дарвоза олдига кузови пачақланган қоп-қора қамоқ машинаси келиб тўхтади. Машинадан солдатлар ирғиб тушишди, кейин қандайдир қий-чув кўтарилиб, команда товушлари эшитилди. Темир дарвоза ланг очилиб, машина бир нечта яшил чироқ ёниб турган ҳовлига кириб кетди.

— Ўлимга ҳукм қилинганларни олиб келишди.

— Қаердан билдинг, Фрид?

— Машинасидан биламан. Пачақланганини кўрдингми? Бир нимага бориб урилган. Қани кетдик, бўлмаса кечикамиз.

Фрид Василени қўлтиқлаб олди, улар комендатурага қараб кетишди. Бирмунча вақт яна жим боришди. Аввалги суҳбат, қора машина булар иккисини ҳам қандайдир хушёр, сергак бўлиб туришга даъват этарди. Электр нурида Фрид Василенинг ранги докадай оқариб кетганини кўриб, нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган, деган қарорга келди.

— Силе, комендантнинг қабулхонасида бўлган ҳодиса учун у доим мени ғажиб ташлашга тайёр туради, деб ўйламагин тагин. Биз бир-биримизнинг қандай эканлигимизни илгаридан яхши биламиз. Лекин шундай бўлишига қарамасдан сен, назаримда, мени ўзини кўрсатади, мақтанчоқ деб тушунадиганга ўхшаб кўринаверасан. Силе, тўғрисини айтсам, мен сенинг олдингда ўзимни қандайдир гуноҳкор деб биламан. Эҳтимол, бундай қилишингга сени мен мажбур қилгандирман...

— Нега энди менга бунақа деяпсан, — унинг сўзини бўлди Василе, Фрид уни очиқ гаплашишга ундаётганига, тузоққа туширишга интилаётганига қаноат ҳосил қилиб.

— Силе, сенга тўла ишонсам бўладими?

— Бунга шубҳа қилишинг учун шароит яратиб қўйдимми?

— Йўқ, Силе. Лекин сенинг тўсатдан менга ҳамла қилиб қолишингни истамайман. Шунга ваъда берасанми?

— Ваъда бераман.

— Силе, «Дейчеюгенд»даги оғайниларимизнинг кўпчилиги сени кўкка кўтариб мақташади. Шу кунларда биласанми, мен сени ҳам, ўзимни ҳам тушуниб кўришга ҳаракат қилдим. Тўғриси айтсам, мен сени уларга ўхшаб мақтай олмайман. Назаримда, бизни ҳам, ўзингни ҳам алдаётганга ўхшайсан, ўзингни биздан виждонлироқман деб кўрсатмоқчи бўласан. Бир-бири-мизни илгаридан биламизу, кўринишдан гўё мутлақо нотанишга ўхшаймиз. Биласанми, Силе, менда шундай таассурот пайдо бўлиб қолдики, гўё биз ғалаба томон кетаётганга ўхшамаймиз, дўстимсан-ку, сиримни сенга айтаман, холос. Сени нима учун мукофотлашганини ўз-ўзингдан сўраб кўрдингми?

— Сўраб кўрдим, Фрид.

— Қани, қандай жавоб топдинг?

— Билмайман, — деди Василе Фридининг сохта, самимийлик асосига қурилган тузоғига илинмагани учун ўзига қойил қолиб.

— Чексиз жасурлигинг, тенгсиз ҳалоллигинг, тамоман итоаткорлигинг учун! Буларнинг нима эканлигини биласанми ўзинг?

Уларни Карл чақириб қолди. Шундан кейин Фрид индамасликка мажбур бўлди. Тўғриси, бу ёғига нима дейишини унинг ўзи ҳам билмай қолган эди. Учаласи бирлашиб қадамни тезлатишди.

Комендатура ҳовлисида «Дейчеюгенд»нинг ҳамма аъзолари қаре шаклида қотиб туришарди. Василе ўртоқларининг сафига энди келиб қўшилган ҳам эдики, комендант ўз адъютантининг кузатувида кўринди. Чор атрофдан ёритилаётган прожекторларнинг ўтқир нурида унинг шиш юзи-ю, кўзларининг остидаги халтачаларни ажратиб олиш мумкин эди. Гуруҳ командири рапорт бергач, полковник каренинг ўртасига чиқди. Лекин Василенинг бутун диққат-эътибори тамоман бошқа нарсага қаратилган эди. У катта дарвозанинг олдида ҳалиги кўргани — кузови пачақланган қора қамоқ машинасини яна кўриб қолган ва кўзлари ўшанга қадалган эди.

Гарчи Василе фикрини тўплаб, полковникнинг гапларини эшитишга ҳаракат қилса ҳам фақат баъзи бир узук-юлуқ ибораларнигина англаб қоларди. Василе болаларнинг тирсаклаб туртишаётганларини сезиб қолди. Ўзига келиб қараса, полковник қўлида темир бут осилган қора тасма тутиб турарди. Василе ўнг, сўлига қаради. Шу онда Карл тирсаги билан туртиб, полковник бировни эмас, унинг ўзини ўртага чақираётганига ишора қилди. Василе қандайдир англашилмовчилик юз беряпти, мен бундай мукофотга лойиқ иш қилганим йўқ-ку, деган важоҳатда каренинг ўртасига чиқди. Лекин полковникнинг семиз қўллари унинг бўйнига тегиб тасмани осгандан кейин бу ерда ҳеч қандай англашилмовчилик содир бўлмаганлигига, Фриднинг гапи тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Полковник бўлса, Василе честь беради-ю, қаторга бориб туради, деб ўйлаган эди. Бироқ Василе жойида қотиб тураверди. У бир нима демоқчи бўлган эди, ботина олмади. Полковник йигитчанинг ҳаяжонланиб қолганини кўриб, уни саросималикдан қутқариш учун бир нималар деди. Василе бу жумланинг ичидан фақатгина «ватанпарварлик», «олий мақсад», «мажбурият» каби сўзларнигина илғаб ола олди.

Полковникнинг орқасида ичида орден бор қутича ушлаб турган офицер Василега, секин жойингга бор, деган ишора қилди. Ана шундагина у маросим тугаганини тушунди. Василе чап елкаси билан орқасига бурилган эди, яна сийрак қатор орасидан қамоқ машинасига кўзи тушди. Машинанинг орқа эшиги очиқ, икки солдат унинг ичига узунлиги одам бўйи келадиган тўғри бурчакли оқ яшик итариб тикмоқда эди. Василе жойига келиб тургандан кейин кимдир унинг қўлини сиқди. Бу Ганс эди. Фанфарлар тантанали марш чалиб юборди. Шу вақт озгина гапириб олиш имконияти борлигидан фойдаланган Ганс Василенинг қулоғига пичирлади.

— Бу яшикларни менинг дадам ясайди. Гарчи бу яшиклар нариги дунёга ҳукм қилинганларга мўлжалланган бўлиб, барибир ерга кўмилиб кетса ҳам дадам уларга виждонан ишлов беради. Отам доим немисларга нима ясасак, бари мустаҳкам бўлиши керак, дейди. Унинг яшик ясашда янги иш услублари бор. Яшикнинг тахталари биронта ҳам миҳсиз ёпиштирилган. Тўғрида, уруш темир талаб қилади. Шунинг учун у шундай елим ихтиро этдики, ҳар қандай миҳдан ҳам маҳкам ушлаб туради. Сен ҳақиқий немис бўлиш учун имтиҳон топширдинг, табриклайман сени.

— Имтиҳон? — пичирлаб сўради ҳеч нарсани тушунолмаётган Василе.

— Албатга-да, отангни...

— Мен ўз бурчимни бажардим.

Марш бир гумбурлаб тамом бўлди, тантанали маросим тугади. Ганс Василени табрикламоқчи бўлиб келаётган оғайнилари-дан қутултириш учун тирсагидан ушлаб бир четга олиб кетди.

— Германияда битта падар бор, у ҳам бўлса — Гитлер! — давом этди Ганс, — у бизга ишончнинг ҳақиқий кучини кўрсатди. Галаба қилишнинг, ҳатто ўз-ўзингни ҳам енгишнинг йўллари-ни ўргатди. Силе, шунинг учун ҳам у бизнинг ҳақиқий падари бузрукворимиз бўлади. Биз, одатда, ота-онамиз деб атайдиган кимсалар, аслида бизни ҳаётга келтирувчи бир воситадан бошқа нарса эмас. Шу сабабли сенинг отанг ҳам, менинг отам ҳам ҳеч қачон ўлмайди. Чунки юрагингда гоё барҳаёт экан, сенинг отанг ҳам ҳаёт, мен билиб турибман, бетимга айтмасанг ҳам ичингда мени роса эзмалик қияпти деяпсан. Лекин мен жудаям эзма эмасман. Мабодо илгари эзма бўлган тақдиримда ҳам ҳозир мутлақо бошқаман, қайта туғилдим.

— Ганс, гапларингнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмас.

— Фақат фюрернинггина ҳамма айтганлари тўғри бўлади.

Гансни кимдир чақирди-ю, у кетиб қолди. Василе ёлғиз ўзи қолгандан кейин кўкрагига осиглиқ турган бутга қараб хурсанд бўлмоқчи бўлган эди, суюнмади, нималардир халақит қилди.

Темир дарвоза гичирлаб машина моторининг гуриллаши эшитилди, ҳалиги қамоқ машинаси чиқиб кетди. Василе бунга ҳеч қанақа маъно беролмади. Энди унинг теварак-атрофини оғайнилари ўраб олишиб, мукофот билан табриклашар эди.

37

Иримие жуда кеч уйғонди. Панжара орасидан осмонда ўтдай қиздираётган куюшни кўрди. Орқасига қаради. Бош тарафидаги сал кўтариб бетондан қилинган супача, ерда турган кўзадаги сув ва деразадаги панжара унга кеча кечқурун шу ерга олиб келиб ташлаганларини ғира-шира эслатди. Унинг гардани зирқираб оғрирди. Иримие камзулининг ёқасидан ичига қўлини тикиб кўйлаги йўқлигини билди. Унинг кўйлагини ечиб, ботинка-сидан ипини суғуриб олишган эди. Туриб сув ичмоқчи бўлганди, турулмади. Туриш учун қилган ҳаракати узил-кесил уйқусини қочирди. Иримие яна бошини бетон ёстиққа қўйди. Негоицанинг кўзи симтўр билан ҳимоя қилиб қўйилган ўчиқ лампочкаларга тушди. У юзини силаб кўриб ҳеч қандай калтакнинг из-

ларини сезмади. Лекин энсаси чидаб бўлмас даражада оғирди. Баъзан оғриқ миясига уриб кўз олди қоронғилашар, ташқи дунё узоқ-узоқларга кетиб қолгандек туюларди. Уни Элиза билан Ионуцнинг ҳоли нима кечаётгани, ўзининг қандай қилиб бу ерга тушиб қолгани каби саволлар энди қийнамасди. Иримие бу саволларни «шкаф»га тиқиб жазоламасларидан, ҳали ҳушидан кетмасдан олдин ўзига-ўзи берган эди. Машинада бир лаҳза ўзига келди-ю, калласини қандайдир ғалати оғирлик қаттиқ босаётганини сезиб, яна ҳушидан кетди.

Иккинчи марта мана шу ерда ҳушига келди. Иримие қаердалигини билмас, билишга ҳам иштиёқи йўқ эди.

Дарча орқали кўчадан ҳар хил овозлар, от туёқларининг тасир-тусири келди. Қандай қилиб бўлмасин бор кучини тўплаб бошни кўтариш ва дарчадан қараш керак. Иримие туриб қараса, кўча бўм-бўш, овозлар бўлса борган сари қаттиқроқ эшитила бошлади, туёқ товушлари яқинлашиб келаверди. Ниҳоят икки одамни олиб кетаётган аравача кўринди. Аравачада тобут бор, тобутнинг кетидан кўчани тўлдириб одамлар тўдаси кетяпти. Тўдадагилардан бири кўзига иссиқроқ кўриниб, танигандай бўлди. Бу ҳассага таянганча тўдадан орқада қолмасликка ҳаракат қилиб кетаётган бир чол эди. Бу одамни қаерда кўрган бўлиши мумкин? Эҳтимол адашаётгандир? Бирмунча вақтгача унинг эътиборини қатордан чиқиб кетма деб бир йигитчани милтиқнинг кўндоғи билан солаётган жандарм тортиб турди. Бу йигитча ҳам Иримиенинг кўзига иссиқ кўринди. Одамлар тўдаси аравачадаги тобутнинг орқасидан юрар, икки четдан эса отлиқ жандармлар уларни қўриқлаб кетарди. Иримиенинг кўнглида худди жандармлар одамларни ўртага олиб кетмаяпти, балки одамларнинг ўзлари узун тўғри бурчак ҳосил қилганча кўчани тўлдириб, уларни ўртадан сиқиб чиқарибди, деган хира таассурот жонланди. Ўлган ким экан? Кимни гўристонга олиб кетишяпти? Негаицэ ойнадан узоқ қараб турди, лекин одамларнинг кети узилмасди. У кўзини юмди. Иримие кўзини қанча вақт юмиб турганини билмади, лекин шишган қовоқларини кўтариб яна кўзини очганда кўчадан одамларнинг охири ўтиб борарди. Ҳаммадан кейин бир бола югуриб кетяпти. У вақти-вақти билан ердан тош оларди-да, рогаткасига солиб томларга қўниб турган каптарларга отар ва яна одамларга етиб олиш учун югуриб кетарди. Негаицэ уни таниди: бу бола Байяшнинг ўғли Гаврилуш эди. Иримие уни таниди-ю, Матейни эслади. Унинг ақли тиниқлашди, у фақат Матей билан умрининг охирида бир-икки оғиз гаплашиб қолмоқчи, фақат у билангина

миясини пармалаётган охирги фикрларини ўртоқлашмоқчи эди. Негоицэ энсаси худди ўқ киргандай қаттиқ зирқираб оғриганини сезди. Оғриқ зарбидан ўзини чалқанча ташлади-ю, ҳушидан кетди. Кўзида бир марта ярқ этиб, нур чақнади, ҳаммаёқни қоронғилик босди. Айтмоқчи бўлган гапи бўғзида қолди. У энди жонсиз мурдага ўхшаб чўзилиб ётарди.

Иримие солдатнинг тарақлатиб эшикни очиб кириб келганини-ю, офицернинг немисчалаб нималарнидир ўқиганини — ҳеч нимани эшитмади. У нақ бурнининг остида тамакидоннинг жаранлаганини эшитиб, бир лаҳза ўзига келди. Иримие, чекмайман дейиш учунгина калласини зўр-базўр сарак-сарак қила олди. Кейин эшик ёпилиб немислар чиқиб кетишди-ю, йўлакда оёқ товушлари тинди. Негоицэ ётган жойида не-не машаққатлар билан кимга нималар демоқчи бўлганини эсламоқчи бўлди. Лекин бутун хатти-ҳаракатининг натижаси бўлмади: у ҳеч нимани эслолмади. Мияси оғир, худди кўрғошин қуйиб қўйгандай кўтаролмас эди. Бундан қутулиш учун анча-мунча ҳаракат қилди, ҳамма овозимни эшитсин деб бақирмоқчи ҳам бўлди, афсуски, бари ҳаракатлари зое кетди. Шундан кейин яна ҳушини йўқотди. Шу ётганча кечасига бориб ўзига келди. Ҳаммаёқ қоронғи. Аъзойи бадани ёнар, худди танасига ўт кетгандек қиздирарди. Йўлакдан яна қадам товушлари келди, қаердадир машина гуриллади. Негоицэнинг назарида оловнинг қизил тиллари уни осмонга кўтариб чиқиб, узоқ-узоқларга олиб кетаётганга ўхшарди. У Матейга кўнглида бор гапни айтиб берган, энди ундан бу гапларни бошқалар ҳам эшитиб олишига тамомила ишонар эди.

Унинг назарида лампочкалар шундай баландга чиқиб кетган эдики, улар бетон гумбазда майда-майда юлдузчаларга ўхшаб кўринарди.

38

Василе ресторандан чиқиб келаётиб ёнидан ўтиб кетган комендантнинг машинасини кўриб қолди. Шундагина у отасини эслади. Машина тепаликнинг устига олиб чиқадиган тош йўл томонга бурилди. Эҳтимол, полковник яна жаноби Шергларникига меҳмондорчиликка кетаётган бўлса керак. Василе шундай деб ўйлади-ю, у ҳам тош йўлга бурилди. У шу боришида Карл уйида эканлигига кўзи етди. Агар Карл уйда бўлса, комендант билан учраштиришга, гаплашишга унатади. Ана шундан кейин Василе комендант билан очилиб-ёзилиб гаплашиб, кўнглида

Ўзини қизиқтираётган ҳамма нарсалар хусусида унинг фикрини билиб олади.

Василе беихтиёр қадамини тезлатаётганини сезиб қолди. У шартга тўхтаб, иродасини ўзига бўйсундириб олишга онт ичди. Агар у шундай қилса, қиладиган иши билан руҳий ҳолати ўртасида муштараклик вужудга келишини биларди. Лекин у шу онда шошиб турганим учун ҳам, балки руҳий мувозанатим йўқдир, деб ўйлади. Василе ҳақиқатан ҳам худди шундай эканлигига ишонч ҳосил қилгач, қовоғини солиб олди. У, отамни бир ёқли қилиб қўйишган бўлса, унда нима қиламан, деган савол қаршисида лол бўлиб, яна тўхтаб қолди. Кўлининг орқаси билан терлаб кетган пешанасини артди. Оғзидан аччиқ бир маза келди. Кейин бу фикрларни хаёлидан қочирриш, ҳеч нимани ўйламаслик учун ҳуштак чала бошлади. Бир неча дақиқадан кейин ҳуштак ҳам хаёлини чалғитолмаслигини, хаёлига нуқул даҳшатли нарсалар келаётганини сизди. Кейин йўлида учраган биринчи қовоқхонага кирди-ю, икки рюмка коньяк отиб вақтини чоғ қилди.

Василе Карлларнинг уйи олдида полковникнинг машинасини кўрмади. Бу нарса уни анча довдиратиб қўйди. Шундай бўлса ҳам барибир одатдагидай уч марта шартли қўнғироқ қилди. Эшикни Карл эмас, мулойим табассум билан Дортмут очди.

— Дортмут, жаноби полковник сизларникида эмасми?

— Келган эди, лекин яқинда Шерг хоним билан сайр қилгани чиқиб кетди, — оқсоч шундай деб жавоб берди-ю, маъноли қилиб кулиб қўйди.

Василе нима қилишини билмай, бўшашиб кетди.

— Карл ҳам уйда йўқми?

— Бору, лекин ҳеч ким мени безовта қилмасин деб тайинлади.

— Эҳтимол, нима қилиб бўлса ҳам уни чақириб берарсан.

— Агар аза тутган одамдек тумшайиб турадиган бўлсанг, чақириб бермайман.

— Дортмут, одамлар доим шўх-шодон юравермайди-ку.

— Сен бўлсанг ҳали ташвиш тортиб юрадиган катта одам бўлиб кетганинг йўқ, ёш йигитсан, бунинг устига мулойим, хушбичимсан, — ноз қилди у.

Василе Дортмутга қаради. Унга шу топда Дортмутнинг катта-катта шаҳло кўзлари, дурдай оппоқ тишлари-ю, дўрдоқ лабла-ригача ёқиб кетди.

— Кира қол. Ўтган сафар сени энди тез-тез келиб турсанг керак, деб ўйловдим.

Улар даҳлизга киришди.

— Дортмут, мен сендан сўрамоқчийдим... менинг полковник билан гаплашадиган зарур гапларим бор эди.

Дортмут лунжларини шиширди.

— Хоним мени уришади. Лекин сен мени бир оз яхши кўриб, марҳаматингни дариғ тутмасанг... Ахир, сен яна келасан-ку, а, тўғрими?

Василе индамади.

Уйнинг олдига машина келиб тўхтади. Катта зинапояда полковникнинг оғир қадам товушлари-ю, Шерг хонимнинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани эшитилди. Василе полковникнинг Дортмут билан қандай гаплашаётганини эшитди. Қиз ўз сўзида қаттиқ туриб олган эди. Даҳлизнинг эшиги очилиб полковник кириб келди. Василе қотиб турди.

— Хайль, Гитлер, жаноби штурмбанфюрер.

— Хайль, ўртоқларингнинг илтифотидан ўз мақсадинг йўлида фойдаланиш унчалик одобдан эмас.

— Кечирасиз, жаноби штурмбанфюрер. Мен сиздан отам ҳақида сўрамоқчи эдим.

— Қанақа отанг?

— Эсингизда бўлса керак, мен бу ерда бўлган эдим. Плакатлар олиб келгандим.

— Назаримда, сени мукофотлашган бўлса керак, кўксингда орден кўриб турибман.

— Худди шундай, жаноби штурмбанфюрер.

— Ташвишланма, ҳаммаси жойида. Сенга бирон кўнгилсизлик юз беришига йўл қўймасликларини қаттиқ талаб қилдим. Шахсан мен ўзим сенинг фидокорлигингни жуда-жуда қадрлайман.

Полковник кирган эшигидан чиқиб кетди. Василе яна анча вақтгача қотиб туриб қолди. Дортмут кириб келганда ҳам шундай турарди.

— Биласанми, Шерг хоним ойлик ҳақимни камайтиражагини айтди. Пуллариам бошида қолсин. Яна келасанми?

— Билмайман, Дортмут.

— Карл билан энди гаплашмоқчи эмасмисан?

— Уни безовта қилишни хоҳламайман. Раҳмат, Дортмут.

— Мен сени тушунмай қолдим. Отанг деб кайфиятинг бузилдими?

— Ҳа.

Кўнғироқ чалинди.

— Мен кетишим керак, хоним чақиряпти.

Дортмут Василени ўпиб эшиккача кузатиб қўйди-ю, кейин зинапоя билан юқорига — емакхонага чиқиб кетди.

Василе энди хотиржам бўлди. У ичида полковникнинг гапларини тинимсиз қайтарарди: «Сенга бирон кўнгилсизлик юз беришига йўл қўймасликларини қаттиқ талаб қилдим». Василенинг шундай бўлишига ишончи комил эди.

Василе катта кўчага чиқиши билан ташвишли қиёфада бесаранжом бўлиб қаёққадир шоша-пиша кетаётган Фридни кўриб қолди. У Фрид билан тўқнаш келиб қолмаслик учун ён тарафдан тор кўчага бурилди. Кейин тепаликни ошиб ўтиб, йўлни икки баравар қисқартирганча уйига кириб келди. Тоза ҳаво, бунинг устига баландликка чиқиб тушгани унинг ишгаҳасини карнай қилиб юборган эди. Лекин тўшакнинг бир четида ухлаб қолган Ионуцни қўлига олиб ўтирган Элизани кўриши билан кўнгли айниб, қусгиси келиб кетди.

— Сенга нима бўлди? Дадам ҳақида бирон хабар билдингми?

— Даданг энди қайтиб келмайди.

— Нега бундай бемаъни гапларни гапиряпсан? Нега қайтиб келмас экан? Мен эндигина комендант билан гаплашдим, у ўз оғзи билан ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа бўлмайди, деб айтди.

Элиза унга аллақандай ғалати боқиш қилди. Василе бирдан полковникнинг шахсан ўзи учун айтган гапларини кенг маънода қўллаб, ошириб-тошириб юборганини тушуниб қолди.

— Ойи, дадам учун шунча ғам-ташвишга қолганингга мен айбдорман. Мени кечир.

Василе бу гапни тўсатдан худди томдан тараппа тушгандай қилиб айтдики, бу гап Элизага бир зум ёлғонга ўхшаб сохта кўринди. У Василе ичиб келганми ўзи, деб унинг кўзига қаради. Йўқ, соппа-соғ.

— Ойи, мен айбдорман. Сен менинг қилмишларим оқибатида ғам-аламга чўкиб қолдинг. Ионуц уйимизга ёпиштирилган плакатларни бошқа болаларга қўшилиб чаплаб ташлашган экан. Дадам келиб қолиб уларни юлиб ташлабди. Менинг шунга ишончим комилки, агар плакатлар чапланмаган тақдирда ҳам дадам уларни барибир олиб ташлаган бўларди. У бизга душман бўлиши мумкин эди. Мен бу ҳақда комендантга маълумот берган эдим, у менинг фикрларимни маъқуллади. Сен, ахир немиссанку, мени тушунишинг керак.

Элиза кўзини пастга олди.

— Демак, сен ҳаммасини бошидан билар экансан-да.

— Билардим.

— Агар шу гапингни менга сал олдинроқ айтганингда, бирор чорасини топса бўларди. Энди фурсат ўтди, кечикдик. Иримие энди ҳечам қайтиб келмайди.

— Ойи, шундай дейишга қандай тилинг боряпти? Умуман олганда, сен уни севмасдинг-ку. Худди мени Виссарион билан бирга бўлганигни билмайдигандек қиласан.

— Мени ойи деб атама.

— Кечагина шундай дейишим сенга жуда ҳам хуш ёқарди-ку.

— Бундан бир неча дақиқа муқаддам ҳам ёқарди.

Дарвоза тақиллади. Василе чиқиб эшикнинг олдида Фридни кўрди.

— Сенга нима керак? — кўрслик билан сўради Василе.

— Мен муҳим бир нарсани билиб келдим... — Фрид шундай деб гап бошлаши билан Василе чўнтагидан қўлини чиқариб ханжарининг сопини ушлаётганини кўрди-ю, гапдан тўхтаб қолди.

— Нимани билдинг? Яна мени тилимдан тутмоқчи бўлаяпсанми? Мени мукофотлашлари — сенинг касру касофатинга бўлганини тушунмайманми, аҳмоқ деб ўйлайсанми?

— Силе, ақлдан озибсан!

Ханжарнинг тиғи пўлат қинга тегиб ширқиллаб кетди.

Фрид орқага тисарилди-ю, шахт билан бурилиб жонининг борича семафор тарафга қоча бошлади.

— Тўхта, Фрид, тўхта! Ҳақ бўлсанг нега тўхтамаяпсан? — Шундай деб Василе ҳам уни сўкканча орқасидан югуриб кетди.

— Сен жинни бўлибсан, Силе...

— Шошма, бўлмаса чавақлаб ташлайман!

Фрид Василенинг дағдағасини эшитиб, бор кучини йиғиб яна тезроқ чопди. Орқадан поезднинг ҳайқириғи эшитилди. Фрид югуриб кетаётиб бир қаради-ю, поезд етиб келишига бир неча ўн метр қолганда темир йўл линиясини кесиб ўтди. Даҳшатли ҳайқириқ билан паровоз ўтиб кетди. Фрид йўлнинг нарёғида чўққайиб ўтириб олганча гилдираклар орасидан Василе қайтиб кетмасмикин, деб уни кузатиб турди. Лекин Василе поезд ўтиб кетишини кутиб турарди. Шундан кейин Фрид энтикканча поезд билан ёнма-ён чопиб кетди. Василе ҳам унинг ҳийласини тушуниб сўқмоқ бўйлаб югуриб кетди. Охирги вагон ўтиб кетганда у Фридни эллик қадамлар нарида кўрди. Василе қаттиқ чопса етиб олишига, уни шафқатсиз равишда дабдала қилиб ташлашига кўзи етди.

Василе қоқилиб йиқилди. У тураётиб траншея қазилаётган баландликда нур сочиб турган прожекторни кўрди. Кўзни қамаштириб қўйган прожекторнинг нуридан кейинги ярим қоронғиликда Василе секин-секин лўкиллаб кетаётган Фридни кўрди. Вужудини даҳшат эгаллаб олди-ю, яна унинг кетидан қувишга тушди. У қулогига кираётган немисча командаларни худди тушида эшитаётгандай бўлар, уларга эътибор қилмасди. Фридга етиб олишига атиги бир неча қадам қолди. Яна бир зўр берган эди, етиб олди. Василе Фриднинг йўлига оёғини қўйиши билан у қоқилиб темир йўл ўртасига узала тушди. Фрид жони чиқиб кетганидан сирғалиб ён бағирга тушиб кетди. Василенинг муштидан кўрқиб, жон талвасасида яна олдинга ташланди. Лекин энди қочишга мадори қолмаган, ҳолдан тойган эди. Шундан кейин у ўрнидан турди-ю, Василега бетма-бет келди. Василе ҳам тўхтаб ханжарини қинига солди. У секин-аста Фриднинг олдига яқинлашиб борди-да, икки кўзининг орасига зарб билан мушт туширди. Фрид гандираклаб кетди. Лекин мушт зарбини кўрқув, даҳшат босиб кетаётган эди. Фрид ўзига келиб тўппа-тўғри прожекторнинг ёруғига қараб қочди. Лекин Василе яна ушлаб олиб, мушт туширди. Фрид қулади. Василе тиззалаб унинг кўкрагига чиқди-да, ханжарини чиқарди.

Фрид дабдала қилиб ташланган бурни билан лабларидан тирқираб оқаётган қонларини ичига ютганча хириллаб туриб зўр-базўр деди:

— Анув ерда... отангни отишяпти.

Кимнингдир шахт билан команда берган товуши эшитилди. Василе дағал овозда «Ўт оч!» деб команда берилганини илғаб олди. Шундан кейин автоматлардан сидирға ўқ узилди.

Василе ўрнидан туриб, қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлди: траншеянинг четида замбилга боғланган кимдир турарди. Ким билади, у одам нима учун оёғида тура олмас эди. У замбилнинг қорнига арқон билан чандиб боғлаб ташланган. Замбилнинг дасталари эса, ерга санчилиб тиккайтириб қўйилган. Шунинг учун бечора худди қўлларини ёзиб, оёқларини кериб турганга ўхшарди.

Василе олдинга интилди. У нима ҳодиса рўй бераётганини фақат бир солдатга бориб урилгандагина тушунди.

— Ўт оч! — яна автоматлар тариллади. Отилган одамнинг бошидан шапкаси учиб думалаганча зовурга тушиб кетди. Лекин одам тураверди.

— Лаънатилар! — деган овоз эшитилди, — у замбилга боғлаб қўйилган бўлса, қандай қилиб зовурга қуласин? Замбил ерга санчилган-ку!

Икки солдат югуриб бориб милтиқларининг найзалари билан арқонни кесиб ташлашгандан кейин ҳалиги одам икки букилиб зовурга қулаб тушди. У йиқилганда ҳам шундай ҳолатда йиқилдики, гүё ўлими олдидан у дунёга ўзи билан бирга гул олиб кетишга аҳд қилиб қўйгандай ўнг қўлининг керилиб кетган бармоқлари бир гулнинг ёнгинасига бориб тушди. Битта бармоқ жон талвасасида гул остида типирчиларди. Кейин гулнинг поясига тегди-ю, тиниб қолди. Биқини пачақланган қамоқ машинасидан солдатлар битта тор оқ яшик тортиб туширдилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Василе бир неча кун хонанишин бўлиб ётди. Мана, Фридни ўлдирмоқчи бўлганига атиги бир ой бўлди. Лекин нима сабабдан ўзи ўлдирмоқчи бўлган бир кимсаникида яшаётганини, у билан бир дастурхондан овқатланаётганини ўйлаб ҳам кўрмади. Бу-ку, майли-я, ҳатто ўз отасининг нима учун ва қандай қилиб шу ҳолга тушгани сабабини ўз-ўзидан сўраб кўрмас, буни хаёлига ҳам келтирмас эди. Худди ўша оқшомдаги ҳодисага анча вақт бўлганга, шу сабабли у ёддан кўтарилиб кетганга ўхшар, гўё ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек ўзини хотиржам тутарди. Василе фақат ўша кунги бўлиб ўтган воқеадан олдинги кунларнигина ўйларди. У отасининг плакатларни йиртиб ташлаш ишидан тортиб қамоққа олингунча бўлган кунларнинг ҳаммасини хаёлида тиклади. Кейин калаванинг учини топмоқчи бўлиб воқеаларни бир-бир хаёлидан ўтказди. Бироқ воқеалар бир-бирига боғланмади. Уларнинг аллақасерида қандайдир чигал бўлиб, Василе буни ҳечам тополмасди.

Василе ўзига янги ҳаётий йўл танлагандан кейин, бошқа ўртоқларидан фарқли ўлароқ бутун виждонини таваккалчиликка ҳавола қилган эди. Шунинг учун ҳам отасининг ўлиmidан кейин уни як-каю ягона бир савол қийнарди. Бу ҳам бўлса тўғрилигига, виждонлигига жавобан улар ҳам худди мана шундай тўғрилиқ, виждонлиқ билан жавоб қайтаришдими, деган муаммо эди. Одамлар бирлашиб туриб бир ҳақиқатни ихтиро этдиларки, бу ҳақиқат одамлар устидан ҳукмронлик қилмоқда. Уларнинг энг одил деб қабул қилишган “янги тартиб”и эндиликда ҳамма нарсани адолат тарозисига солиб ҳал қилиши, бировни паст, бировни баланд деб кўрмаслиги керак. Василе доим худди мана шундай бўлишини кутарди. Шунинг учун ҳам у отасини энди ўлган деб тасаввур қилолмасди. Ҳаётда шундай тирик одамлар борки, бемақсад умр кечиради, улар фақат ортиқча, бировга зарари тегса тегадикки, қилча фойдаси тегмайди. Лекин шу билан бирга шундай марҳумлар бўладикки, улар ўзларининг ўлимлари билан ҳам бир умр одамлар хотирасида яшайдилар.

Василе Фриднинг отаси яқин-яқингача ғўшт сақлайдиган қазноққа кўчиб келганининг биринчи куниданоқ ўзини зўрламай, инсоний ҳис-туйғуларини қалбида табиий равишда кўзғатишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин туйғулари ўлган, ундан ном-нишон қолмаганди. Ўзини ҳар қанча зўрламасин бирон ҳиссиётга берилмади, кўзига ёш олмоқчи бўлиб, ёш ҳам келтиролмади. Фриднинг зовур яқинида бўғзида ханжар кўриб ғўлдираб қолиб айтган гаплари-ю, бу гаплардан кейин Василенинг бир одамни замбилга тортиб қўйиб отишларини кўриб қолиши воқеаларни ўйлаб кўриш ва бу ҳақда ўз-ўзига савол бериб муҳокама юритиш иштиёқини шундай бир қарама-қарши ҳолатга солиб қўйган эдики, бунинг натижасида у ҳатто бирмунча вақт бир-бирига зид бўлган туйғулар гирдобида азоб чекиб юрди. Шундан кейин унинг бутун юраги, қалби бўшаб қолгандек бўлди. У ҳозир ҳам худди шундай бир ҳолатда эди.

Бўғотнинг остидаги туйнук орқали ҳовлидаги ҳар хил овозлар, қадам товушлари, бўғиқ маърашлар қулоққа чалинди. Василенинг чеккиси келган эди, қараса, кути бўшаб қопти. У қаравот олдида турган бир шиша коньякка кўз ташлади. Коньяк очилмаган. Василе унга ҳали қўл теккизмаган эди. Фрид уни ўша машғум унутилмас оқшом олиб келганди. У Василе ичиб дард-аламларини бир оз бўлса ҳам унутсин, таранглашиб кетган асабларини бўшаштириб олсин, деган эди. Чунки Фрид ҳаддан ташқари асаби бузилиши натижасида унинг бир нарса бўлиб қолишидан кўрқарди. Лекин Василе коньякни ичмади. У ҳар бир кечинма, туйғуга кайфсиз бардош бермоқчи, бир тўхтамга келмагунча уларни бир четдан ипга тизгандай мунтазам хотирига келтирмоқчи эди. У ҳар бир ҳодисани унинг энг майда икир-чикиригача хотиржамлик билан таҳлил қилиб муҳокама юритмоқчи бўлганди.

Василе қари Вольфнинг хириллаган овозини эшитди.

— У кетиши керак. Етар уни боқиб ётганим!

— Дада, у менинг ўртоғим.

— Кетиши керак! У деб харидорларимдан ажраб, бозорим касод бўлишини истамайман!

— У мен хоҳлаган пайтдагина кетади.

Бетга тортиб юборилган тарсакининг шартиллаган овози эшитилди. Кейин шиғиллаб олинган нафас ва молнинг маърашига ўхшаш аллақандай товуш қулоққа чалинди.

— Ўз уйимда мен хўжайин! Ўз бошингга тирикчилик қилганингда ўзинг хўжайин бўласан! Шу туришинг бўлса, ишончим комилки, ўшандаям ландовур, латта хўжайин бўласан! Чақир, чиқиб қарашворсин.

Фрид эшикни одатдагидай тақиллатиб ўтирмади, у юзини артганча эшикни ланг очиб Василе ётган қазноққа кириб келди. Тарсакидан қизариб кетган юзидаги сепкиллари дона-дона бўлиб қолган ва худди яна кўпайиб кетганга ўхшарди.

— Дадам чиқиб қарашворсин деяпти.

Василе буни эшитиб ҳатто қимирламади ҳам. У каравотга узала тушиб ётар, вақт-вақти билан эсэсчиларнинг қора формасини кийиб олган Фридга синовчан назар билан кўз ташлаб кўярди. Фриднинг бир ярим ойдан бери гестапода ишлаётгани Василега маълум эди. Бундан бошқа унинг сир-асрорини билмас, сир олишга уринмас ҳам эди. Фрид бўлса, Василе одоб юзасидан шундай қиляпти, деб ўйларди. Василе, нега мени мажлисларга чақиришмаяпти, тамоман унутиб юборгандек йўқлашмайди, деб кўп марта ўз-ўзидан сўради. Шу билан бирга Фридан кўнглига келган гаплари билан боғлиқ бўлган бирон нимани сўраб билишни ҳам истамади. Фрид, албатта, уни нима учун ишга жалб қилмаётганлари сабабини билмаслиги мумкин эмас. Шу билан бирга кичкина Вольф Василенинг ўз уйида яшаётганини ҳаммага жар солиб чиққани ҳам аниқ. Василени чақиришмаётгани уни унчалик ташвишга солаётгани йўқ: чақиришмаётган экан, демак, ҳеч қанақа савол-жавоблар, сўраб-суриштиришлар ҳам бўлмайди. Саволларни эса у ўз-ўзига берар, сўраб жавобини топа олмаётган саволларнинг таги йўқ эди.

Василе Фриднинг қизғиш юзини кўриб жилмайганча унга бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, қассобнинг ўғли ундан олдинроқ сўз очди.

— Василе, сен бекорга қийналиб ётибсан. Сенинг ҳеч нимада айбинг йўқ.

— Сен бу гапларни чол чакканга тарсаки тортиб юборгани учун гапиряпсанми?

— Асло, сенинг қанчалик қийналаётганингни, эзилаётганингни кўриб туриб айтяпман.

— Фрид, менинг дадам ўлмаган.

Фрид оғайнисига ҳайратланиб тикилди. У Василега бирон ниманинг акси уриб қолганга ўхшайди, агар унинг ақли жойида бўлганда бундай бемаъни гапларни гапирмаган бўларди. Бунинг устига, шахсан ўзи Иримиени қандай отишганларининг гувоҳи бўлган эди-ку, деб ўйлади.

— Силе, сенга нима бўлди?

— Фрид, менинг дадам ўлгани йўқ. У мен учун фақат уни отишга чақирилган ҳукмнинг ҳақиқий сабабларини билганимдан кейингина ўлган бўлади. Менга жинниларга тикилгандай

қилиб қарама, мен ҳали жинни бўлганимча йўқ. Сизларникидан кетаман, отанг хотиржам бўлаверсин, айтиб қўй.

Василе каравотдан туриб ҳурпайган қалин сочларини бармоқлари билан таради-да, деворга суялди. Кейин ботинкасига кўз ташлади. Уни кийиб, ипларини маҳкам қилиб боғлагач, чўнтагидан латта чиқариб артди. Унинг бақувват, серпай қўллари қалтирарди.

Василе ташқарига чиқаркан, Фридга ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади. Чолнинг ўғли билан қилган можаросини гўё эшитмагандай у билан мулойим сўрашди. Қари Вольф болта кўтариб турарди. Бир неча ҳалқа ўрнатилган темир-бетон устуннинг олдида эса оёқлари боғланган бузоқ ётарди.

Кейинги кунларда бозорда ҳам гўшт камайиб кетди. Шундан сўнг шаҳар кушхонаси бошлиқлари хусусий шахсларнинг улушини чеклаб қўйди. Лекин тadbиркор Вольф бир неча ўнлаб мол сотиб олди-да, уларни молбоқар ёллаб шаҳарга яқин бир хилват жойда яшириб боқа бошлади. Зарур бўлиб қолганда сиргирми, бузоқми, нима бўлмасин биронтасини тезгина олиб келарди-да, ўз уйида сўярди.

Ерда ётган бузоққа одамнинг раҳми келарди. Унинг катта-катта кўзлари олазарак бўлиб бўғиқ маърайди, кумуш ранг жуни эса қўрққанидан тиккайиб кетган, жонивор қалтирарди.

Василе боғлиқ ҳолда пичирлаб турган оёқлардан арқонни ечиб юборди. Бузоқча суюнганидан ирғиб турган эди, Василе шохларини орасини қашиди. Шундан кейин бузоқ унга секин бўйнини тутди. Василе шу он ўша қашиётган жойига қўлини муштлаб тугиб зарб билан бир урди. Бузоқ олдинги оёқлари билан чўкка тушди-ю, думини силкитди. Шунда Василе ханжарини суғуриб шохларининг орқасидаги юмшоқ жойига суқди. Ҳайвон жон талвасасида типирчилай бошлади. Фрид бузоқни темир-бетон устундаги ҳалқага осиш учун унинг оёқларидан кўтариб Василега кўмаклашди. Василе ханжари билан бузоқнинг бўйнидан бўғизлади. Қора қизил қон оппоқ тоғорага оқиб туша бошлади.

— Мен кетаман. Мени деб Фридни урманг, — чолга мурожат қилди Василе ханжарини ёғоч ғўланнинг устида турган пешбандга артаркан.

Василе деярли бир ой мобайнида уйқудан бош кўтармаган қазноққа қайтиб кирди. У ердан Фрид сотиб олиб келиб берган тиш чўткасини орқа чўнтагига тикди, кейин ҳатто «хайр» ҳам демай, қўчага чиқиб кетди.

Василе «Кўркам кўча»га бурилиб ялангоёқ югуриб, ёшлиги ўтган тротуарга чиқиб олгандан кейин, ўзини анча енгил сезди.

У Фридларникидан кетганига ўкинмади. Аксинча, Фриднинг меҳмондўстлигига учиб унинг уйига бориб турганига афсусланди. Аммо Фрид уйига таклиф қилган пайтда унинг калласида тушуниб бўлмайдиган аллақандай фикрлар гужғон ўйнар, ҳеч нарсага ақли етмас, нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини қатъий тушуниб олмаган эди.

Ҳар куни роппа-роса бир вақтда нонуштага ўтириш, тушлик қилиш, кечкурунги овқатни ейиш, маълум пайтларда кўзни шифтга қадаганча тик туриб ибодат қилишдек бачкана ақидаларга қаттиқ амал қилишлар Василенинг жонини ҳалқумига келтирган эди. Қари Вольфнинг «овқатланишингиз мумкин», «худога шукр, туз-насибамизни етказиб турибди, тўқмиз» каби иборалари унинг жонига теккан эди. Айниқса, кейинги сўзларнинг доим ириллашга ўхшаш оҳангда қулоққа кириши унинг баттар жинини кўзғатар эди. Ҳар бир дақиқани ҳам бекор кетказмайдиган, ҳатто тахта деворига «худо ёр бўлсин», деб ўйиб ёзиб қўйилган ҳожатхонасига ҳам бориб келиш учун ҳар бир оила аъзоси муносиб хизмат кўрсатиши керак бўлган Фридларнинг уйидаги мана бундай тартиб-интизом унга мутлақо ёқмади. Василе «янги тартиб»нинг интизомини ўзининг руҳий дунёсини маълум бир изга солиш, йўлга қўйиш учун ўзлаштирган эди. Лекин кундалик ҳаётида ҳалигидай тартиб-интизомга бўйсуниб кўзига бемаънилиқдай, кулгили кўриниб кетди. Василе Фриднинг отаси қай тариқа хотини билан яқинлашиши мумкинлигини ҳаёлига келтирди. У, «қани, фрау Вольф, ишга киришдик бўлмаса», дейди, бунда ҳеч қандай жўшиш, эҳтирос бўлмайди. Муродлари ҳосил бўлгунча иккаласи ҳам бемалол газета ўқиши мумкин. Мана бундай турмуш Василенинг кўнглига ўтирмади. У ўзича герман халқини шуҳрат чўққисига олиб чиққан нарса ҳар ҳолда уларнинг маиший турмушларини мана шундай гоят аниқлик билан ипидан-игнасигача ҳисоб-китоб қилиб олиб боришлари бўлмаса керак, деб ўйлади. Немис халқининг эришган шон-шуҳратини эса, у қадрларди, унга тан берарди.

2

Элиза стрелкаларни тозаларди. У бундан бир неча йиллар муқаддам тикилган, лекин кам кийилгани учун ҳали яп-янги бўлган кўчалик қора кўйлагини кийиб олган эди. Кўйлагининг устидан пешбанд тутиб олган. Элиза бу пешбандни яқинда кўйлагининг рангига мослаб қора бўёққа солиб олган эди. Қора ранг-

ли пешбанд Василенинг таъбини тирриқ қилди. Бу билан унга Элиза ўз таъзиясини бўрттириб кўрсатаётгандек туюлди.

Василе келиб будканинг олдидаги скамейкага ўтирди. Будканинг ичига қараган эди, у ерда Иримие бир куни урмоқчи бўлган шлагбаумнинг тутқичи, бир бўлак кўзгу, қошиқ ва ерда ётган санчқи билан ўти ўчиб эшикчаси очилиб қолган печкага кўзи тушди. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ, илгари қандай бўлса, ҳамма нарса ўшандайича турибди. Фақатгина мана шу буюмларга бево-сита алоқадор бўлган одамгина бу ерда йўқ. Шундан кейин тўсатдан бир зум Василега бу одам келиб қоладигандай, тарки одат амримаҳол, дегандай, ўз одати бўйича уни нотўғри йўлга тушиб олганини гапириб панд-насиҳат қиладигандай кўриниб кетди. Василе кўлларини чалиштириб ўтирар, отаси бўлса ҳамон кўринмас, кўринишга шошилмасди. Мана, скамейкада ўтирганига бир неча дақиқа бўлди ҳамки, отасидан дарак йўқ. Василе энди отасининг қайтиб келмаслигини, унга ҳечам йўл-йўриқ кўрсата олмаслигини биллади. У ҳозир тўсатдан бутун вужудини қамраб олган меҳрибонлиги оқибатида тушган ҳолатини чуқур таҳлил қиларди. Ҳиссиётлар тугёни қалбида бир кўтарилиб яна орқага қайтгандан кейин унинг кўзи мошдек очилиб, яна ўз асл қиёфасига тушди. Василе ўз отасининг ҳаёти шундай тугагини ҳечам хоҳламаган эди. Бироқ, гарчи ишнинг охири шундай фо-жиавий тугаган бўлса-да, бунда Василенинг айби йўқ эди. У виждонини ўртага қўйиб комендантни ёрдамга чақирганида, эҳтимол бор бўлган, бўлажак кўнгилсизликлардан ўз дадасини кўриқлашни назарда тутган ва бу билан сохта ботирлик қилиб ўзи ҳақида яхши таассурот қолдиришга шошилган эди. Василе иш жиддийлигини билар, лекин унинг нияти холис эди. Шундай бўлса ҳам дадасининг қилган ишида шу даражада оғир гу-ноҳни, қон билан ювадиган катта айбни кўрмади ва буни истаб топа олмади. Унинг назарида, ўзининг қилган иши билан отасининг отилиши орасида ҳеч қандай кўприк ҳам солиб бўл-майдиган катта бир жарлик бордай эди. У бу жарликларни бир-лаштиришга, улар орасига кўприк солишга, яъни отасининг ўлимини асослаб, унга айб қўйишга ҳаракат ҳам қилмади, буни тасаввурига ҳам сиғдиролмади. Агар бу жарликлар орасида қан-дайдир бирон боғланиш мавжуд бўлганда-ку, жуда даҳшатли бўларди-я.

Элиза Василенинг келганини сизди. Шу топда бирдан Васи-ле Элизанинг ўз олдида келишини, ширин сўзлар гапириб эрка-латишини кўнгли тусаб қолди. Нима учун ҳозир, «ширин сўзлар

одамнинг руҳида аллақандай заруриятлар, баъзан ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаверади, уни албатта қандайдир бир нарсанинг оқиба-ти, деб тушуниш ярамайди», деб ўйлади. Ҳозир эркалаб гапирадиган сўзлар Василе учун оддий заруриятнинг ўзгинаси эди.

Элиза Василега орқасини ўгириб олди-да, худди уни кўрмагандай қиёфада стрелкаларни мойлайверди. Бу Василега таъсир қилди. Ўрнидан туриб олдига борди.

— Нега келдинг? — сўради Элиза. Унинг овозида на таъна, на мулойимлик бор эди.

— Назаримда, нега келдинг деб эмас, қаерларда юрибсан, деб сўраш жоизроқ бўларди, — жавоб берди Василе.

— Қилмишларинг учун худонинг ўзи жазойингни беради!

Василе Элизанинг қўлидан латгасини олиб стрелкаларни мойлашга тутинди. Элиза унга қаршилик кўрсатмади.

— Ойи, бўлиб ўтган ишларда менинг қилча гуноҳим йўқ.

— Ойи дема мени.

— Дадамни плакатларни юлгани учун отишгани йўқ. У нимадир бошқа иш қилган. Эҳтимол, Матейми ё бошқа бировми унинг нима ишлар қилганини билар. Бутун гуноҳни менга тўнкаш, мени айбдор деб билиш ғирт бемаънилик эканлигини билмайсанми? Эҳтимол, сен, менда қалб, юрак йўқ деб ўйларсан? Менга ҳеч нарса таъсир қилмайдими? Агар у сенга шунчалик азиз экан, нега сен унинг тўғрисида олдинроқ ташвиш чекмагандинг? Энди бўлса, қанчалик ғамга ботганимни, бахти қаро бўлганимни одамлар кўриб қўйсин дегандай қора кўйлак кийиб олибсан. Уни қанчалик таҳқирлаганларингни унутибсан шекилли, ўшанда сен бошқа бировнинг ғамини чеккан эдинг.

Элиза челақдаги мойни ерга қўйиб, қўлини пешбандига артди.

— У менинг қилган гуноҳларимни кечирган эди. Унинг шундай бир буюк қалби бор эдики, ҳамма нарсани кечира оларди. Лекин кўнглим, уни ўлимга олиб борган сен, деб айтиб турибди. Лекин аслида қандай бўлган, буни билмадим. Юрагим мени ҳеч қачон алдаган эмас. Ҳозир ҳам алдаётгани йўқ. Сенда бўлса-чи, ўз айбингни бўйнингга олиш учун журъат етишмайди. Сен одамларнинг панасига яшириняпсан. Отанг нима бўлгани билан ҳеч қандай ишинг йўқ. Энди бўлса келиб, менинг айбим йўқ, деб керилиб ўтирибсан. Силе, виждонсиз экансан. Мен, ҳатто, сени ўшандай одамнинг пушти камаридан бўлган ўғли эканлигинга ишонгим келмайди.

Элиза кафтлари билан кўзини артди.

— Отамнинг нима ишлар қилганини ҳеч ким билмайди. Ойи, эҳтимол нималардир бўлгану, уни тушуниб етолмаётгандирмиз.

— Ойи дема мени.

— Бу сўз бурун сенга ёқарди-ку.

— Бу илгари эди.

Василенинг уни фикридан қайтара олмаслигига, гапига ишонтиролмаслигига кўзи етди. У Элизанинг олдига яхши истаклар билан келган, ҳатто унга ёрдам бермоқчи ҳам бўлган эди. Бироқ Элизанинг мана бундай қайсарлиги жинини кўзгатиб юборди, жаҳлини чиқарди. Василе тишларини ғижирлатиб, ўзини босиб олишга уринарди ва шундай қилди ҳам, у ўзини босиб, яна хотиржам бўлиб олди. Мана бу хотиржамлик шундай совуқ, муз хотиржамлик эдики, бу нарса кейинги пайтда унинг ўзини ҳам қўрқитаётган, ташвишга солаётган эди. Унинг қалбини сўнгсиз саволлар тилка-пора қилаётган бир пайтда “янги тартиб”нинг даҳшати, ундан қўрқиши билан унга бирикиб қўшилиб кетиш истаги ўртасида муросасиз кураш кетарди, мана шу баҳс эндигина ўз ниҳоясига етди. Унинг қўрқиши енгилди. Энди у ўзидан сўраб ўтирадиган ҳеч қандай муаммо қолмаган эди. Ҳамма шубҳалар тугади. Унинг қалбида «янги тартиб» тантана қилди. Василе уни қандай бўлса, худди шундайлигича — ўзида унинг қанақалигига бирон-бир савол бериб кўриш мажбуриятини ҳис қилмай қабул қилди-қўйди. Тамом, бутун самарасиз изланишлари, кўрган-кечирганлари бари шу билан тугади! Василе, ҳатто ўзини жисмоний жиҳатдан ҳам балоғатга етиб қолганлигини сизди. Худди шундай балоғатга етиб қолгани устига ақлининг ҳам фавқулодда тиниқлашиб қолганини сизди. Гўё миясининг ўрнида бир бўлак муз парчаси бору, бутун ички дунёси, маънавияти худди текис ва ёрқин сочилиб турган нур каби ўша муз парчасида акс этиб кўриниб туради. Эҳтимол, ўша ҳаёт оғушида ўсиб характери шаклланган, эндиликда ундан зўр-базўр ажралиб чиққан Василега ҳам ўша ҳаётнинг, дунёнинг бемаъниликлари кор қилиб, уни ҳам Иримиенинг кунига солиши, ўз комига тортиши мумкин эди.

Элиза стрелкаларни мойлашда давом этарди. Василе бўлса шу топда қўққисдан отасининг, бошинга қора кун тушгандагина кўзинг мошдай очилади, деган сўзларини эслади. Эҳтимол, ўша қора кун отасининг ўлимидир? Отаси унинг мана шундай улғайиши ҳақида ўйлаганмиди? У мана шу ўзгаришни кўзда тутганмиди ёки бўлмаса гап замирида бошқа маъно яширинган, қандайдир сирли бошқа нарса тўғрисида кетганмиди? Василе дадасининг отилиши қонунийми ёки қонуний эмасми эканлигини аниқлашга, текширишга интиларкан бутун дардини ичига ютар, ғам олдида таслим бўлмасликка ҳаракат қиларди. Ўша

пайтда унга дард эмас, ақлнинг равшан ишлаши керак бўлиб қолган эди.

— Сен мени ўз дадасини яхши кўрмасди, деб ўйлайсанми?

— Сен уни яхши кўрмасдинг, Силе. Отасини яхши кўрган одам... Сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ.

— Мен уни яхши кўрардим. Мен уни сенга ўхшаб (агар ҳақиқатан ҳам севган бўлсанг) худбинларча севмасдим, уни мендан узоқлаштирган сен бўлдинг. Лекин сен бизни бир-биримиздан қанча узоқлаштирма, барибир унинг қилмишларига нисбатан мендаги жавобгарлик туйғусини йўқотганим йўқ. Менга дурустроқ ҳеч нима беролмаганингизни кўриб, бошқача ҳаёт изладим. Йўқ, сиз тамом пасткашликлар, сохтагарчиликларга лиқ тўла ўз дунёингизни таклиф қилдингиз. Мен дадамни яна ҳам тубанликка, сен судраган ўша ботқоқликнинг қаърига яна ҳам ботиб кетишини истамасдим. Энди бўлса, ҳамма айбни менга тўнкаяпсан. Мен бу айбларни сен билан бўлишиб ўтириш ўрнига ҳаммасини ўз бўйнимга олиб қўя қоламану, лекин бундан ор қиламан. Агар у коммунист бўлганда, мен ундан нафратланардим. Тўғрироғи, унга раҳмим келарди. Лекин ҳар нима бўлган тақдирда ҳам уни ҳурмат қилган бўлардим. Лекин ўзи аслида ношуд одам эди. Тушуняпсанми? Бизнинг давримизда ношуд одамларнинг тақдири ўзгача бўлиши мумкин эмас. Қани айт-чи, нега у менинг мана шундай бўлиб чиқишимга йўл қўйиб берди? У менинг эътиқодимга нимани қарама-қарши қўя олди? Мен эътиқод деяпману, ўша пайтда менда эътиқод тугул аниқ бир йўналишга эга бўлган нуқтаи назарнинг ўзи йўқ эди, балки сенларнинг ҳатто қуёш нури туша оладиган бирон-бир тирқиши ҳам йўқ бўлган ертўлаларингдан чиқиб кетишга интилиш, шунга хоҳиш бор эди, холос. Менинг бу хоҳишимга қарама-қарши у нимани қўя олди? Ўз маслагиними? Унда бирон-бир маслакнинг ўзи йўқ эди. Агар у қандай бўлмасин биронта маслакка эга бўлганда, ишлар соз бўлган бўларди! Мана буларнинг ҳаммаси мени қай даражада эзганини, юрагимга азоб берганини билсанг эди, билмайсан. Тағин гапингни қара? Отангни яхши кўрмайсан эмиш. Умуман, бунақа дейишга нима ҳаққинг бор ўзи, а? Жавоб бермаслигинг ҳам мумкин, жавобингга зор эмасман!

Элиза ҳақиқатан ҳам бир нима демоқчи эди, лекин Василенинг жирканиб айтган кейинги сўзлари уни тўхтатиб қолди. У изга ўтириб олганча жимгина йиғлай бошлади. Василега унинг айбларини юзига солиши лозим эмас эди. У ўз гуноҳларини бусиз ҳам

жуда яхши биларди. Элиза Василе айтган гаплардан уни эрига хиёнат қилганликда, у ҳақда қайғурмаганликда ҳамда ота-бола ўртасига совуқчилик тушириб, бир-биридан ажратганликда айблаётганини тушунди. Бу унга алам қилар, юрагига ботар, лекин нима қилишини билмасди. Иримие ҳаёт бўлганда-ку, ўзи биларди-я. Лекин энди у йўқ, эҳтимол, отасининг ўлимида у Василени айблаши мумкиндр. Бироқ бунинг учун ўзининг гапи бўйича ҳали ҳеч қачон панд бермаган юрагининг сезиб туришидан бўлак биронта ҳам далил-исботи йўқ эди. Эҳтимол, Василенинги кўнгли ўзи билан муомалада унинг мулойимроқ, ширинсуханроқ бўлишини тиландир. Лекин шундай бўлса ҳам буни қилолмади — унинг юраги бунга йўл қўймади. Элиза кўни-кўшнилар билан арзимайдиган майда-чуйдаларга тортишавериб ёмон кўриш, нафратланиш нималигини билмайдиган бўлиб қолган эди. Эндиликда у, мабодо бировларни ёмон кўриб қоладиган бўлса, бу ҳам Василенинги юрагини тортиб олиб, уни руҳан мажруҳ қилиб қўйган кимсаларгина бўлиши мумкин эди, холос. Агар Элиза Василенинги Иримие ўлимининг бир оз бўлса ҳам шоҳиди бўлганини билиб қолса борми, у бир умр ғам-ташвишлар қуршовида адои тамом бўлган, ўз отаси учун одамларга хос бир оғиз ширин сўз тополмаётган оқпадар ўғлига қараб туриб ақлдан озган, жинни бўлиб қолган бўлар эди.

Узоқдан Ионуц кўринди. У қўлларини чўнтакларига тикқанча олдидан чиққан тошларни тепиб-тепиб келарди. Ионуц авваллари Василени кўрганда қувонганидан ўзини унинг кучоғига отарди. Энди бўлса, уни оғир-вазмин қарши олди. У катта одамлар билан кўришгандай қўлини чўзди-да, бир неча савол бериш билан чекланиб қўя қолди.

— Силе, дадамни эшитдингми? Одамлар уни зовур ёқасида отиб ташлашди, дейишяпти? Бу ёлғон-а? Дадам қайтиб келди, а? Тўғрими? Ойим немис, сен эса улар билан дўст бўлсангу, қандай қилиб улар дадамни отишсин? Силе, сен нега уйга келмай қўйдинг? Мен сенга ҳам бирон нима бўлиб қолмадимми, деб жуда кўрқдим. Захарининг депода ишлайдиган ўғли бор эди-ку, ўшанинги оёғини машина чўрт узиб кетди.

— Мендан кўрқмай қўя қол, Ионуц...

Сен энди катта бўлиб қолдим, деб ўйлайсанми? Лекин барибир, сенга ҳам бир нарса бўлиб қолиши мумкин.

— Менга ҳеч нима қилмайди. Йиғлама, Ионуц, ўзинг ақлли боласан-ку, эсли бўлгин.

Будкада болғача телефон косасига уч марта урилди. Элиза қаддини ростлаб шол рўмолчани ўради-да, челакадаги мой билан латтани қўлига олиб, будка тарафга шошилди. Иримие ўлган-

дан кейин Элиза унинг ўрнига стрелкачи бўлиб ишга кирган эди. Бунда унинг миллати иш бериб қолди. Ундан ташқари, темир йўл инспектори келиб амалий имтиҳон қилиб кўрганда Элиза Негоицэнинг ўринбосарига қараганда абжир, эпчил эканлигини намойиш қилди. Ахир стрелкачининг уйида кечган саккиз йиллик умри беиз ўтмаган-да. Стрелкаларни суриб қўйиш учун унда куч-қувват етарли эди. Вақт-вақти билан Дрегенел келиб ёрдам бериб турарди. Дрегенел гоҳ-гоҳда, шунда ҳам экспресс поездларини кутиб олиш пайтларида келиб қарашиб юборарди. Қолган пайтларда ҳамма иш Элизанинг бўйнида бўлиб, у бу ишларни ундан ортиқ бажарса бажарардики, асло кам бажармасди.

Элиза гўшакни кўтариб пешбандининг киссасидан қалам олди.

— Алло! Иккинчи будка... Стрелкачиман... Ишонмаган бўлармидингиз? Бу ёққа келинг, бошингизга юбкални ўраб қўйсам кейин ишонасиз... Негоицэ Элиза. Гапни шундан бошлаш керак эди... Рақамсиз қанақаси?

Эшикка келган Василе Элизага кўз ташлади. Унинг бу қараши бундан бир неча дақиқа муқаддам қарашига мутлақо ўхшамасди. Элизанинг юзидаги алам асорати йўқолган, илгарилари қандай бўлган бўлса, худди шундай қиёфага кириб қолган эди. Фақат уни қулоғига телефон гўшагини тутган ҳолда Иримие-нинг ўрнида кўриши Василега ғалати туюлди. Василе Элизанинг телефонда дадил гапириб дафтарга шахдам белги қўйишларидан тез кунда бу ишни отасидан ҳам яхши уддалаб кета олишига ишонч ҳосил қилди. Уддалайдям-да, чунки унда немис қони бор, қон ҳеч қачон айниб сувга айланиб қолган эмас, деб ўйлаб қўйди Василе.

Элиза будкадан чиқиб биринчи стрелка томон йўналди. Стрелкани енгилгина кўтариб қўйиб, яна орқасига қайтди. Кейин Василега ёшликдан таниш бўлган, ҳаммаёғига мой томиб кетган сариқ байроқчани кўлига олди-ю, шлагбаумни беркитиб будканинг олдида серрайиб туриб олди. Узоқдан паровознинг қичқирғи қулоққа кирди. Изларнинг зириллаши худди яраланган қуённинг инграган товушига ўхшарди. Кейин излар жони бордай секин-секин кўтарилиб туша бошлади. Яна гудок чалинди. Бу сафар гудок жудаям яқиндан эшитилди. Бурқираб чиққан буғ орасида аввал паровоз, кейин жуда жонсиз, заиф овозлар таратиб юк вагонлари кўзга чалинди. Паға-паға буғ чиқаётган вагонлардан кўтарилаётган оқ тутун жуда ҳам қўланса ҳид таратарди. Ҳар

гал чангал симлар билан тўсиб қўйилган дарчалар бу сафар тахта қоқиб беркитиб ташланган эди. Ҳид шу даражада сассиқ эдики, чидаб бўлмасди. Василе чўнтагидан рўмолчасини олиб бурнини беркитди. Состав ҳаддан ташқари узун эди. Василе қирқ бештагача санаб, кўзи чарчаб у ёғига санамай қўйди. У вагонларнинг лип-лип ўтиб кетишидан ўзини беҳузур сеза бошлади. Кейин ўзича одамларни поездда мана шу ҳолатда олиб юришни муҳокама қила бошлади. Ҳар ҳолда бу одамлар қай даражада гуноҳкор бўлмасинлар, қайси гуноҳлари учун жазоланмасинлар, барибир уларни шу қўйга солиб қўйиш раҳмсизлик, ваҳшийликдан бошқа нарса эмас, деган фикрга борди. Сўнгги вагонлар ҳам яқинлаша бошлади. Бу вагонлар оҳак чанги билан кўтармадан учаётган қумлардан деярли кўринмас эди. Василе чўчиб тушди. Охирги вагоннинг остида кенгина бир тахта осилганча шпал билан темир йўл кўтармасига урилиб ирғиб-ирғиб келарди. Вагон будканинг олдигинасига келганда тахта ундан ажралиб кетди-ю, шамол уни четга ирғитиб юборди. Вагоннинг филдираклари уни худди одамни икки бўлиб юборгандек, тахтани икки бўлиб ўтиб кетди. Қизиқ, вагон майдончасида соқчи йўқ, пулемётнинг учи ҳам чиқиб турмасди. Стрелка бўғиқ гирчиллади, излар вагоннинг оғирлигидан текисланиб кетди.

Семафорга яқин бир жойда шамол туриб, қалин оҳак чанги кўтарилди. Ўз ҳужраларидан ташқарига чиқишган одамлар чанг тарқалгандан кейин излар орасида ҳозиргина ўтиб кетган поезддан тушиб қолган инсон жасадларини кўриб ёқаларини ушлашди. Мурдалар бир-биридан сал-сал узоқликда бўлиб, оппоқ, худди оқ қопга ўхшаб ётишарди. «Кўркам кўча»да яшовчилар ва бошқа ўткинчилар жасадлар ҳозир ўрнидан туради-ю, бир нималарни гапирганча қочиб қолишади, деган хаёлда кўтармага яқин келиб тўпландилар. Кутилган дақиқалар ўтиб кетди. Бироқ улардан биронтаси на қимирлади, на ўрнидан турди.

Василе семафор тарафга отилди. Унинг кетидан йўлда поезднинг ўтиб кетишини кутиб турган бошқа одамлар ҳам ўша ёққа жўнашди. У биринчи қопнинг олдига келди-ю, кўзини қўллари билан беркитиб олди: кўз олдида даҳшатли, қўрқинчли манзара намоён бўлди. Маълум бўлишича, охирги вагондаги маҳбуслар ўлганларни ташлаб кетишган экан. Мурдалар қоқ суяк, эски-туски латта-путталар билан нари-бери ўраб қўйилган. Улардан бири ҳаддан ташқари узун, иккинчиси эса аллақандай ғайритабий равишда қисқа. Бирининг суяклари бир-биридан ажраб кетган, иккинчисининг эса суяклари йиғиб бир ерга тўдалан-

ганга ўхшарди. Шундай бўлса ҳам мурдалар ўзларини ўлим як-каю ягона истаклари, орзулари бўлмиш осойишталикка етказ-гандек фавқулодда жим, сукунатга чўмиб ётарди. Темир йўл бўйлаб йиғилиб турган тириклар ҳам шу топда худди мана шу мурдалар каби сукунат оғушига фарқ бўлган эди. Лекин бу суку-нат аллақандай қайғули ҳамда аламли эди. Кимнингдир унсиз, зўрға илғаб оладиган йиғиси эшитилди. Бу йиғи ёлғиз ўзи бўлга-ни учун қулоқларга бениҳоят қаттиқ эшитилди.

3

Василе орқасига юриб кетди. Йўлнинг нарёғига ўтгандан ке-йин кимдир унинг биллагидан сиқди. Бу Фрид эди. Қассоб ўғли-нинг юзи қип-қизил, худди ловиллаб ёнаётганга ўхшарди. Фрид-нинг бошқаларга ўхшаб ҳаяжон, кўркувдан ранги оқариб кетма-ган эди. Унинг қон томирлари сиқилмаган, аксинча, кенгайган, майда қон томирчалари эса жон борича ўзига қон тортган, нати-жада бутун бадани худди қайноқ сув тўкилгандай қизариб кетган эди. У биринчи иборани жуда қийналиб, тутила-тутила гапирди. Василе унинг ҳалиги ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб кетиб тили калимага келмай қолганидан, ҳатто ичида суюниб ҳам кўйди. Унинг ўзи эса деярли хотиржам, худди ҳиссиз бир аппарат ми-сол эди. Бу аппарат шундай аппаратки, одамзод ҳаётининг мана шу даҳшатли, мудҳиш можаросини холисона қайд қилади. Ке-йин аллақандай бир ички куч келиб бу ҳолатни емириб ташлай-ди-да, аппарат яна бир бошқа манзарани мана шундай хотиржам ва холисона қайд қилишга тайёр ҳолга келиб тураверди. Лекин қандай бўлмасин, Василе руҳида нималардандир ғира-шира норо-зилик аломатлари борлигини ҳис қилди. Унинг тасавурида мус-таҳкам, ҳатто энг майда икир-чикирларигача гўзал, салобатли, саховатли бўлиб кўринган «янги тартиб» ҳозир гўё ўзининг тес-кари томонини, ҳали унга маълум бўлмаган бошқа қиррасини намоён қилаётганга ўхшарди. «Одамзодни хўрлайдиган бундай манзарани намойиш қилишнинг кимга зарурияти туғилиб қол-дийкин. Бу «янги тартиб»ни обрўсизлантирадиган ташвиқотнинг ўзгинаси эмасми? Бу қандайдир номаълум қора кучлар томони-дан одамларнинг ҳиссиётини, нафратини кўзғатиш мақсадида кўпоровчилик, зараркунандалик учун атайлаб қилинган ишнинг ўзгинаси. Бу билан улар одамларга «янги тартиб»нинг тескари томонини кўрсатиб кўйишга интиладилар. Бунга юз фоиз ишон-чим комил», деб ўйлади Василе.

— Фрид, бу нарса биз учун кўққисдан орқадан туриб ханжар ургандек бир ҳол.

Фрид Василе оёгининг маромига тушиб олиш учун қадамларини ўзгартирди. Кейин бошини кўтармай туриб деди:

— Силе, сен доим мени ўзингга нисбатан ёмон муносабатда бўлади, виждонсизлик қилади, яъни мендан гап ўғирлаш фикрида юради, деб ўйлардинг, тўғримасми?

— Ҳа, Фрид, шундай деб ўйлардим.

— Демак, мен сени сенга қараганда ўзимга яхшироқ дўст, деб ҳисоблар эканман-да.

— Бу ерда дўстликдан ташқари тагин қандайдир бошқа нарсалар ҳам бор, Фрид.

— Мен сенга ҳозирги пайтда даҳшатга тушиб кетаётганимни айтмоқчи эдим. Сен мен тўғримда қандай фикрда эканлигиндан қатъи назар, мен сенинг олдингда софман, виждоним пок. Мана шу тўғрилигимдан, ўз мақсадларингни амалга ошириш йўлида фойдаланишинг ҳам мумкину, лекин ҳар ҳолда, буни сенга маслаҳат бермайман. Сен ҳаётда энг катта йўқотишга дучор бўлдинг, мана шунга қарамасдан барибир ўз аслингча, яъни ярим немис, ярим румин бўлиб қолаверасан.

Василе қоқилиб кетди. Оғайнисининг юрагига қўл солиши унга ёқмади. У қаршисига шундай муаммоларни, қарама-қаршиликларни кўндаланг қилиб кўйдик, агар у ростдан ҳам ҳақиқий немис бўлганда бундай нарсаларни эслатмаган ва унинг юрагига гулгула солишга интилмаган бўларди. Василе она томонидан немислик насл-насабининг келиб чиқиши деярли 1800 йилга бориб тақалишини исбот қилиб, хатти-ҳаракатлари, садоқати билан ота-онасининг қадимий немис авлоди эканлигини исбот қилолмаган Карл билан Фридан кўра «янги тузум»га яқинроқ эканлигини исботласа ҳам, аллақачонлар оламдан ўтган отасининг насл-насаби можароси билан алоқадор бўлган жумбоқлар Василени барибир мулзам бўлишга, ўзининг аввалги камситилганлик ҳолатига тушишига мажбур қилди. Бундан бир йил муқаддам Василе бу гапни эшитганда руҳан ғазабланиб юрарди, энди бўлса, фақатгина афсусланиб, қайғуриб кўя қоладиган бўлди. Соф ирқ ҳақидаги илмий нуқтаи назардан исботланган бари хулосалар, фикрлар бўрттирилган сафсата, фақатгина ёлғон-яшиқ, одамларнинг кўзини бўяшдан бошқа нарса эмаслигига энди Василенинг ишончи комил бўлган эди. Рудольф садистларнинг айниган наслига мойиллиги бор бир уруғдан эди. У-ку майли-я, унинг бутун оила аъзолари ҳам шу уруққа мансуб эди. Гарчи таш-

килот тўлдиришни талаб қилган анкетада соф немис қонига кирганини қоида бўйича 1750-йилдан буён, деб ёзса ҳам бўлавергани ҳолда, у бутун ҳужжатларни титкилаб ва уларни пеш қилиб, 1600-йилдан насл-насаби софлигини исботлаб берди. Агарда Василега ота томонидан румин эканлигини юзига солишмаганда унинг мана бу хурофий ақидалардан бир даражада устун туришига, ҳамма вақт ўзини яхши ҳис қилишига ишончи комил эди.

— Силе, — деди Фрид уни қўлтиғидан оларкан, — мен сенга шунинг учун ҳам яқинлашдимки, сени бошқалардан кўра ақлироқ деб ҳисоблардим. Мана шунинг учун ҳам баъзан ўзимдаги соф немис ғурурини оёқости ҳам қилардим. Мушоҳалали, ақли одам бўлганинг учун ҳам сен ўткир кузатувчанлик хусусиятига эга бўлишинг керак. Сен яқин ораларда нималарнидир йўқотишимизни, йўқотганда ҳам қандай алфозда нималарга эришган бўлсак, ўшандан ҳам кўра қимматлироқ бўлган нималарнидир йўқотишимизни, нималардандир ажралишимизни ҳис қилмаяпсанми? Мен ҳам кўрқмаслик, ҳодисаларни муҳокама ва мушоҳада қилмаслик лозимлигини жуда яхши биламан. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам мен шу ўлкада туғилиб ўсганман, киндик қоним шу ерда тўкилган. Шунинг учун ўз бошимни ўзим ажал сиртмоғига тутиб беришни, ўлимга қарши боришни сира-сира истамайман. Менинг дадам ҳар куни приёмникдан чет эл эшиттиришларини эшитиб туради. Биз ҳозир жангда мағлуб бўлиш арафасида эмишимиз. Силе, агар ўша аблаҳлар ҳақиқатан ҳам тўғри, бор гапни айтишаётган бўлса-чи? Ҳали кўрдингми, охириги вагоннинг майдончасида ҳатто соқчи ҳам йўқ. Бизда солдат етишмай бошлабди.

Василе жавоб беришга шошилмади. Агар у бу гапларни Фридан бир ой муқаддам эшитган бўлгандами, томоғидан гиппа бўлган бўларди. Ўшанда у қассобнинг ўғли, мендан яна гап олишга, сир билишга ҳаракат қиляпти, деб ўйларди. Дарвоқе, ҳозир ҳам у шундай фикрда эди. Фақат энди бунга ўхшаш ифвогарликлар уни янада эҳтиёткор бўлишга ундар ва шунга мажбур қиларди. У отасидан айрилди. Бундан ташқари, отаси билан бирга ўзига онглими, онгсизми равишда оғир юк деб биладиган ўз одамлари билан бўладиган аввалги муносабатини, алоқасини ҳам йўқотди. Энди отаси учун кўрқадиган жойи йўқ. Унинг жасади тупроқнинг остида хотиржам ётибди. Отасидан кўнгли тинчигани юрагига далда берди-ю, хаёлига бир нима келди.

— Фрид, сен ҳеч қачон бир нимани англаб олишга интилма. Бунга интилиш — кишининг заифлигидан нишона. Мен ханжарни ўпиб қасамёд қилганман. Ўша пайтда штурмбанфюрер Гауптнинг: «Кимда-ким ҳатто хаёлида ҳам ғоямизга ишончсиз-

лик қиладиган бўлса, орамиздан қувилади, биз эса унинг тириклик ичидан ҳам қувилиш чорасини излаб топамиз», деган гаплари менинг қулоғимдан ўқдек кириб миямга қўрғошиндек қўйилиб қолган. Мен хато қилишни сира-сира истамайман.

— Отанг хусусида хатоликка йўл қўймадингми?

Василе яна қоқилди.

— Ойим, уни сен ўлдирдинг, деяпти. Фрид, сен ҳам шундай деб ўйлайсанми?

— Сен ўзинг гап ковлашга ҳаракат қилмаслигимни маслаҳат берган эдинг, чоғи.

Василе қўлларини чўнтагига тикиб, одимини тезлатди.

Ундай бўлса нега ўз отангни тушунишга интиляпсан? Яна ҳам тўғрироғи, уни сенга таъсир қилиши учун йўл қўйиб беряпсан ҳамда унинг таъсирига бериляпсан.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Агар у одамларда бўладиган заиф бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганда, мен уни сотқин деб атаган бўлардим.

— Менга таҳдид қиляпсанми?

— Мен ҳар қандай таҳдидлардан нафратланаман. Мен ҳали шу пайтгача ҳеч кимни қўрқитганим, таҳдид солганим йўқ. Таҳдиднинг замирида ҳақиқатсизлик ётади. Мен эса, сенга ҳеч қачон замирида ҳақиқат ётмаган гапни гапирмаганман.

— Отангнинг ўлими туфайли сен ҳар қандай ҳиссиёт, меҳр-оқибат ёт бўлган бир кимсага айланиб қолдинг.

— Меҳр-оқибат фақат орага нифоқ солишга, ахлоқсизликкагина олиб келади. Шульц бу гапни фақат бир менга айтмагандику, Фрид.

— Сен ўзингни оқлашинг учун бировлар томонидан ўйлаб топилган ибораларга муҳтож бўлиб қолдингми?

— Нега энди мен ўзимни оқлашим керак экан? Бизнинг авлод бўйнига ўз сафларидан ожизларни қувиб чиқаришдек вазифа юкланган. Табиий танлаш ҳаётда одамгарчиликни, олижанобликни даъво қилувчи, аслида бемаъни бўлган ҳар қандай муносабатларни, интилишларни емириб ташлайди. Мана шундай одамгарчилик, муносабат, ҳар хил инсонпарварликни айрим шахсларгина ўйлаб чиқарган. Биз-чи. Бунинг ўрнига ҳаётдан табиат инъом этган олижанобликларга жой бўшатишимиз зарурдир. Чунки, ҳозир иродадилар, кучлилар фойдаси учун ожизларга қирон солиш энг кечиктириб бўлмайдиган масала.

Василе қизариб кетди. У ўзи билмаган ҳолда мутлақо ўзига хос бўлмаган, балки тўтидек ўрганиб олган ибораларни сайраб

юборди. Бироқ у мана шу иборалар соясида ўзини илгари ҳодисаларни таҳлил қилиб, ўзи мустақил фикр юритишга тўғри келиб қолган пайтлардагига нисбатан анча дадил ва ишончли ҳис қилди. Фрид Василенинг бу ҳолатидан, у ўнғайсиз бир ҳолга тушиб қолди, деган маънони уққан бўлса керак, шунинг учун унинг лаблари бир оз табассумга мойиллик билдирди.

— Силе, сен заиф одамсан. Бир кун келиб ҳақ жойига қарор топиб, сени ер юзидан супуриб ташлаганларида, сен ишонган мана шу емирилмас пойдевордан, нурамас тоғдан ном-нишон қолмайди. Мен чин кўнглимдан сенга ёрдам бермоқчиман. Кейинги пайтда зоҳирингда пайдо бўлган совуқ назар мени хавотирга соляпти. Мен сенга фойдали, ёрдамим тегадиган бир дўст бўлиб қолишимни истардим. Мен сенинг беқарорлигингни, мижозингдаги бетайинликни жуда яхши биламан. Сен ҳақиқатан ҳам беқарор, қатъиятсиз эдинг. Энди эса ўзингга алоқаси бўлмаган қалқоннинг орқасига яшириняпсан. Шу ҳолда сенга анча осон эканлигини мен биламан. Шундай бўлгач, сен ҳеч нимага жавобгар бўла олмайсан. Бироқ, ҳар ҳолда фақат қилиб қўйган ишинг орқасидагина отангни ўлдиришгани юрагингнинг аллақериди сени кўрқувга соляпти, виждон азобида қийнаяпти. Тўғриси, бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам кўрқаётганингни бўйнингга ола қол. Мана гап қаерда, худди мана шунинг учунгина қизилсўзлик қилиб лоф уряпсан, шу сўзлар билан ўзингни ниқоблаяпсан.

— Фрид, отамни мен ўлдирганим йўқ. Агарда мен унга кўрсатмоқчи бўлган ёрдамим туфайли унинг бошига мана шундай қора кун тушган бўлса, демак, бу биз ўқиб ўрганган, ўзлаштирган нарсалар ҳаммаси адолатсизлик, ҳақиқатсизлик экан-да, деган гап эмас-ку, оғайни. Сен ҳали бундай нарсалар ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаш ҳам ўтакетган сотқинлик эканлигини тушунмайсанми?

Фрид галстугини тўғрилаб қўйди.

— Василе, сен мени ҳар ҳолда гапларингга қўшилмайди, деб ўйлай олмайсан.

— Демак, мени синамоқчи бўлган экансан-да.

— Синамоқчи эмасдим, десам сенга ёлғон гапирган бўламан. — Фрид шундай деб кулиб юборди. У бундан бир неча дақиқа муқаддам ўз гўшт дўконининг тақдири ҳақида қандай ишонч билан гапирган бўлса, ҳозирги гапларида ҳам шундай ишонч барқ уриб турарди.

— Юр, қиттак-қиттак коньяк ичамиз. Ўзим олиб бераман.

Биринчи қовоқхонадаёқ Василе икки рюмка коньяк отди. Шундан сўнг унинг ичига иссиқ югуриб, худди чой ичгандек бўлди.

Улар шаҳар марказида ажралишди. Фрид «Дейчеюгенд» штабига кетди. Василе бўлса, баъзи бир ишлари борлигини баҳона қилиб тайсаллаб турди-ю, Фрид кетгандан сўнг Карлларнинг уйига жўнади.

4

Ҳали ҳам қуёшли кунлар тугагани йўқ. Куз яқинлашмоқда. Шерглар уйи томон олиб борадиган хиёбон бўйлаб кетган каштанларнинг барглари илгариги зебосини йўқотган. Димоғни чоғ қиладиган илгариги шабада энди илиб қолган, кишида қандайдир нохуш кайфият туғдиради. Йил бўлса-чи, у ҳам секин-аста охирлаб ўрнини бошқасига топширишга ҳозирлик кўриб боряпти. Парлари хурпайиб кетган чумчуқлар, худди ёзнинг ҳам шафқатсиз равишда ўтиб кетаётганини сезгандай гоҳ-гоҳда чарчоқ бир ҳолатда чирқиллаганча тупроққа ағанаб қўяди.

Василе зовурдан сакраб ўтди-ю, қувурдан чиқиб илон изи бўлиб оқаётган бир чашманинг бошига келиб тўхтади. У коньяк ҳиди келмасин, деган ниятда сувда аввал оғзини чайиб, икки култум ютди. Кейин ботинкасидаги чангни қоқиб, шахдам қадамлар билан тош ётқизилган сўқмоқ йўл орқали Карлларнинг уйига яқинлашиб борди. У Карлларнинг уйига келганда одатдагидай шартли кўнғироқ чалмади. Чунки унга бу сафар Карл эмас, балки Дортмут керак эди. Дортмутнинг умивальнигининг қувури уйнинг бурчагидан тўғри зовурга тушиб борарди. Василе қўлига тош олиб қувурни икки марта урди. Бир оз ўтгач, юқорига қаради, лекин дераза ҳамон ёпиқ эди. Агар у шу топда «қария»ларнинг хонасида ивирсиб юрмаган бўлса, ёки... йўқ, у ўз хонасида эди. Дераза очилди. Шундан кейин ярим очиқ деразадан қизнинг боши кўринди. Василе хилват йўлак билан орқа эшикка қараб кетди. Эшик очиқ эди.

Василе нима сабабдан у ёққа келганини билмасди. Умуман олганда, бу ерга келиш сабабини аниқлашга интилишнинг ўзи бемаъниликдан бошқа нарса эмас эди. У қачонлардир Дортмут билан бефаросатларча бир кеча бирга бўлган. Тўғрироғи, уларнинг бирга бўлиши Дортмутнинг хоҳиши билан воқе бўлган эди. Василе ҳозир ўшанда Дортмутнинг қандай қиёфада кўринганини, чиройлими ё хунукми эканини эслолмади. Фақатгина шунисини хотирладики, у хушқомат, жуда ҳам бичими келишган аёл эди.

Василе уйга кирган заҳоти хонани синчиклаб қараб чиқди-да, эшикни қулфлаб қўйди. Унинг қилиқларидан Дортмут кулиб юборди.

— Кўрқяпсанми?

— Эҳтиёткорлик ҳеч қачон зарар қилганмас.

Дортмут унинг елкасига осилди.

Василе унинг чақнаб турган кўзларига тикилди, кўзлари ҳақиқатан ҳам офатижон эди. Дортмутнинг чап қоши остида кичкинагина холи бор бўлиб, у ҳар куни эрталаб шу холини тирноқлари орасига олиб сиқарди. Натижада холнинг ости қон-талашиб кўзга каттароқ кўринарди.

— Уйда ҳеч ким йўқ, — бидирлади Дортмут Василенинг ҳали ҳам совуқ назар ташлаб турганини кўриб, — мана бир неча кун бўлдики, бу уйда ақлга сиғдириб бўлмайдиган ҳодисалар содир бўлмоқда. Штандартенфюрерни Чехословакияга чақиришган экан, айтишларига қараганда, у йўлда кета туриб ўзини ўзи ўлдириб қўйганмиш. Эҳтиёт бўл, бировга оғзингдан гуллаб қўйма тагин. Шерг хоним бировга айтиб қўйсанг умрингни турмада чиритаман, деди: бу гапни эшитиб ўзининг тутқаноғи тутиб қолди. Жаноби Шерг бўлса бир неча кун бўлди, оғзига ҳеч нима олмайди. Василе, нега бунақа паришонҳолсан? Отанг масаласи ҳал бўлдими?

Василенинг қовоғи солинди.

— Ҳал бўлди...

— Нега мен билан очилиб гаплашгинг келмаяпти? Тагин мени, бу гестапонинг кўнгилли айғоқчиси-ю, мендан бир нимани билиб олмоқчи, деб ўйламагин. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам сен ҳақингда ҳеч нима демаган бўлардим.

— Бундан чиқди, сен ҳар ҳолда гестапога хизмат қилган экансан-да?

— Фақатгина бир марта. Мени чақириб штандартенфюрер бизнинг уйимизда нималарни гаплашди-ю, нималар билан машғул бўлишини гапириб беришимни сўрашган эди. Бир куни штандартенфюрер жуда очилиб кетиб менинг кўнглимни олмоқчи, мен билан бирга бўлмоқчи бўлган эди.... лекин у ҳеч ниманинг удласидан чиқолмади. Мен ўз тушунтириш хатимда, у аёлларга яроқсиз, эркаклиги йўқ эди, деб ёзган эдим, лекин улар бу сўзни ўчириб ташлаб, ўрнига «аёлларга ҳуши йўқ эди», деб ёзишга мажбур қилишди. Василе, нега шунча вақт келмай кетдинг? Жоним, айтчи, менга тирноқча бўлса ҳам ўз севгингни ҳадя қила оласанми.

Василе жуда секинлик билан ечина бошлади. У аввало, жи-гарранг қўйлагини, шимини ечиб, уларниғижимланиб қолма-

син деб, стулга тахлаб қўйди. Кейин Дортмутни беҳаёлик билан ечинтирди. Василе уни каравотга ўтқизди. Ёстиқни тўғрилаётиб қўли нимадир қаттиқ бир нарсага тегиб кетди. Қараса, ёстиқнинг тагида яп-янги пистолет ётибди.

— Штандартенфюрер ҳады қилган яккаю ягона нарса мана шу. Хоҳласанг, ола қол. Захира обоймаси ҳам бор, у бу пистолет бир кунингга яраб қолар, деган эди. Бунинг ўрнига бирор кийимлик газмол ҳады қилгандами, ана шу бир кунимга ярайди, десам бўларди. Василе унинг лабларига секин шапатилаб қўйди. Бу бемаъни гаплар унинг аччиғини чиқарган эди. Дортмут бунга хафа бўлмади. У ўз назарида Василени севадигандек туюларди. Ахир шу пайтгача у ҳеч кимни яхши кўрмаган эди-да. Нима ҳам бўлди-ю, унинг хонасига бир куни кечаси Карлнинг отаси кириб келди. Лекин у ҳар якшанба куни тушдан кейин учрашиб турадиган дугоналари оғизларининг таноби қочиб гапириб берадиган лаззатли онларни, ҳис-туйғуларни мутлақо ҳис қилмади. Дортмут муҳаббат қалбимга фақатгина Василе билан кириб келади деб ўйлар ва шу дақиқаларни интизорлик билан кутарди.

Дортмут қовоғининг остидан Василенинг кенг кўкраги, сержун қўллари-ю, хипча белига назар ташлади.

— Катта киши бўлиб қолибсан.

Василе жавоб бермади. Шундан кейин Дортмут унга бирон нарса бўлмаганми, деган шубҳага тушди.

— Сенга нима бўлди?

Василе индамай унинг ёнига чўзилди.

— Силе, сенга бирон нарса бўлганга ўхшайди, — шивирлади Дортмут, — лекин нима бўлганлигидан қатъи назар, мен сендан мамнунман. Ўтган сафар назаримда, сени севадигандек бўлиб кўринган эдим. Сен хафа бўлмагину, ўйлаб қарасам, севолмас эканман. Ахир, сен ўзингни синаб кўриш учун келгансан-ку. Сен барибир мени севмайсан. Агар шундай бўлмаганда, мен буни ҳис қилган ва сезган бўлардим. Мен бахтиқаро оддий оқсочман. Мен шунга лойиқман, бошқа нимани ҳам кутишим мумкин? Фақат менга шуниси ачинарли бўлдики, сенинг тажрибанг амалга ошмади.

— Йўқ, амалга ошди.

— Қандай қилиб?

— Амалга ошди.

— Муғомбирлик қилмай қўя қол.

— Йўқ, амалга ошди.— Василе деярли қичқириб юборди. У ўрнидан ирғиб туриб кийина бошлади. Галстугини тақди-да, ойнанинг олдида турган аёллар тарақчасини олиб, сочини бир

тарафга қаратиб таради. Стулда пистолет ётарди. Василе уни каф-тида отиб ўйнади, кейин мамнунлик билан чўнтагига тикди.

— Ҳаммаси амалга ошди. Дортмут, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Лекин ҳар ҳолда, сен мени кечир, бу ёғига ўз танам билан қалбимга ўзим хўжайинман.

— Силе, сенинг қалбинг бечора, ғам-ғуссаларга мубтало бир қалб...

Василе шу топда эшикнинг олдида турган эди. Дортмутнинг бу гаплари учун шапати тортиб юбормоқчи бўлган эди-ю, яна ўйланиб қолди.

— Силе, сенинг юзларинг ҳам, қоматинг ҳам ажойиб, келишган, — гапида давом этди Дортмут, — бироқ кўзларингда аламу қайғу бор. Сен ўзингдан ўтганни ичингга яширмоқчи бўласану, кўзларинг сотиб кўяди. Назарингда, отангнинг тақдири нима бўлганини мени билмайди, деб ўйлайсанми? Биламан. Сен йиғлаб юбормаслик учун ўзингни ўзинг босиб юришга интиласан. Сенинг ўрнингда мен бўлсам, яна қайтадан одам бўлиш учун роса йиғлаб олган бўлардим. Қани, ке, фақат ўз шаҳвоний ҳирсини қондириш учунгина яроқли бўлган оқсоч билан бирга йиғла. Шу пайтгача бирон кимса мендан ҳеч нимани сўраб ўтирмаган, агарда бирон нимани сўрашганда мен ҳам одам қаторида эканман-ку, деб қувонган бўлардим. Ҳаммасининг фикри-ёди ўз кўнглини очиш, шаҳвоний ҳирсни қондиришдан иборат бўлган, лекин биронтаси ҳам ўз хурсандчиликларидан менга заррача бўлсин ҳады этмай чиқиб кетаверишган. Нега энди сен йиғлашни хоҳламайсан. Агар йиғласанг, мени севганинг бўлади, шундан кейин, эҳтимол, мен сени севиб қоларман.

Василе эшикни тарақлатиб ёпди-ю, зинапоядан пастга чопиб тушиб кетди. Очиқ деразадан худди онаси ташлаб кетган боланинг йиғисига ўхшаб Дортмутнинг хўнграб йиғлаган овози эшитилди. Хиёбондан юриб келган Василе яна чашманинг бошига келиб тўхтади. Сувдан роса қониб симириди. Шундан кейин бутун аъзойи баданидан, ҳатто кафтларигача тер чиқиб кетди. У одимлар, одимлаганда ҳам гандираклаганча зўрға нафасини ростлаб борарди.

5

Шаҳарда ҳаво дим. Кун бўйи қизиб ётган уйлар орасида ҳавонинг ҳаракати мутлақо сезилмас, фир этган шамол йўқ. Ҳар хил бижиган қўланса ҳидлар бир-бирига қўшилган ҳолда ҳавони бузиб юборган, худди юзлаб ахлат чуқурларининг оғзи очиб юбо-

рилгандай ҳовлининг ҳидига чидаб бўлмасди. Василе Рудольфнинг отаси эгалик қиладиган аптеканинг ёнидан ўта туриб витрина олдида тўхтаб қолди. У босма ҳарфлар билан немис ва румин тилларида ёзилиб қўйилган эълонларга кўз югуртириб чиқди-ю, дарвоза томонга қараб йўналди. У ҳали эрталабдан буён туз тотмагани сабабли, Рудольфни чақириб бир оз пул сўрашга аҳд қилган эди. Бироқ кўнғироқ қилишга ҳожат қолмади. Энди кўнғироқ қилмоқчи бўлиб тургани, Рудольфнинг ўзи аптекадан чиқиб қолди, биринчи бўлиб Василени кўрди-ю, унинг олдига келди.

— Хайль!

— Хайль, Рудольф! Сени кўрмоқчи эдим.

— Мен ҳам. Бахтли экансан. Эсэсчилар формаси жуда ҳам чиройли. Мен гарчи Фрид сенга айтиши мумкин бўлган бўлса ҳам, лекин ҳеч нарса айтмаганини биламан.

— Нима учун бахтли бўлишим керак экан? Яна нима учундир менга рашк қилиб қолдингми? Бу сирми?

— Қора костюм кишини басавлат кўрсатади. Ҳозир, биласанми, Германияда қора ранг авжи модага кирган пайт.

Василенинг Рудольф гапнинг учини чиқариб қўйиб, бу ёғига ҳеч нарса айтмаслигига кўзи етди. Шунинг учун қистаб ўтирмади. Лекин унинг юзларидан қандайдир ғам-аламнинг аксини уқиб олди. Қандай ғам-ташвиш эканлигини Василе ўйлаб, ўйининг тагига етолмади. Бироқ, умуман олганда аптекачининг ўғлини танигандан буён биладики, у ғам-ғуссани, дилсиёҳликни кўнглида унчалик кўп ушлаб туролмайди.

— Рудольф, менга пул керак.

Рудольф чўнтагини ковлаб бир неча қоғоз пул чиқарди. Кейин уларни яхшилаб тахлади-да, Василега узатди.

— Сен мен ўйлагандан ҳам зийракроқсан-да, оғайни.

— Силе, менинг асабим бузилган.

— Бу нарса одамни пастга уради. Бу борада сени назарда тутаётганим йўқ, умуман айтаётибман.

— Штандартенфюрер Шульц СА дан СС га ўтди. Энди гестапода ишляпти.

— Қачондан буён у штандартенфюрер бўлиб қолди?

— Аввалги штандартенфюрер Чехословакияга кетгандан бери. Албатта, бу ерда бирон-бир муносабат йўқ... ўзинг биласан-ку, уни кўргани кўзим йўқ.

— Ахир унга сажда қилардинг-ку.

— Баъзан фаришталарда ҳам фаришта бўлиб қолиши учун ҳаддан ташқари содда инсоний қусурлар зоҳир бўлиб туради.

Мен Зиглерга қарши чиққанимда жуда кўрқиб кетган эдим. Кимдир ичингизда биттангиз, келиб мени сотибди, албатта бу сен эмас, чунки ўшанда сен йўқ эдинг, гўё мен рақиб билан бетмабет бўлганда кўрқиб, қалтираб қолган эмишман-а! Топган гапини қара! Ўшанда мен мутлақо иккиланиб ўтирмасдан шундай ханжар санчдимки, гапимга ишонавер. Мен ҳалига довур қилган ишимга ачинаётганим йўқ, заррача виждон азобига тушаётганим ҳам йўқ. Билишимча, оёғимдан чалган Фридрихнинг ўзи. У доим менинг ўрнимни эгалламоқчи бўлиб юрарди. Аслида-ку, уни кузатиб юриш менга, сени кузатиб юриш эса унга юклатилган, у бўлса, ҳаддидан ошиб кетди: сен тўғрингда нима дейишини билмай қолгандан кейин мен ҳақимда ёлғон-яшиқларни тўқиб етказишга тушди.

— Рудольф, сен хатарли вайсақи бўлиб қопсан.

— Менга барибир. Бу ердаги ҳамма ҳисобларимни тугатдим.

— Форма киймаганимни кўрмаяпсанми? Келаси ҳафта Германияга жўнайман. Буларнинг ҳаммасини дадам қилди. У мени университетга ёзди. У ерга борганимдан кейин тўғридан-тўғри СС га кираман. Силе, мен бир кун қайтиб келаман, яна ўшанда ҳаммаларинг менга ишинг тушиб ялиниб қоласанлар. Василе, сенга кетар чоғимда тўғриси айтиб қўя қолай: сени ҳеч қачон яхши кўрган эмасман, сендан бир умр нафратланиб келаман. Доим сенга ҳасад қилардим, оёғингдан чалишга интилардим. Чунки сенга ўхшаган дурагай бир кимса бизнинг давримизда мен — мен-ку, ҳатто оддий немис қоровулидан ҳали ақллироқ бўлишга сира-сира ҳаққи йўқ.

Рудольф аввалига бамайлихотир, кулиб туриб гапирди. Кейин қараса, Василенинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш кўрмаяпти, унинг асаби бузилмаяпти. Шундан кейин авжига чиқиб кетди, ўзини қўйворди.

— Мен сенинг қандай қалтирашингни, руҳан азобланишингни кўргим келяпти. Шунда жуда ҳузур қилган, беҳад роҳатланган бўлардим. Клубда сени Шульцнинг хат ташувчиси қидириб юрувди. Назаримда, унинг ҳам авлодига биронта яҳудий зотидан илашиб қолганга ўхшайди, бўлмаса у сенга ўхшаган зоти айниган чурвақалар билан ўралашиб юрмаган бўларди.

Василе атрофига қаради. Нарироқда кечкурунги лампочкаларнинг ёғдуси тушмаётган тахта деворнинг қоронғи тарафи бор эди.

— Рудольф, юр бу ёққа.

— Қаёққа?

Бир нима кўрсатаман. Бировлар кўриб қолмасин, деяпман.

Василе Рудольфнинг қўлидан маҳкам сиқиб ўша қоронғилик томон бошлади. Ҳали Рудольфнинг миясига бирон фикр келмасданоқ, у чўнтагидан пистолетини чиқарди-да, унинг қорнига тиради.

— Мен сени отиб ташлашим мумкин, бунинг учун қўлимда етарли далилларим бор. Лекин, олий тушунчадан келиб чиқиб бундай қилмайман. Сенинг «тоза» қонинг билан ўзимни булғашни истамайман. Нега энди тишларинг шақирлаб қолди! Бировларнинг қалтирашини кўришни севадиган одам, авваламбор, ўзи қалтирамаслиги лозим! Узоқ вақтлардан буён ҳеч қандай ҳис-туйғу сезганим йўқ эди. Худди шу бугун менинг руҳимда жирканиш, нафрат ҳиссини кўзга тганинг учун сендан миннатдорман!

— Силе, ҳазиллашдим-ку, ахир! Мен сени таҳқирламоқчи эмасдим! Отма мени...

— Рудольф, мен билан бу соҳада ҳазиллашиб бўлмайди. Бирок у ёғини олсак, сен менга ҳазиллашганинг ҳам йўқ.

Василе пистолетининг тепкисини текшириб чўнтагига солди. Кейин Рудольфдан ҳозиргина олган пулни чиқарди. Кимдир шу пайт деворнинг нарёғида заҳар қистаб, ёзилар, сийдиги эса тахта девор бўйлаб оқиб тушиб бу тарафда ҳалқоб ҳосил қилган эди. Василе Рудольфдан олган пулларини мана шу ҳалқобга ташлади-да, кейин ботинкасининг пошнаси билан обдан эзиб, буюрди:

— Ол! Калланг ортиқчалик қилмаётган бўлса, дарров ол!

Рудольф зудлик билан эгилди-ю, пулларни йиғиштириб олди.

— Мана шу пул шарофати билан шу пайтгача сен мендан устун бўлиб келдинг. Пулларинг сени такаббур қилиб юборди, димоғдор бўлиб кетишинга имконият туғдириб берди. Тўғриси айтганда, сенинг ҳозирги гапларинг мени мукофотлаганда айтган гапларингчалик юрагимга қаттиқ таъсир қилгани йўқ. Мен ўшанда ҳозиргига қараганда ҳиссиётлироқ эдим. Энди-чи, энди бўлса, мана шу камчиликдан қутулдим: руҳимдаги бутун сезгини ўлдирдим. Энди мен сен билан бараварман. Қани, чайнаб-чайнаб ют қоғозларни! Майдалаб йиртгин-да, ютиб юбор, бўлмаса у дунёга жўнатмаслигимга кафилик беролмайман.

Рудольф ҳўл қоғоз пулларни тишлари билан майдалаб йиртиб, чайнаб-чайнаб юта бошлади. Унинг бутун қиёфасидан нафрат, чексиз алам ўт сочиб турар, лекин қўрқув, жон ширинлиги бу нафратларни босиб кетарди.

Ниҳоят Рудольф бўш қўлларини Василега кўрсатди. Василе ўгирилди-ю, йўлида давом этди. Сал юргач, орқасидан қаттиқ ўқчиш овози эшитилди. Ўгирилиб қараса, Рудольф қўллари билан деворга суяниб олганча варақ-варақ қусарди.

Гестапо комендатурага яқин бўлган шаҳарнинг эски биноларидан бирига жойлашган эди. Врачлар кабинетларига айланттирилганига унчалик ҳам кўп вақт бўлмаган мўъжазгина тоза-тоза хоналар ҳеч қандай ўзгармаган, шу билан бирга юз ва ундан ортиқ йиллик ажойиб винолар сақланадиган баҳайбат гумбазли деразасида ертўла ҳам илгари қандай бўлса, худди шундай, ўзгаришсиз турибди. Тўппа-тўғри тротуарнинг ўзгинасидан бир неча ўнлаб пиллапояли зинапоя кетган. Зинапоя оғир темир эшикка бориб туташарди.

Мана шу данғиллама уйнинг икки қанотини бирлаштирадиган дарвоза одамда гўё узун йўлакда содир бўладиган ҳар хил кўнгилисиз ҳодисаларни киши кўзидан яшириб туриш учун қурилгандай таассурот қолдиради. Бурчакда устига оғир пўлат парчалари қопланган дуб дарвозалар бор. Булар ўзи очилиб ёпиладиган қилиб ишланган. Бу дарвозаларга машиналар ичкаридаги ҳовлидан кирар, ҳатто ертўлага ҳам туша олар эди.

Василе асосий кириш жойига келиб тўхтади. У ҳали мана бу зинапояларга бир марта ҳам қадам қўймаган, булар орқали ҳечам юқорига кўтарилмаган. Агар Шульц ўзининг алоқачиси орқали уни чақиртирмаганда ҳозир ҳам булар устидан юрмаган бўларди. Алоқачи Василени имкони борича тезроқ келиб гестапога кўриши бериши кераклигини айтиб кетди. Бу бино Василе қасамёд қилган бинога мутлақо ўхшамаса ҳам, у биринчи пиллапояга қадам қўйиши билан бутун вужудини қўрқув босди. Кун иссиқ бўлишига қарамай қалин деворлардан совуқ уриб турарди. Василени асабий титроқ босди. Назарида, худди мана шу қалин деворлар орасида қиш ҳукмронлик қилаётгандек эди.

Василе қорага бўялган оғир совуқ темир эшикка тегиб кетди. Ён тарафда қўнғироқ тугмачаси бор эди, у тугмачани босди. Каттакон зил-замбил эшикдан ўйиб ясалган дарча ичкарига очилди-ю, кимнингдир бир жуфт кўзи диққат қилиб Василега қадалди. Василе гувоҳномасини кўрсатди. Девор орқасида қандайдир ғичирлаган товуш эшитилди. Кейин эшик тиралиб турган ғилдиракча ярим доира темир парчаси устида ғичирлади. Василе бирдан ичкарида бўлиб қолди. Ўнг томонига қараса, будка турибди. Кучли электр нури унинг кўзини қамаштириб қўйди. Эшик тарақлаб ёпилди, шу онда навбатчи офицер пайдо бўлди-ю, гувоҳномасини яна бир марта текширди. Навбатчининг юзи электр нурига тўғри келиши билан Василе ҳайратдан қичқириб юбораёзди, бу Ганс эди.

— Ганс, бу сенмисан?

— Унтерфюрер Ганс, — тузатди у.

Василе «смирно» бўлиб қотиб турди. Икки орада қисқа савол-жавоб бўлди. Бу пайтда Ганс ўзини шундай бир вазиятда тутдики, гўё у Василени умрида бир марта ҳам кўрмагандек эди.

Ганс савол-жавоб тугагандан кейин ҳам ўзини илгари қандай бўлса шундай, бегоналардек тугаверди. Василе бунга ажаблангани йўқ. Чунки бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси ишдан бўлак нарсалар ҳақида гаплашишга ҳақлари йўқ эканликларини биларди. Улар тез-тез юриб бир неча эшикнинг ёнидан ўтишди. Василе эшиклар олдидан ўтаркан, Гансга сездирмай кўзининг қири билан улардаги жадвалларни ўқиб борди. Лекин у ҳеч нарса тушунмади, булар Василе маъносини билмайдиган аллақандай ҳарфлардан иборат эди. У буларнинг ичидан фақатгина РЗХА деганини эшитган, бу «Рейхсзихерхайтсхауптamt» дегани бўлиб, гестапо деган номга таллуқли ҳамма хизматларни ўзида бирлаштирган бир ташкилот эди. Кўп одам бунга тушунмасди. Ганс Василени «гестапо» деган сўз ёзилган эшик олдида қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Бир неча дақиқадан кейин эшик очилиб уни ичкарига таклиф қилишди. Столнинг ортида тилининг учини чиқарганча бир нималарни ёзиб Фрид ўтирарди. У ҳатто Василе билан сўрашмади ҳам. Ганс уни дераза панжаралари қора ранг билан сирланган қоронғи бир хонага олиб борди. Кутилмаганда шифтда электр лампочкаси ёнди. Василе қараса, қаршида деворда фюрернинг портрети осиглиқ турибди. Портретнинг остида эса қора бўёқ устига олтин рангли зарҳал ҳарфлар билан шундай сўзлар ёзиб қўйилган: «Адольф Гитлер, фюрер ва рейхнинг канцлери, сенга бир умр садоқатли ва жасоратли бўлиш учун қасамёд қиламан. Сени ва менга раҳнамолик қилиш учун кимни тайинласанг ўшаларни тантанали равишда ишонтириб айтаманки, менинг сенга бўлган садоқатимнинг мезони ўлимдир! Бунда менга худонинг ўзи ёрдам беради!»

— Хайль, Гитлер! — ўнг томондан товуш чиқди.

Бу штандартенфюрер Шульцнинг овози эди. Унинг эгнида қора форма, кўкрагида орденлар осиглиқ, янгигина даража белгилари ҳам мундири каби ярқираб турарди. Шульц соқол-мўйловини яхшилаб қирган, сочлари ҳар сафаргига нисбатан калтароқ қирқилганидан лаблари киши кўзига яна ҳам юпқалашиб кетгандай кўринарди.

Ганс ҳарбийчасига орқасига ўтирилди, эшик унсиз очилиб ёпилди. Шульц бўлса, одатдагидай расмий саломлашиш ўрнига, бирдан Василега қўлини чўзди. Шу пайтгача Шульц у билан бирон марта ҳам қўл бериб кўришмаган эди.

Шульц хонанинг у бурчагидан-бу бурчагига бориб кела бошлади. Унинг кичик кўк кўзлари қовоғини солиб турганидан яна ҳам кичрайиб кетган. Ниҳоят, у Василенинг олдига келиб тўхтади ва қўлларини белига қўйганча унга тикилди. Шульцнинг юзидан нимадандир руҳан қийналаётганини, азоб чекаётганини яққол уқиб олиш мумкин эди. У ёзув столидан бир қалин папка олди-ю, унга қиё боқмай ёнидаги кичик столчага ташлади.

— Ўқи, — Шульц шундай деб хонада яна асабий у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

Василе делони ҳозир ўқийми ё бўлмаса уйга олиб кетиб ўқисам ҳам бўлаверадими, деган мазмунда штандартснфюрерга қараган эди, Шульцнинг қарашидан у делони ҳозироқ, шу ернинг ўзида ўқишинг керак, деган маънони уқди.

— Отангга берилган ўлим ҳукми. Чўчқалар...

Василе қовоғини солди. У делони столдан олди, бироқ бир-икки жумлани ўқигандан кейиноқ, гестапо бошлигининг ёрдамчисидан ҳам ҳайиқмай стулга чўкди-да, саросималаниб варақларни бирин-кетин оча бошлади. Делода унга нотаниш бўлган ўнлаб фамилияларнинг берган хуфия маълумотлари бор эди. Бу ёзма маълумотларнинг ҳаммасида ҳам унинг отаси «янги тартиб»га қарши қаратилган ҳаракатларнинг иштирокчиси, деб кўрсатилган эди. Василе пешанаси терлаб кетаётганини сизди. У бир неча марта пешанасини артиб олди. Бироқ тер тўхташ ўрнига баттар қуярди, энди бутун баданидан шовуллаб оқа бошлади. Тер дам юзидан, дам узун илиқ из қолдириб белидан пастга оқиб кетарди. Василе далилларга ишонгиси келмасди-ю, барибир ишонишга мажбур эди. Чунки далиллар рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқий далиллар эди. Улар бир-бири билан алоқадор, худди занжирдек боғлиқ бўлиб, уларни нотўғри деб топиш, қарши чиқиш жуда ҳам қийин эди. Бу далиллар тўғридан-тўғри дадасини коммунист, «янги тартиб»га қарши қўзғалганларнинг бири, деб айбларди. Буларни кўриб Василенинг вужудини титроқ босди. Отасининг кейинги пайтлардаги ўзини тутишлари, Василени танлаган йўлидан қайтариб олиш учун бу йўлга қарши унинг эътирозлари уни бир марта Иримие Негоицэ коммунистларга араллашиб қолган, улар билан ҳаммаслак, деган фикрга олиб келган эди. Лекин Василе ҳар сафар ҳам отасининг хатти-ҳаракатларини бир зумлик жаҳлнинг натижаси, қўрқув остида эзилган ҳамда ўзининг ҳеч бир мулоҳазасиз немисларга қарши чиқиши билан уни фақатгина кўрқитишга интилган аламдийда одамнинг хатти-ҳаракатлари, деб кўнглига таскин берар, ўзини оутарди.

Василе ҳозир кўз олдида турган, отасига қарши ёзилган мана бу айбномаларга лаққа тушмасликка, уларнинг таъсирига берилмасликка ҳаракат қиларди. У бу нарсаларнинг бари бутунлай бўҳтон, деган гапга аввало ўзини, зарурат туғилиб қолса бошқаларни ҳам ишонтириш учун ўз хотирасидан буларга қарама-қарши ўлароқ бошқа далилларни излай бошлади. Лекин ҳеч нарса хотирлай олмади. Негаки, отасининг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларида ўз ўйлаганига монанд нарсанинг ўзи йўқ эди-да. Василе бир неча дақиқа отасига қандайдир ҳурмат туйғусини ҳам туйди. Ўз назарида, ҳеч нарсага арзимас бўлган гўл одам калласини ишлатиб шу қадар сезгир бўлганлигига қарамай уни доғда қолдира олганлиги Василени танг қолдирган ҳамда бир оз хижолатга ҳам солиб қўйган эди. Бироқ бунга ақли бовар қилмади. Йўқ, йўқ, бу ишларда тариқча бўлса ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин эмас! Агар, мабодо қандайдир кўзга кўринарли иш қилиб, одамларнинг оғзига тушадиган бўлса, шу ишини устомонлик ва жасурлик билан эмас, балки ўз кўрқоқлиги, ожизлиги орқасида қилиб қўядиган бир одамга жуда мурувват билан бўҳтонлар уюштиришибди-да, деб қўйди кўнглида Василе.

Василе штандартенфюрер Шульцнинг оғир қадамларини бошқа эшитмай қўйди. Гўё хонада у йўқдай, фақатгина қарама-қарши фикрлари билан ёлғиз ўзигина қолгандай эди.

Василе қанча тиришмасин ўзига келолмади. Бирдан калласига яшин тезлигида бир фикр урилди: отасининг иши ўз тақдирига қандай таъсир қиларкин? Қалбида кўрқув, даҳшат пайдо бўлди: отасининг қилган иши учун бу ҳам жазога тортилмасмикин? У нима учун бошлиқлари икки ой давомида уни бирон марта бўлса ҳам йўқламагани, биронта мажлисга чақирмагани, нима учун келиб худди шу бугун чақирганлари сабабини аниқ тушунди. Чунки унинг отаси тўғрисида энди аниқ бир қарорга, тўхтамга келишган, шунинг учун ҳам алоқачи уни қидириб қолган. У агар ҳамма иш гестапода ҳал бўлса, уларга яна нима учун мени дело билан таништириш керак бўлиб қолибди, деб ўзига-ўзи савол берди. Балки гестапо уни отаси қилган ишларда бир даража алоқаси бор бўлса керак, деб гумонсираб орқасидан кузатгандир. Фрид, албатта, ораларида бўлган суҳбатни ҳар куни оқизмай-томизмай Шульцга етказиб турган ҳамда у ҳақда Шульцнинг маълум қарорга келишига жон-жаҳди билан тиришган. Мана энди айбини бўйнига қўйиб ишни очди қилиш учун бугун чақиртирган. Эҳтимол, ҳозир у бутун вужуди билан делого тикилиб ётган бир пайтда Шульц уни диққат билан кузатаётгандир.

У бу кузатиш натижасида қиёфасидан бутун фикр ва сезгиларини уқиб олиб бир тўхтамга келиб, кейин бу хулосасини сўз орасида айтиб олиш учун қулай фурсатни кутиб тургандир.

Василе кейинги йилларда нима ҳақда гапирган бўлса, нима иш қилган бўлса, ҳаммасини бирма-бир эслади. Фикрлар тугуни қайсарлик қилмай ечилаверди. Лекин у нимани эслаб кўрмасин, барибир ўзининг биров билиш у ёқда турсин шубҳа ҳам қилолмайдиган сирли руҳий кечинмаларидан, ҳаяжонларидан бўлак бирон-бир айб иш қилганини тополмади.

Унинг бадани қизир, эгнидаги кўйлаги эса жиққа ҳўл бўлиб кетди, вақт ўтган сари оз-оздан бутун вужудини кўрқув эгаллаб борарди. Фақат отасигина ўз жазосини тортиб кетгани йўқ. Энди у тақдирнинг тақозоси билан қаерда ётган бўлса ўша жойдан — ернинг қаъридан туриб қўлтиғига киролмаган, мадад беролмаган кимсани ҳам худди шундай жазога мубтало бўлишини талаб қиляпти. Василенинг ўз отасига нисбатан қалбида туйган раҳмшафқат туйғуси йўқолиб кетди. Полковникнинг олдига бориб ундан Иримиега таъсир ўтказиши, «янги тартиб»нинг йўл-йўриқларини дадасига уқтириб қўйиб, уни шу тузумнинг қули бўлишда унга ёрдам беришини илтимос қилгани сингари ҳолни охирги чора сифатида ўзига нисбатан ҳам қўллаши ва шу йўсинда кутилмаганда тушиб қолгани — боши берк кўчадан эсон-омон чиқиб кетиши мумкин-ку. Ундаги асаб таранглиги тўсатдан йўқолди, отаси воситаси билан пайдо бўлган ҳаяжон, саросима ариди. Энди орқасидан узун из бўлиб тер ҳам оқмай қўйди. Йўқ, йўқ, буларнинг биронтасига ҳам у ишаномайди, бу ерда ёзилганларнинг бари туҳмат. У отасини жуда ҳам яхши биларди. Унинг бу қадар янги қиёфага кириши даргумон. Бу маълумотлар уйдирма, бундан бошқа нарса эмас. Унинг отаси онгли, ўз эътиқодига эга бўлган душман даражасига сира ҳам кўтарила олмайди. Агар шундай бўлганда Василе бунга сезган бўларди. Мабодо, унинг отаси билмасдан адашиб коммунистларга қўшилиб қолган тақдирда ҳам у анча босиқ, одамшаванда бўлиб қолган ва бу хусусиятини хатти-ҳаракатларидан сездириб қўйган ҳамда ўзи учун аллақандай умид учқунларига манба ҳисоблаб келган ўша таққирловчи ҳаёт билан асло муроса қилмаган бўларди. Йўқ, делода номи тилга олинаётган одам унинг отаси эмас. Бу шунинг учун ҳам унинг отаси эмаски, делони кўздан кечирган ҳар бир одамнинг тасавурида кўрқмас, ўз маслағига чиндан ишонган, ҳақиқий курашчининг қиёфаси намоён бўлади. Иримие-чи, у фақатгина ўз тубан ҳаётининг қули, ўз муҳитида дилхаста, иродасиз бўлиб

қолган бир бебахт бечора эди, холос. Василенинг отасига раҳми келиб кетди. Унинг руҳида секин-аста яна нафрат алангалана бошлади. Лекин бу сафарги нафрати отасига эмас, балки ёмонликни кўзлаган, сохта маълумот берган кимсаларга нисбатан кўзгалган эди. У отасининг нима учун отиб ташланганини эндигина тушунди. Айбдорга бундай айб қўйилган ҳолларда ҳукм бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. У ёзма маълумот берганларнинг номлари қайд қилинган биринчи бетга яна бир назар ташлади. Ҳар бир фамилиянинг тўғрисига унинг қайси партиёга мансублиги кўрсатиб қўйилган эди. Мана бу янгилик уни яна ҳам лол қолдирди. Делони шошиб-пишиб варақлаётиб мана бу жудаям муҳим детални кўрмай қолган, ҳамма ёзма маълумотлар коммунистларники-да, деб ўтиб кетаверган эди. Бу факт бир зум уни фикрида ҳақ ёки ноҳақлигига шубҳалантириб қўйди. Коммунистлар ҳақиқатан ҳам тўғриси янги ёзганмикин ёки туҳмат қилишганмикин, деган ўйга борди. У коммунистлар тўғрисида жуда кам нарса биларди. Бундан ташқари, улар немис тартибини ёмон кўрардилар. Василега маълум бўлишича, улар ҳамма нарсага қодирлар, биологик жиҳатдан эса одамзоднинг энг пастки табақасига мансуб кишилардир. Агар шундай тасодиф бўлиб қолса-ю, улар Василени қийноққа соладиган бўлиб қолишса, у ўз одамларидан биронтасини ҳам сотмаган бўларди. Айбсиз бир одамни айблаб тирик қолгунча, яхшиси, ўлимни афзал кўрарди. Лекин улар тўғриси янги ёзишган бўлса-чи? Агар шундай бўлган тақдирда ҳам барибир ўз маслакдошингни сотиш — бу шундай беқиёс жиноятки, ўз туққан онангни ўзинг бўғизлагандай гап. Биринчи зарбадаёқ куракда турмайдиган бўҳтонлар, ифволар билан ўз шерикларини тупроққа қориштириб ташлай оладиган мана бу беорлар билан Иримие ўртасида қандай умумий муносабат бўлганикин? Василенинг юзига қон тепди. Агар унинг отаси ҳақиқатан ҳам коммунист бўлган бўлса, ўзига яраша жазосини тортиб кетди. Агар у қуруқ туҳматга учраган бўлса, унда туҳмат тошини отган кимсаларнинг бари фақатгина жирканишга, нафратланишга лойиқ шахслардир.

Василе ўрнидан туриб Шульцга ўғирилди. Унга тик қарашга журъат қилолмади. У ташқи тарафдан жуда хотиржам кўрингани билан чуқур ташвишда қолгани шундоққина сезилиб турарди. Агар отасининг қилган ишлари учун жазо тортиши керак бўладиган бўлса, Василе ўзича бу жазони айбсиз бўла туриб бекордан-бекорга жафо кўраётган одам қиёфасида сидқидилдан қабул қилиши мумкин эди. Чунки унинг Иримие янги бўҳтон

гапларга асосланиб туриб ушлаб келишганига ва отиб юборишганига, ҳамма маълумотлар ёлгон ҳамда бўҳтондан иборат эканига ишончи комил эди. У бирон нарсага ҳали бу даражада чуқур ишонч ҳосил қилган эмас.

— Мана бунга ўхшаган ўзбошимчалик қилган одам қандай жазога тортилиши керак? — қатъий, лекин бешафқат бир тарзда жаранглади Шульцнинг сўроғи.

— Олий жазога. Мен ҳам хушёрлик ва эҳтиёткорликни йўқотиб қўйганим учун жазоланишга ҳозирман. Фақат мана бу далилларнинг ҳаммаси сохта, жаноби штандартенфюрер, — деди Василе тутила-тутила.

— Мана бу ҳайвон Бробснинг даражасини тушириб қўйиш керак эди. Бироқ шундай вақтлар ҳам бўладики, ҳаракат қилиш, чора кўриш керак бўлиб қолган бир пайтда ўйлаб ўтириш учун вақт бўлмай қолади. Бробс ҳам фақат худди мана шу сабаб билан қисман хатога йўл қўйди, адашди.

— Буни қандай тушунса бўлади, жаноби штандартенфюрер? Мен буни, отам...

— Сен буни шундай тушунишинг керакки, асосий айбдор Бробс эмас. Асосий айб отангни гуноҳкор қилиб кўрсатганларнинг бўйнига тушади. Ҳайвонлар...

Шульц сўлак сачратди, унинг кўзларини қоронғилик босди. Ўзи эса асабий бир ҳолатда эди.

— Бундан бир неча ҳафта илгари депода бир гуруҳ коммунистлар қўлга олинган эди. Сўроқ вақтида шу нарса аниқландики, сенинг отанг коммунистларнинг раҳбарларидан бири экан. Уларнинг ўз қўллари билан битилган делони ўқиб чиқдинг. Мен «ўз қўллари» билан деяпман, Силе. Кейин аниқланишича, булар ҳаммаси бўҳтон гаплар экан. Улар ўзлари қутулиб қолиш учун бутун айбни сенинг отангга тўнкашган экан. Улардан бири ўлим олдида, назаримда, шу йўл билан ўз қисматини енгиллаштиришни ўйлаган бўлса керак, Иримие ҳеч қанақа айбдор эмас, ундан ҳам аниқроғи, унинг ҳатто коммунистик ғояларга мойиллиги ҳам йўқ эди, деб қолди. Биз бир айбсиз одамни ўлдириб, ҳаётига зомин бўлдик, Силе, бу одам сенинг отанг эди. Плакатларни бўлса, унинг қилган иши нотўғри эканини оғзаки тушунтириб қўя қолса ҳам бўлаверарди. Силе, делони яна бир карра ўқиб чиқ. Ўқигин-да, мен сенга рост, ҳақиқий гапни айтаётганимга ишонч ҳосил қил. Биз ёлгон гапиришни билмаймиз — ёлгончилик билан қалбакилик ҳаммиша бизга бегона, руҳимизга ёт нарса бўлиб келган, — Шульц делони олиб очди-да, уни деярли зўрлаб ушлатгандай Василенинг қўлига тутқазди.

Василенинг кўзини аллақандай туман қоплади. Энди делони Шульцнинг ўзи Василенинг кўз олдида варақлай бошлади. Василе бетларини кўрар, лекин машинкада босилган чексиз қаторлар ичига жойлашган маънони уқиб олиш ҳолатида эмас эди. У гандираклаб кетди. Василе ҳозир кўз олдида рўй берган «сотқинлиги учун жазолаш» ҳодисаси пайтида тушган ҳолатини бошидан кечира бошлади, ўшанда кечирган ички кечирмаларини яна туйди. У қўрқувга туша бошлади. Ўшанда ялангликда қандай қочган бўлса, худди ўшандай қочишга тайёр бир ҳолга келди. Шульц бўлса, буни сезмас, Василени ўз гапларига ишонтириш мақсадида делони тинмай варақларди.

Фақат Василе гапларингизга, умуман, ҳеч нимага шубҳаланмайман, деган мазмунда бошини ўгиргандан кейингина Шульц делони столга ташлади. Кейин яна уни қўлига олиб, ҳар бир варағини жаҳл билан биттадан йиртиб катта печкага ташлай бошлади. Варақлар худди керосин сепилгандай бир лаҳзада лов этиб ёниб тушарди. Фақатгина устига «Негоицэ Иримие» деб ёзилган картон папкагина ҳаёт билан зўр-базўр видолашаётган мавжудот сингари ўт устида узоқ вақт бужмайиб, эгилиб, қийшайиб ёнмай турди.

— Биз қаттиққўл бўлиб келганмиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоламиз. Бироқ ҳеч қачон адолатсиз бўлган эмасмиз! — деди Шульц. — Немис ҳеч қачон ўз айбини бировга тўнкай олмайди. Немис зоти айбсиз дўстини айб тақиб ўлдириб унинг хунига қолгандан кўра, ўз ўлимини афзал кўради.

Шульц йиғлаб юбораётганини яширишга уринмади. Унинг оқ-кўкиш кўзлари қизариб кетганди, ёш томчилари илашган калта оқиш киприклари эса башарасига аллақандай ғалати маъно бериб турарди.

— Агар ҳамма гуноҳқорларни жазолай олсаккина бизнинг авлодларимиз ишларимизда йўл қўйган камчиликларимизни кечиришади! Биз эса бунинг уддасидан чиқамиз. Биз коммунистларни битта ҳам қўймай илдизи билан қуритиб ташлашимиз зарур. Ана шундагина мен рейх олдидаги ўз бурчимни охиригача бажардим, деб хотиржам бўла оламан. — Шульц кўз ёшларини артгани йўқ. Агар у бундай қилганда ўз ожизлигини намоён этган бўларди. Чунки, унинг кўз ёшлари қалбидаги ҳис-туйғуларини жўш уриши, жунбишга келиши орқасидагина зоҳир бўлган эди. Шульц янги вазифага ўтганида бригаденфюрер Тауснинг олдида қасамёд қилган эди. Энди, биринчи навбатда, ўз вазифасини адо этмоғи даркор эди.

Шульц Василега орқасини ўғирди. Бундан у энди кетаверсанг ҳам бўлади, деган маънони уқди.

— Силе, сен ўзингни аъло даражада тутдинг, гарчи бошқача тутишга тўла ҳаққинг бўлса ҳам. Германия сенинг хизматларингни, фидокорлигингни асло унутмайди. Сен шу бугундан эйтиборан СС нинг унтерфюрери бўласан ва бир ўқув гуруҳини бошқарасан. Шундай қилиб, биз сенга ишонч билдирамиз. Бизни алдаган, отангни ўлдирган ва бутун Германияга хавф солаётган разил жинойтчиларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмаслигинг шарт! Икки ҳафта мобайнида полицияда тажриба ўрганасан. Кейин хавфсизлик полициясида ишлаб туриб, ўз гуруҳинг хусусида фармойиш оласан. Тайёр бўлиб тур, яна чорак соатдан кейин фюрерга қасамёд қиласан. Бироқ биз таклиф қилаётган лавозимда ишлашни хоҳламасанг, таклифимни рад қилишинг ҳам мумкин, — деди Шульц Василега қиё боқмай.

Василе кабинетдан чиқди.

7

Василе Шульцнинг олдидан чиқиши билан ўртоқларига тўқнаш келди. Ганс бўлса, Василени яна ўшандоқ совуқ қарши олди. Фрид ҳам боягидай, саломлашишни лозим тонмади, Карл эса уни битта ҳам стули йўқ, деворларида биронта ҳам сурат осилмаган бўм-бўш залга таклиф қилди. Залга ёруғлик бир метрли қалин деворни ўйиб қилинган дарча орқали тушиб турарди.

Ташқаридаги шовқин мутлақо кирмайдиган мана бу сокин залда Василе ҳатто ўз нафас олишини эшитди. Мовут шими, кўйлагининг енглари ҳам сал-пал илғаб оладиган даражада, лекин кишини гашига тегадиган қилиб шитирларди. Бўғиқ ҳаво шу даражада оғирлашиб, таъбир жоиз бўлса, қалинлашиб кетган эдики, ҳатто уни баайни қўл билан ушласа ҳам бўладиганга ўхшарди. Ўз шахсий фикрларинг билан бир умрга видолашишдан илгари уни яна бир бор, охирги марта эшита олиш мумкин бўлган мана бу зал Василеда Шульц билан учрашгандаги саҳнага нисбатан камроқ таассурот қолдирарди. Василе Шульцнинг айтган ҳамма гаплари чин, ҳақиқат, деб ўзини ўзи ишонтиришга ҳаракат қиларди. У худди мана шу ҳақиқатнигина юзага чиқишини зориқиб кутарди. Бунда у ўзини оқлашни назарда тутмас, агар шундай деб хаёл қилган бўлса, бориб турган виждонсизлик қилган бўларди. Аксинча, гап отасининг тақдири хусусида кетаётган экан, унинг айбдор эмаслигининг тасдиқланишини жон-дилидан истарди.

Худди мана шунинг учунгина Василе ҳақиқатни ўз кўзи билан кўриб ишониши керак эди. У гарчи Шульц айтган гапларни самимий деб ҳисобласа ҳам уларнинг замирида ясамалик борлигини фаҳмлади. Василе Шульц ўз лавозимининг, бўйнидаги жавобгарлик туйғусининг кайфидан роҳат қилаётганини, маст бўлаётганини яхши биларди. У бор кучи билан ўз атрофидагиларда яхши таассурот қолдиришга интилди. Лекин мана шу инсоний заифлиги билан бирга у Василега чуқур ҳамдардлик ҳам билдира олдики, Василе бундан миннатдор бўлмасдан иложи йўқ эди. Василенинг отаси тухмат, бўхтонлар қурбони бўлиб кетди, лекин Василе мана бу ҳужжатларни тузишдаги шошқалоқликни, отасини отишдаги шошма-шошарликни — буларнинг барини ожизликдан нишона, кучсизликнинг бир кўриниши деб билар ва шундай деб тушунарди. Шу билан бирга у бу ожизликни ким намоён қилганлигини ҳам биларди. Штурмбанфюрерни Прагага чақиртиришибди. Ҳамманинг оғзида йўлда у ўзини ўзи ўлдирибди, деган миш-миш юрипти. Демак, ўзини айбдор деб биладиган, аслида раҳмсиз одамлар ўз жазосини тортиши мумкин экан-ку. Худо ҳеч кимни кечирмайди. Агар худонинг ер юзида адолат ўрнатишга қудрати келмай қолгудай бўлса, унда унинг ўрнини қонун босади. Василе энди бутун қилмишини тарозига солиб кўриб ўзига айб тақмаётган, ўз виждонини тамоман пок деб ҳисоблаётган эди, шундай бўлса ҳам ҳали унинг юрагидаги ғам-ғусса тамоман йўқолиб кетмаган, юрагини босиб ётган оғир тош ҳали кўчмаган, бир сўз билан айтганда, ҳали у виждон азобини ҳис қилиб турар эди. Бироқ энди ўзидаги инсоний ожизликнинг ҳар қандай кўринишларини тугатишга қатъий қарор қилди. Иримиенинг ўлимига коммунистларнинг разил сиёсати сабабчи. Мана буларни тугатиш, йўлдан супуриб ташлаш зарур. Василе умуман улар сиёсатининг ўзи аслида қанақа сиёсат эканлигини тасаввур қилолмас, бунга у ўзида зарурат ҳам сезмасди. Коммунистлар ер юзида мавжуд — бу аниқ ақида. Энди, уларнинг уруғини қуритиб юбориш, йўқотиш ҳам фарз, ҳам қарз, ўз отасининг ўчини олиши керак. Ўч олиш — бу муҳаббат ёки нафратдан юқори турадиган ақида. Гарчи ўзининг бутун қилмишлари билан дўстлик муҳаббатига лойиқ бўлмаган бўлса-да, Фрид учун ҳам ўч олиш керак.

Фикрлар оқими Василени изтиробга солар, ичини кемирарди. Василени нима сабабдан Шульц эсэсчиларнинг мундирини ишониб топширишга шошилиб қолганини билгиси келарди. Ахир, атиги бундан бир йилгина муқаддам унинг ишончини қозониш учун ҳол-жони қолмаган, роса куйиб-пишган эди-ку.

Василе, ҳатто ҳеч қачон бунга ўхшаган кийим киярман, уларга қўшиларман, деган фикрни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Ахир бундай ишончга сазовор бўлишлигига ҳаммадан бурун унинг келиб чиқиши, аралаш, соф бўлмагани гов бўлиши керак-ку. Эҳгимол, Шульц шундай йўл билан отасини ўлдириб, қилиб қўйган ўз гуноҳини ювмоқчидир? Йўқ, ҳар қанақа саволлар билан ўзини қийнашнинг нима ҳожати бор. Ўз-ўзига савол бериш учунгина у бу бинода юргани йўқ. Ўтган икки йил тайёргарлик мобайнидаги аён бўлган, у идрок қилган олий манфаатлар, шу ҳисобдан, олий фазилатлар ҳозир қандай ҳодисалар рўй бераётган бўлса, буларнинг барини олдиндан башорат қилиб турган эди-ку. Эндиликда у мана шу манфаатларни муҳокама қилиши эмас, балки унга бутун куч-қудратини сарфлаши, керак бўлиб қолганда унинг йўлига жонини тикиши лозим. «Янги тартиб» билан отасининг ўлими ундан ўз бурчини бажаришни талаб қилади.

Эшик товушсиз очилиб Шульц кириб келди. Василе «Смирно» бўлиб тикка турди. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ унинг саволларига жавоб берарди. Эшикда уларни Ганс, Фрид ва шу пайтгача Василе кўрмаган бир нечта ёш офицерлар кутиб туришарди. Шульц виқор билан олдинда юриб кетди. Улар ҳаммаси узун йўлакдан ўтиб, айланма зина орқали пастга туша бошлашди. Ҳаво нам, моғор ҳиди анқирди. Қаердадир юқорида осилиб турган лампочканинг нури пиллапояларда одамнинг қадам олишини чалғитарди. Ганс чўнтак фонарчасини олиб, ҳўл зинапояларни ёритди. Рўпарадан чиққан темир эшик вийқиллаб очилди-ю, улар яна йўлакка ўтишди. Бу йўлак ҳам ортда қолди. Гумбазнинг остидан ўтишди, кейин эллик метрлар чамаси энгашиб юришга тўғри келди. Йўлак кутилмаганда кенгайиб, гумбазсимон бўлма шаклига кирди. Гумбазни кўтариб турган темир устунга эса машғала ёқиб қўйилган эди. Тутаб турган машғаланинг ўнг тарафига фюрернинг портрети осилган. Василе шуни яхши билардики, ҳеч қанақа уставда қасамёд қилиш пайтида мугасаввуфона вазият бўлиши қайд қилинмаган. Буни фақатгина Шульц ўйлаб чиқарган, унинг ижодий ташаббуси. Бироқ нима бўлса ҳам ҳозир мана шу тантаналарнинг бош сабабчиси Василенинг ўзи эди. Шульц портретнинг остига бориб туриб олди. Олтита офицер бўлиниб унинг икки тарафига қатор туришди. Василе бўлса ўртада қолди. Кимдир Василенинг қулоғига тиззалаб тур деб шипшиган эди, у дарров буни бажо келтирди. Кейин Шульц совуқ пўлат ханжарга лабларини қўйганча нима деб гапирса, унинг сўзларини бирма-бир қайтариб турди.

— «Худо олдида қасам ичиб айтаманки, Адольф Гитлерга, рейх фюрерига ва немис халқига ҳамма жиҳатдан ишончли ва садоқатли бўламан... Қасам ичиб айтаманки, ушбу қасамимни жасур солдат каби, ҳатто ҳаётимни қурбон қилиб бўлса ҳам охиригача бажаришга сўз бераман».

Василе нима бўлса ҳам адашиб қолмай деб ибораларнинг маъносига эътибор бермай, уларни жон-жаҳди билан қайтарарди. Унинг қанақа салмоқли ва масъулиятли қасамёд қилганини тушуниш учун бу сўзларни таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки сўзларнинг маъноси ўз-ўзидан равшан, ҳеч қандай изоҳ талаб қилмасди. Василе бориб ханжарни ўпди. Кейин ҳамма барабарига жуда паст овозда, ҳатто шивирлагандек қилиб гимнни ижро этишди. Шульцнинг кўзларида яна ёш қалқди. Улар гимнни тугатишлари билан худди биров команда бергандек машъала ҳам ўчди. Тўсатдан қаердадир орқа тарафда мотор патиллади. Кейин қарама-қарши тарафдан худди сеҳргарнинг бир имоси билан кўйиб кўйилгандек оппоқ деворда киножурналнинг кадрлари липиллаб кўрина бошлади. Киножурнал гўё Россиядаги немис асирларига нисбатан қилинаётган ваҳшийликларни фош қиларди. Василе бу журнал ҳам ўзи учун махсус келтирилганига ишонч ҳосил қилди. Демак, шундай экан, журнал тугагандан кейин нимадир содир бўлиши турган гап. Лекин мана шу «нимадир» деган жумбоқ охиригача унинг миясидан кетмади.

— Немис унтерфюрери вагонда ўлаётган одамсимон ҳайвонларга нисбатан ўзида ҳеч қандай раҳм-шафқат ҳиссини туймаслиги керак. Унтерфюрер яна ўзларининг ер юзида мавжудлиги билан ҳам бизга энг азиз бўлган ҳамма нарсаларни топтовчиларга, ҳаром қилувчиларга нисбатан раҳм-шафқат қилмаслиги лозим. Агар СС офицери қалбида раҳм-шафқат туйғусига эга бўладиган бўлса, уни тириклар рўйхатидан ўзимиз ўчириб ташлашимиздан олдин у ўзини ўзи отиб ўлдириши шарт.

Фильм қандай бошланган бўлса, худди шундай, кутилмаганда тугади. Чўнтак фонарининг ёруғида ертўладан ҳаммадан аввал Шульц чиқди. Зинапояга чиқишгандан кейингина Фрид кулиб кўйди-ю, биринчи бўлиб Василега кўлини узатди. Лекин Василе шу заҳотиёқ Фриднинг табассуми сохта эканлигини тушунди. Юқорига чиқишгандан кейин ҳамма келиб Василени бирма-бир табриклади. Кейин у ошхонада овқатланиш учун талонлар, хоҳлаганча ётиб қола олиши учун гестапо ётоқхонасидан бир хонанинг калитини, эсэсчиларнинг қора мундири-ю, даража белгиларини қабул қилиб олди. Мундир бир оз торроқ эди, зудлик

билан чақиртирилган тикувчи Василега кийим ўлчади. Йигитлар бир неча шиша шампан виносини очишиб ичишди. Бироқ ҳеч кимда хурсандчилик аломати кўринмади, ҳеч ким кулмади.

8

Василе ошхонага кириб икки ҳисса тушлик еди, кейин шаҳарни бир оз айланиб клуб томон йўл олди. Лютеранлар черковининг соати иккига занг урди.

Клуб бўм-бўш. Атиги бундан икки ой илгари шу вақтларда клубда биронта бўш жой топиш ўлимдан қийин эди. Бошқа залларга кириш ҳам жуда машаққат эди. Ҳозир эса машқ залида фақатгина доктор Клауснинг ўзинигина кўрди. У машқ қилиш учун шифтга осиб қўйилган чарм қоп олдида бир қўлида шиша, бир қўлида рюмка тутган ҳолда турарди. Василе ичимликни кўриб рангидан билдики, ичкилик ичган пайтларида ўзига кўп марта дакки берган, койиган доктор Клаус яна ўзининг илгариги аслига қайтибди: коньякка муккасидан кетибди. Василе эшик олдида тўхтаб қолди. Клаус рюмкадаги коньякни бир отишда тугатди-да, қопни қаттиқ сузди, у калла қилди, қоп олдинга отилиб, силжиб докторнинг бошига шартиллаб урилди. Доктор шарақлаб кулиб юборди-да, бу машғулотини яна қайтарди. Клаус бинода ёлғиз ўзи эмаслигини сизди шекилли, ўтирилиб Василени кўрди.

— Хайль, гўдак!

— Хайль, жаноби доктор?

— Хайль, жаноби маст деганингми бу?

— Хайль, жаноби доктор! — деди доктордан кўнгли оғриган Василе уқтириб.

Клаус уни қўл силкиб чақирди. Василе гарчи уни залда учратганига таъби хира бўлган бўлса ҳам, сўзини икки қилмасликка қарор қилди.

— Ҳамма нарсадан хотиржам бўлавер, яқин ўртада бу ерда мана шу қопдан бўлак ҳеч нима қолмайди. Агар унинг пешанасига бир тутам соч билан мўйлов ёпиштиришнинг иложи бўлганда, бир рюмка коньякка алишса ҳам бўларди, нима дединг?

Василе бу пичингларнинг маъносига тушунмадим, дегандек ишора қилди. Ўлгудай мутаассиб Клаус ҳозир кайф устида ақлга сифмайдиган шармандаликларни қилиб қўйишга қодир бир қиёфада эди. Лекин унинг мана шундай очиқ-ойдин қилган киноясидан нимадир бошқа нарсанинг шамоли келиб турарди.

— Мен ҳеч нима эшитганим йўқ, жаноби доктор.

Клаус қопга ўгирилди. Кейин гўё залда Василе йўғу, кайфида тасаввур қилиб жонлантирган ўзининг суҳбатдошига мурожаат қилгандай гапга тушди:

— Олтинчи марта. Бу ҳаддан ташқари кўп. Сувга зув қатнашни одат қилиб қолган кўза ҳам шунча вақт чидолмайди. Еттинчисига борганда боши учиб кетади. Сўзимга ишонавер, — доктор рўпарасида турган чарм қопга қараб қўлидаги шишасини силкитиб табрик ишорасини қилди, — тўғриси айтганда, биз ўзимизнинг бошимизга етамиз, сени эса, мана бу қопга ўхшатиб осиб қўйишади. Бу гапларни, азизим, сенга Кельн шаҳрида тиббиётнинг тўлиқ курсини тинглаган, қўлида олий маълумоти борлиги ҳақида дипломи бўлган доктор Клаус айтяпти. Эндликда биз шу ҳолга келиб қолдикки, гарнизоннинг каламушларини ҳам фронтга жўнатишга мажбур бўлиб қолдик. Миллат ўз-ўзини қиришга киришса врачлар нима қила олади, уларнинг қўлидан нима иш келарди?

Доктор яна рюмкани тўлдирди-да, кулиб қўйиб қопни сузди. Чайқалиб кетган қоп Клауснинг ўзини шундай туртиб юбордики, у оёғида зўрға туриб қолди.

— Жаҳлнинг чиқмасин, оғир бўл, — Клаус шундай деб Василега ўгирилди. Бироқ бу вақтда у залда йўқ эди.

Клаус кулимсираб шиша билан рюмкани бир қўлида ушлади-ю, секин-аста чўзилди, боши гиламга тегар-тегмас пинакка кетди.

9

Василе майхонага кириб коньяк буюрди. Ўткир коньякни майда култум билан ютиб ўтираркан, тўсатдан миясига бир фикр келиб урилди. У кечагина кассадан олган пулларига ҳозир магазинлардан топиб бўлмайдиган ҳар хил егуликларни бир қоғоз халта қилиб сотиб олган эди. У қоғоз халтани кўтарганча кўчага чиқди. Клауснинг гаплари унга мутлақо ёқмаган, таъбини хира қилган эди. Ҳозир бутун гарнизон фронтга жўнатилибди. Унинг ўрнини эса ўзгачароқ қилиб тузиш учун алақажёққа олиб кетилган бошқа қисм эгалларкан. Буларнинг ҳаммасини Клаусдан эшитди. «Эҳтимол одам танқислиги сезилиб қолгандир», — деди Василе ўз-ўзига бу соҳада бошқа бош қотиришни хоҳламай. Бироқ энди коньяк ўз таъсирини ўтказган, мия эса бу ёғига жим туролмас эди. Ҳар хил фикрлар шода-шода маржон каби бир-бирига тизилиб келарди. Докторнинг бемаъни ғийбатлари уни ҳаяжонга солган,

аччиғини чиқарган эди. У ўзидаги «янги тартиб»нинг гоёларига қарши отлантирадиган ҳамма шубҳаларни йўқотишга қасам ичган эди. Етар энди шунча ички кечинмалар билан тортган руҳий азоблари. Лекин шундай бўлса ҳам доктор Клаусдай зийрак, серфаҳм бир одам тўсатдан ҳатто эси наст, овсар одамлар ҳам замирига тушуна оладиган пичинглар қилганига сира-сира тушунолмай қолди. Кейинги икки кун ичида икки одамдан — аввал Рудольфдан, кейин эса докто Клаусдан шундай нарсаларни эшиттаётибди, бундан атиги бир йилгина муқаддам буларни гапириш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаш, тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди. Нималар бўляпти ўзи? Василе кўзига ожизликнинг белгиси бўлиб кўринган мана шундай баъзи нарсалардан бутун вужуди билан ғазабланди. Эҳтимол, унинг фикрлаш доираси жуда чеклангандиру, «янги тартиб»нинг интизоми масаласига келганда эса, уни ҳаддан ташқари талабчан, қаттиққўл деб тушунгандир? Унинг учун ҳеч қачон оғишмайдиган, наздида илоҳиёт даражасига кўтарилган бир қонундек ўз тушунчаси ортида қандайдир қаллобликлар, ҳақиқатсизликлар яширинганмикин? Василе бўлса, худди автомат одам мисол буларни сезиш, кўриш қобилиятдан маҳрум бўлиб қолганмикин? Энди унинг тинчи бузилган, оромини йўқотган эди. Ҳақиқатан ҳам, дунёда кўп воқеалар содир бўляпти, бу ҳодисалар илгари вақтда бўлганда эди, у булар ҳақида ўйлаган, тўғрироғи, уни ўйлашга мажбур қилган бўларди, энди-чи, энди бўлаётган воқеаларни оддий, қуруққина қайд қилиб кўяяпти. Нега шундай қилаяпти? Қандайдир доктор Клаус, тоза қонли орий кўнглига келган гапни мулоҳаза қилиб ўтирмай оғзининг бир чеккасидан чиқариб юбора беради-ю, у бўлса энг оддий, ҳеч қандай аҳамиятсиз, майда нарсалар хусусида ҳам муҳокама юритиш ҳуқуқидан маҳрум. «Фикрлаш — бу бошбошдоқлик томон кўйилган қадам», — Василе ўз-ўзича ёдлаб олган шиорини қайтарди. Йўқ, ҳеч қандай фикрлашнинг унга кераги йўқ. Унга фақат шунча азоб-уқубатлар чекиб, эвазига пировардида етишган нарсасининг аниқ ва равшан ифодаси керак. Фақат мана шуларгина унга тинчлик, хотиржамлик ва яна олға қараб кетиши учун зарур бўлган қатъийлик бахш этиши мумкин. Бошқалар нима қилишаётганидан, нималарни вайсашаётганидан қатъи назар, Василе ўз ақидаси, ичган онти йўлида қандай ҳалоллик кўрсатган бўлса, улар ҳам унга шундай ҳалоллик билан жавоб қайтаришлари зарур.

Василе энди ўзини енгил ва эркин сезди. У қийшайиб сочилиб кетай деб қолган қўлидаги тугунчаларни тўғрилаб олди-да,

хуштак чалганча қадамини тезлатди. «Кўркам кўча»га бурилганда соат ўнга яқинлашиб қолган эди. Анча узоқдан ўз уйининг деразасига кўзи тушди. Чироқ йўқ. «Эҳтимол, емакхонада ўтиришган бўлса керак», — деб ўйлади у. Деразадан қараса, у ерда ҳам чироқ йўқ. Василе одатдаги калит қўйиладиган жойни излаб, калитни тополмади. Кейин қоғоз халтани тўсиқдан ҳовлига ташлаб, ошиб тушди. Келиб уйнинг эшигини тақиллатди, лекин ҳеч ким очмади. Уй худди ўлик чиққандай совуқ кўринарди. «Бирон ёққа кетишган бўлса керак», деб ўйлади Василе ва бугун навбатчилик қилаётган Дрегенелдан Элиза тўғрисида бирон нима сўрамаганига афсусланди. Кейин ханжарининг учи билан шишадаги коньякнинг тиқинини олиб, ундан ҳузур қилиб ҳўплай бошлади, роса чанқаб кетган эди. У ҳозир тургани мана шу зинапояда бундан бир неча ой илгари отаси билан ёнма-ён ўтирган эди. Василе ўшанда суҳбат қандай мавзуда бўлганини эслолмади-ю, лекин шунга қарамасдан отасининг бутун қиёфасини ниҳоятда аниқ-равшан кўз олдига келтирди. Дадасининг истараси иссиқ, шу қадар мулоғим эдики, гўё юзидан нур ёғилиб турарди. Кўзлари катта-катта, пешанасида кўндалангига тушган чуқур ажини бор эди. Қизиқ, Иримие отишган пайтида нимани сезганикин? Албатта, у ўқ овозини эшитмаган бўлиши керак. Агар, мабодо эшитган тақдирда ҳам ўқлар худди шу ондаёқ унинг баданига санчилган. Василе коньякдан яна бир марта ҳўплаб, ўйланиб қолди. Кейин шишанинг оғзини беркитиб қоғоз халтадан озиқ-овқатлар ўралган бир неча майда тугунчани қўлига олди-да, қолганларини зинада қолдириб, ўзи ҳовлининг ичкарасига кириб кетди. Матейнинг уйида чироқ ёниб турарди. Василе худди ёшлик пайтидагига ўхшаб, девордан ошиб тушди. Эшикни Ануца очди. У Василенинг мундирига ажаблангани ҳам, назар-эйтиборини солгани ҳам йўқ. Матей чиқди. У аслида Василе билан учрашгиси йўқ эди. Бироқ юзма-юз келиб қолгандан кейин уйига келгани ит қопмас, дегандай уйга таклиф қилмаса бўлмас, деб ўйлаб ичкарига маъзират қилди. Василе эътироз билдирмади. У тўғридан-тўғри келиб стулга ўтирди ва тугунчаларини ёйиб, коньякни олиб қўйди. Кейин талинка билан стакан сўради. Ануца ҳам унинг сўроғини бажону дил бажарди. Матей Ануца Василени остонасига ҳам оёқ қўйдирмаса керак, деб ўйлаган эди. Бундай бўлиб чиқмади. Ануца елиб-югурарди, Матей бир ҳисобдан бунга ичидан суюниб ҳам қўйди. Кампир ўзини шундай тутардики, гўё унинг хатти-ҳаракатларидан Василенинг келишини аллақачонлардан буён кутаётгандек эди.

— Ҳа, Силе, қандай шамол учирди? Биз сени камбағаллигимиз сабабли бизникига келишдан ўзини тортиб юрган бўлса керак, деб ўйлардик.

— Ёшлигимда ўзимни тортмаган, келиб-келиб энди ўзимни тортаманми?

Василе коньяк қўйди. Матей чўқиштирмаслик мақсадида тезгина отиб юборди-ю, лабларини чўлпиллатиб туриб, яна қуйишни сўради. Яна ичишиб, тамадди қилишди. Бир неча дақиқа ўтгач, столнинг усти бўшаб қолди.

Ануца ҳам бор-йўғини тўкиб ташлашга мажбур бўлди.

— Матей амаки, йўқлаб келганимга жаҳлинг чиқмаётганидан хурсандман.

— Нега жаҳлим чиқаркан?

— Ахир, сенга менинг мундирим унчалик ёқмайди-ку.

— Менга ўзимники ҳам унчалик ёқмайди. Шу йўл билан ризқ-рўзингни териб еб юрганингдан кейин, нима ҳам қилардинг, кўникиш керак.

Василе қўлидаги стаканга қараб туриб уни стол устига қўйди. Унинг бошқа ичгиси келмаётган эди. Василе бу хонадонга қадам қўйганда, суҳбат бу даражада мулойимлик билан, дўстона бир вазиятда бўлади, деб хаёлига келтирмаган эди. Отасига қиладиган қўрселигини қилишига нимадир халақит қилиб турарди. Умуман, бу уйда ҳамма нарса кўнгилдагидек эди.

— Лекин, ўзингча мени айблаётган бўлсанг керак.

— Ҳа, Силе, айблаяпман.

— Мен ҳар хил мулойим қочирриқлардан дангал, ўғил бола гапни афзал кўраман.

— Мен мулойим қочирриқ деган гапнинг маънисига етавермайман. Бироқ бир вақтлари мана шу столнинг теварагида ўтириб ҳар куни нонушта қилардинг. Энди у пайтлар ўтиб кетди.

— Силе, эсингдами, мен бир ўзим ётишга қўрққан кундаги воқеа? — гапга аралашди Ануца. — Ўшанда Матей сафарга кетган эди. Мен Элизадан сени бизникига чиқиб ётишингни сўраган эдим. Бир маҳал қарасам, вақт чамаси ярим кечалар эди, ўрнингдан ирғиб турдинг-да, бирам бақира бошладингки, бафармони худо...

— Ўшанда нимадир қўрқинчли бир нарса тушимга кирган эди, Ануца хола.

— Ҳозир кирмаяптими?

— Йўқ.

— Кириши керак. Кирадиган нарсалар бор-ку, ахир.

— Ануца, тинч қўй уни.

— Матей амаки, сенга шуни айтиб қўйишим керакки, менинг ҳеч нимада гуноҳим йўқ. Отамни коммунистлар ҳалок қилишди.

Василе ўзига маълум бўлган гапларни қисқа қилиб айтиб берди.

— Бир стакандан ичайлик.

— Кўнглим тортмаяпти.

Матей суҳбатнинг жиддий тус олишидан ҳадеб ўзини олиб қочарди. У баъзи нарсаларни исбот қилиб беришни хоҳламас, ундан ташқари исбот қилганда ҳам бунинг энди фойдаси йўқ, унга гап уқтириб бўлмас эди. Василенинг гапидан кўришиб турибдики, у бутун ҳодисалар худди ўзи айтганидек бўлганига сидқидилдан ишонади. Матей уни фикридан қайтаришни хоҳламади. Бунинг уддасидан чиқиши даргумон эди. Лекин унинг гапларини эшитиб индамай қолавериш ҳам Матейдек одамга қийин эди.

— Нега сен нима бўлган тақдирда ҳам ҳақиқатни ахтариб топишга ҳаракат қилмадинг? — деди Матей ноннинг юмшоқ жойидан хўрозча ясаб туриб.

— Мен ҳаммасини билиб олдим, Матей амаки.

— Шундай деб ўзингга тасалли беряпсан.

— Мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

— Суҳбат кетаётганда қарама-қарши тарафнинг ҳам фикрини ҳурмат қилиш, эътиборга олиш керак.

— Қарама-қарши тарафни мен отиб ташлаган бўлардим, Матей амаки.

— Отиш — осон. Шундай ҳам бўлди, дейлик. Ҳаётда ҳаммаси бўлиши мумкин. Лекин барибир ўшандай эканлиги ҳақида ўз-ўзингда ишонч ҳосил қилишинг керак бўлади-ку.

— Мен ишонч ҳосил қилганман.

— Мен эса, яна қайтариб айтаманки, бунга энди ҳаракат қилияпсан.

— Йўқ, Матей амаки, мен ишонч ҳосил қилганман.

Матейнинг лаблари титраб кетди.

— Бошқаларга қараганда сенинг калтафаҳмлигинг, умуман, фожианг шу ердаки, Силе, сен бу ботқоққа ҳаддан ташқари софдил, соф виждон билан кирдинг. Улар эса сенинг софдиллигингни ҳақорат қилишади, уни топташади. Остона ҳатлаб бизнинг уйимизга қадам босмаганинга уч йил бўлди. Мана энди, шунча вақтлардан буён келмай-келмай туриб бир келдингу, мени

ҳеч қандай ишда гуноҳим йўқ, деб ишонтирмоқчи бўляпсан. Сен сўзларингга ишонишимни хоҳлаяпсан. Ҳақиқатни туфлаб ёпиштириб бўлмайди. Ўша нарса ҳақиқатан ҳам сен айтгандай бўлса, кўрсат далил, мени ишонтир, бўлмаса гапларингга ишонмайман.

— Коммунистларга хайрихоҳлигинг бор экан, Матей амаки.

— Мен сизларни яхши кўрмасам, бу коммунистларга хайрихоҳлигим борлиги бўладими?

— Ахир сен, менинг дадамга ўхшаган одам эмассан-ку.

— Шундай ҳам дейлик.

— Дунёда иккита эътиқод бўлиши мумкин, бу ҳам бизнинг ва рақибларимизнинг эътиқоди.

Василе Матейга синчиклаб назар ташлади.

— Силе, эҳтимол, чўчқа ёғи билан пиёз ерсан? — Ануца гап мавзуини ўзгартириб юбориш учун луқма ташлади.

— Йўқ, Ануца хола, иштаҳам йўқ. Агар, Матей амаки, сен бизнинг эътиқодимизга қўшилмасанг...

— Мен бунга қўшилолмаслигим мумкин, бироқ бу дегани мен албатта бошқа эътиқодга эгаман, деган сўз эмас-ку.

— Матей амаки, агар сен коммунист бўлсанг, сенга жудаям раҳмим келади. Гарчи мен...

— Нега энди менга раҳминг келаркан.

— Мен сени гестапонинг қўлига топширган бўлардим.

— Нима, сен, ўлимдан кўрқиб, мен коммунист эмасман, деб сенга илтижо қилишимни истаяпсанми?

— Ануца хола, илтимос, бир стакан сув бер.

— Сенлар коммунистлардан эмас, ҳақиқатдан кўрқасанлар, Силе. Шунинг учун худди мана шу ҳақиқатни тан олишдан бўйин товляяпсан... Қани энди ўз-ўзингни алдашга ўргатиб, сени ёмон алдашганини, ўз навбатида эса, сенинг ўзинг ҳам бошқаларни алдаб юрганингни тушуниб оқ урган, бошингни чангаллаган кунинг эртароқ кела қолса-ю, мен сенинг ҳолингни кўрсам, лекин ўша кунда сени ҳеч ким афв этмайди, гуноҳингдан ўтмайди, падаркушга ҳеч қандай афв бўлиши мумкин эмас.

Ануца даҳлиздан сув олиб кирди.

— Менинг отамни ўлдирган коммунистлар. Унинг отилишида коммунистлар айбдор. Плакатларни йиртгани учун унга бу иши нотўғрилигини шундоққина оғзаки тушунтириб қўя қолишса ҳам бўлаверарди. Шу билан тамом-вассалом эди.

— Сен ва дўстларинг ишлаётган жойларда коммунистлар борлиги, негадир хаёлимга келмаяпти.

— Отамни ўшалар ўлдирдилар.

— Силе, ишни бости-бости қилиш, ўз қилмишларини оқлаш учун улар ёлғон гапиришлари керак эди. Сен ўзингни гуноҳсиз ва хотиржам ҳис қилишинг учун ёлғонни кўпиртириб, қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдиришган. Мана, коммунистлар деб лоф уряпсан, айбни уларга тўнкаш албатта қулай ҳам осонроқ-да. Чунки шундай қилишмаса, бутун айб сенинг бўйнингга тушиб қолади-ку. Бу нарса сенга ҳечам хуш келмайди. Ҳаловатингни бузади.

Матей Василега ачиниб, деярли раҳми келгандай бўлиб қаради. Унинг қиёфасида илгари ўзига яқин ва таниш бўлган, эндиликда яна ҳам азизроқ бўлиб қолган дўстининг юз ифодаларини кўрди. Василе ён қўшниси Иримиенинг ўғли бўлгани билан ба-рибир унга ҳуши бўлмаса ҳамки, унинг нақадар тубанликка юз тутганини ўйлаб, бутун вужудини ўртаб ётган аламларини ичига ютиб ўтиролмади.

Матей шу учрашувдан кейин албатта балога қолишини жуда яхши тушунарди. Эски дўстлар, бор эски хотиралар — ҳаммаси барҳам топди. Уларнинг ўрнида бешафқат қонунлар ҳукмронлик қилмоқда. Шундай бўлса ҳам Матей Василега ўйлаганидан ҳам ортиқча гапириб юборди. У Василенинг ўз эътиқодидан қайтишига, ўзгача йўлга — ҳақ йўлига тушиб олишига ишонгани йўқ. Василе анойи эмаслигини биларди. Бироқ шундай бўлса ҳам мана бу эсэсчиларнинг ҳали оҳори тўкилмаган малайига бор ҳақиқатни айтиб қолгиси келган эди. У ўзининг сўнгги учрашувида айтган гаплари унинг баданига пичоқдай санчилиб, тош бўлиб кетган қалбини бир оз бўлса ҳам юмшатиб, унда жонли фикр уйғотишни хоҳларди. Матей Василенинг нима сабабдан келганини энди тушунди. У отасининг ўлиmidан унинг берган маълумоти асосий омил бўлмаганини айтиб, кўнглини бўшатиш ва шу билан хотиржам бўлиб олиш учунгина келган экан. Элиза Матейга нималардир деганди-ю, лекин унинг гапидан маънили бирон нарса англаб ололмаган эди. Энди бўлса озми-кўпми ҳаммаси равшан бўлди. Матей бундан бир неча ойлар илгари бир тўда темир-йўлчиларни обориб сўроқ қилишганини биларди. Маневрлардан бирида қурол ортилган бир вагон издан чиқиб кетган эди. Текширишганда ҳалокатга стрелка сабабчи бўлган экан. Маневрларда қатнашган ишчиларнинг бунда айби йўқ эди. Лекин улардан битта-яримтаси калтакка чидолмай оғзига келганини валдираб, қарамасдан қоғозга имзо чекиб юбормадимикин? Шундай бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас. Баъзи одамлар кўрққанидан нималар қилиб қўйишмайди, ҳатто ёлғон гапларни ростдай қилиб

гапириб беришлари ҳам мумкин. Агар Василе буларнинг барини ипидан-игнасигача гапириб берганда-ку, Матей бунинг тагига етган бўларди-я. Лекин Василе ҳамма гапни бир неча узук-юлуқ жумлаларда минғирлади-ю, кейин ундан бошқа гап олишнинг иложи бўлмади. Фақат шуниси аниқ бўлдики, бу ишга коммунистларнинг мутлақо алоқаси йўқ эди. Матей бунга қатъий ишонарди. Немислар Василени лақиллатишибди. Василе бўлса, уларнинг бутун ҳийла-найрангларига ишонибди, ноғорасига ўйнабди, ишонганда ҳам бор вужуди билан ишонибди. Бу нарса унинг тархашлик билан ўжарлик қилишидан, «коммунистлар» деган сўзни айтганида газабдан кўзларининг нафрат билан чақнаб кетишидан очиқ-ойдин сезилиб турарди. Матей ўша вақтда ишчилардан кимларни қамоққа олиб, кейин қўйиб юборишганини эслаб кўрди. Энди улар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак бўлади. Нацистлар ҳақида гап кетганда Матей уларнинг ҳар қандай пасткашликка устаси фаранг эканлигини жуда яхши билади. Улар учун киши етти ухлаб тушига кирмаган сохтагарчиликларни ўйлаб чиқариш, ёлғонни чин қилиб кўрсатиш, ҳатто одам ўлдириш ҳеч гап эмас. Улар Василенинг кўзини боғлаб, ўзларининг қуролига айлантириб олишибди. Мана шундай вазиятда Матей яхниси сукут сақлашни, кўп баҳслашавермасликни маъқул кўрди.

— Матей амаки, нима ҳақда бунчалик ўйланиб қолдинг? Ёки мен билан гаплашишни хоҳламайсанми?

— Нега хоҳламас эканман?

— Бўлмаса, тўғриси айт, ҳозир нима ҳақда ўйлаб қолдинг?

— Сенга раҳмим келади, Силе. Шу ҳақда ўйладим.

— Мен бўлсам, устимдаги мундиримга ҳасад қилиясан, деб ўйлабман.

— Агар шундай бўлган тақдирда, мен ҳам сендай бўлгим келяпти, деб тўғриси айтиб қўя қолган бўлардим. Мен эсам одамларга мана шу қиёфада кўринишни икки дунёда ҳам хоҳламайман.

— Демак, сен мени таҳқирламоқчи бўлясан.

— Сени ҳақиқатнинг ўзи таҳқирлайди, ҳақиқат турган жойда менга нима бор.

— Ҳақиқат мени ҳозир ишлаётган жойимга етаклаб борди. Ҳақиқат менга офицерлик унвонини олиб берди. Бас, шундай экан, ҳақиқат мени таҳқирлай олмайди.

— Сизларнинг ҳақиқатингиз сохта, қалбаки ҳақиқат, сен эса унинг қуролисан. Билиб қўй, сен уларга керак бўлмай қолган кунингоқ, сени итқитиб юборишади. Немислар сенинг қўлла-

рингни косов қилиб, ўчоқ ковлашни хоҳлаяпти. Буқўлларинг сасиб-сасиб бир кун бориб тугаб ҳам қолар, ундан кейин кўрасан. «Орийлар» сенинг устингга бор ахлатларни тўкади.

Василе қизариб кетди. У Матейнинг бу йўсинда гаплашишини кутмаган, устимдаги мундиримнинг ўзиёқ уларни ҳурмат-эҳтиром қилишга мажбур этади, деб тасаввур қилган эди. Василе ўзини обрўси бир пул бўлган одам қиёфасида ҳис қила бошлади.

— Матей, «орийлар» ҳақида нималар демоқчисан?

— Нима десам деб бўлдим. Сен назарингда ўзингни «орий»ларга мансубман, деб ўйларсан ҳали? Лекин шундай деб фақат сенинг ўзинггина ўйлашинг мумкин. Ирқчилик ғояси фақат немислар учунгина қандайдир бекусур. Сен бўлсанг «ҳаром» қонлилар ичида энг «соф» қонлисан. Тоза қон немислар ҳеч вақт сенга ўхшаганлар билан бахт-саодатни баҳам кўролмайди. Бир куни бориб ўша «дўстларинг» сендан, олий ирқ номи билан уларни булгатиб юрган, ўзининг қиммати бир пул бўлган бир заррадан қутулиб олиш учун ижтимоий келиб чиқишингни пеш қилишади, кейин румин ишчисининг ўғли эканлигингни, «тоза қон»лар наслига мансуб эмаслигингни юзингга солишади. Сенинг бахтинг — агар бу сенинг бахтинг бўлса, — бу урушда мағлубиятга учрашларингдир. Тўғрисиям шундай бўлади.

— Биз урушда енгилмаймиз?

— Унда сенга баттар бўлади.

— Матей, сен коммунистсан, фақат коммунист одамнинг миясидагина мана шундай фикрлар туғилиши мумкин.

Матей индамай ботинкасининг ипини боғлай бошлади. Кейин дастурхоннинг бир нуқтасига тикилганча қайғуга ботиб ўтирган Василега қараб қўйди. Василе ҳақиқатан ҳам ўйланиб қолган эди. У шу топда Матейларникига келганига афсусланарди. Келган пайтида жуда хотиржам эди. Шундан кейин бир зумда ўз кўнглидагиларни тўкиб солди-ю, мана энди хаёлига ўзи учун мутлақо бегона ҳар хил ўй-фикрлар, мулоҳазалар кела бошлади. Унинг бундай хаёлларга келишида фақат коньякнинг таъсири остида безовта бўлган миясигина айбдордир. Василе кутилмаганда пайдо бўлган мана бу хаёлларни оғриқ босиб кетармикин, деган ўйда пастки лабини қаттиқ тишлади. Фикрлар тўхташ у ёқда турсин, худди машинанинг тишли филдирагига ўхшаб, бир-бирига занжирдай боғланган ҳолда дақиқа сайин ўз комига баттарроқ тортарди. Мана, марказдан қочирма куч Василени Матей уқтирган ҳақиқат оғушига ирғитиб юборди. Василе зўр-

базур ақлини ййгиб, қалбидаги мувозанатни сақлаб қолди. Матей ҳақиқатан ҳам коммунист, деб ўзича муҳокама қила бошлади у жонсарақлик билан, мана ҳозир у ўз тарғибот қуролини ишлатди. Илгарилари соддадил отаси унинг йўлига кириш учун иккиланиб юрган. Энди бўлса айёр Матей Василени шунча вақтлардан буён қийнала-қийнала етишган ўлжасидан — эътиқодидан айирмоқчи, унга барҳам бермоқчи. Унинг ҳар бир сўзи, ҳаракати шубҳали. Бу ёғига энди чидаб ўтириш мумкин эмас.

— Матей амаки, энди уйдан кетгин, — деди Василе стулдан тураркан.

— Нега энди?

— Бўлмаса, сени эртага ҳибсга олишади.

— Сени алдашимнинг фойдаси йўқ! Буни аллақачон ўйлаб қўйганман. Агар сен келмаганингда уйимда эрталабгача қолган бўлардим. Энди сенинг шарофатинг билан тунда тоза ҳаводан симириб бош олиб кетишга тўғри келади.

Ануца пешбандига кўз ёшларини артганча уларни кузатиб чиқди.

— Силе, кўзингга қара! Мен сендан ҳеч нима тама қилмайман. Фақат уни... — Матей Ануца томон ўгирилди.

— Мендан хотиржам бўлавер. Бироқ кет, отам билан дўстлигинг ҳурмати мен сени...

— Отангга ҳурматинг бўлса, керак бўлиб қолганда, бошқа баъзи нарсаларни қилишинг мумкин...

Матей Ануцани ўпди. Василе унга қўлини чўзди. Матей унинг қўлини олиш ўрнига, қаттиқ бир тикилди-ю, четан девордан сакраб ўтиб, қоронғилик қаърида ғойиб бўлди.

10

Василе икки ой мобайнида дам олиш нималигини билмай эрта тонгдан қора кечгача ишлади. Шульц гестапонинг ёрдамчи гуруҳлари иш усулини ўрганиши учун Василега тайинлаган муҳлат жуда қисқа эди. Кейин тажриба ўрганишдан бўлак ишлар ҳам бошдан ошиб ётарди. Ижро этилмаган ёзма буйруқлар ёки бажарилса ҳам қўнгилдагидек бажарилмаган фармойишлар, тинимсиз маълумот олиб, маълумот бериб туришлар, ҳаммадан ҳам муҳими, канцелярия бюросига уюм-уюм қоғозларни ўтказиш тартиби (бу қоғозларда ҳар хил ишларнинг зудлик билан бажарилиши талаб қилинарди) одамнинг тинка-мадорини қуритиб юборарди. Василе бу ишларнинг ҳаммасини ўрнига қўйди. Шульц томо-

нидан эътироф этилган ва «қиёсий» деб номланган иш тартибни ҳам Василенинг ўзи жорий қилди. Бу тартиб аҳолининг, армиянинг, ҳатто гестапо ходимларининг ҳам ақлий ҳолати, кайфиятини аниқлаб, у ҳақда фойдали хулосалар чиқаришда жуда қўл келарди. Василе агентура ишида йўл қўйилган бир қатор жиддий хатолар ва уларни қандай тузатиш, олдини олиш ҳақида штандартенфюрерга маълумот берди. Шундан кейин Василени ҳурмат қилиб, мақтаб бошқаларга ўрнак қилиб кўрсата бошлашди. У бор кучини аямай ўзини ишга урди. Ганс билан Фрид бўлса, ҳасад қилишганидан ичлари ёниб, унинг бутун ҳаракатларини Шульцга — катта бошлиққа ёқиш учун лаганбардорлик қилиш, деб таърифлашарди. Василе ишни ўлда-жўлда қилишни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Мояна олар экансан, олган мяннангни оқла, ҳар бир ишни виждонан бажар, деган ақидада эди у. Шунинг учун ҳам табиатан фаросатли ва ақлли Василе олган маошини ҳамда ўзига кўрсатилган ишончни оқлаш учун бор кучи билан тиришарди. Агар Василе бошқа соҳа, бошқа касбда ишлаган тақдирда ҳам барибир худди мана шундай тириш-қоқлик, худди мана шундай масъулият билан тер тўкиб хизмат қилган бўларди. Чунки у тиришмасдан, жавобгарлик туйғусини ҳис этмасдан қилинган меҳнатни, хизмат лавозимини тасаввур қилолмасди.

Матей билан бўлган суҳбатдан икки кун ўтгандан кейин Василе клубнинг олдидаги магазинга кириб катта сумка тўлгунча ҳар хил егуликлар ва ичимликлар сотиб олди-ю, «Кўркама кўча» томон йўл олди. Бу вақтда қоронғи тушиб қолган, уни ҳеч ким кўрмас, кўрса ҳам кимлигини ажратиб ололмасди. У девордан ошиб тушиб, қўлидаги озиқ-овқатларнинг ярмидан кўпини Элизанинг эшиги олдидаги зинапояга қўйиб кетди. Кейин ҳафтасига икки мартадан келиб Матейнинг ҳовлисига консерва банкаларини ташлаб кетиб турди. У бу иши билан Матейга қанчалик ёрдам бераётганини мутлақо билмасди. Матей уйдан кетаётганда Василе Ануцадан кўнгли тўқ бўлишини, унга бирон зарар етказишларига йўл қўймаслигини ваъда берган эди. Шундан бери у ҳақиқатан шаҳардаги дўконларда ҳеч нарса қолмаса ҳам, йўқ ерлардан озиқ-овқат топиб келиб Ануцага олиб бориб турди ва буни ўзининг виждоний бурчи, деб ҳисоблаб қўйди.

Василе тажриба ўрганиш муддатини ўтаган полиция хавфсизлик бўлимида кўп ишларни йўлга солиб юборди-ю, Шульц йўлида тўғоноқ бўлиб қолди. У Василенинг бундай шижоат би-

лан ишлашидан чўчиб, унинг жўшқин фаолиятига хотима бериш учун унинг ихтиёрига кичик оператив гуруҳни топширишни эп кўрмади.

Василе янги ишга тайинланганини эшитиб ранжимоди. Хавфсизлик полициясида ўтказган икки ҳафталик иш даврида икки юздан ортиқ маълумотни кўриб чиқди. Бу маълумотлар ҳар хил одамлар томонидан берилган бўлиб, буларнинг кўпчилиги гестапода ихтиёрий равишда ишлаётган немис фуқароларидан эди. Бутун уезд бўйича мана шундай айғоқчилар шохобчалари тuzилган эди. Улар аҳоли орасида, ташкилотларда, ҳатто руминлардан ташкил топган гарнизонда нима ҳодиса, қандай воқеалар содир бўлаётган бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай мунтазам равишда етказиб туришарди. Ҳар бир айғоқчининг ўз маълумот папкаси бор эди. Бир куни Василе мана шундай папкаларнинг бирида Виссарион Байяшнинг номини кўриб қолди. Шундан кейин кечаси нима ҳам бўлиб ёлғиз ўзи қолди-ю, қизиқиб Байяшнинг папкасини, унинг юзларча одамлар устидан берган маълумотларини ўқиб чиқди, уларнинг тақдири билан қизиқди. Маълумотларнинг охирида одамлар рўйхатига кўзи тушиб қолди. Рўйхатларнинг баъзи бирлари устига кўк қалам тортилган, бу ўз-ўзидан маълумки, улар энди ер қаърида ётишибди. Демак, Василе илгари Байяш ҳақида у айғоқчи бўлса керак, деган фикрга борганида адашмаган экан, кўнгли сезгани тўғри бўлиб чиқди.

Шундай қилиб Василе айғоқчиларнинг борлигига аниқ ишонди. Лекин барибир уларнинг ишни олиб бориш усулини ўзича энг бемаъни, разилонга иш усули, деб ҳисоблади. Улар ўз ўлжаларига мутлақо сездирмаган ҳолда кўққисдан болта урардилар; бундан мақсад шу эдики, ўлжа зарбадан на огоҳ бўлсин, на ҳимояланишга улгурсин. Василе эртаси Байяшнинг маълумотлар папкасини яна кўлига олди. Уларни бирма-бир кўздан кечираркан, биттаям ўзига таниш номни тополмади. Байяш ўз маҳалласидаги одамлар ҳақида маълумот бермаган эди. Бунга Василе ичида суюниб ҳам қўйди. Лекин Байяш жуда эҳтиёткорчилик билан иш тутган эди. Чунки ўз қўшниларини ўзига қарши қилиб қўйишни хоҳламаган-да. Шу билан бирга Василе Виссарионнинг вақти келиб келгуси ишларида фойда бериб қоладиган бошқа маълумотларни етказишга ва буларни кўнглига тугиб қўйганига қатъий ишонч ҳосил қилди. Шошмай турсин, Василе Байяш билан қандай гаплашиб қўйишни жуда яхши билади.

Маош куни ҳам етиб келди-ю, Василе ойлигини олди. У шу довургача бунақа кўп мояна олмаган эди. Ҳатто бирмунча муддат кўзига қилган иши шунча маошга арзимайдигандек кўриниб кетди. Шундан кейин, бу пулларни нима қилсам экан, деб ўйла-ниб қолди. Уст-боши бут, овқати текин, ҳеч нимага муҳтожлик жойи йўқ. Элиза унинг қўлидан пул олмайди, бунга ишонса бўлади. Василе ўзича кулиб қўйди. Кейин калласига бир фикр келиб қолди-ю, янги мундирини кийиб «Кўркам кўча» томон йўл олди. Йўлда қора мундирини кийганига афсусланди, чунки кўпчилик унга ўшшайиб қарашарди-да.

Василе уйга тўсатдан бормасликка қарор қилди. У темир йўл бўйлаб бир оз айланиб юрди. Дрегенел билан гаплашди, томошалаб семафорнинг олдигача борди, кейин яна будкага қайтиб келди. Дрегенел тахта ўйиб ниманидир ясаётган эди. У Василени кўрди-ю, ирғиб турди.

— Дрегенел, сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман.

— Кулоғим сизда.

Василе чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Кейин кўз олдида унинг кўп қисмини ажратди-да, стрелкачининг олдига қўйди.

— Қарасам, бизнинг уйимиз бузилиб боряпти. Ремонт қилиш керак. Дадам уни пасхагача тузатиб, оқлаб қўймоқчи бўлган эди. Ниятига етолмади. Дрегенел, бир мардикор топиб шуни тўғри-лаб берсанг девдим. Қолганига эса, Элизага ўтин олиб бер. Яқин орада қиличини қайраб қиш ҳам келади. Мана буниси эса ўзинг-га, хизмат ҳақинг учун.

— Нега Элизанинг ўзига бермаяпсиз? Ахир у онангиз-ку.

— Биласанми, у мендан пул олмайди. Агар хоҳламасанг тўғри-сини айтиб қўя қол. Хафа бўлмайман.

— Нега хоҳламас эканман? Бунга ҳеч қандай сабаб йўқ. Ахир хизмат ҳақимни ҳам бераяпсиз-ку. Шундай бўлгандан кейин нега хоҳламас эканман? Мен ҳатто ҳеч қандай чойчақасиз ҳам Эли-зага ёрдам беришга тайёрман. Нима бўлса ҳам бир вақтлар Ири-мие билан оғайни бўлган эдик.

Дрегенел пулни олиб чўнтагига солиб қўйди. Кейин яна ска-мейкага ўтириб, тахта рандалай бошлади.

— Нима бу, гижжак ясаёпсанми? — сўради Василе.

— Гижжак эмас, гитара.

— Худди гижжакка ўхшайди.

— Бу тўғри, лекин кейин бориб гитарага ўхшаб қолади.

— Гитаранинг ўртаси думалоқ бўлади-ку.

— Бу гитаранинг қанақалигига боғлиқ. Бу шунақа гитараки, ўртасида думалоқ йўқ. Ионуцга ясаепман. Гаврилушнинг гитараси бор экан, кўриб қолиб, менга ҳам гитара қилиб беринг, деб қолди.

— Керакмас, овора бўлма. Мен унга ростакам гитара сотиб олиб бераман.

— У илтимос қилган экан, демак, мен унинг сўзини ерда қолдира олмайман. Кўнгли ўксимасин дейман, отаси йўқ. Иримие ҳаёт бўлганда-ю, унга айтса дарров ясаб берган бўларди.

— Иримиеми? У ҳеч қачон гитара ясолмасди. Унинг бунақа нарсаларга укуви йўқ эди.

— Менинг ҳам укувим йўқ, лекин ясаепман-ку, шунга ўхшаган-да. Ахир, боланинг гапини...

— Қўй деганда қўй-да.

— Эсизгина. Шундай ажойиб бир нарса чиқардики, ҳам гиж-жакка ўхшарди, ҳам гитарага.

— Ҳеч нимага ўхшамасди.

— Эҳ-ҳе, нималар деяпсиз. Ўхшарди. Гитара қилиб берганимдан ўзим хурсанд бўлардим. Чунки, Иримие бўлганда барибир унга ясаб берган бўларди.

— У бўлганда ҳеч нима ясаб бера олмаган бўларди. Унинг бунга вақти ҳам бўлмасди. Ўзи эса ясашни билмасди ҳам. Сен ўзинг ҳам бунинг уддасидан чиқолмайсан. Сенинг ўрнингда мен бўлганимда буни ўчоққа қалаган бўлардим. Болани алдашнинг кераги йўқ. Йўқ нарсалар билан унинг кўнглини кўтариш, юпатиш яхшимас.

— Сизга айтишга осон, чунки чўнтагингизда жарақ-жарақ пуллариңиз бор. Менга ҳозир берганиңизнинг ўзи бир ойлик иш ҳақимдан ортиқ. Агар пул бўлса болани ҳақиқий нарсалар олиб бериб алдаш ҳам мумкин. Пул бўлса, бола-ку, ҳатто катталарни ҳам алдаса бўлади.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Ҳеч нима. Сизнинг гапингиз тўғри. Бу на гижжакка ўхшайди, на гитарага.

Дрегенел анча-мунча йўниб қўйган ёғочини печкада ловиллаб ёнаётган оловга ташлади. Бир оздан кейин оловда чарс-чурс этган овоз эшитилди.

Василенинг будка дарчасидан чопиб кетаётган Ионуцга кўзи тушиб чақирган эди, тўхтади. Ионуц қора кийим кийган кимсани кўриб қочиб қолсаммикин, деган ўйда бир неча қадам орқага тисланди. Кейин Василени таниб қўлларини чўнтагига тикқанча бамайлихотир унинг олдига келди.

— Аҳволлар қалай, Ионуц?

Ионуц «ёмон эмас» дегандек елка қисди.

— Мени соғинмадингми?

Ионуц жавоб бермади.

— Нима ҳам дердим... Ҳеч ким мени соғинмайди.

Ионуц яна индамади.

— Мен сени шаҳарга олиб бориб ўйнатмоқчи бўлиб келган эдим. Бу билан илгарилари баъзан мендан еб қолган калтакларингни унутарсан, деб ўйловдим.

Ионуц Василега қараб қовоқ-тумшугини солиб олди.

— Ўшанда ҳеч қаерим оғримасди. Улар аллақачонлар эсимдан чиқиб кетган.

— Ионуц, катга бўлиб қопсан.

— Ойим ҳам шунақа деяпти. Бўйимни ўлчаб кўрдим. Ҳечам ўсмабман. Чунки ичимда гижжа бор. Шунинг учун бўйим ўсмаяпти.

— Йўқ, ўсиб кетгансан. Ионуц, қара, қўлларинг ҳам катга бўлиб кетибди. Ҳатто чўнтагингга сиғмаяпти.

— Чўнтагимда олхўри бор, сиғмаётгани шундан.

— Сен ҳали ўғирлик қилиб турасанми?

— Баъзан.

— Ўғирлик қилмагин. Отанг бўлганда таъзирингни берган бўларди.

— Отам йўқ.

— Энди отангинг ўрнига сени мен йўлга солишим керак.

Мен каттаман, ўғирлик қилмагин ҳечам.

— Нега ўзинг қора костюм кийиб олдинг?

— Сенга ёқмайдими?

— Одамлар, дадангни қора костюм кийганлар ўлдиришган, дейишяпти.

— Сен ҳали кичкинасан. Отангни кимлар ўлдирганини билмайсан.

— Ўзинг ҳозиргина катга бўлиб қопсан деяётувдинг-ку.

— Катга бўлишга-ку, катга бўлибсан, лекин ҳамма нарсани тушунишга ёшлиқ қиласан.

— Биладан, у менинг ўз отам эмас эди, лекин бошқа отам ҳам йўқ эди-да.

— Сенинг отанг эди у.

— Ахир у сенинг отанг эмас, деб ўзинг айтган эдинг-ку.

— Ўшанда жаҳлим чиқиб айтворган эдим.

— Силе, сен мени алдамай қўя қол, ҳаммасини биладан.

Лекин шундай бўлса ҳам мен уни яхши кўрардим, у жуда яхши дада эди...

Василе ботиб бораётган кўёшга қаради.

— Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Мен билан юрасанми? Бир соатча айланиб яна қайтиб келамиз. Ойинг уришмайди.

— Менга бир нималар олиб берасанми?

— Эҳтимол, олиб бераман ҳам.

— Оҳ, анув кундаги ташлаб кетган нарсаларинг шундай маза эканки, ойим аввалига емади. Кейин овқатда нима айб, овқатдан юз ўгириш гуноҳ, деб еяверди. Силе, сенинг пулларинг жудаям кўпми?

Улар муюлишдан ўтгандан кейин Василе Ионуцни қўлидан ушлаб олди. Унинг ғадир-будир, иссиқ кафти сал-пал қалтираб турарди.

Василе Ионуцга қаради, Ионуц дайди кўча болалари сингари кўзини ерга тикканча лапанглаб борарди.

— Сенинг пулинг кўп, бахтлисан.

— Агар сенда ҳам пул кўп бўлганда, сен ҳам бахтли бўлган бўлармидинг?

— Йўқ.

— Нега бўлмаса мен бахтли бўларканман?

— Ойим айтдики...

Ионуц шундай деди-ю, Василенинг қўлидан қўлини суғуриб олди, кейин шоша-пиша бир чўнтагидан рогатка, иккинчи чўнтагидан тош чиқарди-да, теракнинг учига кўниб турган қаргани мўлжалга ола бошлади.

— Агар сал юқорилатиб отганимдами, дабдаласини чиқарган бўлардим-а!

Василе у ёқ-бу ёққа қараса, ҳеч ким йўқ, секин-аста чўнтагидан пистолетини чиқарди-да, мўлжаллаб туриб тепкини босди. Қарға теракнинг шохларига урила-урила уларнинг оёқлари остига келиб тушди. Ионуц хурсанд бўлганидан осмонга ирғишлади.

— Қани, Ионуц, чаққон қимирла, ҳеч ким бизни кўрмасин!

Ака-ука ён томондаги тор кўчага яширинишди. Ионуц Василенинг қўлини маҳкам ушлаб олди. Вақти-вақти билан Василега қойил қолганидан миннатдорчилик билдиргандай унга суқла-ниб қараб қўярди. Шу топда у ҳамма нарсани унутган, бахтиёр эди.

— Агар рогаткам ўқ отганидами, бунақа қарғаларнинг минг-тасини ўлдирган бўлардим. Э, онасини...

— Ионуц, аравакашларга ўхшаб оғзинг жудаям коски бўлиб кетибди-ку.

Василенинг танбеҳи Ионуцнинг қулоғига киргани ҳам йўқ.

— Тўппончанг чиройли экан, мовий! Одам ўлдирсаям бўладими?

— Ҳа, тўппонча билан ҳатто одам ўлдириш ҳам мумкин.

— Агар мендаям шунақа тўппонча бўлганда алам қилганидан Гаврилуш ёрилиб ўларди. Дадам бўлганда менга ҳам янги ботинка, кўйлак, иштон олиб берган бўларди. Майли, Гаврилушникига ўхшаган яхшисини олиб бермаса ҳам, барибир мен унга роса мақтанган ва унинг кўзини ўйнатган бўлардим. Дадаси унга бир пой коньки олиб берибди. Мен битта конькини текинга берса ҳам олмайман, кераги йўқ. Битта коньки билан мақтаниб бўларканми?! Бу, ахир оёғим битта, деб мақтанган билан барабар-ку? — деб кулди Ионуц.

Улар шаҳарга кириб келишди. Ионуц Василени қўлидан яна ҳам маҳкамроқ ушлаб олди. У қўрққанидан бундай қилгани йўқ. Аксинча, Ионуц илгарилари ҳам шаҳарда бўлган. Лекин ҳозир у одамлар ўз акасининг қўлидан ушлаб кетаётганини яхшилаб кўриб кўйишини жудаям хоҳларди. Бирдан қаршисидан муаллимаси чиқиб қолди-ю, Ионуц у билан саломлашиш ўрнига четга қараб тупурди ва гўё уни сезмагандай индамай ўтиб кетаверди. Улар тайёр кийимлар магазинига, ундан кейин оёқ кийимлар ва яна бошқа магазинларга бирма-бир кириб чиқишди. Охирги магазиндан чиқишганда қоронғи тушиб қолган, Ионуцни эса мутлақо таниб бўлмасди. Устида шерсть костюм-шим, оёғида таги чарм ботинка ғарчилларди. Қўлида коньки, қўлтиғига эса яп-янги ялтироқ гитара қистириб олган. Ионуц хурсандчиликдан нима қилишини билмас, саросимага тушиб қолганидан кафтлари терлаб кетган. У умрида ҳеч қачон бундай хурсанд бўлмаган эди. Ўзи бўлса Василега яна ҳам ёпишиб олган, энди юришлари ҳам бояғидай шалоқ бўлмай, анча босиқ эди. Василени айтмайсизми, у ҳам шу дақиқаларда ўзини бахтиёр ҳис қилиб кетди. Чўнтагида бир мири ҳам қолгани йўқ. У шундай кайфиятда эдики, агар шу топда яна пули бўлганда буни ҳам Ионуцга харжлаган бўларди. У ўзининг узлуксиз машқ қилишлар орқасида серпай, тугун-тугун бўлиб кетган қўллари билан Ионуцнинг кичкинагина, иссиқ қўлларини сиқарди. Шу топда мана шу кичкина, нозик қўллар унинг забардаст қўлларини иситар, кайфиятини кўтарарди. Аллақачонлардан буён Василенинг юраги бу даражада енгил тортмаган эди. Эҳтимол, бир вақтлар худди Ионуцдайлигида кечирган хурсандчилигидан буён ҳали бунақа кайфи чоғликка тушмагандир ҳам. Ўшанда ҳамма болалар қатори у ҳам темир йўл кўтарма-

сидаги бурганларни тозалаган, шунда умрида биринчи марта олган моянасидан уйга будильник соат олиб келган эди. Василе ўшанда умри бино бўлиб биринчи бор қаттиқ суюнган, суюнганидан юраги ёрилиб кетай деган эди. Унинг мана бу суюниши ҳам ҳозир ўшанга баробар бўлса бўлардики, асло кам эмас эди.

Василе Ионуцни ярим йўлгача олиб келиб, бу ёғига ўзини қўйворди. У уйгача бирга келишни хоҳламас, бундан ташқари қиладиган бошқа ишлари ҳам бор эди. Улар хайрлашишди. Ионуцнинг бояги шодликлари бир зумда сўнди. У яна боя Василе учратган пайтдаги қиёфасига тушди-қолди.

— Ойим буларнинг ҳаммасини сен олиб берганингни билса, роса савалайди.

— Савалаб бўпти! Айтиб қўй унга, қўлини ҳам тегизмасин. Булар бари менинг сенга рождество байрамига олиб берган совгаларим бўлади.

— Дадам ҳам ёнида пули бўлган пайтлари рождество байрамига нима бўлса ҳам янги бир нарса олиб берарди. У ҳаммаси бўлиб фақат бир марта, у ҳам бўлса битта қўйлак олиб берган. Менинг дадамнинг ўрнига дада бўлишни хоҳлайсанми? Менга ҳам рождество байрамига ҳамма кийимларимни янгилаб бериб тур, мен йўқ демайман. Ахир, дадам бўлганда бундан хафа бўлмаган бўларди-ку, тўғрими, Силе?

— Ҳа, хафа бўлмаган бўларди.

— Ҳалиги қарғага раҳмим келяпти-да. Тўппонча билан отса, тамом, ҳечам қутулиб кета олмайман. Тўппонча — рогатка эмас. Тўппонча қаерда-ю, рогатка қаерда. Рогаткага чап бериб қолиш мумкин. Хайр, Силе.

Василе Ионуцнинг орқасидан узоқ қараб қолди. У яна бояғидай бетартиб, шалпайган бир маромда қадам ташлаб кетарди.

11

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Василе бир хат ташувчи орқали Виссарион Байяшга хат жўнатди. Бироқ хат ташувчи кетгандан кейин қилган ишига пушаймон еб қолди. Байяш бунини эшитиб яшириниши мумкин эди. Тўғри, хат машинкада ёзилган, шунинг учун Байяш ким уни чақиртирганини билмаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлса ҳам барибир Василенинг кўнгли тинчимасди, хавотирланарди. У Байяшнинг табиатини жуда яхши биларди. Агар ким чақиртираётганига шубҳаланса ҳам қочиб қолиши турган гап. Лекин Байяш қочиб қолмади. У белгиланган

соатда ўзининг тоза ботинкаси-ю, дазмолланавериб ранги ўчиб бир оз сарғайиб қолган, лекин қирраси ўткир қилиб дазмолланган шимини кийган ҳолда етиб келди. У Василени кўрган ҳамоно кўзлари қинидан чиқиб кетди. Лаблари қалтираб, оёқлари чалишди. Василе стаканда сув тутди, кейин кичкина шкафчадан бир шиша коньяк олди. Ҳукумат ҳар ҳафтада бир марта Василега «ишлаш учун» мунтазам бир шишадан коньяк бериб турарди. Байяш коньякни худди заҳар ютаётгандек қилиб ичди-ю, бир оз ўтгач анча ўзига келди. У ҳатто ўзига нисбатан мурувват қилинаётган одам қиёфасида кулиб ҳам қўйди. Виссарион Василе билан ораларида бир-бирини яхши тушунадиган бир вазият, ҳолат вужудга келтиришга интилиб кўрди. Чунки, нима бўлса ҳам улар аллақачонлардан буён яқин таниш, бир-бирини билишади. Лекин шу билан бирга у бу ниятни амалга ошира олишига ҳам унчалик кўнгли чопмасди. Байяшнинг гестаподан чақирув қоғози олганда пайдо бўлган кўрқуви устига Василени кўриши билан яна кўрқув қўшилиб, юраги қинидан чиқиб кетай деган эди. Чунки Василе у ҳақдаги ҳамма гапларни биледи, шунинг учун унинг олдида оғзига талқон солиб ўтириши мумкин эмас-да. (Виссарион шу пайтга қадар гестапода атиги бир мартагина бўлган, ўзининг берадиган маълумотларини эса орада қўйилган махсус одам орқали жўнатиб юборарди.) Энди бўлар иш бўлди, ўзини йўқотмаслиги, дадил тутиши, хотиржам ўтириши керак. Умуман олганда, у булар учун хизмат қилади-ку, ахир шундай бўлгандан кейин Василе билан ҳам шу нуқтаи назардан туриб гаплашиш керак-да. Нима кераги бор ҳар хил майда-чуйда нарсалар ҳақида ёмон фикрларга бораверишнинг... Барибир ўзини юз алфозга солмасин безовталиқ уни тарк этмади, Виссарион ҳечам ўзини қўлга ололмасди. У Василега кўп нарсаларни валдираб юборди. Ўзининг яхши томонларини кўрсатиш мақсадида, ҳатто баъзи бир оилавий сирларини ҳам гапириб берди. Энди унинг тақдири Василенинг қўлида эди. Агар Виссарион ўзини нима мақсадда чақиртирганларини билганда-ку, иш хийла бошқачароқ кўчган бўларди-я, унда Виссарион қандай жавоб беришни ўйлаб келган бўларди.

— Василе, сиз энди шу ерда ишларкансизда-а? Офарин! Энди менинг шундай азиз дўстим бор экан! Офарин! Бу кимнинг хаёлига келибди! Мен ахир, сизни қўлимда кўтариб катта қилганман-а! Ажойиб иш...

— Тур ўрнингдан! — қичқириб юборди Василе.

Унинг овози хона деворларига урилиб акс-садо берди. Акс-садо Василенинг овозидан ҳам қаттиқроқ эшитилди. Виссарионнинг бир лаҳзада ранги бўзариб кетди-ю, ирғиб ўрнidan турди.

— Бу ерга тушганларнинг дўсти ҳам, ота-онаси ҳам бўлмайди! Ҳеч кими!

Василе шу пайт деворда секин-аста тиқирлаётган овозни эшитиб қолди. У қалтираб кетди, ўз кабинетида Гитлернинг портрети орқасига яшириб қўйилган микрофон борлигини сезди. Тиқирлашидан маълум бўлдики, микрофон ишлаб турибди. Буни фақат Шульц эшитади. Дастлаб Василе бундай ишончсизлик билан қарагани учун ўзини таҳқирлангандай ҳис қилиб, хафа бўлди. Кейин Шульцнинг ҳам кабинетида илгарилари микрофон бўлган эди, уни ҳам назорат қилишарди-ку, деб ўйлаб хафачилигини кўнглидан чиқариб юборди. Бироқ буларнинг ўртасида катта фарқ бор эди. Фарқ шу эдики, Шульц ўз гапларини бошқалар эшитаётганини, уни назорат қилишаётганини билмасди. Василе бўлса, уни билади. Лекин буни билмаган тақдирда ҳам у Байяш билан овозини пасайтириб бир неча оғиз гаплашгандан бўлак ҳеч қанақа гуноҳ қилмаган бўларди.

— Агар бу ерда ким тўғриси гапирмайдиган бўлса, ёруғ дунё билан аввалдан видолашиб қўя қолса ҳам бўлаверди.

— Мен сизга фақат тўғриси гапираман.

— Коньякни ич.

— Ичаман, нега ичмас эканман. Мен ҳамма ишни буйруғингизга биноан қиламан. Лекин мени урманг. Мени уришга ҳали қўлингиз бормайди. Ахир мен аллақачонлардан бери сизларнинг одамингизман-ку. Бу фақат сизга маълум эмас эди, холос.

Микрофон тиқирлади. Ҳадеб эшитавериш ё Шульцнинг жонига тегди-ю, ё уни биронта чақириб қолди. Василе пешанасини артиб стулга ўтирди.

— Демак, жаноби Байяш, сарғайиб кетибдилар-да, тўғри-да, бочкаларга нажас солади-ю сарғаймай нимаям қиларди.

— Жаноби Негоицэ, сиз жудаям мард, олижаноб одамсиз. Сиз ахир, ўз онангизга мен ҳақимда бир оғиз ҳам гапирмадингиз-ку. Мана энди у киши бева қолгандагина мен умид қилишим мумкинки... мен учун сиздай одам билан қариндош бўлиш чексиз бахт бўлган бўларди...

Байяш хато қилган, у ўз хатосини анча кеч тушунган эди. У қандай қилиб мушт тушганини кўрмай, фақатгина қаёққадир қулаб тушаётганини сезиб қолди. Ўзига келиб қараса, яна столда ўтирибди. Боши ғувилларди.

— Муштингиз ҳам бор бўлсин, жуда ажойиб-да, жаноби Не-гоицэ, менга қолса уни бир урганда гумдон қиладиган мушт деб баҳолаган бўлардим. Мен ахир, нима демоқчи бўлганингизни билмай қолдим-ку, гўё сизнинг дадангиз...

— Ўчир овозингни, итвачча! Демак, мен янглишмаган экан-ман! Янги ботинка-ю, янги шимлар... Сен буларни шу ердан олиб юрар экансан-да!

— Худди шундай, жаноби Негоицэ, шу ердан.

— Демак, сен яхши бузоқ икки онани эмади қабалида иш ту-тиб, ҳам буларга, ҳам бошқаларга хизмат қиларкансан-да, сенинг фалсафанг қанақа эканлигини энди билдик! Ё менга гапирган гапларингни унутдингми?

— Унутганим йўқ, жаноби Негоицэ. Бироқ мен ўшанда сиз-ни алдагандим. Уни қаранг, мўйловларингиз жуда чиройли ўсиб чиқибди. Сигарет чекканингизда ўзингизга шундай ярашиб ке-тадики, асти кўяверасиз. Мен сизни ҳар ҳолда аёллар билан му-омала қилишга роса устаси фаранг бўлсангиз керак, деб ўйлай-ман. Мен бўлсам, ўзингизга маълум, бир кесак билан ҳеч қачон икки қарғани уролмайман. Ура оладиганим битта, бу ҳам ўзин-гизга маълум. Ўшанда мен сизни, ростим, алдаган эдим, чунки кимлигингизни билмасдим-да.

— Нега сен ўзинг яшайдиган райондан биттаям коммунист-нинг номини кўрсатмагансан.

— Мен яшайдиган район менга қанчалик маълум бўлса, сиз-га ҳам шу даражада маълум-ку. Ўзингиз биласиз, биз тарафда биронтаям коммунист йўқ.

— Оббо Байяш-ей! Сени бу ерга чўпчак айтиб бергин, деб чақиришгани йўқ. Анойилардан эмаслигингни мен ҳам яхши биламан. Бироқ шу нарса менгаям, сенгаям аниқ равшанки, сен бу ердан чиқишинг ҳам, чиқмаслигинг ҳам мумкин. Сени да-дамнинг номусини ерга букканинг, бошига қанчадан-қанча бахт-сизликлар келтирганинг учунгина у дунёга жўнатишим мумкин. Бунинг учун етарли асос, далилларим бор, янгисига муҳтож-лик жойим йўқ. Лекин мен бундай қилмайман. Мен ҳар хил нар-саларни қориштиришни истамайман. Сенинг ҳамма маълумот-ларингни ўқиб чиқдим. Бизнинг райондан биронтасининг мушу-гини пишт демабсан. Нима мақсадда, нега бундай қилаётганин-гни мен жуда яхши биламан! Ўзингча одамларнинг оғзига туш-май, пахтадай оппоқ бўлиб қолай деяпсан. Сен, агар замон ўзга-риб бошқа ҳукумат ҳукмронлик қиладиган бўлса, бизга қандай хизмат қилаётган бўлсанг, ўшаларга ҳам худди шундай хизмат қиласан. Бу ҳақда менга ўзинг айтгандинг-ку, ахир.

— Айтгандим, жаноби Негоицэ. Лекин бу гапни шундайгина, ҳеч қандай маъносиз, фақат ширинсуханлик қилиш учунгина айтгандим. У гапларим бари нотўғри.

— Коммунистларнинг ёнини олишга тайёр турган одамнинг уларни билмаслиги мумкин эмас, ақлга тўғри келмайдиган гап.

— Жаноби Негоицэ, билганларимнинг ҳаммасини айтиб бердим.

— Байяш, ўйлаб олишинг учун уч дақиқа вақт бераман. Ундан ташқари менинг мўйловларимга кўзингни тикаверма.

— Жаноби Негоицэ, мўйлов сизга жудаям ярашаркан. Шу ҳолда кимга ўхшаб кетганингизни айтишга ботинолмаяпман. Сиз бунга рухсат ҳам бермайсиз.

Василе қўл соатига қаради.

— Яна икки дақиқаю, эллик беш сониядан кейин ўзингга ўзинг ҳукм чиқарасан.

Василе қандайдир қоғозларга энгашиб олди-ю, Байяшга бошқа эътибор қилмади. Гарчи Байяш ўзининг ҳалол хизматлари, маълумотлари билан гестапога кўп яхшиликлар қилган, ёрдамлар берган бўлса ҳам, Василенинг юрагида унга нисбатан чексиз нафрат ҳислари мавж урарди. Василе шуни яхши билардики, Виссарион томонидан кўрсатилган, пировард натижада Шульцга етиб борган ҳар қандай фамилия эгаси албатта ўлимга маҳкум бўларди. Байяш кўзи тушган, қўли етган жойгача ҳаммани сотиб бораверади, ниҳоят сотадиган ҳеч ким қолмагандан кейингина секин-аста ўз қўшниларига ўтади. Ахир у пулли жосус, шунинг учун унчалик аҳамияти йўқ ёки бўлмаса, ҳаммага маълум маълумотларни олиб келгани учун пул ололмайди-ку.

— Қулоғим сенда, Виссарион.

Баяшнинг башарасидан тер оқарди. У ўз округидаги коммунистларни жуда яхши биларди. Лекин уларни сотиш-сотмаслиги борасида ўз мулоҳазалари, нуқтаи назари бор эди. У келажagini ўйлар, шунинг учун буларни шундайгина осонлик билан сотиб қўя қолгиси келмасди.

— Билмайман, жаноби Негоицэ, худо урсин, ҳеч кимни билмайман.

Василе секин бир тугмачани босиши билан хонага иккита солдат кирди.

— Ваннага!

— Солдатлар Байяшнинг икки қўлтиғидан олганча ички зинапоя орқали ертўлага қараб судраб кетишди. Уларнинг кетидан Василе ҳам жўнади. Ёндаги йўлакдан юракни эзадиган қан-

дайдири бақирик овозлари келиб турарди. Эҳтимол, бирон жойда эшик очилиб қолган бўлса керак. Эшикни очик қолдирадиган қанақа аблаҳ экан у ўзи, деб Василенинг жаҳли чиқиб кетди. Йўлакнинг охирида терга ботиб кетган Фрид кўринди. Хўкиз пайларидан махсус ясалган кўлидаги қамчин қип-қизил қонга бўялган эди.

— Фрид, худди қассобга ўхшаб ишляяпсан.

— Тушундим, жаноби унтерфюрер.

— Эшикни ёпмаганинг учун икки ҳафта қамоққа ҳукм қилиш керак эди.

— Унутибман, жаноби унтерфюрер.

— Эшикни очик қолдириш бу душманга эшикдан кириб келиш ёки чиқиб кетиш имкониятини туғдириш демакдир.

— Бу ҳол бошқа такрорланмайди, жаноби унтерфюрер.

— Бор, душга тушиб ол, сендан мурданинг иси келяпти.

— Эшитаман, жаноби унтерфюрер, — деди Фрид, кейин икки солдат бир одамни юмалоқ-ёстиқ қилиб судраб олиб кетишаётганини кўриб, кўшиб қўйди: — Эҳтимол, сизга бирон фойдам тегиб қолар?

— Ўзим тўғрилайман.

— Ҳар ҳолда бирон ёрдамим тегишини хоҳлагандим.

— Ўзим тўғрилайман дедим, шекилли.

— Жаноби унтерфюрер, сиз ахир ярим руминсиз, эҳтимол маълум бир пайтда кўлингиз қалтираб кетар, — деди Фрид заҳархандалик билан бутун вужуди ғазабга тўлиб. Василе Фридининг устига бостириб келди. Пистолетнинг затвори шиқирлади. Фрид қалтираб кетди.

— Фрид, сендан шунақа сўзларни охирги марта эшитяпман, деб ишонаман. Шунини билиб қўйки, ҳаётингнинг ҳар бир дақиқаси менинг кўлимда. Агар яна шундай ҳол такрорланадиган бўлса, мен сен билан пачакилашиб ўтирмайман.

— Кечирим сўрайман, жаноби унтерфюрер.

— Қабихлигинг учун ҳам мендан кечирим сўраяпсан. Бахиллигингдан ҳасад қилавериб бутун вужудингни сафро босиб кетган, чунки мен бошлиғингман-да. Сендан нафратланаман, Фрид.

— Мен ҳам сендан нафратланаман, жаноби унтерфюрер.

— Агар кечирим сўрамаган бўлганингда, шу топда худди итдай отиб ташлаган бўлардим.

— Буни биламан. Гарчи, герман миллати хато қилмаса ҳам, лекин сенга келганда хатоликка йўл қўйган. Мен буни ҳеч қачон кечиролмайман.

— Бор, душга туш, бўлмаса ҳаммаёқни мурда ҳиди тутиб кетяпти.

— Эшитаман, жаноби унтерфюрер.

Фрид тишларини гичирлатганча нари кетди. Василенинг янги лавозимга тайинланганини эшитган куниёқ улар орсидаги қадимги дўстликнинг охириги толалари узилган эди. Фрид қандайдир ярим немис бўлган бир одамнинг ўзи устидан ҳукмронлик қилишини тасаввурига сиғдиrolмасди. Фрид билан Ганс шунинг учун Василедан чексиз нафратланар, иложи бўлса еб қўйгиси келарди. Улар иккаласи ўйлаб-ўйлаб, Шульцнинг нега бундай қилганини билиб олишди. Шульц аслида бу билан икки мақсадни кўзлаган эди. Агар келиб чиқиши «соф» бўлмаган бир одамни ўзига бевосита ёрдамчи қилиб оладиган бўлса, биринчидан, Шульцнинг ўрнини эгаллай олмайди, унга даъво ҳам қилолмайди. Иккинчидан, Василе шундай лавозим ўзига ишониб топширилгани учун юраги ёрилиб, худди ҳўкиздай ишлайди. Лекин улар Шульц яна битта нарсани, бу ҳам бўлса, улар ўртасида атайлаб норозилик туғдириш учун ҳам шундай қилганини тушуниб етишмаган эди. Чунки, уларнинг Василега бўлган нафрати Шульцга учаласини ҳам маҳкам ушлаш, гаҳ деса қўлига кўндириб туриш имконини яратиб берарди.

Йўлакнинг охирига етгандагина Василе Байяшга етиб олди.

— Жаноби Негоицэ, чин сўзим. Мен ҳеч кимни билмайман. Қасам ичаман! Ё бўлмаса сиз уларни Иримиенинг кунига солмоқчимисиз?

— Ечинтиринглар!

Шифтда электр лампочкалари ёнди. Қалин ғишт деворли бинонинг ўртасида каттакон ванна бор эди. Унинг ёнида арча тахталаридан ясалган панжарали стул, илгакда эса гулли сочiqқ осилиб турарди.

— Мен ҳар ҳафта ҳаммомга бораман, худога шуқр, тозаман, кирим йўқ, жаноби Негоицэ. Ё бўлмаса мени кўрқитмоқчи бўляпсизми?

Солдатлардан бири кранни бураб юборди. Деворнинг нарёғида қандайдир қурилма ишга тушиб кетди. Ҳатто шундай қалин ғиштли девор ҳам моторнинг қулоқни тамом битирадиган даҳшатли ҳайқириғини тутиб қола олмасди. Ванна сувга лим-лим тўлди. Қип-яланғоч Байяш бўлса қорнининг пастини қўли билан беркитган ҳолда ҳадеб зорланарди.

Солдатлар мундирларининг устидан оқ халат кийдилар-да, Василенинг ишораси билан Байяшни ваннага итариб юбордилар.

— Жаноби Негоицэ, ҳаддан ташқари совуқ экан, худди муз-нинг ўзи...

У бошқа гапиришга улгура олмади. Солдатлардан бири унинг сочларини маҳкам чангаллаганча бошини сувга ботирди. Виссар-ионнинг оёқлари ваннанинг тагига тегиб сирғанар, ўзи эса деворга ўрнатилган махсус совутгич машинаси билан худди муздай совутилган сувда таёқдек қотиб қолди. Байяш бошини чиқариб, нафас олишга интилиб кўрди. Лекин солдатлар унинг бошини сувга маҳкам босиб тураверди. Василенинг кўзи соатида, орадан эллик сония ўтди. Байяшнинг танаси тортиша бошлади, бўйнидаги вена томирлари эса бўртиб чиқиб худди ёрилиш даражасига етиб қолди. Сув юзи пуфак бўлиб биқирлай бошлади. Василе ўзидан кўзини узмай қараб турган солдатларга бўлди дегандек ишора қилди. Байяш сув бетига шўнғиб чиқди. Унинг юзлари кўкарган, кўзларининг шокосаси эса қон талашиб қизариб кетган эди.

— Эҳтимол, энди эсларсан, — деди Василе унга совуқ назар ташлаб туриб. Байяш бурнини артиб йиғлай бошлади.

— Жаноб Негоицэ, мен сизни қўлларимда кўтариб юрардим-а... Сиз, Иримиенинг дўстларини ўлдирмоқчимисиз? Шуни истайсизми? Қалбингиз тош экан, жаноби Негоицэ. Худо ҳаққи, бизнинг кўчада ким коммунист — ким коммунист эмаслигини билмайман. Мендаям ахир ўзимга яраша виждон бор-ку...

Василе яна ишора қилди. Ҳалиги ҳолат яна такрорланди. Лекин бу сафар боя ишлатилмаган битта усул ишга солинди. Солдат ваннанинг тагидан сим тортиб олди-ю, сувга тикди. Василе қандайдир бир тугмачани босди. Солдат қўлига қалин резинка қўлқоп кийиб олгани учун электр токи унга таъсир қилмасди, лекин Байяш бўлса додлар, ҳайқирар, илондай тўлғаниб, питирларди. Солдат симни сувдан бир зум тортиб олди-ю, яна солди. Сув юзида ҳаво пуфакчалари биқирлай бошлади, сув бўлса секин-аста қонга бўяла борди. Солдатлар энди Байяшни ушламай қўйишди, бироқ туриб олиш учун унинг ўзида ҳам мадор қолмаган эди. Уни сувдан тортиб олишиб столга ўтқазишди. Солдатнинг бири сочиқни олиб у ёқ-бу ёғини артди. Байяш ўзига келгандан кейин ҳалиги тушган ҳолатини эслаб кўркувдан қалтирай бошлади.

— Жаноби Негоицэ, бир оз уялинг...

Деворда яна тиқир-тиқир этган товуш эшитилиб қолди-ю, Василе ҳеч нарсага улгуролмай қолди. Бирдан Байяшнинг оғзидан одамларнинг номлари ёғилиб кетди: Матей, Денеш, Павел...

ва бошқалар... Худди уларнинг охири йўққа ўхшарди. Бу номларнинг барини ҳозир, албатта, Шульц эшитиб турган бўлиши муқаррар. Чунки унинг столидаги тортмалардан бирига гестапонинг ўнларча хонасидан сим тортилган эди. Шундан кейин Василенинг ранги оқариб кетди.

— Бундан бир неча кун муқаддам, кечаси ойингизнинг олди-га кетаётган эдим, шунда Элизанинг Матей билан қандай гаплашиб турганини кўриб қолдим, — гапида давом этди Байяш, — сизнинг ойингиз...

— Менинг онам йўқ!

— Элиза ҳадеб Матейдан қандай бўлса ҳам бирон-бир топшириқ беришини сўрарди. Матей бўлса, аксинча, тайсаллар, мен ҳеч нарса билмайман деярдди. Шундан кейин Элиза туриб, Матей унга ишонмаслигини, доим ким бўлсанг ҳам барибир немиссан-ку, деб ёмон одам ўрнида кўриб юришини юзига солди. Кейин Элиза мана, Иримие ўлгандан буён унинг ўрнида мен ишляпман. Ҳар ҳолда стрелкачиман-ку, ҳамма поездлар менинг қўлимдан ўтади. Сенга фойдам тегиб қолар, деди. Матей бўлса, агар мен ҳақимда бирон бошқа фикрга борган бўлсанг, ҳақиқатан ҳам эсингни еб қўйган экансан, деди. Бу гапни эшитиб Элиза йиғлаб юборди-ю, бутун кўча бўйлаб Матейни қарғаганча уйига кетди. Павел ўзи коммунист эмасу, лекин коммунистларга хайрихоҳлиги бор. Денешникига, Матейникига тез-тез келиб туради. Буларникига бундан бошқалар ҳам келиб-кетиб туради. Денеш бўлса, Митран ўлгандан кейин коммунистларга хайрихоҳ бўлиб қолган бўлса керак. Бунгача у коммунистлар билан муносабатда бўлган эмас...

— Уни кийинтириб, коньяк қуйиб беринглар! — буйруқ берди Василе, кейин Байяшга ёпишди: — Агар, бу ерда бўлган нарсаларни оғзингдан гуллаб қўядиган бўлсанг, билиб қўй, ўша ернинг ўзида қимир этказмай отиб ташлайман! — у шундай деди-ю, зинапоядан юқорига чопиб чиқиб кетди.

Юқорига чиқиши билан Фридга тўқнаш келди. У шоша-пиша Шульцнинг кабинетидан чиқиб келарди.

— Штандартенфюрер Шульц ўз хонасида йўқ, жаноби унтерфюрер.

Василе Фридга еб қўйгудек бўлиб тикилди. У Фридни деярли киприксиз кўм-кўк кўзларидан қалбидаги ичиқораликнинг сирли аломатларини уқиб олди. Демак, микрофонда эшитган Фрид экан-да. Бу ёғи қизиқ бўлди. Агар бу ҳақда Василе Шульцга маълумот берадиган бўлса, у бундай аппарат борлигини қаердан

билгандинг, деб сўраши турган гап. Шунинг учун индамай қўя қолгани маъкул. Фрид ҳам унга ғиринг деб оғиз оча олмаслиги аниқ. Чунки у бу билан қаттиқ жиноий ишга қўл урган эди. Худди шундай, назорат аппаратларининг борлигини Василе билишини Фрид эшитса, бу ҳам яхши эмас. Бундан шу нарса келиб чиқади: улар иккаласи ҳам бундан буён бировга бу ҳақда лом-мим деб оғиз очолмайди. Жим юришга мажбур. Фақат бир жиҳатдан озгинагина устунлик Фрид томонида бўлиши мумкин, чунки Фрид уни хоҳлаганча текшириб юра олади. Агарда Василе бирон-бир сабаб билан юқорида номлари зикр этилганлардан биронтасини яшириб қоладиган бўлса, у ошкор қилиши мумкин, холос.

Василе унга бир оғиз ҳам гапирмай ёнидан ўтиб кетди. Унинг калласида бир хаёл ҳадеб айланарди. Қандай йўл билан бўлса ҳам Фридни қўлга тушириш керак. Лекин қандай қилиб, нима билан тутиш керак, деярди у ўзига-ўзи.

Василе кабинетига кирди-ю, бир кўтаришда шишадаги коньякнинг барини ичиб юборди. Лекин коньяк таъсир қилмади. У шундагина «янги тартиб» деб аталмиш олий тузумнинг бағрида рост-гўйлик, ҳақиқат деган тушунчалардан мутлақо йироқ бўлган баъзи ишларнинг ҳам содир бўлиб туришини аниқ-равшан тушунди.

12

Василе кўрпага ўраниб олди. У ухлашга ҳаракат қиларди. Лекин бир соатлар у ёқ-бу ёғига ағдарилиб ётиб, ухлолмади, аксинча, уйқуси қочиб кўзини шифтга қадаб ётишга мажбур бўлди.

У уйқусизликка йўлиққан ва буни кейинги ҳафта тиним билмай ишлаб қаттиқ чарчаганига йўярди. Аслини олганда бунинг сабаби тамоман бошқа ёқда эди.

Василе бурчакда турган шкафга қаради. У шкафга тегмаган бўлса ҳам унинг эшикчаси қия очилиб турарди. Йўқ, у шкафнинг эшигини очиб кўрган, бироқ кетар чоғида уни яна зичлаб ёпиб қўйган. Унинг бунга ишончи комил эди. Василе табиатан бетартиблик, очиқ-сочиқликни жинидан ҳам ёмон кўрарди, туриб эшикни ёпиб қўймоқчи бўлган эди, бироқ бутун танасини эгаллаб олган дармонсизлик унинг бу расмиятчилигидан устун келди, шундан кейин қимирламай қўя қолди. Кўчадан хонага ғира-шира ёруғлик тушиб турибди. Қош қорайиб қолган, кун ўзининг охирги ёруғликларини панжарали дераза орқали шкаф-

нинг олд тарафига сочиб турарди. Василе шкафнинг очиқ қолган эшикчаси гашига тегавермаслиги учун кўзларини чирт юмиб олди. Лекин барибир юмилган қовоқлари ичида эшикчанинг тўғри бурчакли шаклини яна аниқ кўрди. Эшикчанинг орқасида эса қоронғилик боягидан ҳам баттар зимистон бўлиб турарди. Василе терлаб кетган пешанасини ушлаб кўрди. Кейин дастрўмолини чиқариб яхшилаб артди-да, қандай бўлмасин бир нимани ўйлашга, фикрини чалғитишга интилди. У ўзига-ўзи ҳисоб бериб, кейинги ҳафталарда қилиниши лозим бўлган ишларнинг барини кўнгилдагидек бажардимми, йўқми, деб сўраб кўрди...

Василе ўрнидан ирғиб турди-да, шкафнинг эшикчасини зарб билан тепиб ёпди. Кейин электрни ёқиб яна ўзини каравотга ташлади-ю, бошини ёстиққа буркаб олди. Василе уйқусизлигининг асл сабабини биларди. У фикрлар, хаёллар оқимидан боши тарс ёрилиб кетай деяётганини ҳис қилди. Бундан атиги икки соат илгариги хурсандчилиги, шодлигининг ўрнини энди қандайдир ҳорғинлик эгаллаб олди. Энди Фриднинг ҳаёт-мамоти унинг кўлида эди.

Василега атрофида мавжуд бўлган ундан шубҳаланиш, гумонсирашлар назарида қандайдир даражада табиийдек, шундай бўлиши керакдек туюлди. Итоаткорлигу, газабланмаслик — унинг шиори бўлиб қолган эди. Бироқ шундай бўлса ҳам кейинги ҳафталарда қилган барча ишларини ўз ташаббуси билан, ҳеч кимнинг рағбатисиз амалга оширган эди. Шу билан унинг тушунчаси бирмунча вақт расмий доирадан ажралиб чиққанди. Тўғрироғи, Василе, ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида ҳаётини тиккан эди. У билиб туриб, онгли равишда одамларга ёмонлик қилишга қарор қилди. Бунинг учун ҳеч ким жавобгарликни ўз бўйнига олмайди, бутун масъулият фақат унинг устига тушиши мумкин эди. Мана шунинг учун ҳам Василе ўзини руҳсиз, шикаста бир ҳолатда ҳис қиларди. Бошлиқлар ундан ҳатто ақлга сиғмайдиган ишларни, шафқатсизликларни талаб қилган пайтларда у ўзини хотиржам тутарди. Чунки у фақатгина ижрочи бўларди-да. Қилаётган ишлари хусусида уни ўйлашга ҳеч ким мажбур қилмасди. Тўғрироғи, ундан ўйлаб ўтирмасликни талаб қилишарди. Чунки, ҳамма уни бирданига ўйлайдиган, дунёда яккаю ягона бир зот — фюрер мавжуд эди-да. Мана энди, Василе тўсатдан ўз қилмишларига жавобгарлиги бўйнига тушганини билганда ўзини сафдан чиққан, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада малъун, қабиҳ бир одам қиёфасида ҳис қила бошлади.

Василе бошини кўтариб бошқа ёнбошига ағдарилиб олди. Ёстиққа ўтириб қолган нафталин ҳидидан дами қайтиб кетди. Агар у мабодо кейинги икки йил мобайнида қилган ҳамма ишларининг тамоми жавобгарлик ҳиссини ўз бўйнига олиб туриб бажарганда, буларни қандай амалга оширган, уларга қандай ёндошган бўларди? Ёки бўлмаса ҳар бир қилмишини унинг оқибатини ўйлаб туриб қилиш имкониятига эга бўлганда, буларни қандай бажарган бўларди? Мана шу савол уни қийнар, оромини бузар эди. Шундай қилганда унинг кўзига оламдаги ҳамма нарса ҳозиргидай аниқ-рашан бўлиб кўринармиди? Шунда ҳам унинг қалбида умрбод сақлаб қоламан, деб қасам ичгани — ўша даҳшатли, совуқ хотиржамлик туйғуси ҳукмронлик қилган бўлармиди?

Василе бошқа ёнбошига ағдарилиб яна шкафга қаради. Шкаф бурчакда бепарво турар, эшикчаси бўлса Василе туриб қандай тепиб ёпган бўлса, худди ўша бўйи зич ёпилиб қолган эди.

Бундан бир неча ҳафта бурун Василе гурурланиб юрадиган ўз хотиржамлигини йўқотган эди. У ўзи ташаббус кўрсатиб баъзи бир қидирув, тергов ишларини қилди. Ана шундан кейин у ўйлаш, ўз-ўзига савол бериб унга жавоб қайтариш учун мажбур бўлиб қолди. Агарда ҳалиги сир — Фриднинг қилиғи ҳақида Шульцга бир оғиз шипшитсами, Шульц уни табриклаган бўларди. Шу билан бирга иккинчи қувурли ертўланинг хоналаридан бирида қудратли компрессор ҳаракатга келган ва қувур орқали бир неча юз босим билан отилиб кирган ҳаво бир одамнинг танасини тилка-пора қилиб ташлаган бўларди. Бу одам эса, албатта, Фрид бўларди. Василе Фридни ер билан яксон қилиш соатини жуда сабрсизлик билан кутарди. У Фриддан чексиз нафратланар, ўша уйқусиз тунларида ҳам уни қандай қилиб йўқотиш йўлларини ахтарган эди. Бироқ, уни йўқотишни ундан ҳеч ким талаб қилмас, бу фақат ўз шахсий орзуси эди. Шунинг учун ҳам жавобгарлик фақат ўз бўйнига тушарди. Василе, Фрид менинг ўрнимда ишлаганда ўзини қандай тутган, нима ишлар қилган бўларди, деб ўз-ўзига савол бериб кўрди. Эҳтимол, у тезлик билан ишни бошлаб юборган ва ўзини менга ўхшаб ҳар хил шубҳалар билан қийнаб, бошини қотириб юрмаган бўларди. Лекин Василе ҳамма вақт ҳам ўзини Фриддан ҳар жиҳатдан устун деб биларди. Василе Фриднинг ўзини йўқотиш, теварак-атрофдагилар олдида обрўсини тўкиш учун қилаётган пинҳона ҳаракатларини кейинги пайтда унда пайдо бўлиб қолган ичиқораликнинг, кўролмасликнинг натижаси, умуман, аблаҳликнинг

Ўзгинаси, деб ҳисобларди. Бировни кўролмаслик ўз руҳига ёт бўлгани учун ҳам Василе доим ўзини мана бундай майда пасткашликлардан баланд кўргиси келарди. Мана шулар, яъни ички ишлардаги фитна-фасодлар, ўзаро ифвогарликлар уни, ҳар бир одам «янги тартиб»нинг ҳамма амр-фармонларига бемулоҳаза бўйсунishi, унга фидокорона, содиқ хизмат қилиши лозим, уни муҳокама қилмаслик учун вужудидаги бор кучини сарфлаши керак, деган ақида қули бўлган Василени кейинги пайтларда жон-жаҳди билан машғул бўлгани — қидирув-тергов ишларини олиб боришга ундади.

Василе ирғиб ўрнидан турди-ю, ҳали тамоман ечинмаганини ҳам унутиб, тўғри совуқ душга бориб тушди. Кейин ҳўл бўлган кийимларини ечиб ташлаб, муздай совуқ сув остида бир неча дақиқа тикка турди. Совуқ сув унинг кайфиятини жойига келтирди. Сочиқ билан баданини қизариб кетгунча артаркан, ҳуштак билан маълум бир қўшиқни куйлай бошлади. У бу қўшиқни ўз тукқан онасидан ўрганган бўлиб, уни эслатиб турадиган яккаю ягона ёдгорлиги фақат мана шу қўшиқ эди. Шундан кейин руҳи анча кўтарилди. Бутун қилмишларини сарҳисоб қилиб бажарган ишлари кўнгилдагидек, аъло даражада эканлигига амин бўлди. Демак, у ўзини эришилган муваффақиятлар билан табриклар қўйса ҳам бўлаверади.

Василе Фрид мени қандай йўл билан бўлмасин доим ғафлатда қолдириш, жила курси қўлга тушириш ва шу йўл билан кўрқитиб олиш пайида юради, деган қатъий ишончда эди. Бу нарса зудлик билан унга қарши чора-тадбир излашга, пайти келиб қолганда Фриднинг ҳужумига қарши ҳужум билан, зарбасига лойиқ зарба билан жавоб бериш ёки бўлмаса бунга тайёр бўлиб туришга ундарди.

Василе Фрид Вольфнинг оиласи ҳақидаги маълумотларни ипидан-игнасигача сўраб-суриштириб чиқди. Кейин бу маълумотларни Фрид шахсий анкетасига ёзиб топширган фактлар билан солиштириб кўрди. Лекин Фриднинг мавқисини пасайтирадиган, обрўсини туширадиган бирон ишқал тополмади. Василе бу соҳадаги қидирув-текширув ишларини эндигина тўхтатмоқчи бўлиб турувди ҳамки, кичкинагина бир деталь унинг эътиборини тортиб қолди. У Фриднинг шахсий делосида унинг учинчи авлоди ҳақидаги маълумотлар тушириб қолдирилганлигини сезиб қолди. Делонинг охиридаги «эслатма» қисмида Фрид ўз қўли билан 1856 йилдан 1870 йилгача бўлган оилавий ҳужжатларни Сигишоарудаги лютеранлар черковига ўт тушганда ёниб кет-

ган, деб ёзиб қўйибди. Анкетада ижтимоий келиб чиқиши асл немис бўлган учта кишининг иловаси бор эди. Уларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Фриднинг катта бобоси тоза қонли немис бўлиб, унинг ихтиёрида кичкинагина дўкончаси ҳам бўлган. Бироқ гувоҳлардан биттаси ўз хатида унинг номини Вольф эмас, балки Вульф деб кўрсатибди. Мана шу кейинги ошиқча ҳарф уни текширишни тўхтатмасликка, ишни охирига етказишга ундади. Нима ҳам бўлди-ю, бир куни кечқурун Фрид навбатчиликка келиб қолганда Василе секингина улар уйининг яқинига борди. Кейин Вольфнинг ўз ишлари билан ташқарига чиқиб кетишини кутиб пана жойда беркиниб турди. Василе калитнинг қаерда туришини биларди. Вольф чиқиб кетгандан кейин секин-аста уйга кирди-ю, ўзини шкафга урди. Шкафда бутун оилавий ҳужжатлар солинган бир қутича бўлиб, Вольф уни ҳеч кимга ишонмас, худди кўз қорачиғидек сақларди. Калит қидириб вақтни ўтказмаслиги учун Василе қулфни бузиб қутичани очди ва унинг ичидаги қоғозларнинг ҳаммасини кўриб чиқди. Қутичанинг энг тагида сарғайиб кетган бир васиқа ётарди. Унда «1862» йил ёзилган бўлиб, Амадеус Вольфманнинг Богдан Петрашку деган бир деҳқондан ўн гектар ер сотиб олганлиги ҳақидаги маълумот кўрсатилган эди. Вольфлар оиласи бу ерга ҳали ҳам хўжайинлик қилишини Василе биларди. Василе ҳужжатни чўнтакка соларкан, у ёқ-бу ёққа қараб ҳамма нарса кўнгилдагидек эканлигига ишонч ҳосил қилди-да, секингина чиқиб кетди. Шундан кейин Василе Шульцга коммунистлар билан алоқа қилувчиларни текшираман, деган баҳона билан эртасигаёқ Сигишоаруга қараб йўл олди. У Шульцни, агар бу одамлар аниқлангудек бўлса, кўп жойларда анча-мунча одамни кўққисдан қамоққа олиб, бутун бошли бир ташкилотни тугатаман, деб авради. Шундай қилиб, орадан икки ҳафта ўтди-ю, Василе ўзининг тўғри йўлдан бораётганлигига янги-янги далиллар топа бошлади. Ҳамма нарса жойида эди, фақатгина битта нарса етмасди. Бу ҳам бўлса Амадеус Вольфманнинг яҳудий эканлигини исботлайдиган ҳужжат, гувоҳ топилмасди. Фриднинг буваси ҳақида гувоҳлик берган ҳалиги қариялар эса ёзган тушунтириш хатларига ҳеч қандай қўшимча қилишолмади. Кейин Василе бу тўғрида кимлар билан гаплашган бўлса, ҳаммасини оғзингдан гуллайсан, мабодо бирон оғиз бўлса ҳам бу тўғрида бировга оғиз очиб қўядиган бўлсаларинг ажалинг қўлимда, ўша заҳоти у дунёга жўнатаман, деб кўрқитди ва ҳеч нарса демасликларига қасам ичирди.

Василе шунча вақтдан буён немислар билан алоқа қилиб келгани учун уларнинг табиатларини яхши биларди. Шунинг учун уларнинг лафзига ишонди. Иккинчидан, гестапо номи билан кўрқитди. Гестаподан бўлса, уларнинг қандай зир титрашини биларди.

Василенинг хаёлига тўсатдан яна бошқа тахминлар кела бошлади. Агар унинг бу тахминлари тўғри чиқса борми, Фридни сувга обориб, суғормай олиб келган бўларди-я. Василе черков архивидан қавмларга қарашли бўлган ҳамма Вольфларни бир чеккадан текшириб чиқиб, ниҳоят қидирган нарчасини топди. Бир ерда Амадеуснинг хотини никоҳ муносабати билан эрининг фамилиясига ўтганлиги кўрсатилган эди. Бироқ Амадеуснинг фамилияси на никоҳланганлар, на тугилганлар қайд қилинадиган дафтарчада бор эди. Унинг фамилияси фақатгина Амадеус Вольф номи билан ўлганлар қайд қилинган дафтарчага киритилган эди. Демак, у ё лютеранлар мазҳабига ўтгану, фамилиясини ўзгартирган, ёки бўлмаса ижтимоий келиб чиқиши ҳақиқий немису, бошқа черковда никоҳдан ўтган. Афғидан, текширишлар худди боши берк кўчага кириб қолганга ўхшарди. Лекин шундай бўлса ҳам Василе бўш келмади, қийинчиликлар олдида таслим бўлмади. У ҳар хил уюшмаларнинг рўйхатини синчиклаб кўриб чиқди. Василе рўйхатлардан биронтасида ҳам Амадеус Вольфманнинг номини учратмади-ю, бироқ биттасида кўнчилар уюшмаси устасининг ўғли Богдан Петрашкунинг номини топиб олди. Богдан Петрашку ўз аризасида бир вақтлар “Яҳудий Амадеус Вольфман томонидан алдамчилик, қаллоблик билан тортиб олинган” ота ерига эгалик қилиш ҳуқуқини олиб беришни талаб қилган эди. Бироқ Богдан Петрашкунинг судга берган аризасини етарли далил-исбот деб бўлмасди. Уни қайтадан аллақандай бир румин томонидан немис бўлган киши шаънига ҳақорат деб қабул қилиш ҳам мумкин эди. Василе ўз тахминларининг тўғрилигига шу даражада ишонардикки, ҳатто у, черков дафтарчасидаги «Амадеус Вольф» деб ёзиб қўйилган жойнинг тўғрисида уни яҳудийлар мазҳабидан ўтди, деб ёзиб қўйса бўлади, ана шундагина буни ўқиган одам Богдан Петрашкунинг шикоятни замирида бир гап бор бўлса керак, ахир Амадеус Вольф яҳудий экан-ку, деган шубҳага бориши мумкин, деб ўйлади. Кейин у гестапонинг лабораториясида текшириб кўриш учун дафтарчадан бир неча ҳарфни пичоқнинг тиғи билан қириб олди. Текширишдан кейин Василе худди шундай сиёҳ топиб келишларини талаб қилди. У Сигишоаруга кейинги

борганида черков дафтарида кўришни жон-дили билан хоҳлаган сўзларни ўз қўли билан ўша ерга ёзиб қўйди.

Василе энди бахтиёр эди. Бироқ бу бахтиёрлиги узоққа бормади, тўсатдан кўнгли озиб кетди. У сурункасига тинимсиз ишлаши ва кўп кунлаб уйқусизлик ҳолатига тушиб, тунларни бедор ўтказиши натижасида ўзини тинка-мадори қуригандай бир ҳолда ҳис қиларди. Устига-устига, Василе ҳақиқий архив ходимига ўхшаб чорбоғ ҳам, подвал ҳам қолмай ҳар хил қоғозларни жон-жаҳди билан титкилайверганидан кўнгилини беҳузур қилувчи ўтириб қолган ғалати бир ҳиддан фориг бўла олмаётган эди.

У яхшилаб душга тушиб, ўз қора мундирини кийиб олгандан кейингина кайфияти жойига келди, кўнгли ёришди. Соатига қараса, ҳали саккиз ҳам бўлмабди, вақт эрта. У қаёққа боришини билмай хонада у ёқ-бу ёққа одимлай бошлади. Василе қорин мускуллари бўшашиб бир оз нафасни сиқаётганини сезиб қолди. Ҳа, шунча вақт жисмоний машқдан қолиб кетгани ўз кучини кўрсатибди-да, у клубга боришга, агар ўзига муносиб рақиб топилиб қолгудек бўлса, у билан сулайиб ҳолдан тўйгунча бокс тушишга қарор қилди.

13

Василе кўчада бамайлихотир борарди, ҳозир у одамлар ичидан юриб, чор атрофида уларнинг ғовур-ғувурини эшитиб ҳузур қиларди. У роҳатланиб тоза ҳаво симирарди. Василе ҳалиги шкафнинг очиқ қолган эшикчаси ғашига қай даражада текканини, кейин Фрид билан бўладиган муносабатларда тортадиган қандайдир виждон азобларини ўйлаб кулиб юборишига сал қолди. У олдидан ўтиб кетаётган хотинларни кузатишга қарор қилди: агар ёнидан ҳадеб чиройли аёллар ўтаверса, бу омадининг юришгани, ишининг ўнгидан келгани. Василе ўйинчоқлар магазини олдига келиб тўхтаб қолди. Витрина ёритилмаган, лекин шундай бўлса ҳам қизил қўғирчоқлару, ёғочдан ясалган қўпол ўйинчоқларни бемалол кўрса бўларди. У ёшлигида конькиси бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Бироқ ота-онаси унга коньки олиб беришмаган, шундан кейин туғилганидан ўзи боқиб катта қилган бир овчаркасини занг босган конькига алмашган — мана шу конькини ботинкасига сим билан чандиқлаб ўраб роса яхмалак отган эди. Василе нима учундир витринага қўйиб қўйилган ялтироқ конькини кўрди-ю, шуларни эслаб мийиғида кулиб қўйди. У магазиннинг пештахтасига қаради. «Ўйинчоқлар ва спорт мол-

лари магазини» деб ёзиб қўйилибди. Кўча тарафга ўтирилган эди, кўзига қандайдир таниш башара кўринди. Бу Дортмут эди. Уни бир эсэсчи солдат етаклаб келарди. Василе бу солдатни таниди, у Фриднинг қўл остида хизмат қиларди. Василе Дортмутни севмаса ҳам уни қиладиган ишлари ўзига беш қўлдек маълум бўлган бир солдатнинг қўлтиғида кўриб, ундан нафратланиб кетди. «Ифлос, ким тўғри келса, этагини кўтаришга тайёр», деб қўйди ўзича.

У бошқа кўча билан кетмоқчи бўлган эди, бироқ ихтиёрига қарама-қарши уларга эргашди. Чунки буларнинг қаерга кетаётганини билиш унга мароқли эди-да. Кўчанинг ғира-шира қоронғилиги ўзини сездирмаслигига имкон туғдирарди. Биринчи муюлишдаёқ маълум бўлдики, ошиқ-маъшуқлар клубга кетишаётган экан. Шундан кейин у ҳам тор кўчани кесиб ўтиб йўлни қисқартирганча ўша ёққа шошилди. Василе ўзини янги мундирда кўргандан кейин Дортмутнинг қандай ҳолга тушишини кўргиси келаётган эди. Ахир, улар Дортмутнинг уйида ўша кўришгандан буён ҳали учрашишмаган эди-да.

Клубда одам кам эди. Солдатлар ресторанида ярим жой бўш, офицерлар салонида эса, фақат бир нечтагина стул банд. Василе тўппа-тўғри пивохонага кириб борди-да, аввал коньяк буюрди, кейин битта лимонни стаканга сиқиб, унинг нордон сувини майда қўлтумлар билан ютиб ўтирди: чунки, жигарим лат еб қолмасин тагин, деган хавотирда эди. Атрофга диққат билан тикилиб, қоронғи бурчакда аввал Фридни, кейин Ганс билан Карлни таниди. Ҳали ёши етмаганиданми, ё бошқа бирон сабаб биланми, ҳартугул Карл ҳалигача ҳам «Дейчеюгенд»да эди. Василе уларнинг олдига бориб қўл бериб сўрашди. Бу учрашувдан фақатгина Карл мамнун бўлди, бошқаларининг қовоғидан қор ёғилиб турарди. Василе столга ўтириши билан уларнинг мулозмати кутиб ўтирмай яна коньяк буюрди.

— Ишларинг қалай, Карл?

Карл Василега отини атаб жавоб беришини ҳам, катталар билан муомала қилганда мактабда ўқитишганидек унвонини айтиб жавоб беришини ҳам билмасди. Кейин ўйлаб туриб отини айтиб гаплашишни лозим топди, ахир улар аслини олганда мактабдош-ку.

— Яхши, Силе. Ойим доим сени сўрагани сўраган. Сенинг қоматинг мафтун қилиб қўйганини айтади. Ойим ҳамма нарсага қизиқсиниб юради... — Карл гапнинг мазмуни бошқа ёққа бориб тақалишини сезиб, довдираб қолди: ахир, нима бўлса ҳам ўз туққан онаси ҳақида гапирётганди-ку. Кейин сир бой бермас-

лик учун: — Нега бунақа қовоқларинг осилиб кетди? — деб сўради Фрид билан Гансдан, уларнинг кўзларини ерга тикиб ўтиришганини кўриб.

— Кейинги пайтларда ичкиликка ружу қилиб қолдинг, — деди Ганс Василега Карлнинг сўроғига жавоб беришдан қочиб.

— Барибир бориб-бориб бир куни отанг ясаётган тобутлардан бирининг ичига тушаман-да. Шундай экан, нега ичмайин? Ичиб қолиш керак, — жавоб берди Василе жилмайиб.

— Ўзингни жудаям каттакон деб ўйлайсан-да, — тўнғиллади Ганс, — бироқ отдан тушиб қоладиган кунингга ҳам озгина қолди.

— Шундай бўлса-ку, суюнганингдан терингга сифмай кетардинг-а, лекин бахтга қарши бундай бўлмади, Ганс.

— Нима бўлди сизларга ўзи, жинни-минни бўлиб қолди-рингми?

— Силе, худди мен айтгандек бўлади.

— Ганс, унтерфюрер билан шундай гаплашадими?

— Биз ҳозир хизмат жойимизда эмасмиз, — зарда билан жавоб қайтарди Ганс.

— Фрид, кўринишингдан дунёдаги ҳамма қайғу фақат сенинг бошингга тушганга ўхшайди, нима бўлди сенга?— сўради Василе истеҳзо билан.

— Биз ҳақиқий тергов, оғизга олса арзийдиган ишлар қачон бошланишини зориқиб кутяпмиз, Силе, сен нима учундир текширишларни чўзиб юбординг, — деди Фрид энди Василенинг юзига тик қараб.

— Ташвиш тортма, дўстим, яқин орада бошлаймиз. Ҳатто хоҳласанг эртагаёқ. Ташвишлар бари тугади.

— Шульц бу тўғрида ҳеч нарса билмайди.

— Сени штандартенфюрер Шульц билмаган нарсалар ташвишга соляптими ёки бўлмаса, ўзинг билмаган нарсаларми?

— Мен чинакамига ишга киришганингнинг гувоҳи бўлмоқчиман. Назаримда, доим сен кучли бўлиб келгансан, тан оламан. Нега тиржаясан?

Ўз бошлигининг кулгиси Фридга мутлақо ёқмаган, у Василе қилган терговни эшитиб турганимни сезиб қолганга ўхшайди, деб шубҳаланаётган эди. Чунки Фрид бундан кейин ҳам унинг ҳар бир қилмишини текшириб, назорат қилиб ўтириши мумкин эди-да. Унинг нинани устида ўтиргандек типирчилаб қолишининг сабаби ҳам шунда эди. У Василенинг саросималаниб, ночор бир аҳволга тушиб қолишини жуда-жуда кўргиси келарди. Чунки Фрид Васи-

лени назарида ёлғиз ўзи бирон иш қилишга лаёқати йўқ, мустақил бир қарорга келолмайдиган заиф одам деб биларди. Бироқ унинг ҳозирги кулгиси, истеҳзо билан кеккайиб қараб туриши бунинг аксини кўрсатиб турарди. Агар Василе ҳозирги ҳолатда ўзини эркин, бемалол тутиб тураверадиган бўлса, Фрид мутлақо кула олмас, лабига кулги келмас ҳам эди. Василе бақувват эди, буни Фриднинг ўзи жуда яхши биларди. Агар мабодо яккама-якка чиқиб қолинадиган бўлса, унга қарши ҳеч нарса қила олмасди. Бироқ шундай бўлса ҳам Фриднинг қўлида муайян дасталари бор эдики, мабодо у булардан маҳрум бўлиб қолгудек бўлса, Василе уни шафқатсиз равишда мажақлаб ташлаган бўларди. Фрид Василе билан ҳар сафар гаплашганда юрагига қўл солиб бирон нимада илтириб олишдан аввал ўзининг шахсий ҳадикларига, шубҳаларига жавоб олишга интиларди, интиларди-ю, лекин мужмал гап қилиб ҳамма вақт ўртада ўтиб бўлмас ғов, тўсиқ пайдо қиларди. Бу суҳбатларда Фрид савол бериш билан эшилиб кетиб кўнглидагини қанчалик сайраб юбормасин, барибир Василени ипсиз боғлаб қўйишга эҳтиёж сезар ва у томондан бўладиган ҳар хил чақувларнинг олдини олиб қўярди. Шунинг учун у бўлиб ўтган ҳар бир суҳбат ва ундаги гапирилган гаплар ҳақида биринчи бўлиб Шульцга батафсил маълумот бериб қўйишни ўзининг бурчи, деб ҳисобларди. Фрид Василе ўзига мутлақо ишонмагани сингари, у ҳам Василега ишонмасди. Шунинг учун Василенинг ҳар бир суҳбатимиздан кейин Шульцга берган ёзма маълумоти мен унга бу ҳақда маълум қилиб қўйганимдан кейингина келади ва у, табиий, ўз мақсадига эриша олмайди, деб ўйларди.

— Сизлар чиндан ҳам ақлдан озибсизлар. Ахир бир-биринг билан жонажон дўст эдиларинг-ку, — деди Карл вазиятни юмшатиш учун. Бу билан у ҳаммалари тенг, ўйнаб-кулиб юрган мактабдаги ҳаётларини эслатди.

— Биз ҳеч қачон дўст бўлмаганмиз, Карл. Ўша яқинлигимиз мана шу даражага келишимизнинг куртаклари эди. Эҳтимол, биз бунга тезроқ эришиш учун ортиқча ғайрат қилиб юборгандирмиз, — деди Фрид.

— Шошманглар, шошманглар. Рудольф ҳақидаги гапни эшитдингизларми? — ҳайқириб юборди Карл. Унинг ўзиям аслида клубга мана шу янгиликни айтгани келганди-ю, ҳозир эсидан чиқариб ўтирганди. Карлнинг паришонхотирлиги унга кўпинча қимматга тушиб турарди.

— Рудольфга нима бўпти? Германияга кетган, — жавоб берди Фрид.

— Германияга кетишга-ку, кетган-а, лекин Германияга етиб боролмапти. Ота-онаси билан Швейцарияда қолибди.

— Рудольфнинг ўзи бориб турган сафсатавоз эди, — деди Ганс.

Бу гап ҳаммани чуқур таажжубга солди. Карл буни ўз уйида эшитган бўлиши мумкин, афтидан, ичидан тўқимаётганга ўхшарди.

— Карл, ёлғон гапирмаяпсанми? — сўради Фрид.

— Худо урсин агар. Ахир ўша ёққа кетиб қолишади деб ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам киргани йўқ. Ойисининг кўзи оғрирди. Даволаниб олиш учун ўша ерга кўнишган экан. Шундан кейин қолиб кетишибди.

— Эҳтимол, даволаниш чўзилгандир, Карл. Ахир, унинг отаси ҳақиқий немис-ку.

— Худди шундай. Ойисининг даволаниши чўзилганига менинг ҳам ишончим комил. Сен эса, Карл, шов-шув кўтарма. Бунинг бизга фойдасидан кўра зиёни кўп бўлади. Сенга ҳам! — деб Василе столдан турди. Бошқалар ҳам туришди. Оғайниларининг тарқалишаётганини билган Карл, олазарак бўлиб, ҳаммадан кейин турди.

— Силе, демак, сизнинг фикрингизча... Фрид!

— Карл, яхшиси уйингга бориб, тухум босиб ўтир. Бу иш хавфсиз, ундан ташқари сенга ўхшаган она сути оғзидан кетмаган гўдакларга ярашадиган иш, — минғирлади Ганс. Ҳалиги янгилик унинг кайфиятини бузиб, маъюс бир ҳолга солиб қўйган эди.

Спорт залидан қийқирик, шодлик садолари келиб турарди. Василе ўша ёққа қараб кетди. Ганс билан Фрид ҳам унга эргашишди. Кўнгли оғриган Карл бўлса, пальтосини кўлига олганча уйига жўнади.

Василе рингда Дортмут билан бирга келган ҳалиги солдатга кўзи тушди. У ўнг кўли билан тўғридан зарба бериб, ўзининг мутлақо тажрибаси бўлмаган рақибини иккинчи марта қулатди. Василе атрофга аланглади. Қизариб-бўртиб кетган Дортмут қарсак чалар ҳам хурсанд бўлганидан бир оёғида сакрарди. Василенинг эски танишларидан бир нечтаси уни кўриб қолишди-ю, рингга чиқишини илтимос қила бошлашди. Устози эса қаршилиқ кўрсатди. Шундан кейин Василе устозини четга сурди-да, негалигини ўзи ҳам билмай солдатга жилла курса бир раунд жанг қилишга розилик сўради. Солдат атрофдагилар кўрқоқлик қилди

деб ўйлашмасин, балки, янги севгилимнинг кўзи олдида офицер устидан ғалаба қозонарман, деган умидда розилик берди. Ана шундан кейинги содир бўлган воқеа бир одамни фақатгина юмалоқ-ёстиқ қилиб калтаклашнинг ўзгинаси бўлди. Василе ҳатто кийинаётганда ҳам ўз рақибини нима сабабдан шу даражада шафқатсиз калтаклаганини ўйлаб ўйига етолмасди. Эҳтимол, Дортмутга аччиқ қилдими ёки бўлмаса асаб таранглигини ёзиш учун шундай қилдими — буни унинг ўзи ҳам билмасди. Василенинг таъби тирриқ бўлиб кетди. У солдатнинг кўзларида мағлуб рақибнинг ҳали ҳам аллақандай мўъжиза содир бўлишидан умидвор бўлган ожиз кўз ёшларини кўрди. Василе солдат билан бокс тушмади, балки уни пийпалаб урди, майиб қилди. Биринчи қарашдаёқ Василега солдат ҳам техник, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзининг тенги эмаслиги равшан бўлган эди. Лекин бунга қарамасдан солдатга қарши бокснинг энг нозик усулларини қўллади, рақибини бор кучи билан урди. У рингдан тушаркан, рингнинг ёнгинасида турган Фриднинг ранги докадай оқариб кетганини кўрди.

Василе сочини тараб ечиниш хонасидан чиқиши билан ёнидан Дортмут ўтиб кетди. Бу сафар юзлари таниб бўлмас даражада моматалоқ бўлиб кетган, ҳали ҳам қон оқаётган ўз севгилисини ушлаб олган эди. Дортмут ўзини ўнғайсиз аҳволда сезаётган Василе томонга қайрилиб қарамади ҳам. Ахир, у ўзини ҳимоя қила олмайдиган бир одамни дабдала қилиб ташлаган, урганда ҳам қандайдир иштиёқ, ҳавас билан шафқатсизларча урган ва ҳар бир урганда ҳузур қилган эди. Василе кўчага чиққандан кейин чуқур хўрсинди. Худди шу пайт у яна Дортмут билан бетмабет келиб қолди. Унинг солдати бўлса деворга жонсиз суялиб турарди.

— Қандайдир ташландиқ бир оқсочни уришга ҳар ҳолда қўлинг бормаса керак?

Дортмутнинг туширган тарсакиси Василени гангитиб қўйди. У нима қиларини билмай, оёғини зўрға кўтариб босаётган солдатни қайишиб-майишиб етаклаб кетаётган Дортмутнинг орқасидан узоқ қараб қолди.

Василе бир оз дам олиб кайфиятимни чоғ қилиб келаман, деган ниятда уйдан чиққан эди. Энди бўлса, уйга маст бўлиб, ҳар хил бўлмағур ишлар қилиб қўйгану, кайфи тарқагандан кейин ўз қилган қилмишларидан пушаймон еб, хижолат тортаётган одам қиёфасида қайтиб келди.

Очиқ ҳавода юлдузлар чарақларди. Ҳаво совуқ бўлгани учун ҳам юлдузлар янада чарақлаётганга ўхшарди. Эшиклар остида қор ғарчиллайди. Қадамлар баравар ташланаётгани учун шинелларнинг тугмачалари камарларга қуруқ, лекин бир маромда уриляпти. Василе ва унинг шериклари бўйинларига осиб олган автоматлар ҳам бараварига тарақ-туруқ қилиб кетяпти.

Василе ҳамма вақт уйига борганида кўпинча ўнғайсиз ҳолга тушиб турарди, лекин унда ҳеч қачон биров билан илгари ўтказган аламлари учун ҳисоб-китоб қилиб қўйиш, тўғрироғи, ўз шахсий ўчини олиш туйғуси бўлмасди. Унинг орқасидан Фрид билан Ганс, уларнинг кетидан эса, иккита солдат келяпти — буларнинг гуруҳи мана шунинг ўзи. Албатта, Василенинг ўзи икки солдатни ёнига олган ҳолда уч кишилашиб бўлса ҳам ўйланган операцияни бемалол бажариши мумкин эди. Бироқ Шульц бу операцияда Фрид билан Ганс ҳам иштирок этсин, деб буйруқ берди. Бу гап Фридан чиққанлигини, Фрид илтимос қилгандан кейин Шульц ҳам йўқ деёлмай буйруқ бериб юборганини Василе биларди.

Василе ўткинчилардан биронтаси ўзини таниб қолмасликларини жуда-жуда хоҳларди. Шунинг учун атрофига алангламай тўғрига қараб кетишга интиларди-ю, барибир беихтиёр, ўзи билмаган ҳолда бировдан қўрққандек ён-верига аланглаб қоларди. Муюлишда баққоллик дўкони бор эди. У кичкиналигида бу дўконга қанчалар зув югурган, ҳисоби йўқ. Бу дўкондан ҳозиргидай ўшанда ҳам шаҳарни яқин қишлоқлар билан туташтирадиган автобусларни кутаётган ишчилар чиқиб турарди. Буларнинг ичидан ҳозир Василе баъзиларини таниди. Улар бир оз қариган бўлсалар ҳам, лекин сезиларли даражада ўзгармаган.

Гарчанд Василе хотирасида отаси кечагина ўлгандай, бунинг учун у томчи қони қолгунча уни ўлдирганлардан ўч олишга қасам ичган бўлса ҳам ҳозир тутиб келиш учун кетаётганлари коммунист ёки коммунистларга хайрихоҳ деб мўлжаллашган одамлар аслида коммунистларга мутлақо алоқаси йўқ одамлар эди. Уларнинг шундайлигини Василе барибир юрагининг ички бир ерида чуқур ҳис қилиб турарди. Шунинг учун у қалбидаги бу одамларга нисбатан бўлган кўнгилчанлик ҳиссини йўқотиб, унинг ўрнида, жила курси улардан нафратнамо жирканишга ўхшаган бир туйғу пайдо қилишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ қалбида қаҳр-ғазаб жўш уриши ўрнига кулинч ҳол, ўнғайсизликдан бўлак

ҳеч нарса сезмади. Василе Фриднинг шубҳа билан назар ташлаб турганини кўнгли сезди. Қараса, у ростдан ҳам кўз қири билан уни кузатиб турарди.

— Жаноби унтерфюрер, ноқулай вақт танлаганга ўхшайсиз, — деди Фрид.

— Нима, кўрқяпсанми?

— Ахир, халқ...

— Менинг буйруғимсиз ҳеч кимга ўқ узмайсанлар, фақатгина ноилож қолгандагина қурол ишга солинади.

— Жаноби унтерфюрер, уставда бошқа нарса кўрсатилганку.

— Сизлар учун мен устав! Фрид, оғзингни юм!

Агар бу гап кундузи бўлганда эди, Фрид Василенинг бир оз қизариб кетганини кўрган бўларди. Аслида герман давлатини ҳимоя қилиш йўлида қўлланилган ҳар қандай усул, чора муқаддас эди. Ўз хизмат жойида турган ҳар бир кимсанинг олдига қўйилган мақсад сари етишига ёрдам берадиган ҳар қандай йўлни танлаши унинг ўз ихтиёрида бўлади. Бундай ҳуқуқ борлигини Василе ҳам, бошқалар ҳам жуда яхши билишар, бу тўғрида уларга қўп марта уқтиришган эди. Василе шоввозларнинг жанговарлик гайратлари қуюшқондан чиқиб кетмаслиги учун уларга ҳушёр бўлиб туриш керак, деб ўйлади.

— Штандартенфюрер Шульц бўлганда, у сизга ўхшаб, эҳтиёткор бўлиб ўтирмасди, жаноби унтерфюрер.

— Биз босиб олинган мамлакатда эмасмиз.

— Лекин қул қилинган мамлакатдамиз. Бунинг фарқи йўқ, — гапга аралашди йўл бўйи миқ этмай келган Ганс.

Кейинги пайтларда герман ва румин давлатлари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар, шартлар ҳаддан ташқари бўшашиб кетган эди. Бундан икки йил муқаддам ҳозиргига ўхшаш босқинчилик ҳолатлари маҳаллий сигуранцларнинг вакилисиз мутлақо амалга оширилмасди, агар бўлган тақдирда ҳам орада жанжал кўтариларди. Энди бўлса, сигуранцларнинг ихтиёри гестапонинг қўлида бўлиб қолди. Эсэсчилар бўлса, ҳеч кимга маълум қилмай туриб маҳаллий аҳолини оммавий равишда қамоққа оляпти. Сигуранцлар буларни фақатгина қайд қилиш билан машғул бўлар, қамоққа олиш ҳақидаги буйруққа эса индамасдан олдинги кун санасини қўйиб имзо чекканча сукут сақлар ва бу ишлардан гўё ўзларини беҳабар бўлгандек қилиб кўрсатишарди. Ҳаётда нималардир ўзгарган, лекин ўша ўзгарган нарсалар нима ўзи? Василе буни ҳеч қаердан била олмасди, чунки дунёда бўлаёт-

ган ҳамма ҳодисалар сукут қалъаси ичида яшириниб ётарди. Василенинг қўлида фақат расмий маълумотларнигина босиб, шу билан кифояланиб қўя қоладиган баъзи немис газеталари ва ҳеч қачон ўзгармайдиган маълум ахборотлардан бўлак ҳеч қанақа манба йўқ эди. Немис қўшинларининг Сталинград остонасидаги мағлубияти ва унда немисларнинг катта талафот бергани ҳақидаги гап бир кун келиб Василенинг қулоғига чалинганда, у буни ёлғон сафсата деб ҳисоблади. У бутун Европани деярли биттаям жангсиз мағлуб этган армиянинг — немис армиясининг тўсатдан шундай катта талафот берганига, йўқотишга учраганига мутлақо ишонмади. Бу ташвиқот, ташвиқот бўлгандаям коммунистларнинг ташвиқоти шундай гап тарқалиб кетишига фақат улар айбдор. Лекин илғаб, тутиб бўлмас ўша қурма-гур «нимадир» деган сўз барибир калласида чарх урарди. Бу сўз Василега гарнизоннинг қай ҳолатда шошилинич фронтга жўнатилганида, гестапода содир бўлган бошлиқларнинг ўзгаришида, ҳатто оммавий равишда немис деб аяб ўтирилмай халқ орасида ўтказилган қамоққа олишларда ўз таъсирини, ҳукмини ўтказиб турди. Ҳеч ким фюрернинг дабдабали нутқларида эълон қилган нарсаларидан бўлак ҳеч нимани билишмасди. Худди мана шу ваъзларда фронтдаги йўқотишлар хусусида бир оғиз ҳам сўз бўлмаган, эслатилмаган эди-да. Яна қизиги шу ердаки, шаҳарнинг марказига осиб қўйилган каттакон харита бир куни кечаси ўзидан-ўзи йўқолиб қолди, унинг ҳар ер-ҳар ерига байроқчалар қадаб қўйилган бўлиб, бу немис армиясининг «ғолибона юриши» натижасида босиб олинган ерларни билдириб турарди. Унинг ўрнига деярли худди ўшандай катталиқдаги лавҳа осилиб қолибди. Унда бошдан-оёқ мажбурий буйруқлар ёзилган эди, эҳтимол фронт мустаҳкамлангандир, шунинг учун баъзиларнинг бебош бўлиб кетмасликларининг олдини олиш мақсадида...

Бу ваз Василенинг ўзига ҳам шу даражада ишончсиз, асоссиз бўлиб кўриниб кетдики, ҳатто у фикрини ниҳоясига етказмай қўя қолди. Йўқ, унинг ишончи комил, барибир Германия ғалаба қозониши керак. Улар яқин орада Москванинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги битимга имзо чекилган ахборотни газетадан ўқишади. Василе мана шуларни ўйлаган ҳолда «Кўркам кўча»га бурилди.

У бу кўчадан боришни бекорга истаб қолмаган эди. Василе ҳеч кимсанинг кўзига қўрқоқ бўлиб кўринишни, бировларнинг миш-мишлар тарқатишига имконият яратиб беришни мутлақо истамасди. Тинтув ўтказиш учун танланган вақт ўзига жуда қулай

бўлиб кўринарди. Биринчидан, у бу вақтда ўртоқларининг ҳар хил бемаъни хатти-ҳаракатларини тийиб қўйиш имкониятига эга бўлади, иккинчидан, агар собиқ қўшнилари буни ўз кўчаларидан кўчиб кетганини унинг мағлубияти ҳисоблаб юришган бўлса, у хоҳласа эски жойига мутлақо бошқача қиёфада кириб кела олиши мумкин эканлигини уларга кўрсатиб қўймоқчи ҳам эди. Фақат бир фикр — Павел билан учрашиш фикри Василенинг қалбида чуқур нафрат кўзғалишига сабабчи бўлди. Василе шу топда ақлининг тиниқ ишлаётгани, масалага совуққонлик билан хотиржам муносабатда бўлаётгани худди одамни овутидиган, тинчлантирадиган ҳар қандай дори-дармондан ҳам зўр келиб, қалбидаги ҳар хил ҳиссиёт, сезгиларни сиқиб чиқараётганини ҳатто жисмонан ҳис қилиб қолди.

Будканинг ёнида бир тўда болаларга қўшилиб Ионуц ўйнаб юрарди. Василе уни кўриб чақирган эди, келмади. Ионуцнинг қайсарлиги, бирон нимадан норозилиги Василени Фриднинг олдида ғалати аҳволга солиб қўйди. Чунки Фрид Ионуцни Василенинг укаси эканлигини биларди-да.

— Бу ерда обрўйингиз йўқ экан, сизни сийлашмас экан, унтерфюрер, ўз-ўзимиз ҳаракат қилишга рухсат берарсиз?

— Фрид, биз икки гуруҳга бўлинамиз. Сен Денешникига борасан. Ҳув анови бурчакдаги уй. Мен билан Ганс, Гюнтер мана бу ёққа борамиз, — топшириқ берди Василе ёнидаги уйни кўрсатиб, — ҳозир энг қулай пайт. Бироқ шу вақтда келиб тинтув ўтказишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмади.

Фрид оғзидаги папирос қолдиғини туфлаб юборди. Автоматнинг затвори шиқирлади.

Павелнинг ойиси (отаси сафарда эди) аввал Василе меҳмонга келди, деб ўйлаб гирдиқапалак бўлиб кетди. Бир вақтлари Василе уларникига бирон нима сўраб тез-тез келиб турар эди-да. Энди-чи, уйдан кетгандан буён остонасига қадам босгани йўқ. Аёл чой қайнатаман деб плитага мис қумғонни қўяётган пайтда Василе Ганс билан солдатга бир ишора қилди. Улар шундан кейин Павеллар оиласи истиқомат қиладиган яккаю ягона хонани ағдар-тўнтар қилишга тушди.

— Ҳали шунақага келганмидинг, Силе? — деб юборди Павелнинг ойиси чойнакка кўллари қалтираб қайнаган сув солишга уринаркан.

— Назарингда аталангнинг таъмини тотгани келди, деб ўйлаганмидинг? Ичаман десам, ҳақиқий қаҳванинг ўзи ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Василенинг нима мақсадда келганини унинг эшикдан кирганидаёқ пайқаган Павел эшикнинг олдидаги стулга хотиржам ўтириб олди. Ганс уни автомати билан унинг бурчагига обориб кўйди-ю, уйдаги бор нарсаларни силкитиб кўра бошлади.

— Жудаям қойил, ўзингга мос иш топиб олибсан, Силе. Агар отанг тирик бўлиб сенинг мана шу нухангни бир кўргандами, жуда ажойиб бўларди-да.

— Ўчир овозингни! Мен сен билан ади-бади айтишга келганим йўқ бу ерга.

Василе лавлагидай қизариб кетди, унинг боши қотиб қолган эди. Бақирмаслиги керакмиди, ё бўлмаса ёшлигида кўп ёрдами теккан бир аёлни ҳақорат қилмаслик лозимиди, билолмади. Эҳтимол, шу топда унинг бир ўзи бўлганда, ўзини бошқачароқ тутган бўларди. Лекин энди бўлар иш бўлди, кейин бориб ўзи тўғрисида ҳар хил миш-мишлар тарқалишига имконият яратиб бермаслиги керак. Ахир у хизматда, демак, шундай бўлгандан кейин ўзини ҳам шунга мувофиқ тутиши керак-да.

— Силе, сен қидираётган нарса менда йўқ, — хотиржамлик билан жавоб берди Павел бурчакда туриб.

— Бунга ўзимиз қаноат ҳосил қилишимиз керак.

— Менинг сўзларимга ишонаверишинг мумкин.

— Икки турли фикрдан фақат биттасидагина ҳақиқат бўлиши мумкин, шунда ҳам сен тарафдор бўлган фикрда эмас.

— Менинг фикрларимни қоғозларни ахтариб тополмайсан. Улар бошқа жойда. Мен уларни ҳеч қачон ёзмаганман.

— Павел, ўзингни жудаям билармон қилиб кўрсатаверма. Биз ҳали сен фикрларингни яширган ўша жойларни ҳам топиб борамиз. Юрагингдаги бор нарсани қандай қилиб қоқиб олишимизни кўрасан ҳали.

Василе ўйлагандек бўлди: улар ҳатто полни очиб кўриб ҳам ҳеч нарса топишолмади. Кейин у чордоқни қарашга буюрди. Ганс томга чиқиб кетди, солдат бўлса, ҳар эҳтимолга қарши деб, нарвонни кўриқлаб турди. Павелнинг онаси дуб ёнғоғидан тайёрланган қаҳва солинган қоғоз халтани ушлаганча ўчоқ олдида сўррайганча қотиб турарди. У юм-юм йиғлар, уларга ҳеч қандай қаршилиқ қилмасди. Тахтани бузиб полни очишган пайтда куюқ чанг кўтарилди. Василе аксириб юборди.

— Венгер қизингнинг ҳоли қалай, Павел?

— Сени нима ишинг бор?

— Муносабатларинг ишқий оҳ-воҳдан нарига ўтдими, йўқми, шуни билмоқчиман, холос.

— Буни ўзим биламан.

— Мен сенинг ўрнингда бўлганимда баланд дорга осилмаган бўлардим. Шунда яхши бўларди. Венгер бўлса ҳам жуда чиройли-да.

— Дарвоқе, венгер қизининг сенинг номинга қараганда юз чандон соф ва исми жисмига монанд номи бор.

— Менга хуш келадиган яна қандайдир бошқа жозибали нарсалари ҳам бор эди, шекилли.

— Шу гапларни оймнинг олдида айтишга уялсанг бўларди, Силе.

— Агар у бўлмаганда мен сендан уялиб ўтирмаган бўлардим. Чордоқда оғир қадам товушлари эшитилди. Шифтдаги чироқ ликиллай бошлади.

— Ўтган йил ёзда мен билан тоза баҳслашган эдинг, энди тилингни тишлаб қолибсанми, дейман.

— Назарингда, мени кўрқаяпти деб ўйлаяпсанми? Сен билан баҳслашган пайтимда, ҳар ҳолда тушиб олган йўлингнинг қанчалик даҳшатли эканлигини тушунармикинсан, деб ўйлагандим. Энди буларни қайтариб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Тўғрироғи, сен энди ҳеч нимани тўғрилаб ола олмайсан, бунга қодир эмасан. Бу ёғига фақатгина ҳаётнинг ўзи ақлингни киритиб қўяди.

— Агар сен ўз ҳаётинг ҳақида оғиз кўпиртираётган бўлсанг, шуни билиб қўйгинки, мен у ҳаётга ўз қилмишларим хусусида ҳукм чиқаришга ҳам, хатти-ҳаракатларимни далиллаш учун ўзимга ҳам ижозат бермайман! — тутақиб кетди Василе. — Сиз бир амаллаб кунингизни ўтказаятган ўша қашшоқ ҳаёт, муҳтожлик дунёси сизларни ҳам ўзига мос, ўз доирасида фикрлашга мажбур қилади! Сизлар ўзларингизча, тарихнинг ғилдираги орқага қараб айланади, деб ўйлайсизлар ва ковакда шуни кутиб ётибсизлар, ўзингга қара, башарангни бир кўргин. Сенга ўхшаган одамлар тарихни ўзгартириш қудратига эга бўла оладими, ўзинг холис баҳо бериб кўр-чи! Кулгимни қистатма!

— Кимда-ким кейин кулса, унинг кулгиси юракдан бўлади ва бу кулги бошқача садо беради. Донолик доим мана шуларга мансуб бўлиб келган.

— Биринчисиям, охиргисиям барибир ўзимиз бўламиз.

— Бу ғирт немисча мақтанчоқлик. Мана шу сўзлар сенинг оғзингдан чиққанда уларнинг сохталиги, ёлғонлиги яна ҳам аниқ-равшан жаранглаб кетяпти.

Василе автоматни тўғрилади. Павелнинг онаси қўли билан оғзини ёпиб олди.

— Гапингга-ку ишонтиролмадинг, энди автомат билан қўрқитмоқчи бўлаяпсанми? Қўлингдан келмайди, Силе. Яхшиси, ёрдамчиларингга айт, бошқа тинтув қилишмасин — барибир фойдаси йўқ. Мен коммунист эмасман. Лекин улар сизга қарши курашаётган эканлар, демак, ҳақиқат уларнинг тарафида. Мен қачон бўлсаям ҳақиқатни излаб топаман. Биламан, уни қидириб топишим учун эмаклашимга, сирпаниб юришимга, минг бир азоб тортишимга тўғри келади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам уни ахир бир кун топаман.

— Сен қидираётган одамларингни аллақачон топганлигингга юз фоиз имоним комил. Лекин ўша сен топган одамлар менинг дадамни ўлдиришган. Улар ўзларининг жонини қутқариб қолиш учун бутун айбни дадамнинг устига тўнкашган. Улар уни ўзига мутлақо алоқаси бўлмаган ишда айблашган: нима учун? Сен, ахир менинг дадамни жуда яхши билардинг. У ҳеч қачон коммунист бўла олмас эди. Тўғрими? Мен бунинг учун ўч оламан. Павел, кимда-ким ҳақиқат деб лоф уриб, ўзи сохтагарчиликлар панасига яширинадиган бўлса, ўша одам фақатгина ўзининг палид, чиқинди бир кимса эканлигини намоиш қилади, холос.

— Иримени ўлдирган ўзларинг, биринчи навбатда, сен. Энди бўлса бутун айбни коммунистларнинг устига тўнкаб сувдан қуруқ чиқмоқчисан, ифлос виждонингни оппоқ пахтадай қилиб кўрсатмоқчи бўлаяпсан. Биласанми, сенга келажакда яна ифлосликлар бағрида ўз билганингдай бемалол шўнғиб юришинг учун ҳар хил важ-корсон ҳаводек керак. Сен ҳақиқат билан яккама-якка, очиқ-ойдин баҳслаша олмайсан. Сен учун бир вақтлар муҳтожлигингда (у вақтда ўз инсоний қиёфангни йўқотмагандинг) жонингга оро кирган, дардингни бўлишган одамларнинг уйига ўт қўйиш, уларни хонавайрон қилиш ҳеч гап эмас. Сенга ўхшаган одамлардан нимани кутиш мумкинлигини яхши биламан. Лекин менга барибир. Мен индамаслигим, чурқ этиб оғиз очмаслигим ҳам мумкин эди-ю, лекин ўзимни тутиб туролмайман. Ахир сизнинг ҳокимиятингиз қўрқитиш, бўйсундириш билан тирик-ку. Европани таъзим қилдирган, бўйсундирган нарса сизнинг голибона кучингиз эмас, балки Европанинг заифлигидир. Мен ҳозир унинг бели майишиб, қонлари оёқларингдаги прусс этиклари остида дарё бўлиб оқаётганидан хурсандман, эҳтимол, бу уни эс-ҳушини йиғиб олишга мажбур қилар. Сенинг отангга келганда яна айтаманки, уни ҳалок қилган, биринчи навбатда сизлар, қолаверса, ўзининг журъатсизлиги, қадр-қим-

матини бир пул қилиб қўйганлигидир. Мени баъзан унга раҳим келмай қолади. Ўз оиласида мана шундай меросхўр етишиб чиқишига имконият яратиб берган одамнинг қисмати ҳам, табиий, шунақа тугаши керак. Бошқача, яхшилик билан тугашига ҳаққи ҳам йўқ. Унинг қисмати маълум даражада сизлар ҳали йўрғақдалигингиздаёқ ҳаммангни бўғиб ташламай катта гуноҳга ботган заиф, кўҳна Европанинг тақдирига ўхшаб кетади. Яна қанақа ўч олиш ҳақида оғзингни кўпиртиряпсан? Ахир, сен даданга унинг сенга бўлган ишончи, бемаъни севгиси учун биронта яхшилик билан жавоб бера олмайсан-ку. Лекин ўч олиш пайти ҳам келиб қолади, ўшанда сенинг даданг учун ҳам албатта ўч олинади, лекин бу ўчни сенга ўхшаган виждони қон билан булганган кимсалар эмас, балки виждони поклар олади. Сен эса, ўшанда фақатгина ўз кўрлигинг, разиллигинг учун жавоб берасан! Сенинг «софлигинг» ўз «Мен»ингни йўқота олмайди, шунинг учун у виждонсизлик ботқоғига ботиб кетди. Ҳақиқий муҳокама ҳақиқатни даъво қилувчи икки гоёни бир-бирига солиштириб кўриб хулоса чиқариш бўлади, сен эса ўзингни бировга на қиёслаб кўрдинг, на солиштириб. Агар шундай қилган тақдирингда ҳам фақатгина ўзингни ўзинг билан солиштиргансан...

— Ўчир овозингни, Павел! Сен учун мени жавобгарликка тортишмайди.

— Ўчирмайман! Буни истамайман ҳам! Етар шунча жим юрган-ним! Мен ҳеч нима тўғрисида фикрлашни хоҳламайдиган, ўзи ва атрофидагилар қилган ифлосликлар, малъунликларни «янги тартиб» номи билан оқлайдиган ёки бўлмасам йўлини қилиб ўзига гап теккизмай юрадиган аблаҳларни кўргани кўзим йўқ. Ҳақиқат мавжуд, кимдир унинг учун курашиши зарур! Мен эса ўша одамларни топаман! Ахир қачон бўлмасин кимлардир, томоғингиздан гиппа бўғиши, кунларингни тугатиши керак-ку!

Василе затворни шарақлатди. Павелнинг ойиси қўрққанидан кўлидаги қаҳвали қоғоз халтани ташлаб юборди. Лекин Василе Павелга эмас, полга қараб ўқ узди.

— Ўчир овозингни, ҳайвон, бўлмаса отиб ташлайман! Яна бир оғиз гапирсанг...

Ҳовлидан йўтал ва қадам товушлари эшитилди. Булар Ганс билан ҳалиги солдат эди.

— Кийин! — буюрди Василе.

Докадай оқариб кетган Павел секин-аста кийина бошлади. Ойиси пешбанди билан кўзини беркитиб олди.

Улар сув оладиган колонкага етиб келишганда, узоқдан қий-чув эшитилди. Ҳар хил овозлар ичида бир аёлнинг овози ажра-либ турарди. У жони борича чинқирар, унинг овози нима учун-дир бўлиниб-бўлиниб чиқарди. Кейин аёлнинг қичқириви тўсат-дан узилди-ю, «Кўркам кўча»га яна сукунат чўкди. Бир оз ўтгач, яна юракни эзадиган даражада қаттиқ фарёд эшитилди. Василе олдинга ташланди. Чорраҳада биқини пачоқланган усти ёпик кўк машина турарди. Кўпчилик бўлиб Павелни кузовга итариб чиқаришди. Машина эшикчаси беркилиши билан ўрнидан кўзгал-ди. Ганс Василенинг орқасидан чошиб кетди. Василе Денешлар-нинг эшигини энди очган эди ҳамки, Ганс етиб келди. Даҳшат-ли манзара. Қонга бўялган Денеш стулда чирмаб боғлаб ташлан-ганча ўтирарди. Унинг кўз олдида полда Юлишка солдатдан қуту-лиш учун юлқиняпти, кўйлаги йиртилган, оёғи қон. Эшик очи-лиши билан уйга кўчадан ўтиб кетаётган поезднинг ҳайбатли қичқириви кирди, бундан деворлар титраб кетди. Солдат кўрқиб кетганидан ирғиб ўрнидан турди-ю, шимининг тугмаларини қадай бошлади. Уйдаги ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилиб таш-ланган. Шифтдаги лампочка чил-чил синган, фақатгина печка-да ўчган оловнинг шуъласигина уйни қизғиш рангда ёритиб турарди. Денеш ўтирган кўйи юм-юм йиғларди. Унинг кўз ёшлар-и ёноғи узра очик, лекин қоғоз думалоқлаб тикиб қўйилган оғзининг икки чеккасидан оқиб тушарди. Столнинг устида цуй-ка бўшатишган бўш шиша турибди. Ичимликни солдатлар билан тинтув вақтида Фрид жавондан топиб, отиб олишган эди. У стулда хотиржам ўтирар ва бамайлихотир топшириқ берарди. Унинг юзидан ўз ишидан хурсанд эканлиги яққол сезилиб ту-рарди. Ганс ўзини ҳали ҳам ҳансираётган солдатга ташлаб, қор-нига автомат тиради. Фрид ўрнидан ирғиб туриб Гансни бир четга итариб юборди.

— Биз полнинг тагидан коммунистик брошюралар билан бит-та пистолет топдик.

Василе секин-аста Денешнинг олдига яқинлашди. Унинг оғзи-даги думалоқланган қоғозни тортиб олиб текислади, бу касаба уюшмаларнинг қандайдир брошюраси эди.

— Фрид, бу қилган ишинг учун ҳали менга жавоб берасан, — деди Василе немисчалаб. Шу заҳоти у қассобнинг ўғли ақлли-лик қилиб Юлишкани зўрлашда қатнашмаганини, бу ишни у атайин Василенинг аччигини чиқариш учун қилганини фаҳм-лади.

— Жаноби унтерфюрер, мен тинтув ўтказаётган эдим, бир маҳал бундай қарасам, ишлар бошқача, лекин бирон нима қилишга кечиккан эдим, — деди истехзо билан у.

У ёлгон гапирётган эди. Чунки Василе уйга кириб келганда у стулда бемалол ястаниб ўтирарди.

Шу орада Юлишка ўрнидан турди. Унинг кўзларида ҳаётдан тамоман умидини узгани билиниб турарди. Отасининг олдида шундай аҳволга тушганидан кўра, ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолса. Эшик очиқ эди. У ўзини эшикка урди. Эсасчилар ҳам унинг кетидан ташқарига отилиб чиқишди. Фрид кўчага чопди.

— Қайт орқангга! — қичқирди у.

Юлишка орқасида қадам товушларини эшитиб яна тезроқ югурди. Тўппа-тўғрисида вагонлар ўтиб турар, оғир юк ортилган вагонларнинг гилдираклари излар туганган жойда зарб билан тарақларди. Бирдан аёлнинг қичқирган овози эшитилди. Бу Терезанинг овози эди. У шаҳарга тушиб, кинога кирган, энди бемалол уйига қайтиб келаётган эди. Вагонлар шиддат билан ўтиб турарди. Фрид қанча югурмасин қизга ета олмади. Юлишка югурганича келиб ўзини поезднинг остига ташлади. «Кўркам кўча»ни тутиб кетган ҳалиги қичқириққа ҳамма қўшнилари ташқарига чиқишди-ю, нима ҳодиса рўй берганини дарров сезиб олишди. Фалокат рўй берган ерга биринчи бўлиб Элиза югуриб келди, у Юлишканинг дабдала бўлиб кетган жасадини кўриб, кўрқиб кетганидан турган жойида қотиб қолди. Темир йўл линиясига одамлар тўпланди. Бирдан ўқ овози янгради, лекин тўдадаги одамлардан биронтаси ҳам турган жойидан қимир этмади. Чорраҳада яна кузови пачақланган кўк машина пайдо бўлди. Унинг фарасидан тушиб турган хира нурдан одамларнинг юзлари худди кўқариб кетганга ўхшаб кўринарди.

Денешни машинага чиқаришганда одамлар орасида бир ғовур-ғувур кўтарилиб яна тинди. Фақат шу вақтдагина Элиза Василени кўриб қолди. Лекин олдида боришга улгуролмади, чунки дарров машинага чиқиб олди. Узоқдан машинага томон нафаси тикилиб, ҳарсиллаб ҳалиги солдат югуриб кела бошлади. У уйда нима биландир ўралашиб қолиб кетган, моторнинг гуриллаган овозини эшитгандан кейингина ташқарига отилган эди. Машинанинг орқа зинасига энди оёқ қўйган ҳам эдики, эшикча очилиб кетди-ю, Фрид этигининг пошнаси билан унинг қоқ кўкрагига тепди. Солдат чалқанчасига ерга йиқилди, шу он машина ҳам олдинга силжиди. Бир зумда юзлаб тош машинанинг кузовини дўмбира қилиб юборди. Кейин одамлар бир ерга уймалаш-

ганча овоз чиқармай ниманидир босиб эзғилай бошлашди, ҳамма уй-уйига тарқалгандан кейин маълум бўлдики, ҳалиги эсэсчи солдатдан одам шаклига ўхшамаган бир кўйлак эт қолибди. Шу пайт узоқдан бошқа бир поезд яқинлашиб кела бошлади. Бир неча киши солдатнинг жасадини бир товар вагонга унинг очиқ қолган эшиги орқали иргитиб юборди. Кейин қон оққан қорларни кураб келиб мойланган илиқ излар орасига ташлашди. Семафорга яқин бир жойда битта чироқ ёниб турарди. Бу Юлишканинг ёнида тошдай қотиб турган Терезанинг қўлидаги чироқ эди.

16

Гестапо чақирган шаҳар комендатураси бошлиғининг Шульц хонасига кирганига ҳам, мана, ярим соатлар бўлиб қолди. У ердан аввалига дам унисининг, дам бунисининг қаттиқ гапиргани эшитилиб турди. Кейин Шульцнинг овози баланд кела бошлади. Бир оз ўтгач, фақат Шульцнинггина товуши чиқиб, полковникнинг дами ичига тушиб кетди.

Руминия полковниги «Кўркам кўча»да содир бўлган воқеадан сўнг оммавий қамоққа олишларга қатъий норозилик билдирди. Полковникнинг талабига жавобан Шульцнинг уқтириб айтишича, эсэсчи солдатнинг йўқолиши махфий равишда қилинган разилонга ишнинг натижаси бўлган. Шунинг учун бу нарса гестапони маҳаллий аҳолини тинчитиб қўйиш чораларини кўришга мажбур этган. Шаҳар комендатураси аҳолини тинтув қилишлар Руминия ҳукуматини мутлақо огоҳлантирилмасдан туриб ўтказилаётгани сабабли, йўқолган солдат учун жавобгарликни ўз зиммасидан соқит қилди. Германияга иттифоқдош бўлган бир мамлакатда аҳоли орасида рўй бераётган мана шундай қамоққа олишлар ҳодисаси расмий жиҳатдан олиб қаралганда жиддий ихтилофларга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, ҳамма гап шундаки, агар румин ҳукумати бунга қатъий норозилик билдирадиган бўлса, бу нарса аҳоли ўртасида яна ҳам даҳшатли тус олиб кетиши, халқни кўтариб юбориши мумкин. Мана бундай вазиятда коммунистлар ҳам анойи эмас. Қўлларини кўксига қўйиб қуллуқ қилиб ўтирмайди. Кейинги кунларда бўлиб ўтган айрим ҳодисаларнинг ўзи ҳам уларга немисларга қарши ташвиқот юргизиш учун керагидан ортиқ далил бўла олади. Шульц румин полковнигининг жон куйдириб гапирган гапларини юпқа, қонсиз лабларини жийириб истеҳзоли табассум аралаш эшитди. Унинг

шу туришидан қаршисида тартиб ўрнатувчиларнинг вакилини эмас, аксинча, юртда тартиб ўрнатолмайдиганларнинг ожиз вакилини кўриб турганига ишонч ҳосил қилганини яққол сезиб олиш мумкин эди.

— Жудаям кўнгилчансиз, жаноби полковник. Агар биз хавфсизликни ўз қўлимизга олмай, уни ишониб сизларга топшириб қўйганимизда аллақачон бизларга хайрихоҳ немисларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга журъат этаётган бадахлоқ, бемаза кишилар орасига тушиб қолган бўлардик. Сизнинг эътирозингизни мен тамоман асоссиз, деб ҳисоблайман.

Шульц столидан бир неча варақа олиб, полковникнинг бурнига тиради.

— Бу нима, жаноби полковник? Башарти, шуларни тарқалишига йўл қўйган экансиз, демак, қўлингиздан ҳеч нарса келмас экан. Мана, марҳамат, кўришингиз мумкин, немисларга, немис армиясига қарши коммунистлар томонидан тарқатилган варақалар булар! Янги, оҳори тўкилмаган. Бўёғининг ҳидиям кетмаган ҳали. Карпатида партизанларнинг бирлашган катта гуруҳи ҳаракат қилипти. Бунга қарши менинг олдимга келиб, овсарларча эътироз билдиришингиздан бўлак, нима амалий иш қилдингиз?

— Жаноби полковник, бундай дейишга ҳаққингиз йўқ! Мени ҳақорат қилганингиз сигуранцларни ва умуман, Руминия давлатини ҳақорат қилганингиз бўлади! Бу ҳақда ўз бошлиғимга маълум қиламан!

— Маълум қилинг, жаноби полковник! Агар аҳолисининг кўп қисмини қўйдек ювош немислар ташкил этадиган бир шаҳарчада тартиб ўрнатиш иқтидорига эга бўлолмасангиз, маълум қилаверинг. Қаранг, ярмидан ортиғи тағин немис-а, жаноби полковник, менга қаранг, агарда сизга халқ ичида тартиб ўрнатиш вазифаси юкланган бўлса-ю, қўлингизда мана бундай имконият бўлмаса, унда нима қилган бўлардингиз? Бироқ шундай имконият сизнинг қўлингизда турибди.

Шульц пистолетини чиқарди-ю, полковникка узатди.

— Мана, марҳамат! Сизлар аҳолини тартибга келтиришда қандай ожизлик кўрсатаётган бўлсангиз, ўз ғазабингизни худди шундай ожизлик билан намоён қилишингиз мумкин. Ушланг! Агарда сизнинг ўрнингизда немис офицери бўлганда шундай қилган бўларди.

Шульц пистолетни яна ғилофга солди-ю, ранги докадек оқариб кетган полковникнинг атрофида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Сиз ҳамжихатликда ишлашни хоҳлаяпсиз, лекин қандай шароитда? — бақиришда давом этди Шульц. — Қандай усуллар билан? Буюк Германиянинг солдати фронтда эмас, худди шу ерда, бурнингизнинг тагида ўлдирилди. Коммунистлар ҳам нақ бурнингизнинг остида билганини қилишяпти. Улар авиация заводида иш ташлашни уюштиришди, ҳатто темир йўл депосига ҳам йўл топишди-я, партизанлар поездларни портлатишяпти. Сиз-чи? Сиз бўлсангиз бизга қарши норозилик билдириш билан ўзингизни юпатиб ўтирибсиз. Тагин фаолиятсизлигингиз орқасида мана шу безориликлардан жабр тортаётганларга эмас, бизга нисбатан безорилик, қабиҳ ишлар қилаётганларга ён босаяпсиз. Бундай шароитда мен сиз билан ҳамкорлик қила олмайман, полковник. Агарда ишни удалай олмасангиз, раҳбарлик қилиш қўлингиздан келмаса, сизга тўғриси айтиб қўя қолай, истеъфога чиқинг. Сизнинг ўрнингизга бошқа одам келгандан кейин мен у билан мавжуд битимга мувофиқ ҳамкорликда ишлайман. Ҳа, фақат ўшандагина!

— Жаноби полковник, биздаги адолат туйғуси сиз гапираётган ҳалиги ғалаён сизнинг одамларингизнинг қилмишларидан кейин вужудга келганига фикрингизни жалб қилишни талаб қилади. Мен ўзимга шуни айтишни бурчли деб биламанки, биз босиб олинган мамлакат эмасмиз. Сизнинг қўл остингиздаги одамларингизнинг эса қўпол хатти-ҳаракатларини фақат бизнинг конституциямизни, ундаги кўрсатиб қўйилган қонун-қоидаларни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузишдан бошқа нарса эмас, деб баҳолаш керак. Мен бу хатти-ҳаракатларни, эҳтимол, иложсиз қолинган бир пайтда, зарурият туғилиб қолгандан кейингина содир бўлган бўлса керак, деб тушундим ва шунинг учун ҳам халқ судининг аралашшишига рухсат бермадим. Номусга тегиш — бу бизнинг ҳуқуқ доирамизга кирмайди. Агар сизнинг одамларингиз шундай қилишмаганда, ҳеч нима бўлмасди.

— Мен герман армиясига душман бўлган конституцияни ҳурмат қила олмайман! Ҳар бир ўлдирилган немис солдати учун коммунист деб ушланган ўнта одамни отиб ташлайман. Иттифоқдош бўлганлигимиз учун ҳам шундай қиламан. Лекин сиз ҳар гапингизда ҳадеб таъкидлаётган ўша иттифоқлик, биринчи навбатда, биздан ҳам кўра сизга зарур. Жаноби полковник, агар сизлар бошида биз билан мана шу битимни тузиб олмаганингизда нималар содир бўлишини тушунмайдиган овсар, гўл одамлардан эмасман. Аслида биздан миннатдор бўлишингиз, бошимиздан сув ўгириб ичсангиз ҳам бўлади. Бўлмаса, герман қўшин-

лари мамлакатингизни атиги бир неча кун ичидаёқ босиб олган ва вайрон қилиб ташлаган бўларди. Бироқ шуни ҳам айтиб қўяйки, агар сизнинг бепарволигингиз оқибатида яна шунга ўхшаш бизга душманлик ҳодисалари рўй бериб қолгудек бўлса, ҳали ҳам кеч эмас, ёмонлик қиладиган бўлсак, ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Мен буни миянгизга қўрғошиндек қуйиб олишингизни хоҳлардим. Деярли бутун Европа, Осиёнинг ярми ҳозирги кунда бизнинг оёғимиз остида топталиб турибди. Сиз бўлсангиз, шундай қудратли немис армиясига ўзингизнинг иттифоқдошлик ҳақидаги арзимас шартномангизни қарши қўймоқдасиз. Сизнинг туриш-турмушингиз жуда қулгили, полковник. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Шуни билиб қўйингки, бундан кейин маҳаллий ҳокимиятнинг бизнинг ҳаракатларимизга аралашиб йўлидаги ҳар бир уриниши Германия давлатига, Германия манфаатларига қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланади. Бизга қарши қаратилган, қуюшқондан ташқари бўлган ҳар қандай ҳодисаларга зарур чора-тадбирларни қўллаверишимиз мумкин. Мен буни тушуниб қўйишларингизни истаيمان. Хайль, Гитлер!

— Хайль, Гитлер! — полковник чап томони билан орқасига бурилди-ю, Шульцнинг кабинетидан чиқиб кетди. Унинг юзидан шовуллаб тер оқарди. Қабулхонада Василе ўз оператив гуруҳи билан навбат кутиб турарди. Полковник Фриднинг ёнидан ўтиб кетаётганда у оғзидаги зайтун ёнғоғининг пўчоғини ахлатхонага туфлаб ташлади. Фрид буни эрталабдан буён оғзида тили билан у жағидан-бу жағига олиб сўриб юрган эди. Бунинг сабаби ойсиди зайтун ёнғоғининг пўчоғини сўришнинг ошқозонга фойдаси кўп дерди.

Уч марта қисқа қўнғироқ чалинди. Василе ирғиб турди-ю, мундирини кийиб ичкари кирди. Шульцнинг башараси ёришиб турар, унинг башарасидан румин полковниги билан ярим соат давомида тортишиб-айтишиб жаҳли чиққанини мутлақо билиб бўлмасди. У столга ўтириб янгигина келтирилган қаҳвани хотиржамлик билан ҳўплай бошлади. Кейин ўрнидан туриб столнинг орқасидан бу ёққа ўтди-ю, Василега кўз қирини ташлади, унинг ҳарбийчасига қаддини ростлаб туришидан мамнун бўлган эди.

— Йигитлар, жуда тўғри иш қилибсизлар, ўзларингизни яхши тутибсизлар. Агар душманларимизга қарши чора-тадбир қўллашда қайси бирингиз меъеридан чиқиб кетсангиз, ҳар қачон қўллаб-қувватлайман. Ҳагти-ҳаракатда қатъиятсизлик, фаолиятсизлик кўрсатгандан кўра чора қўллашда адашган маъқул. Герман армияси фронтда қанчадан-қанча қийинчиликларни бартараф қиляпти.

— Бироқ бизнинг фюреримиз ўзининг доҳиёна башорати билан ҳамма нарсанинг чорасини кўриб қўйган. Биз галаба қиламиз. Галаба учун ҳеч қандай раҳмдиллик, мурувват кўрсатилмаслиги керак. Бу ерда биз ҳам ўзимизни фронтда деб ҳисоблашимиз шарт. Агар шу ерда туриб душманларимизни қанчалик кўп қирсак, солдатларимиз фронтда шунча кам нобуд бўлишадди. Нечта одам қамоққа олинди?

— Қирқ бешта, жаноби штандартенфюрер.

— Шундан ўнтасини отинг, бештасини бўшатиб юборинг, қолганларини Руминия ҳукуматига топширамыз.

Шульц яқинда кабинетда пайдо бўлиб қолган плакатга ўғирилди. Унда, жумладан, шундай сўзлар ёзилган эди: «Хизмат жойинг талаб қилгандан ортиқча нарсани билишга одатланма, ўз билганларингни эса, ичингда сақлай бил».

Шульц кўлини белига қўйганча плакатнинг тагида бир неча марта у ёқ-бу ёққа бориб келди-да, шундай деди:

— Сир билан интиқом — бу бизнинг галабамизнинг асосий омиллари, ҳеч ким ўз ҳуқуқ доирасидан ташқаридаги сир-асрордан хабардор бўлмаслиги лозим. Ҳеч ким ўзи ҳал қилаётган муаммога алоқадор бўлмаган маълумотларни олишга интиқмаслиги лозим. Бошқа бировлар бажариши керак бўлган топшириқ, муаммолар бошқа одамга аён бўлмаслиги керак. Ҳеч кимнинг ўз кўл остидаги хизмат жойларига бажарилиши талаб қилинган буйруқдан бўлак ҳеч нарса йўллашга ҳақи йўқ. Бу ҳам зарурият туғилгандагина. Агар кимда-ким мана шу қонун-қоидани менсимайдиган бўлса, у одам герман миллатини сотган ва бу билан душман тегирмонига сув қўйган бўлади, шунинг учун ҳам уни «сотқин» деб аташ жоиздир.

Василе кўзини пастга қадади. У Фрид немис армиясининг нуфузига путур етказадиган жабр-зулмга, зўрлашга йўл қўйди деб айтишга оғиз жуфтлади-ю, яна ўзини тутиб қолди. Василе, агар шундай дейдиган бўлса, унинг гапи Шульцнинг ҳалиги гапларидан кейин бировнинг сирини ошкор қилиш, деб баҳоланишини биларди. У ҳатто ўзини жуда вақтида тутиб қолгани учун ичида суюниб ҳам қўйди. Василе кўз қири билан Фридга қаради. Фрид бутун вужудини кулоқ қилиб Шульцга тикилиб турарди. У ҳам чамаси Шульц айтган гапларнинг замиридаги маънони тушуниб етган эди. Шу дақиқадан бошлаб Шульцнинг кўрсатмалари унинг учун бузилмас қонун тусига кирганди. Бу қонун унинг учун зап вақтида чиқди-да. Энди ҳеч ким Шульцга юрак ютиб, унинг одамлар машинани ўраб олиб тошбўрон қилиб

ташлашади деб, қўрққанидан солдатни тепиб юборганини айта олмайди. Денешнинг уида содир бўлган анави ҳодиса шундай қилиб қабрга қўйилган каби ерга кўмилди. Унинг устига қўйилиши эҳтимоли назарда тутилган гуноҳ энди ўз-ўзидан елкасидан олиб ташланди. Шу билан бирга янги фармойишни рўкач қилиб туриб яна шунга ўхшаш ишларни қилиш имконияти туғилди. Фрид бундан ташқари яна бошқа нарсани, чунончи, у Василега бўйсунди-ю, аслида фақатгина расмий жиҳатдан бўйсунди, ўзи бўлса, мустақил эканлигини ҳам тушунди. Демак, Василе уни қилмишлари учун жавобгарликка тортишга ожизлик қилар экан, унинг ҳокимлиги хаёлий, ҳақиқатдан йироқ, хомхаёл бўлади-да. Фрид ичида Шульцга яна бир марта унинг устомонлик билан иш қўрганидан миннатдорчилик билдирди-ю, оғзининг таноби қочди. Бироқ шу топда Фрид нимани ўйлаб, нимани тушуниб, фаҳмига етиб турган бўлса, худди ўша нарсани Василе ҳам тушуниб, ўйлаб турган эди. Ундан ташқари, Василенинг билишича, Шульцнинг янги кўрсатмалари унинг ўз норозилиги, аччиқлангани орқасида содир бўлган, бу норозилиги эса, ўзи туфайли вужудга келган эди. У нима учун Шульцнинг бу қадар ишончидан чиқиб қолганини ўйлаб, мутлақо ўйига етолмасди. Лекин ҳозир ўйлаб ўтирадиган ҳолатда эмасди. «Кўркам кўча»да содир бўлган воқеадан кейин у ҳамма нарсани унутишга, доим олдида кўндаланг туриб олганча виждонини азоблаётган ҳар хил саволларга бепарво бўлишга, уларга жавоб ахтармасликка аҳд қилиб қўйган эди. Василе ҳеч нима ҳақида фикрлашни хоҳламасди. Етар энди унинг оғзаки ҳийла-найранглар гирдобига тушгани. Унинг учун ҳамма нарса аниқ ва равшан бўлиши керак. Ана шу аниқлик, равшанлик қилган ҳар бир ишида, хатти-ҳаракатларида унга ирода бахш этса, ўзи эса бутун жавобгарликни ўз бўйнига оладиган мана шу иродага бўйсунса, унинг кўнглидаги армони мана шу.

Шульц Василени нима учун хафа бўлиб ўтирганини тушунди-ю, кулиб қўйди. Қўл остидагиларнинг топшириқларини ўз кўнглидагидай қабул қилишини кўриш унга ҳузур бағишларди. Унга гапирган гапининг замирида нима демоқчи эканлигини, ундаги маънони уқиб оладиган фаросатли одамлар билан ишлаш ёқарди. Шульц, одатда, ҳар сафар бирон кўрсатма берадиган бўлса, уни тўғридан-тўғри айтиб қўя қолмасди. Фаросатли одам бўлса, унинг аслида нима демоқчи эканлигини, нималарга шама қилаётганини гапларининг мазмунидан сезиб олиш мумкин бўларди.

— Василе, сен ўзингни аъло даражада тутдинг. Мен ҳатто бундай бўлишини кутмаган ҳам эдим.

— Мен ўз бурчимни бажардим, жаноби штандартенфюрер.

— Агарда сен тарафингдан шу қадар фидойилик, жонбозлик бўлмаганда биз тозалаш операциясини бунчалик муваффақиятли бажармаган бўлардик. Шу маънода маълум даражада отанг учун ўч олдинг деса ҳам бўлади. Лекин биз ҳали отангни ёмон кўрсатиб оғир жиноят қилганларнинг баридан шафқатсиз равишда ўч олишда давом этаверамиз. Солдат итлик қилибди. Шундай бўлса ҳам, унинг йўқолиши ҳали Германияга анча хизмат қилиб беради.

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Сен ўз ўртоқларингдан устун эканлигингни исбот қилдинг. Мен шунга амин бўлдимки, сен ўз онангга тортгансан, шу сабабли танангда немис қонидан бўлак бир томчи ҳам ўзга қон йўқ. Фрид, сен бўлсанг Василедан ўрнак олишинг мумкин. Нимагадир эрталабдан буён паришонхотир кўриняпсан. Фрид, кўрқиш — бу сотқинликнинг ўзгинаси эканлигини яхши биласан.

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Кўрқоқ немис ҳеч қачон немисликни даъво қилишга ҳаққи йўқ.

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Кимда-ким душманни йўқотишдан кўрқар экан, у немис деган номдан маҳрум бўлади. Тўғрими, Ганс?

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Ганс, сен шерикларингга нисбатан орқада қолаётибсан чоғи.

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Хатойингни тузатишинг учун ҳали вақт бор.

— Гапингизни тушундим, жаноби штандартенфюрер. — Ганс нимада хато қилганини тушунмай минғирлади.

— Маҳбусларни гумдон қилиш билан сен шуғулланасан.

— Эшитаман, жаноби штандартенфюрер.

— Сўроқ ишларини Василе ўз бўйнига олади...

— Эшитаман, жаноби штандартенфюрер.

— Қарор, ёзув-чизув ишларини Фрид олиб боради.

— Мен сизни тушундим, жаноби штандартенфюрер, — жавоб берди Фрид энди Шульц билан тез-тез кўришиб туриш имконияти туғилганидан суюниб.

— Биз шу нарсани бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаслигимиз керакки, ширинсуханлик, мулозамат билан иш тутиш сиёсати ҳозирги вазиятда мутлақо ярамайди. Майда халқларни тарбиялаш масаласини ҳал қилиш сиёсатининг бирдан-бир чораси қамчидир. Энди бизга қарши йўлимизга тўғаноқ бўлиб турган би-

рон кимсага кўнгилянлик қила олмаймиз. Дўстлик алоқаларини ўрнатмоқчи бўлган кимсалар билан ҳам сал нарида туриб муомала қилишимиз зарур. Биз немислармиз. Фюрер ва ўзимизга нисбатан бўлган муносабатимизга келганда шуни айтиш керакки, томчи қон қолгунча ўз қасамимизга содиқ бўлишимиз керак. Немислар Сталинград остоналарида тор-мор келтирилибди, деган миш-мишлар масаласига келсак, бу миш-мишларни бошқа усуллар иш бермаса, ўқ билан бўлса ҳам овозини ўчириш керак. Сталинград бир неча кундан кейин таслим бўлади. Москвани ишғол қилган кунимизоқ уруш ниҳоясига стади, яъни бизнинг фойдамизга ҳал бўлади. Ана ўшанда ҳозир биз билан иттифоқдошликни даъво қилаётган мана шу давлатларнинг бари умумий қайта тарбияланиш томон юз тутди. Ана ўшанда бизнинг зафарли йўлимизда биронта ҳам иттифоқдош давлат кўндаланг туролмайди. Мана шу ҳудудларнинг ҳаммасида дунёда энг тоза қонга эга бўлган буюк герман миллати ҳукмронлик қилиши керак. Бизнинг бўйнимизга шу ерлар бўйлаб немис миллатини ёйиш ва тарқатишдек қийин, лекин шарафли тарихий бир вазифа юкланган. Герман ирқини имкони борича тез тарқатиш учун ҳар ким ўз бурчини билиши, ҳис қилиши ва шунга қараб иш тутиши керак бўлади. Клубга энг тоза қонга эга бўлган ёш-ёш немис қизлари олиб келинган. Улар бу ерларда герман оиласини тузиш ва ўстириш учун атайлаб чақирилган. Уларнинг вазифаси — фақатгина туғиш. Сизнинг вазифангиз эса қандай бўлмасин уларни туғдиришдан иборат. Бизнинг кўпгина солдатларимиз большевикларга қарши курашда ҳалок бўлдилар. Уларнинг қаторини тўлдириш лозим. Агар немисдан бўйида бўлиб қолган биронта немис аёли бола кўришни истамайдиган бўлса, сотқин сифатида отиб ташланиши шарт! Хайль, Гитлер!

— Хайль, Гитлер!

Василе биринчи бўлиб ташқарига чиқди. Қабулхонада яна бир бошқа оператив гуруҳ навбат кутиб турарди. Улар ҳам Шульцдан худди мана шундай топшириқ олишни кутиб туришган бўлса керак.

17

Виссарион Байяш эсэсчи солдат кузатувида Василе ишлаётган хонага кириб келди. Унинг мошкичири соқоли ўсиб кетган, тароқ кўрмай ҳурпайиб кетган соч толалари тер босган пешанасига ёпишган, ўзи бир ҳолатда эди. У Василени кўрди-ю, вужу-

дига титроқ кирди. Шими қопга ўшаб осилиб турар, доимо ойнадай ялтираб юрадиган ботинкасини ахлат босган, ундан қўланса ҳид тараларди. Шу чоқ Василега қўл қўйдириш учун қўлида сўроқ қарорларини кўтарганча Фрид кириб келди. Виссарион шилпиқ кўзларининг оқини ўйнатди-ю, дам Василега, дам Фридга қараб олазарак бўлиб қолди.

Василе Байяшга нима бўлганини билолмай қолди. Нега у бир ҳолатда. Лекин унинг хароб бўлган қиёфаси, айниқса Василенинг олдида Фрид бўлгани учун баттар жаҳлини чиқарди. Байяш шубҳасиз бирор маълумот бергани келган эди. Шунинг учун Василе Фридни қандай бўлмасин фош қилинаётган бирон сирнинг яна устида бўлишини истамасди. Лекин Фридни чиқариб юбориш мумкин эмас эди. Фриднинг бўлса, Байяшга ажабланиб тикилиб туришига қараганда ҳали-бери бу ердан чиқиб кетишни хаёлига ҳам келтирмаётганлиги сезилиб турарди.

— Мен Матейнинг изига тушдим, жаноби Негоицэ. У «Кўркам кўча»да бир матбаачининг уйига яшириниб юраркан. Деподан чиқиб тўғри ўшаникига келганини кўрдим. Кейин қатъий ишонч ҳосил қилиш учун буталар орасида тўрт соат турдим, ўз кўзларим билан кўрдим. Агар зудлик билан ҳаракат қилмасангиз ҳаммаси чиппакка чиқади.

Фрид қарорларга қўл қўйдирмасданоқ шошилганча хонадан чиқиб кетди. Василе ҳам ўрнидан қўзғолди. У бирмунча вақт хабардор бўлмаганлар учун мутлақо эшитилмайдиган, ўзи учун эса қаттиқ эшитиладиган, лекин кўникиб қолган тикир-тикир овознинг қачон эшитишни кутиб қулоқ солиб турди. Кейин сабри чидамай:

— Демак, уни сотмоқчи бўлибсан-да, — деб юборди.

— Жаноби Негоицэ, шу сўзларни сизнинг оғзингиздан эшитяпманми? Мен ҳеч нимани айтмайман, деб аҳд қилган вақтимда шундай ҳаммомга солдингизки, натижада одамгарчиликдан ҳам чиқиб қолдим. Ўшандан кейин, тўғриси, оғир бетоб бўлдим, жаноби Негоицэ. Энди менинг тинчим бузилган, бирор дақиқа ҳам ўзимни босиб ўтиролмайман; кечалари уйқум қочиб кетади. Салга йиғлаб юбораман, умуман, тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолганман. Бу гапларни сизга гапирмаган пайтларимда ўзимни нохуш сезиб юардим, келиб юрагимни ёрганимдан кейин енгил тортсам керак деб ўйлагандим, йўқ, яна баттар бўляпман.

Байяш ҳиқиллаб йиғлай бошлади, унинг ёноқларидан ёш думаларди. Василе Байяшнинг оёқлари қалтираётганини кўрди.

— Янги ботинкаларинг ҳам қолмабди, Виссарион. Оёғингдаги чириб кетибди. Шимларинг ҳам минг йилдан бери дазмол юзини кўрмаганга ўхшайди.

— Бунга ҳафсала қолдими, жаноби Негоицэ. Худо урсин, мен қариб қолдим. Орзу-ҳавасларнинг менга энди нима кераги бор? Эҳтимол, ҳозирги маълумотларим эвазига бирмунча пул инъом қиларсизлар.

— Яна иштонлару ботинкалар сотиб олмақчимисан? Тагин олифтагарчилик қилмоқчимисан? Асл қиёфангни, мана шу туриш-турмушингни яшириб, мен мана бундай одамман деб келрилмоқчимисан?

— Ҳеч нарса сотиб олмайман, жаноби Негоицэ. Чин сўзим. Олифтагарчилик қилганим учун ҳам одамгарчиликдан чиқдим-ку, ахир. Мени ўшанда қайси гуноҳларимга кўзларимдан ўт чақнатиб юборган сувга пишганингизни ҳали-ҳали билмайман. Шундан буён ўша даҳшат кўз олдимдан кетмайди. Шундай кўчалар борки, мен кўрққанимдан оёғимни учини ҳам босмайман. Агар боссам, назаримда, йиқиламону, тил тортмай ўлиб қоладиганга ўхшайман. Миямга мана шундай нарсалар ўрнашиб қолган.

Байяш кафти билан кўзларини артди. Ҳақиқатан ҳам орадан ўтган бир неча ҳафта ичида у шундай қариб кетибдики, уни дафъатан таниб олиш ҳам қийин эди. Унинг қалин, бичими келишган лаби салқиб, осилиб тушган, илгариги шаклини бутунлай йўқотган эди. Виссарионнинг туриш-турмуши Василега ёқмади, бироқ бир ҳолатда бўлиб кетганига унинг раҳми ҳам келди, юраги ачиди.

— Эгнингда янги шиму, оёғингда янги ботинка бўлган пайтларда гоздай керилиб юрардинг.

— У вақтларда кўрқмасдим, жаноби Негоицэ.

— Ўшандаям кўрқардинг.

— Жаноби Негоицэ, ўшанда мени кўрқади деб ўйлармидингиз?

— Ўшандаёқ сен чиқинди бўлиб қолгандинг.

— Сизга қарши гап қайтаришга журъат қилолмайман, кўрқаман.

— Бироқ, ташқи тарафдан одамга ўхшаб кўринардинг, энди-чи, турган-битганинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан ахлатга айланибсан-қўйибсан.

— Худди шундай, ахлатман, жаноби Негоицэ.

— Сендан қўланса ҳид бурқсийди.

— Тўппа-тўғри, қўланса ҳид бурқсийди.

— Эҳтимол, бир ваннага тушиб чиқсанг зарар қилмасмиди.

— Йўқ, йўқ, жаноби Негоицэ. Ваннангизга яна бир тушадиган бўлсам, унга тушмаёқ ўлиб қўя қолганим минг марта яхши.

Василе индамай қолди, у Байяшдан Фриднинг олдида тилини тиёлмагани учун қаттиқ ранжиган, ғазабланган эди. Гарчи Виссарион адойи тамом бўлган, илгариги Байяшдан ном-нишон қолмаган бўлиб, ундан хафа бўлишнинг ўзи ўринсиз эканлигини билса ҳам, Василе шу топда унинг валдираб юборганидан ўзини тутиб туролмаётган, шунинг учун уни эзиб, ҳар хил сўзлар билан таҳқирлаётган эди.

Ҳаётда тубанликка юз тутиш, яна бунинг қисқа бир муддат ичида содир бўлиши Василега мутлақо ёқмасди. У одам зотини ҳар қандай ҳолатда ҳам содиқ, ўзгармас бир қиёфада кўришни хоҳларди. У Байяшни ўз ҳолига қўйишга қарор қилди. Тўғриси-ям-да, кўрқиб қолган оддий ҳайвондан ўзининг бутун вужудини қамраб олган кўрқув сезгисини фақат тил билан изҳор қилиб бериши билангина фарқ қила оладиган мавжудотни таҳқирлашдан нима фойда бор. У бир вақтлар одамларнинг оғзидан, ҳамма Байяшнинг гапи, маслаҳати билан иш қилишади, деган сўзларни эшитган эди. Унинг ўзи ҳам «нималардир қила оладиган» (у ўзи ҳақида гап кетганда бу сўзни айтишни жудаям яхши кўрарди) одам бўлган. Бироқ у одам аллақачонлар оламдан ўтган, унинг ўрнига эса, ўрни келганда ҳаттоки ўз туққан онасини ҳам икки пулга сотиб юбора оладиган мана бу нусха, зот пайдо бўлган. Илгариги Байяшдан эса бунга ифлос иштонлару, дабдала ботинкалар мерос бўлиб қолган, холос. Йўқ, Василега бундай тубанликка юз тутиш, бунақа буқаламунлик қатъиян ёқмас эди.

Хонага Фрид кириб келди. Кейинги пайтларда унинг лабидан истеҳзоли табассум аримай қолган эди.

— Ҳаммаси тахт, жаноби унтерфюрер.

Фриднинг нимага шошилиб чиқиб кетгани энди маълум бўлди. У Василега ишни кечга суриш учун баҳона ахтаришга ҳеч қандай имконият яратиб қўймаслик ҳаракатида эди. Василе буни сезди-ю, Фридни шундай ёмон кўриб кетдики, ҳали шу вақтгача ундан бу даражада қаттиқ нафратланмаган эди. Қассобнинг боласи қачон бўлмасин Василега ўз таниш-билишларини ҳибсга олиш тўғри келиб қолгудек бўлса жуда ҳам суюнар, суюнганидан ҳатто лабини йиғиштириб ола олмасди. Бироқ Матей Василе учун ҳам, унинг оила аъзолари учун ҳам шунчаки танишлардан эмасди, буни Фриднинг ўзи ҳам яхши биларди. Худди шунга ўхшаш вазиятларга рўпара бўлиб қолганда Василе ҳар сафар

Фриднинг таъсирида мясига ўрнашиб қолган қуйидаги фикрларни хаёлидан кечирарди: «Мен бўлмаганимда сен уларни ҳибсга ола олмаган, уларни тутиш учун журъат ҳам қила олмаган бўлардинг, чунки қонингнинг ярми тоза. Мен сени ишда фаолият кўрсатишингга рағбатлантираман ва шу билан сенинг сохта, кўпиртирилган шуҳратингга шуҳрат қўшиб, обрўйингни ошираман, уни мустаҳкамлайман, мана бунинг учун сен менга миннатдорчилик билдиришинг керак. Лекин хизмат зинасида биздан юқори турар экансан, ўзингнинг ифлос ватандошларингни қутқариб юбориш учун туйнук ахтарма». Фрид учун Василе румин ва барибир руминлигича қолган эди. Агар шу топда у Василе нима хаёлларга бораётганини билганида эди, баттар ич-ичидан суюнган бўларди.

— Зудлик билан жўнайлик, — деди Василе ва Фридга қараб туриб очиқ-ойдин кулиб қўйди.

Фрид Василенинг юзида ўзи истагани — норозиликни кўриши ўрнига яхшилиқдан дарак бермайдиган қандайдир қатъият, тошдай совуқ назарга кўзи тушди. Бундан Фрид шубҳаланди, ҳатто бир зумда ранги оқариб кетди. Гоҳида мавжуд аҳвол тақозоси билан Фрид Василедан устун келиб қолган пайтларда ўз фойдаси учун қандай муомала қилишни ўрнига қўйиб қўярди. Лекин, ҳозир нима ҳодиса рўй берди? Нега Василе қувониб куляпти? Эҳтимол, у ҳақиқий немис даражасига кўтарилгану, ўз ватандошларига нисбатан бўлган ҳар қандай хайрихоҳликни қалбидан улоқтириб ташлаганмикин? Ё бўлмасам, у қулай пайт келганда юзига солиш ва шу билан дабдаласини чиқариб ташлаш учун бирон-бир маълумотга эга-ю, ҳозирча эҳтиёткорлик юзасидан уни яшириб, сир сақлаб юрганмикин? Фрид довдираб қола бошлади. Ўткир ҳасад, ичиқоралик шу топда уни лол қилиб, бечора бир ҳолга солиб қўйган эди.

Ирқий устунлик Фридни ҳаддан ташқари мағрурланиб, кеккайиб кетишига, ўз шахси қусурларига эътиборсизлик билан қарашга катта йўл очиб берган эди. Фридга қараганда ақллироқ, анча айёрроқ бўлган Василе унинг бу фазилатини ўзига қарши жонли қурол ўрнида қўлларди. Лекин, эҳтимол, Фриднинг ҳамма ҳадиклари аниқ асос, заминга эга бўлмай, турган-битгани хом-хаёлдир?..

Биргалашиб ҳовлига тушишди. У ерда буларни усти брезент билан ёпилган мўъжазгина машина кутиб турарди. Машинанинг орқа эшигига ит боғлаб қўйилганди.

Фрид билан Василе итни машинанинг устига чиқаришди. Виссарионни бўлса, бормайман, деб йиғлаб илтижо қилишларига қарамай кабинага — шофёр билан қуролли солдат ўртасига ўтқазилди, ўзлари эса кузовга чиқиб олишди. Хира нур таратиб турган лампочканинг ёруғида Василе Фриднинг юзини зўр-базўр ажратиб оларди. Ит бўлса, уларнинг оёғи орасига ётиб олган, унинг бир қулоғи гўё ниманидир эшитиб кетаётгандек осмонга кўтарилиб турарди. Фрид билан Василе бирмунча вақт бири-бирига унсиз тикилиб туришди.

— Силе, сен бормасанг ҳам бўлаверарди. Ўзимиз ҳам уддасидан чиқардик. Ҳар ҳолда сен командирсан-ку.

Фрид гарчи гестаподаги расмий одат бўйича мурожаат қилмай номини айтиб гаплашган бўлса ҳам барибир Василе унинг гап оҳанглиридан яна ўша мақтанчоқлик, кесатиқ маъноларини уқиб олди.

— Бурчни бажариш сизларга қандай мажбурият юкласа, менга ҳам худди шундай мажбурият юклайди.

— Сен ҳозир мажбурият юзасидан эмас, балки руминларни ҳибсга олишда қатнашмаяпти, деб юришларидан қўрққанингдан боряпсан-ку.

— Шу вақтгача мен фақат руминларнигина ҳибсга олиб кел-япман. Шундай экан, менга одамларни ҳибс қилишда танлаб ўтиришга тўғри келмайди. Бироқ, яқин орада, эҳтимол, танлаб ҳибс қилишим учун шароит туғилиб қолса керак.

— Биз немисларни ҳибсга олмаймиз. Бу билан бошқа гуруҳ шуғулланади.

— Фрид, эҳтимол, биз ҳам улардан биронтасининг кетига тушиб қолишимиз мумкин.

— Буни фақат сен хоҳлайсан. Лекин бу ниятинг рўёбга чиқмайди. Сизнинг мамлакатингиздаги ҳамма немислар янги тузум тарафдорларидир.

— Ҳамма немислар ҳам шундай эмасдир. Бу уларнинг сифатига, келиб чиқишига боғлиқ бўлса керак. Бундан бир неча кун аввал қамоққа олинган матбаачи ҳам немис зотидан эди-ку.

— Қанақа немислар ҳақида гапиряпсан? — деди Фрид Василенинг кейинги гапларини эшитмай.

— Баъзи бир, ўзи ҳақида кўп хаёлларга бораверадиган немислар ҳақида.

— Немисларнинг ҳаммаси ҳам ўзлари ҳақида катта фикрдалар.

— Лекин бу гап ҳамма вақт ҳам тўғри бўлиб чиққанмас.

— Бу билан кимга ишора қиялпсан?

— Эҳтимол, сенга ўхшаган битгасигадир, Фрид.

— Мендан ҳеч ким айб топа олмайди. Мен бир умр ўз садоқатимга содиқ қоламан.

— Фрид, сен баъзан ўз садоқатингни ҳаддан ташқари ошириб юборасан.

— Мен зиммамга юклатилган топшириқларнинг ҳаммасини бажарганман.

— Бирор нарсани яшириш мақсадида ўлиб-тирилиб иш қиладиган одамдек.

Фриднинг бу гапдан оғзи очилиб қолди. У Василе нимага ишора қилаётганини билмас, назарида ўзи худди кўз ёшидек тоза ва мусаффо эди. Отасининг гапига қараганда йўқолган ҳужжатларнинг ўрнини боса оладиган учта гувоҳлик тилхатидан бўлак ҳамма нарса бенуқсон, мутлақо айб топа олмас даражада тўғри эди. Гувоҳлик тилхатлари ҳам ўз навбатида гестапонинг назарий бўлими тасдиғидан ўтган. Василе нимага ишора қилаётганикин? Фрид бутун ҳаётини яна бир бошдан эслаб, назаридан кечириб чиқди. Йўқ, унинг мутлақо кўрқадиган жойи йўқ. Василе фақат қуюқ туман тарқатиб кўз олдини хиралаштирмоқчи-ю, сергаклигини йўқотмоқчи, холос. Йўқ, бунақаси кетмайди. Фрид ўзини қалбаки дўқ билан кўрқитишларига йўл қўймайди. У бир неча ҳафта муқаддам қария Вольфнинг гапирмай, нимадандир қайғураётгандай бир қиёфада юрганини эслади. Бу ҳам ўз-ўзидан тушунарли, ишинг у қадар юришиб турмаса, албатта ташвишга тушасан-да. Лекин унинг ота-онаси «янги тартиб»га содиқ, ўзлари эса соф немислар-ку. Чет эл радиоси ҳақидаги гапларни эса Фриднинг ўзи тўқиган, бу билан Василени тилидан илинтирмоқчи бўлган эди. Тўғри, у ўз отасини приёмник олдида ҳам кўп кўрган, бироқ отаси бу вақтда ўғлини кўриши биланоқ хижолатомуз қиёфада приёмникнинг қулоғини тезда бошқа тўлқинга буриб юборарди. Агарда у чет эл радиосининг эшиттиришларига қулоқ солишни лозим кўрганда ҳам барибир буни бир ўзи эшитган, бунга ҳеч қандай гувоҳ йўқ. Буни Василенинг билиши ақлга тўғри келмайдиган бир ҳол. Агар гап немислар устида кетадиган бўлса, гестапонинг диққатини фақатгина гувоҳлар, ҳужжатлар билан исботланган айбномаларгина торта олади. Бироқ нима бўлса ҳам бундан кейин эҳтиётроқ бўлиб юриши учун отаси билан гаплашиб қўйиши керак. Йўқ, Василе уни фақатгина кўрқитиб қўймоқчи, холос. Худди шундай. Фрид бундан бир ҳафта муқаддам отасининг Сигишоаруга боргани-

ни, у ердан эса қандайдир маънос, дилхаста бўлиб қайтиб келганини эслади: Фрид буни яна савдо-сотик ишларида бирон кўнгилсизлик бўлган бўлса керак, деб ўйлади. Кейин ойисининг ўчоқ бошида кўз ёшларини артиб йиғлаб турган ҳолда учратди. Ўшанда у бу нарсаларга ҳеч қанақа маъно бермаган эди. Энди унинг хаёлига бошқа нарса кела бошлади: Фрид хаёлига ҳам келтирмаган бирон нима бўлса-ю, Василе ундан хабар топган бўлса, унда нима бўлади? Фриднинг юраги ҳаприқиб кетди. Қани энди бу операция тушмагур эртароқ тамом бўла қолса, Фрид уйига бориб ота-онаси билан ўтириб жиддий гаплаша қолса.

— Нега индамай қолдинг, Фрид?

— Кеча кечқурун клубдаги қизларнинг олдига борган эдим. Бири-биридан гўзал.

— Фрид, алдаяпсан. Ҳозир бу ҳақда ўйлаганинг йўқ.

— Қизларни ўйладим, Силе.

— Немис ҳеч қачон. ҳатто фикр қилганда ҳам ёлғон гапирмаслиги керак. Сен бўлсанг, кўз олдимда икки марта алладинг.

— Мен қизларни эсладим.

— Агар сен қизларни ўйлаган бўлганингда қовоғинг бу қадар солиқ бўлмасди.

— Мен қизларни эсладим!

— Шуни билиб қўйгинки, қизлар ҳақида гап кетган пайтда ҳеч қачон оғзингга талқон солиб ўтиролмас ва борини ипиданигнасигача гапириб берардинг. Ҳозир эса, қовоғингни солиб олганча бузилган пластинкага ўхшаб, битта гапни ҳадеб минғирлаб қайтаряпсан.

Василе нозик жойидан олган эди. У Фридан кўзини узмай унинг юзида зоҳир бўладиган ўзгаришларни кузатиб турди. Василе шу топда Фриднинг шахсий делосидаги ўзи тўғрилаган қалбаки сўзларни ўйлаб етишини ва ундан даҳшатга тушганининг аксини юзида кўришини жуда-жуда истарди. Лекин Фриднинг хўмрайган бетидан шахси таҳқирланган кишининг қиёфасида содир бўладиган маънодан бўлак маънони уқиб олиш мумкин эмас эди. Шундай бўлса яна яхши. Фрид бир кун бориб гап нимада эканлигини сезиб қолгудек бўлса, у шундай даҳшатга тушадики, бундай кўрқувни у етти ухлаб тушида ҳам кўрмайди. Василе қассобнинг ўғлидан раҳмсизларча ўч олишни ўйлаб қўйди. У Фридни бирданига ўлдирмайди. Агар ўлаётган одам ўз ўлиmidан олдин ўлимнинг даҳшатини бошдан кечирмай туриб ўлиб кетса, у жудаям енгил ўлим топган бўлади. Василе Фридни жуда секин, хотиржамлик билан ўлдирмоқчи эди. Бунинг учун даст-

лаб Фридинг гурудини пасайтириб қўйишни, Байяшнинг кунига тушириб, қадр-қимматини икки пул қилишни, ана шундан кейингина олижаноблик билан охирги зарбани беришни хоҳларди. Агар одам ўз қадр-қимматидан маҳрум бўлса, уни йўқотса иродаси сусаяди ва у ўлимга бошқача муносабатда бўлади. Унинг дунёда яккаю ягона илинжи фақатгина ҳаёт бўлиб қолади-ю, буни ҳар бир дақиқада сезиб турали. Шунинг учун бундан ҳам ажраб қолмаслик мақсадида унга жон-жаҳди билан ёпишиб олади. Василе бу гаплардан ўзича лаззатланиб ичида суюниб қўйди...

Шофёр кабинаси билан кузовни ажратиб турадиган ойна тикирлади. Тормоз ғийқиллаб, машина тўхтади.

Биринчи бўлиб машинадан Василе, унинг кетидан эса итни етаклаб Фрид ирғиб тушди, кеча зимистон, пардаси яхшилаб тугилмаган деразадан ерга ола-була хира ёруғ тушиб турибди. Байяш уйни кўрсатди. Шофёр Виссарионни қўриқлаб қолди. Василе ёнига Фрид билан солдатни олиб унсиз секин-аста уй эмас, уйдан кўра кўпроқ омборхонага ўхшаб кетадиган хужрага яқин келди. Фрид боғчани айланиб ўтиб ўрмон тарафга қараб кетган четан девор ёнига бориб туриб олди. Солдат дарвозани қўриқлаб турди. Василе ҳовлига кирмоқчи бўлиб кўча эшикни итарган эди, ичкаридан тамбалаб қўйилгани учун эшик очилмади. Василе оёғи билан итарди. Унчалик мустаҳкам қўйилмаган тамба тушиб кетди-ю, эшик очилиб оҳиста ҳовлига кирди. Уй эшигининг тагидан ингичка нур кўриниб турарди. Василе елкаси билан ўзини эшикка қаттиқ урган эди, эшик ошиқ-маъшуғидан чиқиб, шарақлаб очилиб кетди. Қўрқиб кетган аёл кишининг бир зум қисқа қичқириви эшитилди-ю, стол ёнида турган хотин оғзини кафти билан беркитиб олди. Василе шошиб кейинги хонага ўтди.

— Қаршилиқ кўрсатсанг отиб ташлайман, уй ўраб олинган, — қичқирди Василе баданидан совуқ тер чиқиб кетаётганини сезган ҳолда.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Василе чироқнинг хира нурида эскигина адёлда энгагигача ўраниб ётган бир одамни кўрди. У қаттиқ иситмалаб ётарди, юзлари иссиқдан ёнар, оғзи эса ярим очик. Василенинг орқасида оёқ товушлари эшитилди. Бу унга ёрдамга келган солдат эди.

— Ётганига анча бўлдимми? — деб сўради Василе энди бир оз ўзига келган аёлдан.

— Кеча кечқурун озгина дуруст эди. Бугун яна оғирлашди. Азизларим, у нима иш қилиб қўйган? Агар билган бўлганимда

уни эшигимга йўлатмаган бўлардим. Афтига қарасам, яхши кишига ўхшаб кўринди. У биронта ўғри-пўғри бўлса олиб кетинглар, азизларим. Лекин у ўғри эмас, бир ойлик ижара ҳақини аввалдан тўлаб қўйди, мана энди қарабсанки касал бўлиб қолди. Келган кунидан бошлаб бошини ёстиқдан кўтармайди...

— Унинг олдига бировлар келиб-кетиб турадими?

— Кеча кечқурун кимдир келиб дори-дармон, егуликлар ташлаб кетди, азизларим. Мен уйда йўқ эдим. Азизларим, унинг қонунга хилоф бирон нима қилиб қўйганини мен қаердан билай? Нега сен ҳадеб менга замбарагингни тўғрилайверасан? Тусингни ел олсин, кўзим башарангни кўрмаслиги учун қўлимдаги латтам билан юзингни ўраб ташлайман худди, — аёл автоматни ўқталиб турган солдатга ўдағайлаб кетди.

Василе Матей ётган хонани кўздан кечириб чиқди. Хонанинг юпқа девори музлаган, бурчак-бурчакни қиров босган, дарчага кафт кенглигида газета ёпиштирилган. Каравотнинг олдидаги стол устида эса бошлаб қўйилиб ҳали тугатилмаган қалам билан ёзилган хат ётарди. Василе биринчи қаторни ўқиди, кейин қизиқсиниб иккинчи, учинчи қаторларни ҳам ўқиди. У Матей хатни фронтдаги ўғли Андрейнинг номидан ёзганини тушунмади. Ингроқ эшитилди. Лекин Василе унга эътибор қилмади. Кейин хатнинг ёнида турган бир парча қоғозни қўлига олди. Унда Андрейнинг Сталинград остоналарида «қаҳрамонона ҳалок бўлган»и ҳақида хабар ёзилган эди. Василе «жондан азиз ота-онам...», деб бошланган хат билан Андрейдан келган қорахатни олди-ю, стулга илиб қўйилган костюмнинг чўнтагига тиқиб қўйди. У Матейнинг нега бундай қилганини тушунмасди. Эшикда Фрид кўринди. Василе Матейни олиб кетишга буйруқ берди. Уни энди каравотга ўтқазишган ҳам эдики, у яна ингради-ю, кўзини очиб юборди. Матей бирмунча вақт Василега қараб туриб, кейин ҳорфин киприкларини бир-бирига улади.

Ташқарига чиқишгандан кейин Василе:

— Ҳозир тўппа-тўғри врачга олиб борамиз, — деб топшириқ берди.

Матейни туртиб машинага киргизишди. Василе унинг боши кувовга урилмасин деб бошига кийимини қўйиб қўйди.

— Сен кетавер, Виссарион, — деди Василе ва қарс этиб машина эшигини ёпди.

— Мукофот-чи, жаноби Негоицэ, мукофот... — Виссарионнинг овози эшитилди. Лекин Василе жавоб ўрнига мушт билан ойнани уриб қўйди. Машина гувиллаб шаҳар томон елиб кетди. Ит

Матейни айланиб ўтиб, ўзининг узун ғадири-будир тили билан унинг тер босган иссиқ пешанасини ялай бошлади.

Гестапога келишгандан кейин Матейни алоҳида хонага қўйиб, доктор Клауснинг қўлига топширишди.

— Зотилжам, — эътиборсизлик билан тўнғиллади у. Кейин Матейга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш мақсадида қўлини яхшилаб ювишга киришди.

18

Гестапонинг подвали бир-биридан ажратилган алоҳида-алоҳида олти хонадан иборат эди. Тўғриси айтганда, бу уйлар бир вақтларда йўлаклар билан бир-бирига туташтирилган олти-та подвал эди. Энди бўлса, уларнинг ҳар бирига кириш жойи баҳайбат оғир пўлат эшиклар билан беркитилган. Йўлакнинг ўзи эса сурилма панжаралар билан бир неча еридан ажратиб қўйилган. Ҳар бир ажратилган жой турма вазифасини бажарар ва уларга ҳар хил сабаблар билан ҳибсга олинганларни ўз гуноҳларига қараб, бўлиб-бўлиб қамаб қўйишарди. Бу ерда тозаликка жуда ҳам қаттиқ эътибор бериларди. Бироқ вентиляторлар кеча-кундуз тинмай ишлаб турса ҳам, барибир ҳаво нам, доим шиптир ҳиди анқиб турарди. Йўлак бўйлаб юз метрдан ошиқроқ жун гилам тўшаб қўйилган. Ҳар бир бўлмага кириш олдидан эшикнинг тагига қалин қилиб денгиз оқ қуми сепилган. Қамоққа олинганлардан биттаси навбат билан ҳар куни эрталаб мана шу қумли йўлакдан махсус филдиракка ўрнатилган тувакни олиб юрар ва ҳар бир бўлманинг олдида маҳбус ҳожатини чиқаргунча ўн дақиқадан турарди. У шу усулда бутун бўлимни айланиб чиққандан кейин тувакни лифтда иккинчи қаватга олиб чиқарди-да, ахлатни канализациянинг тешикчасига ағдарарди. Ҳар бир бўлимда тўрттадан маҳбус сақланади, шунинг учун ҳам ҳар бир деворга иккитадан каравот қўйилган. Каравотларга ўткир нафталин ҳидини таратадиган чойшаблар ёпилган. Бўлимнинг охирида пўлат эшиклари ниҳоятда зич ёпиладиган, ўзларининг айтишича, «сарой» деб аталувчи иккита бўлма бор. Бўлманинг ҳар бирида шифтга яқин бир жойда хонани шамоллатадиган кафт кенглигида биттадан тешикча бўлиб, тешикчалар юқорилашган сари торайиб борарди. У бора-бора шу даражада кичрайиб кетардики, ташқарига чиққан жойини одам битта пўкак билан берки-тиб қўя олиши мумкин эди. Бу ерга қамалган маҳбусларни эшик ёпилгандан кейин ҳеч ким қўриқламасди. Шундан кейин бўлма-

да қанақа гап-сўз бўладиган бўлса, ҳаммаси юқори қаватдаги хонада уларни кузатиб ўтирган икки офицерга битта ҳам қолмай эшитиларди. Улар эса, йўлакдан липиллаб тушиб турган лампочкаларнинг шуъласида суҳбатнинг ўзларига бошқача кўринган жойларини ёзиб олаверишарди. Доктор Клаус Матейни оёққа турғазини учун қўлидан келган бор ҳунарини ишлатгандан кейин уни мана шу хоналардан бирига қамашди. Бўлмага келгандан кейин Матейни роса боқишди, овқатни қайтарган пайтларида ҳатто зўрлаб едиришгача боришди. Натижада у икки килограмм семирди.

Василе айланма зинадан «Сарой» томон тушаётиб йўлакда Павелни судраб кетишаётганини кўриб қолди. Унинг юзлари кўкариб, кўзлари ирғиб кетган эди. Бир неча соат давомида совуқ сув тинимсиз юзига уриб турганидан кўзи хиралашиб қолган, кўр бўлишига ҳам озгина қолган эди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, у Василени таниди. У «шаффоф қийноқ»ларга дош беролмади. «Шкаф»дан асаблари қақшаб чиқди. Энди бўлса кичкина боладай йиғлаб борарди. Василени кўриши билан ўзини тутмоқчи бўлган эди, лекин тутолмади, яна йиғлаб юборди.

Гестапода Павелни бир-икки авраб гапга солиб кўришган эди, иш чиқмади. Кейин гестапочилар ундан сир олишга ҳаракат ҳам қилмай қўйишди. Чунки Павел бир неча «чора-тадбирлардан» кейин қўйиб юборадиганлар рўйхатида эди-да. Кейин гестаподагилар унга бир умр эсидан чиқмайдиган сабоқ бериб қўйишга қарор қилишди.

«Ҳоли шу экан-у, менга бурнини кўтарганини қара. Ҳар ҳолда мен тасаввур қилган даражада иродаси мустаҳкам эмас экан», — деган хаёл Василенинг калласига ярқ этиб келди. У ҳозирги машғул бўладиган ишига бутун диққатини жалб қилган ҳолда Павелнинг ёнидан унга безътибор ўтиб кетди.

Василе биринчи рақамли «қопқон» олдига келиб тўхтади. Карл кулфга калит солиб эшикни очди-ю, маҳбусга чиқишни буюрди. Аввал Матейнинг бир оз тўкилган, лекин оқарган сочли калласи кўринди, кейин ўзи. У оғзини катта очиб нам, лекин тоза ҳавони бир неча марта чуқур симирди. Матей оёққа турди. Лекин «қопқон»да бўғилиб қолгани сабабли тоза ҳавога чиққандан кейин гандираклаб, йиқилиб тушаёзди. Эндигина ўзи чиқиб келган яшикни ушлаб қолди-ю, кўзларини чирт юмиб олди. Бу ерга биринчи бор олиб келиб ташлаганларида у, мени бўғиб ўлдиришади, деган қарорга келган эди. Кейин бирон марта ҳам сўроқ қилмасдан у дунёга жўнатишнинг эсэсчиларга сираям қизиғи йўқ, деб ўйлади. Мана энди у ҳақ бўлиб чиқди, уни олиб кетишяпти, энди сўроқ бошланади.

— «Шкаф»га соламиз, ҳозирча кутиш залига олиб боринглар. — Василе топшириқ бериб, ўзи олдинга қараб кетди.

Кутиш залида стол, бир нечта стул ва илгақда халат осиглиқ турарди. Фрид столга ўтириб олдига қоғоз қўйиб олди. Столнинг нариги чеккасига Матейни ўтказишди. Ганс бўлса, эгнига халат, қўлига қўлқоп кийиб олди. Василе Матейнинг орқасида у ёқ-бу ёққа бориб кела бошлади. Бир вақтлар Матей қўлимга тусади-ю, у билан ўзим шуғулланишга мажбур бўламан, деган гап унинг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмас. Бироқ ўзи ҳам, қаршилиқ қила олмайдиган аллақандай бир ички куч, туйғу ҳозир олиб борадиган сўроққа нисбатан бўладиган аввалги нафратини пардалаб қўйган эди. Эҳтимол, деб ўйлади Василе, худди мана шу бўлмада ётган коммунистлардан биронтаси дадамнинг шаънига ёлғон-яшиқни тўқиган ва унинг имзоси билан ёзилган айбнома натижасида дадамни отишгандир. Қизиқ, Матей сўроқ пайтида ўзини қандай тутаркин? Ўз коммунистлигини тан олиб, битта-яримтасини сотармикин? Шу пайтгача Василега коммунистларни ёки коммунистик партияга мансубликда шубҳаланган биронта одамни сўроқ қилиш насиб қилмаган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, уни коммунистлардан жирканишга ўргатишган, одамлар ичида энг паст даражалиги коммунистларнинг ўзгинаси, деб ишонтиришган эди. Василенинг хаёлига шундай гаплар келди. Қўйдек ювош Денешники озгина бўлса ҳам коммунистларга алоқаси бор, уларга муносабати яхши экан, ҳозир қўлимизда оғзига урадиган бирорта ҳам далил бўлмаслигидан қатъи назар, Матейдек чўрткесар, сўзамол бир одамнинг Германиянинг қудратини заифлантирадиган, уни йўқотиш учун хизмат қиладиган биронта гуруҳ ёки ташкилотга мансублиги шубҳасиздир. Василе орқасидан туриб Матейга қаради, қаради-ю, бир лаҳза кўз олдида ўз отаси ўтиргандай туюлиб, унинг бутун аъзойи бадани титраб кетди. Шу топда унга фақат мана шу фикрлар етмай турувди, шундай саволлар билан ўзини қийнаши, ҳар хил нарсаларни эсига олиши керак эди. Василе сўроқ қилишга шошилди.

— Матей, мен сени жуда яхши биламан, сен ҳам мени. Бир-биримиздан яширадиган сиримиз қолмаган. Иккаламиз бу ерда бекинмачоқ ўйнаётганимиз йўқ, мен ҳам энди кўнгил бўшлиқ қилиб сени амалга ошмайдиган ҳар хил орзуларга умидвор қилиб талтайтирмоқчи эмасман. Сенга ўхшаган одам бу ердан фақат кўнгилидаги борини, ўзига маълум бўлган нарсаларнинг ҳаммасини очиқ-ойдин, батафсил айтиб бергандан кейингина эсон-

омон чиқиб кетади. Сенинг ўглинг большевикларга қарши курашиб ҳалок бўлди. У тарихнинг, янги даврнинг бутун моҳиятини сендан кўра чуқурроқ ва яхшироқ тушунган эди. Сенинг хотининг бор. Ҳозир унинг бир ўзи сўққабош бўлиб қолган. Шунинг учун сени бу ердан тирик чиқишингни албатта жон-дилидан хоҳлайди. Мен сендан фақат бир нарса хусусида сўрайман: агар сен коммунист бўлсанг, айт, коммунистлардан тагин кимларни биласан, сенинг танишларинг «янги тартиб»га қарши қандай ғалаёнларда иштирок этишган, Бучагодаги партизанлар ташкилоти ҳақида нималарни биласан, улар билан алоқанг бормийўқми, ҳаммасини батафсил гапириб бер. Матей, биз шафқатсиз одамлармиз. Янги дунё шафқатсизлик қилмай туриб тузилмайди. Лекин авлодларимиз улар учун вужудга келтираётган тузум ҳаққи, бу қилган гуноҳларимизни кечирришади. Гапир, Матей, чўзиб ўтиришдан фойда йўқ.

Матей орқасига ўгирилиб Василега бошдан-оёқ қараб чиқди, кейин яна ўгирилиб аввалги ҳолатига тушиб олди. Сочини қўли билан тузатди-да, гапиришга тушди:

— Мен гапирадиган ҳеч қанақа гап йўқ. Лекин мен охиригача бир оғиз ҳам гапирмайдиган бўлсам, бу деган сўз, гўё коммунист оддий одамларга ўхшамаган, у мутлақо бошқа тоифадаги одам, бошқача тузилган, деган маънони билдирмайди. У ҳам тана ва асаблардан иборат, унда ҳам юрак бор, оғриқни сезади, ҳар бир оддий одамга ширин бўлган ҳаёт унга ҳам азиз. Гапнинг пўскаллеси шуки, жаноби офицер, менинг айтадиган ҳеч қанақа гапим йўқ. Фақат бир нарсага афсусланаман, холос, бу ҳам бўлса, сени бўғиб ўлдириб, тухумингни қуритиш учун бир вақтлар отанг ўрнида бўлмаганман. Бундан фойда чиқмасди, чунки сенинг ўрнингни бошқа биронтаси эгаллаган бўларди, албатта, лекин мен барибир шундай қилган бўлардим. Шунда сен ўзинг ёнмаён ўсган, сени ардоқлаган, эркалаган, эркалаганда ҳам келажакда аблаҳ бир қотил бўлиб чиқадиган кимсани билмай эркалаган мазлум одамларнинг бошига шунчалик ғам-алам, бало-офат келтирмаган бўлардинг. Сенинг қадаминг қаерга етган бўлса, унинг ўрнида фақат ва фақат бахтсизлик, жароҳат пайдо бўлди. Энди бўлса, сен отангни ким ўлдиргану, унинг ўлимига кимлар сабабчи бўлганлигини, бунга сабабчилар ўз ўртоқларингми ёки бўлмаса, сен коммунистлар деб атаётган одамларми эканлигини яна бир марта текшириб, ўзингда бунга ишонч ҳосил қилмоқчисан. Мабодо мен гапирмайдиган бўлсам, бу нарса сенга ҳеч нимани исботлаб беролмайди. Оламда ўтга тушса ёнмас,

сувга тушса чўкмас бир ҳақиқат бор. Ўша ҳақиқат қачонлардир келиб ёқангдан тутади ва сенга мен эмас, ўша ҳақиқат ҳаммасини исботлаб беради. Мен бўлсам ўлимга маҳкум қилинган оддийгина бир одамман. Ҳақиқатни эса ўлдириб бўлмайди. У сен тирик экансан, ер юзида юраркансан, оёқдан қолгунингча орқангдан бир қадам ҳам қолмай сени кузатиб юради. Қани, бошла энди, вақтни ўтказма. Коммунист гарчи ҳаёт қай даражада ширин бўлмасин, ҳатто ўз ўлими олдида ҳам сукут сақлашга қодирдир.

Фрид ёзишдан тўхтаб Василега қаради. Агар Василе илгари отасини кимлар ўлдирганлиги ҳақида Матейга гапириб берган бўлса, кейинги пайтларда Матей билан учрашган, бу демак, Фридининг Шульцга бериб турган маълумотлари уни ўзига келтирган ва у яқин таниш-билишлари билан савол-жавоб қилаётганда ўзини худди ҳозиргидай тутиш учун зарур бўлган ирода кучини тўплаб олган, деган сўздир. Фрид истехзо билан кулиб қўйди-ю, Матейнинг оғзидан чиққан сўзларни оқизмай-томизмай ёзиб олган қоғозини йиртиб-йиртиб ташлади. У йиртганда ҳам шундай намойишкорона шариллатиб йиртдики, бу билан Василе кўриб қўйсин, тагин қоғоз Шульцнинг кўлига тушади-ю, Матейнинг гапирган гаплари менга акс таъсир кўрсатади, деган шубҳаларга бориб, кўрқиб юрмасин демоқчи эди. Шульц пихини ёрган, у кимларни ҳибсга олиш кераклигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам Василени бекорга руминлар билан сўроқ олиб бориш учун тайинламаган. Чунки бу билан, аввало, Василенинги ўзини текшириб олади. Ундан ташқари, эски танишларни учраштириб қўйиб, миллати бир бўлгани учун улар тезда тил топишиб кетишини, суҳбат табиий кўчиб, ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандек осон ҳал бўлишини ҳам назарда тутган.

— Матей, яна бир неча дақиқалардан кейин ишонтириб айтманки, беҳуда чиранишни бас қиласан. Қизил сўзликни қўйгин-да, ўз ҳаётинг билан ўйнашаётганингни ўйлаб кўр.

— Сен мишиқи, нима, мени бу ерга карта ўйнайман деган хаёлда тушди, деб ўйлайсанми?

— Бу ҳақоратлар менга таъсир қилмайди. Матей, сен ҳали булар учун таъзирингни ейсан, ўшанда айтган гапларингга пуншаймон қиласан. Ҳаммасини айтиб бер, бўйнингга ол, деб мен сендан одамгарчилик юзасидан сўраган эдим. Бизнинг қўлимиз бўлар-бўлмасга оғир жазога югуравермайди. Бироқ сен шуни хоҳлар экансан, нима ҳам дердик, марҳамат. «Шкаф»га! — Василе сўзини шиддат билан кескин тугатди. Гансга фақатгина шу сўз керак эди.

Кўшни бўлмада металлдан ясалган торгина шкаф ўрнатилган эди. Шкафнинг кенглиги шундай эдики, унга фақатгина бир одам сиға оларди. Бўлмада ундан бўлак ҳеч нима йўқ. Шкафнинг қалин, икки қаватли деворларида сон-саноксиз тешиклар бор. Кулфда турган калитни айлантирилганда насос ишга тушиб, ҳалиги тешикчалардан бир неча атмосфера босимда шкафнинг ичига сув отилиб кирарди. Босим кучи билан сувни баланд кўтариб пастга туширишни бўлмада туриб бажариларди. Шкафнинг юқорисида, одамнинг бўйи билан баробар жойда қалин ойнадан ясалган кичкина эшикча қўйилган бўлиб, бундан шкафнинг ичида нима ҳодисалар бўлаётганини кузатиб туриш мумкин эди.

— Ечин, бир оз ҳовурингдан тушиб олишинг мумкин. Чунки биз сенинг ҳаётинг учун жавоб берамиз, ахир.

— Одамни ҳам шунақа эзмагарчилик билан ўлдиранканми? — деди Матей ечинаркан.

— Ўчир овозингни, занғар! — Ганс шундай деб бақирди-ю, қўлидаги оғир резинка қўлқоп билан Матейнинг калласига туширди.

Матейни туртиб-силтаб «шкаф»га киргизишди. Ганс тугмачани босган эди, шифтга ўрнатилган динамикдан қандайдир гўлдираш эшитилди.

Матейнинг баданига сувни қандай қилиб урилаётганини динамик орқали эшитса бўларди. Бир неча сония ичида сув шиддат билан унинг ҳалқумигача чиқди. Кейин босимни бир оз пайсайтиришди-ю, сув жуда секинлик билан бурни томон кўтарила бошлади. Матей оёғининг учида турмоқчи бўлиб чўзилган эди, бошқа бир тугмача босилиши билан шкафнинг юқорисидан қалин резинка қалпоқ бошига ёпирилиб тушди. Энди юқорига чўзилишнинг имкони қолмади. Сув бўлса, борган сари жуда секинлик билан миллиметрлаб кўтариларди. Иложсиз қолган Матей нима қиларини билмай шкафнинг эшикчасига кўзларини чақчайтириб тикилиб қолди. Ниҳоят сув бурнигача чиқиб борди. Сувнинг совуқлик даражасини кўрсатувчи термометр эса деярли нолда турибди. Йўлакда осилиб турган динамик орқали кимдир Василени Шульц чақираётганини маълум қилди, лекин ҳозир унинг қулоғига ҳеч нима кирмасди. Матейнинг чақчайган, кўрқув ва азоб-уқубатдан заррача ҳам нишон йўқ кўзлари уни ўзига тортган, эс-хушини тамоман олиб қўйган эди. Фрид бўлса, бир дақиқа ҳам Василедан кўзини узмас, қиёфасида қандай ўзгариш бўларкин, деб уни кузатиб турарди. Динамикда яна унинг номи янгради.

— Сувни тушир!

Сув пасайиб, Матейнинг иягигача тушди.

— Агар бирон нима гапиришни хоҳласанг, гапиравер. Бу ердан ҳаммаси эшитилади.

Динамикдан овоз келмади.

— Сув!

Бу сафар сув Матейнинг кўзигача кўтарилди.

— Ток!

Динамикда ғўриллаган қаттиқ товуш пайдо бўлди.

— Сувни тушир!

Сув яна ияккача тушди. Энди Матейнинг юзлари кўкариб кетган эди. Танасининг эса ток таъсири билан қай ҳолатда қалтираб, чангак бўлиб бораётганини унинг кўзларидан бемалол билиб олса бўларди.

— Сув!.. Ток!.. Сув!.. Ток!.. Сув!..

Ганс бошқа буйруқ кутар, лекин буйруқ овозини эшитмасди. У Василега қаради. Василе бу вақтда деворга қараб букчайганча кўз олдида рўй бераётган манзаранинг даҳшатига бардош беролмай, оғзини қўли билан беркитиб олиб ҳадеб йиғларди.

19

Василе доктор Клауснинг алоҳида хонасида бир ҳафтадан кўп ётди. У бу давр ичида докторнинг оёққа турфазиш учун қилган барча ҳаракатларига қарамай, бир неча килограмм озди, семириш нималигини билмай, кундан-кунга этини олдирарди.

Эшик очилиб кўзойнагини бурнининг учига туширганча Клаус кириб келди-ю, каравотда чалқанча ётган Василега қараб қўйди. Лекин унга бир оғиз ҳам гапирмай, дори-дармон сақланадиган шкафчасидан бир шиша коньяк олиб устма-уст бир неча рюмка ичиб юборди.

— Ҳолингга вой бўлиши мумкин. Шульц қаттиқ ғазабланган. Сени унга айбсиз қилиб кўрсатдим ва сурункали безгакка учраган дедим. Бу таъхис Шульц ва бошқалар учун. Сен учун эса, кўрқув. Ҳа, шундай азизим, кўрқув.

Клаус шишани жойига қўймоқчи бўлган эди, лекин фикридан қайтиб яна бир рюмка ичди-ю, каравотнинг четига ўтирди, ўзи ичган рюмкага тўлдириб коньяк қуйиб Василега узатди.

— Ич. Яхши бўлади. Бу ҳам дори, вақти-вақти билан дорилар қаторида ёздириб олиб тураман.

Василе рюмкани олиб, оғзига олиб борди. Унинг қўллари қалтирарди.

— Шунга ишончим комилки, агар сен ээсчи бўлмаганинга, Шульц бир зум ҳам ушлаб турмай фронтга жўнатган бўларди. Шундай қилиб, сени яшашга ҳукм қилишди. Азизим, тўғрисини айтганда, сени бизга келиб қўшилганинга ҳечам тушунолмаман-да. Биринчи марта танишган кунимиздан буён сенга раҳмим келиб юради. Мен шуни биламанки, биз ўттиз тўққизинчи йилдан буён урушда ютқазяпмиз, шунинг учун ҳам худди ўттиз тўққизинчи йилдан буён ичаман. Бу ҳақда ишонч ҳосил қилган сарим, шунчалик кўп ичяпман. Агар одамнинг башорат қилиб айтган гаплари тўғри кела бошласа, унга жудаям ёқимли бўлади-да.

— Доктор, ёлғон гапиряпсиз. Сиз мени тилимдан тутмоқчисиз. Қўлингиздан келмайди.

— Фирт аҳмоқ экансан.

Клаус Василенинг қўлидан рюмкани тортиб олиб, жойига олиб қўйди.

— Икки марта ўлим оғзидан қайтган ҳалиги Матей чурқ этиб оғиз очгани йўқ.

— Доктор, мен унинг кўзларини ҳали кўп вақт эсимдан чиқара олмасам керак.

Василе ўрnidан туриб хонанинг ҳамма бурчакларини кўздан кечириб чиқди. Кўзига ҳеч нарса кўринмади. Шкафнинг орқасига қарашга эса, юраги дов бермади, қўрқди.

— Нима изляяпсан?

— Ҳеч нима, ўзим шундай.

— Агар «шкаф»га тиқишганда сенинг ҳам кўзларинг ўша ҳолга тушган бўларди. Ахир, бу «шкаф» маълум даражада менинг ихтиройим.

Василе Клауснинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Аслида-ку, бу гапларни эшитгандан кейин бориб ҳаммасини Шульцга етказиш керак эди-я. Жазолаш учун шундай даҳшатли машина ихтиро қилган, шу билан бир вақтда шу ихтиродан фойдаланаётган одамлар ҳақида ёмон гапларни гапирётган киши шубҳалигина эмас, балки тамоман хавфлидир. Лекин шунга қарамай Василе ўрnidан қимирламади. Қимирлаш у ёқда турсин, ҳатто бундай суҳбатни давом эттириш кўнглига ёқмаслигини билдириб қўйиш учун доктор Клаусга бирон-бир норозилик ишорасини ҳам билдирмади. У қўли қалтироқ бўлиб қолганини ҳисобга қўшмаганда, гарчи баданида ҳеч қандай касаллик аломатини сезмаса ҳам, ўзини жуда оғир, худди мажақлаб ташлангандек сезарди.

У ўшанда фақат қўрққанидангина йиғлаб юбориб, беҳуш бўлиб қолгани йўқ. Матейнинг ўзини тутиши, тик қараб тури-

ши уни аввал ўз қилмишларини ўйлаб кўришга мажбур қилди. Шундан кейингина бутун вужудини кўрқув босди. Бунинг сабаби, биринчи қарашда оддий кўрингани билан замирида бошқа сир бор эди. Лекин Василе шу онда Шульц кўрқоқлик қилганим учун қаттиқ жазолайди, деб кўрқиб ўтирмади. Чунки ҳақиқий немис ҳар қандай ҳолатда ожизлик, кўрқоқлик қилмаслиги керак-да. Шу билан бирга Василедан нега бундай аҳволга тушдинг, деб биронта одам сўраб-суриштирмади. Сўрамагани яхши бўлди. Сўраган тақдирда ҳам барибир у ҳеч нимани изоҳлаб беролмаган бўларди, чунки назарида ишонган тоғи, эътиқоди маъносиз бўлиб қолган, ҳар хил туйғу, ҳиссиётлар бир-бирига ғалати бўлиб қоришиб кетган, ўзи эса бу туйғулар гирдобида ўзини қаёққа уришни билмас, ҳақиқат деб нимага ёпишишни-ю, ёлғон деб юрагидан нимани итқитиб ташлашини билмай боши ғовлаб ётарди. Бироқ ҳақиқат билан ёлғон унинг ичида, қалбида эди, у буни аниқ биларди. У энди ёлғон деб билган, кўнглига туккан нарсаси билан баҳслашмади, худди шундай, ҳақиқат деб ишонган нарсасини ҳам ҳимоя қилиш учун куч сарфламади, бунга интилмади ҳам. Ўйлаб қараса, бу иккаласи бир-бирига шундай яқин, шундай бирлашиб кетган эканки, буларни ажратиб ташлаш учун ўзида заррача қудрат, куч топа олмасди. Шунинг учун ҳам Клауснинг гапларига қарши бир оғиз ҳам эътироз билдирмади. Унинг гапларидан фақат шуни билиб олиш мумкин эдики, доктор хизмат қилган кишилар худди сотқин одамга қандай муомала қилишган бўлса, унга ҳам худди шундай муносабатда бўлишган. Шу билан бир вақтда докторнинг шуҳратини оширган жазолаш аппарати эса гестапода доктор фойдасига мўътабар далил бўлиб хизмат қилган. Василе ҳозир ҳар бир воқеа-ҳодисани мустақил равишда идрок қила олмас, бундай қилишни аллақачонлар унутиб юборган эди. Лекин кўз олдида содир бўлаётган кўплаб ҳодисалар уни чалкаш мулоҳазаларга итарар, ҳақиқатнинг кўзини очадиган бирон аниқ хулосага келишига йўл қўймас эди.

Клаус Василега асабни босадиган, тинчлантирадиган укол қилди. Василе на игнанинг киришини, на оғриқни — ҳеч нимани сезмади. У Клаус укол қилиб бўлиб шприцларни қайнатишга қўйгандан кейингина унинг оғриғини сизди.

— Нацизмнинг чириши ўттиз тўртинчи йилдан бошланган. Мен буни ўттиз тўққизинчи йилга келиб билдим. Бошқалар бу нарсани ҳозир ҳам тушунишни истамай, ўз оёқлари билан урушга бориб ажалга рўпара бўляптилар. Бу нарса, менинг азиз тента-

гим, уларнинг гуноҳни мардона тан олишдан кўра, ўз ўлимини афзал кўрганлигининг белгисидир. Негаки, мардлик ҳаракатни тақозо этса, кўрқоқлик эса кўзни чирт юмиб итдай бўйсунитишни талаб қилади. Мана шунинг учун ҳам улар бўйсунадилар. Фашизмни нималар деб аташмасин, у қандай маъноларни ўзида мужассамлаштирмасин, нималарни унинг шаънига туфлаб ёпиштиришмасин — фашизм фақатгина муқаддаслик даражасига кўтарилган бидъат, ақидаларнинг ўзгинасидир, бундан бошқа нарса эмас. Урушда шунинг учун ҳам ютқазяпмизки, биз одамзоднинг инсоний қадр-қимматини кўтариш, эркинлигини барқарор қилиш ўрнига, ҳатто буларга кўшиб уларнинг ҳаётдаги орзу-истакларини ҳам йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдик. Бироқ умид, орзу-истакларни вайрон қилиш, бузиш мумкин эмас, инсон бусиз яшолмайди. Агар киши яшашни истаса, бир томчи қони қолгунча орзу-истаги, мустақиллиги учун курашиши керак.

Шкафнинг орқасидан бўғиқ равишда тиқир-тиқир овоз эшитилди. Василе сесканиб кетди. Клаус ҳеч нима эшитмади, эҳтимол эшитгандиру, лекин бунга ҳеч қанақа маъно бермади. У шприцларни спирт чироғига кўйиб, папирос тутатди. Бирдан темир каравот ғичирлаб деворга урила бошлади. Бу Василе эди. У адёлга ўралиб олганча асабий қалтирарди. Василе лабларини қаттиқ тишлади-ю, қўлини зўрға кўтариб докторни ўзига имлаб чақира бошлади. Ҳайрон бўлиб қолган Клаус кутилмаган бу ҳолатни нима билан изоҳлашини билмай, тўшакка яқин келди ва синовчан назар билан Василега тикилди.

— Қочинг бу ердан, бўлмаса сизни ҳозир ҳибсга олишади, — шивирлади Василе.

— Сен алаҳлаяпсан, азизим.

— Кетинг, кетинг тез... қочинг... У сиз гапирган гапларнинг ҳаммасини эшитди.

Доктор атрофга қаради, кейин эшикни очиб йўлакка кўз югуртирди. У ерда ҳам ҳеч кимни кўрмагач, эшикни ёпиб қулфлаб олди-ю, Василенинг оғзига термометр суқди.

— Эҳтимол, мен хато қилгандирман, сени ҳақиқатан ҳам безгак тутгандир.

— Қочинг, сизни ҳибсга, олишади... Шульц барини эшитди...

— Азизим, алаҳлаяпсан. Тишларингни бир-бирига босма, термометрни синдириб юборасан.

Василе ҳушдан кетишдан олдин яна бир марта:

— Қочинг... — деб шивирлай олди.

Василе ўзига келиб, хонага кўз югуртириб чиқди, бир ўзи ётибди. Қўли зирқираб оғрияпти. Қараса, қон томирига игна санчилган, чойшабга қон томар, ҳар хил тош тахталардан қилинган полда эса шприц парчалари сочилиб ётибди. Василе томиридан игнани суғуриб олди-ю, шошиб ички ҳовлига қараган дераза томонга югурди. Иккита солдатнинг ўртасида бошини юқори кўтарганча худди касал кўргани кетаётган одамдай хотиржам бир қиёфада доктор Клаус борарди.

20

Василе Шульцнинг кабинетига фоз қотиб турибди. Штандартенфюрернинг асаби ниҳоятда бузилган, ҳадеб у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. У баъзан тўхтар, бу пайт калласи ўз-ўзидан бир оз чап тарафга бурилиб кетарди. У пистолетини филофидан чиқариб затворини ушлаб кўрди, кейин яна филофига солиб қўйди, бироқ филофнинг оғзини беркитмади.

— Мен сени одам қилдим! Сенга унтерфюрерлик унвонини бердим. Мен сени бўғилиб ўлаётганинг ўша ботқоқдан суғуриб олдим, сен бўлсанг...

— Мен тўшакдан тура олмадим, мажолим йўқ эди, жаноби штандартенфюрер.

— Клаус герман миллатини сотди. Нега сен кўра била туриб буни тезда менга маълум қилмадинг?

— Менга кўп гапиравермасликни ўргатишган, жаноби штандартенфюрер.

— Индамаганингнинг сабаби, сен унинг гапларига ишонгансан! Шунақами?

— Индамаганлигимнинг сабаби, мени индамасликка, бировларнинг сирини очмасликка ўқитишган, жаноби штандартенфюрер.

— Сен кўрқоқлигингдан индамагансан. Агарда СС устави менга рухсат берганда, сени ҳозирнинг ўзидаёқ фронтга жўнатган бўлардим. У ер фронт, муғамбирлик қила олмасдинг.

— Мен шу ерда ҳам муғамбирлик қилганим йўқ, жаноби штандартенфюрер.

— У, биз урушда ютқазяпмиз дедими? Тонма! Рўпарамда туриб ёлғон гапирма! Мана шу бино-ку, бутун бошли шаҳарда нимаики гап, ҳодиса бўладиган бўлса, аввало, мен эшитаман, менинг қулоғимга етади, шундан кейин тарқалиши мумкин.

— Бу гапларни гапирган пайтда мен ҳушдан кетган эдим, жаноби штандартенфюрер. Ҳеч нарса эшитмадим.

— Солдатларим бу ҳақда айтишди. Шунинг учун ҳам сени олдимга чақиртирдим. Мен сенга шуни айтиб қўймоқчиман. Клаус нима деган бўлса, бари ёлгон. У бемаъни ғийбатларни фақатгина битта мақсад — герман давлатини кўпориш учун айтган. Ҳали бунинг учун жазосини тортади.

— Ҳа, жаноби штандартенфюрер.

— Биз ўзимиз немис бўла туриб немисни йўқотишга мажбур бўлиб қолган кезларимизда руҳан қаттиқ азоб чекамиз. Лекин давлат манфаати шуни тақозо этар экан, биз орқага қайтмаймиз — немис деб қараб ўтирмаймиз.

— Шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Дунёда бизнинг ҳақиқатдан бўлак ҳақиқат йўқ.

Жимлик.

— Нега индамайсан?

— Худди шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Хушингни йўқотиб қўйганлигинг учун ҳозирча янги топшириқ олмайсан, ҳамма ишларни унтерфюрер Фрид Вольфга ўтказ.

— Хўп бўлади, жаноби штандартенфюрер.

— Давлат манфаати йўлида ожизликнинг ҳеч бир кўринишига тоқат қилолмаймиз.

— Шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Сен тез орада хатойингни тузатиб, яна қадимги хизматингга қайтасан, деб умид қиламан.

— Шундай, жаноби штандартенфюрер.

— Мен сенга ишонаман.

— Миннатдорман, жаноби штандартенфюрер.

— Мен сенга ўзим хоҳлаганимдан эмас, балки немис онгининг хушёр туришлигини қувватлаш зарурияти юзасидан ҳайфсан эълон қилдим.

— Мен сизни тушундим, жаноби штандартенфюрер.

Василе қабулхонада котиба қиздан бўлак ҳеч ким бўлмаганига суюниб қўйди. Шинелини кийиб кўчага чиқди. У бу ишонтиришларнинг, ўғит-насиҳатларнинг бари фақатгина расмиятчилик юзасидан бўлганини, аслида эса Шульц уни шу дақиқадан бошлабоқ оператив гуруҳга раҳбарлик лавозимидан олиб ташланганини маълум қилиб қўйиш учун чақиртирганини жуда яхши биларди.

Василе бунга афсусланмади, чунки энди янги шароитда ўз туйғуларини қандай бошқаришини текшириш учун имконият яратиларди. Василе ўзига ўзи ҳайрон бўларди. Шульц минг марта чайналавериш сийқаси чиқиб кетган ибораларни ҳадеб қай-

тараверди-ю, у бўлса ихтиёрсиз равишда уни маъқуллаб тўтидай сайраб тураверди. Ахир, ҳеч қандай ғичир-ғичирга тоқат қила олмайдиган мана шу механизмда ҳам қандайдир бир ўзгариш содир бўлиши керак-ку. Ёки ўзи шу механизмга амал-тақал қилиб тиркаб қўйилган бир мурвату, унинг табиий ҳаракатидан ортда қолмаслик учун уриниб ётибдимикин? Эҳтимол, ҳаётда бу ҳаракатдан бошқа ҳаракат ҳам мавжуддир: масалан, Клауснинг гапи эътиборга олинса, бошқа ҳаракатлар ҳам мавжудга ўхшайди-ку!

Василе Фридни эслади. Бугун уни кун бўйи кўрмади. Изоляторда ётганида бир дақиқага бўлса ҳам югуриб келиб кўриб кетарди. Эҳтимол, ҳозир қаерлардадир ўзининг янги лавозимини тантана қилаётгандир. Василе унинг бутун қувончини осонлик билан бир дақиқада йўққа чиқариб юбора олиши мумкин. Лекин Вольфлар хонадони хусусида минг бир машаққат билан ахтариб топилган, ҳали-ҳозиргача гестапога маълум бўлмаган ўша маълумотлардан қилган тантанаси энди унинг учун ўз аҳамиятини йўқотган эди. У қалбидан отилиб келаётган «қандай қилиб шундай ҳолга тушиб қолдим?» деган саволга жавоб берини учун ўзида қилча мадор тополмади, бутун танасида ҳорғинлик ҳис қиларди. Василе бир вақтлар Зиглернинг кўзини қандай унутолмай юрган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ҳолга тушиб қолган, энди у Матейнинг кўзларини ҳеч кўз олдидан кеткизолмасди. Зиглернинг кўзи-ку вақт ўтиб эсидан чиқиб кетди, энди бирмунча вақтдан кейин Матейнинг ҳам кўзлари унут бўлиб кетар. Лекин унинг одамзод бардош беролмайдиган жабру жафоларга чидаб, чақчайиб туриши унга ўз отасини эслатди. Отасини ҳам худди шундай усулда жазолаган бўлишлари мумкин. Эҳтимол, ўшанда Василенинг ўрнида бошқа бир одам: «Ток!.. Сув!.. Ток!..» деб буйруқ бергандир. Эҳтимол, кимдир «шкаф»нинг эшикчаси орқали Иримиенинг азоб тортаётган кўзларига мана шундай қараб тургандир. Василе Матейнинг кўзлари шокосасидан чиқиб кетаётганини кўргандагина, яъни у ўзини ваҳшийлар қаторига қўшилиб бораётганини сезган пайтдагина йиғлаб юборган эди. Эҳтимол, бу унинг бутун инсоний ҳис-туйғуларини секин-аста кемира бориб ҳайвонлик ҳолатига ўтаётганининг охириги босқичидир. Унинг бутун ҳаёт йўли қалбилагги қарама-қаршиликларни енгиб, тинимсиз равишда ўз-ўзи билан курашиб, эндиликда минг машаққатлар билан эришгани — катта, туб бир мақсадга қаратилган ва шу йўлга тикилган эди. Бу мақсадга етишни зориқиб, ичи куйиб кутди, Василе бунга эришишда ўзини худди узунликка сакраётгандек ҳис қилар ва ҳар сафар югуриб

келиб сакраганда оёғини нотўғри қўйиб қолган ҳисоблар, янги куч тўнлаб бошқатдан янада узоқроққа сакрашга шайланарди. Шундай қилиб, сакрай-сакрай охириги сакраш жойи — туб мақсади жаҳаннам бўлиб чиқди.

21

Василе клубга бораётиб майхонага киришни кўнгли тусаб қолди-ю, унга кирди. Шульц айтган зинапояга (бу зинапоя тўппатўғри бинонинг ичига олиб кирарди) юмшоқ гилам тўшаб қўйилган. Василе зинапояга шундай диққат билан тикилиб турдики, бундан кўрган майхонадаги хизматкор қиз ёшгина унтерфюрер бундай ноқулай соатларда фақатгина ичимлик ичгани келмаган бўлса керак, деб ўйлади. У битта халтача келтириб Василега узатди-да, маънодор кулиб қўйди. Василе юқорига кўтарилди. Уни эсэсчилар мундирида бир аёл кутиб олиб, ванна томонни кўрсатди. Василе нима учун ваннага тушиши кераклигини тушунмади. Чунки ҳар куни ювиниб турарди-да. У қизариб кетди. Бироқ аёл ҳалигидай мафтункор табассум билан сочиқ, совун халтачада эканини маълум қилди ва Василени душнинг эшигига кузатиб қўйди. Василе ювиниб ўзини анча енгил сезди. Аёл бўлса, уни йўлакда кутиб турди. Василе чиққандан кейин аёл бир кичкина меҳмонхонага бошлаб борди-да, ўтқазиб қўлига муқовасида «кўргин, чиққанингдан кейин, нимани кўрган бўлсанг унут», деб ёзилган альбом тутқазди. Альбомда бир-биридан чиройли қизларнинг сурати бор эди. Василе уларнинг ичида бир нечта танишларини ҳам учратди. Бу ерда герман ирқини кўпайтириш мақсадида ҳар жиҳатдан яхшилаб текшириб саралаб олиб келинган қизлар туришарди. Василенинг эшитишига қараганда, бу хайрли ишда жамиятнинг юқори табақаси хотинлари ҳам ихтиёрий равишда иштирок этишарди. У альбомдаги суратлар ичида Карлнинг ойисини кўриб қолиб кулимсираб қўйди: мутлақо ишончим комилки, унинг эри бундан беҳабар, деди ўзича. Бу ерда ҳам сир сақлашнинг йўлини топишибди. Деворларга осиб ташланган амирона буйруқлар, таҳдид соладиган плакатлар шундан дарак бериб турарди. Василенинг калласига йилт этиб бир фикр келди-ю, лекин уни охиригача ўйлаб ўтирмай бармоғи билан сал-пал бўлса ҳам Дортмутни эслатадиган қора мағиз бир суратга ишора қилди. Аёл хонага бошлаб борди. Василе хизмат ҳақи учун яхшигина чойчақа бермоқчи бўлган эди, бироқ ҳарбий кийимдаги аёл унга аччиқланиб қараб қўйди. Василе бундан хижолат тортиб дарров қўлини чўнтагига тикди:

— Биз ҳозир бозорда эмас, олижаноб бир муассасада эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Эшик ёпилди. Василе хонага қараб қотиб қолди: қаршисида кутиб олиш учун енгил шойи халат кийган Дортмут каравотдан туриб келарди. Хона иссиқ, ўткир атир ҳиди анқирди.

— Кечир мени, Дортмут. Сен эканлигингни билмай қолдим.

— Нимага кечирим сўраяпсан? Ҳа, биламан, ўша ишга-да! Тагин ҳам кам урган экансан. У ўзининг чўчқалигини кўрсатди, кетаётиб ақалли бир марта хайр ҳам демади. Мен унга жуда кўнгил кўйгандим.

— Жудаям маккора қизсан-да, Дортмут. Нима, энди Шергларнинг уйида ишламаяпсанми?

— Ишляяпман. Эрталаб. Тушдан кейин эса бу ерда. Лекин кўнглимга бу ер ёқади.

— Сен бу ерда ўз бурчингни бажаряпман деб ўйлайсанми?

— Агарда мен битта эркак билан кетма-кет бир неча кун бирга бўлиш имкониятига эга бўлсам — бу бурч бўлади, бунинг ҳечам кулгили жойи йўқ, ўз-ўзидан маълум. Ахир ҳаётни севишни менга ўзинг ўргатгансан-ку. Ечин.

Василе этигини ечди. Кўйлагини ечишга Дортмут ёрдамлашди.

— Келиб-келиб фақат мени танлаганинг кўнглимни тоғ қилиб юборди. Демак, нима бўлса ҳам мени севаркансан.

— Сен эканлигингни билганим йўқ.

— Эски суратимни берганман. Суратимда жуда яхши кўринам, тўғримасми?

— Агар сенлигингни билганимда олдинга кирмаган бўлардим.

— Кетишинг учун ҳали ҳам вақт бор. Дафтарга қайд қилгинда, кетавер, лекин, индамай кўя қол, сен худди меникига келгансан, билмасдан келиб қолдим деганинг бўлмағур сафсата. Мен эсам, сен билан бирга бўлишни, сендан бола кўришни хоҳлардим. Туғсам боламнинг отини Силе кўярдим.

— Нега? Бу немисча исм эмас-ку.

— Бўлса бордир, лекин бу исм мени биринчи марта бахтли қилган одамни эслатиб туради.

— Эҳтимол, умримда биринчи марта шапати ҳам солган одамни дегин.

— Ўша телба менга олтин соат олиб беришни ваъда қилган эди.

— Сен анчадан буён соат тақишни хоҳлайсанми?

— Ҳа. Биласанми, жудаям чиройли олтин соат бўлса таққим келади. Кийимларингнинг ҳаммасини ечиб ташла. Бизда одат шунақа. Ундан кейин кўк кўз, малла сочли, бўйи икки метр бўладиган бола ҳақида ўйла.

— Бирданига икки метрли бола туғилиши мумкин эмас-ку. Дортмут кулиб юборди.

— Ануви бизга шунақа деб ўргатади, — у эшикка имо қилди, — фрау Берганинг тажрибаси кўп, у померениялик ўқитувчи. Энди ёт, уқалаб кўяман. Вой худойим-ей, нега бунақа озиб кетгансан! Куп-қуруқ устихонинг қолибди! Сен ишлаётган жойда одамларни отишади дейишади, шу ростми? — сўради Дортмут Василенинг орқаларини ишқаларкан.

— Йўқ, нотўғри.

— Мендан кўрқмасанг ҳам бўлаверади.

— Дортмут, сенга бу ер ёқадими?

— Инсон ўзига ёққан нарсага ҳар қачон ҳам эришавермайди. Мен ҳам уй-жойим, фақатгина менгагина дахлдор бўлган эрим бўлишини хоҳлардим. Ундан бола кўрсам дердим. На қилайки, тақдир шу экан, иложим йўқ. Мана, ўтган ҳафтада мен ўн учта одам билан бўлдим. Агар бўйимда бўлиб қолгудек бўлса, қайси биридан бўлганини қаёқдан биламан?

— Нега энди фақат ўзинггагина қарашли бўладиган биронта эркакни топиб олмайсан?

— Аёл киши кўнглидаги хоҳлаганини қила оларканми? Агар мен бу ерга келишдан бош тортганимда хоним мени олдига солиб қувган бўларди. Бу қанақаси: хоним ўз бурчини бажарарканлару, мен — оддий оқсоч буни бажармас эканманми? У бу ерга шунинг учун ҳам келадики, эркакларга ўлгудай ўч. Бир куни мендан, сени бу ерга келаётибдими, деб сўраб қолди. Қанжиқнинг сен билан бирга бўлгиси келиб қопти. Сени ифлос румин деб атайди-ю, яна ўзлари шу «ифлос румин» билан бирга ётишдан ор қилмайди. Ўзи чиройли бўлсаям майлийди. Ёш-ёш йигитларни менга кўйгин деб топган пулини фрау Бертага узатади. Кўзим тириклигида бир ишрат қилиб қолай дейди-да. Нега эркаламаяпсан?

Дортмут нега Василенинг ҳаммаёғини тер босиб, шалайим бўлиб ётганига тушунмай бир неча бор унинг кўзига қаради.

— Силе, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима.

— Бир нарса бўлган шекилли.

Василе бошини ёстиққа буркаб олганча индамади. Эҳтимол, касалиги ўз таъсирини ўтказган ёки бунинг бошқа бирон сабаби бордир... Бундай ҳодиса унинг ҳаётида биринчи марта содир бўляпти, шунинг учун хижолатдан ер ёрилиб, ерга кириб кетишга ҳам рози эди шу топда. У ўзини оқлаш учун қандайдир аянчли, ғарибона сўзларни гапирмоқчи бўлган эди, гапиролмади.

— Сенга бир нима бўлибди, Силе, мени алдолмайсан. Мен шу вақтгача қанча эркак билан бўлмай, лекин мени биринчи марта аёл қилган сен эдинг. Гарчи офицер мени ҳеч қачон хотин қилмаса ҳам, мен сени ўз эрим деб биламан. Қўлимда мени 1900 йилдан буён тоза немис эканлигимни далиллайдиган қоғозларим бор. Агар ҳужжатларим бўлмаган тақдирда ҳам барибир мен сенга муносиб эмасдим. Чунки қаёқдаги бир солдатки ташлаб кетдим, энди кимга ҳам ишона олардим? Нега ўгирилиб олдинг?

— Жуда уятли иш бўлди-да, Дортмут.

— Бундай ҳолат ҳамманинг ҳам бошида бўлиши мумкин, буни ҳеч қандай уятли жойи йўқ.

— Дортмут, мен келмаслигим керак эди.

Василе кийинди.

— Тағин келасанми?

— Билмайман, Дортмут.

— Сен Шерг хонимнинг ёнига борма. Менинг ёнимда бўлганингни унга айтаман. Унинг аччиғини чиқаришни шундай яхши кўраманки... Бунақа бўлиб қолганинг, эҳтимол одамларни отганларингдандир. Шульц ҳам ҳеч нимага ярамайди. Уям бу ерда бўлган, ҳатто кийимини ҳам ечмади. Менга тикилиб ўтирганча роса сигарета чекди. У бошқалар ўз бурчини қандай бажараётганини текширгани келади, ўзи эса, ҳезалак. Айтишларига қараганда, унинг ўзи ҳам эркакларни яхши кўрадиганлар хилидан экан... Вой Худойим-ей, нега рангинг ўчиб кетди? Лекин барибир келганингдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

22

Василе кўчага чиққандан кейин Дортмутнинг вайсақилиги учун ичида унга миннатдорчилик билдириб қўйди. Агар Дортмут оғзига талқон солиб ўтирганда у ўзини баттар ноқулай сезган бўларди. Василе йўлида учраган биринчи қаҳвахонага кириб, ҳушини йўқотгунча ичди. Шундан кейин бошини столга қўйди-ю, пинакка кетди. Ярим кечага бориб қаҳвахона ёпиладиган пайт бўлганда уйғотишди. Кўчага чиқса, томлардан сув томчилаб турибди. ҳаводан баҳорнинг ҳиди келарди. Василенинг вужудини қандайдир ғам-алам қамраб олган эди. У ҳатто нимани кўнгли тусаётганини ҳам билмас, калласи қарахтлигидан ўзини нималар азоблаётганини изоҳлаб ҳам беролмасди.

Кейин шаҳар кезишга тушди. Унинг қадам товушлари кимсасиз кўчада қаёқлардандир акс садо бериб баралла эшитиларди.

Бу ростдан акс садомикин ёки бошқа бировлар ҳам худди шундай қадам ташлаб юрибдими? Эҳтимол, булар ҳам Василега ўхшаган сўққабош, уй-жойсиз, ярим кечада ноаниқ фикрлар гирдобада боши қотган, шаҳар узра зим-зиё тунда ғира-шира кўришиб, оғзини катта очиб турган баҳайбат тўпларга ўхшаш нима қилишини билмаётган одамлар бўлса керак.

Василе сандироқлаб юриб шлагбаумга тақалди. Қараса, темир йўл, ўтиб бўлмайди. Атрофига аланглаб «Кўркам кўча»нинг бир бурчагида юрганини англаб етди. У аслида бу ёққа келишни хаёлига ҳам келтирмаган эди, лекин оёқлари ихтиёрсиз равишда шу ёққа етаклаб келди, эҳтимол, онгсизларча қилинган ҳаракат унинг иродасидан устун чиққандир. У қачонлардир бир жиноятчи ҳақида китоб ўқиган эди, унда жиноятчини жиноят қилган жойи ҳадеб ўзига тортавериши тасвирланган эди. Эҳтимол, бу ҳам мана шундай ҳолга тушгандир. Лекин тасодифан келиб қолган бу фикр Василега заррача ҳам таъсир қилгани йўқ. Эҳтимол, унинг атрофини ўраган муҳит унга нисбатан бепарво, совуққондир ва шунинг оқибати ўлароқ у ҳам, ўз навбатида, ўша муҳитга бўлган бугун ҳиссиётини, сезгисини йўқотган, ундан маҳрум бўлгандир. Василе бу ерга келиб қолганидан ўкинмади, унга болалигидан буён ошно бўлган, кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган узоқ-узоқ ерларга элтувчи ўша темир йўл линиялари қаршисида турибди. Ўша учта семафор ҳам пастга туширилган, қоронғи кеча қаърини қизил шуъласи билан ёритган ҳолда қадимгидай жойида. Василе ота уйига қаради. Уй оқланганми, йўқми — қоронғида ажрата олмайди. Шу пайт шлагбаум ғичирлади-ю, Василенинг хаёли бўлинди. Бугун Элиза эмас, Дрегенел навбатчи экан, бу ҳам яхшилик аломати. Василе будкага яқин келган эди, Дрегенел чўчиб будкадан югуриб чиқди. Стрелканинг нега бу қадар эҳсонаси чиқиб кетди, ахир шахсан унга бирон-бир ёмонлик қилмаган эди-ку, Василе тушунолмай қолди.

— Салом бердик, Василе.

— Хайрли кеч, Дрегенел, — мужмал қилиб минғирлади Василе. У гапираркан, ақли жойида бўлса ҳам, ҳали кайфи тарқаманлигини билди.

— Мабодо бериб кетган пулингизни нима қилганимни билгани келган бўлсангиз, буюрганларингизнинг барини айтганингиздан зиёда қилиб бажардим. Аввалига Элиза бунга унамади. Кейин туриб уй ўзиники эмас, сизники эканлигини айтди. Демак, сиз шундай қилишни хоҳлаган экансиз, у қандай қилиб ҳам қаршилиқ кўрсата оларди. Охирги лейгача ҳисоб-китоб қилиб, қоғозга ёзиб қўйибман.

— Дрегенел, менга ҳеч қанақа ҳисоб-китобнинг кераги йўқ. Шундай, ўзим бир айланиб келдим.

Дрегенел Василе тезроқ кетишини хоҳлар, у билан гаплашишга ҳечам хоҳиши йўқ эди. Шундан кейин захирадаги чироқларни тозалашга киришиб кетди. Бу иш тугагач, улардан иккитасини олди-да, семафор тарафга йўналди.

Василе жойида бир оз турди-ю, кейин ўрта йўл бўйлаб у ҳам Дрегенелнинг кетидан кетди.

— Менда ишингиз бормиди? — ўғирилди Дрегенел.

— Чироқларни менга бер.

— Чироқларни нима қиласиз?

— Ҳеч нима, кўтариб юргим келяпти.

— Отангиз тириклигида ҳам худди шундай кўтариб юрган-мидингиз?..

Василе чироқларни қўлига олиб, стрелкачи билан ёнма-ён юриб кетди. У бу ердаги ҳар бир шпални ёддан биларди. Мана энди чироқнинг хира нурида яқинда қўйилган янги шпалларни санай бошлади. Вақти-вақти билан у ўз жонажон уйига кўз ташлаб қўярди. Денешнинг уйида ҳали ҳам чироқ ўчмаган. Бошқа деразалар эса қоп-қоронғи тун бағрида худди ўлган бузоқнинг кўзидек бақрайиб турганга ўхшарди.

— Дрегенел, нега мени ёмон кўрасан? Ахир мен ўз ихтиёрим билан бировга заррача ёмонликни раво кўрмадим-ку.

— Нима дедингиз?

— Ҳеч нима деганим йўқ.

— Баҳор келяпти.

— Дрегенел, сен мендан кўрқяпсанми?

— Жиндек кўрқаман.

— Ҳечам кўрқма. Менинг кўнглимда ёмонлик йўқ. Дрегенел, агар мени кўргани кўзинг йўқ бўлса, унда нега бирон нарса билан миямга туширмайсан, нима учун ўлдирмайсан? Нима учун нафратланадиган одамнинг билан ёнма-ён кетяпсан?

Дрегенел тўхтаб Василенинг юзига чироқ тутди, унинг кўзлари саросималик билан чақнаб турарди. Дрегенел чироқни тушириб, йўлида давом этди.

— Одамларни худо яратиб қўйибди. Уларнинг ҳар бир қилмишини ўзи кузатиб туради. Демак, жазосиниям ўзи беради-да.

— Кўнглингдагини яширяпсан, шунинг учун ҳам шундай даяпсан. Тўғриси айтсам, менинг ҳам сени кўргани кўзим йўқ, ҳаммадан нафратланаяпман, отамдан ҳам, ҳамма-ҳаммадан.

— Кимлардан?

— Ўзингни гўлликка солма. Ахир ҳозир қўлингдан келса, мени соғ қўймасдинг.

— Суд қилмай ўлдириш — бу жиноят.

Денешнинг уйдан кимдир чиқди. Василе тўхтади. Қумнинг устидан юриб келаётган одамнинг кимлигини таний олмади. Лекин қўлини чўнтагига тиқиб олишидан бу одам Павелдан бўлак ҳеч ким эмас деб ўйлади.

Павел Василедан бир неча қадам нарида тўхтади. Дрегенелдан сигарет сўрашга чиққан Павел ҳам бу кутилмаган учрашувдан лол бўлиб қолган эди. У Василе устида қора шинель билан чироқларни елкасига осган ҳолда нималар қилаётганига мутлақо тушунолмасди. У ичидан ғазаби хуруж қилиб келиб нафаси тиқилаётганини, энтикаётганини сезди, холос. Павел шу топда ўз душманини, бутун вужуди билан ёмон кўрадиган мана бу одамни қандай қилиб ўлдирсам, йўқотсамикин, деган фикрни хаёлидан кечира бошлади. Дрегенел бўлса, Василенинг елкасидан чироқларни олди-ю, будкага қараб қочиб қолди. У Василе билан Павел бир кун келиб албатта тўқнашишини, улар ўртасида қандайдир можаро чиқишини биларди. Шунинг учун жанжалга араллашиб оғримаган бошимни оғритиб ғафвога қўймай тагин деб ўйлади. Муюлишдан хира, нурсиз чироқ билан ниқобланган паровоз кўринди. Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас унга қарама-қарши тарафдан яна битта поезд кела бошлади. Иккала поезд учрашди. Бир дақиқа Павел билан Василени даҳшатли шамол, гирдоб ўраб изга ағанатадигандай, устига неча тонналаб юк ортилганидан изларни ғижирлатиб эзганча тарақатуруқ қилиб қарама-қарши тарафга кетаётган икки поезд эса уларни нимта-нимта қилиб ташлайдигандай бўлиб кўринди. Лекин улар иккаласи ҳам худди қотиб қолгандек жойида қимир этмай турарди. Павелнинг қўлида ханжар ялтираб кетди. Бироқ Василенинг ўликдек қимирламай туриши уни танг қолдирди. Павел поезд ўтиб кетгандан кейин ўз рақибини ўлдириш учун унга ташланиши янада қийинроқ бўлишини биларди. Одам ўлдириш — бу ҳақиқатда оғир ва даҳшатли. Бироқ ҳозирги дақиқада рўпарасида қора шинель кийиб турган мана бу йигитни ўлдириш учун у ҳеч нимани хаёлига келтирмади. Василе ғилофидан пистолетини чиқариб, оёғининг остига ташлади-ю, каллакланган дарахтдек унсиз жим тураверди. Чунки унинг учун кулатадиларми-йўқми, барибир эди. Охирги икки вагон ҳам буферларини тарақлатиб ўтиб кетди. Бандажларга жудаям яқин турган таш-

қи тормознинг остидан майда кўк учқунлар чақнарди. Ханжарнинг тиғи яна бир ярқираб чўнтакда ғойиб бўлди. Павел ҳансираб нафас олар ва олдида ўз боқиши билан ўйлаган ишингни қилавер деб, тараддулланиб турган рақибига илтижо қилаётгандай хотиржам турган одамга қараб турарди.

Поездларнинг ўтиб кетганига анча бўлди. Изларнинг ғувиллаши борган сари пасайиб эшитилмоқда. Павел билан Василе-чи, улар ҳамон бир-бирига тикилганча унсиз туришарди.

Василе ердан пистолетини олиб ғилофига солди-да, Павелга орқасини ўгирди, кейин башарасини шинелининг ёқасига ўраганча, букчайиб сассиқ сувни қора ботқоқ ютиб юборгани каби худди соядай қоронғилик қаърида кўздан йўқолди.

23

Василенинг хонасига кирадиган эшикнинг тагидан электр нури тушиб турарди. Тонг ҳам ёришиб келяпти, у уйдан кундузи чиқиб кетган, электрни ўчирмай қолдирган эди. Хонада ёниқ қолган лампочка Василени ўйлашга мажбур қилди. У одати бўйича бирданига хонага кирмади. Хушёрлик туйғуси уни тўхтатиб қолди. Бироқ ундаги ҳамма нарсага бўлган лоқайдлик, ўзини ўраб олган муҳитга эътиборсизлик эҳтиёткорликни енгди-ю, Василе эшик тутқичидан тутди. Кетаётганда эшикни кулфлаб кетган эди, ҳозир эса очилиб қопти. Бу ҳам уни эҳтиёткорликка ундамади.

Қараса, хонадаги бор нарса остин-устун бўлиб ётибди. Столнинг тортмасида сақланадиган қоғозлари ғижимланиб ташланган, кийимлари полда сочилиб ётарди. Василе бурчакка қаради. Темир каравотининг бир четида мундирининг тугмасини ечиб ташлаб Фрид ўтирарди. Унинг юзлари ориқлаб кетган, сочлари бетартиб, кўзлари қандайдир бўшлиққа тикилиб қолган, ёнида пистолет ётарди. Василе Фридни бу ерга нима етаклаб келганини эндигина тушунди. Қассобнинг ўғли бекорга саросимага тушган, ташвиш тортган эди. Чунки Василе унинг сирини ошкор қилишга ҳечам интилмаган, ундан ташқари бировларнинг сирини чақимчилик қилиб юриш унинг уруғ-аймоғида йўқ нарса эди. Бироқ шундай бўлса ҳам унинг Фридга нисбатан бўлган нафрати янги хотирадай, ҳали оғриб турган, лекин энди-энди битиб бораётган ярадай эди.

Тўғриси айтганда, у мана бу гердайган Фридни кўрқув, даҳшат орқасида ўз қиёфасини йўқотган тирик мурда ҳолатида кўришни хоҳларди. Чунки бундай ҳолат одамни ўлдирганда ҳам

ўша одамдан бутун умри давомида чиранишга восита бўлган омилни ўзи билан бирга қабрга тикарди. У фақат мана шунинг-на истарди, холос. Мана энди Василенинг олдида маънавий жиҳатдан ўлган, тор-мор этиб ташланган, фақат ўлимгина уни юпата оладиган бир кимса турарди. Василе Фридни ҳозирги пайтдагидек эзилишини, мана шу алангада қоврилишини хоҳлаган ва бунинг учун бир эмас бир неча ҳафта тиним билмай меҳнат қилган эди. Шунинг учун ўша кун етиб келишини — Фриднинг ер билан яксон бўлишини тоқатсизланиб кутган ва унинг хор бўлиши-ю, ўзининг бундан қанчалик шодланишини эслаб ичида роҳатланиб қўйган эди. Энди-чи, хурсанд бўладиган, ўз ғалабасини тантана қилиб севинадиган пайт келганда бу ғалаба кўзига уятдай, бу ғалабани юзага чиқариш учун сарфлаган бутун меҳнати, ғайрати, ҳаракатлари бефойда қилинган бир ишдай кўриниб кета бошлади. Василе ўз олдига қўйган мақсадига эришди; Фридни тамоман руҳий тушкунликка солиб қўйди, маънавий ўлдирди. Василе ҳозир қандай қилиб бўлса ҳам уни ўлдириш қасдига тушган одам ўрнида, томирларида «тоза қон» деб аталмиш қон оқиши билан ўзини юқори поғонали одамлар тоифасига қўшиб юрадиган бир мақтанчоқ одам ўрнида оддий сабаб билан, яъни бундан юз йиллар муқаддам кимдир томирига бир томчи «олий» бўлмаган қон қуйгани учун кўрқув остида мажруҳ, таъқиб васвасаси билан дилхаста бўлган, шу билан бутун келажаги топталган бир мавжудотни кўриб турарди. Василенинг кўз олдида ирқчилик назариясининг ақл бовар қилмайдиган даражадаги ёрқин намунаси турибди. Ҳозир Василега бу назариянинг моҳиятига чуқур кириб бориш учун ўзини уринтиришга ҳожат ҳам қолмаган эди. Чунки Василе ирқчилик назариясининг устидаги сохта пардани олиб ташлаб, унинг моҳиятини тушуниш учун ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барибир унинг мағзини чақолмасди. Мана, Фриднинг ҳолати бу назарияни, унинг бемаънилигини яққол кўрсатиб турибди. Фрида қараганда Василе ўзини виждонлироқ ҳамда олижаноброқ деб биларди. У «янги тартиб»ни мутлақо ўзини бошқалардан устун қўйгани учун эмас, «янги тартиб» ғайрат-шижоатимни, ижодий қобилиятимни намоён қилишимга, ҳаётдан ўз ўрнимни топишимга ёрдам беради, деб қабул қилган эди. Василе шундай машаққатли йўлни босиб ўтдики, бу йўлда «тоза қон» деб аталмиш устунлик жонига ора кирмади. У ҳозир қалбига қаердан келиб қолгани номаълум, бутун вужудини қамраб олган руҳий ожизлигига қарши қандай курашаётган бўлса, ирқчилик

бидъатларига, ақидаларига қарши ҳам худди шундай жон-жаҳди билан курашаётган эди. Бир зум тўсатдан Павелнинг ўлдиришини-ю, ўзининг хотиржам туриб жон беришини истаб қолди. У умидсизликка тушгани, ночор аҳволда қолгани учун ҳам ўлимни тиламади, балки жавобини топа олмайдиган ҳар хил саволлар гирдобида қолгани, ундан ташқари, одам ўзини ҳар ерга уравергани билан барибир бир кун қора ерга киради, деган гапларни эшитавериши ҳам уни ҳаётдан бездириб юборган эди. У ҳозир калласида айқаш-уйқаш бўлиб ётган ҳар хил чалкаш фикрлар тўзонида ўлиб кетишни истарди. Чунки шунча вақтлардан буён ҳар хил шартлилик, ўзаро таъсир қилишлар асосида пайдо бўлиб қолган ахлатлар уюмини яна калласидан сидириб ташлашга тўғри келиб қолишидан хавфсирарди. Бироқ у ўзининг ижтимоий келиб чиқишидан ҳеч қачон ор қилмаган, бунда одамни ерга урадиган, таҳқирловчи ҳеч нарса кўрмаганди. Фридни бўлса, ижтимоий келиб чиқишидаги «тоза» эмаслик ҳозир ер билан яксон қилиб ташлаган эди.

Фрид бошини кўтариб Василега қаради. У Василенинг хонамда бемаҳал нималар қиялсан, деб сўрамаётганига тушунмаётган эди. У биринчи бўлиб Василе сўз очишини хоҳларди. Василенинг биринчи саволи қандай бўлишини эшитишни истар ва гапининг оҳангидан ўзини шунчалик бечораликка солган ўша машъум ишга унинг алоқаси борми-йўқми эканини билиб олиш тараддуида эди. Василе бўлса, худди атайлаб қилгандай индамасдан, оҳиста шинелини ечиб, қозикқа илди-да, миқ этмай тураверди.

— Силе, мени ўша клубда таҳқирлаганингдан кейин сенга қандайдир ҳужжатлар маълуму, сен мени чақиб бошлиқлар олдида ёмонотлиқ қилиб кўрсатмоқчисан, деб сендан шубҳалана бошлагандим. Мен, бу ишга фақатгина сен қасд қилгансан, деб ўйлардим. Бироқ ҳақиқатда ҳам шу давргача сен мени йўқотишга ҳаракат қилиб келган бўлсанг ҳам, мен адашган эканман. Кимдир бизнинг уйга кирибди-да, шкафни бузибди. Кейин у ердаги қутичанинг ичидан битта ҳужжатни ўғирлаб кетибди.

— Менинг бунга қандай алоқам бўлиши мумкин?

— Бизнинг уйга остона ҳатлаб қадам босган одам яккаю ягона сен эдинг! Икки ой давомида биз сени меҳмондўстлик билан меҳмон қилдик. Мен ўшанда сенинг руҳий ҳолатингни тушунган ва шунинг учун сени ёлғиз қолдиришни истамаган эдим.

— Сен менга шунинг учун ҳам меҳмондўстлик кўрсатдингки, юрагимда сенга керакли нима бўлса барини сиртга тептириб, кейин сотмоқчи бўлдинг. Фақат шунинг учунгина мени

уйингга таклиф қилдинг. Ҳозир бошингга аллақандай жиддий ташвиш тушиб қолибдими, деб шубҳаланяпман. Жилла курса, шу пайтда виждонингни ютма, одамга ўхшаб сохта дўстлигининг асл моҳияти, мақсади нималардан иборат эканлигини ўғил болачасига тан олиб гапириб бер. Ахир, сен руҳан фожиага учраб юрган пайтларимда оғзимдан биронта ўйламасдан айтилган ножўя сўз чиқиб кетишига, сен эса оқизмай-томизмай юқорига етказиб (бундай ҳол сенда тез-тез содир бўлиб туради) сотқинни фош қилганинг эвазига мукофотлар олишингга мутлақо ишончинг комил эди-ку.

— Силе, инкор қилма, бизнинг уйимизга кирган ва ҳужжатни олган сенсан. Ўша уйнинг калити қаерда туришини фақатгина сен билардинг.

— Қани, хўш, шундай ҳам дейлик, унда нима бўлади, — деди Василе тамоман хотиржамлик билан.

— Агар бундан бир соатлар илгари келган бўлганингда сени отиб ташлаган бўлардим.

— Нега энди отмаяпсан?

— Мен сендан шубҳаланардим, чунки бир дақиқа бўлса ҳам сенга ишонмасдим, ҳозир ҳам худди шундай. Эртами-кечми, сен барибир сотқин бўлиб чиқасан. Ҳозир шунинг учун ҳам отмадимки, сен мени маънавий жиҳатдан қандай ўлдирган бўлсанг, мен ҳам сени худди шундай алфозга туширишга аҳд қилдим.

— Ҳозирги шу ҳолатингда мақтанишинг сени яна ҳам кулгили қилиб кўрсатяпти, Фрид.

— Шундай ҳолатга тушиб қолишимда менинг айбим йўқ.

— Ярмим румин бўлишимда менинг ҳам айбим йўқ эди.

— Мен қандай азобланаётган бўлсам, сени ҳам шу даражада азобланишингга мажбур қиламан.

— Азобланавер, чунки сенинг учдан бир қисминг яҳудий. Қийналавер, чунки сен бу нарсани яширгансан, бу ёлғончилигинг сенга ҳали қимматга тушади, ҳаётингни ҳам ҳал қилиши мумкин.

— Мен буни билган эмасман.

— Билгансан, лекин индамагансан.

— Билмаганман. Ота-онам мендан яширишган. Ундан кейин Вольфман ярим яҳудий бўлган.

— Қон учинчи авлоддан кейин ўз аслига, яъни биринчи ҳолатига қайтади. Менимча, ҳозир сенинг томирларингда фақат яҳудий қонигина оқмоқда.

— Мени мағлуб ҳолда кўраётганинг учун ҳам таҳқирлашга журъат этияпсан-да.

— Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор.

— Сен обрўйингни сақлаб қолиш учун охирги чорангни пайт пойлаб шу вақтгача яшириб келдинг. Мана энди кутганинг — ўша вақт келди. Мени сенинг ўрнинга тайинлашди. Сен эса зарба беришга тайёрланибсан, яхши, лекин шуни билиб қўйгинки, мен ўлганимда ҳам фақат сен билан бирга ўламан.

— Намунча умрингнинг охирги дақиқасигача ҳам мен билан «дўст» бўлиб қолгинг келаверади.

— Силе, мен сендан қандай нафратланишимни сен, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан, — Фрид тишини гижирлатди. — Мен сенга «Дейчеюгенд»га тавсиянома берганимда бу ишни ўзим истаганим учун эмас, балки Шульцнинг истаги билан қилган эдим, ҳатто ҳозир бир умрга бадном бўлган мен ҳам доимо «янги тартиб»нинг тўғрилигига, ҳақлигига эмас, балки унинг одамзодни тозалашдек оғир муаммони ўз гарданига олганига ишонардим, лекин...

— Мана энди, ўз-ўзингни тозалаб олишинг учун ажойиб фурсат келди.

Фрид индолмай қолди. У нима демасин, оғзидан чиқиши билан Василе ёқасига ёпиштиришини тушуниб қолган эди. У илгарилари ўзини ижтимоий келиб чиқиши билан Василедан устун, деб тасаввур қилиб юрарди. Энди бўлса, унинг келиб чиқиши Василенинг келиб чиқишига қараганда «ифлосроқ» бўлиб, пастки поғонага тушиб қолгани аён бўлиб қолди. Фрид бутун вужудини қисиб, бўғиб келаётган ожиз газаби оғушида ҳўнграб юборди.

Фрид аввалига Василени панада пойлаб туриб гумдон қилмоқчи бўлди. Кейин ўйлаб-ўйлаб бу қарордан воз кечди. Чунки, Василе ҳам анойилардан эмасди. У номаълум сабаблар билан бахтсиз ҳодисага учраб қоладиган бўлса, буни ошкор қиладиган, ўлганидан кейин тегишли жойга бориб тушадиган биронта қоғозни аввалдан ёзиб қўйган бўлиши мумкин. Василени ўлдиришдан ҳеч қандай маъни йўқ эди. Умр бўйи олижаноблик қилмаган бир одамнинг олижаноблик қилишига умид боғлаш — бу ҳам бўлмағур гап эди. Фрид бирмунча вақт ўзаро келишиш, иттифоқ тузиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрди. Ахир иккисининг ҳам келиб чиқишига «доғ» тушган, шундай бўлгандан кейин иккаласи бир-бирини вақти келганда қўллаб-қўлтиқлаши керак-ку. Бироқ Василенинг келиб чиқиши ҳаммага маълум, шунинг учун у бу иттифоқдан ҳеч қандай манфаат кўрмайди. Бундай иттифоқ фақат Фридагина қўл келиши мумкин. Бундан ташқари, орада келишув пайдо қилиш учун Фриднинггина розилиги кифоя қилмас, балки Василе ҳам бунга кўниши керак. Лекин Василе қўлидаги

қуролини ташлаш учун ҳеч қандай эҳтиёж сезмас ва бунга сабаб ҳам йўқ эди. У Василенинг хатти-ҳаракатларида курашдан воз кечиш аломатларини излаб топа олмади. Кейин Фрид шундай қарорга келди: агар ўзи тавқи лаънатга қолар экан, у Василега шундай зарба берсинки, бу зарба ҳар қандай ўқдан ҳам даҳшатлироқ ва оғирроқ бўлсин. Фрид бутун умидини ўзининг бўлажак мансабига боғлади, бошқа умидлари эса пучга чиққан эди. Энди у умр бўйи маънавий мажруҳ бўлиб қолади, лаганбардорлик билан судралиб юриб кун кўришга мажбур. Бунинг бари шу топда Василедан ҳам беш баттар нафратланаётгани — ўз ота-онаси туфайли. У сўнгсиз фожиаларга дучор бўлиб юргандан кўра, ўзини ўзи ўлдириб қўя қолишни маъкул кўрди. Лекин бу фожиага ўзи билан бирга Василени ҳам тортиши керак-да, бўлмаса кўнгли жойига тушмайди. Чунки ўз ўлимидан кейин рақибининг ғалаба қилиб хандон-хушон юришини ҳечам хоҳламайди. Уни одамгарчиликдан чиқариб, қуруқ гавдасини қолдиргандан сўнггина бу ишни қилса ярашади.

— Силе, дадангни коммунистларнинг сохта маълумотлари асосида ўлдиришгани йўқ.

— Алдаяпсан. Яхшиси, сенинг шаънингга иснод келтирадиган ҳужжатларни олмоқчи эканлигингни айтиб қўя қол.

— Мен ҳеч нарса олмоқчи эмасман. Дадангни ўзинг ўз қўлинг билан ўлдиргансан.

— Ёлғон, сени билмайманми, танишганимиздан буён юрагимга доим шубҳа уруғини сочишга ҳаракат қилиб келасан.

— Шундай қилардим, лекин бунинг уддасидан чиқолмаганман. Энди бўлса, тўғриси айтиб уддасидан чиқаман.

— Ҳеч нима чиқаролмайсан. Ироданг бўш, ожизлигингдан оғзингга келганини валдираяпсан, холос.

— Дадангни сен ўлдиргансан.

— Мен делони ўз кўзларим билан кўрганман. Шульц берган.

— У дело қалбаки дело эди. Уни мен тузганман.

— Алдаяпсан! Шульц — штандартенфюрер олдимда ҳатто йиғлаб юборган. Содир бўлган хатога пушаймонлар қилган.

— Сен бизникида турганингда бу делони бир ой мобайнида Ганс иккаламиз тузиб чиққанмиз.

— Бўлиши мумкин эмас. Шульц делони менга ўқишга берган. У асл нусха дело эди. Бундай қалбаки ишлар билан Шульц шуғуллана олмайди.

— Ўша пайтларда гестапога қаёққа қаратиб тўғрилаб қўйса, ўша ёққа отилаверадиган жонли қурол керак бўлиб қолган ва бу қурол сен бўлишинг зарур эди. Шундай бўлдинг ҳам. Сен

яшаётган тарафларда коммунистлар кўп бўлиб, уларни фақатгина сен кузата олишинг мумкин эди. Шунинг учун ҳам ўша тарафда нима ҳодиса рўй берса ҳалигача сен жавоб берасан. Делого келсак, у қалбаки дело эди. Шульцнинг йиғлаши бўлса, ёлғондакам, шайтон йиғиси бўлган, билдингми, кейин сени бирон нарсага шубҳаланмасин, деган мақсадда унтерфюрерлик даражасини берди ва бизга бошлиқ қилиб қўйди. Мана шундай қилиб тузоққа тушиб қолганингни сезмагансан. Ҳалиги дело бўлса, яна қайтариб айтаман, қалбаки дело эди, уни Ганс иккаламиз бир ой қитирлатиб ёзиб чиққанмиз. Василе, гестапо учун энг итоаткор ва мўмин-қобилгина искович ит эдинг, холос. У ёғини айтсам, агар отангни ўлдирганлар деб сенга коммунистларни рўқач қилишадиган бўлса, сенинг улардан беқиёс нафратланиб кетишингни, ўз ёғингга ўзинг қоврилиб коммунистларга нисбатан мутлақо шафқатсиз бўлишингни, ҳеч бир ишда ўзингни тўхтатиб туролмаслигингни жуда яхши билишарди. Пировардида шундай бўлиб чиқди ҳам.

— Алдаяпсан! Ёлғон! Мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман.

— Кўзинг билан кўрган нарсангнинг ҳаммаси қалбаки, ханжарингни жойига солиб қўй, мен ундан кўрқмайман.

Василе Фридга ташланиб бўйнидан бўғиб олди. Фрид бўлса, ундан қутулишга тириша бошлади ва бир неча марта бўйнидан Василенинг қўлини олиб ташлади ҳам. Бироқ барибир Василе кучлилиқ қилди. Иккаласи гурсиллаб полга йиқилди. Василе тиззаси билан Фриднинг кўкрагига чиқиб олди-да, бир қўли билан энгагидан юқори кўтариб бўғзига ханжар тиради.

— Алдаётганингни бўйнингга ол! Сўзларимнинг бари ёлғон, де!

— Унда сен ҳам мен ҳақимда сенга маълум бўлган нарсаларнинг барини ёлғон де.

— Менда далил бор.

— Менда ҳам.

Василе Фридни қўйиб юборди-ю, стулга ўтириб юзидан оққан терни артди.

— Шульц делони ёқиб юборган.

Фрид томоғини уқалаб, кўзидан чиққан ёшни силкиб ташлади.

— У қалбаки делони ёқиб юборган, ҳақиқийси ўз жойида турибди. Кетдик.

Фрид гандираклаганча эшик томон юрди. Йўлакка чиққандан кейин мундирини кийиб олди-ю, юқори тугмасинигина қалаб қўйди. Дарвоза олдида соқчининг бир маромдаги қадам товушлари эшитилиб турарди.

Иккаласи олдинма-кейин архивга қараб боришди. Фрид чўнтак фонарининг ёруғида темир шкафни суриб очди. Алфавит бўйича териб қўйилган делоларни титкилаб «Н» ҳарфини топди, у ердан юпқагина бир папкани суғуриб олиб, Василенинг олди-га, столга ташлади.

— Мана далил. Сен кўриб тур. Мен бориб бу ерда биз бор эканлигимизни соқчига маълум қилиб қўяй, бўлмаса келиб қолишлари мумкин.

Фридининг нималар дегани Василенинг қулоғига кирмади. Унинг эс-хуши, кўзи фақатгина картон папкага солиб қўйилган отасининг делосига қадалган эди. Биринчи бетга отасининг номи — «Негоицэ Иримие» деб ёзиб қўйилган ва унинг устидан кўк қалам тортилган. Ундан кейин айбнома ёзилган ва бу айбномада қуйидаги сўзлар алоҳида ажралиб турарди: «Германияга қарши ташвиқот юргизгани учун олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилинди». Айбномадан кейин унга ашёвий далил сифатида яккаю ягона исбот келтирилган, бу ҳам бўлса, Ионуц чизиб ташлаган ва Василе ўз қўли билан комендантга элтиб берган бир парча плакатнинг ўзгинаси эди.

Василе делони ёпиб, худди ярим уйқудаги одамдай йўлакка чиқди. Келиб ўз хонасининг эшигини очаркан, Фрид жон-жаҳди билан қандайдир қоғозларни йиртарди. Василе шинелининг кўкрак астари йиртиб ташланганини сизди. Фрид Василени кўриб бадхоҳлик билан тиржайиб қўйди.

— У нусхаларнинг асли менда, мана бу ерда, — Василе шундай деб ички кўкрак чўнтагидан бир қоғоз чиқардики, бу қоғозни қўлга тушираман деб Фрид ўлиб бўлган эди. — Буни сенга маълум қилиб қўйиш хаёлимдан кўтарилибди. Кўряпсанми, шифт қулаб тушмаган, унда ўргимчак югуриб кетяпти. Тўрига нимадир бир нарса тушганга ўхшайди. Қоғознинг четларини буклама, бунинг учун уч ҳафта меҳнат қилганман.

Ҳайратдан донг қотиб қолган Фрид Василега қаради. Уни тутиб қолмоқчи бўлган эди, улгурмади. Василе гурсиллаб полга қулаб тушди. Қулаганда ҳам жуда қизиқ қулади. Худди калласи оғирлик қилиб бутун танасини ўзи билан бирга тортиб кетаётгандай аввал бошини эгди, кейин ерга шўнғиди.

«Ёнимда кимнингдир товушини эшитяпман. Кўзимни очмоқчи бўламану, очолмайман. Қовоқларим қўрғошиндек оғир.

— Рухий тушқунлик ҳолатига тушган, — деди кимдир.

— Худди ақлдан озганга ўхшайди, — деди иккинчи бир йўғон овоз, — танасида жароҳат излари йўқ.

Қадамлар узоқлашади. Дўпир-дўпир қадамлар. Агар қадам товушлари миямга урилиб чидаб бўлмайдиган оғриқ пайдо қилмаганда, мен уларнинг қанчалигини ўйламаган бўлардим. Қадамлар кўп. Буни бошимнинг устма-уст лўқиллашидан ҳам билса бўларди. Пошнalar ҳар хил тақилляпти, бу ўша одамнинг енгил-оғирлигидан бўлса керак. Эшикнинг қандай ёпилгани эшитилади. Оғриқ бирдан қўйворди, эҳтимол, ҳеч қандай оғриқ бўлмагандир, у шундай тез йўқолдики, худди эшикнинг ёпилишига қараб тургандай эди. Мен гарчи қимирлай олмасам ҳам бўлаётган нарсаларнинг барини аниқ билиб турибман. Нима ҳодиса рўй бергани-ю, нега бу ерга тушиб қолганимни ҳам аниқ эслайман. Қичқирсаммикан десам ўзимни хотиржам сезяпман. Менинг бошим оғриқдан ёрилиб кетиши керак эди-ю, лекин оёқ товушлари тўхтагандан кейин ҳеч нимани сезмаяпман. Назаримда, миям рангсиз тиниқ кристаллга ўхшайди. Мана шу кристаллга яккаю ягона битта қизил томир келиб уланган. Совуқ ва тиниқ миянинг ичига қон таратган ҳолда бутун оғриқни менга сездириб турган бирдан-бир нарса ҳам мана шунинг ўзи. Ҳар бир сўзга, ҳар бир қадамга шу қадар сезгир бўлган бу томир йўқ бўлганда мен ўзимни қандай яхши сезган бўлардим. У ҳар бир товушдан худди ёрилиб кетай-ёрилиб кетай деб зирқиллайди. Миямнинг бошқа ҳамма қисми ўз сезгирлигини, фаолиятини мана шу ўлишни хоҳламаётган томирга топшириб қўйиб, ўзи музлаб қолган. Бу томирнинг узунлиги қанчалигини, унинг қай даражада буралиб, эгри-бугри бўлиб кетганини айтиш қийин. Лекин у қандай шаклда бўлмасин, унинг бутун эгри-бугриликлари-ю, ҳар бир жингалаклари менинг бутун ҳаётимни, изланишларимни, энди тузатишнинг мутлақо имкони бўлмайдиган ҳақиқату хатоларимни такрорлаётган, ўзида мужассамлантираётган эди.

Мен яна қадам товушларини эшитяпман, лекин бу сафарги қадамлар анча эҳтиёткорлик билан босилаётган эди. Миямга унчалик зирқироқ кирмаяпти. Эҳтимол, бу аёлдир. Оғзимни очишимни айтишди, мен буйруқни ихтиёрсиз равишда бажараман. Эҳтимол, бу ҳаракатим менинг ҳолатимда ҳаддан ташқари шошилиб қилингандир.

— Трубка тиқинг!

Мен қизилўнгачимдан ошқозоним томон учуда оғир бир ни-
маси бор совуқ резинка трубка сирғалиб тушаётганини сезаман.
Кейин трубка исий бошлайди ва ундан танамнинг ҳар бир аъзо-
сига ҳаёт, куч-қувват бахш этадиган иссиқ овқат туша бошлай-
ди. Кимнингдир овози шуларни тушунтиради:

— Йигирма кун бўлдики, туз тотгани йўқ. Мен кўк томирига
қуйиш учун глюкозадан бўлак ҳеч нима ёздириб ола олмадим...
Тишини бўлса, ҳеч нима билан очолмадим. Эшитяпсанми?

Охирги савол менга берилган эди. Мен жавоб бермайман. Нима
ҳам деб жавоб бера олардим? Ўлишни хоҳламаганимни айта-
манми? Тўғриси айтганда, мен ўлимни хоҳладимми-йўқми,
буни ҳам билмайман. Аслида нима хоҳлаганимни билмайман.
Юрагимда ўлимни ҳам, ҳаётни ҳам рад қиладиган ўзгача туйғу
ҳукмрон эди. Ҳаёт қалбимда шундай туйғулар билан тирик мав-
жудот бўлишимни, яшашимни истамаса, ўлим эса бу туйғулар
ҳали ўлиш учун етарли эмас, деб ўз комига тортмасди. Эҳти-
мол, худди шунинг учун ҳам мен ҳали ўлмагандирман.

Трубкини суғуриб олишди. Қадамлар узоқлашди. Яна битта труб-
ка қолди, бу бир томчи-бир томчидан оқиб тушиб менинг қонимга
қўшилаётган глюкозанинг трубкаси эди. Глюкозанинг қоним би-
лан учрашаётган жойида эҳтимол тошқин анҳорнинг дарёга қўши-
лишига ўхшаш бир нарса содир бўлаётган бўлса керак. Чунки
бундай анҳор бирданига дарёнинг оқимини енгиб кетолмайди,
шу билан унинг кучли оқими ўзини ҳам дарёнинг бағрига тезда
сингиб кетишга йўл қўймайди. Глюкоза игнага томиб унинг учи
орқали қонга ўтмоқда. Бир оздан кейин глюкоза қонга эмас, чой-
шабга оқиб туша бошлади. Эҳтимол, қоним энди тўйган бўлса
керак, бошқа қабул қилмай қўйди. Бирдан вужудимни кўрқув қоп-
лаб олди. Глюкоза билан бирга томиримга озгина ҳаво кириб ке-
тиб, Павелнинг журъати етмаган, йигирма кун очликнинг қўли-
дан келмаган нарсани, мана шу оддий ҳаво пуфакчаси осонгина,
улардан кўра тезроқ бажариб қўйса-я. Мен тақдирга тан бераман.
Чунки немис аппарати мукамал, у хатосиз ишлайди. Менинг
тақдирим хусусида йўл қўйган улкан хатодан бўлак хато қилмай-
ди у. Йўқ, нималар деяпман, у кимларнингдир хатоси эмас, бал-
ки ўз хатойим. Охирги икки йил давомида бўлиб ўтган ҳамма
воқеалар, бир-бирига алоқаси бўлмаган бор қилғиликлар, ҳара-
катлар мана энди шу ерга келганда бир-бири билан боғланди,
ўзининг маъносига, изоҳига эга бўлди. Агар мен биров билан ҳозир
ўзим билан қандай очиқ гаплашаётган бўлсам, худди шундай гап-

лашиш имкониятига эга бўлсам, ишончим комилки, у мени мутлақо тушунмаган бўларди. Инсон қалби оддий ҳамда шу билан бирга жуда чигалга ўхшайди. Тўғрисиям, у жуда мураккаб бир нарсадир. У ҳамма нурлар қўшилиб бир хил кўринганда, қинғирқийшиқ сўқмоқлар равон йўлга айланганда, икки параллель чизиқ қўшилиб умрга якун ясайдиган пайт келгандагина кўзга оддий бўлиб кўринади. Ҳаётимнинг якуни менинг қулашим бўлди. Мен ўзимга ҳукм чиқармайман, шу билан бирга ўзимни оқламайман ҳам. Ҳукм ҳам, оқлаш ҳам менинг қалбимда, совуқ миямда, шундай йиғлагим келиб кетяпти, лекин нима қилайки, йиғлолмайман. Мен Матейнинг кўзини ҳам, қараб туришини ҳам унутдим. Лекин энди унинг боқиши отамнинг боқиши бўлиб қайтадан тирилди, энди у яна ҳам қаттиқроқ таъқиб қиляпти, ўз иродамга бўйсунмай, истамаганим ҳолда унинг қотили, уни ўлдирувчи восита бўлганим сабабли, менга яна ҳам шафқатсизлик билан қатъий ҳукм чиқаряпти. Мен фикр қилувчи, бирон нима ҳақида хулосага келишдан аввал уни ўлчаб, салмоқлаб кўришга ўрганган одамлик қиёфатимдан фикр қилиш оғир юк бўлиб туюладиган автомат одам қиёфасига ўтган пайтимни ҳатто жисмонан ҳам ҳис қилдим. «Сен яшашга ҳукм қилингансан». Клауснинг бу сўзлари замиридаги чуқур маънони фақатгина энди тушуниб етдим. Мен ҳеч қачон ҳаёт ҳам инсон учун ғам-андух бўлиши мумкин эканлигини, оддий турмуш ҳодисалари инсонларни ўлдираётган кимсалардан ҳам кўра ортиқроқ алам, кулфат келтира олиши мумкинлигини тасаввур қила олмаган бўлардим. Лекин ҳали ўлганим йўқ. Гарчи менинг ўлимим ўз истагимга қарама-қарши ўлароқ чўзилган, аслида ўлимдан фарқи йўқ бўлган ушбу ҳаётимдан бошқачароқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда тирикман. Фрид кўрсатган дело занжирнинг бир ҳалқаси, эҳтимол, ҳамма ҳалқалар ичида энг оғиридир. Лекин нима бўлса ҳам бу ҳалқа мени ўраб олган, ёлғончилик ва сохтагарчиликлардан тузилиб, узлуксиз давом этадиган занжир ҳалқаларининг биттасидир, холос. Занжирнинг битта ҳалқаси узилди. Шундан сўнг занжирнинг ўзига путур етиб, бошқа ҳалқалари ҳам узила бошлади. Лекин узилганда ҳам қандай тартибда тузилган бўлса, худди шу тартибда осонгина узила қолмайди. Занжирнинг ҳар бир узилган ҳалқаси мен куриб олган иморатнинг пойдевори бўш, қай даражада омонат эканлигига мени яна бир марта қатъий ишонишга мажбур қилади. Мен ҳеч ким эмасман.

Кўлимга санчиб қўйилган игна қимирлаб кетди. Оғриқни сезганимдан суюниб қўяман, мен ўйламоқчи, яна ва яна ўйламоқчи бўламан, бироқ фикримни бир жойга тўплай олмайман. Дар-

монсизлик ўраб келиб, секин-аста бутун танамни қоплаб олаётганини сеза бошлайман. Юрагим типирчилаб уряпти. Лекин дармонсизлик унинг ҳам дукурини босиб кетади. Шундан кейин юрагим худди шохда қолиб кетган баргдай силкинаётганга ўхшаб қолади. Бора-бора юрагимнинг дукурини эшитмайман, миямга бориб уланган томир дириллай бошлайди ва бутун хаёлларим энгил чанг сингари тўзиб кетади...»

25

«Кўзимни оча олишим мумкин. Мен бир вақтлар изоляторда ётган ўша каравотимда ётибман. Бир ўзимман. Қўшни каравот бўш. Унинг устида ҳатто тўшак ҳам йўқ. Зарари йўқ. Бир оз занглаган, ўртаси чўккан сим тўр ва синган битта якка чўпи кўриниб турибди. Мен оёғимни кўёш қиздираётганини сезяпман, унинг иссигидан бу ерда анчадан буён ётганимни тушуна бошлайман. Ташқарида баҳор, эҳтимол, баҳорнинг ҳам айни авжи пайтидир.

Йўлакдан оёқ товушлари эшитилади. Эшик шиддат билан очилиб врачнинг ҳамроҳлигида Шульц кириб келади. Бу капитан формасидаги янги врач эди. Мен уни биринчи марта кўряпман. Шульц оёқ томонимда тўхтаб, далда бериш учун кулиб кўяди. Кўзимни юмаман, ёлғондакам ўзимни ҳушдан кетгандек қилиб кўрсатаман, назаримда буни ўринлатганга ўхшайман. Бир оз ўтгач, томиримга совуқ игна санчилганини сезаман. Мен яна кўзимни очаман. Ҳамма туман орасида тургандек хира кўринади. Шульц бир оғиз ҳам сўз айтмай чиқиб кетади. Бунга хурсанд бўламан. Ундан нафратланмоқчи бўламану, лекин нафратлана олмайман. Чунки уни ҳам эртами-кечми менга ўхшаган руҳий тушкунлик ўз бағрига олишини биламан. Кечаги кунгача менга ҳам дахлдор, меники бўлган уларнинг бутун иморатлари ёлғончиликлар, қалбакиликлар асосига, мен ҳам оқламоқчи бўлган қалбаки назариялар негизига қурилган. Мен ўз отам ҳақида маълумот олиб келдим, бу билан унга албатта ёрдам бераман, деб ўйлаган эдим. Лекин уни ўлдириб қўйдим. Мен уларнинг қўлида қурол бўлиб қолган эдим. Ҳамма бало шундаки, пировард шундай бўлиб чиқишини онгсиз равишда кўнглим сезиб турарди. Лекин бунга қарши ҳеч қанақа чора кўрмадим. Мен Шульцнинг олдимда кўз ёши тўккан кунини эслайман. Гарчи ўшанда юрагимнинг аллақаерида Шульц найранг қилаётганини, ёлғондакамига йиғлаётганини сезиб турсам ҳам, лекин бундай спектаклнинг бўлишини зориқиб кутардим. Чунки отамни ўлдирган

гўё мен эмас, балки бошқалар, деган ишончга боришим жудаям зарур эди-да. Мен Шульцга ишонмадим. Лекин унга ишонишни истардим ва бу ниятимга етдим. Чунки ўз отамнинг ўлимида асосий айбдор бўлиб чиқишимни хоҳламасдим. Мен ҳеч кимга ишонмасдим, шунингдек, менга ҳам ҳеч ким ишонмасди. Мен чайналавериб сийқаси чиқиб кетган ибораларни қайтараверардим ва бу билан кутилмаганда миямга келган фикрларни ҳайдардим, уларнинг миямга келишига йўл қўймасдим. Мен шафқатсизликка, ҳеч қандай ҳис-туйғуга берилмай ҳаракат қилиш учун ортиқ даражада совуққон, хотиржам бўлишга интилдим. Буларнинг ҳаммасини онгли равишда, тушуниб туриб қилдим. Нега шундай қилдим? Чунки Зиглернинг ўлимидан кейин энди орқамга қайтиш учун йўл йўқлигини билиб қолган эдим. Мен орқамдан кузатишяпти деб қўрқардим. Шунинг учун ўз шахсий ҳаётимдан қўрқиб, уларнинг тўғрилиқ ва ҳақиқий деб аталмиш нарсаларини фақатгина сохталик ва ёлғончиликдан иборат эканлигини кўра-била туриб, бутун тубанлик ва пасткашлиқни устунлик ҳамда афзаллик ўрнида қабул қилиб олдинга қараб кетавердим. Аслида шундай эмаслигини менинг «ифлос» деб аталмиш қоним исботлаб берган эди. Ҳадеб уларнинг кетидан итоатгўйлик билан кетаверишимга ўзи нима мажбур қилди мени? — Қўрқув. Шунинг учун бирдан-бир гуноҳи бизларга қарши бўлишдан иборат бўлган бегуноҳ одамларни ҳибсга ола бошладим. Мен уларнинг кўзи олдида ожизлик белгиларини намоиш қилмай дедим, агар ожизлик қилиб қолсам сотқин деб аташадди, деб қўрқдим ва одамларни оғир жазоларга гирифтор қилавердим. Ҳозирча бошқаларни жазолаётган эканман, демак, улар мени жазоламасликларини яхши билардим. Ўзим эса онгли равишда ҳеч кимни жазолашни истамасдим, лекин жазолашга киришганимда бу ишни айрича иштиёқ, ғайрат билан бажарардим. Демак, мени алдашган эди, дейдиган бўлсам, бу жўнгина тушунтириш бўлиб қолади. Мабодо алдашгани устига ўзим ҳам уларга алданган, гапларига лақиллаган эдим десам, ҳақиқатга анча яқин келади. Агар шундай бўлмаганда, мен амалга оширган қабиҳ ишларни бу даражада ўринлатиб бажара олмаган бўлардим. Одамларни бошқалардан кучлироқ қилиб юборадиган, улар устидан ҳукмронлик қиладиган қурол, дастак қўлимга теккандан кейин ўзим ҳам бамисоли мол бўлиб кетдим, бошқа нарсалар ҳақида камдан-кам ўйлайдиган бўлиб қолдим. Ўз фазилатларимдан маҳрум бўлганимдан кейин, ўз тушунчамни, онгимни оёқости қила бошладим. Йўқ, шошмай тур, мен ўз ҳақимда адо-

латсизлик билан ҳукм чиқаряпман. Мен уларга ишонган эдим, ҳа, ҳамма бало шунда. Мен ташқи интизомнинг қули бўлган ҳолда юрагимдаги бутун шубҳаларимни бўғиб ташладим. Агар мабодо мени орқага тортаётганига ишонч ҳосил қилганим — руҳимдаги ҳар қандай қусурни йўқотиб ташлай олсам уларга албатта тенглашиб оламан, ҳатто ўзиб ҳам кетишим мумкин, деб ўйлардим. Улар менинг ҳис-туйғуларимда ҳукмрон эди, улар менга қоп-қоп ваъдалар бериб, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирди. Мен қўрқув, даҳшат қуршовига тушган эдим, чунки ўзимча фақат шу йўлдан кетибгина ундан фориг бўламан деб ўйлагандим, мен қаллоблик ва ёлғончилик таъсирига берилган эдим, чунки ўзимни ҳам қаллоб ва ёлғончи деб ҳисоблардим. Мен юрагимда умумий, ялпи гумонсирашликка эрк қўйган эдим, чунки ўзимдаги ҳали бор бўлган камчиликларимдан қутулишнинг бирдан-бир йўли уни доим назорат остида таъқиб қилиб туриш, деб ўйлагандим. Мен бу камчиликларни қусур эмас, фазилат деб ўйлагандим. Оғайниларимнинг мени ҳазил-мазах қилишларини уларнинг руҳий заифликларига йўярдим, чунки «янги тартиб» кўзда тутган камолот чўққисига етиш учун улар ҳам ҳали узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишлари керак эди-да. «Янги тартиб» — қаттиққўл эди. Шунинг учун менинг руҳимда, куч-қувватимда олий мақсадимга етишиш учун унга сажда қилишдан бўлак ҳеч қандай йўл қолмаган эди, шундай қилдим ҳам. Итоаткорлик жиноятга томон олиб боришини тушунтириб кўзимни очишни хоҳлаганларнинг гапига кирмадим, менсимадим. Ўз дадамга ҳеч нимани таъна қилмоқчи эмас эдим, лекин кўп нарсаларни таъна қилдим. Мен ўша йўқсиллар дунёсининг эътиқодига ишонмайман, агар ишонганимда бориб кечирим сўраган бўлардим. Шу билан бирга эътиқод қўйган мана шу ҳаётимга ҳам бошқа ишончим қолмади, бу ерда ҳам мен кечирим сўрашга арзийдиган ҳеч ким йўқ. Дадажон, сени фақат бир нарсада кечира олмайман. Ўзинг ёлғиз эдинг, ўғлингни ҳам икки дунё оралиғида саргардон қолдириб кетдинг. Улардан бири мени ўзига амрона тортар, бошқаси эса менга номаълум эди.

Мени тўғри йўлга мажбур қилиб солиб олишинг учун қўлинг-да етарли далил-исботинг йўқ эди, менинг қўлимда эса сенга қарши бутун Европани забт этган «янги тартиб» берган далиллар бор эди. Ўшанда ҳозир билган нарсаларимнинг уруғини ҳам билмас эдим. Энди, ақлим кирганда эса кечикдим, ҳаддан ташқари кечикдим. Сенинг ўлимингда бош қотил бўла туриб ҳам сени айблаётганимга койима, аччиқланма. Мен ўз айбимни юви-

шим керак ва бунинг учун одам бўлиб қанча гуноҳ қилган бўлсам, ўн барабар азобини тортишимни ҳам биламан. Лекин сен қилган хатоларда менинг гуноҳим йўқ.

Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Мен йиғлашни ҳам унутиб юборган бўлсам керак, деб ўйлагандим. Ёш — бу мен учун аллақандай бошқа нарсадан дарак беради. Майли, кўз ёшим гарчи менга енгиллик бахш этмаса ҳам оқаверсин, розиман. Мени ҳеч ким, ҳеч нарса юпата олмайди. Яна бутун вужудимни дармонсизлик чулғаб кела бошлади. Унга қаттиқ қаршилик кўрсатгим келяпти-ю, лекин бунга лойиқ куч қаёқда дейсиз. Кўзимни юмиб олдим, чунки кўзим очиқ қолса, ҳушимни йўқотишимни ва уларнинг келиб кўзимдан қалбимда тугён урган туйғуларнинг барини уқиб олишларини сира-сира истамайман».

26

«Ўзимни илгаригидан яхшироқ ҳис қиляпман, ўзим ҳам туриб овқат ея олишим мумкину, бироқ ҳамширанинг келиб овқатлантириб қўйишини афзал биламан, дармонга кирганимни билдиргим келмайди. Ким билади дейсиз, ҳали қувватим жонимга ора кириб қолар. Мана, умримда биринчи марта мутлақо онгли равишда алдаяпман ва шу вазиятда алдашим ҳам шартлигини билиб турибман. Энди бошим оғриқдан қолди. Дунё ҳам кўз олдимда ажир-бужир бўлиб кўринмаяпти. Девордан доктор Клаусни жаҳаннамга жўнатган микрофонни қидираман, лекин топа олмайман. Шкаф орқасидаги вентиляциянинг ичига яширишган бўлса керак, деб ўйлайман, қарасам, вентиляция тешигининг оғзига сим тўр қопланган. Уни бузиб ташлай олмайман. Гоҳида ўз овозимни эшитгим келиб кетади, лекин финг деб овоз чиқаришга кўрқаман. Шу билан бирга хонада юрганимни биров кўриб қолмадимикин, деб ҳам юрагим чўчийди. Ёлғиз ўзим қолганимда машқ қила бошлайман, лекин қадам товушларини эшитишим биланоқ ўзимни каравотга отаман. Товуш чиқмасин деб ялангоёқ юраман. Матей билан Денешнинг ҳоллари нима кечганини билмайман. Бугун тунда ҳамма кетиб, фақатгина соқчининг қадам товушлари келиб турган пайтда энг даҳшатли ҳисобланган иккита бўлма томон ўтказилган вентиляция тешикчасининг олдига бориб бекиниб олдим. Бу тешикчаларни фақатгина йўлакдангина ёпиш мумкин эди. Лекин улар очиқ қолган экан, секингина Матей амакини чақирдим. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Агар у ерда биров бўлганида жавоб қайтарган бўларди. Гарчи

давлатларимиз орасидаги ўзаро келишув шартномасига мувофиқ бу иш мумкин бўлмаса ҳам, аниқ биладанки, гестапо уларни отарди. Лекин бизни ҳар қандай ишни бажара оламиз, деб ўқитишган. Агарда бирон-бир сабаб билан нимадир бир иш бажарилмай қоладиган бўлса, бизни асаби бўшлиқда, иродасизликда айблашарди. Бизга одамлардан ўзимизни устун қўйишимиз, ҳеч нарсадан ҳайиқмай ҳаракат қилаверишимиз, ҳар қандай инсоний ҳис-туйғуни топтаб кетаверишимиз учун ҳуқуқ бериб қўйишган эди. Бунинг устига нима қилмайлик — ҳеч ким бизга лом-мим деб оғиз оча олмас эди.

Ҳар ҳолда мен Матей амакининг кўзини эсдан чиқаролмайман. Унга нисбатан қўлланилган шунча жазолардан кейин зўр матонат билан сукут сақлаши менга ғалати туюлди. Мен уларнинг ғоясини тушунмайман, шу даражада уларга куч-қувват, матонат бағишлаётган нарсанинг нима эканлигини ҳам билмайман. Нима учун буларни шу қадар бешафқат кузатишади ўзи? Бироқ мен кимлар билан иш олиб борган бўлсам уларнинг ҳаммаси, шу билан бирга коммунист деб шубҳа остига олинган одамларнинг бари ҳам хоксор, бечораҳол одамлар эди. Қўлинг-да қуролинг турса, бунинг устига қонун ҳам сен тарафда бўлса, мутлақо ҳимоя қуроли бўлмаган одамлар билан кураш олиб бориш жудаям осон-да, уларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Қўлларида ҳеч нима бўлмай туриб, уларнинг яширин ҳолда курашганига тушунмайман. Ахир бизнинг қўлимизда ҳамма нарса бўлса, бунга қарамасдан улар «янги тартиб»нинг энг хавfli душманлари ҳисобланади, тагин, эҳтимол, ўз ғоялари уларга куч-қувват бағишлармикин. Эшитишимга қараганда, уларнинг мақсадлари дунёда адолат ўрнатишу, бутун меҳнаткашларни овқатга ёлчитиш эмиш. Лекин худди мана шу қабилдаги шиорлар билан давлатнинг бошига бошқа партиялар ҳам келган эди-ку. Бизнинг улуғвор ҳақиқатимиз асосида янги бир ҳокимият вужудга келса-ю, у юлдуз кўрмай жон берса, мен бунга ҳечам ишонгим келмайди. Шу кейинги ҳақиқатнинг моҳиятини жудажуда билгим келиб кетяпти. Агар дунёда мана шундай ҳақиқатнинг мавжудлигини билолсам, мен ҳаммасини қайта бошдан бошлашга руҳимда куч-қувват топа олган бўлардим. Павел бир сафар ўша ҳақиқатни, унга етиш учун эмакляб юришга тўғри келиб қолса ҳам, албатта топишини айтган эди. Лекин олий деб ҳисобланмиш пинҳона ҳақиқатлар билан бир қаторда, кутилмаганда пайдо бўладиган, унинг биринчи қарашда тўппа-тўғри, мутлақо инкор қилиб бўлмайдигандек кўринадиган, бироқ аслида бунинг тескарисини бўлган бошқа ҳақиқатлар ҳам мавжуд-

дир. Ҳаётингда мана шундай ҳақиқатлардан биронтасига ишониб уни қабул қилиб олсанг, унга албатта бўйсунинг керак. Бўлмаса у сени ҳам худди менинг кунимга солади. Мендан қандай ўч олган бўлса, сендан ҳам шундай ўч олади. Шу билан бирга ҳақиқатни доим текшириб, назорат қилиб туриш зарур. Шунинг учун ҳам герман тартиби фюрер шахсини яратган. Лекин мана шу яккаю ягона ҳақиқат ҳам нотўғри бўлиб чиқадиган бўлса, демак, у яратган шахс ҳам сохтадир, бу демак, у тамоман бошидан-оёғига қадар қалбакиликлар, ёлғон-яшиқлар асосида бунёд этилган. Бас, шундай экан, қаердадир янглиш ҳақиқатнинг ўрнини боса оладиган бошқа бир ҳақиқат бор экан-да! Агар бошқа ҳақиқат бўлмаганда ҳозир мавжуд бўлган ҳақиқат ўз тарафдорлари орасида ёлғон-яшиқ билан, ўз йўриғига юрмаганлар орасида эса қирғин ясаб, ўзини барқарор қилиш учун бунчалик ҳаракат қилмаган бўларди.

Йўлакда қадам товушлари қулоғимга чалинди. Эшик очилиб, Фрид кириб келади. Қўлида сумка. Эшикдан кириши биланоқ юзида табассум пайдо бўлди, лекин мени бу табассуминг билан энди алдаб бўлсан. Мен унга ишонмайман. Унинг яшнаб турган башарасига тикиламан. Илгариги кўрқишларининг излари мутлақо йўқ бўлиб кетгандек. Кўриб турибди, ҳаётим қил устида, бундан терисига сифмаяпти. У менга икки марта зарба берди, иккаласида ҳам мўлжаллаган ерига урди. Уялмасдан келиб қўлимни сиқади. Мен ёлғондакам ўзимни қўлимни кўтара олмаётганга соламан. У юракдан самимий муносабатда бўлаётганига мени ишонтирмоқчи бўлади. Энди қўлга туширолмайсан. Келиб каравотимнинг бир чеккасига ўтиради-да, сумкасидан бўялган тухум чиқаради.

— Силе, бугун пасха.

Тақвимга қарайман. Бугун пасхалигини билмаган эдим, кичкиналигимда бу кунни байрам қилиб қўшниларимизникига кўргани кирардим, улар менга конфетлар, қизилга бўялган тухумлар беришарди. Фрид менга кўк тухум олиб келибди. Мен куч сарфлаб тухумни зўрға ушлаб тургандек бўламан. Фрид ўз тухумини менинг тухумимга уриштиради. Меники қочади. У бу билан мени ютгандек бўлади ва суюнади.

— Силе, сен муғамбирлик қиялсан. Ўзинг истаган ҳолатингдан анча-мунча яхши кўриняпсан.

— Нима, менинг ёмон ҳолда кўринишимни истайсанми?

— Мен бу нарсани сенга таъсир қилишини билардим, лекин бу даражада оғирлаштириб қўйишини назарда тутмаган эдим.

— Мени бу ҳолга солган нарса сен эмас — безгак, — алдашга ҳаракат қиламан.

— Силе, менинг сезишимча, сен бизни сотасан. Қўлингдан нима келса, барини ишга солиб бундай қилмаслигингга ишонтирмоқчи бўласану, лекин барибир ўз сиригини ўзинг ошкор қилиб қўясан. Касал бўлгунингга қадар биз билан якдил, ҳеч нимани мулоҳаза қилмай туриб ишлаган эдинг. Энди бўлса, бунга ўзингни мажбур қиласан. Бизни иккаламизнинг ўртамизда маълум бўлган нарсаларгина бирлаштириб туради. Менинг шунга ишончим комилки, ҳеч нарсани оғзингдан гуллаб қўймайсан. Гуллаган тақдирингда ҳам бунинг фойдаси йўқ. Мен дунёқарашингда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб, чаппасига айланиб кетгани, ҳамма нарса, ҳатто менинг тақдирим ҳам сен учун бефарқ бўлиб қолгани учунгина сукут сақла, демоқчи эмасман. Йўқ, мен ўз ҳақимда билган нарсаларингнинг бари аҳамиятсиз, шу даражада бўлмағур нарсаки, ҳатто уни ёлфоннинг ўзгинаси деявериш ҳам мумкин бўлгани учунгина бировга миқ этиб оғиз очмаслигингни хоҳлардим.

Деворда аста-аста тиқир-тиқир бошланади. Мен адашмаяпман. Микрофон вентиляция трубкасининг ичига ўрнатилган экан. Фридга қарайман. У қовоғини солиб олади.

— Тухум сенга ёқдими? — сўрайди Фрид гап мавзуини алмаштириш учун.

— Пасхага атаб пиширилган тухумлар қизилга бўялиши керак эди.

— Қанақа рангга бўялгани мен учун аҳамиятсиз.

— Тухумда коммунистлик бўлмайди. Тухум, бу ўз оти билан тухум-да.

Деворда яна тиқир-тиқир эшитилади. Фрид юзидан оққан терни артиб ўрнидан туради. У қўлимни сиқиб кетмоқчи бўлади.

— Силе, шуни билиб қўйгинки, агар мабодо каллангга қочиш фикри келиб қоладиган бўлса, ҳолингга вой бўлади. Ҳеч қаёққа қоча олмайсан. Ҳув анави сен олиб келган икки кишини эса бугун у дунёга гумдон қилишади. Мабодо қочадиган бўлсанг гарданингда уч одамнинг хуни кетади. Бундан ташқари қаерга қочма, барибир биз сени топиб оламиз.

— Хотиржам бўл, Фрид. Шундай роҳат сенга насиб бўлмайди. Соғайишим биланоқ ишга тушаман. Сенинг ўрнинга.

Кўчада сирена чинқирди. Аввал узоқдангина қулоққа чалинаётган эди, кейин секин-аста унинг овозлари бутун шаҳарни тутиб кетди.

- Тревога! Силе, панага қоч!
- Менда пана жой йўқ, Фрид.
- Аҳмоқлик қилма! Агар бомбардимон қилинса...
- Ким бизни бомбардимон қила олиши мумкин? Фронт биздан икки минг километр узоқликда, ахборотда шунақа дейишяпти-ку. Нима, сен уларнинг гапларига қўшилмайсанми?

Фриднинг ранги бўзариб кетди. Дағ-дағ қалтирайди, кейин у деразага отилади, зенит тўпларининг гумбурлашлари эшитиляпти. Фрид деразани очиб осмонга қарайди. Моторларнинг қаттиқ гувиллагани эшитилади-ю, Фрид ўзини телбаларча эшикка уради. Мен тўшагимда қолавераман. Қандайдир ҳуштак овози қулогимга киради. Каравот мени силкитиб ташляяпти. Мен ҳаётим учун қўрқишим, қайғуришим керак эди, лекин унинг ўрнига ҳеч қандай қўрқув сезмаяпман. Каравот тебраняпти, каравот билан мен ҳам. Агар шу топда мен ётган бинога бомба келиб тушса борми, ҳаётим тугайди, шу билан бирга бутун азоблардан ҳам қутула қоламан. Ўзимча аллақандай сўзларни гўлдираб юбораман, лекин алам билан тақдирим ҳақида ўйлашни бир дақиқа ҳам унутмайман. Мен ўлимимни илтижо қилиб тилаяпман, лекин ажал менга яқин келмаяпти. Тамом, мен қўрқадиган нарсаларнинг бари рўёбга чиқди. Мен «янги тартиб»дан қўрқардим, бориб-бориб унинг малайига айландим. Мен раҳмсизликдан қўрқардим — шафқатсиз бўлдим. Мен доим ёлғон гапиришдан, бировларни алдашдан қўрқардим — пировард натижада ёлғончи, каззоб бўлиб чиқдим. Фақатгина ўлимдан қўрқмайман, биламанки, бекордан-бекорга ўлиб кетавермайман. Каравотимдан осмонни бир бўлаги кўриниб турибди. Уни оппоқ булутлар қоплаган, самолётлар бомбаларини ташлаб яна қайтиб кетишяпти, орқасидан яна бошқалари келишяпти. Гўё уларнинг ниҳояси йўққа ўхшайди. Деразага яқин келаман. Ялтироқ кумуш ранг учбурчакларга қарайман. Бу учбурчаклардан анча пастдан аста-аста оппоқ тутун тарқалаяпти — булар отилаётган зенит снарядларининг тутуни. Қаердадир узоқ-узоқларда қуюқ тутун кўтарилади. Станцияда нефть омборлари ёняпти. Йўқ, бензин сақланадиган жойга ўт кетган, чунки тутуни оппоқ. Бошқа деразага яқин келаман. Ундан ичкари ҳовлини кўраман. Ҳовлида юк машинаси-ю, қўллари орқасига боғланган икки маҳбус турибди. Улар хотиржамлик билан осмонга қараб туришарди. Билмайман, ким экан улар? Бунини билолмайман ҳам. Калламга аллақандай фикр кела бошлади, лекин қандай фикрлиги аниқланмасданоқ шошапиша кийинишга тушдим. Пистолетимни олишни, уни ўқлаб

отишга тайёрлаб қўйишни унутганим йўқ. Нима қилмоқчиман ўзи? Қасққа чопяпман? Фикр ва туйғуларим бутун вужудимни қамраб олган шиддатли ҳаяжон, жўшқинлик олдида паст тушади, ундан орқада қолади. Танамда янгидан куч пайдо бўлганини сезаман ва бу кучнинг қаердан келиб қолганига ҳайрон бўламан. Яна бомбалар ёғилди. Эски бино дириллаб кетди. Шундай ҳолатда унинг қулаб тушмаганига ҳайрон бўламан. Пиллапоядан пастга тушаман. Ҳаммаёқ бўм-бўш. Бўлмалардан ҳайқириқлар, дод-фарёдлар эшитилади, лекин бомбаларнинг гумбурлашлари шовқин-суронни босиб кетади. Автомат эсимдан чиқибди, яна югурганча орқага қайтаман. Нима қилмоқчиман ўзи? Нега менга автомат керак бўлиб қолди? Ахир, пистолетим бор-ку. Яна нималарнидир олгим келиб кетди-ю, бироқ нимани олгим келганини идрок қилолмайман. Мен ҳали ҳам ҳеч нарсани ўйламай ихтиёрсиз равишда ҳаракат қиляпман. Лекин шу топда шунинг ўзи мени суюнтиряпти. Онгим нимага бундай ҳаракат қилаётганимни аниқлаш учун беҳуда уриняпти. Бу машғулотим, эрмак — мени бир оз бўлса ҳам овунтиряпти, лекин мен бу нарса жудаям унчалик эрмак эмаслигини фира-шира тушуниб турибман. Ханжаримни ҳам оламан, шинелимни ёпинаман. Зинадан пастга тушиб ҳовлига чиқаман. Яна бомбалар ёғилади. Олдимда юк машинаси, чор атрофда бўлаётган ҳодисаларга бефарқ қарагандай мотори секин гириллаб турибди. Атрофга қарайман. Қўли боғланганлар Матей билан Денеш экан. Денеш қўрқиб кетган, ёноқларидан ёш оқиб турибди. Матей бўлса, бутун шаҳарни қоплаб олган қалин тутундан хурсанддай кулаяпти. Уларга яқин келолмай машинани кўрсатаман, қўлим билан шундай белги қиламанки, бу билан тезда машинага чиқинглар демоқчи бўламан. Деворнинг нарёғидан солдат чиқиб келади. У мендан ертўлага яширинишимни талаб қилади. Мен бўлсам худди шу нарса менинг касбим бўлиб қолгандай ҳатто мўлжалга олмасданоқ уни отиб ташлайман. Маҳбусларнинг олдига келиб, зўрлаб бўлса ҳам уларни кузовга чиқишга мажбур қиламан. Бу ёғига уларни нима қилиш кераклигини ўзим ҳам билмайман. Лекин солдат ўлдирилган, мана шунинг ўзиёқ нимадандир далолат бериб турибди. Келиб дарвозани очаман. Менинг бамайлихотир қилаётган ҳаракатларим ҳатто менинг ўзимни ҳам кўрқувга сола бошлайди. Нима қилиб қўйганимни ўйлаб етиб, кўрқишга ҳам улгурмаган эдимки, қарасам, машинанинг рулида ўтирибман, машинани юргизиб тезлигини оширдим. Ҳар бир эсэсчи машина ҳайдашни билиши керак эди. Буни менга ҳам ўргатишган. Зўр шофёрман деёл-

майману, лекин машина портлашлардан силкинаётган бўм-бўш кўчадан слиб кетяпти, шу машинанинг рули менинг қўлимда, демак, машинани мен бошқаряпман. Кузовдагилар нима қияпти деб ўгирилиб қарайман. Матей ҳадеб эшикни очиш учун ҳаракат қияпти. Мен пистолетимнинг тутқичи билан ойнани уриб синдираман-да, ҳеч нарсадан ташвишланманглар, деб қичқираман. Кейин яна Шульц билан ўша куни Зиглерни «сотқинлиги учун жазолаш»га олиб борган йўлга буриламан. Мени бу йўлга юришимга нима мажбур қилганига тушуниб етолмайман. Тўғриси айтсам, умуман бундан бу ёғига яна нималар бўлишини ҳам билмайман. Менга фақат шу нарса аниқ-равшанки, имкони борича тезлик билан шаҳардан чиқиб кетиш керак. Ўнг тарафимиздаги тепаликда тинимсиз равишда бомба портляпти. Эҳтимол, тепаликнинг устида оғизларини аждардай очиб шўппайиб турган зенит тўпларидан ғазабланган учувчилар биринчи навбатда уларнинг товушини ўчириш учун бел боғлагандирлар. Паст-баландлик, ўнқир-чўнқирликлардан иборат бўлган қишлоқ йўли борган сари торайиб боряпти. Менга бу жойлар ҳам таниш, гимназияда ўқиб юрган пайтларимда кўп марталаб сайрга чиққанмиз. Йўлнинг четида бир ёнбоши билан зовурга ағдарилиб тушган машина турибди. Қўлида автома-ти бор бир солдат машинани тўхтатиш учун қаршимга чиқди. Бахтига вақтида ўзини четга олиб қолди. Бўлмаса, бостириб кетган бўлардим. Мен аниқ ва қатъий ҳаракат қилаётганимни сезяпман. Гўё бутун ўйлаганларим ипидан-игнасигача аввалдан ўйлаб қўйилгандек, мен ҳатто бирон-бир ноўрин қадам ташлаб қўйишим мумкин, деб қўрқаётганим ҳам йўқ. Орқада қолган солдат машинага ўқ уза бошлайди. Ўқлар кузов, дабдаласи чиқиб кетган эшикдан ўтиб шамоллатгич ойнани тешиб кетяпти, ойнанинг тешигидан муздек шамол кириб руҳимни кўтармоқда, тетиклантирмоқда. Мен куламан. Эҳтимол, ақлдан озгандирман. Эҳтимол, менинг бу ишларим мантиқсиз, телбаларча қилинаётган ҳаракатнинг натижасидир, эҳтимол, ақлдан озганларгина худди мана шу хилдаги ишларни қилиши мумкиндир. Шу билан ақлдан озмаганимни аниқ-равшан англаб турибман. Менинг миям қилаётган ишларимнинг тамоман тўғри эканлигини тасдиқлаган ҳолда тиниқ ишлаб турибди. Бирдан ақлдан ростдан ҳам озмадимми, деган шубҳа кўнглимга келган эди, миям дарров, йўқ, унақа эмас, деб жавоб қилди. Бўлмаса, бу гап хаёлимга қаердан келарди ахир, жинниликни сезиб бўлмайди-ку.

Мен қочишга интилаётган, бағридан кетаётган ҳаёт менинг тасаввуримда қандай жонланаётган бўлса, ҳақиқий ҳаёт ҳам жинниларнинг кўзига, эҳтимол, мана шундай кўринар. Балки, мен ростдан ҳам шундайдирману, қочишни истаётгандирман, ҳозирги қулай вазият эса ҳаракат қилиб қолишга ундаётгандир.

Йўл тикка кўтарилиб кетди. Мотор бўғила бошлади. Мотор бўғилса бўғилаверсин, ўзим бўғилмасам бўлгани, фақат истагим шу. Нам ўрмон сўқмоғи бошланди. Фақатгина куёшнинг нури теккан жойларгина қуруқ. Орқамда дод-вой овозларини эшитаман. Лекин йўлнинг тез-тез тўсатдан бурилиб туриши бутун диққатимни ўзига жалб қилиб олади ва орқага ўгирилишимга имкон бермайди. Ниҳоят сўқмоқ тик жарликка бориб тугайди. Мана, машинадаги саёҳат ҳам интиҳосига етди. Мен эпчиллик билан машинани сўқмоққа қўндаланг қилиб қўйишга ҳаракат қиламан ва буни эплейман. Кабинадан ирғиб тушишим биланоқ гандираклаб кетаман.

Бу ёғига энди йўл ёмонлашди. Ўрмондаги чуқурликларда қор ҳали эриб битмаган, оёқ ҳатто тиззагача ботиб кетади. Биз зўр-базўр ҳаракат қиляпмиз. Денешнинг бошини ўқ яралаган, лекин жароҳат у қадар хавфли эмас. Матей қўйлагидан бир парча йиртиб, боғлаб қўйибди. Биз бутун кучимизни оёғимизга тўплаб бирин-кетин баландликлардан кўтарилиб боряпмиз, қаттиқ ҳаракат қилганимиз учун ҳам Денешнинг қони тўхтамаяпти. Қон латтадан ўтиб энгагига, ундан бўйнига силқиб тушяпти. Машинадан тушганимиздан буён ҳали ҳеч ким лом-мим деб оғиз очгани йўқ. Денеш менга ғазаб билан кўзларини тикиб қарайди, чарчаганиданми ёки бўлмаса бошқа сабаб биланми, доим ўзини орқага олиб кейинда юради. Денешга юриш яраси сабабли эмас, балки оёғида боди борлиги учун ҳам қийин. Мен унга ёрдам бериш ниятида қўлтиқлаб олмоқчи бўлган эдим, жаҳл билан итариб юборди. Мен бўлсам, қони қўп кетиб қолиб юролмай қолади, деб қўрқаман, опичиш яна оғир. Тўладан келган, эҳтимол вазни ҳам саксон килограммдан оғир бўлса керак. Матей қотмагина, ҳорғин қиёфали. Мен тўхтаб, автоматимни Матей амакига узатаман, шинелимнинг чўнтагидан патрон чиқараманда, тишим билан патрондаги кўрғошин ўқни суғуриб ташлайман. Қорни топтаб ер очаман. Ер тоза, лой эмас. Кейин порохни ерга қориштираману, Денешнинг яраси боғланган латтани ечиб тайёрлаган ўз «малҳам»имни қўяман, қон тўхтайдди. Латтани ўрайман. Лекин Денеш уни яна ечиб, «малҳам»ни бошқатдан ўзи

қўяди, Матей латгани бошига ўрайди-да, гарданида катта тугун ҳосил қилиб бошқатдан боғлаб қўяди. Биз ўтишимиз керак бўлган кичкина анҳорга етиб келгунча олдинда мен бораман, Матей билан Денеш орқамда. Кейин олдинга Матей ўтади. У совуқ сувга тушади-да, оқимга қарши юра бошлайди. Унинг орқасидан биз ҳам сувга тушамиз. Шу усулда ўз изимизни йўқотмоқчи бўламиз. Ҳа, агар орқамиздан тушишган тақдирда ҳам, итлар то изимизни топиб олгунча анча вақт ўтиб кетади».

27

«Мен рудда ўтирган пайтимда худди катта одамлар билан ҳазиллашган ва ҳазиллари ўринли бўлганини кўриб шодланган ёш боладек хурсанд эдим. Энди бўлса, ўша қувончларим йўқолиб кетди. Мен ўз-ўзимдан, нега бундай ишларни қилдим? Бу ишнинг охири нима билан тугайди? Лекин мен буларга нима деб жавоб беришим мумкин? — деб сўрай бошлайман.

Агар бизни тутишса, мени нималар кутиб турганини яхши биламан. Менга ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлмайди. Бомбардимон пайтида ўлимдан кўрқмаган эдим, энди бўлса, назаримда, ўлим аниқроқ, ўша пайтдагига қараганда сезиларлироқ бўлиб кўриняпти. Ўзимга қолса энди мутлақо ўлгим келмаяпти. Афтидан, яна ҳаётга боғланиб қолаётган бўлсам керак. Дастлаб қочган пайтимда, юрагимнинг қаеридадир ҳамма нарсани тўғрилаш, ҳамма хатони ювиш мумкин-ку, деган умид учқунлари пайдо бўлган ва бу нарса менинг калламни айлантириб қўйган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт ўзига қизиқтиряпти мени, бу мусаффо ҳаво, арчаларнинг, нам ерларнинг хушбўй ислари билан кўрагимга кириб келиб қўлини менга чўзаяпти, ўз навбатида мен ҳам ихтиёрсиз равишда унга қўлимни узатяпман.

Оёқларим совқотди. Ботинкамда сув шалоппайди. Матей билан Денеш ботинкаларини қўлтиқларига қистирган ҳолда оёқ-яланг кетишяпти. Сен ҳам шундай қилиб ол, дейишмабди-я. Сувнинг ўртасидан чиқиб турган каттагина тошга келганимда тўхтаб, оёқ кийимимни ечиб олдим. Қарасам, оёғимда пайпоқ бор. Қаранг, шунча шошганим билан пайпоқ кийишни унутмаган эканман. Пайпоқни ечиб сиқаману, шинелимнинг иссиқроқ бўлган ичкари чўнтагига тиқиб қўяман. Ботинкаларимнинг ичидан сувни силқитиб ташлаб ипларини бир-бирига боғлайман-да, елкамга ташлаб оламан. Матей билан Денеш бўлса, мени кутиб туришмай кетаверишади. Бир дақиқа, назаримда, улар мени ёлғиз

ташлаб кетишганга, ёки умуман, мени йўқ бўлишимни хоҳлашганга ўхшаб кўринди. Йўқ, адашибман. Қарасам, улар мени бурилишда кутиб туришибди, барибир Денеш менга совуқ назар ташлаб турибди. Етиб олганимдан кейин уч кишилашиб яна йўлга тушамиз. Матейнинг атрофга аланглаб қараб боришидан назаримда у бу ерда бир эмас кўп марта бўлган, шунинг учун ҳозир қаерга кетаётганини жуда яхши билади. Мен унинг кўзларига, «шкаф»нинг эшикчаси орқали тикрайиб турган ўша кўзларга қарайман. қарайману, кўзининг оқини майда-майда қизил томирчалар қоплаб олганига ажабланмайман. Унинг юзлари салқиган, лаблари бўзарган, сочлари оқариб кетган. Матейнинг бир шохчани синдириб олиб чайнаётганига кўзим тушади. Чўнтагимдан сигарет олиб тутаман. Матей мамнуният билан олади, ҳатто соғиниб кетганидан узатган қўллари қалтирайди. Сигаретни кўриб Денешнинг ҳам чеҳраси ёришади. Лекин унинг юзидagi равшанлик сигаретни охириги марта сўргунча давом этади. Шундан кейин у яна қадимги аслига тушиб олди, менга бутун газаб ва захрини сочиб тикила бошлади. Сезяпман, бу одамнинг мени кўргани кўзи йўқ, иложи бўлса, ҳар бир дақиқада йўқотишга тайёр, лекин нима сабабдандир бу ишни кетга суряпти. Мен янада эҳтиёткорроқ бўламан. Умуман олганда, мен бу одамнинг ҳаётини сақлаб қолдим-ку, бунинг учун у мендан миннатдор бўлиши керак, бироқ Денеш буни ё унутиб қўйган, ё бўлмаса уни эътиборга олмаяпти. Юриш унга борган сари қийинлашмоқда. Мен унинг сигарет қолдигини жон-жаҳди билан тишлаб, инграб-инграб қўяётганини эшитяпман. Эҳтимол, оёғи оғриётгандир, совуқ сув эса оғриққа оғриқ қўшаётгандир. Мен унинг кўк қон томирлари бўртиб, кенг товонларининг сувдан чиқиб ялтираб турган тошлар устидан қандай сирғаниб кетаётганига қарайман. Матей қадамини тезлаштиради. Гавдасига қараган одам уни бундай тез юради, деб ҳечам айтолмайди».

28

«Биз бир оз нафасимизни ростлаб олиш учун тўхтаيمиз. Анҳор торгина ариққа айланиб қолди. Бу ердан юриб-юриб юқорига кўтарилиб келганимиз — бутун водий қафтдек кўриниб турибди, узоқ-узоқлардан итнинг вовуллаши эшитилмоқда. Унинг овозига бошқаси уланиб кетади. Биз ёнгинасидан машинада ўтиб кетган тепаликнинг ортида бир неча машина қорасини кўраман. Эҳтимол, менга шундай кўринаётгандир. Орадаги масофа ҳад-

дан ташқари катта, диққат қилиб тикилганимдан кўзларимни ёш босган, бундан чиқди мен мутлақо адашаётган бўлишим ҳам мумкин. Лекин итларнинг ҳуриши-чи, буни фараз деб бўлмайди. Буни эшитиб турибман. Матей билан Денеш ҳам эшитяпти. Шунинг учун ҳам Матей амаки жон-жаҳди билан, ҳатто югурган-дек олдинга ташланади. Денеш бўлса, энди менинг ёрдамимдан ўзини олиб қочмайди, оғирлигининг бир қисмини ўзимга олиш учун қўлини бўйнимдан ўтказсам қаршилиқ кўрсатмайди. Биз яна сувдан кетяпмиз. Қиррали тошлар оёғимни яралайди, лекин оғриқ кучимга куч қўшади. Бундан бир неча ойлар муқаддам бундай йўлни босиб ўтиш мен учун ҳеч нима эмас эди, ҳатто мана шу қияликни бошидан-охиригача чошиб ўтишим ҳам мумкин эди. Бўғиляпман, лекин ҳали етарли кучим бор. Шунинг учун бировларга юк бўламан, елкасида кўтариб кетади, деб қўрқмайман.

Денеш борган сари менга оғирлигини ташлаяпти. Лекин бундан ўзимни яхши сезмоқдаман. Танасининг менга ёпишиб олган қисмидан чиққан ҳарорат худди унинг менга нисбатан бўлаётган унсиз нафратини, совуқ назарини эритиб юбораётганга ўхшайди.

Итларнинг тартибсиз равишдаги ҳуришлари худди яқиндан эшитилаётганга ўхшаб кетди. Бизни изловчилар сувга тушган еримизни топишган бўлса ажаб эмас. Итлар изимизни йўқотгану, энди бўлса беҳудага акиллашмоқда.

Биз тепаликнинг чўққисига етиб келдик. Юриш бир оз осонлашди, энди бора-бора саёз-саёз кўлмақларга айланиб, бир-бирига уланиб кетган ариқдаги сувдан эмас, балки илон изи бўлган бошқа бир тепаликнинг тагига олиб тушадиган ингичка сўқмоқдан юриб кетдик. Ёнма-ён кетяпмиз. Денеш ҳам энди ўзи юра олади. Мен уни фақат чарчаб, гандирақлаб кетган пайтлардагина суяб қоламан. Қанча вақт юрганимизни билмайман. Куёш ғарбга томон бош қўймоқда. Шаҳар тарафдан тутун кўтарилмоқда. Онда-сонда бомбаларнинг портлашлари эшитилади. Сўқмоқдан четга буриламизу, одам оёғи тегмаган кўриқ ердан юрамиз. Ҳаммамиз ҳам қора терга ботиб кетганмиз. Шинелим аста-секин оғирлашаётганини сезмоқдаман. Шинелни ечиб ташлаб кетгим келди-ю, калламга бир фикр келиб шаҳдимдан қайтдим, ахир шинель давлатники — у менинг гарданнимда-ку. Шинелни кўтариб кетяпману, шу топда ўзим ҳам, устимдаги бари кийим-бош ҳам ҳар қандай рўйхатдан чиқариб ташланганини, ўзим бўлсам энди фақатгина отишга ҳукм қилинадиган сотқин, қочоқдан бўлак ҳеч кимса эмаслигимни ўйлаб кўриш хаёлимга келмайди.

Мен Денешни яна суяб оламан. Афтидан, Матей менга қийин бўлаётганини сезган бўлса керак, тўхтаб Денешнинг нариги тарафидан суяб олади. Ҳаммаёғимиз шалаббо бўлган ҳолда ҳориб-чарчаб иккинчи тепаликнинг чўққисига чиқиб борамиз. Денеш энди оёқда туrolмайди. Бизга ўлигини ташлаб олади. Шундан кейин Матей иккаламиз уни бир қоянинг остига, ғорга қараб судраймиз. Ғорга фақатгина эмаклаб кириш мумкин. Денешни худди қопни думалатгандай итариб ғорга киргизамиз. Матей ғорнинг оғзига тош олиб кела бошлайди. Лекин ғорга етиб келмасдан йиқилади-ю, чақир тошга бошини қўйганча пинакка кетади. Матейни ичкарига олиб кираман. Биз топган бошпана совуқ. Шинелимни ечиб, Денешнинг устига ёпаман. Мундирим сиқиб турибди, менга бўлаверади. Қоп-қора жаҳаннамга мен ҳам қулайман. Бир нарсани ушлаб олмоқчи бўламан. Лекин мадорим келмайди. Кўзим ўз-ўзидан юмилиб кетади».

29

«Кимларнингдир елкамдан ушлаб силкитаётганини сезяпман. Кўзимни тез-тез очиб юаман, нима ҳодиса содир бўлаётганини, ким мени силкитаётганини билолмайман. Сакраб ўрнимдан туриб кетаману, кўзим қоронғиликка ўргангандан кейин билсам, мени уйғотаётган Матей экан, рақамлари ёғду таратадиган қўл соатимга қарайман. Соат тунги бир. Шу пайт ўзимни дам олгандек, чарчоғим ёзилгандек ҳис қиламан. Етти соат ухлабмиз. Денеш ярасидаги латтани алмаштиради. Боғлашда лаби билан тортиб туриб боғлади. Унинг иссиғи бор, ҳарорати кўтарилган. Кейин уямиздан эмаклаб чиқамизу, тагин йўлга равона бўламиз. Матей бу ерларни жуда яхши билади. Шунинг учун битта сўқмоқ йўл топди-ю, шу йўл билан орқама-орқа тизилишиб кетавердик. Мен орқада қолишга ҳаракат қилган эдим, Денеш елкамдан туртди. Унинг қараши яна совуқ тус олди, кўзларида душманлик аломатлари сезила бошлади. Биз жуда тез, деярли югуриб кетяпмиз. Денешнинг орқамдан туриб қанақа оғир нафас олаётганини эшитяпман. Ниманингдир етишмаётганини сезаман, лекин етишмаётган нарса нима эканлигини билмайман. Қорним қулдираб кетди. Шундан кейин роппа-роса бир кеча-кундуздан буён туз тотмаганимни эслайман. Ҳа, нима етишмаётганлигини энди билдим — овқат экан. Нима ҳам қила олардим, индамай кетавераман. Биз чиқиб кетаётган тепадан Бучаго тоғлари виқор билан бўй чўзиб турибди. Матейнинг қаерга бошлаб кетаётгани энди маълум бўлди.

У шундай шахдам одим ташлаб ишонч билан кетяптики, худди қаерга кетаётганини билмаётган одамга ўхшайди. Гестапога келган маълумотлардан биламанки, Бучагода партизанлар группаси ҳаракат қилади. Прахов водийсида портлатилаётган поездлар ўшаларнинг ишлари. Демак, Матей ўшалар билан учрашишга аҳд қилибди-да, энди таъқиб қилувчилардан қутулганимиздан кейин (агар улар ҳақиқатан ҳам таъқиб қилишган бўлишса), бу ёғига жилла курса бир-икки оғиз бўлса ҳам фикр алмашишимиз, умуман, гаплашишимиз керак эди, лекин биз ҳамон сукут сақладик. Мен эса бундан баттар эзиляпман. Орқамда Денеш ҳаллослаб нафас оляпти. Тартибсиз қадам ташлаётгани қулоғимга кирди, афтидан, оқсоқланаётган бўлса керак. Мен унга ёрдам бергим келади-ю, бунга ботинолмайман. Шимимнинг чўнтагини ағдариб кўраман. Назаримда, яқингинада чўнтагимда нимадир оғир нарса бор эди, чоғи. Энди бўлса бўм-бўш. Ўгирилиб қараб Денешнинг кўлида ўзимнинг пистолетимни кўриб қоламан. Олдимда Матей автоматимни ушлаб кетяпти, қизиқ: олдимда автомат билан Матей, орқамда эса пистолет билан Денеш. Демак, мен ухлаб ётганимда чўнтагимга тушишипти-да. Ўзимни таҳқирланган бир кимса ҳис қиламан ва бундан жаҳлим чиқиб кетади. Ахир мен уларнинг ҳаётларини асраб қолган бўлсам, шундай бўлгандан кейин улар менга бошқача муносабатда бўлишлари керак эди-да. Бир нимага қоқиламану, йиқилай деб тиззалаб қоламан. Денеш тур дегандай қилиб кўполлик билан елкамдан туртади. Ўзимни маҳбус ҳис қилиб олдинга юриб кетаман. Менинг кўриқчиларимнинг феъли айниган, кўнглига бирон-бир ёмонликни тугибди, шекилли. Агарда ўлдиришмоқчи бўлаётган бўлса, нега энди шу пайтгача отиб ташлашмаяпти? Ахир ўқ овозини ҳеч ким эшитмайди-ку? Ёки немислар кўриб қолиб етиб олади, деб ҳали ҳам чўчишаётганмикин? Пешанамдан тер чиқиб кетади. Кафтим билан артаман. Тер совуқ, ўзим ҳам музлаб кетяпман. Қорнимда санчиқ бошланганини сезиб тўхтамоқчи бўламан, лекин елкамга пистолетнинг оғзи келиб урилади.

— Юр, ит!

Бу шунча вақтдан бери мен эшитган биринчи сўзлар эди. Ўзимча улар менга эмас, балки бошқа бировга гапиришяпти, деб ўйлагим келади. Лекин, ҳатто шинелимнинг устидан ҳам менга сезилаётган пистолетнинг учи ўзимга келтиради. Мен бир нима жавоб бермай, йўлимда давом қиламан. Борган сари юришим ҳам қийинлашмоқда. Деярли мадорим қурияпти. Ҳушимдан кетиб йиқилиб қолмасам деб кўрқаман ва бутун иродамни, кучимни тўплайман.

Тонг ёришди. Биз бир анҳор олдига келиб тўхтаймиз. Чанқаб томоғим қуриб кетганлигидан муздек сувни ютоқиб симираман. Бир оз ўзимга келаман, бутун аъзойи баданимдан шовуллаб тер оқа бошлайди. Ётиб олганча ичавераман, ичавераман. Бошқалар ҳам шундай қилишади. Денеш сувга қонгандан кейин, ювина бошлайди. Юзлари қип-қизариб кетган. Мен унинг ҳарорати кўтарилиб, иссиғи чиқаётганини тушунаман. Эҳтимол, у қаттиқ чарчагандир ва шунинг учун ҳам иситма аралаш мени ит деб юборгандир. Назаримда, мен бу ҳақоратга лойиқ гуноҳ қилганим йўққа ўхшайди. Биз туриб яна йўлга тушамиз. Кўриниб турибдики, бу йўлнинг чек-чегараси йўқ. Лекин нима учундир шу пайт бир вақтлари «Дейчеюгенд»га киришим учун мени машинада комендантнинг олдига олиб кетганларидаги борган йўлимни эслайман. Эслайману, яна ўша пайтдагидек номаълумлик, фақатгина ниҳояси ўзгача бўлиши кутилган номаълумлик ўз комига олади. Кейинги кунларда нимани бошимдан кечирган, нима ҳақда ўйлаган бўлсам, ҳаммасини бирма-бир хаёлимдан ўтказаман. Йўқ, хатти-ҳаракатларим бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Энди бу ёғига нима бўлса бўлар. Нима бўлмасин, мен энди ёшлигимдан мени билишадиган одамлар орасидаман. Мен шубҳаларни елкамдан ошириб ташладим, улар аллақерлардандир ортда қолиб кетди. Мен ўзимизникилар орасидаман. Гарчанд уларга кўп қайғулар, аламлар келтирган бўлсам ҳам, пировардида охирги ҳаракатим, ишим билан ўз шармандалигимни, ўтмишимни ювмоқчи бўлдим, буни улар тушунишлари керак. Энди мен Денешнинг кўполликларига аччиқланмай қўйдим. Даддам унга кўп марталаб ёрдам берган, яхшилик қилган, улар қадрдон эди. Менга ҳам аслида тилга олишга арзийдиган ёмонлик қилгани йўқ. Агар сўккан бўлса, у ҳақ, тўғри сўкди. Изоляторда ётавериб, сиқилавериб ҳаддан ташқари бўшашиб кетибман, асабларимнинг ҳам сўлоғи ўйнаб кетибди. Мана шу нарса мени уларга ишонч билан ёндошишимга, уларга катта умидлар боғлашимга мажбур қилипти, лекин мен ҳиссиёт эркинлиги учун курашишга ўзимда иқтидор тополмаяпман.

Ялангликка чиқдик. Сал нарида — пастқамликда бир неча қўй янги сабза урган ўтларни чимдиб юрибди. Биз тўхтаймиз. Афтидан, мен нимани ўйлаётган бўлсам, Матей ҳам шу нарса-ни ўйлаётганга ўхшайди; чунки фикр-зикримиз овқат, бирон егулик топишда. У чўнтаklarини титкилаб чиқади, кейин ниманидир эслагандай менга яқинлашади.

— Соатни еч!

Соатимни ечиб бераман. Унинг қарашларидан шу хулосага келиш мумкин эдики, агар мен унга қаршилиқ кўрсатадиган бўлсам, зўрлаб бўлса ҳам ечиб оларди. Матей Денешга қараб қўйди. У Денешнинг елкасига автоматни осиб қўйди-да пасткамликка тушиб кетди. Денеш билан яккама-якка қолиш менга ёқмади. Автоматни менга эмас, Денешга қолдириб кетишининг ўзидаёқ бошқа бир маъно бор эди. Мен дарахтнинг орқасига ўтмоқчи бўлган эдим, Денеш менга қаҳрланиб қараб қўйди.

— Жойингдан жилма, бўлмаса отиб ташлайман.

Уни кўрмаслик учун орқамни ўгириб оламан.

— Денеш, менга тузукроқ муомала қилсанг бўларди. Ахир мен сени ўлимдан сақлаб қолдим-ку.

— Сен мени эмас, ўзингни ўлимдан сақлаб қолдинг. Нима, мен уни ўлимдан сақлаб қолдим, мени у ўлдиролмайди, деб ўйлайсанми? Сени ўз қўлларим билан ўлдираман. Чунки, сенинг қўлингдан ёвузликдан бўлак ҳеч нима келмайди.

— Автоматни чўз бу ёққа. Агар гап шунақа бўлса, сенлар билан қиладиган ишим йўқ.

Мен ўзимни йўқотиб қўяман. Мана бу венгернинг мен билан шундай муомала қилишига чидаб туrolмайман. Автоматни тортиб олиш ниятида унга ташланаман. У автомат билан миямга туширмоқчи бўлади. Мен чап бераману, унинг камаридан ушлаб оламан. Денеш устимга йиқилади. Шундоққина қулоғимнинг остида унинг шиғиллаган нафасини эшитаман. Ханжаримни тортиб олиб саранжомлашим мумкин эди-ю, лекин буни хоҳламадим. Бирдан афтимга мушт тушганини сездим, бурнимдан тирқираб қон оқиб кетди. Денеш яна урди.

Қаршилиқ кўрсатиш учун ҳаддан ташқари дармонсизланиб қолган эдим. Денеш мени қўйворади. Ўрнимдан туриб, дарахтга суяниб олдим. Денеш менга автомат ўқталди. Матей келиб бизни худди шу алфозда кўради. Унинг бир қўлида янгигина пиширилган бринза, иккинчи қўлида кўзичоқнинг орқа оёғи, қўлтиғида эса зоғора. У кела солиб нима ҳодиса рўй берганини дарров фаҳмлади-ю, миқ этмади. Рафторидан билдимки, Денешнинг ёнини олди. Бу нарса мени яна қаттиқ газабга солди. Матей қўли билан Денешга ишора қилди. Биз тағин йўлга тушдик. Бир соатлар чамаси юргандан кейин бир сайхонликка чиқамиз ва шохлари тарвақайлаб кетган бир арчанинг тагига келиб тўхтаيمиз, учаламиз индамай гулхан ёқамиз. Таёқчага ўтказилган гўшт оловда пиша бошлайди: мен ханжаримни чиқаргим келмайди. Менда ханжар борлигидан биронтасининг хабар топишини истамай-

ман. Ёнимда қолган яккаю ягона қурол ҳозирча шунинг ўзи эди. Матей гўштни қўли билан бўлаклади. Менга ҳам бир бўлак берди. Кейин худди шу тарзда кўп қисмини йўл озиғи учун қолдирган ҳолда бринза билан зогорани ҳам тақсимлайди. Овқатдан кейин булоқдан қониб-қониб сув ичамиз. Менинг ошқозоним учун бу нарса ҳаддан ташқари оғир овқат эди. Қорнимдан кўтарилган санчиқдан икки букилиб қоламан. Ўзимни чалқанча ташлайман, шундан кейин оғриқ бир оз пасаяди. Ухлагим келяпти, лекин Денеш билан орамизда бўлиб ўтган машмаша мени хушёр торттиради. Уриш нималигини бошлаб кўрсатиб қўя олмаганимга афсусланаман. Лекин кўрсатиб қўйган ҳам бўлардим... Уларни ўзимга соқчилик қилиб боришларига рухсат бермаслигим керак. Бунга ҳечам ҳақлари йўқ. Уларнинг амрига бўйсунмиш — бу уларнинг ҳақ эканликларини, ҳозирги вазиятни, ҳолатни яккаю ягона тўғри тадбир деб тан олиш деган сўздир. Клаус билан бўлган суҳбатни эслайман. Тўғрироқ айтганда, ҳозиргидай ўшанда ҳам сукут сақлаб эшитган сўзларимни ёдга оламан. Менинг назаримда у ҳақ эди. Агарда қуролимни қўлимга ололганимда-ку, улар яна олдимда қўзичоқдай диконглаб қолган бўларди-я. Қани улардаги одамгарчилик? Мен энди бемаъни фидойилик қилиб, уларнинг жонларини сақлаб қолганимга суюнмай қўйдим. Мен уларнинг ялинадиган пайтини кутишим ва бунинг тадоригини аввалдан кўриб қўйишим лозим эди. Лекин мен бундай қилмаганимда нима бўларди? Мен ишонч ҳосил қилган малъун сохталиклар, ёлғонлараро илгари қандай сузиб юрган бўлсам, кейин ҳам шундай юриверармидим? Мутлақо! Барибир қочиб кетган бўлардим. Лекин қочиб қаёққа борардим? Ҳеч қаёққа! Ўзимники бўлиб қолган ўша ҳаётдан жирканмай, қўлимдаги қуролимни унга қаратмай туриб ундан мутлақо ажралмаган бўлардим. Ҳа, мен билан руҳимдаги бор яхши фазилатларни шафқатсиз равишда топтаган, уни йўқотган кимсалар орасида ҳеч қанақа келишувчилик бўлиши мумкин эмас. Матейга қарайман. У қўлларини ялаяпти. Мана шу одати учун Ануцадан қанчалар дакки еганини бир эмас кўп марталаб ўз қулоғим билан эшитганман. Афтидан, овқат унга ҳам ўтиришмади. Юзи буришиб, қони қочиб кетди. Пешанасидаги ажинлари яна ҳам чуқурлашиб қолди.

— Нега автоматни олмоқчи бўлдинг? — кутилмаганда сўраб қолди Матей босиқлик билан дўстона оҳангда.

— Автомат меники, Матей амаки, ухлаб ётганимда пистолетимни ҳам олиб қўйибсизлар. Булар бари сизларга қилган...

— Нима қилибсан? Сен кунларнинг тугаганини сезгансан, шунинг учун улар билан жаҳаннамга бедому дарак йўқолиб кетишдан юрагинг ёрилиб кетган.

— Йўқ, бунинг учун эмас. Улар менинг дадамни отишган. Унинг ўлимига фақатгина коммунистлар сабаб бўлган, деб мени ишонтириш мақсадида қалбаки дело тузишган экан. Шунини биллиб қолганимдан кейингина сизларни қутқардим.

Матейнинг юзларидан яна қон қочди.

— Дадангни ўлдирган сен ўзинг. Сен юзингга чарм қоплаб олиб улар ўлдирган деб айбни бировларга тўнкайсан, аслини олганда қотил ўзингсан, чунки сен билан улар ўртасида заррача фарқ йўқ. Ҳақиқий итнинг ўзгинасисан, бошқа ҳеч киммассан, билдингми? Агарда отанг ўлмаган бўлганда ҳам сен барибир ўшаларнинг ичида ўтирган ва бизни бемалол жазолайверган бўлардинг. Денеш — ота эмасми? Мен-чи? Сенлар таҳқирлаган одамларнинг уйларида бола-чақалари йўқмиди? Нима, сен даданг коммунистларнинг бўҳтонидан эмас, ўз чақувингдан ўлганини билганингдан кейин ҳар хил туйғулар оқимини урчитмоқчи бўляпсанми, а? Тағин, менинг пистолетимни нега олиб қўйдиларинг, деганинг ортиқча! Қўлимизни ипсиз боғлаб қўйганингни биласанми? Сени отиш керак эди! Гарчи бунга аллақачондан буён сазовор бўлиб келган бўлсанг ҳам, биз сизларга ўхшаб ҳар кимни итдай отиб ташлайвермаймиз, бунга ҳаққимиз йўқ. Денешнинг бурнингни ерга ишқагани ҳали камлик қилади, пошнаси билан эзиб башарангни ерга ёпиштириб қўйиши керак эди. Жонимизни сақлаб қолганинг учун, гарчи ўзимни мажбур қилиб бўлса ҳам сенга раҳмат дейман. Қолган бутун қилмишларинг учун эса лаънат сенга.

— Шундай дейиш сенга осон. Ҳа, ўз нуқтаи назаринг билан албатта мени қоралайверишинг мумкин.

Матей ботинкасини ечиб ичидаги қумларни қоқиб ташладида, яна кийиб олди. У анҳор томонга борди, совуқ сувга ювинди, чанқоқлик билан сув симирди, кейин яна гулхан ёнига келиб ўтириб олди.

— Қайси нуқтаи назардан гапиришим керак сенга? Сенинг нуқтаи назарингданми? — гапида давом этади Матей тутаяқиб, — ё бўлмаса, сенинг фашистларингни ушлаб олишса-ю, улар бизлар билмасдан катта хато қилиб қўйдик, деб кўкрагига уриб ялинб-ёлворса, уларни биров кечиради, гуноҳидан ўтади, деб ўйла-япсанми? Шунақа нарсалар бўладики, уларни мутлақо унутиб бўлмайди. Унутиб бўлмайдиган нарсаларни кечириб ҳам бўлмайди.

— Матей, мени уларга қўшма. Нимани адолатли ва мўътабар деб билган бўлсам, бари фирибгарлик билан ишлов берилган сох-талиқ бўлиб чиқди. Бунақа бўлиб чиқишини туш кўрибманми?

— Каллангни ишлатсанг бўларди-ку, шунақалигини олдинроқ мушоҳада қилиб тушуниб олишинг мумкин эди-ку: сен илгари ҳам ўзингни ўзинг алдардинг, ҳозир ҳам алдаяпсан. Сени уларга қўшганим ёқмаяптими? Ундай бўлса кимга қўшай? Бошқа одамлар билан бирга бўлишга ҳақ-ҳуқуқинг борми? Сен ҳозир ўзингни улар қандоқ бўлса, ўшандоқ эмаслигингни менга исботламоқчи бўляпсан. Яхши, ундай бўлса, буни нима билан исбот қиласан? Бўлмаса, ҳамма далил-исботларингни бир ерга йиққин-да, одилона ҳал қилиб берадиган, менга ўхшамаган бошқа ҳакам топ. Сени ўлимдан қутқардим, шу билан бирданига сизларнинг томонингизга ўтиб олдим, деб ўзингни ўзинг ҳозир ҳам алдаб турибсан. Бироқ шунча аблаҳликларингдан кейин сенга ким ҳам ишона олади? Сирларимизни билиб олмоқ учун сени бизга айғоқчи қилиб юборишмаганини қаердан биламан? Айтчи, шундай эмаслигингни нима билан исбот қиласан? Мен нимага ишонишим керак? Сенинг руҳий кечинмаларингми? Уларнинг сендан бўлак кимга қиммати бор? Энди мени сенинг қалбинг эмас, балки қандай ишлар қила олишга бўлган қобилиятинг қизиқтиради. Сен чолни кўриб бувам демагин-да, мундоқ йигитчасига гаплашгин, фақат далилларнинг бетига тик қара. Ёки бўлмаса, мени ёшлигимдан биласан, шунинг учун бошқачароқ гаплашгин ҳам дерсан ҳали? Ёшлигингда қўлимда ўйнатганларим эвазига жонимни азоблаб, устимдан кулмадингми? Сенинг очиқ кўрлигингни ҳисобга олмаганда гўё орамизда нимадир умумийлик бўлиши мумкин, деб мулоҳаза юритишингга, ўйлашингга мажбур қиладиган нарса нима ўзи? Мен раҳмдил бўлишим мумкин, деб ўзингга тасалли беришингга нима мажбур қилади? Кўз олдида қизининг номусини топтаганларинг манави одамга бир боқ-чи, сен учун мен ўша одамдан гуноҳингдан ўтишни сўрашга ҳаққим борми? Сенинг шу ҳолга келишингга фашизм айбдор. Лекин шу фашизмга ўз оёғинг билан кириб бординг. Сени ҳеч ким чақиргани йўқ, уларга қўлингни ўзинг чўздинг. Ер юзидаги мавжуд бўлган ҳар қандай ҳақиқат, инсонийлик ҳаққи адолатни ардоқловчи менми ё бошқа биров бўладими, ким бўлмасин, сени кечира оладими? — ўртага оғир сукут чўкди. Матей Денешга қаради.

— Денеш, нима, жудаям оғрияптими?

— Бир оз тузук.

— Иримие аҳмоқона йўлга кириб қолдинг деб сен билан қанчалар гаплашмади, — давом этди Матей Василега мурожаат қилиб, — йўлингни хатарли эканлигини қанчалар уқтирмади. Нега сен унинг гапига қулоқ солмадинг? Буларнинг барини сенга шунинг учун ҳам эслатяпманки, ҳозирги ҳолатга тушиб қолишингда фақат уни айблаётганингни билиб турибман. Унинг сенга берган маслаҳатлари эвазига қандай жавоб қайтардинг? Дадангни сотдинг.

— Мен унга ёрдам бермоқчи бўлган эдим.

— Ҳа, ёрдам бердинг. Энди у ҳеч нарсага муҳтож эмас.

— Уни отишларини қаердан билай?

— Уни коммунистлар ўлдиришди, деб ўзингни ўзинг алдаб бунга ишонч ҳосил қилганингдан кейин анча хотиржам бўлиб олдинг... Хотиржам бўлиб олганингдан кейин эса, энди бу ёғига ҳар қанча одамни йўқотсам бўлаверади, деб ўйладинг.

— Ошириб юборяпсан ҳаммасини, Матей. Шу ишим бошимга етиб, шу ҳолга тушиб ўтирибман. Мана ҳозир сен ўзингнинг янги дунёингни менинг қаршимда қўлингда қурол билан ҳимоя қилмоқдасан. Ахир мен ҳам сенинг қаршингда ўз дунёимни мана шундай ҳимоя қилган эдим-да... Матей амаки, мен сизларни ўлимдан қутқарганимга афсусланияпман. Тағин хаёлингга келмасин, мени суд қилиб отиб ташлашларимизга афсусланияпти деб, йўқ. Биз ҳам худди шундай қилиб келганмиз. Мен сенларни ҳовлида кўрганимда вужудимда ҳаётга умид учқунлари пайдо бўлган эди, энди эса умидларим сароб бўлиб чиқди. Мени шунинг учун отишни хоҳламаяпсанларки, суд қилмасдан туриб отиб ташлашга ҳақларинг йўқ. Лекин менда судга эҳтиёж қолмади. Отақолларинг. Энди менга барибир. Ўйламасдан иш қилиб қўйдим. Хаёлимни йиғиб бундоқ ўйлаб қарасам, ўйлайдиган, танлайдиган йўлим ҳам йўқ экан. Йўл танлашга ҳаддан ташқари кечикиб киришдим. Йўл танлашимнинг иложи қолмагандан кейин қилиб қўйган ишим телбаларча қилинган бемаъни бир ҳаракат бўлиб чиқди. Қани, отларинг энди, ўлишдан бошқа йўл қолмаган экан, кимнинг ўқидан ўлиб кетишимнинг аҳамияти йўқ менга.

— Агар фашистлар билан бизни бир ўринга қўяётган бўлсанг, аблаҳ экансан. Назарингда, сен ейдиган ўқ адолатсиз ўқ бўладими? Сизлар миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритдинглар. Энди келиб бизнинг одамгарчилигимиз ҳақиқага дуо қилиб шафқат тилаяпсизларми? Сенинг қабиҳ юрагингда умид учқунлари пайдо бўлибди, лекин бу умид адолатли ҳукми эмас, биздан шафқат тилаяпти. Умуман олганда, сени отишадими ёки қўйво-

ришадими, мен билмайман. Сени суд қиладиган одам мен эмас, бошқалар. Нима, сен ўз кўнглингда буларни ўлимдан қутқарганим учун мени кучоқ очиб ўз сафларига қўшиб олишади, деб ўйлаганмидинг? Шунини билиб қўйгинки, ҳеч кимнинг бизни ҳаётдан маҳрум қилишга ҳаққи йўқ. Минг-минглаб одамларни мол сингари поездларга босиб зўрлаб олиб кетишларинг, қадамларинг етган жойларда сонсиз лагерларда миллионлаб қилган жиноятларинг учун сенларни қандай қилиб суд қилиш керак? Эшитяпсанми? Индолмайсан-а? Демак, бу билан бизнинг фикримизга қўшилганингни билдирасан ва ўзингни ўзинг ўлим жазосига ҳукм қиласан. Бу жазони марҳумлар талаб қилишяпти. Ҳаёт ҳақида гапирмасликлари учун уларнинг оғзини тупроққа тўлдирган сенлар. Агар гуноҳинг йўқлигига, виждонинг поклигига ишончинг комил бўлса, бориб ўшалардан шафқат тила! Нега сўрамаяпсан? Сўролмайсан ҳам. Шунини билиб қўйгинки, сенга бошқа ҳукм бўлмайди. Ҳов, Денеш, кел, бир оз дам олайлик. Бу билан вақтни ўтказиш ҳам хайф.

Матей гулханга орқа қилиб ўтирганча тонг отгандан кейин чиқиши қонуний бўлган қуёшнинг тоғ ортидан қизариб келаётган шафағига тикиларди».

30

«Мен уларни сиқиб қўймай деган ўйда сал нарироққа, арчанинг остига жойлашиб оламан. Қуёш нурлари мендан кўрққандек юзимга зўр-базўр тушяпти. Худди у ўз ҳукмронлигини шамолга бергану, шамол совуқ тилчалари билан ҳаммаёғимни тимирскилаётганга ўхшарди. Мен ухласаму, бўлиб ўтган машмашаларнинг барини эсдан чиқарсам дердим, лекин ҳечам ухлолмасдим. Денеш бўлса, вақти-вақти билан тирсагида туриб бошини кўтариб менга қараб кўярди. Эҳтимол, у мени қочиб кетади деб кўрқаётгандир ва шунинг учун ухлашимни истаётгандир. Мен фурсатни қўлдан бой бермай, кеч бўлиб яна йўлга чиқмасимиздан бурун бирор қарорга келишим шартлигини ҳис қиламан. Бу ёғига, эҳтимол, бошқа бирон жойда кўнмасмиз. Йўлда бири олдимда, бири кетимда кетаётган пайтда эса қўлимдан ҳеч нарса келмай қолади. Мен юзимни яхшироқ кўрсин, мени яхшироқ кузатсин, деган мақсадда кўзимни юмганча уларга қараб ёнбошлаб оламан. Мен қочиш фикри йўқлигига уларни ишонтирсам дейман ўзимча.

Мен Матейнинг гапларини диққат қилиб тингладим. Унинг фикр юритишлари менинг назаримда одамгарчиликдан йироқ бўлиб

қўринди. Мен ишонган ва ўртамизда бўлиши мумкин деб ўйлаган ўша омонат алоқанинг энди кули кўкка совурилди, биз уч киши эмасмиз, балки бир-бирига ўт билан сувдек қарама-қарши бўлган, ўзаро алоқаси йўқ икки дунё, икки ғоя одамимиз. Ҳозирги тушиб қолган ҳолатимга қарамасдан, умуман олганда мен маълум даражада Матейга тан беришим керак. У ўз гаплари билан мутлақо калламга келмаган фикрларга диққатини жалб қилди. Эҳтимол, менинг қочишга аҳд қилишим, ўзим дахлдор бўлган муҳит билан алоқамни узишим — буларнинг бари шахсий кечинмаларим, асосий масала юзасидан чиқарган баъзи бир хулосаларимдир. Ҳақиқатан ҳам, агар дадамни отишмаганда, Фрид мени йўқотаман деб бор ҳақиқатни очиб қўймаганда, мен қандай яшаган бўлардим?! Кўрқитиб, ҳар қадамда ўлим билан дағдаға қилиб турадиган ўша тартибга қадимгидай итоат қилган, юрагимда норози бўлсам ҳам ботинимдагини зоҳиримга чиқаришга журъат қилолмай илгари қандай ишлар қилган бўлсам, кейин ҳам худди шундай ишлашда давом этаверган бўлардим. Матейнинг танбеҳлари мени танг қолдирди. Умуман олганда, ўзим ўйлаб ақлим етмаган нарсалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар мени доим лол қолдириб келган. Йўқ, йўқ, нима бўлмасин, мен барибир қочган бўлардим. «Янги тартиб»нинг ўлим ва манфур нарсалар устига қурилган дор эканлиги менга беш кўлдек аниқ-равшан бўлиб қолган эди. Йўқ, агарда дадамнинг иши юзасидан қилинган ўша разилликлар маълум бўлиб қолмаганда, мен қочолмаган ва қочишга журъат қилолмаган бўлардим. Агар шуни тан оладиган бўлсам, демак, Матейнинг мулоҳазалари, менинг устимдан чиқарган ҳукмлари адолатли экан-да. Мен шу дақиқаларда соф виждонли бўлишим кераклигини, бундан бу ёғига бошимга қандай кўргиликлар тушмасин, ўзимга ҳеч қанақа савол бермай хотиржамлик билан тақдирга тан бериб тураверишим лозимлигини ҳис қиламан. Ўлимга лойиқ гуноҳ иш қилиб қўйганингни ўзинг билсанг ҳаёт билан видолашишинг, ҳаётга қалбингда умид учқунлари яшнаб тургандаги видолашишингга қараганда бошқачароқ бўлади. Шунинг учун ҳам мен уларнинг судлари илон изи бўлиб кетган ҳаёт йўлимни, мени оқлаш учун асосий омил бўладиган руҳий кечинмаларимни, тортган азоб-уқубатларимни эътиборга олади, деб ишонапман, ҳали ҳам шу ишонч билан нафас оляпман. Мен улар иккисини ўлимдан қутқарганим учунгина мени ўлдирмасликларини, шафқат қилишлиklarини тиламайман, йўқ. Мен тўрига тушган ҳаётда фақатгина қаллобликлар, маънавий-руҳий разилликлар, пасткашликлар ҳукмрон бўлган. Қилган ҳамма қилмишларимда эса фақат биргина мен айбдор эмасман. Мана

шунинг учун ҳам улардан шафқат тиламоқчиман. Эҳтимол, улар кўп жабру жафо чекканларидан бундай марҳаматни ёдларидан чиқариб юборган бўлишлари ҳам мумкин, бундай нарсалар энди уларни қизиқтирмас, бироқ шундай бўлса ҳам ноумид шайтон, мен умидимни узганим йўқ. Ҳолатимни тушунишар ахир, уларнинг дунёлари бизнинг дунёга мутлақо қарама-қарши, ораларида заррача бўлса ҳам умумийлик йўқ-ку. Агар уларнинг дунёлари афзал бўлиб, одамгарчиликда зиёда бўлса, вазиятни тўғри баҳолай олади, унда мен ҳам ўзгараман, бошқача одам бўламан. Ишончим комилки, Матей мени қўрқитмоқчи бўлди. Унинг тили билан иши бошқа, оғизда дўқ қилгани билан амалда бундай қилмайди. У ишда олийжаноброқ бўлишни истагани учун ҳам менда қаттиққўл, муросасиз одам қиёфасида таассурот қолдиришга ҳаракат қилган бўлиши мумкин-ку. Мен энди улар қаерга боришса, ўша ерга, охиригача бирга бораман, бирга курашаман, бутун гуноҳларимни, лақмалигим оқибатида уларга етказган дилозорликларимни — ҳамма-ҳаммасини ўз қоним билан юваман. Ҳозир менинг ҳаёт-мамотим уларнинг кўлида. Агар имконият беришадиган бўлса, энди ҳақиқатан ҳам тўғри йўлга ўтмоқчи бўлганлигимни, энди мутлақо бошқача одам бўла олишим мумкинлигини исботлаш учун ҳаётимни қурбон қилиб бўлса ҳам нимани буюришса, нимани талаб қилишса — барини бажону дил бажараман. Мен уларнинг кўнглидагини тушунмайман. Шунини аниқ биламанки, биз бундай ҳолатларда муҳокама қилиб ўтирмасдик, бировнинг гапларига ишонмасдик, ҳатто айбдорнинг ўлим олдидаги охириги илтимосини ҳам гапиришига йўл қўймасдик. Бинобарин, улар бизга қараганда ҳақиқатан ҳам олийжаноб бўладиган бўлса, унда бизнинг йўлимиздан бормайди, айбдорга биз каби муносабатда бўлишмайди. Шу билан пинакка кетаман. Лекин бирдан уйғониб кетаман, эҳтимол хуррак отган бўлсам керак, хуррагим ўзимни уйғотиб юборгандир. Кўзимни салгина қия қилиб очаману, ҳеч нарса содир бўлмаганига ишонч ҳосил қиламан. Ҳа, ҳаммаси қадимгидек. Мен Матей кўзини ёпиб қўйган шапкасини суриб, менга диққат қилиб тикилаётганини кўраман.

— Ухлаяпти, — дейди Денешга. Эҳтимол бу гапни ўзича гапиргандир. Кейин яна илгаригидек ҳолатга тушиб олади.

Барини эшитиб ётибман. Назаримда улар мен ҳақимда нимадир сирли нарсаларни гаплашиши керагу, мен буни эшитмаслигим лозимга ўхшайди, кўнглим сезиб турибди. Ҳа, мен янглишмаган эканман. Денеш лабидаги сигаретани пуфлаб ташлади-да, (улар ҳатто сигаретамни ҳам тортиб олишган эди!) шивирлаб гап бошлади:

— Уни нима қиламиз энди.

Матей жавоб бермайди.

Чекка томирларим бўртиб лўқиллаётганини сезаман. Бу юрагимнинг иши. Денешнинг сўроғидан кейин зарб билан уриб тез-тез қон ҳайдаб қолди.

Матейнинг жавобига кўп нарса боғлиқ, эҳтимол менинг ҳаётим ҳам унга боғлиқдир. Мен биронта сўз ҳам диққатимдан четда қолмасин деган ниятда нафасимни ичимга ютаман. Бироқ Матей оғзига талқон солгандай, миқ этмайди.

Вақт ўтиб боряпти, мен дунёда ҳозир шу жавобдан бўлак умидвор бўладиган ҳеч нарсам қолмаганлигига ишонч ҳосил қиламан. Одамнинг тақдирига алоқачи йўқ, ҳар қандай саволга ўйлаб қўйилган жавобни бериш жуда ҳам осон. Матейнинг ҳозирги сукути эса яхшиликдан дарак бермайди. Демак, у ҳам ҳали мени нима қилишлари хусусида бир қарорга келмапти. Шошмай тур, нега энди иш албатта ёмон кўчади деб олдиндан башорат қилишим керак? Эҳтимол, у шошилинич равишда бирор чора кўрмоқчи эмасдир. Кутяпман, онда-сонда нафас оламан. Асабларим ниҳоятда таранглашди. Шу топда биров келиб секин бармоғи билан менга тегиб кетса борми, узилган тор сими мисоли осмонга сакраб кетишим турган гап.

— Матей, уни нима қиламиз?

— Денеш, мен ҳам нима қилишимизни ўйлаяпман.

— Уни менга қўйиб бер, Матей, ўзим ўлдирай. Жилла қурса Юлишканинг ўчини олай.

— Уни ўлдириш қийин эмас, Денеш. Мен ўзим ҳам шуни хоҳлайман. Фақатгина Иримие учун эмас, ким билади, шу топда Иримиенинг ўзи бўлганда, эҳтимол, у ҳам ўғлига шу жазони лозим кўрган бўлармиди. Ҳар ҳолда бунга менинг қўлим бормайди. Ахир ўйлаб кўр, нима бўлса ҳам бизлар уларга қараганда бошқача тоифадаги одамлармиз-ку, ҳаётимиз ҳам уларникидан тамоман фарқ қилади. Бироқ шунга қарамасдан олдимизда бошқа чора ҳам йўқ, ўлдирмасдан иложимиз қанча. Унинг нималар деганини эшитдингми? Биз уларга қараганда одамгарчиликда устун эмишмиз. Ҳа, одамгарчиликда юксак эканлигимизни мен ҳам жуда яхши биламан. Лекин ҳозир уларнинг жиноий ишларидан кейин одамгарчиликни қўлдан бермай деяпману, лекин бунинг уддасидан чиқолмаяпман. Эҳтимол, орадан бир неча йиллар ўтгандан кейин ҳозир мана шунақа муҳокама юритаётганимга афсусланарман. Одам ўлдиришга мажбур бўлганимда руҳан азобланарман, қийналарман ҳам. Лекин ҳозир шу кўйи ўтир-

ганимча роса ўйлаб, бундан бошқа чора тополмадим. У нима сабабдан бизни қутқарганини мен қаердан биламан? Нега у бизни тўғри мана шу томонга олиб келди? Бу атайлаб қилинган ҳийла эмасмикин? Агар у ҳаммамизни сотиб қўйса-чи? Унга ишониб таваккал қилсам бўладими? Ҳозир мен ўша ергача олиб борадиган бўлсам, барибир суд қилишади-ю, осиб ўлдиришади. Оҳ, Денеш, булар мен учун қанчалик оғир, қанчалар юрагимни эзди. Ахир мен ҳаётда бировларни ўлиб кетиши учун эмас, балки ўз йўлини топиб олиши, яхши яшашига қўлимдан келганча ёрдам бериш учун яшаб юрибман-ку. Лекин мен келажак ҳаёт, одамлар учун одамийлик қиладиган бўлсам, уни шафқатсизларча ўлдиришим керак. Худо шоҳид, бошқа чорам йўқ.

Яна иккаласи жимиб қолишади. Мана, менинг қисматим, энди ҳаммаси ойдин бўлди. Бироқ қандай бўлмасин мен бу қисматга бўйсунмайман. Мен эҳтиёткорлик юзасидан тайёр бўлиб туриш учун ханжаримни секин-аста қинидан чиқараман. Миямга қон урилишидан бошим ёрилиб кетай деяпти. Лекин бу энди нима бўларкин, деб бутун диққат-эйтиборни бир жойга тўплаб уларнинг гапларига қулоқ тутишдан эмас, балки вужудимни қамраб олган ғазабдандир.

Мен ҳозир қочиб қолишим мумкин, лекин қуролимни қайтариб олмагунимча ҳеч қаёққа жилмайман. Кутаман, мен ўзимдан кучли бўлган тақдирда ҳам бировни қандай қилиб қуролсизлантириш йўллари биламан. Бу жиҳатдан менга ўргатишган усулларни улар қаердан биларди, тушида ҳам кўрмаган. Ҳозир бу одамдан биттаси менинг ўлимимни орзиқиб кутяпти, иккинчиси эса, ҳаётини ҳимоя қилиш керак деяпти. Мен иккинчисига ҳужум қиламан. Пистолет қўлимга тушиши биланоқ иккаласини ҳам бераҳмларча, ҳеч нарсага ўкинмай ўлдираману, гуноҳимга иқроор бўлиб гестапога бўйнимни эгиб бораман. Хаёлимга келиб қолган бу фикр, гарчи тутундай бир лаҳзада тарқаб кетган бўлса-да, яна юрагимда қандайдир умид учқунларини пайдо қилади.

Қайсидир бири қимирлаганини сезаман. Мен билдирмасдан кўзимни ярим очаман — Матей экан. У мен тарафга юриб кела бошлайди. Эҳтимол, мени уйқумда ўлдиришни ва бу билан вақтинчалик ўлим уйқусини оғритмасдангина абадий уйқуга айланиб кетишини истаётгандир. Яқин келганда унинг қалтираётган қўлларига кўзим тушади. Бир дақиқа гўё ўқ овози чиққандай, мен эса мурдага айлангандай бўлиб кетаман, фақат худди қонга бўялган ингичка ипсимон узук-юлуқ фикрларгина мени ҳаёт билан боғлайди.

Ўқ овози ўрнига секин, лекин қатъий товуш қулоғимга киради:

— Тур!

Ўзимни уйқуга соламан. Ботинка тепкисидан қовурғаларим ичига кириб кетади. Ирғиб тураману, менга ўқталган пистолетга қарайман. Бир дақиқа кўз олдимда ажойиб, дилни мафтун этувчи тоғ манзараси намоён бўлади. Денеш ҳам ўрнидан туриб бизга қарайди. Унинг юзида бурунги нафратланиб тикилишидан ном-нишон қолмабди. Ҳатто назаримда, менга ўшанда ўлим тилагани учун афсусланаётгандек туюлди.

— Кетдик!

Мен оёқларимни зўр-базўр кўтариб босаман. Пайларим худди пўлат симлардан тўқилган арқонга ўхшаб тортишиб қоляпти. Орқамда Матей оғир-оғир нафас олиб келяпти. Бироқ унинг нафас олишлари бир текис, руҳан қийналишнинг аччиқ-аччиқ аламларини тотаётган одамнинг нафас олишларига мутлақо ўхшамайди. Олдимда, мендан бир неча қадам нарида жарлик чиқиб қолгани учун тўхтаيمان. У ёғига юрсам омон қолишимдан умидимни узишим керак. Мен шу топда бир неча сониялик умри қолган одамнинг ўлим олдидаги қўрқув даҳшатини ҳис қилмай, жудаям хотиржам эканлигимни намойиш қилиб орқамга ўгириламан. Мана шу хотиржамлик ниқоби остида миямда фикрлар ғужғон ўйнай бошлайди. Мен энди нима қилишимни жуда яхши билардим.

— Матей амаки, сигаретдан битта бер. Одатда ўлимга ҳукм қилинганларнинг охириги илтимосини қондиришади.

Юзларидан сезиб турибман, унинг сигарет бергиси йўқ, лекин бир оздан кейин бошқа қарорга келди-ю, чўнтагидан сигаретанинг пачкасини чиқарди. Матей менга сигаретни чўзган ҳамон ўзимни шартта бир томонга оламан, мен эгилганим он узилган ўқ чаккамни ялаб ўтиб кетади. Яна чап бериб ўзимга қулайлик яратаман-да, Матейнинг қорнига қараб тепаман, кейин пистолет ушлаб турган кучсиз қўлларини маҳкам ушлаб олиб қайира бошлайман. Биз тарафга Денеш чошиб кела бошлайди. У етиб келгунча Матейнинг қўлидан учиб кетган пистолетни оламану, шу заҳоти ўзимни ўрмонга ураман, орқамга қармай қочарканман, мўлжалга тўғри олмасин деган ўйда ўзимни у ёқдан-бу ёққа ташлаб, худди илон изи бўлиб югураман. Афтидан, Матейни қаттиқ тепмаган бўлсам керак, чунки қоचाётиб бир ўгирилиб қараганимда у дўнгликнинг устида қўлида автомат ушлаб турарди. Аввал ўқларнинг дарахтларни юлиб кетаёт-

ганини кўриб қоламан, шундан кейин эса автоматдан кетмакет отилган ўқ овозлари қулоғимга киради. Бир четга қараб югуряпман. Қўлим кесакка ўхшаб қолади, ё яраланганман, ё бўлмаса бир жойга қаттиқ уриб олганман. Нима бўлса ҳам эътибор қилмай илон изи қилиб жоним борича югурмоқдаман. Биламанки, улар ҳадеб отаверишмайди, чунки захира патронлар йўқ, борларининг ҳам ярмини бўшатишди. Югуряпман, югуряпману хаёлимда фақат битта фикр: жон сақлаб қолишу, иложи борича булардан узоқлашиб кетиш. Бирмунча вақт кетимдан кузатиб келишяпти деган хавотирда қочдим, бора-бора кузатишмаётганларига ишонч ҳосил қилдим. Шундан кейин қулоғимга ўз қадам товушлариму дарахтларнинг баргларини секин-аста силкитаётган шамолнинг овозидан бўлак ҳеч нима кирмай қолди. Тўхтаман. Қўлим зирқираб оғрияпти. Енгимда нимадир иссиқ нарса баданимга ёпишади. Кафтимга қарасам, қон оқяпти. Демак, яраланган эканман-да. Фақатгина қоронғи тушгандагина юришдан тўхтадим. Ёнимдан энтикиб йиғлаётганга ўхшаган қандайдир овоз эшитилади. Қарасам, яқинимда тўкилган барглар орасидаги ариқчадан водийга қараб жилдираб оқиб тушиб кетаётган жилга бор экан. Мундиримни ечдим, ўқ тирсагимдан пастроққа теккан экан. Қўлларимни эгиб, букиб кўраман. Хайрият, суяк зарарланмапти. Бироқ қон тўхтамаяпти. Бу нарса мени даҳшатга сола бошлади. Ярани ювиб ушлаб кўраман. Ўқ пайларимни тешиб ўтиб кетибди. Рўмолчамнинг бир учини қўлим билан, бир учини тишлаган ҳолда йиртаману, ярамнинг юқори-роқ томонидан маҳкам боғлаб кўяман. Ана шундагина ўзимнинг мутлақо ҳолдан тойган, мадорим қуриганини ҳис қиламан, оёқларим бўлса сон-саноқсиз кўтарилиб тушаверишдан тарашадай қотиб қолди. Шундай бўлса ҳам ариқдаги сувдан ичиб, томогимни ҳўллаб олиб, яна йўлга тушаман. Йўл эса қияликдан пастга томон тушади. Тўсатдан қаёққа тушиб кетяпман, шу юришда қаерга бормоқчиман ўзи, деб ўзимга ўзим савол бериб қолдим. Вужудимни кўрқув, даҳшат эгаллаб олди. Мен ўлимдан қочган эдим. Олдинда, пастда мени яна ўлим кутиб турибди. Мундоқ қарасам, паноҳ тортиб борадиган жойимнинг ўзи қолмапти».

31

«Мана, ўрмонда санқиб юрганимга икки кун бўлди ҳамки, жонимни сақлаш учун на бирор қароргоҳ топа олдим, нима қилишим кераклиги ҳақида на бирор қарорга кела олдим. Қаёққа қараб юрсам ўз босиб ўтган изларимдан кесиб чиқавердим: де-

мак, ҳамма тарафдан қувғинга олинган ваҳший ҳайвон сингари бир жойда гир айланиб юраверибман-да. Мен ҳали оғзимга ҳеч нарса олганим йўқ. Қувватим кетгани устига очлик тинкамни қуришиб, энди юргим ҳам келмай қўйганини сезяпман. Латта билан қаттиқ сиқиб боғлаб қўйганим сабабли, тирсагимнинг пасти кўкариб кетиб кесак бўлиб қолган. Латтани ечиб олишим билан яна қон оқа бошлайди, демак, кўк қон томирим кесилган экан-да. Ярамнинг четлари қорайиб қолибди. Хаёлимга қорасон касали келди. Қорасондан кўрқаман. Пешанамни ушлаб кўраман, ҳароратим баланд, ёняпман. Лекин ҳозир ҳеч нимани ўйлагим келмайди — қорасон ўтакамни ёрворди. Вақти-вақти билан ариққа келиб қониб-қониб сув ичаман, қанча кўп сув ичмай чанқоғим босилмайди, ташналик ўртаб юбормоқда. Қаердандир қўйларнинг бўйнидаги қўнғироқчаларнинг жингирлаган овози кела бошлади. Эҳтимол, қўнғироқчаларнинг овози юқоридан, мен қочиб келган томондан келаётган бўлса керак. Нима қилиб бўлса ҳам бирон нарса тамадди қилиб олиш шарт, бўлмаса иш чатоқ, ҳушдан кетишим мумкин. Ёнбағирлик бўйлаб кўтарила бошлайман. Назаримда, баланд деворга тирмашиб чиқиб кетаётганга ўхшайман. Лекин ошқозонимда кўтарилган оғриқ мени яна баландга тирмашишимга мажбур қилмоқда. Чалқанчасига йиқилиб кетмаслик учун дарахтларнинг таналарини қучоқлаб оламан. Бошим орқага тортиб кетади. Юқорига қараганимда кўзим ҳамма нарсани бағрига сиғдириб олган, қалбга туташ сўнгсиз осмонга тушади. Арчалар орасида бир сайҳонлик кўриб қолдим. Пистолетимни отишга тайёр қилиб қўйиб, секин-аста сайҳонликнинг бир чеккасига бордим. Мен шу топда қорнимни тўйдирину, бир оз дам олиш йўлида ҳар қандай номаъқулликдан ҳам қайтмасдим. Агар ёнимда йўлдошим бўлганда-ку, қўлимдаги оғриққа ҳам чидаган, очликни писанд қилмаган бўлардим. Ёлғизлигим учун ҳам ўзимда қатъият сезмаётган, мен енга олмаётган қандайдир даҳшат, кўрқув руҳимда ҳукмронлик қилиб ўз комига тортиб кетаётган эди. Бироқ ҳозир нималарнидир ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтириш ҳолатида эмасман. Аслида кўп нарсаларни ҳал қилишим, бирор қарорга келишим керак эди, лекин бунга ожизлик қилаётган эдим, эҳтимол, тўғрироғи, буни шу топда хоҳламаётгандирман ҳам. Мен ўйлашни истамайман, менга ҳозир овқату, ҳатто ўз-ўзимни ҳам унутиб қўйиб бир оз мизғиб олиш учун кўрпа-тўшакдан бўлак ҳеч нарса, ҳеч ким керак эмас. Умримда бирон марта ҳам дам олиш учун бунчалик зориқмаганман, уйқуни бунчалик яхши кўрмаганман. Агар менинг олдимга

овқат қўйиб, иккисидан бирини танла: ё ухла, ё бўлмаса овқат е, дейишадиган бўлишса, ҳеч иккиланмай туриб, ухлашни танлаган бўлардим. Икки кундан буён ғафлатда қўлга тушиб қолмайин деб кипригим кипригимга инмади. Биринчи кечани овқат қидириб ўтказдим. Юролмай қолган пайтларимда ҳамма нарса ни унутиб дарахт танасини кучоқлаганча эгилиб туравердим. Лекин кўрқув ҳар сафар ҳам уйқу истагини енгиб кетаверди. Мана энди иккинчи кечани ҳам шундай ўтказдим. Эндигина ухлаб олай деб кўзимни юмишим билан мингларча ҳар хил овозлар қулоғимнинг остида жаранглайверади. Мен бу қичқираётганлар одамлар эмаслигини билардим, лекин мана шу қичқариқлар эшитилишининг ўзиёқ мени даҳшатга солаверарди. Мен энди деярли сайхонликка чиқиб олдим. Ҳавода қандайдир ёқимли ҳид таралиб турибди, димоғни қитиқлайди, чамаси, шу яқин атрофда қозонда жўхори бўтқа қайнаётган бўлса керак. Лекин шу заҳоти турган жойимда қотиб қолдим: мендан юз қадамлар нарида ўт устида ўн-ўн беш чоғли қуролланган одамлар иштаҳа билан овқат еб ўтиришарди. Эсим чиқиб кетганидан шартта ерга йиқилдим. Улардан биттаси тозалаб бўлган қўй суягини бир тарафга қараб улоқтирди-ю, ўрнидан турди, мен қимир этмайман, агар мени сезиб қолган бўлса, иш тамом... Ўзимни яхши пана қила оладиган буталар ичига оламан. Орқага қайтишга бўлса кўрқаман, чунки, шохлар қимирлайди-ю, албатта сездириб қўяди. Қуролли киши худди буталар ичида биров яшириниб ётганини билгандек мен тарафга келаверади, пистолетимни тўғриладим, агар бирон нима бўлиб қолгудек бўлса, охирги ўқни ўзимга олиб қоламан-да, қолганини уларга отаман деб ўйлаб қўйдим. Қуруқ хазон билан қопланган ердан бошимни кўтариб қарайман. Мендан ўттиз метрлар чамаси нарида Матей турар ва атрофга алангларди. Қўлида менинг автоматим. Мўлжалга оламан, отмоқчи бўламану, тепкини босишга кучим келмайди. Яраланган ўнг қўлим измимга бўйсунмайди. Пистолетни чап қўлимга оламан. Менга нимадир бўляпти ўзи, кўз олдимни туман қоплайди, кўзимга бир одам иккита бўлиб кўрина бошлайди, кейин булар ҳам қаёққадир йўқола бошлайди... Секин-аста ўзимга кела бошлайман. Қарасам, чор атроф қоронғи. Ёмғир ёғяпти. Бутун аъзойи баданим — суяк-суягимгача ҳўл бўлиб кетибди, ўрнимдан туриб кўрқувни ҳам йиғиштириб гулхан ёқилган томон қараб кетаман. Сайхонликда ҳеч кимнинг қораси йўқ. Бора солиб олови ўчган кулни титкилаб кетаман, кейин бир зумда атрофдаги ўт-ўланлар орасини кезиб чиқаман. У ердан истаган нарсамни — ҳалиги отилган суякни зўр-базўр топаман. Суякни

мужирканман кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетади. Кўз ёшларим ёмғир билан кўшилиб ёноқларим бўйлаб оқа бошлайди. Кўзимдан оққан ёшлар бир оз энгил торгтиради, миям тиниқлаша бошлайди. Энди менга уйга, ўз жигарларим олдига қайтишдан, соғайиб ўзимга келмагунимча ўша ерда яшириниб ётишдан бўлак чора йўқ. Бундан буён ўрмонда овқатсиз қолиб кетишим мумкин эмас. Ўзимни сал яхши ҳис қила бошлайман. Гулханнинг кулини яна бир титкилаб кўраман, бу сафар кўрда пишган битта картошка топиб оламану, уни апил-тапил куйган пўсти аралаш еб ташлайман. Картошка жудаям мазали, шунда унинг музлаганлигини билдим. Юзларимни артиб яна ўша йўлдан, не не машаққатлар тортиб келган йўлимдан орқамга қайтдим. Юқорига кўтарилишдан кўра, пастга тушиш оғирроқ экан шекилли, баттар қийинчиликка учрадим. Лекин яна бир неча соатдан кейин уйда бўламан-ку, деган фикр кўнглимга таскин берар ва мен бор кучимни тўплаб олдинга ташланардим. Мен ўзимни мана шу даражада оғир — ҳам руҳан, ҳам жисмонан инсон боласи чидаб бўлмайдиган қийинчиликка бардош бера оларман деб ҳечам ўйламаган эдим. Энди Элиза, Ионуцлар ҳақида ўйлай бошлайман. Уларга нисбатан муносабатларимда нақадар ноҳақ эканлигимни биламан. Мен уларнинг бошига қанчадан-қанча бахтсизликлар, хўрликлар келтирмадим, оҳ, барини тушунаман. Мен Элизани ойи деб атасам ҳам бўларди, у бунга муносиб эди, лекин ундай қилмадим. Элиза ҳам мени шу сабабли кўпинча уришиб, ҳақорат қилиб турарди. Лекин қилинган бари хатоларни тузатиш, ҳамма ёмонликлар унут бўлиб кетиши мумкин. Инсон боласи унута олмайдиган бўлса у яшай олмайди ҳам, унинг юрагида дўзах ўтидай ўт ҳамма вақт лахча чўғ бўлиб тураверади.

Кўлимнинг оғриғи борган сари зўрайяпти, уни кўтаролмаяпман. Менда шундай сезги пайдо бўлдики, гўё юрагим ўз ўрнини алмаштириб кўлимга жойлашиб олганга ўхшайди. Юрагимнинг тегишини фақат кўлимдангина сезяпман, худди ёнимда биров, қандайдир ҳамроҳим борга ўхшайди. Ночор аҳволда қолган дақиқаларингда ёлғиз бўлишинг руҳингга ҳаддан ташқари ёмон таъсир қиларкан. Ўлаётганингда ёнингда яна бир ҳамроҳинг бўлса-ю, у ҳам сен билан бирга у дунёга кетадиган бўлса, сен буни билиб турсанг, бу ҳолда ўлим ҳам кишига анча энгил бўларкан, деб ўйлайман. Калламга яна ҳар хил фикрлар кела бошлади. Негадир доим ёшлигим эсимга тушиб кетаверади. Мен ўзимни ҳар доим кимлардандир кўрқиб, ҳадиксираб юрадиган болага ўхшатавераман. Бундоқ қарасам, ўз ёшлигим билан аллақачонлар, бундан худди юз йиллар муқаддам хайрлашган кекса одамга ўх-

шайман. Бу фикрга кўрган-кечирганларимни эслаш нақадар қийинлигидан келганим йўқ, албатта. Мен гарчи ҳали йигирмага тўлмаган бўлсам ҳам, ўзимни қариб қолган, қариганда ҳам бужмайиб қолган бир чол каби ҳис қилардим.

Бир дақиқа тўхтаб пешанамни артаман, юзларимда табассум пайдо бўлади. Ахир, мен худди шу бугун йигирмага тўламан-ку. Йигирма ёшимни кўзимга адоғи йўқ бўлиб кўринган бир ўрмонда оёқларимни зўрға судраб босиб кутиб оларман, деб ҳеч қачон тасаввур қилмаган эдим. Мен туғилган кунимни атиги бир марта нишонлаганман. Ўшанда ўн беш ёшга тўлган эдим. Дадам шим, оқ кўйлак, ҳалқаси бор камарлардан иборат матросча костюм совға қилганди. Мен бўлсам хурсандчилигимдан теримга сигмай кетгандим. Дадам ҳам ўшанда роса суюниб кетган, ҳар қанча яширмай десин қувончини ичига сиғдиролмай ошкор қилиб қўйган эди. Қарашидан: «Мана энди, сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг», — деяётгандай бўларди у менга. Мен-чи, мен ҳам катта бўлиб қолганимдан, яқин орада ёнига кириб унга ёрдам бера олишимдан ўзимда йўқ қувонар эдим. Шу кун кечкурун кичкинагина кўзичоқнинг гўштига сарсабил солиб пиширилган эди. Мен сарсабилни ўшанда биринчи марта еганман. Овқат гарчи менга ёқмаган бўлса ҳам, дадамнинг кўнглига қараб еган эдим. Орадан бир неча кун ўтгач, дадам ҳожатхонада папирос чекиб турганимда устимдан чиқиб қолди. Роса саваласа керак деб ўйлагандим. Йўқ, бундай қилмади. Фақатгина, мана шу бемаъни одатга майл қўйган бўлсанг, уйда очиқ-ойдин чекавер, лекин бирон ерни куйдириб қўймагин, деди. У шундай деди-ю, кетди. Мен эса папирос чекканимдан унинг қанчалик хафа бўлганини сезиб олгандим. Кейин шу-шу бўлди-ю, «Дейчеюгенд»га киргунимга қадар папиросни оғзимга олмадим.

Билмайман, нега буларни эслаб кетдим. Мен ҳаётимни, тақдиримни ҳал қиладиган бошқа жиддийроқ нарсалар ҳақида ўйлашим керак. Лекин ҳаётим қил устида туришига қарамасдан ҳал қилувчи нарсалар ҳақида ўйлолмаяман. Хотиралар — бу инсонларнинг қисмати, тақдири, одамлар хотиралари воситасида ўз умрига яқун ясай олиши мумкин. Одамнинг ҳаётида энг маъносиз ўтган даври деб ёшлик, болалик чоғларини олишади. Лекин ҳаётга яқун ясаб, умрга сарҳисоб берилганда ёшлик йилларидаги хотиралар нима учун биринчи ўринга қўйилади. Мана бундай пайтда одам боласини «бурчни бажариб, жамиятга келтирган фойдаси», деб аталмиш одатий хотиралар қизиқтирмайди... Чунки одам қандайдир мажбурият юклайдиган жавобгарлик туйғуси, аллақандай

бурчлари билангина юрагига яқин бўлган нарсаларга эмас, балки, аксинча, кўнглига мос тушган ва шуниси билан ўзига энг азиз, муқаддас бўлиб туюлган арзимас нарсаларгагина ўз вақтини сарфлайди.

Кўзимга ёш келди. Мен бу кўз ёшларим асабимнинг бузилганидан оқишини ҳечам хоҳламасдим. Шундай бўладиган бўлса, бу кўз ёшлар — кўз ёш эмас, балки, мен ҳечам хоҳламаганим — руҳий тушкунликка мубтало бўлганимнинг оқибати бўлади. Мен ҳам йиғлашни хоҳлайман, фақатгина ёшлигимда, қайси бир йили қиш кеч келганда, яъни қорни кутавериб-кутавериб тоқатим тоқ бўлиб, ўзим ясаган чана чордоқда кўп вақт бекор ётганда хафа бўлиб йиғлаганга ўхшаб, табиий йиғлагим келади. Билман, эндиги кўз ёшларим тиниқтирадиган уйку мисол ширин бўлмайди, бир вақтлар кўёш чиқишини ҳар куни орзулаб кутганимдагидек ёқимли кайфият бағишламайди. Энди кўз ёши менга зарурат, уйку эса — мажбурият, уйғониш бўлса, қоронғилик, зулмат дунёсидан муайян ҳаётга қараб қўрқиб туриб сакрашдир. Мен худди йигитликни, ўрта яшарликни сакраб ўтиб ёшлиқдан тўппа-тўғри кексаликка ўтиб қолган одамга ўхшайман. Ҳатто менинг ўзим ҳақимдаги тушунчам ҳам инсон ҳаётидаги мана шу босқичларни ортда қолдириб кетгандек таассурот қолдиради. Агар мен мана шу бемаъни ҳаётни мутлақо кўрмаган бўлганимда ёки бўлмаса, ўша ҳаёт ўзининг қонунлари-ю, ўзбошимчаликлари билан ер юзида мавжуд бўлмаганда қандай соз бўлар эди. Қонунсизлик қонунни тақозо этади, қонун эса инсонни бошқа қонунсизлик қилишга ундайди, бу қонунсизлик яна янги қонунни келтириб чиқаради ва ҳаёт шу зайлда давом этаверади, инсон ўлгунча мана шу хилда ҳаракат қилаверади. Борлиқдаги олий зарурият инсонни ҳаётга чорлайди. Шундан кейин табиат бағридаги ўзининг яширин сирларини очиш, ошкор қилиш мақсадида инсонни вужудга келтиради. Инсон бўлса, у сирларни барбод қилиш учунгина уни очади. Бу билан у гўё вужудга келтириш, яратиш ҳаётга, уйғунликка зид келадиган ўтакетган қабиҳлик, ёвузликдан ўзга нарса эмасликни исботламоқчи бўлаётгандай бўлади. Мен болалигимданоқ диндор бўлганман, гарчи худога кўнглимда у қадар чуқур ишонч ҳосил қилмаган бўлсам ҳам, мунтазам черковга қатнаб турардим. Энди-чи, энди ҳали юрагимда дин билан боғлиқ бўлган, лекин ечилмаган кўпдан-кўп саволлар қалашиб ётишига қарамай, худога мутлақо ишонмайман. Мен худога ишонмайман, вассалом. Тамоми сохталик, ёлғончиликдан иборат бўлган мана шу ҳаётда инсонларнинг ифлос-

лигини босиб кета оладиган, ундан заррача бўлса ҳам юқори турадиган диний ҳақиқат мавжуд бўлиши мумкин эмас. Черковнинг ҳам турган-битгани қаллоблик, ёлғончиликдан иборат. Чунки, у ҳам одамга битта гуноҳни тўғрилаб қўяди-ю, иккинчисини бемалол амалга ошириши учун шароит яратиб қўяверди. Ҳақиқат бор бўладиган бўлса, у фақатгина ер юзида бўлиши керак, агарда ерда ҳақиқат бўлмайдиган бўлса, бу ҳолда унинг олий назарий доираларда бўлишининг мен учун аҳамияти йўқ».

32

«Мен яна бугун йигирмага тўлишимни ва бу балоғат ёши одамнинг катта ҳаёт йўли сари очиладиган дарвоза эканлигини эслайман. Лекин ҳозир итдай чарчаганман. Мен учун бу дарвозалар очилганига анча бўлган, мен унда ҳеч қандай янгилик кўрмайман, олдимдаги йўлим эса чўлу биёбон. Менда шундай таассурот ҳосил бўляптики, мен ҳаёт билан видолашганга ўхшайман. Ҳозирги ҳолатимни назарга олмаган тақдирда ҳам мен фақатгина жисмоний эмас, ҳатто руҳан ҳам чарчаганимни сезиб турибман. Мен энди гўё бу дунёда ўзим учун ҳеч нарса бунёд қила олмайдиган одамга ўхшайман, энди мени ҳеч нима ўзига торта олмайдиган, қизиқтиролмайдигандек кўринади. Менинг олдимда икки параллель тўғри чизиқ бору, мен барбод бўлган тақдиримга тан бериб на ўнгга, на чапга бир қадам ҳам ташлашга имконим бўлмай, қаёқларгадир узоқ-узоқларга олиб кетувчи мана шу чизиқларнинг ўртасида бир маромда қадам ташлаб кетяпман. Бу параллель чизиқлар бир-бирини ҳечам кесиб ўтмайди, учрашишмайди. Агар шундай бўлган тақдирда мен бир оз тўхтаган ва ўзимни ростлаб, дам олган бўлардим.

Ҳорғинлик оёғимдан оляпти. Юришларим ҳам аста-аста секинлаб бормоқда. Мен тўсатдан йиқиламану туролмай қоламан, шу билан ётган жойимда ўлиб, ўлигим қузғунларга ем бўлади, ҳаётдан ном-нишонсиз йўқолиб кетаман, деб ўз-ўзимдан кўрқиб кетяпман. Балки, ҳаётдан шу ҳолда супурилиб кетишим мен учун энг тўғри йўлдир. Лекин шунга қарамасдан йўлимдан тўхтамаяпман, чап қўлимда пистолет, латгага ўхшаш жонсиз ўнг қўлимни кўкрагимга босганча бетиним олдинга талпиняпман.

Мен ўз жисмимни одам боласи чидаб бўлмайдиган азобларга солиб қийнаётганим учун ўз-ўзимдан нафратлана бошлайман. Ахир, ўзимнинг беозоргина нафасимни тиндирадиган, ортиқ даражада

ёмон кўрганим — кимсаларни асфаласофилинга жўната оладиган нарса ўзимда, чап қўлимда турибди-ку. Юришдан тўхтамай пистолетимга қарайман. Мен тўхташни хоҳлайман. Чунки бир зум йўлимдан тўхташимнинг ўзи йўлдан абадий тўхтаб қолганим бўлади. Бу нарса кўзимга адолатсизликдек кўриниб кетади.

Юқоридан товуш келди. Калламни кўтариб қарасам олмахон, у бир шохда кейинги икки оёғи билан турибди. Олдинги оёқларида эса бир нимани қисиб кўтариб олган. Олмахон бошини тез-тез эгиб ўлжасидан тишлаб-тишлаб олади, унинг чакаги бир зум ҳам тинмай, кавшагини кавшаган. У мени сезиб қолди-ю, бирдан овқатини тишлари орасига олиб дарахт танасидан югургилаб чиқди-да, шохлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Мен энди уни кўрмайпман, балки шохдан-шохга сакраётгандаги чиқаётган шитир-шитирни эшитяпман. Унинг ҳам бу сакрашлари менинг ўлиб қолишдан кўрқиб жон-жаҳди билан олдинга ташланишимга ўхшарди.

Қияликнинг этаги тобора кенгая бошлади. Бир неча ўн қадам юриб борганимдан кейин арчазорларни оралаб ўтган темир йўлга кўзим тушди. Бор кучимни тўплайман, шу дамда кучимга куч қўшилганини сезаман. Нега энди шу топда кучимга куч қўшилиб кетди? Эҳтимол, мен муносабатимни узмоқчи бўлган ҳаёт олдига яқинлашаётганим ҳақидаги фикрлар мени тетиклантирганмикин? Ёки бўлмаса, яна қайта шу ҳаётга киришим мумкинлиги менга куч бағишладими? Бу ерни энди танидим. Агарда ўртача қадам ташлаб юрадиган бўлсам, шаҳарни четлаб ўтиб, чамаси икки соатлардан кейин ўз уйимга кириб боришим мумкин. Пастликка тушяпман. Тош йўлдан у томонга ҳам, бу томонга ҳам тинимсиз машиналар ўтиб турибди. Йўл гарчи икки тарафлама бўлса ҳам ваҳиманинг ини эди. Темир йўл устасининг будкаси ёнида бир немис патрулини кўриб қоламан, нима қилишим кераклигини ўйлаб чиқаман: мен, у сезиши ва келиб ёрдам бериши учун чақиришим зарур, деган қарорга келиб, бақирмоқчи бўламан. Бироқ товушим бўғзимга келганда томоғимни парда қоплаб олади-ю, овозим тиқилиб чиқмай қолади, бундан ҳатто қўнглим айниб ўқчигим келиб кетади. Шу топда қочишдан аввал қилиб қўйган аблаҳликларимни унутиб қўйган эдим. Бундан атиги икки кун муқаддам «ўзимизникилар» деб атаганим одамлар учун мен «сотқин» саналганим ва шафқатсиз ҳукмга лойиқ топилганимни эсдан чиқаргандим. Ярадор қўлим қалтираб кетди-ю, мени хушимга келтирди. Будка атрофида тўдаланиб олишган солдатларнинг қандай келишаётганини эшитяп-

ман. Улар бир аёл билан майнабозчилик қилишганча нималарнидир ейишарди. Уларнинг эгниларида яп-янги форма, куроллари ялтирайди. Ихтиёрсиз ўз устимга қарайман. Қора мундирим мутлақо бошқа рангга кириб кетган, камаримни қаердадир йўқотиб қўйганман, формага хилоф бўладиган энг асосий нарса шу эдики, оёғимга этик ўрнига Клауснинг ботинкасини кийиб олган эдим (менга ундан қолган яккаю ягона ёдгорлик шу эди, холос). Ботинка билан галифе шим кийиб олганлигим, бунинг устига эгнимдаги мундиримнинг кир ва ғижим бўлиб кетганлиги уларнинг диққатини тортади ва бу нарса албатта шубҳага туширади. Турган жойимда қаққайиб, тамоман саросимага тушаман, калламда қандайдир туман, хиралик пайдо бўла бошлайди. Аъзойи баданим қалтираб кетади, ўзимни ёмон сеза бошлайман. Лекин қандай қилиб бўлмасин уйга етиб олишим керак бўлса, у ҳолда фақатгина кеч бўлишини, қоронғи тушишини кутишим лозимдир».

33

«Бир неча соатни ҳали ҳам хотиржам, секин-аста ураётган юрагимга, атрофдаги ҳар хил овозларга сезгирлик билан қулоқ солиб ярим беҳуш ўтказдим. Юрагим бақувват, буни биламан, Клаус юрагинг айғирнинг юрагидай бақувват, деб неча марта ўзимга айтган. Юрагим хусусида хотиржамман, кўрқмайман. Кўрқаётган ерим қўлимнинг қорайиб қолган жойи — қон оқмасин деб тирсагимнинг пастроғидан маҳкам сиқиб боғлаб қўйилган жой. Қўлимнинг ўша қисмини пайпаслаб кўраман, чимчилайман, ҳеч нарса сезилмайди. Шишиб кетган у. Бармоқ билан босиб кўрсам, босган жойим оқармайди. Бу, демак, ё қон зўрға айланаяпти, ё бўлмаса мутлақо қон юрмаяпти, тўхтаб қолган.

Темир йўлни кўзимдан қочирмай яна ўрмон бўйлаб одимлашда давом этаман. Қоронғи тушгунча мана шундай юриб бораман-да, қош қорайгандан кейин далани кесиб ўтаман, деган қарорга келиб қўйдим.

Уйга яқинлашган сарим, уйдагилар мени қандай кутиб олишларини аниқ тасаввур қилишга ҳаракат қила бошлайман. Элиза дастлаб уйга киргизмайди. Кейин туриш-турмушим юрагига таъсир қилиб, раҳмини келтиради, бора-бора хушмуомала бўлиб, дилбарлиги тутиб кетади. Қизиқ, мен тасаввур қилаётган унинг раҳм қилиши мени таҳқирламаяпти, аксинча, бу билан юрагимга дармон, руҳимга қувват бағишляяпти. Бундай зарурият юзасидан

қилинадиган раҳм-шафқат хусусида гапирганларида мен доим дар-
ғазаб бўлиб кетардим, энди-чи, мен ўша раҳм-шафқатни тан оляп-
ман, уни одамгарчиликнинг ажойиб бир кўриниши, деб ўйляяп-
ман. Қалламда фикрлар шундай гужғон ўйнайдики, биронтасини
ҳам ниҳоясига етказиб ўйлашга ҳолим йўқ. Бу фикрлар мен ман-
фур ғоялар йўлида мустақил фикрлашдан воз кечганимдан, қуло-
ғимга қуйишган ўша ғоялардан сал бўлса-да, чалғиганимда ўз-
ўзимдан нафратланиб кетадиган бўлиб қолганимдан буён илк бор
вужудимни изтиробга соляпти. Улар одамдаги фикрлаш итоаткор-
ликнинг, бўйсунушнинг кушандаси эканлигини, унинг иродаси-
ни бўшаштиришини жуда ҳам яхши билишарди. Мабодо, одамга
бир иш фикрлаш қобилиятини йўқотиб қўйгандан кейин топши-
рилса, у ҳақиқат тарафида туриб ҳаракат қилишдан маҳрум бўлиб
қолади. Улар, биринчи навбатда, худди мана шуни менинг миям-
га қуйишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишган эди. Ўз муста-
қил фикри йўқ одам эса ўзини енгил сезади, жавобгарликни ҳис
қилмайди. Мен шу топда илгариги аслимга тушишим, мен учун
кимлардир ўйлаб, кимлардир жавоб беришини ҳис қилишим учун
ҳар нарсани, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёр эдим. Мендаги
тўтиқушлик аллақеқларгадир ғойиб бўлди. Унинг ўрнига фикр-
лар, мулоҳазалар пайдо бўлди. Бу фикр-мулоҳазалар менга қарши
бош кўтариб, қилган қилмишларимни сарагини саракка, пучаги-
ни пучакка ажратяпти, миямни қотирияпти.

Қош қорайди. Катта юк машинаси ўтиб кетишини кутиб ту-
рибман. Машинанинг устида қуролли солдатлар ўтиришибди. У
ёқ-бу ёққа қараб олиб атрофда ҳеч ким йўқлигига, ўтиш учун
қулай пайт келганлигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин тош
йўлни шартта кесиб ўтаману, шудгорнинг қоқ ўртасидан йўл
соламан. Ер юмшоқ, оёқ ботиб кетади, юриш оғир. Қияликдан
баландликка кўтарилгач, шаҳарнинг қиёфасини кўрмасданок,
унинг қандай ҳолга тушганлигини тасаввур қилиб билиб оляп-
ман. Ҳаводан жизғанақ, тутун ҳамда бензин ҳиди анқийди. Бом-
бардимон ёдимга тушади. Шундан кейин уйимизга яқин бўлган
авиация заводи тарафга қарайман. Лекин қоронғи бўлгани учун
қандайдир харобаликлару, шу харобаликлар ўртасида бўй чўзиб
турган бошқармаиз жойлашган минорадан бўлак ҳеч нима кў-
зимга кўринмайди. Пистолетимни белимга қистириб, олдинга
қараб юришда давом этаман. Демак, юришга қодир эканман,
энди чидаб бўлмас даражага келиб қолган қўлимнинг оғриғини
ҳам, алаҳсирашу ҳорғинлигимни ҳам енгиб ўтишга қудратим
келаркан-да.

Кўчамга нари борса юз қадамлар чамаси қолди. Мен бомба тушиб ҳосил бўлган бир неча чуқурларни ёнлаб бориб қаршимдан келган биринчи уйни айланиб ўтдим. Уй бутун, лекин ойналари синган, томининг баъзи ерларидан черепицалари учиб кетган. Эҳтиётгарчиликни тамоман йиғиштириб қўйдим. Жоним бори-ча югургим келади, лекин йиқилиб кетмай деб деворларни ушлаб аранг олдинга силжийман. Мана, сув тарқатадиган колонкага ҳам етиб келдим. Кимдир ричагини туширмай қолдирибди, сув оқяпти, эҳтимол у синиб кетгандир. Уйимиз муқолишдан туриб қараганимга шундай бўлиб туюлдими, ҳар қалай кўзимга жудаям қора бўлиб кўринди. Деворларию томи ҳам қоп-қора, ҳатто оқланган омборхона ҳам худди туннинг ўзгинасидай илғаб бўлмас даражада қорайиб кетган. Яқинроқ келаман. Мен худди деворнинг орасидан ўтиб кетганга ўхшайман, аслида эса ҳеч нарсага урилганим йўқ, менга ҳеч нима тўсиқ бўлмади, балки билмай Матейнинг боғига кириб қолдиммикан? Йўқ, ундай эмас. Кўрқа бошладим. Цемент зинапоямизга кўзим тушди. Бизнинг уйимиздаги цементдан ишланган яккаю ягона нарса фақат шу зинапоя эди. Зинапоянинг нарёғида ҳеч нима йўқ, бўм-бўш. Фақатгина қорайиб турган мана шу зинапоя ўз ўрнида қолган эди, холос. Мен узоқдан кўзимга уйнинг деворлари бўлиб кўринган ердан ўтаман. Бироқ, уй йўқ, унинг ўрнида қоп-қора тун, чексиз зулмат ҳукмрон эди. Суянишга ҳам ҳеч нарса қолмаган. Бомбадан пайдо бўлган чуқурликка йиқилиб кетишдан кўрқаман, ахир, фақатгина бомбагина бизнинг уйимизни кунпаякун қилиши мумкин эди-да, ундай десам, қалтираётган оёқларимнинг остидаги ер теп-текис эди. Нима бўлганикин? Саволим саволигича жавобсиз қолади, энди тамоман ҳолдан тойдим. Мен яккаю ягона бузилмай қолган зинапояга суянаману, секин-аста сирғаниб ерга ўтириб қоламан. Остидаги ер назаримда менга иссиқдек туюлади. Уйимиздан ҳеч нарса қолмабди, ҳатто тахтадан ясалиб оқланган ҳожатхонагача ер билан яксон бўлиб кетибди».

34

«Шу зайлда жонсиз зинапояда қанча вақт беҳуш ўтирганимни билмайман. Бир маҳал яқин ердан оёқ товушлари, хўрознинг қичқиргани, итларнинг акиллагани қулоғимга кирди, шундан билдимки, тирик эканман, ҳушимга келибман. Ой чиқди, кўзимни очиб қарасам, ҳаммаёқ куйиб кул бўлган. Лекин қизиғи шундаки, бу ерда на харобалик, на вайрон бўлган деворлар бор.

— Ким бу?

Назаримда, мени кимдир итараётгандай бўляпти. Ё менга шундай туюляптими? Йўқ, туртяпти, кўзимга биров туртгандай бўлиб кўринаётгани йўқ. Яхшилаб қарасам, рўпарамда бир одам шарпаси турибди, тагин бу ким денг — укам Ионуц. У менга тикилиб турарди. Ой юзимизни яхшилаб ёритяпти, шундоқ бўлса ҳам у мени ё танимаяпти, ё ўхшатса ҳам яқин келишни хоҳламапти.

— Ионуц, бу мен, Силеман. Қўрқма...

Ионуц мен томонга бир қадам ташлади. Таниди, лекин гап-лашгиси келмаётганга ўхшайди. Шундай бўлса ҳам қўлларини чўнтагига тикқанча менга тикилиб турар, биров тагин кўзимга Василе бўлиб кўриняптими деб, ўз кўзларига ишонмасди. Унинг серрайиб туришидан аччиғим чиқа бошлади. Шундан кейингина Ионуц хўнграб, ўзини бағримга отди. Билдимки, у сўнгги дақиқаларгача мени танимаган экан. Бу ёғига Ионуц ўзини қўйворди. Дам кўз ёшларини оқизиб пиқиллайди, дам тўхтайдди, кейин яна хўнграб юборади-да, сўнг жим бўлиб қолади. У инграб йиғлаётганга ўхшайди. Қани энди ҳолим келса-ю, уни юпатсам, бўлиб ўтган ҳодисаларни сўраб-суриштираман. Мен унинг бошини силаб эркалай бошладим, шундай меҳр билан эркалардимки, умримда ҳали бирон кимсани бу даражада суюб эркаламаганман. Мен унинг қайноқ кўз ёшлари кафтимга оқиб тушаётганини сезиб турибман. Титраб кетаман, шу пайт бошқа бир хаёл вужудимни қамраб олади. Ахир шу аснода ҳаётимга чанг соладиган бошқа воқеалар бўлиши мумкин-ку, буни мутлақо ёддан чиқарибман, мен бу ҳақда ўйлашим керак эди-ку, аслида ўз фикримга ишонч ҳосил қилмоқчи бўламан-да, тахмин-гумонларимни фақатгина Ионуц тасдиқлай олиши мумкин, деган ўйда бу ҳақда ундан сўраб кўраман».

— Ҳа, ўшалар бундан икки кун аввал келиб ўт қўйиб кетишди, — дейди Ионуц ҳиқиллаб йиғлаб, — ҳалиги боши тухумга ўхшаган киши бор-ку, ўша ва яна бошқалар келишди. Кейин уйдан ном-нишон қолмасин деб, йўл текислайдиган машинада текислашди. Фақатгина зинапояни йиқитишолмади, шунинг учун ҳам у жойида турибди. Ойимни ҳам олиб кетишди. Уни ёмон немис экансан, Василени беркитиб қўйибсан, дейишди. Мен сени уларнинг ёнидан қочиб кетганингни эшитган эдим. Уларнинг гапига қараганда, қочишингда гўё ойим ёрдам берганмиш. Ахир, мен ҳамма вақт уйда бўлсам, сени бир марта ҳам кўрган-ним йўқ-ку. Шундай бўлгандан кейин ойим сенга қанақасига

ёрдам бера оларкан... Энди менинг ҳеч кимим қолмади. Фақат ёлғиз ўзинг қолдинг, Силе, агар сени тутиб олишса... Виссарионнинг оғзи қулоғида. Шундоқ бўлиши керак эди, деб ҳаммага валдираб юрибди. Қишлоғимизга бомбалар тушаётганда, менинг ҳам устимга биттаси тушсин, ўлиб кета қолганим яхши, деб ўйлагандим. Энди ёлғиз эмасман, сени топдим. Ўлишни хоҳламайман, чунки мен барибир сенинг немисларга ўхшамаганлигингни билардим-да. Агар уларга ўхшаб битта-яримта ёмон иш қилиб қўйган бўлсанг уни сен ўзинг хоҳлаб қилмагансан, улар йўлга солишган. Мен сени биламан-ку, ахир.

Василе Ионуца ҳеч нима деб жавоб беролмади. Томоғига бир нарса тиқилиб қолгандай овози чиқмади. Унинг гаплари бошига чўқмор билан ургандай бўлган, бундай бўлишини сираям кутмаган эди. Ионуц йиғлаб ўзини Василенинг бағрига ташлаган пайтда калласига гира-шира нохуш хаёллар келган эди. Мана энди ўша фикрлари чинга айланиб бутун вужудини ёндириб юбормоқда.

— Ўзимни ёмон сезялман, Ионуц, сув келтир...

Ионуц югуриб колонкага борди-да, шапкасини бошидан олиб сув тўлдирди. У Василега нимадир бўлса ҳам ёрдам бера олишидан суюниб кетган эди. Ионуц етиб келгунча сувнинг ярмичаси шапкадан оқиб кетди, лекин шундай бўлса ҳам унда Василе томоғини ҳўллаб бир неча қултум ютиб олиши учун етарли сув қолган эди. Василе сувни ичиб олгандан кейин ўзини анча яхши сизди. Ионуцнинг Василени шу қадар шодиёналик билан кутиб олгани унинг эзилган қалбини виждон азобига солди, лекин шундай бўлса ҳам укасининг кўрсатган меҳр-шафқатидан суюнди, унга юракдан ташаккур билдирди.

— Ионуц, сен мени қаерга бўлмасин яширишинг керак. Мени яширгину, қаердалигимни ҳеч кимга айтма. Мабодо, Ануца хола-ни кўриб қолсанг, унга Матей тирик, қамоқдан қутулган, Денеш ҳам шундай, деб қўйгин. Балки, бирон егулик нарса топарсан? Бир неча кундан буён ичимга ҳеч нарса киргани йўқ, очман.

Виссарион Байяш яшайдиган ўнг томондаги девор тарафдан қадам товушлари эшитила бошлади. Кейин девор оша Виссарионнинг боши кўринди.

— Ионуц, ким билан гаплашяпсан. Бу ёққа кел, конфет бераман.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Василе зинапояга яна маҳкамроқ қисилди. Кўк рангли целлофан қоғози билан ойнаси беркитилган электр чироқчасининг нури Василенинг юзига тўғриланди.

Нур кейин мундири ва ботинкасига қаратилди. Бирдан қаҳқаҳа эшитилди. Байяш девордан сакраб ўтиб, зинапоянинг олдига келиб тўхтади-да, чироқчасини Василенинг кўзига қадади.

— Ким билан гаплашаётганим билан сенинг нима ишинг бор? Хўжайинмисан? — Виссарионга ўдағайлади Ионуц. — Кет бу ердан, бизга халақит қилма. Мен ёлғиз эмасман.

— Ўчир овозингни, итвачча. Жаноби Негоицэ келганини кўрмайсанми? Хуш келибсиз, жаноби Негоицэ. Кўринишинг яна зўр-ку, савлатингдан эшак хуркади-я! Мўйловларинг ҳам ўсиб кетибди. Сигарета чекмайсанми? Мана шунақа мўйловларнинг тагида сигарета туриши жуда ярашади-да. Ёки бўлмаса, улар келиб олиб кетиши, госпиталгами ёки бошқа бирон жойгами ётқи-зишлари учун менинг ҳозироқ бориб телефон қилишимни буюрасанми? Билишимча, қаттиқ бетобга ўхшайсан.

— Ўчир чироғингни.

— Жаноби Негоицэ, нега ўчирарканман? Ахир мен сени кўрганимдан беҳад хурсандман-ку. Сен хаёлинггаям келтирмайсан, теримга сиғмай қанчалик суюниб кетаётганимни!

— Ўчир дегандан кейин ўчиргин-да, жўнаб қол. Йўғ-э, кетма. Жойингдан бир қадам ҳам жилма.

— Жаноби Негоицэ, кўрқиб кетяпсизми? Ҳа-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа! Мендан кўрқяпсан! Ҳали шошмай тур, кўрсатиб қўяман сенга! Улар билан ош-қатиқ бўлиш яхшиликка олиб келмайди, деб сенга бошида айтмабмидим? Қай кўйга тушдинг-а! Балки, мана шу мишиқи бурнингнинг остига сигарета қўнқайтиришни хоҳларсан! Хоҳламайсанми? Э, аттанг!

— Виссарион, қаёққа? Мен кетмагунча жойингдан жилма.

— Кўрқиб кетдингми? Буни қара-я! Жаноби Негоицэ, қаерга боришимни нега энди сиздан яшириб ўтиришим керак экан? Нима, менга раҳминг келяптими, мен оёқда тик юрганим билан бугун аъзойи баданим қалтирайди, кечалари ухлолмай чиқаман, шу ҳолга тушиб қолганман. Одатда яхшиликка яхшилик билан жавоб беришади, Василе. Сен менга нималар қилган бўлсанг, мен ҳам сенга худди шундай қиламан. Матей амакини сотиш менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Ундан нима ёмонлик кўрибман? Бунга мени сен мажбур қилдинг. Ўша машъум кундан буён ҳаммомга бориш тугул, унинг яқинига ҳам йўламайман. Ҳатто сув ичаётганимда ҳам кўрқиб-кўрқиб ичаман. Биринчи навбатда нималар қилишимни сенга айтиб бераман, хоҳлайсанми? Уйимнинг хоналарини кўпайтираман, ёнига яна бир хона қўшаман. Мана шундай бахтли учрашувдан воз кечиб бўладими? Агар сени

қўлимдан чиқариб юборадиган бўлсам дунёда иккита аҳмоқ бўлса, бири мен бўлардим. Менинг ҳам ўзимга яраша ақлим бор, Василе. Ишимни билиб қиламан. Мана, масалан, сен ҳозир туриб, мени сотқин деб бор овозинг билан қичқиришинг мумкин. Лекин сенинг гапларингга ким ҳам ишонарди? А? Умуман, сенинг ўзингга ким ишонади? Аксинча, мен ҳозир сенинг қилган ишларингни, кимлигингни гапириб берадиган бўлсам, ҳар қандай одам ишонади. Сен ўлганингдан кейин бир неча йил ўтгач, қабрингга келаман. Ўшандаям сенга қабр буюрган бўлса, балки ўлигинг итдай кўчада қолиб кетар. Ана ўшанда ким бўлганимни секингина бошингда айтаман. Мен эса, ҳаётдан ўрнимни топаман, чунки мен ақлиман, сенга ўхшамаганман.

— Тирик қоламану, одам бўлиб юраман деб суюнпясанми, аблаҳ?

— Нега суюнмас эканман? Нима, ҳаёт сенга ўйинчоқми? Сен ҳозир тирик қолишинг учун бор нарсангдан кечишга тайёрсан, лекин бахт сендан юз ўгирди. Сен аросатда қолдинг, икки томоннинг ҳам бошига битган бало бўлдинг. Сенинг ваннангга тушиб чиққанимдан буён қандай қилиб қон тупураётганимни ҳаммага айтиб, кўрсатиб келаман. Нима, назарингда сенинг буйруғинг бўйича индамай бўлган нарсаларни ичимда сақлаб юрадиган аҳмоқмидим? Замон ўзгаради. Немислар яқин орада туёғини шиқиллатади. Шундай бўлгандан кейин гестапода мени қийнашганларини ҳамма билиб қўйсин. Василе, эҳтимол, мен немисларга ҳам, бошқаларга ҳам баб-баравар ишлагандирман, лекин бу нарса ҳеч кимга аён эмас. Буни ҳаёт дейдилар, яшагандан кейин шундай яшагинки, вақти келиб қолганда ҳатто ўлимга ҳам чап бериб кетиш йўлини билгин. Масаланинг бутун моҳияти ҳам мана шунда. Сен немислар билан ҳамтовоқ бўлмоқчи бўлдинг, шу билан бирга ўзимизникиларга тегишни унчалик хуш кўрмадинг. Лекин бунинг уддасидан чиқолмадинг, кўнглингдаги бўлмади. Энди сен ҳеч кимга керак эмассан. Василе, тўғриси айтсам, сен шўрликка раҳмим келяпти, балки сигарета чеккинг келаётгандир. Шу мўйловларингга жуда ярашади-да. Бир дона бериб туришим мумкин. Ҳо, Гаврилуш, одамларга айт, Василе келди. Шошма, шошма, сен шу ерда қараб тур, қаерга кетаркин. Менинг эса жиндаккина юмушим бор.

— Байяш, жойингдан жилма!

Василе секин-аста пистолетини чиқарди. У билардики, агар Байяш ҳозир кетадиган бўлса, иш тамом, жонидан умидини узаверса ҳам бўлади. Василе ўрнидан туриб, Виссарионнинг олдига яқин келди. Чироқча кўзини қамаштириб қўйган эди. Вис-

сарион чироқчасини шу ёққанича худди Василе бир лаҳзада ғойиб бўлиб қолади, деб қўрққандек ҳали бир мартаям ўчирмаган эди. У қўлида чироқчаси борлиги учун Василенинг пистолет кўтарганини сезмай қолди.

Василе кутилмаганда Виссарионни сочларидан маҳкам чангаллаб, шиддат билан ўзига тортди.

— Суюнма, Байяш, ҳаётни жудаям севаркансан. Бу яхшиликка олиб келмайди.

Бўғиқ ўқ овози эшитилди-ю, Байяш ихраб юборди.

— Нима қиялпсан, Ва...

Виссарионнинг охириги сўзлари бўғзида қолиб кетди. У аввал таъзим қилмоқчи бўлгандай секин тиззалади, кейин ёнбошлаб йиқилди. Қўрқиб кетган Гаврилуш нима ҳодиса рўй берганини тушунмай, отасига жавдираб қараб турарди.

— Дада, нима бўлди? Ҳеч ким сени қувиб келмаяпти, биров қўрқитаётгани йўқ, нега қўрқиб кетдинг? — отасининг баъзи кунлари уйда қўрққанидан шунақа аҳволга тушиб туришини эслаб минғирлади Гаврилуш.

Василе кўчага чиқди. Гарчи ўқ қоринга тираб туриб узилган, овози бўғиқ чиққан бўлса ҳам, барибир уни одамлар эшитган эди. Эшик олдиларида, деразаларида одамлар кўрина бошлади. Кейин бирдан Гаврилушнинг додлаган овози эшитилди.

— Дадамни ўлдирди! Дадамни отиб ўлдирди!

Одамлар йўлнинг ўртасида ким кетаётганини таниб олишгандан кейин ҳар чеккадан шивир-шивир эшитила бошлади. Василе бир тарафга бурилди. Унинг ҳозир ҳаммадан бурун Ионуцни кўргиси, мен қайтиб келаман, албатта келаман, лекин афсуски, ҳозир қола олмайман, иложим йўқ, деб унга бир оғиз ширин гапиргиси келарди. Лекин Ионуц қаёққадир йўқолган, ғойиб бўлган эди. У фақатгина шағал уюми олдида, Василега тошлар ёғилаётган пайтдагина етиб келди.

— Нега менинг акамга тош отяпсизлар? Бунақа қилманглар, ахир у менинг акам-ку! — қичқирди Ионуц.

У келиб ўз танаси билан Василени тўсди. Дўлдек ёғилаётган тош бир лаҳза тинди. Василе ҳимоя қилиб қўлларини ёш боланинг нозик қўли маҳкам сиқиб олганини сизди. Шундан кейин у ўзини Ионуцнинг ҳимоясига олди.

— Кимда-ким болани урадиган бўлса, отиб ташлайман! — қичқирди Василе.

Бу кўчалар энди Василега бегона бўлиб қолган, у бу ерда бир дақиқа ҳам қололмас эди. Шунинг учун қадамини тезлатди.

Ионуц қўлида бир бурда нон ушлаганча яна бирмунча вақт унинг кетидан югуриб борди. Лекин кимдир уни қўлидан тортиб силтаб юборган эди, муккасидан йиқилди.

Хуштак овози чиқди, яна ҳаммаёқдан тош дўлдай ёғилди. Василе бор кучини йиғиб югуришга тушди.

— Силе! Қаёққа қочяпсан, Силе! — орқасидан Ионуцнинг товуши келди.

Бу товуш унинг юрагига ханжардай санчилди. У бир зум тўхтади. Орқада энди овозлар ҳам эшитилмаётган эди.

— Ҳей, Павел, қўй, кетаверсин! Барибир ўзимизникилар ушлаб олиб ўлдиришади. Шунга ҳам қўлимизни булғаб юрамизми?

Кимдир яна ўшқирди, ҳавода тошнинг визиллаган товуши эшитилди. Шу пайт Василе тик турганча ҳарсиллаб зўрға нафас оларди. У ўзи тарафга учиб келаётган тошни сезган эди-ю, лекин ўзини олиб қочишга улгурмади. Василе бошига теккан тошнинг оғриғини ҳам, кўзига оқиб тушаётган қонни ҳам сезмади. У шу онда Ионуцнинг овозини яна бир марта эшитгиси келарди. Лекин чор атрофда жимлик, сукунат ҳукм сурарди. Василе гандираклаб кетди. У қоронғи бўлгани учун ҳам ҳеч нимани кўрмаётиман, оёқларимнинг таги эса сирғанчиқ лой, шунинг учун қоқилиб кетяпман деб ўйлади. Бир оз ўтгандан кейин қандайдир тупроқ уюмининг устига чиқиб кетаётганини сезиб қолди. Кейин ўнг оёғи пастга тортиб кетди-ю, тиззалаб ўзини зўрға тўхтатиб қолди. Дўнгликни айланиб ўтиш мумкин эди-ку, унинг устига чиқиб кетишга нима ҳожат туғилиб қолди ўзи? У ўзининг саволига жавоб бериб ҳам улгуролмади, яна сирғаниб сув тўла чуқурга тушиб кетди. Василе турмоқчи бўлиб интилган эди, туролмади. Миясига қаттиқ оғриқ кирди. Чаккасида нимадир ёрилиб кетди. Ушлаб кўрмоқчи бўлган эди, бақувват қўллари амрига бўйсунмади. Шундан кейин кўзини осмонга тикканча қимир этмай ётаверди, яна ой чиқди. Василе секин-аста атрофига аланглаб қаради-ю, бутун вужуди қалтираб кетди. У тўртбурчакли чуқурда ётарди. Бу чуқур унга нималарнидир эслатди, лекин нима эканлигини аниқроқ хаёлига келтиролмади. У нега одамлар мени таъқиб қилишни тўхтатиб қўйишди, нега кимсасиз итдек ўлиб кетишимни раво кўришди, деб ўз-ўзидан сўрай бошлади. Лекин ҳар қанча ҳаракат қилмасин бунга жавоб топа олмади. Бир зум унинг хаёлига бугун, худди шу бугун йигирма ёшга тўлиши келди. Шундан кейин унинг ҳозирча кўриб турган ўнг кўзини секин-аста ёш пардаси қошлаб олди. У нима сабабдан ўляпти, айна умрининг баҳори энди бошланган, ҳаёт ўзи-

нинг бутун гўзалликларини унинг кўзи олдида намоён қиладиган мана шу ёшида нега ўлимга маҳкум қилиняпти. Василе мана шуларни жуда-жуда билгиси келарди. Бир дақиқа кўз олди-дан уни ўз қаърига тортиб кетган ўша таниш жирканчи ҳаёт, ўлими олдида ғазабга тўлиб мажолсиз ётган ҳозирги пайтида кўзига яқин ҳам баттар мудҳиш кўриниб кетаётган ўша дунё ўзининг бутун фисқ-фасодлари билан ялт этиб ўтди. Василе яна осмонга қаради. Ўроқ ой ёритиб турган осмон худди секин-аста парашютда тушаётган ҳайбатли гумбазга ўхшарди. Василе назарини бошқа тарафга олди. Бирдан кўз олдида бошқа манзара жонланди. У бу ерни таниди. Ахир, бу ер отасини отишган жойнинг ўзгинаси-ку. Унинг аъзойи баданини сўнгсиз даҳшат, кўрқув қамраб олди. Йўқ, у бу ерда ўлишни хоҳламайди. Қандай бўлмасин — тирноқлари билан ер тимдалаб, тишлари билан ер тишлаб бўлса ҳам эмаклаб бу ердан чиқиб кетиши керак. Бироқ Василе ер тишлаб эмаклаш у ёқда турсин, ётган жойидан қимирлай олмади ҳам. Кўрқувдан ўйнаб кетган кўзидан дона-дона бўлиб шаффоф ёш томчилари оқиб туша бошлади, кейин бу ёшлар секин-аста кирланиб қорая бошлади, ва ниҳоят, унинг кўзини бутунлай кўр қилиб қўйди.

Қаердандир Ионуцнинг овози келди:

— Силе, қаерлардасан, Силе, овоз бер! Мени ёлғиз ташлаб кетма...

Василенинг танаси охири марта жон талвасасида бир тортишди-ю, қотиб қолди. Бир кўзи очиқ, юзи эса осмонга қараганча қолди. Лекин осмон энди унинг учун ўз моҳиятини йўқотган эди.

«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси

Адабий-бадий нашр

Петре Сэлкудяну

ГУМРОҲ

Роман

Муҳаррир *Д. Исмоилова*

Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳиҳ *Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашр. лиц. АИ №158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 02.03.2011.

Офсет қоғози. Бичими 60×90¹/₁₆. Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 24,5. Нашр табағи 24,96. 5000 нусхада.

Буюртма №11-26

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

Петре Салгудяну

ГУМРОХ



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-653-8



9 789943 016538